


# Жаҳон АДАБИЕТИ

Адабий-бадiiй, ижтимоiiй-публицистик журнал

207



## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил шондан чиқа бошлаган

№ 8/207

2014 йил, август

**Бош муҳаррир:**  
*Шухрат РИЗАЕВ*

**Жамоатчилик кенгаши:**

*Эркин ВОҲИДОВ*  
*Абдулла ОРИПОВ*  
*Омонулла ЮНУСОВ*  
*Муҳаммад АЛИ*  
*Муҳаммаджон ҚУРОНОВ*  
*Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ*  
*Иброҳим ҒАФУРОВ*  
*Низом КОМИЛОВ*  
*Хуршид ДЎСТМУҲАММАД*  
*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ*  
*Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ*

**Таҳрир ҳайъати:**

*Омонулла РИЗАЕВ*  
*(масъул котиб)*  
*Амир ФАЙЗУЛЛА*  
*Назира ЖЎРАЕВА*  
*Музаффар АҲМАД*  
*Дилдорхон АЛИЕВА*  
*Алимурод ТОЖИЕВ*  
*Шаҳноза НАЗАРОВА*  
*Севара АЛИЖОНОВА*

## МУНДАРИЖА

Алишер НАВОИЙ. **Шоҳбайтлар**..... 3

### НАСР

И.ФРАНКО. **Феруза**. *Ҳикоя.*  
*(Рус тилидан Чўлпон тарж.)*..... 5  
П.ЗЮСКИНД. **Ифор**. *Роман.*  
*(Рус тилидан Г.Саидганиева тарж.)*.....22  
Ш.УСНАТДИНОВ. **Шоирнинг ёшлиги.**  
*Роман. (Қорақалпоқ тилидан М. Аҳмад тарж.)*...100

### ГЛОБУС ОКЕАНИЯ

**Мингорол мамлакатлари**.....139  
**Океания шеърияти**.....146  
**Океания насри**.....163  
**Унутилмас сиймолар**.....192

### ДРАМА

А.ДУДАРЕВ. **Чиқиндихона.**  
*(Рус тилидан Ш.Бошбеков тарж.)*..... 56

### УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

Рамз БОБОЖОН.....91

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Д.АҲМЕДОВА. **“Тарихи Рашидий”** *инглиз тилида*..... 182  
О.КАРИМОВ. **Метафора – поэтик тафаккур асоси** ..... 187  
**Таквим** ..... 203  
**Муқовамизда** ..... 205



## ШОҲБАЙТЛАР

\*\*\*

*Ажаб йўқ васл хайли тушкали тартиб этар манзил  
Гар ашқу оҳ ўти элнинг кўзу кўнглини пок айлар.*

\*\*\*

*Зухду тақво бузди обод айламак бирла мени,  
Шукрким, ишқу жунун бузмоқ била обод этар.*

\*\*\*

*Ишқ водийсинда мақсад ичрадур аввал қадам,  
Ўзлукунг кўҳи балоси бўлмаса оллингга сад.*

\*\*\*

*Чун азалда сарнавишт<sup>1</sup> ўлгонни кўрмай чора йўқ,  
Ҳар замон айлаб ишқоят қилма даҳри дунни ёд.*

\*\*\*

*Сенга сайд ўлғали урён бўлубмен,  
Қачон юлди тириклай қушни сайёд.*

\*\*\*

*Ҳабибим истар бу гулиан аро ҳар дам гул ислармен,  
Мени Юсуфдин айру қилди қонлиг кўнглаги хурсанд.*

\*\*\*

*Билки, сендиндур бори дардим, не фикринг ҳолима,  
Дардманд эл ҳолин ул билгайки, бўлғай дардманд.*

\*\*\*

*Кўзумнинг мардуми одамдурур, гўё қаро бўлган  
Бу ёшларким бўлур зоянда андин барчаси фарзанд.*

\*\*\*

*Халқнинг қайди Навойини паришон айлади,  
Кимки жамъият тилар, қилмоқ керактур ўзни фард.*

<sup>1</sup> Тақдир.

<sup>2</sup> Туғилиш.



## Таржима тилида айтилган ҳақиқатлар

*Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида XX аср адабиёти алоҳида ўринни эгаллайди. Бу давр адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятларидан бири шундаки, шу даврда ижод қилган қарийб барча шоир ва ёзувчилар айни пайтда бадиий таржима санъати билан ҳам машғул бўлдилар. Бу соҳада шоир, публицист ва драматург Чўлпоннинг фаолияти, айниқса, самарали бўлди.*

*Чўлпон ўтган асрнинг 20-йилларида Москвадаги миллий драма студияси учун рус ва жаҳон драматургияси намуналарини ўзбек тилига ўгириш билан таржимонлик фаолиятини бошлади. У 20-йиллар охири – 30-йилларнинг биринчи ярмида бадиий таржима билан шу қадар фаол шуғулландики, асарларини таржима қилган ёзувчилар рўйхатининг ўзиёқ бизни ҳайратга солади. Афсуски, у таржима қилган аксар саҳна асарлари ўз вақтида нашр этилмаганлиги боис 37-йилнинг гулханларида ёниб кул бўлган. Бир томондан, мафкуравийлашиб бораётган давр буюртмаси, иккинчи томондан, тирикчилик тақозоси билан ўзбек тилига ўсирилган жисл-жисл китоблар эса ўз қимматини йўқотган.*

*Шундай изоҳ ва эслатмаларга қарамай, Чўлпоннинг адабий меросида ҳанузга қадар унутилиб, эълон қилинмай келаётган таржима асарлар оз эмас. Шундай асарлардан бири машҳур украин ёзувчиси Иван Франконинг “Феруза” ҳикоясидир.*

*Иван Яковлевич Франко 1856 йил 27 августда Львов вилоятининг Дрогобичи туманига қарашли Нагуевичи қишлоғида темирчи оиласида дунёга келган. У Львов университетининг фалсафа факультетида таҳсил олган йилларидаёқ сиёсий-ижтимоий фаолиятга мойиллигини намойиш этган. Кейинчалик ҳаётини бадиий ижодга бағишлаб, адабиётнинг наср, назм ва драматургия турларида ижод қилганида ҳам ўзи яшаётган жамиятнинг ички зиддиятларини очишига катта эътибор берган. Бу ҳол украин ёзувчисининг “Феруза” ҳикоясида ҳам яққол кўзга ташланган.*

*“Ферузя” (“Феруза”) илк бор 1877 йили Франконинг “Иида” (“На работе”) ҳикояси билан бирга “Друг” адабий журналда босилган. Ёзувчи кейинчалик ҳикояни тўздан қайта ишлаб, 1899 йилда “Полуйка ва бошқа Борислав ҳикоялари” китобида эълон қилган. Асар 1930 йили Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан алоҳида рисола шаклида чоп этилган.*

*Сиз – журналхонга тақдим этмоқчи бўлганимиз Чўлпоннинг яна бир таржимаси Лола Сайфуллинанинг “Ичкари” номли сочма шеърлар китобидан олинди. Лола Сайфуллина ўз даврининг тараққийпарвар, зиёли аёлларидан бўлган. “Янги йўл” хотин-қизлар газетасида (1924 йил нашрини бошлаган) муҳаррир сифатида фаолият юритган.*

*“Ичкари” 1926 йил Ўзбекистон давлат нашриётида нашр бўлган. Китобга “Ўзбек хотин-қизлари турмушидан олингон сочма шеърлар” дея изоҳ берилган. Ўзбекчага мутаржим Чўлпон дея кўрсатилган. Урта Осие бюроси қошидаги хотинлар шуъбасининг мудираси С.Любимова китобга сўзбоши ёзган.*

*Сочма шеърлар таржимаси сифати, таржимани йўли ҳақида айрим хулосаларни айтиб ўтмоқчимиз. Аввало, муаммони аниқроқ тасаввур қилиш учун Чўлпон ижодига мурожаат этаск. Чўлпон учун йўл хотиралари, сафарномалари, эсдаликлари, ҳикоялари сочма (наср намуналари)дир. Аммо буларнинг аксариятида насрий шеър ифода усулига мурожаат қилинган. “Айрилиқ йўли” каби кичик ҳикояларни насрий шеър дейиш мумкин. Таржимон “Ичкари”га ёзган сўзида ҳикоя, вазнли наср, шеърли йўл истилоҳларини бир маънода қўллайди. Чўлпон рус адабиётишуносларининг Л.Сайфуллина шеърлари вазни борасидаги назарий хулосаларини танқидда олади. Рус адабиётишунослари “Ичкари”ни “Илиада” каби гекзаметрда ёзилган деган фикрда бўлган. “Илиада”нинг илк таржимаси Н.И.Гнедич томонидан 1813-1829 йилларда амалга оширилган. Москва-Ленинград нашрларида В.Вересаев таржимасида 1949 йили чоп этилган. Маълумки, юнон гекзаметри Ҳомер таржималарида рус гекзаметрига кўчади. Топилиши керак бўлган муаммолар калити бир нечта. Тахмин қилиш мумкинки, “Ичкари” тадқиқотчилари рус гекзаметрини назарда тутган. Чунки бу даврда қадар мазкур вазннинг рус адабиётида ўзлаштирила бошланганига бир асрдан ошган эди. Аммо И.С.Тургенев, В.Кандинский, Л.Богданов насрий шеърлари поэтикаси тадқиқотларида гекзаметр масаласи айтилмаганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Афсуски, солиштириш учун қўлимизда “Ичкари”нинг асл матни йўқ, умид қиламизки, кейинги изланишларда топилар. Чўлпон таржимасида, унинг ўзи айтганидек, “Ҳомер вазни йўқ”, буни излаш ҳам беҳуда. Чўлпон “ишланмаган муосир ўзбек адабий тили” деганда маърифатпарварлик адабиёти таъсиридан узоқлашмаган тил ифодавийлиги, шунингдек, 1920-1930 йилларга қадар француз, рус, румин адабиётида шаклланиб улгурган насрий шеър техникаси ва таржимаси амалиётдан бенасибликни назарда тутгандек.*

*Қуйида сочма шеърлар таржимаси таржимон сўзи билан бирга журналхонларимизга ҳавола этилади.*

Наим КАРИМОВ  
Шаҳноза НАЗАРОВА



## Иван ФРАНКО

Атоқли украиниялик ёзувчи, шоир ва публицист Иван Франко 1856 йил 27 августда Украинада туғилган. “Юксакликда ва тубанликда”, “Хазон бўл, япроқ”, “Қайғули кунлардан” шеърый тўпламлари, “Жамият устунлари”, “Пель ва Полель”, “Борисловнинг кулгиси”, “Захар Беркут” сингари кўплаб қиссалар, “Уғирланган бахт” драмаси муаллифи. Адиб 1916 йилда вафот этган.

### ЧЎЛПОН таржимаси

## ФЕРУЗА<sup>1</sup>

Ҳикоя

*Польша мамлакатига тобе Галиция ўлкасида яшовчи “русинлар” турмушидан олинган. Галиция Жаҳон ҳарбидан бурун Австрияга қарарди. Ҳарбдан сўнг (ҳозир) Польша қўлида эди. “Русинлар” нашъат ва тил эътиборлари билан украиналикларга, яъни малорусларга яқиндилар.*

### Феруза “меҳмон” кутади

– Иван, Иванжон, жонимнинг малҳамгинаси!

– Хўш, нима дейсан?

– Сен ўзинг шу кунларда аллақандай қаттиқ кўнғил, бадмуомила бўлиб қолибсанки...

– Айт, ахир, нима демакчисан?

Кузнинг шамоли Борислаф<sup>2</sup> шаҳарчасининг тор кўчаларида ғувуллаб, хуштак чалиб айланар ва бир кун бурун шахтадан кўпорилган нам уюқларини ҳар томонга ирғитиб ўйнарди. Тун эса жуда қоронғи.

– Хўш, қачонгача мен бу ерда сенинг гап бошлашингни кутиб тураман? Шундай шамолда бу ерга, кўчага, нима учун чақириб чиқдинг мени? Гапир.

– Мен сенинг билан ҳалигидай... бурунлари ўз кишлоғимизда гаплашардик-ку... Ана шунақасига гаплашайин, деб эдим.

– Оббо! Тоза топибсан гаплаша турган пайтни, бу жойни! Айта қол тезроқ, нима демакчисан, кўрмай ётибсанми ахир, шундай дилдираб қолдим?

– Кўриб ётибман, кўриб ётибман, – унинг овози қалтирар ва ул ўзи Ивандан ортиқроқ ушуб дилдираб эди.

– Иван... кўринадиким, энди сен мени севмайсан... ёки севсанг ҳам бурунгидай эмас.

– Ха, ха, ха! Қаердан билдинг сен муни?

– Анови-чи, Ганга деган думалоқ юзлигинг-чи... Ҳар оқшом сен ўшанинг кетидан чопасан...

– Туф сенга! Унинг кетидан мен чопар эмишман!.. Ул ўзи чопади менинг кетимдан. Мен қандоқ қилай ахир, кетимдан эргашишини қўймаса ўзи?

– Нега бўлмаса мени ҳайдаб ётибсан?

– Эй, сен ҳадеб ўзингни гапирасан, холос. Нима керак сенга? Бир нарсага зорикқанмисан? Айтгил ахир, ўзинг нима биласан, сен бир нарсага зорикқанда мен ҳеч қайтарган эмасман.

Қиз бир “ух” тортди.

<sup>1</sup> Таржимон имлоси, изоҳлари сақланди (Н.Каримов.)

<sup>2</sup> Борислаф – Галиция ўлкаси, Драгобичи округида бир кишлоқ ёки кичкина шаҳарчадир. Озакирит ва нефть каби тоғдан ва ердан чиқа турган маъданлари билан машҳурдир.

– “Зориққанингда” эмиш! Сен билсанг эди агар менинг қандай зориққанимни!.. Нимасини айтай... Менга бир нарса камлик қилади, Иванча.

– Нима экан?

– Сен.

– Мен ёнингдаман-ку!

– Нима чиқарди ундан? Модомики, сен мени унутдинг, сен мени севмайсан. Сен билан бирга бўлсам, ҳеч нарсага зориқишдан қўрқмас эдим. Сен учун ҳар қандай оғирликка ҳам чидар эдим.

– Ий, эсинг йўқ сенинг, – деб қизнинг сўзини бўлди Иван, – эсинг йўқ, дедим, тамом, “Тангага берилиб кетдинг”, деб валоклайсан, мен бўлсам Ганга тўғрисида ўйламайман ҳам.

Сўнгра қизга яқинлашди. Ва уни кўксига тортиб туриб анча юмшоқ ва секин овоз билан деди:

– Қўрқма, Феруза, мен сени унутмайман. Эсингда борми, унда да-рахт остида қилган аҳдим. Икковимиз ҳам энди бир озгина қийналамиз, холос... Сенга қийин бўлганини мен билмайманми? Ҳозир менга ҳам осон эмас. Яна икки ҳафтагина... Тинчлан энди. Кафамизга қайтайлик. “Дир-дир” қалтираб ётибсан, ушуб қолибсан. Юр, икковимиз трактирга кирайлик. Юр, исиниб оласан. Сенинг уйинг жуда олис, ахир.

– Мен ҳали нима...

– Юра қол, гап сиғмайди.

Шундай қилиб қизни куч билан дерлик-трактирга олиб кирди. Унда одам зич эди. Ишчилар, ишчи хотин-қизлар тўлганлар. Ҳаво ёмон дам бўлган. Нефтли кўйлақлардан нафасни бўғувчи бир хид кўтарилган, кичкириб кулишлар, арақ хидлари юксалган.

Уларга ҳеч ким эътибор қилмади. Иккаласи печка ёнидаги усталга ўтирдилар.

Феруза ўзининг энг ёмон душмани, мана бу Иваннинг кўнгли туфайлидан ўзига кундош бўлган Гангани излаб, бутун теграсига қизиқиш билан кўз югуртиб чиқди.

Ганга йўқ эди, шунинг учун у эркин нафас олди. Бир кичкина станканчада вишнёвка ичиб, бир оз исингач, очилиб гапира бошлади. У ўз қишлоғини ва ундаги таниш-билишларини бир-бир эслаб ўтди. Охирда Иваннинг бошини ўзига томон энгаштириб туриб, пичирлади:

– Янги гап топиб қўйдим.

– Қандай янги гап?

– Меҳмон кутаётибман.

– Меҳмон, ким экан у?

– Қани, топгил-чи ўзинг.

– Сеникига келмакчи бўлган меҳмонни қайдан билай мен?

– Билишинг керак.

– Билишим керак, ким бўлди энди у меҳмон?

– О, шунга ҳам ақли етмайди-я.

Сўнгра Феруза Иваннинг қулоғини ҳазил билан бир чўзди-да, деди:

– Уми, у бола, сенинг боланг, Иван.

У бу сўзни тўппа-тўғри, хурсанд бўлиб туриб айтмакчи эди, на кўнгли, на овози бу тилагига унамади. Юраги уриб, қалтираб кетди. У билар эдиким, кўп нарса, балки-да, унинг бутун ҳаёти – мана шу сўзнинг Иван томонидан қандай қабул қилинишига боғлиқ.

Феруза ўзида оналик вазиятини сезгандан бери, шу нарсани Иванга қандай қилиб айтиш тўғрисида ўйлар ва шуни ўйлаб қўрқар эди. Албатта, бир нарса дейди Иван – нима дейдиркин. Энди шу тобда у гап оғзидан чиқиб кетгандан сўнг, шўрлик қиз, худди оғир бир ишда айблангандай, худди Ивандан аллақандай мудҳиш бир ҳукм кутгандай, ранги оппоқ оқариб, қўрқиб ўтирар эди.

Иван учун эса, гўё, бу нарсанинг сира, асло ахамияти йўқ каби эди. У бошини тескари бурди, кўзини шипга томон кўтарди ва астагина хуштак чала бошлади, сўнгра Ферузага қараб, худди эшитмаган каби, сўради:

– Хўш, яна биттагина ичасанми?

– Йўқ, ичмайман, – деди қиз секингина.

Иван ўзига бир стакан пиво сўратиб олди-да, жим бўлди. Феруза эса, кимираб кетишдан ҳам кўркиб, тошдай қотиб турарди. “Энди битди ҳар нарса, – деган ўйлар айланарди унинг бошида. – У мени севмайди. У мени мана шу ботқоққа ташлаб кетади”.

Трактир “гув-гув” қилар ва қайнарди. Феруза бўғила бошлади. Унинг кўкрагини алланарса келиб қисгандай бўларди. Ўрнидан турди.

– Хўш, кетаётибсанми?

– Ҳа!

Иван ўрнидан кўзғолмади, “бир оз ўтир” ҳам демади, ҳамон ўша шипга тикилишда давом қилди. Қизнинг кўзларида ёшлар кўзғолмоққа бошладилар, лекин у ирода кучи била уларни қайтарди.

– Тун ойдин.

– Тун ойдин.

Кўчага чиқиб эдиким, шамол уни дарров ўзининг совуқ кучоғига тортди, кийган кийимининг этақларини йиртди, юзларига нефтли ернинг қора тўзларини келтириб урди, шунда ҳам қиз шўрлик ҳеч нарсани сезмас эди. Негаким, унинг ўз кўнгли шу топда кўчадан ҳам қоронғироқ ва совуқроқ эди...

## Конларда

Борислаф шаҳарчасининг бир четида, кўрғон ташқарисидаги қирда зовурлардан кавланиб олина турган ер мумининг катта бир омбори бор. Бу омбор Линден деган катта бир муштумзўрнинг хусусий мулки эди. У омбор деганимиз улкан бир ёғоч бинодан иборат бўлиб, унинг тўрт томони чуқур зовурлар билан ўралиб олинган, доволларнинг олдига эса зовурлардан кавлаб олинган хом тупроқлар уйилиб ташланган эди. Ёлғиз замбарғалтақларнинг қатнаши билан очилган тор йўлаклар, бир томондан – ўша тупроқ уюмлари орасидан чиқиб келиб, омборнинг дарвозаларига томон узалиб кетардилар.

Орқада, омбор деразалари рўбарўсида, қўшимча солинган иккита чолдовол бўлиб, унда омбор қоровули яшар эди. Бу чолдовол юксак тупроқ уюмлари орасида беркиниб қолиб кетганлигидан унинг кичкина теразачалари орқали куёш шуълалари жуда сийрак ўтарди.

Қоровул болаларни бошқа одамларга тарбияга бериб юборган “бева” бир киши эди. Линдендан олган иш ҳақларидан ташқари ҳам бирор нарса олмоқ истаган қоровул чолдоволнинг икки хонасидан бирини ишчи хотинларга ётоқ учун ижарага қўйган эди. У ўзи ёлғиз бир хонага ҳам қаноат қилар эди – барибир ўзи ҳам тунларнинг кўпини омбор кўришда ўтказгани учун оз ухларди. У вақтларда ҳали Борислаф шаҳарчаси полицани ҳам билмас эди.

Туннинг анчага етиб қолган вақти. Тор, ифлос ва димоқни бўғувчи хона ишчи хотинлар билан тўлган. Яланғоч доволлар, оҳақ билан наридан-бери оқланган тахталар, уларнинг бирига аллақандай сурат ёпиштирилган ва яна бир бўлак кўзгуча осилиб қўйилган.

Бир бурчақда кўрпа-тўшаги похолдан иборат бўлган уч тахтали бир ёғоч карт туради. Тераза олдида баланд-баланд уч оёкли кичкинагина усталча, хона ичида кўзга кўрина турган нарсаларнинг барчаси – мана шундан иборат. На печка, на ошхона асбоб, на кўрпа-тўшак ва на сандиқдан асар йўқ.

Карт бўш қолгани ҳолда, паст ерда худди бочкадаги майда балиқларга ўхшаб аллақанча ва аллақандай одамлар уйилишиб ётадилар. Улар оғир-оғир ва қаттиқ хансираш билан нафас оладилар ва хона ичидаги ғира-

ширада бир жойга ташлаб қўйилган кир уст-бошлари уюмига ўхшаб кўриналар. Бу, ишчи хотинларнинг ётоқхонаси.

Хотинлар, кизлар, ёш-ёш жувонлар муҳтожлик орқасида узоқ ерлардан сурилиб келганлар. Бутун кундузи билан ишлаб ҳорғач, улар энди совуқ ва яланғоч ерда, қўллари устига бош қўйиб ва бир-бирларига маҳкам ёпишиб ёталарким, бу, биринчидан, жой торлиги учун бўлса, иккинчидан – иссиқ ётмоқ учундир.

Уларнинг юзлари муҳтожлик орқасида сап-сарик бўлган, қўллари эса тупроқдан ва ер мумидан яна бир қават тери орттирган... Устларидаги титилиб кетган кийимлари гавдаларига зўрға-зўрға илашиб туради. Меҳнат ва ҳасрат билан донгланган қари чехралари ҳам ёш чехралар билан бир қаторда ёталар. Улардан ҳали гўзаллик излари йўқолмаган бўлса-да, вақтидан бурун ёқаларига ёпишган оғир меҳнат, муҳтожлик ва бузуқлик – у юзларни эрта-қачон сўлдириб битирган.

Хонада жимлик; ёлғиз баъзи-баъзида бирортаси тушида босинқираб кичкиради, қўлларини тўлғайди, уйқу орасида аллакимларга лаънат ўқийди. Ёки ёнида ётганини қучоқлайди. У, балки, тушида севган йигитини қучоқлаб ётгандир.

Уларнинг ҳаммасидан ҳам тинчсиз ётган ана у кампирдир. Бир замон бутун қишлоқда якка-ягона рўзғор эгаси бўлган хотин – ўша эди. Ҳозир уни гадойдан айириш қийин. Бутун кундузи билан ишлаб, озгина нарса топади: қари суякларига дармон қолмаган, унинг дармони омборнинг бир бурчида ўлтириб олиб, зовурдан чиққан тупроқларни тозалашгагина етади. Бу иши учун унга кунда уч “шеска”<sup>1</sup> ҳақ берадилар.

Лекин кечалари унга жон киради. Афтидан, худди ўша вақтларда яшаб ўтказган роҳат кунлари кўнглида қайта тирилади, шекилли.

Хирхираган овози билан у, кампир, ўзининг қиз чоғидаги қўпдан унутилиб кетган қўшиқларни куйлайди. Чиройлик либосларини кўзгу олдида тутиб тузатаётгандай, жулдур энгилларини ушлаб-ушлаб қўяди. Бурунги кадрдон қўшнилари билан гаплашиб, янги маржонларини мактаб ётгандай кибр билан бошини қимирлатади. Сўнгра яна аллақандай лаънатлар, оғир хўнграшлар, дод-войлар билан бир-бир кетин чиқиб келади. Ундан кейин яна қўшиқ парчалари... ва бутун кеча шу аҳвол.

Унинг ёнида ётган хотин бу босирқишлар орқасида неча мартаба уйқусидан уйғонади, ҳадеб кампирни ҳайдайди ва “тинч ётсин”, деб бикинига тургади – лекин ҳеч бир фойдаси бўлмайди. Уйқудан уйғонгач, кампир тушида кўрганларининг ҳеч бирини эсламайди, лекин уйқуда тинч ётиш ҳам сира қўлидан келмайди.

## Ферузанинг ташвиши

Тераза олдидаги кичкина усталча устида тозаланмаган ер мумидан сариқ бир шамъ ёниб туради. Унинг олови ҳадеб пириллайди. Ва бир хилда ёнмагани учун ухлаб ётган ишчи хотинларнинг усталларига чучмал кўлагалар ташлайди.

Устал олдида қуйи эгилиб бир қиз ўтиради. Бутун шу уйда уйқуси қочган одам боласи шудир. У хафа. Унинг қайғули кўзлари йигнанинг шошилиш ҳаракатини кузатиб боралар. У шу топда кўйлакча – кичкина бир кўйлакчани тикиб ўтиради, қоронғи кечаларда зўр бериб тикади, негаким, кундуз кунни бошқа иши бор, ундан бўшаёлмайди.

– Гангани ўйламайман ҳам, деди...

Қизнинг бошида хунук ўйлар юради.

– Балки бу гапи тўғридир-да. Лекин нима учун у мени севган ё севмаганини очиқ айтмайди. Эй, гапиришнинг нима кераги бор. Мен ўзим кўрмай ётибманми? Йўқ, у мени севмайди. Менинг тўғримда ўйламайди

<sup>1</sup> “Шеска” – 8 тийинлик пул; демак, уч “шеска” – 24 тийин.



хам у – берган ваъдасини унутди, баъзида куруқ сўз билан ўша ваъдасини эсга олиб қўйишларига ишониб бўлмади. Сўз нима деган нарса ўзи, ўткинчи шамол, бошқа нарса эмас У мени масхара қилиб, мендан кулаётганга ўхшайди. Менинг аҳмоқлигимга – уни деб, отам, онам, ҳовли-жойларимдан кечганимга кулаётгандир. Чинакам, ҳар нарсамни, ҳамма нарсани бердим мен унга. Энди келиб мендан олинатурган нарса қолмагандан сўнг мен унга керак бўлмай қолдим, кўзига ёмон кўриниб қолдим.

Шундай қилиб унинг юзларида яна бурунги ёшлар кўзғола бошладилар. Ёлғиз бу дафъа қиз шўрлик у ёшларни тўхтатмади, қайтармади. Йигна юришдан тўхтади. Узи ҳам сабабини билмагани ҳолда, Феруза, шамънинг оловиغا назар солди. Олов устидан кўм-кўк тутун кўтарилган ва қуюқ туман шаклида шипга солинган эди. Қизнинг боши оғриди.

Бу вақтда шамол ташқарида хуштак чалар, тераза ва эшикларнинг ёриғидан ўтиб, шўрлик қизнинг баданларига совуқ чангалини ботирарди.

Феруза бир йиғлаб олиб, шу билан анча енгиллади.

– Йўқ, у мени севади. У мени севмай қўйса, мен ўлиб қолар эдим. Мен унга нима қилиб қўйдимки, мени унутмоққа мажбур бўлсин. Яқинда дунёга келажак ёш гўдакни, у бўлмаса агар, мен қандай қилиб саришта қиламан?

Чинакам, Феруза шўрлик орага гўдак бола киргандан кейин, Иваннинг ўзи билан ҳам қандай алоқада бўлиш-бўлмаслигини билмас эди. “Бола” деган сўзни эшитганидан кейин Иваннинг тескари бурилганини у ахир ўз кўзи билан кўрди. Иванда пул йўқлигини, унинг бир кун ҳам ишдан бўшамаганини қиз ўзи ҳам билади. Шу учун ўзига хастахонага кириб ётишдан бошқа илож қолмаганини ҳам билади, шўрлик қиз.

Бутун шу кўргиликларини у бурунрок, совуқда мужмайиб ва тишларини какирлатиб, трактирдан уйга қайтган вақтда ҳам кўз олдига келтириб қўйган эди. Лекин, у энди шу топда у тўғрида ўйламас эди. Негаким, ўйлагали кўрқарди. Ва худди сувга ботаётган киши бир чўп, бир похол парчасига осилгандай, қиз шўрлик ҳам биргина фикрга осиларди: “У мени севса-чи! Мен билан бўлса-чи! У мен билан бўлса, ҳеч нарсадан кўркмасдим, у ҳар нарсани бажаради...”

Феруза шу хил фикрлар билан шуурли суратда ўзини алдар, шу фикрни ўзича талқин қилар ва шунинг натижасида ўша ишларнинг гулдай бўлиб битишига тамом дерлик ишониб кетарди. “Шундай бўлиши керак”, дерди. Ахир уни деб беҳуда ерга ота-оналаридан кечгани йўқ, бекорга бу қадар оғирликларни кўтаргани йўқ. “Иковимиз ҳам озгина қийналамиз, холос, ундан сўнг ҳамма нарса ўз жойига тушади. Бутун ғамлар ювилиб кетади”, деб бекорга ваъда бергани йўқ Иван ҳам.

Иван нима қилмоқчи, ажабо, Феруза бунга англаёлмасди, лекин ўз кўнглининг, кўклам чоғи қор остидан ёруғ дунёга чиқиб келаётган майсадай қувониб, енгиллаб борганини сезарди...

У шамъга кўз ташлади, шамъ эса бу вақтда ўчай-ўчай деб йилтиллаб, ёруғ бермай қўйган; ёлғиз буруксаб, бутун хужрани ис билан тўлдирган эди. Ферузанинг кўкраги жуда қаттиқ урар, кўлидаги йигнаси учиб юргандай бўларди. Чарчаш, қотишдан асар ҳам йўқ. Чолғи чалиб туради. Алланарса йилтиллади, гўёки кўм-кўк экинзор ўртасида куёш нурларига кўмилган узун бир йўл чўзилиб ётгандай кўринарди. Юмшоқ севимли қўлларнинг таъмасига ўхшаган алланарса... қитиклайди.

Қизнинг боши энгишди ва шу билан ухлаб кетди.

Иироқлардан, Борислаф томондан эса, шамол бўғиқ кичкиришлар ва қўшиқлар овозини суриб келмакда. Бу, трактирдан чиққан ишчиларнинг кичкириш ва қўшиқ айтишлари эдиким, улар орасида ҳам энг кучлиги яна Иваннинг овози эди.

## Кундошлар

Эрталаб Феруза бошқа ишчи хотинлардан бурун уйғонди. Унинг боши оғир, худди титраб-қақшар, лекин ўзи бу тўғрида ўйлаб ҳам турмасди. Тезгина ювиниб, трактирга томон чопди. У ерда Феруза бир ҳафталик нонушта – ҳар кун бир косачада қайнок сут билан бир бўлак нон – ҳаққини илгаридан тўлаб қўйган эди. Лекин томоғидан ҳеч нарса ўтмади.

Сутни зўрға ичиб, нонни қўйнига солди-да, чопиб кетди. Қаерга, буни унинг ўзи ҳам дурустгина билмас эди. Ишга боришга ҳали эртарак эди. У Иванни кўрмакчи бўларди. Лекин унинг кўчадан топилишига ўзи ҳам ишона олмас эди. Бу кунларда Иван қайда ётиб туради, буни ҳам билмасди. Шундай қилиб, Феруза таваккал билан, қуюқ ва ёпишқоқ лойни шилпиллатиб кеча-кеча, совуқдан қалтираб, кўкрагини така-пука қилаётган изтиробни ҳорғинлиқ ва ҳаракат билан босмоқчи бўлиб, йўлга тушди.

Борислаф жонлана тушди. Қоронғи уйлардан, бўғувчи ва тор бостирмалар ичидан ифлос ва маол одамлар чиқа бошладилар. Уларнинг кунлари қарғишлар ва жанжаллар билан бошланади. Юзларни ювмасданок улар трактирларга йўл соладилар. У ерда бир истакондан арақни уриб, орқасидан қуруқ нонни “закуска” қилиб, яна ўша қуруқ нон билан бирга жиндак қазини қўлтиққа жойлаб, сўнгра ишга жўнайдилар. Кўчада ўтин ортган, картошка, ун, буғдой ва бошқа озиқ-овқат юклаган аравалар чизилиб кетадилар. Бутун шуларнинг устида ўчик рангли ва қош-қовоғи солиқ осмон аллақандай ўйларга ботиб туради. Олисларда, Дол тоғининг ён бағрида эса, юксак бўйли “тиканли дарахт” ўрмони кўм-кўк кўкариб кўринади.

Кўча лойларида шилпиллаб юриб, Феруза қанча жин кўчаларни айланди. Эшиги очик трактирларнинг ҳаммасини қаради: Иван йўқ эди. Муюлишга, ишчилар ҳаёти ва кеча бузуқчилигининг бош маркази бўлган Кирнецкий номерлари яқинига келгач, у Ганкага йўликиб қолди.

Бу ҳам Иван билан Ферузанинг қишлоғидан келган бир қиз эди. Соғлом, қизил юзли, олайган кўзли ва қалин лабли бу қиз-арвоқ Ферузага қараганда худди улкан полвондай кўринади.

Елкасида обкаш, икки пақир сувни кўтаргани ҳолда, Ганка шипиллаган лойдан йўгон ва қип-қизил оёқлари билан жуда дадил қадам босиб боради. Қора сочларини бошига ўраб олган, қора ва порлоқ кўзлари эса соғломлик ва куч билан ярқирлайди.

Баъзи одамлар бўладиким, йўқчилик ва оғир меҳнат чангалига тушиб қолсалар ҳам, ғалаба, чин муҳтожлик нима эканини англамайдилар. Қайғу-ҳасрат деган нарсани билмайлар. Бизнинг Ганка ҳам ана шуларнинг бири эди.

Улар, худди хўкиз иш учун яратилгандай, меҳнат учун яратилганлар. Улар ўзларининг темир сихатлари ўзларига хизмат қилишдан бўйин товлагандагина қайғира бошлайдилар.

Феруза бурундан Ганкани севмас эди. Энди у билан бирга бўлганда Иваннинг очилиб яйрашини, у билан тегишиб, у билан ўйинга тушганларини кўргач, Гангани чин кўнгилдан ёмон кўра бошлади. Иваннинг кеча айтган гапи – “Ганка ўзи кетимдан ўралашади”, дегани – Ферузанинг юрак-бағрини ўртаб кетди.

– Менга қара, Ганка, – деди у салом-алик қилмасдан тўппа-тўғри унга яқинлашиб келиб.

– Хўш, нима гапинг бор менга?

– Сен Кирнецкийникида хизмат қиласан-а?

– Ҳа, тўрт кундан бери.

– Хўш, кеча менинг Иваним келдими ўша ерга?

– Сенинг Иванинг? Нечик сенинг Иванинг бўлар экан? – деб пичинг отиб гапирди Ганка.

– Ўзинг яхши биласан нечик эканини, – деди Феруза ўзидаги жаҳлни босиб туриб.

<sup>1</sup> Мен, луғатнинг кўрсатганича, шундай атадим, балки бу “ар-ар” дарахтидир.

– Қанча сеники бўлса, ўшанча меники ҳам. Балки, сендан кўра кўпрак меники бўлади. Нега десанг, сени қия боқиб ҳам кўргиси келмайди, мен билан бўлинганди эса ичига сиғмайди.

– Бекор айтасан. У ўзи айтиб берди менга, сен чопасан Иваннинг кетидан. Менга қара, агар яна бир мартаба у билан бир жойда кўрсам, кўзингни ўйиб оламан бу ёққа.

– Қўлингдан келса, дорга ос! Нега менга осиласан сен!

– Сақлан! Сақлан! – деб бақирди Феруза, зўрға дам олгани ҳолда. – Сақлан уни эргаштиришдан!

– Сақланмайман ҳеч, нима қила олардинг? Кеча ҳам бирга эдим, бугун ҳам бирга бўламан. Хоҳласам, бирга бўлавераман, менга деса газабингдан “тарс” ёрилиб кет, парвойим йўқ менинг.

Феруза шу ерда ўзини йўқотди ва мушт кўтариб Ганкага ҳамла қилди. Лекин ул қўлидаги пақирни шундай бир кўтарди-ю, уни шундоққина сувга пишиб ташлади.

Кўчада тўпланиб олиб, бу икки кундошнинг шовқинини эшитиб турган ишчилар кула кетдилар.

– Баракалла, Ганка! Чўмилтириб қўй уни! Олови босилсин, – деб кичқирди бири.

– Хўш, Ферузача, чўзиб қол, қани, сочларидан. Нима ҳадди бор экан сенинг йигитингни тортиб олгали, – деб аччиққина тегади бошқалари.

Феруза қамоли уятгани ва аччиқланганидан ўзини билмас эди.

У бутун уйиб кетган ва совуқдан қалтирар, шу учун азоби ҳам бадтар оловланарди. Сўнгра бирдан ўзини Ганкага ташлади ва унинг сочларидан ушлаб тортишга ва уришга бошлади.

Ганка эса ҳануз елкасида обкаш билан пақирлари бўлган ҳолда, бир оз ноилож қолиб турди, на обкашни ташлаш, на-да мудофаа бошлашни биллолмади. Лекин сўнгра бирдан қарор бериб, обкашни ирғитди-да, бўшалган кўллари билан Ферузани шундай кучли бир зарб билан туширдик, у шўрлик бирдан ерга йиқилди. Ва унинг сочларини ҳам қўйиб юборди.

– Ху, ху, ху, – қаққақа отдилар ишчилар. – Мана, қиз деган. Саллот-а, саллот! Ажаб қилди!

– Иван, – дедилар бошқалари худди шу вақт трактирдан чиқиб келган Иванга, – бери келгил-а! Томоша кўрасан!

– Нима бўлди? – деб сўради Иван.

– Эй, бу ёққа кел! Бу ерда сени деб икки қиз бола юмдалашаётир. Бери кел, ҳеч бўлмаса, томошани кўр! Жуда ҳам, лекин, бахти бор йигит экан-да, қиз болалар ҳам уни талашиб муштлашади-я!

Иван келди ва нима бўлганини дарров пайқади.

– Ганка, – деб ҳайбат билан гапирди у, – нима қилганинг бу?

– Мана буни қара, – деб кичқирди Ганка, – менда нима иши бор экан, билмадим, кўча-қўйда ҳам ҳадеб менга осилади; мени одамларга масхара қилиб ўйнайди.

Феруза, зўрға дам олгани ҳолда, ўрнидан турди. Унинг кўкраги оғрир, нафаси қисиларди.

– Иван, – деди у ёлбориш билан.

– Йўқол, падарингга лаънат сенинг! – деб ўшқирди Иван. – Сен менга осила берасан ҳадеб, нукул кўча-қўйда шарманда қиласан одамни! Бор, тезрак кийимингни янгила! Қара, шундоққина уйиб қолибсан.

– Мен сепдим у қизга бир пақир сувни, пичагина олови босилсин, дедим, – деб ачитди Ганка. – Мен билан ҳазиллашишга ярамаганини хўп билиб қўйсин у.

Шу гапни айтди-да, пақирларни обкашга илиб, тезгина жўнаб кетди.

Иван ҳам, кўнглида лаънат ўқиғач, бурилди ва бошқа ишчилар билан бирга ўз ишига кетди.

Феруза ёлғиз қолди. Унинг бутун вужуди қалтирар, у ўзини бутун дунё-

да кучсиз, бахтсиз ва ёлғиз туярди. Нега керак унга яшаш? Ахир, ҳамма нарса унга равшан билинди, энди унда ҳеч бир шубҳа ва ҳеч қандай умид қолмади.

Қандай ва қачон эканини билмагани ҳолда уйига қайтди, ҳўл кийимини ешиб, қуруғини кийди, сўнгра ишига чиқиб кетиш ўрнига, картга чўзилди, ётди ва аста-секин инграшга бошлади. Бу вақтда уйда ҳам ҳеч ким йўқ эди.

Феруза бошининг ёмон оғриганини, бутун вужудининг мудҳиш суратда чарчаганини сизди. Ташналиқдан энтикарди. Зўрға ўрнидан туриб, бир оз сув кетирди, ичди, сўнгра бошини ҳўл сочик билан ўрагач, ётиб уйкуга кетди.

### Ферузанинг шўри

Ўша куннинг ўзида бир-икки пиёла пиво ичиб чиқмоқ учун Иван Кирнецкийникига кирди. Ганка унинг олдига сўралган пивони келтириб қўйди, индамасдан кетди. Иван ҳам унга ҳеч бир аҳамият бермади. Секин-аста пивосини ичиб, ё мудрагандай, ёки бир нарсани ўйлагандай бўлиб ўтирди.

Ганка бир неча марта унинг ёнидан ўтди. Ҳар мартабада унга қараб, тикилиб ўтарди, афтидан, унга гап ташлаб ўтмакчи бўларди-ю, лекин бу дафъа ундай қилмади. Охирда иккинчи пивони буюрганда, Ганка истаконни устал устига қўйиб туриб, хоҳлар-хоҳламас гапирди:

– Ҳўш, қани ана у... ниманг?

– Қайси у?

– Сенинг нишонлинг-чи?!

– Менинг нишонлим? Менинг ҳеч қандай нишонли, пишонлим йўқ.

– Ҳа, гапир ёлғонни. Феруза “ойим” ниманг бўлмаса? У ўзини нишонлингдай эмас, худди хотинингдай қилиб кўрсатади: “Менинг Иванимни эргаштира кўрма”, деди.

– Ҳа, ха, ха! – деб кулиб юборди Иван.

– Ўшанингга айтиб қўй, – деб жаҳл билан тез-тез гапирди Ганка. – Мундан кейин менга осила кўрмасин. Мен унга оқсоч эмасман. Агар яна бир мартаба гап таққундай бўлса, мен арвоқ юзларига ҳам қарамай, шундай келиштириб савалайманки, худди ўттиз икки тиши қуйилиб тушади. Билиб қўйсин! Тушундингми?

– Эй, нарироқ юр сен ҳам мендан, – деди Иван. – Ўзинг бориб айт унга нима хоҳласанг, у сизнинг ўз ишингиз, аммо мени бир соат бўлса ҳам тинч қўйинг.

Ганка кетди. Иван ўтириб, пиво ичишда қолди. Шу вақтда трактирда бирдан бир гала ишчилар келиб кирдилар. Иванни кўргач, улар унга тегиша бошладилар:

– Ҳа, Иван, Борислафдан кетар эмишсан, деб эшитдим-а?

– Менми? Етти ухлаб бир тушимга ҳам киргани йўқ.

– Ферузага уйланиб, унинг ерига ишлагали бораркансанми?

– Нима бало, жинни бўлдингизми?

– Аслида сен ўзинг жинни бўлганга ўхшайсан, Борислафнинг эркин турмушини ташлаб, ҳўкиздедек бўйинтуруққа кирмакчисан.

– Болалар! – бу пичингларга қони қайнаб, истакони билан устални уриб кичқирди Иван. – Шу гапни гапирган одам ит боласидан ўзга эмас!

– Эй, биз ичимиздан чиқариб айтаётганимиз йўқ. Сенинг Ферузанг билан бирга ёта турган кизлар шундай дедилар. Феруза ўша кизларга дебдирки, “Иван билан маслаҳатимиз битган!”

– Жинни бўлиб қолибдир у Феруза! Нима маслаҳат бўлибдир экан орамизда? Орий рост. У ўзи неча мартаба: “Юр, Борислафдан кетамиз”, деб менга осилди. Мен ундан кутулмоқ учун бир марта: “Ҳа, ҳўп, ҳўп, яна бир-икки ҳафта сабр қилайлик, ундан кейин бир нима бўлиб кетар”, деб қўйдим. Бўлган гап шугина.

– Ҳу, ҳу, ҳу! – деб қаҳқаҳа солдилар ишчилар. – Боглабсан, лекин, “бир-

<sup>1</sup> Бўлиб қўйилган, унашилган қиз.

икки ҳафта сабр қилайлик, ундан кейин бир нима бўлиб кетар”. Мана бу гапни қаранг! Бир-икки ҳафтадан кейин ҳам шу бу кунги ҳангоманинг ўзи бўлади-да, а?

– Ҳа, албатта-да. Ўзингиз биласиз, ахир: мулку дастмоя деган нарсалар йўқ. Қанча ишлаб топсам, ўшанга эгаман, холос.

– Ҳой, Иван, бир замон бор эди-ку, – деб кичкирди ишчилардан Иванни яхши таний турган бириси.

– Эйй. Бор экану, кетган, муродига етган, – деди Иван қўлини силтаб.

– Отам бутун бир қишлоқда биринчи бой бўлган экан, ундан нима фойда менга? Ҳозир нима бор қўлимда?

– Қолса, ширин хаёли қолган, – деб кичкирди улфатлардан бири.

– Рост айтасан. Ширин хаёли қолган, холос. Лекин хаёл билан ҳеч кимнинг қорни тўймайди. Хўш, энди Ферузанинг нимаси бор? У ўзи айтадики: “Мен сени деб уй-жойимдан кечиб, бу ерларга келганман”; лекин буни мен ундан кўра яхшироқ биламан. Уйи-жойидан кечди – чунки, кечмаса бўлмас эди. Уйи торлик қилиб қолган эди. Отасининг мундан бошқа ҳам иккита қизи бор, уларни эрга бериши керак, қўлида бало ҳам йўқ. Унинг ер-сув дегани ҳам икки парча еру битта чолдовол ерига қизиқиб, бирорта ери озроқ одам бу қизни олса-оларди. Лекин шундайям қиз соғлом бўлсаю меҳнатга яраса.

Бордию мана бу Ферузага ўхшаган нимжон бўлса, на овга ярамаса, на довга. Хўш, Ферузани қанақасига иш хотини деб бўлади? Агар бой бўлсанг, уни қурчоқдай ясангириб қўйсанг, худди ёш болага қарагандай қарасанг, ўшанда эҳтимол мундай бир одамга ўхшарди. Шу йўқсулликда биз, халқ, мундайларга уйлангандан кўра, бўйнимизга беш-ўн пуд тош боғлаб, ўзимизни дарёга ташламоғимиз дуруст.

– Рост, рост, – деб, – энди ҳазилни ташла, – тасдиқладилар ишчилар.

Худди шу чоқда трактир уйининг бурчагида турган қатта печканинг кетидан, ранги ўчган ва мунгайган бир “қора” чиқиб келди. Трактирга орқа эшикдан кириб, бу шовкин ва ғовур-ғувурда ҳеч кимнинг назарига илинмай анчадан бери ўтирарди бу қора. Бу, ўзимизнинг Феруза эди.

У худди безгак тутаётгандай қалтирарди. Унинг кўзлари ёнар, лаблари оппоқ оқарган ва иссиқдан ёрилиб кетган эди. Бўшанг қадамлар билан босиб, қисила-қисила ишчилар орасидан ўтиб, трактирнинг орқа жойига келди ва Иваннинг олдида тўхтаб, қўлларини ергача еткизган ҳолда унга таъзим қилди.

Ҳамма жим бўлди ва ҳайрон бўлиб унга тикилди.

– Раҳмат сенга, Иван, – деб гап бошлади у, – раҳмат! Умрингда бир мартаба кўнглингдаги гапни тилинг билан, ёлғон қўшмасдан, айтиб бердинг. Олдимда қандай кўча борлигини мен энди хўб билиб олдим. Қўрқма, мен сенинг кўчанга кирмайман, сенинг йўлингга кўндаланг ҳам келмайман. Кўнглинг қандай хоҳласа, ўшандай тур!

Шундан сўнг у Иванга яна бир мартаба таъзим қилди.

Бу вақтда Иван худди йигна устида ўтиргангай ўтирарди.

– Энди менга берган ваъдаларинг, “Сени оламан, қўлдан чиққан ерларимни яна сотиб олиб, ўзим экаман”, деганларингга келсак, у гапларнинг ҳаммасини ёлғон айтган экансан. Лекин мен шу вақтгача сенга ишониб келган эканман. Ундан кейин: “Ферузани бу ерга отаси ҳайдади”, деган гапинг ҳам ёлғон, бу гапинг менга тухмат бўлади, яхши йигит. Отам, ҳаттоки, менинг қаердалигимни ҳам билмайди. Буни бошқалар ҳам билмайдилар. Ёлғиз ўзим биламан. Бир кун мен сенинг бу ерда эканингни билиб қолдим; бу ерда касал бўлганингни, кимсасиз ва совуқ бир олачикда ёлғиз ўзинг ётганингни, куни бўйи оғзингга бир томчи сув томузғундай киши бўлмаганини эшитдим, шундан буён менинг кўнглимни бир фикр ништалади. Биз, ахир, бир-биримизни севар эдик-ку. Эл олдида бўлмаса ҳамки, у менинг нишонлим бўлади-ку, деб ўйладим мен.

Шундан кейин нарсаларимни йиғиштирдим-да, бу ерга қараб йўл солдим, қандай қилай, фалак мени қийнаб ўйнамоқчи бўлган экан, тилагидан неча барабар ортиқ ҳам қийнаб олди. Унинг қолган-қутганини бу кун мана сен тўлғаздинг. Сен ҳатто ҳар қандай маррадан ўтказиб, ҳар қандай мўлжалдан ошириб юбординг. Яна бир раҳмат айтаман сенга, хайр.

Шу гапни айтдию, Иванга учинчи марта таъзим қилгандан сўнг, у чиқиб кетди.

Бу кутилмаган ҳодисадан сўнг ишчилар бир дақиқа жим қолдилар. Сўнгра тезгина талвасаларини босиб олиб, дағал ва хунук пичингларни ёғдира бошладилар.

– Қурғур-эй, худди аридай чақади-я?

– Қиз эмас, бало!

– Ишда эрига тақир фойдаси тегмайди, тили билан, кўз ёшлари билан эса одамнинг нақ бағрини эзади.

– Қани, шундақасига бир уйланиб кўр-чи!

Шунча одам орасида ёлғиз Ивангина дамини чиқармасдан, бошини куйи солиб ўтирарди.

### Ферузанинг қайғули оқибати

Кирнецкийникидан чиққач, Феруза ҳеч бир ерда тўхтамасдан, қаерга ва нима учун бораётганини ўзи ҳам билмаган ҳолда, кўча бўйлаб кетди. Кўча совуқ ва қоронғи бўлиб, майда ёмғир кўз очиргали қўймасди. Уйиган ва лойланган кўча, кўчадан кўра кўпрак ёмғир суви тўпланган кенгина бир кўчага ўхшарди.

Феруза ёпишқоқ лойдан этигини базўр тортиб олиб, нафасини ҳам етказиб йўл босарди. Алланарса унинг бағрини ўртар, лекин на кўзида ёш, на бошида ўйдан асар йўқ эди.

Ёлғиз муҳим ва белгисиз бир иш пишқир – “Қоч бу ердан, чоп. Беркин”, – деган бир ўй уни олдига солиб ҳайдарди.

Беркиниш керак. Лекин қаерга, кимдан? У ҳозир ўз-ўзидан қочиб беркинмак истаганини ўзи ҳам билмас эди. Юз қадам ҳам босгани йўқ эдики, унинг ёнида, бирданига, худди ердан чиққан каби, Ганка пайдо бўлиб қолди. Қаердан чиқиб келди у? Ферузанинг бояги гапларини эшитган бўлса керак. Ферузанинг трактирдан ёлғиз чиққанини кўриб, у ҳам ҳеч кимга билдирмасдан чиқди-да, кетидан кува кетди. У Ферузанинг ёнида шу қадар кутилмаган равишда пайдо бўлиб қолдиким, ҳатто уни кўргандан кейин кўрқиб ҳам кетди ва кичкириб юборди. Ганка бўлса, унсизгина кулиб қўйди.

– Кўрқиб кетдингми? – деб сўради у. – Кўркма, мен Ганкаман.

– Нима истайсан мендан? – деб зўрға гапира олди Феруза.

– Ҳеч нарса истамайман. Кўча экан, мен ҳам келаётирман. Сен билан бирга бу ердан кетиб ҳам бўлмайдими, ё?

– Бу, ахир, сенинг йўлинг эмас-ку?

– Бўлмаса, сенинг йўлингмиди? Сенинг уйингга бормоқ учун орқага қайтиш керак-ку?

– Менга барибир, – деди Феруза.

– Мен бўлсам ана шу ёққа бораман, – деди Ганка.

Бир дақиқа қадар иккаласи ҳам индамай боришди. Теварак бўм-бўш; ёлғиз трактирдангина қийқирган ва қўшиқ айтган товушлар келади. Сўнгра Дол деган коп-қора ва азамат ўрмон “ғув-ғув” қилиб, кузнинг ёмон ҳавосида инграйди.

– Ҳа, нима дейсан энди? Иванинг сени роса ўхшатибди-ку? – деб ачитиб гапирди Ганка.

– Ҳа, шунга хурсандмисан сен?

– Менми? Менга барибир! Мен муни кўпдан билардим.

– Нимани билардинг?

– Сенинг энди эшитаётган гапларингни! Иваннинг сени севмагани-

ни, ёлғиз алдаб юрганини, сенга уйланиш деган гап унинг хаёлида ҳам бўлмаганини.

- У ўзи гапирдимми сенга бу гапларни?
- Бўлмасам-чи, бошқа ким гапирарди?
- Демак, у сени севар экан-да?
- Меними? Мен қайдан билай? Менинг назарим илмайди.
- Нега бўлмаса, ҳадеб унинг билан ўйнаша берасан?

– Ха, ха, ха! Менинг тушимга ҳам кирмайди ўйнашиш. У ўзи менга ёпишиб келади. Нима балоларни гапирари. Лекин мен у гапларнинг нима-лигига жуда яхши тушунаман. Шу яхши-да, мен билиб тураманки, у агар менга суйканиб келаётган бўлса, албатта, кўнглида бир ғарази бор! У ҳам биладикки, мен унга илжайиб кулиб келсам, уни ўлгудек севиб қолганимдан эмас, менинг ҳам кўнглимда бир ғараз бўлганлигидан!

– Туууф! – деди Феруза чин кўнгилдан.

– Хоҳ тупур, хоҳ тупурма, менингча, яхши йўл шу. Сен улуғ севгига берилиш орқасида шундай даражага тушдингки! Мана ҳозир қаерга боришингни билмасдан йўл босаётирсан! Мен бўлсам, мана, қорним тўқ, тани-жоним соғ! Ўзим хурсандман. Унга ҳам ёмон бўлаётгани йўқ!

– Унга ҳам?

– Албатта, унга ҳам. Ахир сен ўзинг кўриб турасанки, у мен билан бирга бўлганда яйрайди, гаплашади, ўйнашади. Хурсандлик қилади. Сен билан бўлганда, жаҳли чиқади, холос.

– Сен уни ўзингга иситиб олгансан!

– Йўқ, оппоғим, иситиб олганим йўқ уни мен; сен ўзинг эси пас, иш билмас нарсасан. Ха! Йигитлар билан муомала қилишни билмайсан, биттасини топиб оласан-да, “Ойим ҳам шу, куним ҳам шу”, деб осилиб оласан. Ха, ха, ха, билсанг эди сендан бошқалар қандай бўлалар. Қандай қилиб ишни йўлга солалар! Менга нима, ўшани деб озиб, сарғайиб, йиғлаб-сиктаб турайми? Йўқ, кутган шу бўлса, кута турсин! Керак бўлса, мени деса у ўзи сарғайсин!..

– Мен мун қилолмайман!

– Қилолмасанг, ўзингдан ўпкала! Унақа, “сен иситиб олдинг”, деб юрма! Иситиш нима керак? Иситмасам ҳам бу кеча менда ётади.

Бу сўзни эшитгач, Феруза унақа кичкириб ҳам турмади, ёлғиз кўлини кўкрагига босиб, бир довдиранди. Агарда Ганка кучоқлаб суяб қолмаса, ўшандаёқ ерга йиқилган бўларди.

– Ҳай. Нима бўлди сенга? – деб кичқирди Ганка, биринчи дафъада ўзи худди ўлганга ўхшарди. Мана бу хангомани кўринг энди! – деб қизни худди бир коп сомондай кўтариб туриб ғудурланди Ганка. – Эсидан оғиб қолдимми ё бутунлай тугаб қолдимми?

Сўнгра бошини эгиб, қизнинг кўкрагига кулоқ солди.

– Нафас ололмай қолибдир шўрлик. Нима қиламан энди мундай ерда? Қичқирсам, бирорта одам эшитиб, келиб ўзига келтириб берармикан?

Ва шу онда Ганка тўрт томонга кўз югуртди. Жуда қоронғи эди. Улар аллақандай ёмон кўчалардан бирига кириб қолганлар. Яқин ўртада на бир уй, на трактир – ҳеч нарса йўқ эди. Ёлғиз кўчанинг икки томонида баланд-баланд тупрок уюмлари бор эди.

Тикилиб қолгандан сўнг, Ганка қандай жойда турганликларини билди. Бу жой бир замонлар биринчи дафъа қовланган конлардан бирининг ўрни эди. Бор нефтни қовлаб олгач, зовурларни қайтадан кўмиб ташлаган эдилар. Ишлар бошқа жойга кўчирилган, бу ерда эса тупрок уюмлари билан бўш зовургина қолган эди. У зовурлардан баъзиларининг олдида тахта михлаганлар, баъзиларига эса сув тўлдирган эдилар.

– Бу шамолда, мундай жойда ким эшитади менинг кичқирганимни? – деб, Ферузани суяб тургани ҳолда гувранди Гаўқа. – Нима, мен жинни-мидим? Мун бу ерда бир умр кўриб ўтиргани? Ўзи келиб қолар хушига.

Мунинг тезлигини кўринг тагин! Мени сўқади, сочларимни юлади, ху, сендай шаллақини... Кўрсатиб қўяман мен сенга ўйнаша турган одамни!

Бирдан Ганканинг юрагида тентакларча ғазаб олови алангаланди. Шу аланга билан жонланиб кетиб, яна бир дафъа теграсига қаради, у ёқ-бу ёққа кулоқ берди. Сўнгра ҳеч ким йўқлигини билгач, яна Ферузани кўтарган холда, худди ит каби, кўча бўйлаб олдинга томон чопди.

Сўнгра у бир тупроқ уюми устига чиқиб, яна бир дафъа теграсига қаранди-да, эҳтиёт билан пастга, ўртасида бошланган зовури бўлган бир текисликка тушди.

Иўлни оёғи билан пармалаб юриб, зовурни топди. Бу зовурнинг оғзи икки тахта билан беркитилган, лекин битта тахтасини аллакимлар суғуриб ташлаган эдилар.

Ганка кўли билан пармалаб юриб, зовурнинг эшигини топди-да, сўнгра бутун кучи билан нариги тахтани торта бошлади, иккита миҳ қоқилган ва ўзи қанчадан бери чириб ётган тахта тезгина кўча қолди. Сўнгра оёқларини зовурнинг лабига маҳкам ниқаб тутиб, пастга энгашди, ҳиссиз ётган Ферузани аста-секин кўллари устидан ерга туширгач, бошини пастга қилиб туриб зовурнинг қоронғи оғзига ташлаб юборди.

Зовур оғзигача деярли сув билан тўла эди, шунинг учун Феруза, худди енгил бир кесакдай, астагина, жимгина зовурнинг оғзига қараб кетди...

### Жиноятчи қиз

Ҳамма ёғи уйиган, бутун кийимларига лой-тупроқ ёпишган ва юзи худди ўлик юзидай оппоқ оқарган Ганкани, ярим соатдан сўнг ошхонага келиб киргач, хўжайин хотини жаҳл билан қарши олди.

– Шу вақтгача қаерларда дайдининг, қиз ўлгур Ганка?

– “Қаерларда дайдининг?” Сувга чиқиб эдим.

– Ёлгон айтасан, пақирлар шу ерда турибтир-ку?

Шундан кейин Ганка яна ёлгон айтиб турмасдан, югуриб ошхонадан чикди-да, пақирларни олиб, сувга кетди.

Хўжайин хотини яна бир оз гуврангач, жаҳлидан тушди. “Ганка қайси гўрларда ўйнашса, ўйнаша берсин! Менга нима? Узим ҳам билмайман-ким, бу Борислафда ҳеч қандай оқсочни тийиб бўлмайди – ҳаммаси ҳам ўйнашади”, деб ўйлади.

Ярим кечадан анча ошганда, Кирнецкийникидан маст ва қувноқ ишчилар чиқиб келдилар. Улар кўча ўртасида галалашиб келаркан, баланд овоз билан сўзлашар, қўшиқ айтар эдилар.

Уларнинг орасида ёлғиз Иван қайғили эди. Бу оқшом у оз ичган. Аллақандай оғир ўйларга ботгандай, доим тумтайиб ўтирган ва унда бир турли шошқинлик кўринган эди. Унинг кўкрагинда аллақандай бир қайғи – новут бўлган ёш умр қайғиси, Борислафнинг бузуқ турмуши орқасида қўлдан кетган отамерос ерлар қайғиси кўзғолган эди. Ферузанинг сўзлари унинг кўкрагини оғир бир зарб билан ачитган ва унинг бутун емак, ичмак, ўйнамоқ, куйламоқ иштахаларини бўғиб қўйган эди.

– Иван бугун иштаҳасини йўқотиб қўйибдир, – деб ўртоқлари ундан куларлар ва ўзини четга оларлар эди.

Мана шу аҳвол билан у бошқа ишчиларнинг кетидан ёлғиз ўзигина кетаётиб эдиким, Ганка чиқиб келиб, бирдан мунинг қўлига осилди. Иван ҳатто бир қур сесканиб ҳам олди. Тун қўлга ёпишган одамни таниб бўлмастик даражада қоронғи бўлгач, албатта, ҳар қандай одам ҳам сесканади-да!

– Ким бу? – деб қичқириб юборди у.

– Мен-мен! Иван, мен, – деб аста пичирлади Ганка.

– Сенмисан? Нима керак сенга?

– Хафа бўлиб қолдингми мендан?

– Менми? Сенданми? Нега хафа бўлайин?

– Худо урсин, агар менда қилча гуноҳ бўлса, – аллақандай ҳовлиқма



бир шошилиш билан тез-тез гапирди Ганка. – Бекордан-бекорга нега те-гар эдим мен унга? У ўзи менга осилди, жанжални ҳам ўзи аввал кўзиди. Кейин мени ургали югурди. Ўзинг айт! Ахир у шундай қилиб турганда, мен нима – қараб тураманми?

– Мен сенга бир нарса деб ётибманми? – қовоғини солиб жавоб берди Иван.

– Иванжоним, – деди Ганка, нафаси бўғилиб туриб, – қандай раҳмдил йигитсан сен. Чинакам сен мендан хафа эмасмисан-а? Нега бўлмаса трактирда тумтайиб ўтирдинг? Айтиб бер-чи менга?

Ганка Иваннинг ёнбошида, унинг қўлига осилиб, худди қоронғилик ва ёлғизликдан кўрқкандай унга ёпишиб борарди.

– Эй! Нимасини сўрайсан унинг? – деди Иван ва қўлини унинг қўлидан тортиб олмоқчи бўлди.

– Йўқ, йўқ, шошма? Қаерга кетаётибсан? – деб сўради Ганка.

– Уйимга бораман, ухлайман.

– Юр! Меникига борамиз. Меникида сен роҳат қиласан.

– Истамайман!

Иван бундан бурун ҳам Ганканикида бир кеча ётган эди. Ганка Кирнец-кийнинг моллари учун омборлик вазифасини ўтаган бир айрим уйда турарди. Унда мол тойлари ва тугунлари орасида катта бир “ёғоч эшак” туради.

Ганканинг бир жуфт болиш ва битта иссиқ кўрпаси бўлиб, у ётиб юрган омборнинг печкаси бўлмаса ҳам, Иваннинг бошқа ишчилар билан тура турган омборидан анча иссиқ эди.

Лекин, Иван шу куни, негадир, Ганканикига боришни истамади. Ферузанинг энтиккан ва оқариб кетган юзлари худди рўбарўсига келиб тургандай, кўзлари эса мунга ёлвориб, алланарсадангина қилаётгандай бўлди.

Лекин Ганка унинг қўлини сира бўшатмади. Унинг ўзини ҳам кучоқлаб, ўзига тортиб, “Бирга кетдик”, деб ялиниб-ёлвора берди.

– Иванжон! Жоним, мен учун уна! Шу бу кун, холос. Билмайман, менга нима бўлди экан, ёлғиз қолгали кўрқаман, жуда ёмон кўрқаман. Мен сени кўймайман, мен ёлғиз қолмайман! Юр! Юр!

Ёлғиз қолишни ўйлаши биланок у худди безгак тутгандай қалтирарди.

– Кўй! – деди Иван. – Нима бало, ёш боламисан сен? Ёлғиз ётгали ҳам кўрқасанми? Мана бу гапни қаранг!

– Вой, бўлмайти! Вой, бўлмайти! Бутун дунёни менга берсалар ҳам, мен бу кеча ёлғиз қолмайман. Хоҳласанг – ур! Хоҳласанг – ўлдир! Лекин сенсиз қолмайман мен, меникига бориб ётасан, мен ўзим сен турган жойга бориб ётаман.

– Нима бало, жинни бўлдингми сен? У ерда бир гала йигит-яланг ётади.

– Бўлса бўлар! Мен улардан кўрқмайман, фақат ёлғиз қолишдан кўрқаман!.. Қороғилиқдан кўрқаман... Ундан кўрқаман...

– Кимдан?

– Ундан... Сеникидан!.. Сенга таъзим қилишларини кара-я! Трактирдан чиқиб кетаётганда юзларини бир кўрдингми унинг?

Ганканинг Ферузани эслатишлари Иваннинг кўкрагига, оғриган жойига кўполлик билан бориб теккан қўлдай тегди.

– Кўй мени! Уни эслатма менга! – деди у, сўнгра Ганканинг ёлворишларига кўниб, у билан бирга тунагали кетди. Ганка уни ё бошлаб боради, ё судраб. Ҳар ҳолда унинг қўлини сира қўйиб юбормасдан, гапдан ҳам сира тўхтамасдан, ўзи ҳам бирушта қалтираб боради.

– Нима бўлди сенга, ҳой қиз? – деди, ниҳоят, Иван. – Уйиб-негиб қолдингми? Ё совуқ ўтдимми? Безгак тутаётибдирми ё чинакам оғирроқ касалмисан? Ўзинг “дир-дир” қалтирайсан: кўлларинг совуқ, муздай, бошингдан ўт чиқаётибдир.

– Майли, Иванжон, майли, зарари йўқ! Уйга бориб ухлайлик, эрталаб турганимиздан кейин ҳаммаси йўқ бўлиб кетади.

Лекин бу ҳолат тезгина ўтиб кетмади, ҳар ҳолда Ганка истаган тезликда ўтмади. Унинг Иванга бу қадар сукулиб келиши ҳам бекор эди. Иван уйқуга

кетар-кетмас, Ганкани ваҳима босар ва уни яна уйғотиб юборарди.

– Иванжон, ухлама! Бир нарсдан гапириб бер менга! – деб пичирларди у, кўркинч коронғиликни кўрмаслик учун кўзларини юма-юма.

– Жинни бўлдингми сен? – деб сўкди Иван. – Мен чарчаган одамман, ухламоқчиман. Нима тўғрисида гаплашаман мен сенинг билан?

– Нима бўлса ҳам майли! Нима бўлса ҳам ухлмасанг бўлди! Шу қадар кўрқаманки...

– Нимадан кўрқасан?

– Билмайман нимадан, нимаданлигини, кўрқаман... Нимаданлигини билмайман! Сира ухлаёлмайман.

Сўнгра йиғлаб юборди. У ҳамма гапни Иванга айтиб бермакчи бўлар, лекин алланарса уни бу фикридан қайтарарди. Шу учун у хадеб тишларини қисар, конатар даражада лабларини тишлар ва ҳеч нарса айтмас эди... Тонгга яқин ташқарида ҳаво оқара бошлагачгина у ухлаб кетди.

### Иван билан Ганка

Бир неча кун ўтди. Иван конда ишини қилди; трактирда ейиб-ичди, Ферузани сира ўйламасдан, Ганканикида ётиб юрди. Ганка тинчланди ва энди кечалари кўркмай турган бўлиб қолди. Лекин ҳар ҳолда ёлғиз ётгали ботина олмасдан, Иванни кечаси ўзиникига олиб кетмак учун ҳар кеча ҳар йўл билан уни ўзига тортгали урина бошлади.

Бурун Ганканикида ётишга ўзи талабгор бўлиб юрган Иван энди хохламасдан бора турган бўлди. Ганка унга ёпишиб келса, унинг гаши келарди. Ганка у билан ўйнашгали бошласа, у сўкинарди; Ганка келиб ёнига ётса, у жиркангандай бўлиб, ўзини олиб қочарди.

Тез орада бу “кўнишлар” уни бадтарроқ жиркантиратурган бўлди. Ганка тез ухлаб кетарди; лекин кечаси яна уйғониб кетиб, аллақандай бўғиқ бир ваҳимани сеза бошларди.

“Нима бадоларни кўради бу тушида? Нега мунча бакиради?” – деб ўйларди у. Уша хил бакиришдан сўнг қизнинг оғир нафас олишини тинглаб турарди. Шундан кейин қиз яна тинчгина ухлаб кетарди. Ярим соатча қийналгандан сўнг кўзи уйқуга кетган Иван яна тагин даҳшатли “дод-вой”ларни эшитар, яна уйғониб кетарди.

– Ганка, қандай бало сени тушингда бўғади? Нега мунча қаттиқ бақирасан?

– Менми, – деди Ганка, бир қур сесканиб олгач, сўнгра тишларини қисди. – Мен ҳеч нарса билмайман!

– Ундай бўлса, мундан кейин сенинг ёнингда бошқа одам келиб тунасин, мен бўлдим, – деб аччиғланиб ғудурланди Иван. – Одам боласиникига ўхшамаган ёввойи бир овоз билан шундай бақирасанки, кўзимда уйқумуйқудан асар қолмайди.

– Қани, қани, Иванча, қани, қилиб бер-чи, қанақа бақираман мен?

– Худди терингни шилиб олгандай бақирасан.

– Хўш нималар деб гапираман?

– Уша гапларингдан бир нарса уқиб бўлармиди? Худди сўйилаётган хайвондай бўқирасан!

– Мен ўзим азалдан шунақаман.

– Туғма касалим бу.

– Бекор айтасан. Бурун мундай бакиришларингни сира эшитмаганман.

– Шунақа, баъзида пайдо бўлади-да, яна йўқ бўлиб кетади. Сен кўрқма, Иванча! Утиб кетади.

– Хоҳ ўтсин, хоҳ ўтмасин, мундан кейин мени бу шумли уйингга ҳеч бир йўл билан олиб келолмайсан!

– Мана холос, дарров аччиғинг келди. Бу яхши эмас, Иван! – деди Ганка; кеч киргач, яна суйқанди унга, ёлинди, ёлворди, пивалар, арақлар олиб берди. Охирда маст бўлган Иванни унатиб, яна ўзиникига олиб кетди.

Иван қаттиқ маст бўлса, жуда қаттиқ ухлар ва Ганканинг анча-мунча

бакиришларига уйғонмас эди. Шу учун қиз унга мумкин қадар кўп ичирар ва ҳатто уйига ҳам бир шиша-ярим шиша олиб келиб, Иваннинг болиши остига қўйиб қўярди. Уйқуси очилиб кетса, дарров бош остига қўл узатсин, олиб ичсин, сўнгра яна ухлаб кетсин, деб.

Ори рост, бу хил унашлар натижасида Иваннинг ранги олиниб, юзи бир хил кўкимтил тусга кириб, боши оғрийтурган бўлиб қолди. Лекин бу тўғрида Ганка ҳеч бир ғам емас, ҳатто Иваннинг ўзи ҳам кўзгуда юзини кўргали вақт топмас эди.

Ожизлик билан бошини куйи солиб, у ҳар кун ишига боради.

Унинг юзларида ёлғиз бир нарса очик кўринадиким, у ҳам бўлса, ундаги хафа ҳоллик, табиатидаги қувноқликнинг сўниши, ўйин ва қулгига бўлган хавасининг йўқолишидир.

– Эй, Иван, сен шу кунларда аллақандай бўлиб қолдинг, – дейдилар унга ўртоклари.

– Рост, алланарса бор, – деб қайғириб жавоб беради Иван.

– Нима бўлди сенга? Тағин касал бўлмагил?

– Дўхтур, эй, ҳар кун эрта билан бошим оғрийди. Бу эҳтимол арақдан бўлса.

– Эй, йўқ, арақнинг ўзига бўлса, бош оғримайди. Агарда унга пиво аралаштириб ичсанг, ана унда ёмон. Мана шундан бош оғриши мумкин.

– Ҳа, рост, балки ўшандандир. Энди мундан кейин аралаштирмайман.

### Арина кампир

Бир кун туш пайтида Иванни зовурдан тортиб олдилар. У нефть газидан ўлар даражада бўғилган ҳолда тупроқ уюми устида ётарди. Оғир-оғир нафас олиб, баъзи-баъзида бир рюмка арақ ичиб, ўзига келарди. Худди шу вақтда Ферузлар билан бир уйда ётиб тура турган ишчи хотин – Арина деган кампир келиб кирди. Бу хотин Ферузанинг хангомаларини яхши билар ва Иванни ҳам тегишинча танирди. Шунинг учун ишчилар билан салом-алик қилгандан сўнг, тўғри Иваннинг ёнига қараб кетди.

– Менга қара, Иван! – деди кампир. – Ферузанг қаерда? Сен уни билмайсанми?

– Менинг Ферузам? – деб ғудурланди Иван. – Қандай қилиб меники бўлар экан у?

– Хайр энди, қандай бўлса ўшандай, ишқилиб, мендан кўпроқ сеники. Шунини сўрамоқчи эдим сендан: қани, қаерда ўша қиз?

– Нима, мен унинг кетидан из қувлаб юрибманми?

– Эй, ғалати одам экансан-а? Мен сендан яхши одамсан, деб тўғрилиқча сўраб ётибман... Сен кампир онангга юмшоқ гап билан жавоб қилгил, ундан кейин жиндак арақ билан сийлагил.

Иван ҳеч нарса демасдан, арақ қуйди-да, кампирга узатди. У арақни ичди. Қариликдан буришган лабларини қийшайтирди. Кир-моғор енги билан оғзини артди.

Сўнгра Иваннинг ёнига ўтириб, астагина сўзлай бошлади:

– Мана бу сийлаганинг учун раҳмат! Худди кўнглимга етиб бориб тўхтади. Мен нима айтмоқчи эдим сенга?.. Ҳа, Феруза тўғрисидайди. Биласанми, икки ҳафтадан бери бизникида ётмай қўйди у. Мен ўйладимки, сиз энди, балки, бошқа бир жой олиб, бирга тура бошлагандирсиз; шунинг учун биздаги кийим-кечак солиб қўйган бир сандиғи бор, кўркма, қулфланган, ҳеч ким ҳеч нарсасига теккани йўқ. Худо сақласин ундан! Энди бориб, ўша нарсаларни олиб кетсин.

Иван гангиб, боши қоғиб турарди. Зовурдаги нефть газиданми ёки эрта-лабки бош оғриғиданми, ё шу тобда кампир айтган гапларданми, ишқилиб, нимадан гангираган бўлмасин, шу онда ҳеч нарсани англай олмасдан, кампирнинг гапларини ҳам худди бир эртақдай тинглаб ўтирарди.

– Ҳа, ҳа, – деди у бирдан бошини қимирлатиб, – чинакам, бориб нарсаларини олсин. Лекин ўзи қаерда экан?

- Ҳали сен билмайсанми?  
 – Уни кўрмаганимга икки ҳафтадан кўп бўлди.  
 – Қаерга кетганини ҳам билмайсанми?  
 – Қаерга кетганини? Шошманг-а! Биз ўша қуни... Оқшом чоғи эди... Кирнецкийникида... жиндак қойишиб қолдик... Ушанда трактирдан чиқиб кетди, шундан бери кўрганим йўқ.  
 – Қайси кун эди, эслайсанми?  
 Иван кунни эслаёлмади.  
 – Икковингиз гижиллашиб қолган бўлсангиз, у, балки, аразлагандир. Сенинг кўзингдан йироқ бўлайин, деб бошқа бирор жойга ишга ўтгандир. Узининг қаердалигини сенга билдирмаслик учун, балки бошқа бирор жойда ётиб ҳам юргандир. Лекин сен, яхши йигит, ҳар нима бўлганда ҳам уни ахтариб кўрсанг бўларди, йўкса, биз ётган уйнинг эгаси – қоровул чол Ферузанинг жой ижарасини биздан кистаб ётир. Узгалар учун биз ҳеч қачон тўламаймиз. Мана шу гап, уй ижарасига деб унинг нарсаларини босиб олмайсизлар тайин!  
 – Хўп, хўп, мен суриштираман... Бир иш қилиб ўзим хабарини бераман. Кампир кетди. Иван бўлса, ё бир нарсани ўйлаб, ё ҳиссиётга ботиб, анча-гача ўтирди. Сўнгра ўрнидан туриб, тез-тез овқат егали бошлади. Негаким, овқатдан сўнг яна қайтиб зовурга тушмак керак эди.  
 Оқшом у Ферузанинг қаерга йўқ бўлиб кетганини билмайсанми, деб Ганкадан сўради. Ганка кўзларини олайтириб, ранги оппоқ пахтага айланиб, худди сўз билан бўғилгандай бўлиб ғурунглади:  
 – Йўқ, билмайман!  
 Иван Ганкадан мундан ортиқ сўраб ўтирмади. Ганка билан Феруза ўртасида кўчада бўлиб ўтган машҳур уришдан сўнг Ферузани Борислаф шаҳарчасида ҳеч ким кўргани йўқ.  
 Иван Ганкадан яна сўради  
 – Менга қара, Ганка! Сен Феруза билан кўчада бир уришиб эдинг, эсингда борми?  
 – Ҳа, бор, аввалбошлаб ўзи осилди.  
 – Уша куннинг ўзида у оқшом чоғи Кирнецкийникида эди.  
 – Мен кўрганим йўқ уни.  
 – Кўрганинг йўқ? Ҳой, ростини гапир!  
 Ганканинг яна ранги ўчди. Лекин тезгина ўзини тўхтатиб олди.  
 – Нега сен менга ўшқирасан?  
 – Мана, кўрасанми, ўша кундан бери қиздан дарак йўқ.  
 – Сен усиз сира яшай олмайсан-а?  
 – Менинг нима ишим бор у билан? Шунчалик...  
 – Йўқолган бўлса йўқолибдир, худога шукур, кўркма, жин урмагандир. Сенинг бўйинингга тумор бўлолмаслигини билгандир, “бор”, деб уйига қайтиб кетгандир.  
 – Нарсаларининг ҳаммасини қолдириб кетибдир-да.  
 – Қолдирса нима бўлади?! Қанча нарсаси бор экан унинг? Уч миридан ошармикан?  
 – Йўқ-ей, кийим-кечаклари бор.  
 – Ундай бўлса, албатта, бир ойдан чиқиб қолади.

### Янги турмуш хаёллари

- Иван бир оз тинчиди... “Чинакам ҳам жуда мумкин, – деб ўйлади Иван. – Уша қуни Феруза жуда ёмон аччиғланган эди. Кирнецкийникидан чиққач, Борислафдан чиққач, тўппа-тўғри уйига қайтгандир”.
- Шундан сўнг Феруза тўғрисида ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамай қўйди. Яқшанба қуни келгач, Феруза турган уйга бориб, унинг уй ижара ҳақларини тўлаб, нарсаларини ўзиникига олиб келди.
- Байрам кунларида ўз кишлоғига тушиб, Ферузанинг нарсаларини ўзига топширишга қарор берди. Унинг бу қарорида Ферузани кўрмак ёки у билан ярашмоқ истаги йўқ эди, албатта; ёлғиз уни суриштириб, ўтказган бир

неча кунларида у худди ўз гарданида чинакам айб бордай, аллақандай бир ваҳимага йўлиққан эди.

Борислафнинг ўз ҳаёти бу ўткинчи талвасаларни тез кунда босиб кетди. На Ганка, на бошқа биров Ферузани тақир ўйламас бўлди. Ҳатто Иван ҳам унутди уни. Лекин шунда ҳам Иванни аллақандай бир нарса қийнаб тургандай бўларди. Араққа, бузуқчиликга, ўйин-кулгига бўлган ҳаваслари сўнди. Ва кон ишчилари орасида сира кўрилмаган равишча пулларини ҳам эҳтиёт қила бошлади.

Иккинчи ҳафтанинг ўзидаёқ у топган пулининг тек ярминигина сарф қилиб, қолган ярмини – беш “гулдўн”<sup>1</sup>ни орттириб қолди. Латтага ўралган бу бешликни олиб юриб, ғалати режалар чиза бошлади. “Борислафнинг турмуши, – деб ўйлар эди у, – чинакам эркин турмуш, лекин одам боласига яраштурган турмушми? Унинг эркинлиги ҳам қурсин! Эркинлик ёлғиз якшанба куни билан байрам кунларида, холос. Бошқа кунларда сен иш ҳўкизидан ўзга эмассан. Мундан ортиқ хорлик бўладими? Сен кон эгасининг ёки у белгилаган одамнинг асл кулисан. Ер остида ҳаётининг ҳар бир дақиқаси хавф остида, ер бетида бўлса – доим сўқиш... Ва доим бу бадавийлик, шу ифлослик, шу бузуқ ҳаво, шу мастлик, шу ибтило<sup>2</sup>.”

Аё, то ўлгунча, то қаригунча унинг турмуши шундай ўтадимми? Шуни ўйлаган вақтда бутун вужуди совуқдан жимирлаб кетади.

Узи туғилган қишлоқнинг кўм-кўк талалари, чечак тўла қирлари, кулранг терили ҳўкизлари, оппоқ қилиб оқартилган уйлари ва кичкина-кичкина боғлари эсига тушиди унинг. Ва у бирданига келган шу талвасалар билан йиғлаб юбора ёзди.

Шундай жаннатни қандай эси пастлик билан шу иссиқ ерга алиштириб юрган экан у? Шундан сўнг унинг ҳаёлида қишлоқ турмушининг кўринишлари бир-бир кетин ясов тортиб ўта бошлайлар...

Бу эслатишдан сўнг унинг ўйлари тўппа-тўғри Ферузага келди. У ҳам ахир унинг қишлоқ турмушидаги гўзалликларидан бири эди-ку! Агарда куруқ чархнинг қитиллаши унинг эсига шу топда шу қадар ёқимли бўлиб тушаётган эса, бу ёлғиз шунинг учундирким, қудуқ бошида, у Феруза билан бирга семимли сўзлар сўзлашиб, кўп кечаларни кечирган эди.

Бугдой ўроғи вақтида Феруза отасига тушлик олиб борарди. Ўшанда – ёлғиз бу ишлаб турган экинлик орқали юрмак, ўзининг гўзал товуши билан унга бир мартаба “ҳорманг!” деб ва кулранг кўзачасидан бир коса-ярим коса муздай сув бериб ўтмак учунгина у қиз энг олис сўқмоқ йўлларни ҳам излаб топмасмиди?

Байрам вақтларида-чи, байрам вақтларида... Унда... Унда... Шундай қилиб, Иваннинг ҳаёли қишлоқ турмушидаги гўзалликларнинг Ферузага боғлиқ даврларидан юзларча, мингламча хотираларни унинг эсларида жонлантира кетди. Ва шунда унинг юрагига алланарса қадалиб, сикди.

Афсуслар қимирлаб, аламлар кўтарилди. “Феруза ҳақли эди! Мен энди тезлик билан Борислафни ташлаб, қишлоғимга қайтмасам бўлмайди!”

Тўғридир: у ўзининг толесиз кўрлиги билан ота меросини сотиб совурди. Ферузани ўзидан қочирди. Лекин ҳали ўзи ёш, кучли, соғлом ва шунинг учун кўлидан чиққанларнинг барчасини қайтариб қўлга киргизишга ярайди.

Мана, бир ҳафта ичида битта “бешлик” ортгирди. Ҳолбуки, бир ҳафтада “бешлик” эмас, “сақкизлик” орттириш ҳам мумкин. У ҳолда бир йилда тўрт “марг”<sup>3</sup> ер келади. Шундай қилиб, ҳеч кимга билдирмасдан, янги турмуш бошласа, пулни ҳар томонга совурмасдан, тушганини тўплаб боришга қарор берди. Ундан у ёғида бир нарса чиқар.

(Давоми бор)

*Наишга тайёрловчи*  
*Наим КАРИМОВ*

<sup>1</sup> Бир “гулдўн” – 80 тийин; бешлиги – тўрт сўм.

<sup>2</sup> Муфтало бўлиш, илиниш (ўрганиб қолиш, кўпроқ ичкилик, чекиш нарсаларига).

<sup>3</sup> Ҳар “марг” – ярим десат.

## Патрик ЗЮСКИНД



Немис ёзувчиси ва киносценаристи. У Германиянинг Амбах шаҳрида туғилган. 1974 йилдан сценарийлар ёза бошлаган. Бир актли монолог тарзида ёзилган “Контрабас” номли биринчи асаридан кейинроқ ёзувчи муваффақият қозонди.

1985 йилда яратилган “Ифор” романи ёзувчини жаҳонга танитди. Зюскинд замонавий Олмония адабиётининг энг машҳур ёзувчиларидан бирига айланди. Роман илк марта 1985 йилда Швейцарияда нашр қилинган. Бугунги кунда у Ремарк замонидан бери немис тилида ёзилган энг машҳур романлардан бири ҳисобланади. Асар жаҳоннинг 40 дан ортиқ тилига таржима қилинган. Патрик Зюскинд қатор ҳикоя, қисса, романлар, сценарийлар муаллифидир.

“Ифор” романи воқеалари бош қаҳрамон Жан Батист Гренуйнинг қисмати билан боғлиқ ҳолда кечади. Роман экзистенциал йўналишда ёзилган бўлиб, рамз ва ишоралар асосига қурилган. Асарда XVIII аср француз жамиятининг чигал қиёфаси кўринади. Уйғониш даврининг ҳақиқий кўзғолонларига қадар бўлган жамият тартиб-қоидалари, ижтимоий ҳаёти ҳидлар фонида тасвирланади. Аслида бу инсоннинг бадбин ички дунёси, одамларнинг бадбин манфаатлари тимсолидир. Дунёда муҳаббат шахри деб таърифланмиш Парижда меҳру муҳаббатнинг касодлиги, ҳамма нарса пул билан ўлчаниши қаҳрамоннинг одамлар билан ўзаро муносабатларида кўрсатилади. Гренуй меҳрсиз дунёда туғилди, у ҳатто онасидан меҳр кўрмади. Умуман, жамият уни рад этган. Асарнинг бошдан-оёғигача инсоният меҳрга зор, ҳис-туйғу, муҳаббатсиз ҳаёт фожиадир, деган ғоя кўриниб туради. Бу ғоя Гренуйнинг фикрлари билан ҳам ўз тасдиғини топади. Унинг фикрича, қайнаётган қозондаги гулларнинг гўзаллиги, вужуди бор-йўғи ниқоб, холос, уларнинг моҳияти эса ифоридадир. У инсонларнинг ҳам моҳиятини иштайди ва тополмайди. Ифор инсоннинг гўзал ҳис-туйғулари рамзи ҳамдир. Азобланган қизлар образи аслида Франциянинг келажаги тимсоли эди, чунки бу давр ёш, навраста туйғуларни поймол қилар эди.

“Ифор”нинг асосий қаҳрамонлари етук характерлар даражасида тасвирланган. Ҳар бир қаҳрамон эсда қоларли. Кекса аттор Жузеппе Бальдини ҳам, Гайар хоним ҳам, маркиз де Ла Тайад Эспинасс ҳам, Иккинчи элчи Антуан Риши ҳам ёрқин фигуралардир.

Гренуйнинг ўзи учун яратган атирлари уни турли қиёфаларда кўрсата оларди. Асарда атир бир восита сифатида қўлланилади, холос. Аслида бу ифор, ҳид эмас, Гренуйнинг таъсир доираси (аураси)дир. У одамларга таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга бўлишни хоҳлайди. Меҳр ва инсонийлик устувор бўлмаган жамиятда пайдо бўлган Гренуй каби кишилардан доимо шу жамиятнинг ўзига хаёф бор, асар ана шундан инсониятни огоҳ қилади.

Романда гўзаллик ва хунуклик каби эстетик категориялардан ҳам ўринли фойдаланилган. Бу икки тушунчанинг контраст ҳолатда қўлланиши асарда ички коллизияни кучайтириб, қаҳрамонлар қиёфасини янада ёрқинлаштиради. Гренуйнинг ташқи кўриниши ниҳоятда хунук тасвирлангани каби, унинг ички дунёси ҳам шу қадар хунукдир. Аммо у барчага гўзал кўрина олиш, ўзини севдира олиш санъатини эгаллашга уринади. Гарчи очик ёзилмаса-да, ҳар бир эпизодда асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатига, юз бераётган воқеаларга нисбатан ёзувчининг салбий муносабатини сезиб турамыз. Озгина киноя, озгина ишора орқали муаллиф буни бизга англашиб боради.

Таржимондан



# ИФОР

Роман<sup>1</sup>

## Биринчи қисм

...Бу вақтда Парижда ўндан ошиқ аттор санокда бор эди. Улардан олтигаси ўнг қирғоқда яшарди, олтигаси – чап қирғоқда, қоқ ўртадаги биттаси эса ўнг қирғоқни Сите ороли билан туташтирган Менял кўпригида яшарди. Бу кўприкнинг икки томонида ҳам тўрт қаватли уйлар шу қадар зич эдики, бирор жойдан дарёни кўриб бўлмасди, шунинг учун рисоладагидай кенг, тош терилган ва бунинг устига фавкулдда чиройли кўча таассуротини берарди. Аслида, Менял кўприги шаҳарнинг энг диққатга сазовор даҳаларидан бири ҳисобланарди. Бу ерда заргарлар ўз буюмларини, ўймакорлар қора ёғочларни, энг яхши усталар ясама сочлар, жомадонлар, сумка ва катмонлар, нафис ички кийим ва пайпоқлар, расмлар учун чорчўплар ва отда юриш учун этикларни, каштачилар зар елкапўш, дегрезлар олтин тугмалар ва пулдонларни таклиф этадиган



машҳур дўконлар бор эди. Шу ерда аттор ва кўлқопчи Жузеппе Бальдинининг дўкони ва уйи жойлашган бўлиб, пешойнаси тепасида ҳашаматли яшил болохона бор эди, ёнида тамоми олтин билан ишланган Бальдинининг герби: олтин гулдаста солинган олтин атир шиша осилганди; эшиклар олдида эса Бальдини гербининг олтин ипак билан тўқилган тасвири солинган қизил гилам тўшалган. Ташқи эшик очилганда форсча куйни ижро этадиган кўнғироқча чалинарди ва икки кумуш турна мовий сувни ўз тумшукларидан Бальдини герби шаклидаги тилла суви югуртирилган жомга қуя бошлайдилар.

Оч рангли қорақайин дарахтидан ясалган иш столи ортида қари ва ҳайкалдай ҳаракатсиз, кумуш упа сепилган ясама соч кийган, олтин уқа билан тикилган белбурма камзулдаги Бальдинининг ўзи турарди. У ҳар тонг ўзига сепадиган Франжипанининг бодом суви ифори уни шундай кўринарли даражада қоплаган ва унинг шахсини қандайдир шаффоф туманликка чулғаганди. Ҳаракатсизликда у кўғирчоққа ўхшарди. Кўнғироқча куйи чалинган ва турналар фаввора сувини соча бошлагач – бу тез-тез содир бўлмасди – кўғирчоқ жонланарди, букчаярди, кичкина, чакқон бўлиб қоларди ва кўшлаб таъзимлар келтириб иш столидан шундай интилиб учиб чиқардики, хушбўй ифор унинг ортидан етиб олишга аранг улгурарди; шундан кейин мижоздан ўтиришни, ноёб хидлар ва пардоз-андоз воситалари турларидан лаззатланишни илтифот ила сўрарди.

Бальдинида улар минглаб эди. Тоза эссенциялар, гул ёғлари, тиндир-малар, сикмалар, секрециялар, малҳамлар, қатрон ва бошқа моддалар, ичиладиган, суюқ ва ёпишқоқ шаклларда – ёғупа, куюқ суртма, упа ва совуннинг барча турлари, қуруқ атирлар, соч суртмалари, бриллиантина<sup>2</sup>лар, соқол ўстириш учун эликсирлар, сўгалларни тушириш учун томчилар ва ташқи кўриниш нуқсонларини тўғрилаш учун кичик малҳамли матолар – суртиш учун тозаловчи моддалар, хушбўй тузлар, тозалик суюқликлари ва беҳисоб атирларгача товар ранг-баранглигини ташкил этарди. Лекин Бальдини мумтоз пардозчиликнинг ушбу маҳсулотлари билан қаноатланмасди. У нимаики хид таратса ва нимаики хид олиш учун хизмат қилса, ўз дўконига йиғишни шараф деб ҳисобларди. Шунинг учун чекиладиган шамлар, киёмлар, тасмалар ёнида барча зирavorлар – арпа-

<sup>1</sup> Романдан парча.

<sup>2</sup> Сочни ялтиратадиган пардоз воситаси (тарж.).

бодиён уруғидан долчин чўпигача, сироплар, ликёрлар ва мева шарбатлари, Кипр, Малага, Коринфдан келтирилган мусалласлар, асалнинг жуда кўп турлари, қахва, чой, куритилган ҳамда шакарланган мевалар, анжирлар, киёмлар, шоколадлар, каштанлар, ҳатто консерваланган ковуллар, бодринлар, пиёз ҳам, беркитилган тунец балиғи ҳам бор эди. Бундан ташқари, мухрлар учун ҳид берилган сурғич, муҳаббат мактублари учун атиргул ёғи хиди келадиган ёзув қоғози ва сиёҳ, испан чармидан бюварлар<sup>1</sup>, оқ сандал дарахтидан қаламдонлар, гулбарглар учун тувакча ва идишчалар, сарик мисдан чилимлар, шишалар, қахрабо тикинли биллур атир шишачалари, хушбўй кўлқоплар, дастрўмоллар, мускат гули билан тикилган игналар учун ёстиқчалар, хонани юз йилдан ортиқ хушбўйга тўлдириб турувчи мушк шимдирилган девор қоғозлари бор.

Кўринадики, бу барча товарлар учун кўчага чиқиб турган тантанавор дўконда жой етмаган бўларди, чунки ертўласи йўқ эди, нафақат омбори, балки иккинчи ва учинчи қаватлар, шунингдек, дарёга қараган барча биринчи қаватдаги бинолар омбор вазифасини бажарарди. Натижада, Бальдинининг уйида таърифлаб бўлмас даражада ҳидлар тартибсизлиги ҳукм суради. Алоҳида молларнинг хиди қанчалик нафис бўлса – негаки Бальдини олий сифатли моллар сотиб оларди – ҳидларнинг қоришмаси шу қадар чидаб бўлмас эди, гўё минглаб мусикачининг ҳар бири зўр бериб ўз куйини чалаётган оркестр оҳангига ўхшарди. Бальдинининг ўзи ва унинг хизматчилари кулоғи оғир кекса дирижёрлар каби аллақачонлар бу тартибсизликка ўрганиб қолгандилар, ҳатто хўжайиннинг тўртинчи қаватда яшовчи ва омборхоналарнинг навбатдаги кенгайишига умидсиз қаршилиқ қилувчи хотини ҳам деярли кўп ҳидларга кўникканди. Бальдини дўконига биринчи марта келган харидор – бошқа масала. Бу ерда ҳукм сураётган ҳидлар коктейли унга юзига мушт билан туширилгандай таъсир қиларди, харидорнинг фель-атворидан келиб чиқиб ҳаяжонга ёки уялиш ҳиссига соларди, ҳар қандай ҳолатда ҳам одам бу ерга нима учун келганини эслай олмайдиган даражага тушарди. Иш билан юборилган болалар ўз топшириқларини унутардилар. Бошлиқ жаноблар секин қочиб қолардилар. Баъзи хонимлар ё жазава, ё клаустрофобия<sup>2</sup> хуружини кечирардилар, ҳушдан кетардилар ва уларни чиннигул мойидан олинган энг ўткир хидланадиган тузлар, нашатир ва кофур спиртигина ўзига келтира оларди.

Бунақа шароитда Жузеппе Бальдини дўконидаги эшик қўнғироғи форс куйини борган сари камроқ чалиши, кумуш турналар эса гунафшали сувни борган сари камроқ фаввора қилиб сочиши табиий.

\* \* \*

– Шенье! – иш столи ортидан чақирди Бальдини берк эшикка тикилиб.  
– Паригингизни кийинг! – зайтун ёғи солинган бочка ва қозикқа осилган сон гўштлири орасида хўжайиндан ёшроқ бўлса ҳам аллақачон кексайган Шенье, Бальдинининг ёрдамчиси, пайдо бўлди ва олдинга, дўконнинг чиройлироқ жиҳозланган томонига ўтди. У белбурма камзулининг чўнтагидан ўз паригини чиқарди ва уни бошига бостириб кийди.

– Қетяпсизми, жаноб Бальдини?

– Йўқ, – деди Бальдини, – мен икки соатга ўз иш кабинетимда бўламан ва мени ҳеч ким мутлақо безовта қилмасин.

– Тушундим! Сиз янги атирлар кашф қилмоқчисиз.

– Худди шундай. Граф Верамоннинг талаби бўйича. У испан чарми бўлагига ҳид беришни истаиди ва умуман, янги ниманидир талаб қилади. Ниманидир, худди... худди... “Амур ва Психея” деб аталарди, шекилли, айтмоқчи, у истаётган нарса Сент-Андре-дез-Ар кўчасида яшовчи истейдодсиз аҳмоқ томонидан тайёрланган...

<sup>1</sup> Папка, портфель тури (тарж.).

<sup>2</sup> Ваҳима, ёпиқ жойлардан кўрқиб касаллиги (тарж.).



– Пелисье.  
– Ҳа. Пелисье. Аниқ. Бу аҳмоқнинг исми шунақа. Пелисьедан “Амур ва Психея”. Бу атирни биласизми?

– Билмай бўладими? Уни ҳар бурчакда туйиш мумкин. Бутун дунё уни сепади. Лекин сизни менинг фикрим қизиқтираётган бўлса – ҳечқиси йўқ. У сизнинг атирларингизга тенг келолмайди, жаноб Бальдини.

– Албатта тенг келмайди.

– Бу “Амур”нинг хиди жуда сийқа.

– Сийқа хидми?

– Ҳа даражада сийқа, Пелисьенинг бошқа атирлари каби. Уларга лиметин<sup>1</sup> қўшилган.

– Ростданми? Яна нима?

– Норинж эссенцияси, менимча. Розмарин<sup>2</sup> тиндирмаси бўлиши ҳам мумкин.

– Менга мутлақо фарқи йўқ.

– Албатта.

– Ҳа аҳмоқ Пелисье атирига нима қўшган бўлса ҳам, тупурдим. Мен учун ибрат эмас!

– Сиз тамомила ҳақсиз, жаноб.

– Биласизки, менга ҳеч ким ўргатмайди. Биласизки, ўз атирларимни ўзим яратаман.

– Биладан, жаноб.

– Ўз ғояларим ўзимдан туғилади!

– Биладан.

– Граф Верамон учун ҳақиқий доғруғ келтирадиган шундай бир нарсаяратмоқчиманки...

– Бунга аминман, жаноб Бальдини.

– Дўконни сизга қолдираман, Шенье. Ишлашим керак. Мени биров безовта қилишига йўл қўйманг, Шенье.

Шундай дея сира улуғвор бўлмаган, балки ўз ёшига яраша мункиллаб қолган, ҳатто ерга кириб кетаётгандай кекса чол оқсоқланиб четланди ва иккинчи қаватга – иш кабинетига зинадан секин кўтарилди.

Шенье иш столи ортидаги ўринни эгаллади, худди хўжайини каби қиёфага кирди ва бир нуқтада қотганча эшикка тикилди. У яқин соатлар ичида нима юз беришини биларди: дўконда – деярли ҳеч нарса, юқорида, Бальдинининг кабинетига эса одатий фожа. Бальдини Франжипани суви шимдирилган ҳаворанг белбурма камзулини ечади, ёзув столига ўтиради ва юқоридан илҳом келишини кутади. Лекин илҳом келмайди. Кейин тажриба идишчалари турган шкафга отилади-да, ниманидир ўйламай аралаштира бошлайди. Аралашма кўнгилдагидек чиқмайди. У лаънатлар ила деразани очади ва тажрибасини дарёга улоқтиради. Кейин яна ниманидир аралаштириб кўрмоқчи бўлади, яна ҳеч нарса чиқмайди, шунда у фарёд солиб ўзидан кетади ва кабинетини тўлдирган хидлардан акли озиб хўнграб йиғлай бошлайди. Кечки еттига яқин ачинарли, йиғлаган, титроқ холда пастга тушади ва: “Шенье, мен ҳид билиш қобилиятини йўқотдим, мен бу атирни ярата олмайман, ярата олмайман, граф учун бюварни тайёрлай олмайман, ҳалок бўлдим, ичимда бари соб бўлган, ўлишни истайман, илтимос, Шенье, менга ўлишга ёрдам беринг!” – дейди. Шунда Шенье Пелисьенинг олдида бир шишача “Амур ва Психея” учун одам жўнатишни таклиф қилади ва Бальдини бу шармандалиқ ҳақида бирор бир зот билмаслигини тайинлаб рози бўлади. Шенье бунга қасам ичади ва тунда улар яширинча граф Верамоннинг бюварини бегона атиргашимдирадилар. Ҳаммаси худди шундай бўлади, ўзгача эмас, Шенье ҳам фақат бир нарсани – бу комедия тезроқ тугагини истади. Бальдини ортиқ улуғ аттор эмасди. Ҳа, илгари, ёшлигида, ўттиз-қирқ йил аввал у “Жануб

<sup>1</sup> Лимон таркибидаги модда (тарж.).

<sup>2</sup> Хушбўй мой олинадиган бута (тарж.).

атиргули” ва “Бальдинининг атторлик гулдастаси”ни – ҳақиқатда буюк икки атирни кашф этгандики, hozирги ҳолатига шунинг орқасидан эришганди. Лекин эндиликда у қариган, ишдан қолган, урфдан ва одамларнинг янги дидларидан ортда, агар қандайдир янги хидни тайёрлашга мушарраф бўлганида ҳам, бу колоқ, ўтмайдиган бўлмағур нарса бўлардики, уни бир йилдан сўнг ўн марта суюлтирардилар ва фаввораларнинг сувига кўшиш учун ишлатардилар. “Унга ачинаман, – ўйлади Шенье ва ясама сочим қийшайиб қолмадимикин дея ойнага қаради, кекса Бальдини увол; унинг чиройли дўкони ҳам увол, ахир у хонавайрон бўлади; ўзим ҳам увол, у хонавайрон бўлгунча мен қариб улгураман ва уни сотиб ололмайман...”

\* \* \*

У икки соат тинимсиз ишлади. Ҳаракатларда тобора жазавага тушар, қаламининг қоғоз узра қитирлаши тобора кучаяр, шишачадан рўмолчасига силкитиб олаётган ва бурнига тутаётган атир миқдори ҳам тобора кўпайиб борарди.

Энди у хидларни деярли танимас, аллақачон хидлаган эфир асослари билан маст бўлган, ажрата олмасди, – ахир у ўз синовларининг бошида хатосиз ишлаётганди. Ортиқ хидлайверишнинг фойдаси йўқ. Ушбу янги урф бўлган атир нимадан ҳосил бўлганини ҳеч қачон билолмайди, бугун ҳам, эртага ҳам, унинг бурни Тангрининг инояти билан ўзига келганда ҳам. Шундай қилиб хидлаб кўришларга ўрганолмади. Хидларни ажратиш унинг учун доимо кўнгилайнир машғулот эди. Бутунни парчалаш, яхлитликни оддий қисмларга ажратиш керакми? Нақадар зерикарли.

Аммо қўли ихтиёрсиз равишда нафис ҳаракатлар билан ҳошияли рўмолчани атирга шимдиришда, уни силкитиш ва тезда юзи олдидан олиб ўтишда давом этарди ва ҳар сафар бу санъатнинг барча қоидалари бўйича нафасни тутиб туриб давомли нафас чиқариш учун атирга тўйинган ҳавони ихтиёрсиз ичига тортарди. Ваниҳоят бурнининг ўзи уни бу азобдан қутқарди: ичкаридан аллергик равишда шишиб, худди пўкакли тикиндай тўсилиб қолди. Бошқа ҳеч нарса сезмас ва аранг нафас оларди. Бурни тумов каби битиб қолганди, мижжаларида эса кўз ёш турарди. Худога шукур! Энди тоза виждон билан ишни тўхтатиш мумкин. Ўз бурчини бажарди, санъатнинг барча қоидаларига мувофиқ бор кучини сарфлади ва ҳар сафаргидай мағлубиятни тан олди. *Ultra poss nemo obligatur*<sup>1</sup>. Бас. Эртага эрталаб у Пелисьега катта шишадаги “Амур ва Психея” учун одам юборади, ундан граф Верамоннинг бюварига сепеди ва буюртмани бажаради. Кейин эса урфдан қолган ёғупалар, суртмалар, хушбўй ёстикча ва совун бўлаклари солинган ўз жомадонини олади ва ўзининг эски кекса герцогиняларининг уйларига жўнайди. Кунларнинг бирида сўнгги кампир герцогиня ўлади ва бу билан у энг сўнгги харидоридан ҳам ажралади. Унинг ўзи ҳам чолга айланади ва уйини Пелисье ёки бошқа бирор янги сотувчилардан бирига икки минг ливрга сотишга тўғри келади. Узи билан бир жуфт жомадон ва агар у вақтгача ўлиб қолмаса, қари хотинини олиб Италияга жўнайди. Агар саёҳатдан омон қайтса, тирикчилик арзонрок бўлган Мессинога яқин қишлоқдан кичкина уй сотиб олади. Ва у ерда бир замонлар Парижнинг буюк аттори бўлган Жузеппе Бальдини Жаноби Ҳақдан буйруқ бўлган чоғида оғир қашшоқликда вафот этади. Ҳаммаси яхшиликка бўлсин.

У атир шишасини зичлаб беркитди, қаламни қўйди ва пешонасини сўнгги бор ҳўл рўмолча билан артди. У буғланаётган алкоголь салқинлигини ҳис этди, бошқа ҳеч нарсани эмас. Кейин кун ботди.

Бальдини турди. Чийпардани кўтарди, тиззасигача оқшомги нурга чўмди, гўё сўнгги учқунлар порлаётган маёққа айланди. У Лувр устидаги рангин шафаққа ва шаҳар томларидаги енгил ёлқинга тикиларди. Остида

<sup>1</sup> Ҳеч кимни кучидан ортиқ нарсага мажбурламаслик керак (лот.).

дарё тилларанг ялтирар, кемалар кўздан йўқолган, шамол кўтарилганга ўхшарди, чунки сув сирти тўлқинланар, худди балиқ тангаси билан қоплангандек у ер-бу ери чакнаб кетарди, тобора яқинроқ, яқинроқ кўринарди, баҳайбат қўл сувга миллионлаб луидорлар<sup>1</sup>ни сочиб юборгану дарё бир лахзага ортга қайтгандек: гўё соф олтиннинг ёғду таратаётган оқими Бальдини томон интиларди.

Бальдинининг кўзлари ғамли ва ёшли эди. Бир қанча вақт тик туриб, бу ажойиб манзарани кузатди. Кейин бирдан деразани очди, тиргаklarни кенг қўйди ва Пелисьенинг атир шишасини куч билан ирғитиб юборди. У шишача сувга қандай шалолаб тушганини ва оний лахзаларда ялтираётган сув гиламини йиртганини кўрди.

Хонага тоза ҳаво кирди. Бальдини чуқур нафас олди ва шишган бурни ўзига келгунча кутди. Сўнг деразани ёпди. Шу дақиқада бирданига тун чўкди. Шаҳарнинг тилла билан ёғдуланган манзараси ва дарё кулранг тусда қотди. Хонани қоронғилик қоплади. Бальдини яна ўша ҳолатда, деразига ҳаракатсиз нигоҳини тикканича турарди. “Эртага Пелисьега одам жўнатмайман, – деди у, иккала қўли билан стулининг орқасига ёпишиб. – Жўнатмайман. Уйларни кезиб ҳам юрмайман. Эртага нотариусга бораману уйим ҳамда дўконимни сотаман. Мана нима қиламан”.

Унинг юзида ўжар, қитмир ифода пайдо бўлди ва тўсатдан ўзини жуда бахтиёр сезди. У яна ўз тақдирини мардона чорлаётган навқирон Бальдини эди – гарчи ушбу ҳолатда тақдир чорлови фақат чекиниш бўлса ҳам. Ҳеч бўлмаганда шундай! Ахир унинг учун бошқа ҳеч нарса қолмади. Аҳмоқона замон унга бошқа йўл қолдирмади. Худо яхши ва ёмон кунларни бошига солади, лекин у истайдики, ҳеч шикоятсиз бало кунлари сабр қилмоғимиз, ўзимизни ҳақиқий эркакдек тутмоғимиз керак. У ахир ваҳий юборди. Шаҳарнинг қонли-қизил-тилларанг сароби огоҳлантириш эди: кеч бўлмасдан ҳаракат қил, Бальдини! Ҳали уйинг мустаҳкам экан, ҳали омборларинг тўла экан, тобора ортга кетаётган ишинг учун энди ҳам яхши нарх оласан. Қарор қилиш сенинг қўлингда. Тўғри, Мессинада камтарона ҳаёт кечириб, кексалик гаштини суриш мақсадинг эмасди, лекин бу Парижнинг дабдабасида яшаб, ҳалокатга юз тутгандан кўра шарафлироқ ва худо назарини мақбул. Майли, улар – барча бруэ, калъто ва пелисьелар ўз ғалабаларини нишонласинлар. Жузеппе Бальдини жанг майдонини қолдиради. Лекин у бу ишни ўз ихтиёри билан ва бош эгмасдан бажаради!

У энди ўзи билан аён ғурурланиб, чексиз енгиллик ҳис этарди. Кўп йиллар давомида биринчи марта бўйинини эгган ва ундан-да ҳақирроқ тарзда белини буккан хизматга тайёрлик талвасаси умуртқасини ўз ҳолига қўйди ва у зўриқмасдан, озод, бемалол, хурсанд қаддини тиклади. Бурнидан енгил нафас олди. Хонани тўлдирган “Амур ва Психея”нинг хидини аниқ ҳис қилди, лекин энди у жиғига тегмасди. Ҳаёт жуда ажойиб. Хотини ҳозир олдига кўтарилади ва унга ўз иқорини билдиради, кейин эса дарёнинг нариги томонидаги Биби Марям ибодатхонасига жўнайди ва унинг руҳига йўллаган ҳидояти, унга, Жузеппе Бальдинига берган мислсиз феъл-атвор кучи учун Худога шукроналик келтириб шам ёқади.

Деярли ўсмирларча ҳаракат билан у кал бошига ясама сочи шопи-пиша бостирди, ҳаворанг белбурма камзулни кийди, ёзув столидаги шамдонни тутди ва хонани тарк этди. Пастда, биринчи қаватда қўнғироқ чалинган пайтда у юқоридаги хонага кўтариладиган йўлни ёритиш учун зина панжарасида мойчироқдаги шамни ёқишга улгурган эди. Бу дўконга кираверишдаги чиройли кизил форс қўнғироғи эмасди, балки югурдаклар учун орқа йўлакдаги ҳар доим унинг асабига тегадиган қўпол қўнғироқ товуши эди. У доим ушбу бўлмағурни олиб ташлаб ёқимлироқ товушли янги қўнғироқ буюришга ҳаракат қиларди, бироқ ҳар гал пул кизганарди, ана энди, бирдан ўйлади у ва бу фикридан хириглади, энди барибир

<sup>1</sup> Францияда: 20–25 франкли қадимги олтин танга (тарж.).

эмасми; бу хира дириллашни уй билан бирга сотади. Харидор бўлган одамнинг у туфайли аччиғи чиқаверсин.

Кўнғироқ яна дириллади. Бальдини қулоқ тутди. Шенье, албатта, дўкондан кетган. Хизматчи аёл эса, аниқки, пастга тушишга ҳаракат ҳам қилмайди. Шунинг учун ўзи очишга қарор қилди.

У илгакни кўтарди, оғир эшикни очди – ҳеч нарсани кўрмади. Қоронғилик шам ёруғини бутунлай ютиб юборганди. Кейин у аста-секин кўлида нарса кўтарган бола ёки ўсмирнинг кичик гавдасини англади.

– Сенга нима керак?

– Мени мэтр<sup>1</sup> Грималь жўнатди, эчки териларини келтирдим, – деди гавда ва яқинроқ келиб Бальдинига бир неча қават тахланган терилар осилган, тирсагидан букилган қўлини узатди. Бальдини шам ёруғида боланинг кўркув-ҳадик тўла кўзларини кўрди. Унинг қомати эгилганди. У олдинга чўзилган қўли ортига яшириниб калтакланишни кутаётган одамга ўхшарди. Бу Гренуй эди.

\* \* \*

Эчки терилари! Бальдини эслади. Бир неча кун олдин у Грималга, граф Верамоннинг бювари учун юпка, юмшоқ ит терисининг ҳар бўлагини ўн беш франкдан буюртма берганди. Лекин энди унинг, очиғини айтганда, ҳеч кераги йўқ. Бошқа томондан, агар у югурдакни шунчаки жўнатиб юборса-чи?.. Ким билади – ахир бу яхши таассурот қолдирмаслиги, ғийбат қилишлари мумкин: Бальдини бетайин бўлиб қолибди, унинг бошқа буюртмалари йўқ эмиш... яхши эмас, йўқ, йўқ, бундай нарсалар дўкондаги сотув нархини даҳшатли равишда тушириб юборади. Яхшиси, бу фойдасиз чармни қабул қилиш керак. Жузеппе Бальдини ўз ҳаётини ўзгартирганини ҳеч ким вақтидан олдин билмаслиги зарур.

– Кир!

У болани ичкарига қўйди ва улар уйнинг иккинчи қисмига йўналдилар, олдинда – Бальдини ёқилган шам билан, ортидан – Гренуй ўз терилари билан. Гренуйнинг атторлик дўконига – хидлар ёрдамчи эмас, очиқчасига мутлақо марказий ўринни эгаллаган шундай жойга биринчи марта кириши эди. У шаҳарнинг барча атторлик ва табиблик дўконларини биларди, шекилли, бутун-бутун кечалар бўйи уларнинг пешойналари олдида бурнини эшик тирқишларига тираб турган. У бу ерларда сотиладиган ҳамма хидларни биларди ва ўзича улардан энг ажойиб атирларни ижод қиларди. Шунинг учун бу ерда уни ҳеч янги нарса кутмаётганди. Лекин худди мусикии истеъдоди бор бола оркестрни яқиндан кўриш ёки черковда жўровозликка чиқиш, арғануннинг яширин пардаларига тегиш ишқи билан ёнганидек, Гренуй ҳам атторлик дўконини ичкаридан кўриш ишқи билан ёнар ва Бальдинига чармни элтиш кераклигини эшитар-эшитмас, қандай қилиб бўлса ҳам бу топшириқни зиммасига олишга интилганди.

Мана у энди Бальдини дўконига, Парижнинг энг сиқик маконида хидларнинг энг катта улуши йиғилган жойда турарди. Шамнинг ғирашира ёруғида у ҳеч нарсани: тарозили иш столининг соясини ҳам, фавворалар тепасидаги лайлақларни ҳам, буюртмачилар учун ўриндиқларни ҳам, деворлардаги қоронғи токчаларни ҳам, асбобларнинг жилосини ҳамда стаканлар ва мижмардаги оқ ёрлиқларни ҳам лаҳзага бўлса-да кўрмасди; хидларни ҳам кўчада туйганидан кўп ҳис қилмасди. Лекин деворларда ҳукм сурадиган жиддийликни, сал бўлмаса муқаддас деб аташимиз мумкин бўлган жиддийликни (агар “муқаддас” сўзи Гренуй учун бирор-бир маънога эга бўлса) тездан ҳис этди; у жиҳозларнинг ҳар биридан, буюмлардан, пуфаклар, шишалар ва туваклардан таралиб турган совуқ жиддийликни, касбга хос хушёрликни, қуруқ карандаликни ҳис этди. Ва Бальдини ортидан, Бальдинининг соясида борар экан (Бальдини

<sup>1</sup> Мэтр – французчада жаноб, устоз, санъат арбобини билдиради (тарж.).

унинг йўлини ёритиш учун азият чекмасди), миясига шундай фикр келдики – унинг ўрни шу ердан бошқа жойда эмас у шу ерда қолади, бошқа ҳеч қаерда эмас ва бутун дунёни шу ердан туриб остин-устин қилади.

Аёнки, бу фикр тўғридан-тўғри кўпол нокамтарлик эди. Бу ерга тасодифан тушиб қолган, келиб чиқиши бетайин, ҳеч қандай донгдор сулолага мансуб бўлмаган кўнчининг шогирди Париждаги энг мўътабар атторлик савдо муассасасида ўрнашиб қолишига сабаб бўладиган ҳеч нарса, ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир ваз жўк эди. Аммо фирманинг тугатилиши ҳал қилинган масала. Лекин гап Гренуйнинг нокамтар ўйларида ифодаланган умид ҳақида ҳам эмас, ишонч ҳақида. У билардики, бу дўконни фақатгина яна бир марта – Грималдан кийимларини олиб қайтиш учунгина тарк этади, тамом. Кана қон исини сезди. У йиллар бўйи ўз қобигига ўралиб яширинди ва кутди. Охир кишандан озод бўлди ва ҳеч қанақа умид бўлмаса ҳам ерга қулайди. Лекин умидсизликдан кўра ишонч ортиқроқ.

Улар дўконни кесиб ўтдилар. Бальдини дарё томондан жойлашган ва бир вақтнинг ўзида ҳам омбор, ҳам устахона, ҳам совун қайнатиладиган, ёғупалар кўпиртириладиган, семиз шишаларда ҳидланадиган суюқликлар аралаштириладиган лаборатория вазифасини бажарувчи орқа бино эшигини очди.

– Бу ёққа! – деди у дераза тагида турган катта столни кўрсатиб. – Уларни бу ерга қўй!

Гренуй Бальдинининг соясидан чиқди, чармларни столга қўйди, сўнг тезгина ортга чекинди ва Бальдини билан эшик орасига туриб олди. Бальдини эриган томчиси столга тушмаслиги учун шамни четроққа тутиб бир қанча вақт ҳаракатсиз турди ва бармоқ суягини силлик юза томони бўйлаб юргизди. Кейин устки терини ағдарди ва момик, қалин, айни вақтда юмшоқ терс томонини силади. Бу жуда яхши чарм эди. Атай юмшоқ яратилгандек. Қурилганда у деярли киришмайди, тўғри дазмолланса, яна шаклига қайтади, буни бош бармоғи ва кўрсаткич бармоғи орасида эзганидаёқ дарҳол сезди; у ўзида муаттарликни беш ёки ўн йил сақлай оларди. Бу жуда-жуда яхши чарм эди – эҳтимол, у бундан Мессинага саёҳат учун уч жуфт ўзига, уч жуфт хотинига қўлқоп қилар.

У қўлини олди ва ўз иш столига шодон нигоҳ ила боқди – ҳамма нарса тайёр турарди: ҳид беришда ишлатиладиган шиша қювета<sup>1</sup>, қуритиш учун шиша пластина, эритмаларни аралаштириш учун кели, кели сопи ва куракча, чўтка, текислагич ва қайчи. Нарсалар гўё қоронғилиги учун ухлаб қолгандек, тонгда яна уйғонадигандек туюларди. Балки, бу столни ўзи билан Мессинага олиб кетар? Асбоблардан ҳам нималарнидир, энг асосийларини олар?.. Бу столда қандайлар ишлаган. У эман ёғочидан тайёрланган – юзаси ҳам, қия маҳкамлагичли асоси ҳам ҳеч қачон лиқилламаган ва ҳеч нарса тўкилмаган, ҳеч қандай ишқор, ҳеч қандай ёғ, пичоқ билан бирор жойини кесиб олишдан қўрқмаган... Уни Мессинага олиб кетсинми? Бу унга қимматга тушади! Ҳатто денгиз орқали жўнатса ҳам! Шунинг учун у сотилади, эртагаёқ устидаги, ёнидаги, остидаги ҳамма нарсаси билан сотилади! Бальдинининг кўнгли бўш бўлса-да, феъл-атворда қатъиятли, шу туфайли ўз қарорини бажаради, қанча оғир бўлмасин, баридан кечади, зеро, бу тўғридир, унга ишорат бўлган.

У кетиш учун бурилди. Шундагина эшикда унутиб қўяёзган бу кичик букри одамни пайқади.

– Яхши, – деди Бальдини. – Устангга чарм яхшилигини айт. Яқин кунларда пулини тўлаш учун қираман.

– Еткизаман, – деди Гренуй ва ўз устахонасидан чиқмоқчи бўлган Бальдинининг йўлини тўсиб тураверди. Бальдини бироз саросимага тушди, лекин ҳеч нарсадан шубҳа қилмай, боланинг хатти-ҳаракатини кўполлик эмас, юраксизлик дея англади.

<sup>1</sup> Фотопластинка, фотоқоғоз ювиладиган жом, тоғорача (тарж.).

– Нима гап? – сўради у. – Менга яна ниманидир айтишинг керакми? Қани? Гапир!

Гренуй бўйин эгиб турарди ва Бальдиниغا зинҳор кўркувни билдирмайдиган, аслида эса эҳтиёткорлик ва зўриқишни яширган нигоҳ билан қарарди.

– Мен сизда ишлашни хоҳлайман, жаноб Бальдини сизда, сизнинг дўконингизда ишлашни хоҳлайман.

Бу илтимос эмас, талаб каби айтилганди, аниқроғи, айтилмади, балки овоз илон товушидек вишиллаб чиқди.

Бальдини яна Гренуйнинг даҳшатли равишдаги ўзига ишончини болаларча заифликка йўйди. Унга мулоим жилмайди.

– Сен тери ошловчининг шогирдисан, ўғлим, – деди у. – Менда бундай шогирдга иш йўқ. Менинг ўз шогирдим бор ва бошқаси керак эмас.

– Сиз бу эчки териларига ҳид бермоқчимисиз, мэтр Бальдини? Мен сизга келтирган бу териларга ҳид бермоқчимисиз? – шивирлади Гренуй, худди Бальдинининг жавобини эътиборга олмагандай.

– Айнан шундай, – деди Бальдини.

– Пелисьенинг “Амур ва Психея”си биланми? – сўради Гренуй ва янада куйроқ эгилди.

Бальдинининг баданига даҳшатдан титроқ кирди. Титроқ йигитчага ҳаммаси қаердан маълум, деб ўзидан сўраганидан эмас, балки бугун таркибини билолмай шарманда бўлган лаънати атирнинг номи баралла айтилганидан эди.

– Менинг бегона атирларни ишлатишим ҳақидаги бундай бемаъни ғоя миянгга қаердан келдики...

– Сиздан унинг ҳиди келяпти, – шивирлади Гренуй. – У сизнинг пешонангизда, камзулингизнинг ўнг чўнтагида ҳам унга шимдирилган рўмолча бор. Бу, “Амур ва Психея”, у яхши эмас, ёмон, унда бергамот жуда кўп, розмарин ҳам жуда кўп ва атиргул мойи жуда оз.

– Аҳа, – деди суҳбатнинг бундай аниқ билимлар соҳасига бурилганидан донг қотган Бальдини. – Яна нима?

– Апельсин ранги, ширин лимон, чиннигул, мушк, ёсуман, мусаллас спирти ва яна бир нараса, у қандай номланади, билмадим, мана у, қаранг! Бу идишда! – У қўли билан қоронғиликни кўрсатди.

Бальдини шамдонни кўрсатилган томонга жойлаштирди, унинг нигоҳи боланинг кўрсаткич бармоғи ортидан кулранг-сарик малҳам солинган шиша идиш турган тоқчага қаратилди.

– Стиракс<sup>1</sup> мойи?

Гренуй бош ирғади.

– Ҳа. У шу ерда. Ичида. Стиракс мойи. – У безгак тутгандек эгилди ва энг камида ўн марта ичида “стиракс” сўзини ғўлдираб айтди: “стиракс-стиракс-стиракс-стиракс-стиракс”...

Бальдини бу “стиракс” деб ғўлдираётган одамсимон махлуққа шам тутди ва ўйлади: у ёки тентак ёки фирибгар ва майнавоз ёки туғма истеъдод. Негаки, у айтган моддаларнинг мутаносиб уйғунлигидан “Амур ва Психея” атирини тузганлари тўла ишонарли ва ҳатто аниқ. Атиргул мойи, чиннигул ва стиракс – худди шу уч компонентни у бугун кун бўйи минг азоб билан излади; тузилманинг қолган қисмлари (уларни ҳам топгандек туюлди) улар билан нафис юмалоқ тортнинг қатламлари каби уйғунлашган. Фақат уларни бир-бирига қандай аниқ мутаносибликда уйғунлаштиришни аниқлаш қолганди, ҳолос. Буни аниқлаш учун Бальдиниغا бир неча кун кетма-кетига тажриба ўтказишга тўғри келарди – даҳшатли меҳнат, қисмларни оддийгина мослашдан кўра ёмонроқ дейиш мумкин, ахир ўлчаш керак, тортиш керак, ёзиш керак ва бунда ўта

<sup>1</sup> Арабчасига истирак, анбарга ўхшаш бута ўсимлик, шунингдек, унинг ёғочини тилганда ажраладиган уткир, ёқимли ҳидли мум маҳсулоти (тарж.)

диққатли бўлмоқ керак, акс ҳолда энг кичик эҳтиётсизлик – томизгичнинг титраши, томчилар ҳисобидан адашиш – ҳаммасини барбод қилиши мумкин. Ҳар бир муваффақиятсиз тажриба эса даҳшатли даражада қимматга тушади. Ҳар бир бузилган қоришма каттагина маблағ туради... У кичкина одамни синаб кўргиси, ундан “Амур ва Психея”нинг аниқ формуласини сўрагиси келди. Агар у ҳар бир мисқоли ва томчисигача аниқ билса, у ҳолда аниқ фирибгар, ишончга кириш ва Бальдиниға жойлашиш учун қандайдир йўл билан Пелисьени авраб йўриқномасини олган. Агар у атирни тахминан топса, демак, у ҳид билиш даҳоси ва шундайлигича Бальдинининг касбий қизиқишиға муносибдир. Ҳатто бу йигит уни литрлаб топиб келтирганида ҳам, Бальдини граф Верамоннинг чармиға ўша атир билан ҳид беришни ўйламайди, лекин... лекин инсон бир лаҳзада касбидан оладиган бутун завқини йўқотиш учун бир умрга аттор бўлмайди, бир умр ҳидларни таркиб топтириш билан шуғулланмайди! Энди уни лаънати атир формуласи қизиқтирарди ва ундан ҳам кўпроқ, унинг пешонасидаги ҳидни ўқий олган ажабтовур боланинг истеъдодини тадқиқ этишни истарди. У бунинг ортида нима турганини билгиси келарди. Бор-йўғи оддий қизиқувчанлик, шу холос.

– Сенинг бурнинг ўта сезгир, шекилли, йигитча, – деди у Гренуй инқиллашини тўхтатгандан сўнг. У иш столиға шамдонни эҳтиёткорлик билан кўйиш учун устахонаға қайтди.

– Парижда энг яхши ҳид биладиган менман, мэтр Бальдини, – вишиллади Гренуй. – Мен Парижда мавжуд ҳамма ҳидларни биламан, фақат баъзиларининг номини билмайман, лекин уларни ёдлаб олишим мумкин, барчасини, улар кўп эмас, бор-йўғи бир неча мингта, уларнинг ҳаммасини ёдлаб оламан, мен бу малҳамнинг номини, стираксни ҳеч қачон унутмайман, у стиракс деб номланади, стиракс, стиракс...

– Ўчир! – бақирди Бальдини. – Гапираётганимда гапимни бўлма! Сен кўпол ва ортиқча кеккайган боласан. Ҳеч қайси одам минглаб ҳидларни номма-ном билмайди. Ҳатто мен мингтасининг номини билмайман, балки бир неча юзтасини биларман, негаки бизнинг ҳунаримизда улар бир неча юзтадан кўп эмас, бошқа ҳаммаси ҳид эмас, кўланса!

Гренуй ўз маҳмадоналигининг авж вақтида қаддини тўла ростлаган, у “ҳаммасини, ҳаммасини” билишини кўрсатиш учун ҳавода доиралар чизганча ҳаяжондан қўлини силкитарди, Бальдинининг кескин эътирозини эшитгач, лаҳзада чўқди, кичкина қора қурбақаға айланди-қолди ва сабрсизлигини яшириб остонада ҳаракатсиз қотди.

– Мен, – давом этди Бальдини, – кўринадики, “Амур ва Психея” стиракс, атиргул мойи ва чиннигул, шунингдек, бергамот ва et setera розмарин экстрактдан ташкил топганини аллақачон тушунганман. Буни қатъийлаштириш учун, айтиш керакки, етарлича нозик ҳид билиш қобилиятиға эға бўлиш керак ва балки Худо сенға худди бошқаларға, сенинг ёшингдаги бошқа минглаб одамларға бергани каби тўлиғича нозик ҳид билишни ато этгандир. Бироқ атторға, – шу жойида у бармоғини тепаға кўтарди ва кўксини керди, – бироқ атторға бу камлик қилади. Унга ўн йиллар давомида ўргатилган, садоқат билан ишлайдиган, ҳатто энг мураккаб ҳидларни ҳам – уларнинг таркиби ва мутаносиблигини аниқ топишға, шунингдек, янги, номаълум муаттарликлар қоришмасини ярата олишға имкон берадиган ҳид билиш аъзоси керак. Бундай бурун, – у бармоғи билан ўз бурнини туртди, – шунчаки берилмайди, йигитча! Бундай бурунға қунт ва сабр билан эға бўладилар. Ёки сен шундай бирданиға “Амур ва Психея”нинг аниқ формуласини айта олармидинг? Қани, айта олармидинг?

Гренуй жавоб бермади.

– Балки, сен уни менға тахминан бўлса ҳам айтарсан? – деди Бальдини ва эшикка сингиб кетган қурбақани яхшироқ кўриш учун олдинға

бироз эгилди. – Лоақал тахминан, умумий қилиб? Қани? Яна Парижда энг яхши бурунмиш!

Гренуй жим эди.

– Мана кўрдингми, – сўзлади Бальдини қоникқан ва эътиқоди қайтган ҳолда. – Сен билмайсан. Албатта, билмайсан. Қаердан билардинг. Сен шўрвада петрушками ёки ёввойисими дея аниқлайдиганлар хилидансан. Лекин ошпазликкача сенга ҳали узок. Ҳар бир санъатда, шунингдек, ҳар бир ҳунарда – кетишдан олдин бурнингга белги қилиб ол, истеъдод деярли ҳеч қандай аҳамиятга эгамас, муҳими – камтарлик ва қунт орқали эгалланган тажриба.

Эшик томондан Гренуйнинг бўғиқ овози шивирлаганда у аллақачон столдан шамдонни олиш учун кўлини узатганди:

– Формула нималигини билмайман, мэтр, буни билмайман, лекин ҳамма нарсани биламан.

– Формула – барча атирларнинг алифбоси, – қатъий жавоб қилди Бальдини, у суҳбатга яқун ясамоқчи эди. – Алоҳида таркибий моддаларни истагимиздаги ягона ва бетақрор хушбўй ҳосил бўлмоғи учун қандай мутаносибликда аралаштириш бўйича пухта ўйланган фармон: мана нима формула. У йўриқнома – агар сен бу сўзни яхши тушунсанг.

– Формула, формула, – хириллаб сўзланди Гренуй ва унинг эшик кесакисидаги гавдаси аниқроқ кўринди. – Менга ҳеч қандай формуланинг кераги йўқ. Йўриқнома бурнимда. Уларни сиз учун аралаштирайми, мэтр? Аралаштирайми?

– Қанақасига? – бор овозидан кўра баландроқ кичқирди Бальдини ва шамни гномнинг юзига олиб борди. – Аралаштираман?! Қанақасига?

Гренуй биринчи марта ортга тисарилмади.

– Ахир бу керакли ҳидларнинг ҳаммаси шу ерда, уларнинг ҳаммаси шу ерда, шу хонада, – деди у ва яна бармоғи билан қоронғиликни кўрсатди. – Атиргул мойи анави ерда! У ерда эса пўртаҳол ранги! У ерда эса чиннигул! У ерда эса розмарин!..

– У ердалиги аниқ, – хайқирди Бальдини. – Уларнинг ҳаммаси ўша ерда! Лекин сенга айтяпман-ку, товукмия, агар формулани билмасанг, улардан ҳеч фойда йўқ!

– Анов ерда ёсуман! Анов ерда мусаллас спирти! Анов ерда стиракс! – Ҳар бирини номма-ном айтар, қоронғилигидан шиша идишлар турган тоқчалар зўрға кўринадиган даражадаги хонанинг у ёки бу жойини кўрсатар экан, бўғиқ товушда санашда давом этди Гренуй.

– Сен қоронғида кўра оласан, шекилли, а? – давом этди Бальдини. – Сен энг мукамал бурунлигина эмас, балки Париждаги энг ўткир кўз соҳиби ҳамсан, шундаймасми? Агар сенда бунинг устига яхшигина эшитиш қобилияти ҳам бўлса, қулоғингни тут ва мен сенга айтсам: сен кичкина ва ёлғончисан. Мабодо, сен Пелисьедан нимадир ўғирлаб, ниманидир кўриб олмадингми, а? Ва мени лақиллатаман деб ўйлайсанми, а?

Гренуй энди эшикда бутунлай ростланган ҳолда оёқларини бир оз кериб ва кўлларини озгина ёзиб, айтиш мумкинки, бор бўйи билан тураркан, остона ва кесакини тутиб турган қора ўргимчакни эслатарди.

– Менга ўн дақиқа беринг, – етарлича жиддий оҳангда деди у, – мен сизга “Амур ва Психея” атирини тайёрлаб бераман. Ҳозироқ, шу ерда, шу хонада.

– Сенга устаҳонамга хўжайинчилик қилишга рухсат беради, деб ўйлайсанми? Ўта қимматбаҳо эссенцияларимга тегдиради, деб ўйлайсанми?

– Ҳа, – деди Гренуй.

– Қаранглар-а! – Бальдини кутилмаган ҳолатдан нафаси қисилиб қолай деди. Кейин ўпкасини ҳавога тўлдирди, нафас чиқарди ва масҳарабозга узок, ўйчан нигоҳини тикди. “Моҳиятан, барибир эмасми, – ўйлади у, –



ахир эртага қандай бўлса ҳам ҳаммаси тугайди. Мен, албатта, у ваъда қилаётганини қила олмаслигини, ҳатто бунга кучи етмаслигини, буюк Франжипанининг ўзи ҳам буни эплолмаслигини биламан. Лекин нега энди билган нарсамга кўзларим гувоҳ бўлмасин? Балки бир ажойиб кун Мессинада миямга даҳони, ўта қобилиятли болани, Оллоҳ раҳмати билан сийланган мавжудотни билмаганлигим ҳақидаги фикр келиб қолар (кексаларда баъзан ажойиботлар ва энг аҳмоқ ғоялар бўлади)... Бу бўлиши мумкин эмас. Ақлим шуни дейдики, бу бўлиши мумкин эмас... Лекин мўъжизалар бўлиши мумкин-ку? Эътирозсиз. Ва мен Мессинада вафот этганимда, ўлим кучоғида миямга фикр келадики, ўша Париж оқшомида сенга мўъжиза кўрингани, сен эса ундан кўз юмдинг!.. Бу жудаям ёқимли бўлмаса керак, Бальдини! Майли, бу аҳмоқ столга икки томчи атиргул мойи ва мушк тиндирмасини ортиқча тўксин, агар Пелисьенинг атири ҳақиқатда ҳали ҳам қизиқтираётган бўлса, сен ўзинг ҳам уни тўкардинг. Бир неча томчи, ҳа, қимматбаҳо, ниҳоятда, ниҳоятда қимматбаҳо – ишончли билимлар ва осуда кексалик олдида қандай аҳамиятга эга?”

– Кулоқ сол! – деди у овозига жиддий тус бериб. – Кулоқ сол! Мен... айтганча, исминг нима?

– Гренуй, – деди Гренуй. – Жан-Батист Гренуй!

– Аҳа, – деди Бальдини. – Шундай қилиб, кулоқ сол, Жан-Батист Гренуй! Мен фикримни ўзгартирдим. Сен ҳозироқ, тезликда ишда ўзингни тасдиқлаш имконига эга бўласан. Бир йўла сенда жанжалли муваффақиятсизлик орқали камтарликни ўрганиш имконияти туғилади, сенинг ёшингда қандай ҳимматлилик – буни ҳам кечирса бўлади – тагин идрокли бўлсам майли – сенинг цех аъзоси, инсон ва эзгу христиан сифатида келгусидаги муваффақиятларингга муқаррар замин бор. Мен ўз хисобимдан сенга шу сабоқни беришга тайёрман, негаки айрим сабабларга кўра бугун ҳиммат кўрсатмоққа мойилман ва ким билсин, қачондир бу манзара ҳақидаги хотира мени қувонтирар. Лекин менга фириб беришни ўйламагин ҳам! Жузеппе Бальдинининг бурни кексайган, лекин хидга сезгир, сен тайёрлаган суюқлик ва мана бу маҳсулот ўртасидаги энг майда фарқни дарҳол сезиш учун етарлича сезгир! – у чўнтагидан “Амур ва Психея” шимдирилган рўмолчани чиқарди ва Гренуйнинг бурни олдида силкитди. – Бу ёққа кел, ҳой, Париждаги энг яхши бурун! Бу ёққа, столга кел ва нимага қодирлигингни кўрсат! Лекин қара, ҳеч нарсамни синдирма ва тўкиб юборма! Ҳеч нарсага тега кўрма! Аввал мен ёркинроқ чироқ ёқаман. Биз бу кичик тажриба шарафига чироғбонлик уюштирамиз, шундай эмасми?

Шундай дея у бошқа катта эман ёғочли стол четида турган икки чирокни олиб ёқди. У учала шамни ёнма-ён қўйди, стол ўртасини бўшатди. Оҳиста ва айни вақтда чаққон ҳаракатлар билан кичик очиқ жавондан тажриба учун зарур буюмларни: катта семиз сут шишасини, шиша сувқуйгични, томизғични, кичик ва катта ўлчагичларни олиб келтирди ва буларнинг ҳаммасини намунали тартибда эман қопқоққа терди.

Гренуй бу вақтда эшик кесақисидан ажради. Бальдинининг баланд-парвоз нутқи давомидаёқ ундаги барча ҳаракатсизлик, ўта эҳтиёткорлик, зўриқиш йўқолди. У фақат розиликни, қайсарлик ила қандайдир ён беришга эришган ва у билан боғлиқ барча чекловларга, шартларга ҳамда ахлоқий огоҳлантиришларга тупурган болага хос ички хуррамлик ила “ҳа”ни эшитди, холос. Гавдасини эркин тута бошлади, биринчи марта хайвондан кўра кўпроқ одамга ўхшади. Бальдинининг нутқи у қулоғидан кириб бунисидан чикди, билдики, бу одамдан устун келди ва уни энди тўхтатиб бўлмади.

Бальдини стол олдида шамдонлар билан овора экан, Гренуй устахонанинг қимматбаҳо эссенциялар, мойлар ва эритмалар турган қоронғи ёнбошига шўнғиди ва бурнининг ишонарли сезгиси ортидан тоқчалар-

дан ўзига керак идишларни тез олди. Улар тўққизта эди: пўртаҳол ранги эссенцияси, лимон мойи, чиннигул ва атиргул мойи, ёсуман экстракти, олмурут ва розмарин, юқори токчадан тез чанг солиб олган ва стол четига жойлаштиргани – стиракс бальзами.

Охирида юқори фоизли вино спирти солинган идишни келтирди. Кейин Бальдинининг ортида турди (у ҳалиям жиддий қатъият билан ўз аралашмалари учун идишларини тераётган эди – бир стаканни озгина у ёққа суриб қўйди, иккинчисини оҳиста бошқа ёққа сурди, негаки ҳаммаси ўзининг эскиртдан маълум тартибига эга эди, шам ёруғида ёғдуланарди), чол четланиб жой бўшатишини тоқатсиз титраб кута бошлади.

– Мана! – деди ниҳоят Бальдини, четланар экан. – Бу ерда сенинг... хурмат юзасидан айтсак, “тажрибанг” учун керакли ҳамма нарса муҳайё. Ҳеч нарсамни синдириб қўйма, ҳеч нарсамни тўкиб юборма! Эсингда бўлсин: сен беш дақиқа фойдаланишинг мумкин бўлган бу суёқликлар шундай қимматбаҳо ва камёбки, ҳаётингда бошқа ҳеч қачон уларни бир ўринда кўрмайсан.

– Қанча тайёрлаб берай, мэтр? – сўради Гренуй.

– Нимани, қанча? – сўради ҳали нутқини тугатмаган Бальдини.

– Атирни қанча тайёрлай? – хириллади Гренуй. – Қанча керак? Ис-тайсизми, ху анови семиз сувдонни бўғзигача тўлдириб бераман? – У бемажол уч литр аралашма тайёрлаш мумкин бўлган идишни кўрсатди.

– Йўқ, керакмас! – дахшатда кичкирди Бальдини ва бу кичкирикда шу қадар чуқур сингиган кўркув – ўз беҳудалигидан фожиёна кўркув бор эди. Лекин у фош қилувчи бу кичкирикдан уялган оҳангда дарҳол бакирди: – Гапимни бўлма! – кейин бир оз тинчланди ва енгил пичинг оҳангида давом этди: – Иккимиз ҳам қадрламайдиган атирнинг уч литри бизга нимага керак? Аслида, ўлчагичнинг ярмидагиси ҳам етади. Айтганча, бу қадар оз миқдорни аниқ аралаштириш қийин, сенга идишнинг тўртдан уч қисмини тўлдиришга изн бераман.

– Майли, – деди Гренуй. – Мен бу идишнинг тўртдан уч қисмини “Амур ва Психея” билан тўлдираман. Фақат, мэтр Бальдини, мен буни ўз билганимча қиламан. Санъат қоидаларига кўра қандай бажарилишини билмайман, бу усулда ўқитилмаганман, ўзимча бажараман.

– Марҳамат! – деди бу ишда “ўзимча”, “сенингча” бўлмаслигини, фақатгина ягона, мумкин бўлган ва тўғри усул: формулани билган ҳолда ва ҳидларнинг берилган миқдоридан келиб чиқиб, маълум бир ҳисоб-китобларни ўтказиш ва турли эссенциялардан концентратнинг қатъий аниқ миқдорини тайёрлаш, ўз навбатида, аниқ нисбатда, алкоголь билан тайёр маҳсулот қадар аралаштирмоқ кераклигини яхши билган Бальдини. Ахир, бошқача усул йўқ. Шунинг учун ҳозир кўрган, аввалига масҳара ва ишончсизлик билан, кейин эсанкираш ва ниҳоят фақатгина нажотсиз равишда ҳайрат билан кузатган нарсаси асл мўъжиза бўлиб кўринди. Бу манзара хотирасига шундай ўрнашдики, умрининг сўнгигача унутмади.

\* \* \*

Пакана Гренуйнинг биринчи иши вино спирти турган идишни очиш эди. Бўйи баробар оғир идишни кўтариш унинг учун машаққат бўлди, шиша сувқуйгич ўрнатилган аралаштиришга мўлжалланган идиш шундай баланда турардики, унга ўлчагичсиз ҳам шундай қатта шиша идишнинг ўзидан алкогольни қуйди. Бальдини тоқат қилиб бўлмас чорасизликдан қалтиради: йигитча эритувчи моддадан иш бошлаб ва бунда эритиш зарур бўлган концентратни ишлатмай туриб бутун атторлик қонун-қоидаларини оёғини осмондан қилгани камдек, жисмоний кучи ҳам етарли эмасди. У зўриқишдан титрарди ва Бальдини оғир шиша идиш қачон тушиб стол устидаги ҳамма нарсани майда-майда қилиб юборишини кутишга маҳкум эди. “Шамлар, – ўйларди у, – худо асрасин, шамлар

ағанаб кетмаслиги керак! Ҳозир портлайди, у уйимни буткул ёқиб юборади!..” У энди бу тентакнинг қўлидан идишни юлқиб олиш учун столга ташланишни истарди, лекин шу дамда Гренуй уни ўзи жойига қўйди, эсон-омон пастга туширди ва яна қопқоғини ёпди. Аралаштиргичда енгил шаффоф суюқлик чайқаларди – бирор томчи ёнига тўкилмаганди. Гренуй гўё энг оғир иш ортда қолгандай бир неча лаҳза юзида мамнуният ила турди. Ҳақиқатданам, ҳаммаси шунчалар тез юз бердики, Бальдини ҳаракатларнинг тартиби, кетма-кетлигини англашга зўрға улгуриб қолди, жараёни тушунишни-ку, гапирмаса ҳам бўлаверади.

Гренуй у ёки бу муатгар эссенцияли идишчани ўйламасдан тутаётганга, ундан шиша тикинни тортиб чиқараётганга, ичидагини лаҳзага бурнига яқин олиб келаётганга, кейин эса биттасидан силқитиб, иккинчисидан томчилатиб, учинчисидан сувқуйгичга сепаетганга ўхшарди ва ҳоказо. Мураккаб аралаштириш жараёни қўлидан келиши учун атторга зарур бўлган асбоблар – томизгич, шиша най, қошиқча ва аралаштиргичга Гренуй бирор марта қўл тегизмади. У худди шалап-шулуп қилиб сув билан, майсалар билан, тупроқ билан ўйнаб овунаётган; ичиб бўлмайдиган бўтқа тайёрлаб буни шўрва деб ўтказаетган боладек овунарди. “Ҳа, худди боладай, – ўйларди Бальдини, – кинғир-қийшиқ қўлларига, чандиқ ва чечак изларига тўла чўтир юзига, катталарниқидек картошқасифат бурнига қарамасдан барибир болага ўхшайди. У ёшига нисбатан каттароқ кўринганди, энди эса у менга кичикроқ туюлпти; у худди ўз ғамини чекадиган, дунёдаги барча нарсани зўравонларча бўйсундиришни истайдиган ва буни амалга ошира оладигандек”. Агар уларнинг шуҳратпарастлик касаллиги жиловланмаса, уларга қарши жиддий тарбия чоралари кўрилмаса, рисоладаги одамларнинг интизомли ҳаётига ўргатилмаса, ўша яқинига йўлаб бўлмас, етиб бўлмас инжиқ одамчалар пайдо бўлади. Мана шунақанги кичик мутаассиб кўзлари ёниб турган бу йигитча гўё борлиқни тамом унутиб, беўхшов чакқонлик билан ўзининг аҳмоқона бемаза шўрвасини аралаштириш ва “Амур ва Психея” номли ноёб атирни тартиб этганини (яна бунга ишонади ҳам!) қатъий равишда уқтириш учун сувқуйгичга олиб келаётган идишларидан бошқа нарсалар ҳам борлигини мутлақ ҳис этмай стол ёнида турарди. Хира шам ёруғида Бальдини стол ёнидаги одамнинг сурбетларча ва ўзига ишонч билан ҳаракат қилаётганини кўрди – жирканганидан қалтиради! “Бунақалар, – ўйлади у, маълум бир лаҳзада илгари оқшомлари гулгун шафак ёнғинига чўмган шаҳарга боқиб ҳис этган ўша қайғу, ўша мушкулот, ўша ғазабни туйди; – бунақалар илгари бўлмаган; бу инсон зотининг тамомила янги нусхаси, у фақатгина бетартиб, бетизгин, тийиксиз турғунлик давридагина пайдо бўлиши мумкин эди... Аммо уни, бу ўзига ишонган йигитнинг адабини бериб қўйиш керак! Майли, у ўзининг масхарабозлигини тугатиб олсин, ҳали таъзирини ейди, бу ердан эмаклаб чиқиб кетади, бу бўлмағур! Ярамас! Энди умуман ҳеч ким билан алоқа қилмаслик керак, бунақанги масхаравоз ярамаслар атрофда тўлиб ётибди!” Бальдини турғунлик даврига нисбатан ўз ҳаяжони ва нафрати билан шу қадар банд эдики, Гренуй нега бирдан барча идишчаларни ёпиб қўйгани, сувқуйгични аралаштиргичдан суғуриб олиб шиша идишнинг ўзини бўғзидан ушлаб чап кафти билан ёпиб қаттиқ силқитганини дарҳол сезмади. Фақат шиша идиш бир неча бор ҳавода айланаркан, чиғирик бўларкан, ундаги қимматбаҳо маҳсулот худди лимонад қориндан ҳалқумга келиб тикилгандай кўтарилиб қайтаркан, Бальдини нафрат ва даҳшат сўзларини сочди: “Тўхтат! – хириллаб ингради у. – Етар! Ҳозироқ тўхтат! Бас қил! Шишани ҳозироқ столга қўй ва бошқа ҳеч нарсага тегма, тушундингми? Бошқа гап йўқ! Мен ақлимни йўқотганим аниқ, сенинг тентагона эзмалигинга кулоқ солиб ўтирибман. Буюмларга муносабатинг, кўполлигинг, бефаросатлигинг шуни кўрсатдики, нарсанинг фаҳмига етмайсан, ёввойи ва бетамизсан, бунинг устига ярамас безбет манқасан!

Лимонад аралаштира олмайсану, сенга оддий қизилмия сувини сотишни ҳам ишониб бўлмайди, яна атторликка қўл урмоқчисан! Агар хўжайининг кўнчилик эритмасига қўйган бўлса, хурсанд ва миннатдор бўл! Ҳеч қачон атторнинг остонасини босиб ўтишга ҳаддинг сифмасин, эшитдингми, ҳаддинг сифмасин!”

Шундай сўзлади Бальдини. У ҳали гапираркан, ҳаммаёкни “Амур ва Психея” хиди тутди. Атирда сўзлардаги ҳаққоният, муқаррарлик, ҳис ва иродадан кўра кучлироқ қатъият бор эди. Атирдаги қатъийлик рад этиб бўлмас, тўсиқсиз эди, у танамизга гўёки бағримизга тўладиган, биз нафас оладиган ҳаво янглиғ кириб келарди, у бизни тўйинтирар, ундан химояланиш имконсиз эди.

Гренуй шишани жойига қўйди, бўғзидан атирдан ҳўл бўлган қўлини олди ва уни камзулининг этагига артди. Бир-икки қадам ортга чекинди, Бальдинининг таъналар ёмғири остига кўмилган беўхшов таъзими ҳозиргина яратилган атирнинг ҳаводаги ҳидини тебратди. Гарчи Бальдини ҳали-ҳамон авжига чиқар, ёзғирар, куйинар экан, кўрган кўзгагина намойиш этилган кутуриши ҳар бир нафаси ила қалби қаъридан узилиб борарди. У мағлуб эканини англади, шу туфайли нутқининг якуни ҳам куруқ бақир-чақирга айланиб қолганди. У тинчиб қолганди, анчагача жимиб қолди ва унга энди Гренуйнинг “Тайёр” деган лукмаси ортиқча эди. Шунингсиз ҳам билади.

Гарчи уни “Амур ва Психея”нинг ўткир хиди ҳар томонлама ўраб келса-да, эски эман столи ёнига синаш учун келди. Белбурма камзулининг чўнтагидан, чап чўнтагидан қордай оқ янги тўрли рўмолчани олди, уни ёйиб, узун томизғичда аралаштиргичдан тортиб олган бир неча томчи атирни томизди. Чўзилган қўлидаги рўмолчани енгил силкитиб, ортидан унинг ҳидини ичига тортаркан, одатича нозик ҳаракат билан бурни тагидан олиб ўтди. Узун, бўлиб-бўлиб ҳосил қилинган нафас чиқариш асносида у ўриндикка ўтиришга мажбур бўлди. Бир дақиқа олдин унинг юзи ғазабдан кип-қизил эди – энди у бирданига бўздек оқарди.

– Мумкин эмас, – секин гўлдиради у, – Худо ҳақки, бўлиши мумкин эмас.

У қайта-қайта рўмолчани димоғига тутар, хидлар, бошини чайқар ва гўлдирадди: “Бўлиши мумкин эмас”. Бу “Амур ва Психея”, ҳеч қандай шубҳасиз “Амур ва Психея” эди, шу қадар аниқлик билан нусха олинган, хидларнинг манфур олий қоришмаси эдики, ҳатто Пелисьенинг ўзи уни ўз маҳсулотидан ажрата олмаган бўларди. “Бўлиши мумкин эмас...”

Буюк Бальдини ўриндикда кичрайиб, бўздек оқариб ўтирар, тумов бўлган қиз каби гоҳ-гоҳида бурнига олиб бораётган рўмолчаси билан кулгили туюларди. Унинг тили лол қолганди. У “Бўлиши мумкин эмас!” деёлмай ҳам қолганди, аралаштиргичдаги нарсага кўз узмай қараркан, фақатгина бошини сарак-сарак қилар ва бир оҳангда: “Ҳм, ҳм, ҳм... ҳм, ҳм, ҳм... ҳм, ҳм, ҳм...” дея гўлдирадди. Бироз вақтдан сўнг Гренуй яқинлашди ва соядек овозсиз стол ёнига келди.

– Бу яхши атирмас, – деди у, – бу атир жуда ёмон тузилган.

– Ҳм, ҳм, ҳм, – деди Бальдини, Гренуй ҳам давом этди:

– Агар рухсат этсангиз, мэтр, уни яхшироқ қиламан. Менга бир дақиқа беринг ва мен сизга ундан арзигулик атир яратиб бераман.

– Ҳм, ҳм, ҳм, – деди Бальдини ва бошини қимирлатди. Рози бўлганидан эмас, “ҳм, ҳм, ҳм” дейишдан ва бош қимирлатишдан бошқага ярамайдиган бефарқ ҳолатда қолганидан шундай қилди. У бош қимирлатиш ва “ҳм, ҳм, ҳм” дея гўлдирашда давом этди. Гренуй иккинчи марта катта шиша идишдан спиртни аралаштиргичга – олдинги атир устига қуйиб, иккинчи марта гўё ўйламасдан, на тартиб, на мутаносибликка риоя қилмай идишчалардаги бор нарсани сувқуйгичга ташлаганда Бальдини ҳатто аралаштишга ҳам ҳаракат қилмади. Фақат барча ишнинг охирида – бу сафар Гренуй

пиша идишни силкитмади, фақатгина уни коньяк тўла қадах қаби оҳиста чайқатди, балки Бальдинининг таъсирчанлигига ҳурмат юзасидан, балки бу сафар маҳсулот унга қимматлироқ туюлганидандир, – шундай қилиб, фақат эндигина, тайёр суюқлик шишада чайқалиб турганда Бальдини карахт ҳолатдан уйғонди ва гўё қалбига яна бир хужумдан қалқон қилиб сақланмоқчидай рўмолчани бурнига босиб ўрнидан турди.

– Тайёр бўлди, мэтр, – деди Гренуй. – Энди тамомила яхши ҳид пайдо бўлди.

– Ҳа, ҳа, яхши, – жавоб берди Бальдини бўш кўли билан елпинаркан.

– Синаб кўрмайсизми? – қайтадан қурқиради Гренуй. – Нахотки ис-  
тамайсиз, мэтр? Нахотки ҳидлаб кўрмайсиз?

– Кейин, ҳозир синаб кўришга тайёрмасман... унга ҳолим йўқ. Энди юр. Бу ёққа кел!

У шамдонни олиб дўконга элтадиган эшикка борди, Гренуй эргашди. Тор йўлак бўйлаб югурдақлар учун ажратилган кўшимча йўлакка ўтдилар. Чол шақир-шукур қилиб пастак эшикка яқинлашди, эшик лўкидонини сурди ва тамбани очди. Болани ўтказиб юбориш учун четланди.

– Энди сизда ишлашим мумкин бўладими, мэтр, мумкинми? – сўради Гренуй аллақачон остонада тураркан, яна букчайганча ва яна чўчиганча.  
– Билмадим, – деди Бальдини, – буни ўйлаб кўраман. Қани, жил!

Шунда Гренуй бирдан ғойиб бўлди, кўздан йўқолди, қоронғиликка сингди. Бальдини тик турганча кеча қаърига термиларди. Унг кўлида шамдон, чапида – рўмолча, худди бурни қонаётган одамдек, фақатгина кўрқувни ҳис этарди. Эшикни тезгина тамбалади. Кейин юзидан рўмолчани олди, чўнтагига солди ва дўкон орқали устахонага қайтди.

Атир эсдан оғдирар даражада яхши эдики, Бальдинининг кўзларига бехосдан ёш келди. Уни синаб кўришнинг ҳожати йўқ эди, у фақат иш столининг ёнида аралаштиргич олдида туриб нафас оларди. Атир бекиёс эди. Уни “Амур ва Психея” га қиёслаш гўё бутун бошли симфонияни ёлғиз скрипка нағмасига қиёслаш эди. Бальдини кўзларини юмди, қалбидаги энг олий хотиралари уйғонди. Узини оқшомги Неаполь боғларида сайр қилиб юрган ёш йигит чоғида кўрди: у қоп-қора сочлари жингалак аёл оғушида, тунги шамол ҳамлалари остидаги тоқчада турган атиргул дастасини; хуркак кушлар кўшиғи ва бандаргоҳ қаҳвахонасидан элас-элас келаётган мусиқани; жуда яқиндан, қулоқлари остида: “Мен сени севаман!” деган шивирни эшитди ва роҳатдан танаси жимирлаб, сочлари тикка-тикка бўлиб кетганини ҳис этди! Ҳозир, шу онда, айнан шу лаҳзада! У кўзларини очди ва лаззатдан ингради. Бу атир шу пайтгача маълум атирлардан эмасди. Бу муаттарлик сизнинг ҳидингизни яхшилайдиган нарса эмасди, суртма эмасди, пардоз воситаси эмасди. Бу тамомила ўзига хос, янги нарса эдики, ундан бутун олам, сеҳрли тўқис олам чиқиб келарди, атрофингиздаги манфур оламни дарҳол унута олардингиз ва ўзингизни шундай тўқис, шундай тўқин, шундай яхши ҳис қилардингизки...

Бальдини бошидаги тикка сочлар пасайди, уни эс-хушини йўқотар рухий осойишталик қамраб олди. У стол четида ётган эчки терисини олди ва бичди. Кейин бўлақларни шиша қатламли ванначага солди ва унга янги атирдан қуйди. Сўнгра кюветани шиша қатлам билан ёпди, атирнинг қолганини иккита шишачага қуйди, ёрлик ёпиштирди, уларга эса “Неаполь туни” деб ёзиб қўйди. Кейин чироқни ўчирди ва узоклашди.

Юқорида, кечки овқат чоғида хотинига ҳеч нарса демади. Аввало, у хотинига кундузи қабул қилган тантанали-ҳаққоний қарори ҳақида ҳеч нарса айтмади. Хотиниям унинг қувноқлашиб қолганини сезгани ва бундан кўнгли чоғлиги учун ҳеч нима демади. Унга иродали феъл-атвор бергани учун Худони алқагани Нотр-Дамга ҳам бормади. Э вох, шу куни у биринчи марта тунги ибодатни унутди.

\* \* \*

У эртасига эрталаб тўппа-тўғри Грималь олдига жўнади. Аввалига чарм учун тўласича, жаврамасдан ва ҳечам тортинмасдан ҳақ тўлади. Кейин эса Гримални “Кумуш минора”га бир шиша оқиға таклиф этди ва ундан шоғирди Гренуйни сотиб олди. Албатта, унга Гренуй нима учун ва нега кераклигини айтмади. У хид берилган терига қандайдир катта буюртма тушган, уни бажариш учун ўқитилмаган ёрдамчи ишчи керак дея ёлғонлади.

Айтишича, оддий топшириқларни бажариш, териларни қирқиш ва ҳоказолар учун камтарин бир йигит керак. У яна бир шиша вино буюрди ва Грималга Гренуйнинг кетиши билан етказиладиган ноқулайлик учун товон сифатида йигирма ливр таклиф қилди. Йигирма ливр катта пул эди. Грималь дарҳол рози бўлди. Улар, қанчалар ажабланарли бўлмасин, Гренуй аллақачон йиғиштириниб кутиб турган кўнчилик устахонасига қайтдилар, Бальдини йигирма ливрни тўлади ва ҳаётидаги энг яхши битимни тузганини шу ердаёқ англаркан, уни ўзи билан олиб кетди.

Грималь ҳам энг яхши битим тузганига амин бўлганча, “Кумуш минора”га қайтди, Жаффруа Л Аннье ва Нонендьер кўчаларини адаштирди ва шунинг учун ўзи ўйлаганидек, тўғри Мари кўпригида пайдо бўлиш ўрнига ўз қисматиға кўра Вязов қирғоғига тушиб қолди ва юмшоқ тўшакка ботгандек сувға қулаб тушди. У шу ондаёқ жон берди. Бироқ дарё уни юк қайиқлари боғланган кичик сувдан тезоқар сувға олиб чиқиши учун бироз вақт керак бўлди ва фақатгина эртасига тонгда кўнчи Грималь, аниқроғи, хўл жасад дарё бўйлаб қуйига, ғарбга оҳиста оқиб кетди.

У Менял кўприги ёнидан овозсиз, кўприк устунларига илинмасдан оқиб ўтаркан, Жан Батист Гренуй ундан йигирма метр тепада ухлашга тайёрланарди. Унга Бальдинининг устахонаси орқа бурчагидаги тахтакаравот берилганди, энди у худди совук Сена бўйлаб қуйига оқиб бораётган собиқ хўжайини каби қулочларини ёйиб ётишга ҳозирланарди. Гренуй мамнунлик билан ғужанак бўлди ва канадек кичкина бўлиб олди.

Ухлаб қолар экан, ўз-ўзига янада чуқурроқ ботиб кетди ва хид билишининг сўзсиз ғалабасини орзулар ичра байрам қилаётган ички қалъасига, мирра буғлари ва кундур тутунлари ичра ўз шарафига уюштирилган йирик тантананага ғолибона кириб борди.

\* \* \*

Орадан бироз вақт ўтди ва у буғлаш хунарида мутахассис бўлиб қолди. Сездики – бунда Бальдинининг қоидалари ва ўғитларидан кўра кўпроқ бурни ёрдам беради – олов тафти олинадиган буғланган модданинг сифатиға ҳал қилувчи таъсир кўрсатар экан. Ҳар бир ўсимлик, ҳар бир гул, ҳар бир ёғоч тури ва ҳар бир мева алоҳида ишловни талаб қиларди. Баъзан кучли буғ ҳосил қилиш керак, баъзан – у қадар кучли бўлмаган ҳолатда қайнатиш зарур эди; баъзи гуллар эса уларни энг паст оловда терлашга мажбур қилсангизгина ўзининг энг яхши хидларини берарди.

Тайёрлаш жараёнининг ўзи ҳам муҳим. Ялпиз ва лаванданинг бир кучок-бир кучоғига ишлов бериш керак эди. Бошқаларини эса мис қозонга солишдан олдин астойдил саралаш, эзғилаш, тўғраш, майдалаш, туйиш ва ҳатто ун каби қукун қилиш керак эди. Лекин айримларини қайнатиб буғлатиш мумкин эмас, бу Гренуйда фавқуллода ўкинч пайдо қиларди.

Гренуйнинг асбоб-анжомларга ишонарли ёндашаётганини кўриб, Бальдини қайнатиш мосламасини тўлиқ унинг ихтиёриға топширди ва Гренуй бу эркинликдан фойдаланишни кечиктирмади. Кун бўйи атирлар тузар ва бошқа турли хушбўй, хидли маҳсулотларни тайёрлар, кечалари эса буғлашнинг бениҳоя сирли санъати билан шуғулланарди. Унинг режаси

тамомила янги хушбўй моддалар тайёрлаш ва улар ёрдамида ўз тасаввуридагилардан баъзи бирларини яратишдан иборат эди. Бошланишида у қандайдир муваффақиятларга эришди. У қичитқи ўтдан ва қоратундақ уруғидан мой, янги сидирилган қорағат пўстлоғи ва зарноб шохларидан атир суви тайёрлади.

Тўғри, буғлаб олинган моддалар ўз ҳиди билан дастлабки моддаларни деярли такрорламасди, лекин барибир кейинги ишловлар учун етарли даражада қизиқарли эди. Шуниси ҳам борки, бу усулга умуман тўғри келмайдиган моддалар ҳам дуч келиб қоларди. Масалан, Гренуй одатий одам умуман қабул қила олмайдиган, ойнанинг, силлиқ ойнанинг лоймуз хидини буғламоқчи бўлди. Гренуй дераза ойнасини майдалади ва уни катта бўлақлар, парчалар, майда парчалар, куқун ҳолида – тамомила муваффақиятсиз буғлаб кўрди. У сариқ мис, чинни ва терини, дон ва шағални синаб кўрди. Шунчаки тупрокни ҳам. Қон, дарахтлар ва тирик балиқни ҳам. Ўз сочларини ҳам. Ниҳоят, сувни ҳам, у Сена сувини ҳам, унинг ўзига хос ҳидини сақлаш мумкиндек туюлганди. У қайнатиш мосламаси ёрдамида бу моддалардан ҳам тошчўп, лаванда, зира уруғидан олгани каби хос ҳидларни ола биламан деб ўйларди. У билмасдики, кимёвий жараён – моддаларнинг қаттиқ ҳолатдан газ ҳолатига ўтиши аралаш асосларнинг учувчан ва учмайдиган таркибий қисмларга ажралиш усулидан бошқа нарса эмас ва бу жараён атторликда баъзи ўсимликларнинг учувчан эфир мойини уларнинг ҳидсиз ёки кам ҳидли қолдиқларидан қай даражада ажрата олиш билангина фойдалидир. Бу эфир мойларини йўқотган асослар учун, буғлашнинг ушбу усули, афтидан, маъносиз эди. Бироқ Гренуй бу хулосага жуда катта куч эвазига, жуда кўп ихлосини қайтарувчи тажрибалардан сўнггина етиб келди. У ойлаб мослама ёнида сурункасига кечалари ўтирарди ва ўйларидаги ҳайдаш усуллари орқали тамомила янги ҳидлар, хали куёқ ҳолида ер юзида бўлмаган ҳидларни ишлаб чиқмоқчи бўларди. Бир неча ночор ўсимлик мойларини ҳисобга олмаганда, бундан ҳеч қандай натижа йўқ эди. Ўз тасаввурининг чексиз ва чуқур қудуғидан у бирор томчи аниқ ҳид эссенциясини ола билмади, унинг афсонавий ҳид билиши туфайли хаёлларида кўринганларнинг ҳаммасидан бирор-бир атомни ҳам юзага чиқара олмади.

У тамомила мағлубиятга учраганини англагандан сўнг тажрибаларни тўхтатди ва шундай қаттиқ касал бўлиб қолдики, ўлишига бир баҳя қолди...

### Учинчи қисм

Гренуйга Франция бўйлаб саёҳатининг биринчи босқичида етти йил кетган бўлса, иккинчи босқични етти кунда босиб ўтди. У ортиқ ҳаёт қайнаган йўллар ва шаҳарлардан қочмасди, уларни айланиб ўтмасди. Унинг ўз инсоний ҳиди бор эди, пули бор эди, ўзига ишонарди ва шошиларди.

Монпельени тарк этган кунининг оқшомидаёқ Гро-дю-Руага, Эг-Мортдан жануби-шарқда жойлашган бандаргоҳ шаҳарга келди. У ердан юк ташийдиган елканли кемада Марселга сузиб борди. Марсель портида қирғоқ бўйлаб шарққа сузадиган кема излади. Икки кундан сўнг ясситоғнинг чўққисидан турарди, рўпарасида эса кўп миль узокликда улкан ер қосасига ўхшаб дарё ҳовузи чўзилиб ётардики, қирғоқларини юксак тепаликлар ва тик тоғ тизмалари куршаганди. Дарёнинг қуйилиши атрофини эса янги ҳайдалган далалар, ишлов берилган боғлар ва зайтунзорлар қоплаган эди. Тамомила ўзига хос муҳит бу ерни тўлдирган эди. Гарчи денгиз яқин бўлса-да, уни тепаликлар чўққисидангина кўриш мумкин эди, ҳеч қандай денгизга хослик йўқ, ҳеч қандай шўр-қумлик, ҳеч қандай очиклик – фақатгина бир неча кунлик масофада жойлашгандек қирғоқнинг сокин узлати бор эди. Гарчи шимолга қараб бошларида қор

ётган азим тоғлар қад кўтарган бўлса-да, бу ерда ҳеч қандай ёввойилик ва ғариблик, ҳеч қандай совуқ шамол сезилмасди. Баҳор бу ердан Монпельега илгарироқ кетганди. Шиша кўнғироқ каби енгил буғ далаларни қоплаганди, ўрик ва бодом дарахтлари қийғос гуллаган ва илиқ ҳаво наргис хидларига тўла эди.

Бу улкан косанинг у томонида, тахминан, икки миль нарида, бир шаҳар ястанган эди, айтиш мумкинки, тоғ тизмаларига туташганди. Узоқдан у қадар бой таассурот уйғотмасди. У ерда йирик, уйлардан баланд турувчи собор йўқ эди, фақат черков кўнғироқхонаси бўртиб турар, қалъа манзарасида алоҳида кўринган, бирор-бир ҳашаматли бино йўқ эди. Деворлар кириб бўлмасдек туюлмас, ҳамма ерда уйлар ўз тўсиқларидан гўё текисликка интилаётгандек озодликка чиққан, бу енгил манзарага бироз тартибсиз кўриниш берарди. Бу шаҳар тез-тез босқинларга учраганга ва қайта озодликка чиққанга ўхшарди, келгуси босқинлар олдида ҳолсизланганидан эмас, бефарқлигидан ёки ўз кучини сезганидан ҳоргандек туюларди. У гўё манманликни истамасди. У оёқлари остида ҳид таратиб турган катта муаттар косага эга ва бундан етарлича бахтиёр эди.

Кўримсиз ва ўзига ишонган бу шаҳарча Грас деб аталарди ва бир неча ўн йилларки, муаттар моддалар, атторлик моллари, совун, мойларнинг пардоз турлари савдоси ва ишлаб чиқарилиши маркази эди. Жузеппе Бальдини доимо унинг номини орзу ва завқ билан тилга оларди. Айтардики, бу шаҳар муаттарликлар Рими, атторларнинг орзудаги ўлкаси, кимки бу мактабни ўтамаса, аттор унвонини олишга ҳақсиз.

Гренуй Грас шаҳрига ниҳоятда хушёр нигоҳ билан қаради. У атторларнинг орзуси бўлган мамлакатни изламаганди, юраги ҳам юксак қояларга ёпишган уяни кўрганда титрамади. Муаттар ҳидлар олишнинг баъзи техник усуллари урганиш мумкин бўлгани учунгина келди. Ўз мақсадлари йўлида уларни ўзлаштиришни истарди. У чўнтагидан ўз агири куйилган шишачани олди, бирозгина сепди ва йўлга тушди. Бир ярим соатдан кейин, туш пайтида Грасга етиб келди.

Шаҳарнинг юқори адоғидаги Оз-Эр майдонида жойлашган мусофирхонада тамадди қилди. Майдон бўйлаб кўнчилар терини қуритишга ёйишдан олдин ювадиган ариқ оқиб ўтарди. Бу ер шундай қўланса эдики, баъзи қўноқларнинг иштаҳаси бўғиларди. Лекин Гренуйнинг эмас. Бу ҳид унга таниш эди, унда ишонч уйғотарди. Барча шаҳарларда биринчи навбатда кўнчилар даҳасини қидирарди. Сўнг, қўланса ичидан чиқиб ва шаҳарнинг бошқа жойлари ҳақида маълумотга эга бўларкан, энди ўзини бегона ҳис қилмасди.

Кун бўйи, тушдан кечгача, шаҳар бўйлаб сандироклаб юрди. Шаҳар ўнлаб жилғалару фавворалардан оқиб турган сувнинг катта миқдорига қарамай, эҳтимол, шу туфайли ақлга сиғмас даражада ифлос эди ва оқар қувурларда оқиб ётар, тор кўчаларни ювиб ўтар ёки балчиқ билан тўлдирарди. Баъзи даҳаларда уйлар шу қадар зич эдики, йўлак ва зиналар учун бор-йўғи ярим қулоч жой қолган ва балчиқдан ўтаётган йўловчилар, агар ўтаётган вақтни қувиб етиш керак бўлса, бир-бирларига қапишиб юришига тўғри келарди. Ҳатто майдонларда ва унча кўп бўлмаган кенг кўчаларда ҳам кареталар зўрға бир-бирига йўл берарди. Бироқ, шу билан бирга, бутун ифлослиги ва тиғизлигига қарамай, хунармандларнинг удабуронлиги шаҳарни ёриб чиқарди. Айланиб чиқишда давом этаркан, Гренуй еттитача совун ишлаб чиқарувчи корхона, ўн иккита атторлик ва қўлқоп ательесини, сон-саноксиз майда дистиллятлар, ёғупалар ва зираворлар тайёрловчи корхоналар, ва ниҳоят, чамаси еттита хушбўй маҳсулотлар билан савдо қилувчи улгуржи дўконни санади.

Нима бўлганда ҳам, бу ерда хушбўй моддалар савдоси бўйича ҳақиқий йирик идораларга эга бўлган савдогарлар бор эди. Уларнинг уйларига қараб буни билиб бўлмасди. Кўчага чиқиб турган айвонлар буржуача



сиполикка эга. Лекин айвонлар ортида – омборларда, қазноқ ва улкан ертўлаларда мой тўла идишлар, хушбўй лаванда совуни тахлами, гул эссенцияли баллонлар, мусаллас, тиндирмалар, хушбўй терилар ўрами, зираворларга тўла қоплар, сандиқлар, қутилар... – Гренуй уларнинг ҳидини энг қалин деворлар ортидан ҳам бутун тафсилоти билан тутиб оларди – бу князлар ҳам эга бўлмаган бойлик эди. У кўчага чиқадиган кундалик дўконлар ва омборхоналар аро кучлироқ хид олар экан, ушбу талабга жавоб бермайдиган буржуа уйларининг орқа томонида энг ҳашаматли қурилишлар борлигини билди. Самбитгуллару пальмалар ўсадиган ва доира ичидаги фавворалар отилаётган кичик, лекин мафтункор боғлар агрофида қуриб битказилган томорқалардаги жануб томонга қаратиб кетма-кет қурилган хужралар; қуёш нурларига чўмган, деворлари ипак қопламали юқори қаватлардаги ётоқхоналар, қуйи қаватлардаги ёғочларнинг экзотик турларидан деворлари бор ажойиб меҳмонхоналар ва баъзан равон кўринишида бўлган боққа олиб чиқадиган емакхоналар жойлашганди; бу ерда, Бальдини айтганидек, чинни ликопларда тилла санчқилар, пичоқ ва қошиқларда овқатланишарди. Ушбу камтар пардаси ортида яшовчи жаноблардан олтин ва хукмронлик, оғир, ишончли бойлик хиди келар, Гренуй қилган саёхати давомида олган шундай хидлар ичида энг кучлиси эди.

Тусини йўқотган сарой олдида узоқ туриб қолди. Уй Друат кўчасининг – шахарни ёрбдан шарққача бор бўйи билан кесиб ўтадиган кўчанинг бошида жойлашганди. Бир қарашда унда ҳеч қандай ўзига хослик йўқдек, фақат пешайвони кўшни биноларга нисбатан кенгроқ ва дабдабалироқ кўринишда, бироқ ўзига тортарлик даражада эмас. Дарвоза олдида идиш ортилган арава турарди; қўйилган кенг тахтадан идишларни юмалатиб ундан юк туширишарди. Иккинчи арава навбат кутиб турибди. Қоғоз тутган қандайдир одам идорага кирди, кейин бир одам билан бирга қайтиб чикди ва улар дарвоза аркида кўздан ғойиб бўлдилар. Гренуй кўчанинг нариги юзида туриб, бу бемаъниликни кузатарди. У ерда юз бераётганлар уни кизиктирмасди. Лекин барибир кетмади. Уни нимадир жойида тутиб турарди.

У кўзларини юмди ва димоғига урилаётган хидларни симирди. Бунда сирка ва вино идишларининг, омборнинг юзлаб оғир хидлари, олтин тери буғидек деворларни тешиб ўтаётган бойлик хиди ва ниҳоят, чамаси, уйнинг нариги томонида жойлашган боғнинг хиди бор эди. Боғнинг бу нозик хидларини тутиб олиш қийин эди, чунки улар кўчага уйнинг томи орқали ингичка тасма бўлиб оқиб ўтарди. Гренуй магнолия<sup>1</sup>, гулисумбул, *Daphne mezereum*<sup>2</sup> ва альп атиргулининг хидини туйди... – лекин, у ерда яна нимадир, ўлгудай гўзал анвойи хид борга ўхшарди. У ҳаётида ҳеч қачон – ёки йўқ, ҳаётида бир бор – ягона марта хид билиши орқали бу қадар нафис хидни англади. Бу хидлар уни ўзига чорлади.

У кўрғончага шунчаки дарвоза аркидан борсаммикан, деб ўйлади. Лекин у ерда шунча одам бочкаларни тушириш ва текшириш билан шуғулланардики, уларнинг диққатини тортмасликнинг иложи йўқ эди. У кўча бўйлаб ортига қайтишга, уйга қиялаб олиб борадиган йўлак ёки тор кўчани топишга қарор қилди, Друат кўчаси бошидаги шахар дарвозалари олдида тўхтади. Уни кесиб ўтди, сўнг чапга йўл олди ва шахар девори бўйлаб пастга туша бошлади. Баногоҳ боғнинг хидини пайқади, аввалига зайф, далалар хавосига аралаш, кейин эса кучлироқ сездди. Ва ниҳоят, шахар деворига ёндош боғ, жуда яқинда, унинг нақ қаршисида эканлигини англади. Бироз орқага чекиниб, дарахтларнинг девор ортида ўсган шохларини кўриши мумкин эди.

Кўзларини қайта юмди. Уни бу боғнинг муаттар хиди қуршаб олди, тиниқ ва ёрқин, худди камалакнинг ранглари каби. Ва ўша, қимматбаҳо,

<sup>1</sup> Йирик ялтироқ тўқ яшил баргли ва катта оқ ёки пушти ранг хушбўй гулли ўсимлик.

<sup>2</sup> Европа, Арманистон, Озарбойжон, Кавказорти ва Эроннинг шимолида ўсувчи бута.

ўша, уни ўзига тортган нарса ҳам уларнинг ичида. Гренуй бир хузурдан кизиби, бир даҳшатдан музлади. Худди фирибгарни тутиб олгандек миясига қон урди, танасининг ичига қайтди, кейин яна кўтарилди, яна қайтди, у бунга қарши ҳеч иш қилолмади. Хиднинг ўткирлиги тамоман кутилмаган эди. Бир лаҳзага – бир нафасга, абадиятга – вақт икки хисса узайгандай ёки аксинча, тўхтагандай туюлди, негаки, у идрок қилишдан тўхтади, ҳозир бўлганмиди – ҳозир ва шу ерда – шу ерда ва ҳозир – ўшанда, бу ер эса – ўша жой, аниқроғи, Марэ кўчаси, Париж, 1753 йилнинг сентябри; боғдан оқиб келаётган муаттарлик ўшанда у ўлдирган малласоч қизнинг ҳиди эди. У оламда қайта топган бу муаттарлик унинг кўзларини хузурбахш севинч ёшларига тўлдирди – бунинг сароб бўлиши ҳам мумкинлиги уни ўлгудай кўрқитганди.

Гренуйнинг пешонасини тер босди. Улар шунчалар аҳмоқки, ўз бурунларидан фақат акса уришда фойдаланадилар ва барча-барча нарсани кўзлари билан англайман деб ўйлайдилар, улар гўзалликка, бу қизнинг нафосату мафтункорлигига асир бўлдим деб айтадилар. Ўз чекланганликлари билан улар унинг эътиборга лойиқ бўлмаган томонларини мақтайдилар – келишган қоматини, ой юзини. Унинг кўзлари зумрад, тишлари дур, териси фил суягидек силлик деб, аҳмоқона таърифларнинг барчасини айтадилар. Уни Ёсуман қироличаси деб атайдилар ва тўнка расом суратини чизади ва барча уни Франциянинг энг гўзал аёли деб айтади. Ва ўсмирлар мандолина чертиб, унинг деразаси тагида тунни ўтказадилар... семиз бой эркақлар тиз чўкиб отасидан қизнинг қўлини сўрайдилар... турли ёшдаги аёллар ҳам уни кўриши биланоқ ох тортадилар ва тушларида ҳеч бўлмаса бир кунга у каби мафтункор бўлмоқни орзу қиладилар. Уларнинг барчаси ҳақиқатда унинг ташқи кўринишига эмас, гўё бенуксон гўзаллигига эмас, балки ёлғиз унинг бетимсол – шоҳона муаттарлигига мафтун бўлганларини билмайдилар! Бунинг фақатгина у, Гренуй, ёлғиз ўзи билади. У бунинг ахир ҳозир ҳам билади.

Лекин унинг ихтиёрида ўрганиш учун икки йил бор эди. У ўрнидан турди. Деярли чуқур эҳтиром билан гўё муқаддас ёки уйқудаги қизни тарк этаётгандек секин, бирор киши унинг қимматбахо топилмасини кўриб қолмаслиги, эшитиб қолмаслиги, эътибор бермаслиги учун бироз эгилганча йироқлашди.

Шу бўйи у шаҳар девори бўйлаб шаҳарнинг қарама-қарши томонигача қизнинг хуш бўйи йўқолгунча югуриб борди. Уни Фенеан чегарасидан ичкари кўйдилар. У уйларнинг соясида тўхтади. Тор кўчаларнинг қўланса ҳиди ишонч бағишлаб, кучли ҳаяжонни енгиллаб ёрдам берди. Ярим соатдан сўнг у яна осойишта эди. “Биринчидан, – ўйларди у, – девор ортидаги боққа қайта яқинлашмайман, бундай қилмаслик керак”. Бу уни қаттиқ ҳаяжонга солади. Гул унинг иштирокисиз, ўша ерда очилади, қандай қилиб очилиши эса унга барибир аён. У ўзининг вақтидан олдин муаттар хиддан маст бўлишига йўл қўймайди. У ишга шўнғиши керак. Ўз билимларини кенгайтириши, ҳосил йиғиш пайти келганда тўла қуролланган бўлиши керак. Унинг ҳали икки йил муддати бор эди.

\* \* \*

Фенеан чегарасидан узоқ бўлмаган де-ла-Лув кўчасида Гренуй кичик атторлик ательесини топди ва иш бор-йўқлигини сўради.

Маълум бўлишича, хўжайин – атторлик ишлари устаси Оноре Арнульфи ўтган қишда вафот этган ва унинг ўттиз ёшлардаги чаққон қорасоч беваси шогирд ёрдамида ёлғиз иш юритар экан.

Арнульфи хоним ёмон кунлардан ва ўзининг оғир моддий аҳволдан узоқ нолиди, кейин айтдики, гарчи иккинчи шогирдни тутишга имконияти йўқ бўлса ҳам, лекин унга тўла эҳтиёжи бор, чунки зиммасидаги ишлари жуда кўп; ундан ташқари, иккинчи шогирдни уйига ҳеч қўёлмайди, лекин

унинг Францисканс монастири ортидаги зайтунзор боғида кулба бор – бу ердан бор-йўғи ўн дақиқалик масофада – агар керак бўлса, иззатталаб бўлмаса, йигитча тунаши мумкин; давом этди хоним, у инсофли бека ва ўз шогирдларининг жисмоний саломатлиги учун жавобгар, лекин кунига икки марта иссиқ овқат билан таъминлашга қодир эмас; бир сўз билан айтганда, Арнульфи хоним – буни Гренуй дарҳол ҳис этди – жуда мос, соғлом фикрли, ишбилармон аёл экан. Унинг ўзини пул қизиқтирмасди ва ҳафтасига икки франк чойчақага ва бошқа фақирона шароитларга рози бўлди, улар бир-бирларига қўл бердилар. Биринчи шогирдни, Дрюо исмли паҳлавон йигитни чақирдилар ва Гренуй дарҳол англадики, хоним унга ётоғидан жой беришга одатланган ва усиз ишга оид қарорларни қабул қилмайди. У Гренуйга синчков назар ташлади, гўё шу билан қандайдир қора ниятларни ёки бўлиши мумкин бўлган рақибни билиб олишни истарди, ниҳоят, такаббуруна тиржайди ва бош ирғаб розилигини билдирди.

Шундай қилиб, ҳаммаси ҳал бўлди. Совуқ кечки овқат, аёл, эски кўй гўнги ва сомон иси келаётган дерзасиз бостирмадан иборат кулбанинг калитини беришди, у ерга ғарибона жойлашди. Эртасига ишга киришди.

Наргислар гуллаган чоғ эди. Арнульфи хоним гулларни ўзининг шаҳардаги кичик майдонларида етиштирар ёки уларни ҳар бир савати учун ўлгудай тортишиб савдолашиб дехқонлардан сотиб оларди. Гуллар ательега эрта тонгда келтириларди, ўн минглаб гулларни саватлардан олиб ёярдилар, улкан, лекин пардай енгил, хушбўй уюмлар пайдо бўларди. Ўз вақтида Дрюо катта қозонда чўчка ва мол ёғини эритарди. Гренуй супургидек узун куракча билан доимий аралаштириб туриши керак бўлган бу қаймоқсифат қайнатмага Дрюо курак ёрдамида янги узилган гулларни ирғитарди. Ўлгудай қўрққан одамнинг кўзидек улар бир лаҳзагина юзада ётар ва уларни куракда тутиб қайноқ ёққа ташлаганда дарҳол бўзарарди. Деярли шу ондаёқ аллақачон юмшаб сўлиб қоларди ва маълумки, уларнинг ўлими шу қадар тез келардики, олдида ўзларининг сўнги муаттар нафасларини ўзлари чўкаётган муҳитга бермоқдан ўзга йўл қолмасди, Гренуй буни анларди, таърифга сиғмас ҳайрат ила, қанчалик кўп гулни қозонда аралаштирса, ёғ шу қадар кучли хид тортарди. Ёғда ўлик гуллар хид таратмасди, йўқ, бу гуллар атрини ўзлаштирган ёғнинг ўзи эди.

Бу орада қайнатма куюк тортди, уни ҳўл жасадлардан бўшатиш ва янги гулларга тайёрлаш учун катта элакдан тез ўтказиб олиш керак эди. Шундай қилиб, улар солиш, аралаштириш ва фильтрлашни кун бўйи дам олмасдан давом эттирдилар, чунки жараён имиллашга қўймасди, кечкурунга барча гуллар уюми қозондаги ёғда қайнатиб олинарди. Чиқиндилар – ҳеч нарса йўқолмаслиги учун – қайноқ сувга солиниб охириги томчисигача дук исқанжасида сиқиб олинарди, бу янада нозик хидли мой берарди. Лекин хиднинг асоси, бутун гуллар денгизининг қалби қозондаги тутқунликдаги ва қўриқланаётган, кўзга ташланмайдиган, кулранг-оқ, эндиликда аста совиётган ёғда қоларди.

Эртасига мацерация<sup>1</sup> деб аталадиган бу муолажа давом этарди, яна қозонни қиздирадилар, ёғ солардилар ва янги гулларни ташлардилар. Шу кўйи жараён бир неча кун эртадан-кечгача давом этарди. Иш оғир эди. Гренуйнинг қўлларига қўрғошин қуйилиб кетар, кафтларида пуфаклар шишиб чиқар ва бели оғирди. Кечкурунлари чарчаганидан тебраниб, кулбасига зўрға етиб оларди. Дрюо ундан уч карра кучлироқ бўлса бордир, лекин у ҳеч қачон қўлидан аралаштириш учун куракни олмасди, фақатгина қозонга пардай енгил гулларни ташлар, оловга қарар ва қулай фурсат топилса, иссиқдан нолиб томоғини ҳўллашга кетарди. Лекин Гренуй нолимасди. У эртадан-кечгача ёғда гулларни аралаштирар, зўриқишни ҳис қилмас, унинг кўзлари тумшуғи остида ўйнаётган гулларнинг тез сўлиши ва хидларининг ютилиб кетишидан завқланарди.

<sup>1</sup> Эфир мойларини ёғлар ёрдамида олиш (тарж.)

Бир қанча вақтдан сўнг Дрюо фикрича, ёғ тўйинган ва ортиқ ҳидни ололмайдиган бўлиб қолади. Улар оловни ўчириб, сўнгги марта оғир қайнатмани элақда сузиб олардилар ва у билан қозонни тўлдирардилар, ўша заҳотиёқ у ажойиб муаттар суртма бўлиб қотарди. Энди Арнульфи хонимнинг гали келарди, у ишни текшириш, қимматбаҳо маҳсулотга ёрлик ёзиш ва ўз китобига унинг сифати ва миқдорини ўта аниқлик билан киритиш учун пайдо бўларди. У қозонни ўз қўллари билан ёпарди, муҳрларди ва ертўланинг совуқ қаърига элтар, кейин қора кўйлақда бе-валик рўмолини ўраб, расталар ҳамда шаҳарнинг атторлик фирмаларини айланарди. У бу жанобларга ёлғиз аёллигини раҳмларини келтириш учун баён қилар, таклифларни тинглар, нархларни солиштирар, хўрсинар ва ниҳоят, ўз товарини сотар ёки сотмасди.

Ёғупани кема билан Генуяга жўнатиш ёки Бокердаги кузги ярмаркада қатнашиш – қалтис ҳаракатлар, албатта, лекин омад чопса, даромад келтиради. Хоним бу турли имкониятларни астойдил тарозига солиб кўрар, таққослар, баъзан уларни бир-бири билан уйғунлаштирар ёки уларнинг барчасидан фойдаланар, ўз хазинасининг бир қисмини сотар, қолганини эҳтиётлаб кўярди, учинчи қисми билан эса гардкамига савдо қиларди. Маълумот йиққанда эса унда бозор ёғупаларга тўлиб кетгандек таассурот пайдо бўлар ва бу вақтда унинг молига талаб ортмаётгандек туюлар, рўмолини ҳилпиратиб уйга шошар ва Дрюога бутун маҳсулотни Essence Absolute қилиб қайта ишлашни буюрарди.

Шунда ёғупани ертўладан яна олиб чиқардилар, ёпиқ тувакларда эҳтиёт қилиб қиздириб, тоза вино спирти кўшар ва Гренуй ҳаракатлантирадиган ясама таёқ ёрдамида астойдил аралаштирар ва ювиб олардилар. Ертўлага қайтаркан, бу аралашма тез совирди, спирт ёғупанинг совиган ёғидан ажралиб қоларди ва уни тезда шишага қуйиб олиш мумкин бўларди. Катта саъй-ҳаракат билан энди у бир қадар атиргга ўхшаб қоларди, аммо бу вақтда қолган ёғупа каби ўз ҳидининг асосий қисмини йўқотарди. Шундай қилиб, гул атри яна бир карра бошқа муҳитга ўтарди. Бу билан иш тугамасди. Ёғнинг қуйқумлари ҳам ўтмайдиган дока орқали астойдил сузиб олингач, Дрюо хушбўй спирт билан кичик қайнатиш мосламасини тўлдирар ва уни жуда паст оловда дистилларди. Спирт буғланганидан кейин идишда салгина ранги бор суюқликнинг жуда оз миқдори қоларди, бу Гренуйга яхши таниш эди; бироқ бундай сифат ва тиниқликда у на Бальдинида, айтиш мумкин, на Рунелда ҳидламаган бу яхлит, энг тоза, ёрқин гул ёғи эди, Essence Absolute ўтлоғида минг карра йиғилган тоза ҳид эди. Бу эссенция энди ёқимли ҳидга эга эмасди. У деярли хаста зўриқиш билан ўткир ва кескин ҳид берарди. Бутун гуллар майдони ҳидини қайта тиклаш учун алкоғолнинг бир литрига аралаштирилган бир томчиси кифоя қиларди.

Маҳсулот жуда кам эди, албатта. Буғлаш асбобидан олинган суюқлик роса учта кичик шишачага етарди. Минглаб гуллардан бор-йўғи учта шишачага лойиқ ҳид келарди. Лекин у хатто шу ер, Грасда ҳам катта бойликка тенг эди. Агар Лионга, Греноблга, Генуяга ёки Марселга жўнатиlsa, яна бир неча баробар қимматлашарди. Бу шишачаларни кўриши билан Арнульфи хонимнинг кўзларида чиройли карашма ўйнади, уларни нигоҳлари билан эркаларди ва кўлига оларкан, маҳорат билан йўнилган қиррадор шишани тикин билан ёпаркан, қимматбаҳо маҳсулотдан ҳеч нарса йўқолмаслиги учун нафас олмасди. Оғзини беркитгандан кейин сирғалмаслиги, кичик заррачанинг ҳам учиб кетмаслиги учун у тикинларни ёғли мум билан муҳрлар ва шишачанинг бўғзини маҳкам боғлайдиган балиқ пуфаги билан ўрарди. Шишачаларни пахта қўйилган қутичаларга кўяр, ертўлага элтар ва қулфлаб, тамбалаб кўярди.

\* \* \*

Гренуй ўз вақтини устахонада ўтказарди. Дрюога одеколон йўриқномасини ўрганяпман, деб тушунтирди. Аслида у бутунлай бошқа хидлар билан тажриба ўтказарди. Монпельеда тайёрлаган атири, гарчи уни тежамкорлик билан ишлатса-да, аллақачон тугаганди. Янгисини яратди. Бу сафар у тасодифий учраган асосий инсон хидлари унсурларига шошилинч ўхшатиш билан коникмади, балки ўзининг шахсий хидини ва ҳатто кўплаб шахсий хидларни яратишга бўлган бор маҳоратини бағишлади.

Аввалига у ўзи учун сезилмаслик хидини – кулранг кундалик кийимни тайёрлади, унда гарчи нордон-ачимсиқ инсон хиди бўлса-да, гўё куруқ, эски терига тортилган қалин, пишиқ жун кийимдан ўтиб бораётгандек, салгина билинарди. Бундай хид билан одамлар орасида юриш қулай эди. Атир бирор шахснинг борлигини асослаш учун етарлича куч эди, айна вақтда шу қадар камтарона эдики, уни ҳеч ким сезмасди. Унинг ёрдамида Гренуй гўё йўқ эди ва барибир энг камтарона равишда доимо ўзининг борлигини исботларди. Бу унга Арнульфи хонимнинг уйида, шаҳарга тасодифий қикиб қолишларида ҳам жуда қўл келарди.

Тўғри, баъзи ҳолатларда бу камтар хид халақит берарди. Дрюонинг топшириғи билан харид қилишга тўғри келганда ёки қайсидир сотувчидан озгина цибетин ёки бир неча мушк уруғини сотиб олишни хоҳлаганда уни умуман пайқамасдилар ва хизмат кўрсатмасдилар ёки пайқасалар ҳам, бошқа нарса берардилар ё хизмат кўрсатишни унутардилар. Бундай ҳоллар учун у ўзига хос яна бир атир ижод қилди. Бундан ташқари, Дрюога хос *aura seminalis* га ўхшатиш орқали, буни у ёғли матодан рўмолни янги ўрдак тухумлари суртмаси ва қовурилган буғдой унини хидлантириш йўли билан олганди, ўзига эътибор қаратиш керак бўлганда яхши натижаларга эришди.

Унинг бисотидаги хидларнинг навбатдагиси ўрта ёш ва ёши ўтган аёлларга аниқ таъсир қиларди. Бу суяқ сут ва тоза дарахт хиди эди. Гренуй бунда – ҳатто у соч-соқолини олмай, афтини буриштириб, плашини ечмай юрса ҳам бечораҳол рангпар йигитча таассуротини берарди. Бозордаги сотувчи аёллар, бу хидни сезиб, унга ёнғоқ ва қуриган нокларни берардилар – уларга шундай оч ва ҳимоясиз кўринарди. Ўзининг қаттиқлиги ва хасислиги билан ном чиқарган қассобнинг хотини бўлса, унга эски гўшт ва суяк қолдиқларини олишга рухсат берарди, негаки Гренуйнинг бечоралик хиди унинг оналик меҳрини товлантирарди. Бу қолдиқлардан, у, биринчи навбатда, алкоголь билан тўғридан-тўғри тўйинтириш йўли орқали фақат ёлғизликда қолишни истаганда фойдаланадиган хиднинг асосий таркибий қисмларини чиқариб оларди. Бу хид унинг агрофида рутубатли, чирик хид муҳитини яратарди. Таъсири шу қадар кучли эдики, ҳатто у қадар ҳазарчи бўлмаган Дрюо ҳам беихтиёр тесқари қарар ва тоза ҳавога чиқарди, уни ҳақиқатан нимадир ташқарига итарганини ўйлаб ҳам кўрмасди, шекилли. Бу оғунинг кулба остонасига тўкилган бир неча томчиси эса исталган чақирилмаган меҳмонни, одам бўладими ё ҳайвонми, ортга қайтариш учун етарли эди.

Энди, одамлар дунёсида ажралиб турмаслик ва мавжудлигини яшириш имконини берадиган турли хидлар ҳимоясида Гренуй ўзининг асл ишқибозлиги – мукамал даражадаги хидлар овига берилди. Модомики, унинг олдида буюқ мақсад турар экан ва унинг ихтиёрида бир йилдан ортиқ вақт бор экан, жонсараклик билан, балки ғалати тарзда режали ва муттасил равишда қуролини ўткирлаб, нозик усулларни такрорлаб, услубларини зўр бериб мукамалликка етказа бошлади. Жонсиз нарсалардан хид олишдан бошлади: тошдан, металдан, ёғочдан, туздан, сувдан, ҳаводан...

Буғлашнинг кўпол услублари қўлланиши оқибатида ўшанда аянчли муваффақиятсизлик билан тугаган ҳолатлар энди ёғнинг кучли шимиб

олиш хоссасига кўра амалга ошарди. Унга сариқ мисдан қилинган эшик зулфинининг совуқ моғорлаган хиди ёқарди, унга бир неча кунга мол ёғи суртиб қўйди. Кўрингки, у ёғни суртиб ва натижани текширгандан сўнг, жуда оз даражада бўлса-да, барибир айнан сариқ мис хидини берарди. Ҳатто ювгандан кейин ҳам хид тураверарди.

Кулбаси олдидаги зайтунзордан топиб олган ғовак оҳактош хидига ҳам шундай эришди. Уни ёғда қайнатди ва тушунарсиз хиди уни таърифга сиғмас даражада ҳаяжонга солган тошли ёғупанинг кичик кумалоғини олди. Уни кулбаси атрофидан териб олинган турли нарсалардан олинган бошқа хидларнинг барчаси билан аралаштирди ва аста-секин монастир ортидаги зайтунзорнинг кичик моделини яратдики, уни митти шишачага беркитиб, ўзи билан олиб юриши, агар хоҳласа, уни жонлантириши мумкин эди. Албатта, хидлар билан тузган ажойиб эрмаклар унинг ўзинигина овунтирарди ва унинг ўзигагина маълум эди. Лекин унинг ўзи бу бемаъни ўйинлардан завқда эди ва ўйин жазавасида хушбўй манзаралар, на-тюрмортлар ва алоҳида нарсаларнинг суратларини яратар экан, бундай ҳақиқатдан бахтиёрлик унинг ҳаётида олдин ҳам, кейин ҳам бўлмаганди. Тез орада у тирик мавжудотларга ўтди.

У кишки пашша, личинка, каламуш, майда мушукларни тутиб, уларни қайноқ ёққа ботира бошлади. Кечалари бостирмага моллар, эчкилар ва чўчқалар ёғнига уларни бир неча соат ёғ суртилган матолар билан ёпмоқ ёки ёғли бинт билан ўрамоқ учун тушарди. Кўзичокнинг хушбўй юнгини вино спиртида ювиш учун қўйхонага яширинча кирарди.

Дастлаб натижалар у қадар кўнгилдагидек бўлмади. Негаки мис лўкидон каби чидамли нарсалардан фарқли ўлароқ, жониворлар ўз хидини беришни истамасди. Чўчқалар бинтларни сидириб ёнбоши билан охурга ишқаланарди, қўйлар тунда уларга пичоқ билан яқинлашганда маърарди. Сигирлар елинларидан ёғли лагталарни астойдил силтаб ташларди. Кўнғизлар, уларни қайта ишлашга уринганда, бениҳоя сассиқ ажралмалар чиқарарди, каламушлар эса, балки кўркувдан, унинг олий мақом ёғупаларига бўшалиб юборарди. Ёғда қайнатмоқчи бўлган жониворлари, гуллардан фарқли ўлароқ, ўз хидларини жимгина сокин нафас билан топширмасди, балки ўлимга мардларча қаршилик кўрсатарди, ўзларининг фарқ бўлишларига ҳеч қанақасига йўл қўймасди, депсинарди, курашарди ва кўркув туфайли номутаносиб нисбатда жон терини кўп ажратарди, шунинг учун қайноқ ёғ кислоталарга тўйинганликдан бузиларди. Бу, албатта, пухта ўйлаб иш қилишга халақит берарди. Объектларни тинчлантириш керак эди, улар кўрқиб улгурмасидан ва қаршилик кўрсатмасидан бирданнига бажариш керак эди. Уларни ўлдиришга тўғри келарди.

Аввалига у буни кучукда синаб кўрди. Уни онасининг олдидан гўшт бўлаги билан авраб чақириб олди ва устахонага олиб келди, жонивор шодон ақиллаш билан Гренуйнинг чап қўлидан гўштни тутиб олишга интилиб сакраганда, ўнг қўлидаги тараша билан гарданига қисқа ва кескин зарба берди. Улим шундай тез юз бердики, ўзининг кўркув билан хиралашмаган соф хидини таратаётган пайтида ҳам, Гренуй ёғли лаппаклар орасида турганида ҳам бахт ифодаси кўзларида ва панжаларида узоқ вақт сақланиб қолди. Демак, ҳар доим шай туриш керак! Мурдалар узилган гуллар каби тез бузиларди. Шунинг учун ҳам Гренуй ўз қурбонини тахминан ўн икки соат, ёқимли хид оқими келиб турса-да, итнинг танасидан кераксиз мурда хиди кела бошлагунча сақлади. У шу ондаёқ анфлеражни тўхтатди, мурдани олиб хидли ёғ бўлагини ювиш учун қозонга солди. У алкоғолни буғлади ва бу қолдикни жажжи шиша найчага қуйди. Атирдан нам, янги, ёркин ит терисининг хиди яққол келиб турарди; хид ўткир, ҳатто ҳайратланарли равишда ўткир эди. Гренуй уни кушхонадаги кекса итга хидлатганида у қаттиқ хурди ва улиди, бурнини шиша найчадан олишни истамасди. Гренуй бўлса уни маҳкам ёпди, чўнтагига солди ва

биринчи марта тирик жонзотнинг муаттар ҳидини олиш насиб бўлган ғалаба кунидан эсдалик сифатида ўзи билан узоқ вақт олиб юрди.

Кейин жуда аста-секин ва ўта эҳтиёткорлик билан одамларга ўтди. Кўзга ташланмасликнинг енгил атири соясида у кечқурунлари “Тўрт Шахзода”нинг доимий мижозлари орасида туртинарди: столлар остида, ўриндикларда ва пана-пастқамларда мой ёки ёғ шимитилган мато бўлагини ёпиштириб юрарди. Бир неча кундан кейин уларни йиғиб олар ва текшириб кўрарди. Табиийки, улар ошхона рутубати, тамаки тутуни ва вино ҳидлари билан бирга бир оз одам ҳидини ҳам берарди. Биринчи хос ҳидни Гренуй ғарибхонадан топди. У махсус ажратилган, ҳозиргина силдан ўлган кўнчининг шоғирди икки ой ўраниб ётган чойшабларни ўғирлашга муваффақ бўлди. Матога кўнчининг ёғли ажралмалари шундай сингган эдики, анфлераж суртмаси каби унинг тер ва ҳидларини шимиб олган эди ва ҳозироқ уни ювишга бериш мумкин эди. Натижа даҳшат эди: Гренуйнинг бурни остида вино спирти аралашмасидан кўнчи ўликлар ичидан тирилиб келди, суратга олиш услуби ва кўплаб касалликларнинг захарли чиркин буғлари билан бузилган, барибир тўла таниб бўладиган унинг ўзига хос ҳид орқали шакланган сурати хона ҳавосига кириб келди. Ўттиз ёшлардаги кичкина жуссали, тўмтоқ бурунли малласоч, калта кўлли, текис кафтли кўнчи гўзалликда ажралиб турмасди, уни ўша кучук каби сақлаб кўйишга арзимасди. Лекин барибир Гренуй арвоҳга кечаси билан ўз кулбасида судралишга кўйиб берди, дам-бадам уни ҳидлаб тутар экан, ўзга одам ҳиди устидан эришган эгаллик ҳиссидан чуқур мамнуният ва бахтиёрлик сезарди. Эртаси куни унинг сассиғини бир четга улоқтирди.

Инсон ҳидини у қалбакилик билан керагича ўхшата оларди. У алоҳида кишиларнинг ҳидини: айнан ўша ўта камёб одамларнинг, яъни иштиёқ пайдо қилувчи кишиларнинг ҳидини олишни хоҳларди. Айнан ўшалар унинг курбонига айланарди.

\* \* \*

Ўша йилнинг май ойида атиргуллар майдонида, Граснинг шарқида жойлашган Опнонинг ярим йўлида, ўн беш ёшли қизнинг яланғоч мурдаси топилди. У гарданига таёқ билан уриб ўлдирилганди. Жасадни кўрган деҳқон шундай даҳшатга тушдики, полиция лейтенантига титроқ овоз билан хабар бераркан, гарчи, аслида у бундан даҳшатлироқ ҳодисани ҳеч қачон кўрмаганини айтмоқчи бўлса-да, бундай гўзалликни ҳеч қачон кўрмаганини айтиб – сал бўлмаса ўзига нисбатан шубҳа уйғотай деди.

Гумон лўлилардан эди. Лўлилардан ҳар нарсани кутиш мумкин. Лўлилар, маълумки, эски қўйлақлардан гиламлар тўқир, ёстиқларни одамларнинг сочи билан тўлдирар, осилганларнинг териси ва тишларидан кичик кўғирчоқлар ясардилар. Бундай ғайриоддий жиноятни фақатгина лўлилардан кўриш мумкин эди. Лекин бу вақтда ҳеч қандай лўли йўқ, ҳудуднинг ҳеч қаерида йўқ, улар бу ердан охирги марта декабрда ўтгандилар.

Лўлилар йўқлиги сабаб мавсумий итальян деҳқонларидан шубҳалана бошладилар. Италиянлар ҳам йўқ эди, улар бу қадар эрта пайдо бўлмасдилар, улар ёсуман теримига ёлланиш учун фақатгина июнда келадилар, демак, бу итальянлар ҳам эмас. Ва ниҳоят, сартарошлар шубҳа остига олинди, ўлдирилган қизнинг сочларини топиш учун уларни тинтув қилдилар. Фойдасиз. Кейин яҳудийлардан шубҳа қилишди, гарчи улар аллақачон етмишдан ошиб кетган бўлсалар ҳам, бенедикт монастирининг монахларидан шубҳалангандай бўлишди – кейин цистерсионлар<sup>1</sup>, франкмасонлар<sup>2</sup>, жиннихонадаги жиннилар, гўлаҳлар, гадойлар ва ҳатто ахлоқсиз зодагонлар, асосан, маркиз де Кабридан шубҳаланишди. Бироқ аниқ ҳеч

<sup>1</sup> Католик роҳиблар тариқати аъзолари (тарж.).

<sup>2</sup> XVIII аср бошларида Англияда, Францияда пайдо бўлган диний-ахлоқий ҳаракат (тарж.).

нарсани исбот қилишга эришилмади. Ҳеч ким қотилликка гувоҳ бўлмаган, мурданинг на қўйлаги, на сочларини топдилар. Бир неча ҳафтадан сўнг полиция лейтенанти терговни тўхтатди.

Июннинг ўртасида италянларнинг кўплари оилалари билан ёсуман теримига ёлланиш учун келишди. Деҳқонлар уларни ишга олишди, бироқ қотилликни ёдда тутиб, ўз хотинлари ва қизларига улар билан муомалада бўлишни тақиқладилар. Ўзингга маҳкам бўл, қўшнингни ўғри тутма. Бу мавсумий ишчилар содир этилган жиноятга чиндан жавобгар бўлмасалар-да, барибир улар шуни содир этиши ҳам мумкин эди-да, эҳтиёт бўлган яхши.

Тез орада ёсуман терими бошлангач яна иккита қотиллик юз берди. Яна қизлар – ўшандай қора жингалак соч гўзаллар қурбон бўлганди, яна уларни гулзорда яланғоч ва қиртишланган ҳолда, гарданида ёпиқ жароҳат билан топишди. Тағин жиноятчидан ҳеч қандай из йўқ. Янгилик яшин тезлигида тарқалди ва калтакланиш хавфи келгинди халқ тепасига келди. Маълум бўлишича, иккала қурбон ҳам италян бўлиб, бир генуэзиялик деҳқоннинг қизлари эди.

Бу одамларни даҳшатга солди. Улар энди ўзларининг ожиз ғазабларини кимга сочишни билмасдилар. Тўғри, кимдир ҳали жиннилардан ёки кутурган маркизлардан шубҳа қиларди, лекин бунга унчалик ҳам ишонимасди, жиннилар тун-кун назорат остида эди, маркиз эса аллақачон Парижга кетганди. Одамлар жипслаша бошладилар. Деҳқонлар ўз бостир-маларини илгари очик далада тунайдиган мавсумчилар учун бердилар. Шаҳарликлар ҳар бир даҳада тунги қоровулликларни ташкил қилдилар. Полиция лейтенанти шаҳар дарвозаларида қоровулликни кучайтирди. Барчаси беҳуда. Иккита қотилликдан бир неча кун ўтгач, олдинчилари каби майиб қилинган ҳолда қизнинг мурдасини топишди. Бу сафар сардиниялик қиз ҳақида гап борарди – у епископ саройининг кир ювувчиси, Фонтен-де-ла-Фудан узоқ бўлмаган жойда, аниқроғи, шаҳар дарвозасида ўлдирилганди. Ҳаяжондаги шаҳарликлар босими остида элчилар Кенгаши қаттиқ текширувлар олиб борган, тунги қоровулликларни кучайтирган, қоронғи тушгандан кейин аёл жинсидан бўлган барчага кўчага чиқишни тақиқлаган бўлса-да, бу ёзда ёш қизнинг мурдаси топилмаган бирор ҳафта йўқ эди. Айтганча, тез орада қотил ўз эътиборини маҳаллий аҳоли ўртасида майин, оқ танли ва бир оз тўлароқлиги билан кўримли қизларга қаратди. Ҳатто офатигон қорасоч, ҳатто кўнғирсочлар – агар улар жуда ориқ бўлмаса – кейинги пайтда унинг қурбонларига айландилар. Уларни ҳар ерда таъқиб қилиб юрди, энди нафақат Грас ён-атрофида, балки шаҳар ичида ҳам, ҳатто уйларнинг ичида ҳам. Бир дурадгорнинг қизи ўзининг бешинчи қаватдаги хонасида ўлик ҳолда топилди, уйдагилар на бирор кичик шовқинни, на бирор итнинг (улар одатда узоқдан хид олар ва бегонага қаттиқ хурарди, бу гал ақилламаган ҳам) овозини эшитган. Қотил қўлга тушмас, вужудсиз руҳга ўхшарди.

Одамлар ғазабланар ва ҳокимиятни сўкарди. Кичик хабар тўқнашувларга олиб келарди. Бир дайди савдогар унинг куқунларида гўё майдаланган қиз бола сочи борлиги учун севги шароби ва бошқа фирибгарона дорилари билан сал бўлмаса оломон ичида бурда-бурда бўлиб кетай деди.

Аллаким маркиз де Кабрининг данғиллама иморати – ғарибхонани ёқиб юбормоқчи бўлди, мовут тайёрловчи Александр Минар тунда уйга қайтаётган ўз хизматкорини қотил деб ўйлаб отиб қўйди. Имкони борлар ёш қизларини узоқ қариндошлариникига ёки Ницца, Экс, Марселдаги пансионларга жўнатди. Полиция лейтенанти Шаҳар кенгашининг зўри билан вазифасидан бўшатилди. Шифокорлар кенгаши сочи кесилган гўзалларнинг бокиралигини тасдиқлади.

Бу хабар ваҳимани камайтирмади, аксинча, кучайтирди, чунки ҳар бир одам ўзича қизларни зўрлашган деб ўйларди. Шунда жиноят сабаби бир



қадар аниқ бўларди. Эндиликда ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмас, барча умуман ҳимоясиз эди. Худога ишонган киши борки, иблис ўз уйини четлаб ўтишини сўраб ибодат қиларди.

Шаҳар кенгаши, Граснинг ўттизта энг бой ва ҳурматли аслзодалари, маърифатли ва ғаройиб кайфиятдаги жаноблар – шу пайтга қадар епископ билан ҳеч нарсада ҳисоблашмаган ва мамнуният ила монастир ва аббатликни товар омборлари ва фабрикаларга айлантирган бўлардилар, бироқ бу мағрур мўътабар жаноблар шу қадар эзилган эдиларки, епископга таҳқирлангандек мурожаатнома жўнатдилар. У шу маъно-

да эди, олдида дунёвий ҳокимият ожиз қолган, қизларнинг бошига етаётган махлукни худди 1708 йилда, унинг муқаддас салафи шаҳар даҳшатли кулфатга – бутун мамлакатга хавф солган чигиртка босқинига юз тутганда ҳайдаганидек қувмоқни сўрагандилар. Дарҳақиқат, барча табақаларнинг йигирма тўрт чоғли энг гўзал қизларини ҳалок қилиб ул-



гурган Граслик Қизлар Қотили сентябрнинг охирида тантанавор равишда қувилди; қувиш матни шаҳарнинг барча черков эшигига коқилди ва барча меҳроблардан, жумладан, епископнинг ўзи томонидан Нотр-Дам-дю-Пю меҳробидан ҳам тантанавор равишда жар солинди.

Муваффақият ҳайратга солар даражада эди. Қотилликлар эртасигаёқ тўхтади. Октябрь ва ноябрь ойида мурдалар топилмади. Декабрнинг бошида Греноблдан шундай миш-мишлар етиб келдики, у ерда охириги пайтда бир Қизлар Қотили пайдо бўлган, у ўз қурбонларини бўғар, уларнинг кўйлақларини тилка-пора қилар, бошларидаги сочларини тутамлаб юлиб оларкан. Гарчи бу кўпол жиноятлар Грасдаги нозик бир алфозда бажарилган қотилликларга сира тўғри келмаса-да, барча амин бўлдики, гап айнан бир жиноятчи ҳақида боряпти. Грас аҳолиси уч қарра енгиллик билан чўқинди: энди бу касофат уларда эмас, етти кунлик йўлдаги Греноблда. Улар епископ шарафига машъалали юриш ташкил қилдилар, 24 декабрда эса катта миннатдорлик зиёфати уюштирдилар. 1766 йилнинг 1 январидан қучайтирилган қоровулликлар бекор қилинди ва аёллар тунлари уйдан чиқишга руҳсат олдилар. Ақлга сиғмас тезлик билан жамоатчилик ҳаёти ва шахсий ҳаёт ўз изига қайтди. Қўрқувни гўё шамол олиб кетгандек, бор-йўғи бир неча ой муқаддам шаҳар ва унинг атрофида ҳукм сурган ўша даҳшат ҳақида биров бошқа гапирмасди. Ҳатто қурбонларнинг уйида ҳам бу воқеа эсланмасди. Епископ жар солиб ўқиган тавқи лаънат нафақат қотилни, балки у ҳақдаги барча хотираларни ҳам қувганди. Одамларга эса худди шу керак эди.

Фақатгина бўйи етган қизлари бўлганларгина уни назоратсиз қолдирмасликка ҳаракат қилар, шом тушиши билан қўрқувни ҳис этар, эрталаблари эса уни соғ ва саломат кўрганидан – гарчи ўзи нимаданлигини билмасалар-да, бахтли эдилар.

\* \* \*

Бироқ Грасда бир одам бор эдики, у пайдо бўлган хотиржамликка ишонмасди. Унинг исми Антуан-Риши бўлиб, Иккинчи Элчи вазифасини бажарарди ва Друат кўчаси бошидаги шаҳар кўрғонида яшарди.

Риши бева бўлиб, унинг Лаура исмли қизи бор эди. Гарчи у қирққа

хам бормаган, хавас қилгудек соғлиги билан ажралиб турса-да, янгитдан никоҳдан ўтишга шошилмасди. Аввало, у қизини турмушга беришни хоҳларди, ҳар ҳолда бу Худога хуш келадигандек эди. Ванса мулки бўлган Байон исмли бир бароннинг меросхўр ўғли бор эди. Бароннинг обрўси яхши, мулки беҳисоб эди ва Риши аллақачон болаларининг бўлғуси никоҳига унинг розилигини олган эди. Лаура қатъий ўрнашиб олгандан сўнгина бирор-бир – Дре, Моберов ёки Фонмишель каби – олийнасаб оилалардан бирига чангал солади. Зинхор шухратпарастлиги ва зодагон рафиқага эга бўлиш фикри учун эмас, балки сулолага асос



солиш ва ўз авлодини олий ижтимоий мақом ҳамда сиёсий нуфузга элтувчи йўлга қўйишни хоҳлагандан. Бунинг учун унга камида яна икки ўғил керак эди, бири унинг ишини давом эттирган, иккинчиси эса юридик соҳада ва Экс парламентида муваффақиятларга эришган, шу йўл билан юқорига, аслзодалар орасига ёриб кирган бўларди. Бироқ бундай такаббурликлар у ўз шахсини ва оиласини провансаль насаби билан қаттиқ

боғлаган шаҳардагина муваффақиятга имкон бериши мумкин эди.

Бу қадар чуқур режалар унинг эртақлардаги каби бойлиги билан оқланарди. Антуан Риши ҳудуддаги исталган буржуйдан кўра бой эди. У нафақат Грас теварагида пўртаҳол, кунгабоқар, буғдой ва сули етиштирадиган катта ерларга эга эди, балки Ванс, Антиб остида ҳам ижара ерлари бор эди. Эксада бутун мамлакат ҳудудларида уйлари бор эди, Ҳиндистонга борувчи кемалардан ўз улушини оларди, Генуяда доимий идорасига ва Францияда муаттар товарлар – зирворлар, мойлар ва тери сақланадиган энг йирик савдо омборига эга эди.

Бироқ Ришининг ҳақиқий бойлиги – қизи эди. Унинг ягона фарзанди роса ўн олтига кирганди, тўк сариқ сочли ва яшил кўзли эди. Унинг юзи шундай жозибали эдики, исталган одам ҳайратдан қотиб қолар ва ундан кўзини ололмасди. Ришининг ўзи ҳам қизини кўриши билан бутун дунёни унутаётганини англаб қоларди.

Утган йили, қотилликлар даврида, у ҳали бу каби тушунарсиз олишувларни ҳис қилмаганди. Уша пайтда унинг устидан қизи эга бўлган сеҳрли ҳукмронлик – унга ҳар ҳолда шундай туюларди – ҳали болаликнинг сеҳрли ҳукмронлиги эди. Шунинг учун у ҳеч қачон Лаура, маълум бўлишича, болаларга ҳам, аёлларга ҳам ҳужум қилмаётган, лекин фавқулудда бокира қизларга ташланаётган қотилнинг қурбонига айланади, деб жиддий хавфсирамасди. Барибир уй соқчиларини кучайтирди, юқори қаватнинг деразаларига янги панжаралар қўйишни, оқсочга Лауранинг ётоғида тунашни буюрди. Лекин уни шаҳардан чиқариб юбориш ҳақидаги фикри, ўз тоифасидаги ўртоқлари қилганидек, қизлари, ҳатто бутун оилалари билан жўнатиш фикри унинг учун чидаб бўлмас ҳақорат эди. У бу каби хатти-ҳаракатни Кенгаш аъзоси ва Иккинчи Элчи учун шармандали ва номуносиб деб топди, унинг фикрича, ўз юртдошларига вазминлик, мардлик ва матонат намунасини кўрсатишга бурчли эди. Бундан ташқари, у шундай одам эдики, унга на ваҳима босган оломон, на бор-йўғи биттагина яширин жиноятчи ўсмир – ҳеч ким ўз қарорини мажбурлаб қабул қилдирилмасди. Бутун даҳшатли давр давомида у шаҳардаги кўркув талвасасига тушмаган ва ақлини йўқотмаган озчиликнинг бири эди. Лекин қизиқ бир ҳолатда барчаси ўзгарди. Одамлар кўчаларда гўё қотилни дорга осгандек унинг

ёвузликлари тугаганини байрам қилаётган ва ўша машъум кунларни унуттаётган пайтда Антуан Ришининг қалбида захардек куйдирувчи қўрқув пайдо бўлди. Аввалига айнан қўрқув уни пайти келган сафарларини қолдиришга, шаҳарга камроқ чиқишга, тезроқ қайтиш учунгина ташриф ва йиғилишларни қисқартиришга мажбур қиларди. Дастлаб ўта бандлиги ва зўриққанлигини баҳона қилиб ўзини оқлади, бироқ охирида англадики, у бошқа ташвишда, унинг ўрнида бўйи етган қизи бўлган ҳар бир ота каби ташвишда эди, ахир бундай ташвиш чекиш – оддий ҳол-ку... Ахир унинг гўзаллиги шуҳрати аллақачон оламга тарқалмадими? Ахир яқшанба кунлари у билан черковга борганида ҳамма бўйинини чўзиб қарамайдими? Ахир баъзи жаноблар Кенгашда аллақачон ўз номидан ёки ўғилларининг номидан совчиликка ишора қилмадиларми?..

\* \* \*

Март кунларидан бирида Риши меҳмонхонада ўтираркан, Лауранинг боққа чиққанини кўрди. У мовий кўйлак кийган, куёш нурида товланаётган малла сочлари елкаси узра ёйилиб ётарди, уни ҳеч қачон бунақа чиройда кўрмаганди. Қиз четаннинг ортида кўздан пана бўлди ва у ердан, балки, кутганидан кечроқ, юракнинг икки марта уришидан кечроқ пайдо бўлди ва Риши ўлардек кўрқиб кетди, чунки юракнинг икки уриши давомида қизини бутунлай йўқотиб кўйдим, деб ўйлади.

Шу кечасиёқ дахшатли тушдан уйғонди, тушини эсламади, бироқ туш Лаура билан боғлиқ эди, унинг хонасига отилди, уни ўлик, ўлдирилган, хўрланган ва сочи кесилган ҳолда кўришига ишониб кирган эди, не бахтки, уни зиён-захматсиз кўрди.

У ҳаммаёғини тер босган ва ҳаяжондан титраган кўйи ўз ётоғига қайтди, йўқ, ҳаяжондан эмас, балки қўрқувдан, энди охир-оқибат буни тан олди, тинчланиди ва мияси равшан ишлай бошлади. Тўғриси айтганда, у аввал-бошданок епископнинг тавқи лаънати таъсирига ишонмаганди; котилнинг Греноблда яширин фаолиятда эканига ҳам ишонмаганди; унинг умуман шаҳарни тарк этганига ҳам ишонмаганди. Йўқ, у шу ерда яшаган, Грас аҳолисининг ичида ва қачондир яна зарба беради. Август ва сентябр ойида Риши баъзи ўлдирилган қизларни обдон текширди. Бу томоша уни дахшатга солди ва тан олиш керакки, айти вақтда жунбушга солди, негаки, уларнинг барчаси алоҳида гўзал эди. У Грасда шунча қадрига етилмаган гўзаллик борлигини ҳеч қачон ўйлаб кўрмасди. Котил унинг кўзини очди. Котил хос бир таъб билан ажралиб турарди. Бир тизим бўйича фаолият кўрсатганди. Барча котилликлар бирдай саранжомлик билан бажарилгани етмагандай, қурбонлар танланишининг ўзи ҳам деярли аниқ ҳисобкитобни кўрсатарди. Тўғри, котил ўз қурбонларидан нима истаётганини Риши билмасди, негаки уларнинг асосий бойлиги – гўзаллик ва ёшлик мафтункорлиги – ахир у буларни ўғирладими... ёки ўғирламадими? Нима бўлганда ҳам, бу қандай бемаъни жарангласа ҳам, котилликнинг мақсади вайронкорлик эмас, эҳтиётлаб коллекция йиғиш, шекилли. “Агар, масалан, – фикрларди Риши, – барча қурбонларни алоҳида кимсалар ҳолида эмас, балки қандайдир бир олий талабнинг қисми сифатида тасаввур қилсак ва уларнинг турли хусусиятларини ягона бир бутунликка жамлаган ҳолда ҳаёлан фикрласак, бундай мозаикадан тузилган ушбу манзара умумий гўзаллик манзараси бўларди ва ундан келаётган сеҳр-жоду одамга хос эмас, балки илохий кучга эга бўларди”. (Кўрганимиздек, Риши ҳатто дахшатли хулосалардан ҳам қўрқиб кетмайдиган совуққон одам эди, гарчи у ҳид билиш орқали эмас, балки кўриш орқали фикрласа-да, барибир тамоман ҳақиқатга яқин эди).

“Дейлик, – фикрини давом эттирарди Риши, котил шундай гўзаллик коллекционерни бўлса ва Мукамаллик сурати устида ишлаётган бўлса, майли, бу тахайюл унинг касал мияси маҳсули бўлсин; яна кўйиб берай-

лик, у юксак таъб одами ва аниқ ҳисоб-китобли эдики, у бу сураат учун ер юзида топилиши мумкин бўлган қимматбаҳо “қурилиш тоши”ни – Лауранинг гўзаллигини рад этади, деб ўйлаб бўлмайди. Бутун қотилликлар пирамидаси унингсиз ҳеч нарсага арзимамайди. Қиз унинг иншоотига гултож бўладиган тош эди”.

Ушбу даҳшатли хулосага келаркан, Риши тунги кийимда тўшагида ўтирар ва ўз хотиржамлигидан ҳайратланарди. Энди ортиқ титрамасди. Бир неча ҳафта азоблаган тушунарсиз қўрқув ўз ўрнини аниқ хавфни англашга бўшатиб берганди. Қотилнинг фикри бошиданоқ аниқ Лаурага қаратилганди. Қолган барча қотилликлар эса – бу сўнгги яқунловчи қотиллик учун пиллапоя. Тўғри, бу қотилликлар қандай моддий манфаатдорлик мақсадига эгаллиги ва умуман, мақсадли ёки мақсадсизлиги ноаниқ. Лекин, муҳими, қотилнинг айнан тизимли услуби ва унинг орзуга интилишини Риши тўғри топганди. У бу ҳақда қанча узоқ ўйласа, униси ҳам, буниси ҳам шунча кўпроқ ёқарди ва қотилга нисбатан кўпроқ ҳурмати ошарди – айтгандай, бундай ҳурмат унинг ўзига нисбатан муносабатини силлиқ ойнада акс этгандай кўрсатарди, ахир бошқа ҳеч ким, Риши каби ўзининг ўткир ақли билан рақибнинг ниятини англаб етмади.

Сўнгги фикр, айниқса, унга ёқди. Хаёлан қизининг бўлғуси қотили ўрнида ўзини тасаввур қилиши унга моҳиятан қотил устидан катта устунлик берди. Негаки, қотил ўзининг бутун фаҳм-идроки билан, алибатта, ўзини Ришининг ўрнига қўя олмайди – шунинг учун ҳамки, Риши аллақачон ўзини унинг ўрнига – қотилнинг ўрнига қўйиб кўргандини тасаввур қила олмайди. Моҳиятан, бу ерда ҳаммаси хизматчиликда қандай бўлса, шундай эди – *mutatis mutandis*<sup>1</sup> – яна қандай бўлсин. Агар сен рақибнинг ниятини англаган бўлсанг, устунлик сен томонда, у сени енголмайди, сенинг исминг – Антуан Риши ва сен олов, сув, мис қувурлар синовини босиб ўтгансан, курашда енгилишга ўрганмагансан. Охири-оқибат, Франциядаги йирик хушбўй товарлар савдоси Антуан Ришига қарашлидир, на бойлик, на Иккинчи Элчилик лавозими унга осмондан тушмаган, уларга сабот ва айёрлик билан, ўз вақтида хавфни билиб, рақибларининг режаларини зийраклик билан билиб олиб ва рақибларни йўлидан супуриб ташлаб эришган. Ўзининг келгуси мақсадларини – ҳокимият ва авлодлари учун дворянлик мақомини ҳам худди шундай эгаллайди. Қотилнинг – Лаурага эришиш учун курашдаги рақибининг режасини ҳам худди шундай ўчириб ташлайди, ҳеч бўлмаса шунинг учунки, Лаура унинг ҳам, Ришининг ҳам режалари гулчамбаридир. Олий орзуларининг рўёбга чиқиши учун зарур бўлган нарсани эса у ҳеч кимга бериб қўймасди, бунга у тиш-тирноғи билан ёпишарди.

У бир оз енгил тортди. Иблис билан курашга алоқадор ўйларини иш юзасидан тўкнашув даражасига туширишга эришганидан кейин қалби яна жасорат ва ҳатто завққа тўла эканлигини ҳис этди. Қўрқувнинг сўнгги қолдиғи ҳам учиб кетди, алжираш касалига тушиб қолган чолдек қийнаётган зўриқиш ва эзгин ташвиш ҳисси йўқолди, бир неча ҳафта давомида ичидан пайпаслаб йўл қидирган қоронғи ҳислар тумани таркади. У таниш худудда ва исталган чақирикни қабул қилишга тайёр эди.

\* \* \*

Енгиллик, деярли қониқиш ҳис қилиб, каравотдан ирғиб турди, кўнгирак ипини тортди, оёғида зўрға турган уйқусираган хизматкорга қўйлақ ва озиқ-овқатларни тайёрлашни буюрди, у тонгда қизи билан Греноблга боришга қарор қилди. Кийинди ва барча хизматқорни уйғотди.

Қоқ ярим тунда Друат кўчасидаги уйда ҳаёт қайнади. Ошхонадаги ўчоқлар ёқилди, йўлақларда тинчини йўқотган оқсочлар югура бошладилар, хўжайиннинг хос хизматқори зиналардан юқорига-пастга

<sup>1</sup> Ўзгаришларга мувофиқ (лот.).

тушиб-чикди, ертўлаларда калитлар шиқирлади, ҳовлида машғаллар ёкилди, аравакашлар отларни олиб чикдилар, бошқалари отхоналардан хачирларни тортиб чиқардилар, юганладилар, эгарладилар, югурдилар, юкладилар – шаҳарга 1746 йилдагидек йўлида учраган ҳамма нарсани қириб ташлаётган австрия-сардин босқинчилари бостириб келаяпти ва уй хўжайини ваҳимада қочишга тайёрланапти деб ўйлаш мумкин эди. Лекин ҳечам бундай эмас! Уй хўжайини хотиржам ва мағрур, худди Франция маршалидек, ўз бўлмасидаги ёзув столи ортида ўтирар, сутли қаҳва ичар ва оёқдан қолаёзган хизматкорларга буйруқ берарди. Йўл-йўлакай мэрга, Биринчи Элчига, ўз нотариуси, ўз адвокати, Марселдаги банкири, барон де Байонга ва турли иш шерикларига хат ёзарди.

Эрталабки соат олтида у хатларни жўнатди ва режалари учун зарур барча топшириқларни берди. Қўйнига тўппончасини солди, белига пул солинган тўқани кистирди ва ёзув столини қулфлади. Кейин қизини уйғотгани кетди.

Соат саккизда кичик карвон йўлга тушди. Олдинда отда Риши борарди, у ўзининг қизил мусаллас ранг олтин тасмали камзулида, қора плашида ва пат қадалган қора шляпасида савлатли кўринарди. Ортидан анча одми кийинган кизи борарди. Бироқ шундай кўз қамаштирадиган гўзал эдики, кўчадаги ва деразадан бокқан одамлар ундан кўзини ололмасди, оҳ-воҳлар эшитиларди, эркактан бош кийимини ечарди, қироличадек ўтирган бу киз олдида хурмат бажо келтирадилар. Унинг ортидан оқсочи борарди, кейин икки хизматкор кузатувида ҳар турли товарлар юкланган ўнлаб хачирлар карвони туташиб кетганди. Дю-Кур қоровулхонасида қўриқчилар сафландилар ва милтиқларини сўнгги хачир дарвозадан ўтиб кетгандан кейингина туширдилар. Болалар тик, эгри-бугри йўлдан секин узоқлашиб бораётган бу карвон ортидан узоқ югурдилар, тинмай қўл силкитдилар.

Антуан Ришининг кизи билан бу сафари одамларда ажиб бир таассурот қолдирди. Уларга худди қандайдир қадим қурбонлик маросимида қатнашаётгандай туюларди. Атрофда фақат Риши Греноблга, яъни яқин вақтлардан бери қизларни ўлдирадиган махлуқ яшаётган шаҳарга кўчаётгани ҳақида гап кетарди. Одамлар бу ҳақда нима ўйлашни ҳам билмасдилар. Ришининг хатти-ҳаракатини қандай тушунтириш мумкин? Номуносиб енгилтакликми ёки мактовга лойиқ мардликми? Бу чорловмиди ёки маъбудларнинг раҳмини келтиришга уринишмиди? Лекин уларни малла сочли гўзал қизни сўнгги марта кўриб турганликларини сезишдек безовта туйғу кийнарди. Улар Лаура Ришининг ҳалокатини олдиндан сезардилар.

Гарчи мутлако ёлғон хулосаларга асосланган бўлса-да, башорат рўёбга чикди. Гап шунда эдики, Риши умуман Греноблга жўнамаганди. Шавкатли юриш маккорликдан бошқа нарса эмасди. Грасдан шимоли-шарққа бир ярим миль узоқликда, Сен-Вальс қишлоғи яқинида у тўхташни буюрди, хизматкорига ваколатни ва йўлхатни топширди, хачирлар карвонини Греноблга етказишни буюрди; кузатувчи хизматкорларни ҳам карвон билан жўнатди.

Узи эса Лаура ва унинг оқсочи билан Кабрига бурилди, у ерда тушликка тўхтадилар, кейин Ганнерон тоғ йўли орқали жануб томон йўл олдилар. Бу йўл фавқулудда оғир эди, лекин у Грас ва Грас водийсини кенг ярим айлана бўлиб ғарбдан айланиб ўтиш ва билдирмасдан қирғоққа етиб олиш имконини берарди... Риши эртасига Лаура билан Лерен ороллари-нинг энг кичигида мустаҳкам жойлашган Сент-Оноре монастирига етиб олишни режалаштирганди. Монастир хўжалигини кекса монахлар тўдаси бошқарарди. Риши уларни яхши биларди, чунки кўп йиллар кетма-кет монастирдан эвкалипт ликёри, пиния<sup>1</sup> уруғи ва шамшод ёғи маҳсулотларини олиб сотарди. Айнан ўша ерда Иф қалъаси ва Сент-

<sup>1</sup> Игнабаргли дарахт тури (тарж.).

Маргарет оролидаги давлат турмаси қаторида жойлашган, Провансда энг ишончли жой саналган Сент-Оноре монастирида қизини яширишга ҳаракат қилди. Узи эса қирғоққа тез қайтади ва Грасни бу сафар шарқдан Антиб ҳамда Кани орқали шу куни оқшомга қадароқ Вансга етиш учун босиб ўтади. У аллақачон у ерга ўз нотариусини барон де Байон билан уларнинг болалари – Лаура ва Альфонсининг никоҳ шартномасини имзолаш учун таклиф қилган. Байонга рад эта олмайдиган таклифни айтмоқчи: бароннинг 40000 ливр қарзини тўлаш, шунча ҳажмда қалин, бир қанча ер майдони ва Маганоск остидаги ёғ қорхонаси, ёшлар учун 3000 ливр йиллик рента. Ришининг ягона шарти шу эдики, шартнома ўн кундан кейин кучга кириши ва ёшлар тўйдан кейиноқ Вансга кўчишлари керак.

Бундай ҳовлиқиш Байонлар оиласи билан бирлашув учун ажратилган тўлов ҳажмини беҳад кўтариб юборишини тушунарди. Агар унинг кутгани вақти бўлганида эди, анчагина арзон тушарди. Ушанда бу барон тиланчи каби бой савдогардан ушбу битимни ялиниб сўрашига тўғри келарди: ахир Лауранинг гўзаллик шуҳрати Ришининг бойлиги каби ошиб боради, Байонлар эса буни кўриб тамом бўлишади. Ҳай, майли! Ахир унинг рақиби барон эмас, номаълум қотил. Мана кимнинг ошига пашша тушиши керак. Бокиралигини йўқотгач эрли ва балки ҳомиладор аёл, энди унинг нафис галереясига уйғун келмайди. Бу мозаиканинг сўнгги катаги бўш қолади, Лаура қотил учун бутун қимматини йўқотади, унинг режаси барбод бўлади. Унга мағлубият қайғусини ҳис қилдириш ҳам керакда! Риши Грасда катта зиёфат бериб эл-юрт олдида тўй қилмоқчи эди. Майлига, ўз рақибини билмас ҳам ва ҳеч қачон танимаса ҳам, барибир у воқеаларда иштирок этиши ва лазиз лўқмани тумшуғи остидан олиб кетаётганларини ўз кўзлари билан кўраётганини ҳис қилиш ҳузурлидир.

Режа жуда нозик ҳисоб-китоб қилинганди. Биз яна ҳақиқатга етишга яқин бора олган Ришининг шууридан ҳайратланмоғимиз керак. Негаки, Лаура Ришининг барон де Байон ўғли билан никоҳи ҳақиқатда Граслик Қизлар Қотилининг бутунлай мағлубиятини англатарди. Лекин режа ҳали рўёбга чиқмаганди. Риши ҳали Лаурани яширмаганди, ҳали уни Сент-Оноре монастирининг кутқарувчи ишончли бошпанасига етказмаган. Ҳали уч отлик қаҳри қаттиқ Таннерон довони орқали йўл босарди. Баъзан йўл шундай қийинлашардики, отлиқлар пиёда юрардилар. Ҳаммаси жуда секин борарди. Улар кечгача Ла Напуль ёнидаги қирғоқ – Канндан узок бўлмаган кишлокқа етиб олишни умид қилардилар.

\* \* \*

Лаура Риши отаси билан Грасни тарк этган ўша пайтда Гренуй шаҳарнинг бошқа томонида Арнульфнинг устахонасида наргисларни ёғда қайнатарди. У ёлғиз ва яхши кайфиятда эди. Унинг Грасдаги муддати тугаб борарди. Ғалаба куни яқин эди. Унинг кулбасида, пахта солинган қутичаларда йигирма тўрт бегуноҳ қизнинг ифори томчилари – ўтган йили Гренуй томонидан таналарни совуқ анфлераж қилиш йўли билан, соч ва кўйлақлар ҳидини мойга шимитиш, спиртда ювиш ва буғлаш йўли билан олинган қимматбаҳо эссенциялар қуйилган йигирма тўртта жажжи шишачалар турарди. Йигирма бешинчисини эса – энг дабдабали, энг муҳим эссенцияни – у бугун олади. Аллақачоноқ у қайта-қайта тозаланган ёғ солинган идиш, юпқа мато қийқими ва тоза спиртни ушбу сўнгги ўлжа учун тайёрлаб қўйган. Жой ўрганилган. Янги ой чиққанди.

У Друат кўчасидаги кўрғон яхши қўриқланишини ва унга бузиб киришнинг иложи йўқлигини биларди. Шунинг учун у ерга кош қорайганда дарвозалар ёпилгунча кириб олишни ва ўз хидсизлигидан фойдаланиб, уйнинг бирор бурчагида яширинишни истарди. Кейинроқ ҳамма ухлаганда у коронғида ҳид билиш йўлқўраткичи ортидан бориб юқорига – ўз хазинаси олдига кўтарилади. Уни ёғ шимдирилган чойшабга ўраб ўша

ердаёқ жойида ишлов беради. Фақат сочлари ва кўйлагини, доимгидек, ўзи билан олиб кетади, чунки бу қисмлар тўғридан-тўғри вино спиртида ювилиши мумкинки, буни устахонада бажариш қулайроқ. Ёғупанинг охирги ишлови ва уни буғлаб қуюқ модда олиш учун яна бир кеча керак эди. Агар ҳаммаси яхши кетса – шундай бўлишига шубҳаси ҳам йўқ эди – индинга у дунёдаги энг яхши атирларни тайёрлаш учун зарур барча эссенцияларнинг эгасига айланади ва ер юзидаги энг яхши ҳидли одамдек Грасни тарк этади.

Тушликкача наргисларни тугатди. Оловни ўчирди, ёғли қозонни ёпди ва ҳаво олиш учун устахонадан чиқди. Шамол ғарбдан эсарди.

Биринчи нафасданок у сергакланди. Ҳавода нимадир жойида эмас, нимадир ўзгарган. Шаҳар ҳавосида, унинг ушбу либосида, мингларча иплардан тўқилган кўринмас этагида олтин ришта етишмасди. Сўнгги бир неча ҳафтада бу муаттар ришта шундай ўрнашгандики, Гренуй уни шаҳардан ташқарида, ўз кулбасида ҳам бемалол ҳис қиларди. Энди эса у йўқ, йўқолганди, унинг ифорини сезиш мумкин эмасди. Гренуй кўркувдан қотиб қолди.

У ўлган, дея ўйларди. Кейин янада даҳшатлироғи: кимдир мендан кўра олғирлик қилган, деб ўйлади. Бошқа одам менинг гулимни узган ва унинг ифорини ўзлаштирган! У кичқирмади, бунинг учун унинг қайғуси жуда буюк эди, лекин кўз ёшлари мижжаларидан тошиб чиқди ва бирданига шашқатор куйилди.

Шу пайт тушликка Дрюо “Тўрт Шаҳзода”дан қайтди ва айтдики, бугун эрталаб Иккинчи Элчи ўн икки ҳачири ва қизи билан Греноблга жўнаб кетибди. Гренуй кўз ёшларини ютди ва шаҳарни босиб Дю-Кур қопқасига ошиқди. У дарвоза майдонида тўхтади ва ҳид олди. Мусаффо, шаҳар ҳидлари билан булғанмаган ғарб шамолида у яна олтин риштасини топди, унинг ифори Греноблга элтадиган шимоли-ғарбдан эмас, балки жануби-ғарбдан, Кабри йўналишидан келарди.

Гренуй қоровуллардан Иккинчи Элчи қайси йўлдан кетганини сўради. Қоровуллардан бири шимолни кўрсатди. Кабрига эмасми? Балки у жанубга, Орибога ёки Ла Напулга жўнагандир? Йўқ, деди қоровул, буни у ўз кўзлари билан кўрганди.

Шаҳар орқали ўз кулбасига ўқдек учди, хуржунига мато бўлаги, ёғупа учун тувакча, куракча, қайчи ва зайтун ёғочидан кичкина силлиқ таёқни солди ва кечиктирмай йўлга отланди – Гренобл йўлига эмас, балки ўзи илғаган йўлга – жанубга отланди.

Бу йўл тўғри Ла Напулга элтарди, дарё Фрайер ва Сиань ирмоқларини кесиб Таннерон тизмалари бўйлаб кетарди. Юриш енгил эди. Гренуй илдам юрди. Унг ёнда худди тоғларнинг устида осилгандек Орибо манзараси пайдо бўлганда, у қочоқларни деярли қувиб етганини сизди. Тез орада улар билан бир хил баландликка кўтарилди. Энди уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳис қиларди, у ҳатто отларининг хидини ҳам фарқларди. Улар, балки, кўпи билан ундан бир миля узоқда, Таннерон ўрмонларининг каеридадир эди. Улар жануб томонга, денгизга йўл олгандилар. Кундузги бешлар атрофида Гренуй Ла Напулга етиб келди. У карвонсарой топди, овқатланди ва тунаш учун арзон жой сўради. Айтишича, у Ницци кўнчисининг шогирди ва Марселга кетяпти. Отхонада тунаш мумкин, деган жавоб бўлди. У ерда бурчакка тикилди ва ухлади. Уч отликнинг яқинлашишини узоқдан ҳис қилди. Фақат кутиш қолганди.

Икки соатдан кейин – аллақачон ғира-шира бўлганди – улар етиб келдилар. Ўзларини билдирмаслик учун учаласи ҳам кийимларини алмаштирдилар. Иккала аёл ҳам тўқ ранг кўйлак ва чимматда эди, Риши – қора камзулда. У ўзини кастелланлик аслзодадек кўрсатарди, эртага у Лерен оролларида йўл олишни истади, уй эгаси тонг отишига нонушта тайёрласин. Уйда бошқа мижозлар ҳам борми? Йўқ, деди уй эгаси, фақатгина

Ницидан кўнчининг шогирди бор, у отхонада тунайди.

Риши аёлларни хоналарга юборди. Ўзи айтганидек, отхонага юкларидан ниманидир олиш учун кирди. Аввалига у шогирдни тополмади ва отбоқардан чироқ келтиришни сўрашига тўғри келди, шунда уни бурчакда кўрди: кўнчининг шогирди сомон ва эски ёпқич устида ётар, боши остига хуржунини қўйиб қаттиқ уйкуга кетганди. У шу қадар кўринмас ва сезилмас эдики, Ришига бир боқишда умуман йўқдек туюлди, ушбу махлук, чироқнинг титроқ ёғдусида алдамчи соядек кўринди. Ришига шу ондаёқ аён бўлдики, бу беозор, раҳмни келтирадиган жонзотдан ҳеч бир хавф йўқ, унинг уйқусини бузмаслик учун аста узоклашди ва уйга қайтди.

Қизи билан унинг хонасида кечки овқатни еди. Қизининг сўроқларига жавобан саёхатлари мақсадини жўнаш олдидан тушунтирмаган эди, ҳозир ҳам айтмади. Эртага унга ҳамма нарсани маълум қилишини, нимаики режалаштирса ва қилса, унга яхши бўлишини ва келгусида унга бахт келтиришини айтди. Кечки овқатдан кейин улар бир неча қур ломбер ўйнадилар ва у ютқизди, чунки ўз қартасига қарамасдан қизининг гўзаллигига махлиё эди. Тўққизларда уни ўз хонаси рўпарасидаги хонасига кузатиб қўйди ва эшикни ташқаридан қулфлади. Кейин ўзи ҳам ухлашга ётди.

У бирданига қаттиқ чарчокни ҳис қилди – оғир кун ва келаётган тун юки таъсирини кўрсатганди, лекин шу билан бирга у ўзидан ва ишнинг боришидан мамнун эди. Кичик бир ташвишсиз, кечаги кунгача ҳар сафар чироқни ўчирганида уйқусизлик билан уни қийнаган қоронғи ўйларсиз шу заҳотиёқ ухлаб қолди, туш кўрмай, ох-воҳларсиз, талвасада чўчишларсиз ёки у ёндан-бу ёнга асабий ағдарилишларсиз ухлади. Анчадан бери биринчи марта Риши тинч, қаттиқ уйкуга кетди.

Худди шу вақтда Гренуй отхонадаги тўшагидан турди. У ҳам ўзидан ва ишнинг боришидан мамнун эди, бир сония ҳам ухламаган бўлса-да, мириқиб дам олгандек ҳис қиларди. Риши отхонага кирганда у ўзини уйкуга солди. У Ришини фавкулудда ўткир савқи табиийси билан сезди.

Шундай қилиб, уларнинг қисқа учрашуви вақтида иккови ҳам бир-бирининг беозорлигига ишонди ва Гренуйнинг фикрича, бу яхши бўлди, негаки унинг беозорлиги ва Ришининг ҳақиқатда беозорлиги ишни энгиллаштиради. Айтгандай, Риши ҳам ўз ишларининг ҳолати ҳақида худди шу фикрда эди.


*Рус тилидан  
Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА  
таржимаси*







## Алексей ДУДАРЕВ



Алексей Дударев 1950 йилда Белоруссиянинг Витебск вилоятида туғилган. Белоруссия театр ва рассомлик институтини тамомлаган. “Оддий аскар”, “Эсингдами, Алёша...”, “Остона” каби пьесалар, “Белые росы” қишлоғи, “Брестъ қалъаси”, “Уй тўйи”, “Қўшнилари” сингари киносценарийлар муаллифи.

Ижодкорнинг асарларида асосан иккита йўналишни сезиш мумкин. Биринчиси, ҳарбий-ватанпарварлик, иккинчиси, маънавий-ахлоқий мавзу. У кўпроқ жамиятнинг энг паст табақаси – қашшоқлар, уй-жой номи номаълум дайдилар, бангилар, арақхўрларни қаламга олади. Лекин адиб уларнинг феъл-атворидан, яшаётган муҳитидан ёруғлик қидиради ва умуминсоний хулосалар ясади.

## ЧИҚИНДИХОНА<sup>1</sup>

(Пьеса)

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Пифагор  
Айёр  
Қўйчивон  
Доцент  
Афғон  
Вася  
Мухбир  
Сув париси  
Вита  
Хушёр  
Содиқ

## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Кечки пайт, эҳтимол, тундир. Ночоргина кулба. Четроқда қачонлардир оққа бўялган, ҳозир эса кирланиб, ранги ўчиб кетган печка турибди. Деворнинг у ер-бу ерига қозоғ, баъзи жойларига газета ёпиштириб ташланган, қолган қисми яланғоч – ёғоч тўсинлар кўзга ташланади. Хонанинг чор атрофига журнал муқовалари, тўй тантанаси тасвирланган аллақандай суратлар, буюк ва эзгу ишларга чорловчи гижимланган шиор, йиртиқ календарь, ҳатто кимнингдир кўзлари ўйиб олинган портрети оёғи осмондан қилиб осиб қўйилган. Шинда тўкилиб кетай деб турган пластмасса қандил. Хона ўртасидаги оёқлари синиқ стол устига у ер-бу ери куйиб, ўйилиб қолган чойшаб ётилган. Унда керосин чироқ ва бирорта сими йўқ, бузуқ қора телефон турибди. Стол ёнида ундан-да хароб кресло. Занглаб кетган темир каравот, эски диван, бузуқ йиғма каравот хона бўйлаб тартибсиз сочилиб ётибди. Эшик тепасидаги ёғоч бут нима биландир боғлаб қўйилган. Қингир-қийшиқ бир нечта китоб бу

<sup>1</sup> Баъзи мулоҳазаларга кўра асар номини ўзгартиришга қарор қилинди.

кўринишига мутлақо ярашмай турибди. Бурни ва қулоқлари кўчиб тушган ҳайкалчанинг бошига тешик кострюл кийгизиб қўйилган. Остонага яқин жойда дарз кетган унитаз қийшайиб ётибди. Хонанинг ўртасида бир учи шипга маҳкамланган арқоннинг пастки қисмидан сиртмоқ ясалган. Дераза ёнига эшикчаси синган кўҳна осма соат қоқилган. Умуман, бу ерда соатлар кўп: тошили, тошсиз, мили бор, милсиз, жиринглайдиган, занг урадиган. Лекин бирортаси ҳам шиламайди, шунчаки ҳазил тариқасида илиб қўйилганга ўхшайди.

Хонадаги ҳар бир буюм шаклан ва услубан ўттиз-қирқ йил олдинги даврларни эслатади. Печка мўрисидан шамолнинг чўзиқ ва мунгли увиллагани эшитилади. Унга ҳамоҳанг гижирлаб эшик очилади-да, остонада қўлида шам билан аллақандай кўланка пайдо бўлади. Ичкарига кирганида кўрамизки, у – сийрак соқолли, деярли яланғоч, фақат белидан пастини аллақандай мато билан бекитиб олган, озгин, сочлари ўсиб кетган киши экан. Бошига тиканак симдан гулчамбар кийиб олган. “Гулчамбар” остидан бўёқми, қонми – тўқ қизил бир нима оқяпти. У нимаси биландир Исо пайғамбарни эслатади. Хона ўртасига келиб, қўлидаги шамни баланд кўтаради. Бу – “Исо” шу ерда истиқомат қилувчилардан бири бўлиб, исми Айёр эди.

А й ё р (шамолнинг увиллашига ҳамоҳанг). Одамла-а-ар!.. Одамла-а-ар, ху!.. Мен ке-е-елди-и-им!.. (Ҳеч ким индамагач, хона бўйлаб тантанавор юради.) Эй, Худонинг қарғиш урган бандалари-и!.. Турингла-а-ар!.. Қавминлар раҳнамоси келди, ювқузизла-а-ар!.. Қиёмат-қойим яқинлашяпти, сенлар ётибсанлар сасиб! У дунёю бу дунё гуноҳларингдан кечмайман, дўзах ўтида куйиб кул бўласанлар!..

П и ф а г о р (печка устида кўрпага бурканиб ётганича). Эшикни ёп, ўлакса!

А й ё р. Ҳайҳот! Бу оғзи шалоқ, фикри колоқ Пифагор деган ярамаснинг овози-ку! Сен қулоғинггача гуноҳга ботгансан! Тавба қил, Пифагор, тавба қил!..

П и ф а г о р. Ҳозир тушиб сенга ўхшаган “Исо пайғамбар”ни анави бут-га тавхлаб ташлайман. Михмас, қозиқ билан қоқаман. Ана ундан кейин тавба-тазаррун ҳам ёрдам бермайди. Ёп эшикни, совуқ еяпман!

В а с я (диванда ётганича, бошини кўтариб). Илтимос, майнавозчиликни бас қилинлар!

А й ё р (эшикни ётиб келиб, Васяга). О-о-о, маърифат машъали-ку! Сенинг ҳам гуноҳинг чексиз! Аммо, менким, ҳазрати Исони илмий атеизм ва тарихий материализм ила қувғин этган сендек шаккокнинг ҳам гуноҳидан ўтдим! Сен, ярамас, бир кун бўлмаса-бир кун ҳақ йўлга тушиб кетасан. Эй, маърифатпарвар...

В а с я. Қўйсангиз-чи! Ҳеч қанақа маърифатпарвар эмасман!

А й ё р. Учир, тасқара! Сен билан Худонинг ноиби гаплашяпти! О, маърифатпарвар, охиратда сени ўзим ёрлақайман!..

П и ф а г о р. Айёр, деяпман!

В а с я. Менга қаранг, ўз холимга қўясизми-йўқми?!

А й ё р. Гуноҳингдан ўтдим... Бу дунёда мусофирсан, шаҳар ахлатхонасида яшайсан – сенга қийин. Аммо чида, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ... Омин. (Иизма каравотда ётган Афғонга яқинлашиб) Тур ўрнингдан, бўтам.

*Афғон итоаткорлик билан ўрнидан туради.*

Эҳ, эсим курсин... Қай бир гуноҳинг учун тилинган маҳрум этган эдим? Хаёлдан фаромуш бўпти... Э, дунёнинг ташвишлари, дунёнинг ташвишлари... Бандалари шу қадар қабихлашиб, шу қадар илоннинг ёғини ялаганки, уларнинг хийла-найрангларини эслаб қолишга илоҳнинг ҳам

акли қисқалиқ қилади! Кўзларингда не маъно бор, ўғлон? Кўраяпман, бемаъни ғурур кўраяпман кўзларингда! Назарга илмаяпсан, бўтам, назарга илмаяпсан... Биз билан битта дастурхондан ош-нон ейсан-у, лекин биздан жирканасан! Мен – она-табиатман! Мен – ризқман! Мен – нонман! Сен худонинг берган куни нон эмас, мени еяпсан!

П и ф а г о р. Айёр, ҳаддингдан ошма!

А й ё р (*унга парво қилмай, Афғонга*). Беозорлигинг чин дилданмас, индамаслигинг тилсизликданмас, бўйсунининг такдирга тан беришданмас! Кимни алдамоқчисан, риёкор? Инжилдаги шартларни биласанми? “Бу юзингга урсалар...” у ёғи нима?.. (*Кутилмаганда Афғонга мушт туширади.*)

*Афғон қалқиб кетади, бир зум ҳужумга чоғланади-ю, лекин бирдан шаитидан қайтиб, кулимсираганча унга қараб тураверади.*

Афв этдим... (*Маҳкам қучиб ўпади, шивирлаб*) Хафа бўлма, меҳрим борга – қаҳрим бор. Урганам – ун оши, сўкканам – сўк оши.

Қ ў й ч и в о н (*печка устидан, йиғламсираб*). Пифагор, айт, овозини ўчирсин!.. Кўрқиб кетяпман!..

А й ё р (*Афғонга*). Энди бориб ўтин олиб кел. Кўряпсан-ку, юпунман. Шу совуқда яловочларингдан ажраб қолишларинг мумкин.

*Афғон чиқиб кетади.*

Сен ярамасларни деб икки минг йил муқаддам бутга михландим, бутун гуноҳларингни ўз бўйнимга олдим! Сенлар бўлсаларинг мени, Худо фарзандини дурустрок кутиб олишгаям ярамадиларинг! Нега шу пайтгача печкага ўт ёқилмаган?! Ким у, боядан бери печканинг устида акиллаётган? (*Кўйчивонга.*) Ҳа-а, сенмидинг? Қани, бери кел-чи, қароғим...

Қ ў й ч и в о н. Бормайман!..

А й ё р. Пастга туш, ҳезалак!

Қ ў й ч и в о н. Пифагор, айт, менга тегмасин!..

П и ф а г о р (*Айёрга*). Бугун жа ғайрат отига миниб олибсан, тинчликми? Ё қуруғидан торднингми?

А й ё р (*Кўйчивонга*). Келақол, бўталоғим, келақол... Ўзим ўргилай, мўлтираб туришингдан...

Қ ў й ч и в о н. Яқинлашма!..

В а с я. Менга қаранг, бўлди-да энди! Ухлаб бўладими ўзи, йўқми?! Эртага ишга чиқишим керак!

А й ё р (*Васяга*). Ёт-у, тавба қил.

В а с я. Нима учун тавба қилишим керак экан?

А й ё р. Етим-есирларнинг ва бутун прогрессив инсониятнинг ризқига харомхўрларча шерик бўлаётганинг учун!

В а с я. Нималар деб алжираяпсиз?

А й ё р. Тавба қил!.. (*Кўйчивонга.*) Сен, эй, эркак қиёфасидаги оғиз, жавоб бер: кимдир кимнингдир номусига тегса, дод солиб ёрдамга чақириши керакми? Керак. Унда у гуноҳкор эмас, зўравонлик қурбони ҳисобланади. Сени зўрлашаётганда ёрдам сўраб Аллоҳ таолога илтижо қилдингми? Ё... Унда тошбўронга лойиқсан, бўтам.

Қ ў й ч и в о н. Аблаҳ!.. Ярамас!.. (*Йиғлаб*) Улдираман! Бир куни мастлигингдами, ухлаб ётганингдами бўғизлаб ташлайман!..

А й ё р. Кўз ёши гуноҳларни ювади.

Қ ў й ч и в о н. Эй, Худо! Итга ит ўлимини бер! Ўзинг гувоҳсан, Тангрим, ҳаммасини кўриб турибсан!..

П и ф а г о р. Ғингшима-э!

*Қўйчивон ҳиқиллаганича печка ортида зойиб бўлади.*

А й ё р (*қўлида шам билан хонани айланиб*). Бандаларим! Бу сукутнинг боиси не? Наҳот ҳеч ким менинг овозимни эшитмаса? Худодан қайтганлар! Динини йўқотганлар! (*Сиртмоққа кўзи тушиб*) Нима бу? Сиртмоқ... Дор! Бу худобехабарлар мени, ана, нима билан кутиб олишяпти! Отам айтувди-я: “Болагинам, ўша ёруғ оламга иккинчи марта қайтиб борма. Биринчи гал ёғочга михлашди, тагин борсанг ё осишади, ё жиннихонага тиқишади”, деб! Мен айтдим, бормасам бўлмайди, дедим. У ярамасларга келаман деб сўз берганман, бориб ўзим тартиб ўрнатмасам, ким ўрнатади, дедим. Бўлмаса эшаккуртдай бир-бирини еб қўяди, дедим! (*Курсига чиқиб, сиртмоқни бўйнига кияди*) Отам “хўп, болагинам, боракол”, деди ва мен келдим!

*Пифагор индамай печкадан тушади. Афгон печкага ўт қалайди.*

Бир пайтлар олам йўқ эди. Ҳозирги бемазагарчиликлар ҳам йўқ эди. Коинотда осудалик ва ўзаро мувофиқлик ҳукмрон. Шунда табиат кечириб бўлмас хатога йўл қўйди: иккита юлдуз “шар-рак” этиб тўқнашиб кетди, онасини хурмат қилай! Электр, гамма, бета! Кейин нима бўлди? Космик Чернобль бўлди! Коинотда дайдиб юрган қандайдир зарра билан Илоҳий Рух бирлашди! Ана ундан кейин ўшда заррада айниш бошланди! Чириди! Йиринг босди! Пўпанак қоплади! Йиллар ўтаверди. Миллиард йиллар ўтиб микроб пайдо бўлди. Майсалар ўса бошлади, балиқ ва турли газандалар, ҳайвон ва одам... шоҳлар ва қуллар, одиллар ва золимлар, донолару нодонлар яралди! Дунё кенг, зарралар кўп – бир-бирини ғажиб кун кўраверишди! Мана, ўша чириган зарранинг бир бўлаги менинг ёнимда турибди. Уша падарингга лаънатнинг исми – Пифагор!

П и ф а г о р (*хотиржам*). Кеч бўп қолди, ухлаш керак...

*У тасодифанми, атайлабми Айёрнинг оёғи тагидаги курсини туртиб йиқитиб юборади. Айёр жонҳолатда арқонга томоғидан осилиб қолади.*

А й ё р (*типирчилаб*). Нима... нима қиляпсан?! Нима қиляпсан, онангни хурмат қилай!..

П и ф а г о р (*печкага чиқа туриб*). Худонинг ўғлиман деяпсан-ку, бир мўъжиза кўрсатиб қутул-да энди. Кейин биз ҳам ишонайлик.

А й ё р. Стулни олиб кел, аблах!..

П и ф а г о р (*печканинг устида ётганича*). Отангга салом деб қўй.

А й ё р. Ҳазиллашма, эй!.. Улиб қоламан, Пифагор, қўлим чарчади!.. (*Қичқириб*) Одамла-а-ар!..

В а с я. Бас қиласизларми-йўқми? Жонга тегдиларинг лекин!

А й ё р. Вая, укажон, стулни қўй!.. Опке!..

В а с я. Азонда қурилишда бўлишим керак, деяпман! Озгина ухлаб олай ахир!

А й ё р. Афгон!.. Афгон!

*Афгон парво қилмай печкага ўтин қалайверади.*

Падарингга лаънат, гаранг! Қўйчивон, дардингни олай, укажон!.. М-м-м!.. (*Бақириб*.) Ҳў, ким бор, ёрдам беринглар!.. Ёрда-а-ам!..

П и ф а г о р. Барибир ҳеч ким эшитмайди – шаҳар узок. Шунинг учун ўзимиз эшитадиган қилиб секинроқ қичқирсанг ҳам бўлаверади.

А й ё р. Бўлди, ҳазилни йиғиштир, Пифагор! Улиб қоламан-ку, ярамас!

П и ф а г о р. Отам ким эди, дединг?

А й ё р. Ит билади дейсанми, онамни зўрға танийман-у!.. Бўлди, ҳозир кўйвораман, Пифагор!!!

П и ф а г о р. Қасам ич.

А й ё р. Ичаман, ичаман!.. Ич десанг ичаман, е десанг ейман!..

П и ф а г о р. Ҳеч қачон, ҳеч қаерда худонинг номини тилга олмайман...

А й ё р. Олмайман, олмайман!..

П и ф а г о р. Агар қасамимни бузсам, икки оёғим кетимга ёпишиб қолсин...

А й ё р. Ёпишсин-ёпишсин!.. Стулни кўй!

*Пифагор унинг оёғи тагига стул қўяди. Айёр шоша-пиша сиртмоқни олиб ташлаб, бошидаги “гулчамбар”ни улоқтиради. Титрабқақша-ганича Пифагорнинг устига бостириб кела бошлайди.*

Менга қара, онангни ҳурмат қилай!.. Ичак-чавағингни чувалатиб ташлайман ҳозир!..

П и ф а г о р. Фақат тишимга урма – протез...

А й ё р. Гўштингни чучварабоп кип майдалаб ташлайман! (*Пифагорнинг қорнига уради, Пифагор гужанак бўлиб қолади. Яна уради, лекин бу сафар авайлаброқ туширади.*) Кўзингни ўйиб оламан, сўқир Пифагор бўлиб юрасан!

В а с я. Э, худо, тезроқ ёз кела қолса эди...

А й ё р. Нима деб чийилляпсан, кўзойнагингни ҳурмат қилай?

В а с я. Сизга гапираётганим йўқ.

А й ё р. Менга қара, хў, зиёливачча! Сенларни битта кўймай йиғштириб, хожатхонага чўктириш керак! Сотқинлар ҳамма замонларда зиёлилардан чиққан! Сен ҳам сотқинсан! Ҳозир устларингдан бекитаман-у, керосин сепиб уйни ёквораман – келажак авлод мендан миннатдор бўлади!

П и ф а г о р. Ухла энди.

*Сукут. Ташқарида шамол увиллайди.*

А й ё р. Лаънати, шуям ҳаво бўлди-ю!.. Чинданам ўзингни осиб кўйинг келади... (*Хона бурчагидан сув қоғозли халтача ва уч литрли банка олиб келиб столга қўяди.*) Эй, ялангоёқлар, туринглар! Подъём деяпман, жамият олқиндилари!

*Ҳеч ким қимирламайди. Халтачадан нон, колбаса, консерва чиқаради.*

Нима кераги бор олифтагарчилик қилиб, қоринларингни мушук тирнаб ётибди-ку! (*Стол тузаб*) Ҳурматли ва азиз ижтимоий чиқиндилар! Сенларни чин дилдан дастурхонга таклиф қиламан! Бугун мен учун юбилей, азизларим! Хотин билан ажрашганимга роппа-роса йигирма беш йил тўлди! Пифагор, мўъжиза кўрсат, дединг-а? Мана, қара. Сувни винога айлантираман. Дикқат!.. (*Кўлларини банка устида ҳаракатлантириб*) Тайёр! (*Татиб кўриб*) Худди ўзи! (*Васяга*) Хў, академик! Ўқимаганларга ҳам бир қараворинг, илтимос-да. Мабодо жирқанмасангиз, манавининг тузини кўриб берсангиз. (*Вино қўйиб узатади.*)

В а с я. Эртага эрта туришим керак...

А й ё р. Нега?

В а с я. Айтяпман-ку, ишга чиқаман, деб!

А й ё р. Э, кўйсанг-чи, ишга бало борми! Тиш берган... ҳалиги... (“худо” сўзини айтмасликка сўз бергани ёдига тушиб, тепага ишора қилиб қўя қолади) ўша ризқ ҳам беради. Лекин у эртага беради, мен бугун, ҳозир берапман! (*Ҳавасини келтириши учун.*) Буни қара: колбаса-а, пишло-оқ... Бай-бай-бай... Манави кўй ёғига қовурилган кўй гўшти! Яъни, ўз ёғига

ковурилган. Одамга ўхшаб ўз ёғига ўзи ковурили-иб турибди... *(Бирдан Вася ётган диванни ағдариб ташлайди.)* Тур-э, онангни хурмат қилай!..

В а с я *(ағдарилиб тушиб).* Эсингиз жойидами!..

А й ё р. Хуйматли ўйтоқ! Пйогйессив инсоният сизни дастуйхонга таш-йиф буююшингизни ўтиниб сўйайди! Агай дайов келиб ўтиймасангиз онангизни хуймат кип кўяди! Майҳамат! Пифагор, туш энди, келгин. *(Кўйчивонга.)* Кўзичоғи-им...

Қ ў й ч и в о н *(аразли).* Ишингни қил!

А й ё р. Майли, қиламан, пастга туш... *(Печкага чиқа бошлайди)* Келақол энди, ноз қилма...

Қ ў й ч и в о н *(ийгламсираб).* Яқинлашма!..

П и ф а г о р. Тинч қўй уни. *(Тушиб, столга келади.)*

А й ё р. Афғон! Ровнясь! Смирно! Печкага ўтин ташла. *(Халтасини кавлаштириб)* Агар мажакланиб кетмаган бўлса, тухум ҳам бўлиши керак... Ҳозир шесть секундда ковуриб ташлаймиз! Ҳой, инсонлар, бўлсаларинг-чи!

*Ҳамма хоҳламайгина стол атрофига келади.*

*(Кўлларини бир-бирига ишқаб.)* Қани, азаматлар!.. Ие, телефон қилиш эсдан чикибди-ю... *(Телефонда рақам теради.)*

*Бошқалар унга ҳайрон бўлиб қараб туришибди.*

*(Телефон овозига ўхшатиб.)* Ту-у-ут, ту-у-ут, ту-у-ут... Шилк! Алло, алло! Саломатмисиз? Илтимос, агар мумкин бўлса, тўртинчидан Юлия Павловнани чақириб юборсангиз... Ие, кеч бўлди деганингиз нимаси? Ана, телевизорда энди “Время” бошланди... Нима?.. Яхши киз, мен бошқа юртдан телефон қилаяпман, биз томонда ҳали эрта. Илтимос, уйғотворинг, ўзиям жуда хурсанд бўлади... Раҳмат! *(Гўшакни кафти билан бекитиб, анграйиб турган шерикларига.)* Ҳарқалай – юбилей, табриклар қўйай, жонгли кўтарилди. *(Гўшакка, севиниб.)* Алло, Юлия! Юлия!.. Қалайсан, жоним?.. Ана шунақа-да, бирпасда танимай қолсан... *(Маънос жилмайиб.)* Арзимаган йигирма беш йилгина бўпти-ю, дарров овозимни унутвориб-санда... Албатта, мен... Узоқдан, жоним, узоқдан. Нима, сизларда тонг отяптимиз?.. Ҳалиги гўшакни олган ким эди, ўша айтди. Бизда энди кеч бўлди. Ана, деразадан ой мўралаяпти... Хўш, ишларинг қалай?.. Жойида, де... Ишингни ўзгартирдимми?.. Ким-ким?.. Ё кудратингдан!.. *(Ҳазиллашган бўлиб.)* Бунақалигини билганимда ажрашмасдим... *(Шерикларига.)* Директор бўпти! *(Гўшакка.)* Яшавор, Юлия, сен билан фахрланаман! Захарка қалай?.. Қўй-э! Қачон?.. Вой, онангни хурмат қилай!.. Онасига раҳмат, дейман! Яъни, сенга! *(Шерикларига.)* Уғлим уйланибди!.. *(Гўшакка.)* Юлька, азизим, менинг номимдан табриклар қўй! Совғасига қарздорман. Узинг қалайсан, юрагинг безовта қилмаптимиз?.. Ҳар замонда, дегин... Даволат, Юлька. Сену Захаркадан бошқа ҳеч кимим йўқ бу дунёда... А?.. *(Упқаси тўлиб.)* Ҳа, келиним ҳам бор... Ишқилиб, ўзингни эҳтиёт қил... Э, падарига минг лаънат ўша ишингнинг, билдингми!.. Нима – ойлик, нима – ойлик! Минг катта бўлгандаям ойликка соғлиқни сотиб олиб бўлмайди!.. Менми? Юрибман... Жойида... Ҳа, бир хонали. Ахлатхонада... Нима, ахлатхонани билмайсанми, шаҳарнинг чиқиндиси тўкиладиган жой-да. Бир пайтлар бу ер кишлок бўлган экан, нимадир қурмоқчи бўлиб бузиб ташлашибди. Кейин нима қурмоқчилиги эсларидан чиқиб қопти. Шундай қилиб, бу ер қулинг ўргилсин ахлатхона бўп қолган. Ҳар қуни шаҳардан машина-машина ахлат олиб келиб, устимиздан тўкишади. Ана, дераза бўйи бўп қолди... Ия, ҳамма қулайлик ахлатхонада бўлади-да! Бу ерда одамнинг жонидан бошқа нима десанг топилади... Йўқ, ёлғизмасман,

қўшнилари бор. Ажойиб, дилкаш одамлар. Жуда иноқ яшаймиз, ўн минут олдин мени осиб қўйишларига озгина қолди... Нега бўларди, яхши кўрганларидан-да... (*Гўшакни бекитиб*) Сенларга салом деяпти.

П и ф а г о р (*жиддий*). Биздан ҳам салом деб қўй.

Қ ў й ч и в о н (*сидқидилдан*). Айт, келсин. Меҳмон бўлиб-да...

А й ё р (*гўшакка*). Сени меҳмонга таклиф қилишяпти... Ҳа, автоматдан кўнгирак қиялман. Автоматдан!.. Нима?.. Вой, тентаг-ей, нега унақа қилдинг? Нима, сочи узун аёлни директор қилишмас эканми! Шунга аҳмоқ бўлиб қирқиб ўтирибсанми? Қолоқлик! Жаҳолат! Турғунлик йилларининг фалсафаси бу!.. Нега тўсатдан бўлар экан? Эсингдан чиқдим, бугун роппа-роса йигирма беш йил бўлди-ку... Ҳа, кумуш тўй... йўғ-э, кумуш талок... Шунини ўртоқлар билан нишонламоқчийдик... Қўйсангчи, озгина-озгина-да, тўйиб ичадиган коммунизм даврлари ўтиб кетган. (*Изтиробли*.) Сен учун, Захар учун, шинамгина ўша уйимиз учун!.. (*Кўз ёшини аранг тийиб*.) Алло, алло, яхши қиз! Илтимос, узмай туринг! Юлия, жоним, куёшгинам!.. Сени йигирма беш йиллик юбилей билан яна бир марта қутлайман... (*Энтикиб*.) Жамият фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб, улкан зафарлар кучишингга тилакдошман! Шошма, телефонимни ёзиб ол... (*Телефоннинг рақам ёзиладиган жойига қараган бўлиб*.) Алло, алло, яхши қиз! Тўхтаг, рақамимни айтиб олай! Бир дақиқа, бир дақиқа! Пип-пип-пип... (*Гўшакни қўйиб*.) Узиб қўйди, онангни хурмат қилай...

### Сукут.

Қ ў й ч и в о н (*ажабланиб телефонни олади, иккига ажратиб қарайди*). Ие, ичи бўм-бўш-ку?..

А й ё р. Жойига қўй, аҳмоқ! Бўш бўлса нима бўпти? (*Унинг калласига ишора қилиб*) Бу ер бўм-бўш, (*юрагини кўрсатиб*) бу ери ҳам бўм-бўш, лекин ишлайверади! Ишлагандаям қанақа жойларда, қанақа лавозимларда ишлайди! Телефон ҳам одамга ўхшаган гап – ишлайверади.

П и ф а г о р (*столдаги нарсаларга ияк қоқиб*). Буларни қай гўрдан олдинг?

А й ё р. Очиқ мазордан! Суриштириб нима қиласан, узумини есанг-чи! Битта генерал хотиннинг ховлисида кун бўйи эшакдай ишладим. Шунча нарса олиб келдим. Исо пайғамбардай кутиб оласизларми десам, осиб ўлдириб қўяй дединглар! Сиртмоқнинг тайёр турганини!..

П и ф а г о р. Ким бўйинингга солибди?

А й ё р. Нима, ўзим солибманми? (*Эсига тушиб, аразли*.) Бўпти, ўзим солибман... Қўй.

П и ф а г о р (*ишиани қўлига олиб*). Олти йилча олдин биз ҳам беш киши бўлиб, битта композиторга дала ховли куриб берадиган бўлдик. Яхшигина пул берадиган бўлди. Яшаш жойимиз ҳам ўша ер. Бир куни шериклардан биттаси графинда нима балодир кўтариб келиб қолди. Ишдан кейин тўртгаласи майшатни бошлаб юборишди. Уша куни, нимаям бўлиб, менинг қорним оғриб қолди. Ёқмайдиган нарса еб қўйганманми, билмайман. Улфатчиликка қўшилмай ётиб ухладим. Эрталаб туриб қарасам, тўртгаласи тўрт бурчакда жилмайиб ўтиришибди. Кўзлари ғалати... Тўртгаласи тар-ракдай қотиб ўлиб қопти! Нарсаларимни йиғиштирдим-у, вокзалга қараб қуённинг расмини чиздим. Иморат битай деб қолувди-я, эссизгина... Қанча пулдан қолиб кетдик. Э, тавба, тўртгаласи тўрт бурчакда кулимсираб ўтиришибди...

В а с я (*сукутдан сўнг*). Кечирасиз-у, ундай бўлса, сизни олти йилдан бери роса кидиришаётгандир, а?

П и ф а г о р. Ким?

В а с я. Ким бўларди...

А й ё р. Бўлмасам-чи! Композитор ҳаммаларингни кўрганмиди? Кўрган

эди. Беш кишимидиларинг? Беш киши. Нечталаринг тарракдай қотган-сизлар? Тўртталаринг. Бешинчиси ҳамма нарсани йиғиштириб – қуён! Юзинчи модданинг “г” банди. Яъни, ўн беш йил ёки (*чаккасига кўрсаткич бармогини тираб*) “пух”!

П и ф а г о р. Уларнинг ҳеч нарсасига текканим йўқ.

А й ё р. Ие, буни аввал исботлаш керак-да! Исботла: қорним оғриб, ичим чатоқ бўп қолди, де. Ҳожатхона қидириб вокзалга кетвордим, де. Мана, олти йилдан бери ҳожатхона қидириб юрибман, де. Исбот қил. Уша қайси шаҳар эди, Пифагор?

П и ф а г о р. Нима кераги бор?

А й ё р. Керак. Мабодо икковимиз ғижиллашиб қолсақ, мелисага со-таман. Юзинчи модданинг “г” банди. (*Қўлида шишани ўйнаб.*) Лекин, бизникидан хавотир олмасаларинг ҳам бўлади. Бу аллақандай магазин-пагазин эмас, кооперация! Қўлбола! Ҳа, ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўяй, буни ичгандан кейин ким тирик қолса, кўкраклари мана бундай-мана бундай генерал хотинни қидираверсин. Глафира Августовна десаларинг кўчадаги симёғоч ҳам билади. Ҳа-ар бирики, ёстиқдай-ёстиқдай келади. Узи кўкра-гидан ярим қадам орқада юради... Очқични беринглар.

Қ ў й ч и в о н. Қанақа очқич? Нима, бу ер ресторани сенга?

А й ё р. Онангни хурмат қилай, шуям рўзғор бўлди-ю!.. Афғон, пичоғингни бер. (*Пичоқни олиб*) Афғон, ростдан соқовмисан ё бизни лақиллатяпсанми, а?

П и ф а г о р. Сенга оғирлиги тушяптими?

А й ё р. Соқов бўлса соқовга ўхшасин-да! Имо-ишора қилсин, ғўлди-расин! Имоям қилмайди, ғўлдирамайдиам, у ёкка ўтади-бу ёкка ўтади, Ҳамлетнинг соясига ўхшаб! Асабимга тегяпти, билдингми! (*Шишани очиб.*) Қани... Неча кишимиз? Бир, икки, уч... Тфу, онангни хурмат қилай, идиш етмаяпти! Майли, менга мезбон сифатида консерва банкасиям бўлаверадн. Қўйчивон, каравотнинг тагини қара-чи, банка бўлиши керак.

Қ ў й ч и в о н. Ие, бунга чекиб ташлашибди-ку...

А й ё р. Тфу, онангни хурмат қилай! Мен буни дори ичадиган идиш қилиб қўювдим, булар бўлса кулдон киворишибди! Ким бу ернинг экологиясини бузяпти? Сенми, Вася?

В а с я. Умримда чекмаганман, бундан кейин ҳам чекмайман!

А й ё р. Тупурмадиларингми, ишқилиб? Бўпти... (*Банкага пуфлайди.*)

*Ташиқаридан машина овози эшитилади.*

Комбинатдан яна дори олиб келишди... (*Идишларга қорамтир тусли суюқлик қуюди. Энгашиб қарайди, бир идишдан озгинасини бошқасига қуюди, чамалаб кўриб, яна тенглаштиради.*)

Қ ў й ч и в о н. Намунча?

А й ё р. Жим! Бизнинг жамиятимизда барча тенг ҳуқуқли. Ҳаммага баравар бўлиши керак.

П и ф а г о р (*ташиб кўриб*). Ие, компот-ку...

А й ё р. Нима? Узинг – компот! Бурнингни тозала – ҳид билмай қопти! (*Кўкракларни “тасвираб”.*) Манави... ўз қўли билан қуйиб берди! Зўридан бу, бир стакан ичувдим, кўзим ғилай бўп қолди!

П и ф а г о р (*яна ичиб кўриб*). Йўқ, компот...

А й ё р. Бунинг гапига парво қилманглар, ацетонга ўтганига йигирма йил бўлган!

Қ ў й ч и в о н. Вуй, ширинлигини-и...

А й ё р. Нима?.. (*Шоша-пиша ичиб кўради.*) Тфу, лаънати! Менга бошқа бочкадан қуйиб бериб, кетишимда бошқасидан берворибди-да! Эҳ, ҳозир кўлимга тушганда борми, кўкракларини текислаб ташлардим, онангни хурмат қилай!

П и ф а г о р. Хўп, адаштириб винонинг ўрнига компот берворибди –



нима бўпти шунга? Эртага бориб алмаштириб келасан.

А й ё р. Тан олади, деб ўйлайсанми! Винони ичволиб, дейди, ўрнига компот қуйиб қўйгансанлар, дейди! Дейди, дейди, биламан уни! Сен бир башарасини кўрсанг эди! Кўкрагини ҳисобга олмаганда, Бериянинг ўзи!

П и ф а г о р (*печкага чиқиб, битта шиша олиб келади*). Ма. Юбилейни қолдириб бўлмайди.

А й ё р (*чаққонлик билан идишларга қуйиб*). Нима бу? Ўша тўртта шеригингни тараша қип қўйгандан эмасми? Майли, шунисигаям шукр. Бизам қотсак қотармиз, бунақа юбилей ҳар куни бўлавермайди-ку. Нимаси ёмон: Қўйчивон тиржайганича манави бурчакда қотади, мен анави ерда, Вася бу ёқда, Афғон бу бурчакда... Ие, Пифагор, сенга бурчак етмаяпти-ку! Э, дарвоқе, сенинг қорнинг оғриб қолади-ю... Қани, олдик!

П и ф а г о р. Бўпти, Айёр, агар оиланг бўлса, ўшаларнинг соғлиғи учун. Агар йўқ бўлса, борлар учун ичамиз!

К ў й ч и в о н. Муборак бўлсин!

В а с я. Табриклайман.

А й ё р. Қуллук, қуллук...

В а с я (*қадаҳни бўшатиб, ўрнидан туради*). Раҳмат...

А й ё р. Қаёққа? Гаплашиб ўтирмаймизми?

В а с я. Эртага ишга чиқишим керак, сўз берганман...

А й ё р. Сўзни бериш учун чиқарган, арокни ичиш учун. Сен тупур! Тупуришни биласанми? Янгисан-да, эски одатларинг қийнапти. Инсон эркин бўлмоғи керак! Гапирмоқчимисан – гапир, бақирмоқчимисан – бақир, жим ўтирмоқчимисан – жим ўтир! Пифагорнинг башарасига туширмоқчимисан – тушир! Тишига урмасанг бўлди, чидайверади. “Сўз берган”миш!.. Агар бормасанг, нима, битта амалдор дала ҳовлисиз қоладими? Қолмайди! Ё сен оч қоласанми? Хўш, нима бўлади, нима?! Уруш бўладими? Ер ўз ўқидан чиқиб кетадими? Нима бўлади? Дунё кўрган одамман, оғайни, гапимга ишон: бизнинг жамиятимизда ҳеч ким, ҳеч қачон оч қолмайди! Йўл қўймаймиз! Йўқ, агар бошқа бир сабабдан ўлмоқчи бўлса, халақит ҳам бермаймиз.

П и ф а г о р. Қўйсанг-чи, Айёр, майли, ухласин.

А й ё р (*қадаҳларни тўлдириб*). Негалигини билмадим-у, иккинчи қадаҳдан кейин, шу десаларинг, тўлиб кетаман!.. Эсимни таниганимдан бери шунақа... (*Ичади, тиришиб гужанак бўлиб олади, сўнг аста-секин қаддини ростлайди ва бор овози билан хитоб қилади.*) Она-а Вага-а-ан!.. Она-а Ва-та-а-ан!.. Хуллас, уч марта айтаман... Кейин шунақа роҳат қиламанки, шунақа енгил тортаманки!.. Кўзларимга қайноқ ёш келади... Мана-мана, қаранглар, қаранглар... (*Чиндан ҳам кўзига ёш келади.*) Келди, келди, яра-мас!.. Бўпти, олдик.

*Афғондан бошқа ҳамма ичади.*

Қани, бошладик: и-и!

Ҳ а м м а. Она-а Вага-а-ан!..

А й ё р. Мунча яхши бўлмаса-я, онангни хурмат қилай!.. Иссиққина... (*Кўз ёшини ялаб.*) Шўртакқина...

*Ғижирлаб эшик очилади. Ташқарида шамол увиллайди. Кимдир кириб, гугурт чақади.*

Кимсан?

О в о з. Одамман.

П и ф а г о р. Киравер...

*Чироқ ўчади*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Эрталаб. Кўйчивон эски соатларни кавлаштириб ўтирибди. Афғон ухляпти. Бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳамон гашига тегиб бир маромда шамол увиллайди. Кўйчивон деразага ёпиштирилган газетанинг бир четини кўтариб ташқарига қарайди.*

Қ ў й ч и в о н. Ёмғир ҳам бошланди... Афғон, ухляпсанми? Ухляпти... *(Битта соатнинг тошини утариб қўяди ва у чайқала-чайқала тўхтагунча томоша қилиб туради.)*

*Шу пайт соатлардан бири қаттиқ гижирлаб, чўзиқ ва баланд овозда бонг уради. Афғон чинқирганча ўрнидан сапчиб туриб кетади.*

Нима... нима бўлди?..

*Афғон бир нуқтага тикилганича пешонасидаги терни артади.*

*(Ўзини оқлаб.)* Тузатиб қўяй девдим... Умуман соз-у, бироз занглаб қолган-да... Мойлаш керак... Уйда соат бўлганига нима етсин... Чик-чик, чик-чик. Бизникилар станцияда кўмир туширишяпти. Янги келганниям олиб кетишди. Ҳали ахлат келувди, анча-мунча шиша териб келдим. Шаҳарга обориб топшириб келмаймизми, а? Лекин ёмғир ёғяпти-да...

*Афғон челақда сув олиб келиб ювина бошлайди.*

Кел, қуйиб тураман. *(Сув қўяди.)* Жанг қилганмисан? Тилинг ҳам... урушда шунақа бўп қолганми? Қўявер, ўтиб кетар балки... Гапга қанақа тушунасан, лабга қарабми, ё сал-пал эшитасанми? А? Майли... У-бу ёб олгин... Лекин ичгани ҳеч вако йўқ, кеча ҳаммасини тинчитишган.

*Афғон индамай овқатлана бошлайди.*

Кейинги пайтларда ўзим ҳақимда кўп ўйлайдиган бўп қолдим. Худо мени нега яратди? Биласанми, ҳамма нарсадан кўрқаман... Отам камокдалигида онам биттаси билан юриб кетган. Отам келгунча болали ҳам бўлиб олган. Ванька... Буларни бувим йиғлай-йиғлай гапириб бердилар... Отам жуда қийналган, эзилган. Бўлар-бўлмас баҳона топиб оийимниям, Ваньканиям савалар экан. Ишдан маст бўлиб келиб шунақа тўполон қиларканки, бир ёшли Ваньканинг кўрққанидан дами ичига тушиб, безгак тутгандай титраркан. Йиғлаганиям кўрқармиш. Бир куни ҳали ёшигаям етмаган норасидани молхонага опчиқиб ташлабди. Кеч куз экан. Ванька шўрлик қандайдир қопнинг ичига кириб олиб, ғужанак бўлиб ётаверибди. Онам ҳам чиқиб қарамабди. Бир ёшли гўдакни-я!.. Икки ёшида ис уриб ўлиб қопти... Печкага кўмир ташлаб, ҳали тузукроқ ёнмасдаң мўрисини бекитиб ишга жўнаворишибди. Бўғилиб ўлибди-қопти... Ушанда Ванькани отам қамаб кетганини онам кўрмаган, лекин билган. Печканинг мўрисини бекитиб кетишини ҳам билган!.. Улар барибир Ваньканинг руҳидан қочиб қутулиша олмади – бир йил ўтиб мен туғилдим. Лекин Ваньканинг кўрқоқ юраги билан туғилдим!.. Гўё мен Ванькаман... Ҳаммаси ўз-ўзидан ёдимга тушаверади: қандай қилиб молхонада қопнинг ичида ётганим, кўмир хидидан қандай бўғилганларим, ҳамма-ҳаммаси... Ота-онамни севмасдим, шунчаки уларга раҳмим келарди. Йўқ, мен эмас, Ваньканинг хуррак қалби уларни севмасди... Кейин отам оийимни ўлдириб қўйди... Атайлаб эмас, мастлигида... Эртаси куни сочини юлиб дод-фарёд қилди, лекин энди фойдаси йўқ эди... Ҳозир оийим

Ваньканинг ёнида ётибди... Уни Ванька чақирган!.. Кўшмозор тепасида ёлғизгина оқ қайин бош эгиб турибди... Ҳаммага раҳмим келади... Сенга ҳам... Йиғласам енгил тортаман... Йиғи яхши нарса, қурғур... (*Чой узатиб.*) Ма, ич. Раҳмдиллигим бошимга етди, одамгарчиликдан бутунлай чиқиб кетдим. Армияда янги келганларга қанақа муносабатда бўлишларини яхши биласан. “Қария”лар битта янги келганга “сигарет топиб келмасанг сўйиб ташлаймиз” дейишибди. Олдимга йиғлаб келди, сигарет олиб келиб бер, деб ялинди. Шаҳарга чиқиб, олиб келиб бердим. Кимдир шаҳарга тушганимни чақибди, сержантимизни қамаб қўйишди. Бир куни офицерлар кетгандан кейин ярим кечаси “қариялар” мени уйғотишиб, бир пана жойга опчиқишди, кип-яланғоч қилиб ечинтиришди. Кейин... Додлашгаям холим йўқ, зўрға инграб ётибман-у, мен сигарет олиб келиб берган ярамас тепамда хиринг-хиринг кулади! Постда турганимда ўзимни отмоқчиём бўлдим... Касалхонага тушдим. Дўхтирлар воқеадан хабардор бўлиб, мени хизматга яроқсиз деб топишди. Унақаларни армияга олишмас экан-ку. Уйга келсам бувим ҳам ўлибди. Ўзимча Ваньканинг кўрқоқ қалби ҳаммадан ўч оляпти, деб ўйладим. (*Алам ва изтироб билан.*) Лекин нега мендан ўч олади?! У ўлганда ҳали мен туғилмаган эдим-ку!.. Гуноҳим нима, Афғон!? Ё одамзод дунёга келишидан бир йил, ўн йил, бир аспр олдин бўлиб ўтган ёвузликлар учун ҳам жавобгарми?..

*Пифагор билан Доцент кириб келишади.*

П и ф а г о р. Овқатландиларингми? Ё ҳеч вақо йўқми?  
 Қ ў й ч и в о н. Ҳозир шиша топшириб олиб келамиз. Юр, Афғон.  
 П и ф а г о р. Менинг плашимни олиб кетинглар, ёмғир қуйяпти.

*Қўйчивон билан Афғон чиқиб кетишади.*

Д о ц е н т. Анови соқовми?  
 П и ф а г о р. Ишинг бўлмасин.  
 Д о ц е н т. Сўрадим-да...  
 П и ф а г о р. (*хаёл суриб*). Хўш, бу ерга кўпга келдингми?  
 Д о ц е н т. Ўзинг-чи, шунақа дайдиб юрганингга анча бўлдимми?  
 П и ф а г о р. Менга қара, Лёнамисан, нимасан... Агар менинг шахсим билан қизиқаётган бўлсанг, айтиб қўяй, овора бўласан. Сенсиз ҳам текширишган, аниқлашган, паспорт ҳам беришган.  
 Д о ц е н т. Сотвордингми?  
 П и ф а г о р. Нимани?  
 Д о ц е н т. Паспортингни-да.  
 П и ф а г о р. Ёквордим.  
 Д о ц е н т. Қип-қизил аҳмоқ экансан. Битта ростакам паспорт икки юз туради.  
 П и ф а г о р. Лёнамисан, нимасан... Мен-чи, оғайничалиш, ўлимтик билан овқатланмайман.  
 Д о ц е н т. Яшаш жойинг ахлатхона бўлса, нима билан овқатланасан?  
 П и ф а г о р. Мен нонимни ҳалоллаб ейман. Одамга-чи, Лёникмисан, нимасан...  
 Д о ц е н т. Катта холангман! “Нимасан, нимасан”! Исшим – Лёня!..  
 П и ф а г о р. Одамга-чи, Лёня, кўп нарса керак эмас...

*Сув париси киради. У ўзини тутуши, кийиниши билан бу ердагилардан кескин ажралиб туради.*

С у в п а р и с и. Олқишлар бўлсин!  
 П и ф а г о р. Салом...

С у в п а р и с и. Ҳалиги... индамасларинг қани?  
 П и ф а г о р. Афғонми? Шаҳарга кетувди. Йўлда кўрмадингми? Ё дарё  
 ёқалаб кетишдимикан?

С у в п а р и с и. Бу ким бўлди?

П и ф а г о р. Одамман дейди, ким билсин...

С у в п а р и с и. Чекаман-да...

П и ф а г о р. Бемалол. *(Чала қолган суҳбатни давом эттириб)* Эрк – бебаҳо бойлик, мен сенга айтсам. Одам эса фақат ёлғизликдагина эркин бўла олади. Иккита, учта, юзта, мингта, миллионта бўлдими – тамом, эркинг билан хайрлашавер. Биз бу дунёга якка-якка келганмиз, якка-якка кетамиз. Қара, одамлар бир жойга тўпланиб олиб, бир-бирининг гўштини ғажиб ётибди. Ақа ука билан, қабила қабила билан, бир халқ бошқаси билан, ҳаммаси бирлашиб эса Худо билан жанг қилишяпти! Фақат тарқоқликкина одамларни бирлаштиради!

Д о ц е н т. Соддароқ қилиб айтсак-чи?

П и ф а г о р. Соддароқ қилиб айтсакми?... Ҳали туғилиб улгурмасингдан бутун дунёдан қарздорсан! Ота-онангдан, қариндош-уруғингдан, ерингдан, уйингдан. У ёғи бундан ҳам баттар: хотинингдан, фарзандларингдан, дўстларингдан! Дунёга келиб кўзингни очасан-у, тепангда қарзини сўраб турганларни кўрасан! Чунки улар сени дунёга келтирган, едирган-ичирган, тарбиялаган, кийинтирган! Ва бу билан сени қулга айлантиришган!

С у в п а р и с и. Қани эди қул бўлсам... Бир умр хожамга, фақат ва фақат унга сажда қилиб яшардим...

П и ф а г о р. Болалигимни эслайман. Дунёнинг ташвишу ғамларидан беҳабар, она сути оғзидан кетмаган гўдакман-у, лекин “доим тайёр” ман! Қанақа тайёрсан, нимага тайёрсан, деб сўрайдиган одам йўқ! “Доим тайёр!” Бир кунмас-бир кун мудраб ётган виждонинг алланарсадан сесканиб уйғониб кетади ва “йўқ, истамайман” деб қичқиради. Сен унинг бўғзидан оласан-у, ўзингни оқлашга тушасан: замон шунақа эди дейсан, бурч дейсан, қисмат дейсан, замона талаби дейсан, “доим тайёр” бўлишимиз керак эди дейсан. Нима кўп – баҳона кўп. Виждонинг типирчилайди-типирчилайди-да, жимиб қолади... Кейин ҳеч қачон, тушунайсанми, ҳеч қачон овози чиқмайди... Виждон, Лёня, фақат бир марта ҳайқиради...

С у в п а р и с и. Э, худо! Бу эркаклар намунча майдалашиб кетмаса-я! Нимага ярайсизлар ўзи, нимага? Сафсата сотиш, ичиш, муштлашиш – бўлди, қўлларингдан бошқа ҳеч нима келмайди! Биз, аёллар билан муносабатларингга келсак, ахталанган қулнинг ўзисанлар! Не-не қизлар, не-не аёллар бирон-бир ақли-хуши жойида эркак топилиб қолармикан, деб жони ҳалак, булар бўлса оламшумул масалаларни ҳал қилиш билан овора! Ҳезалаклар!..

Д о ц е н т. Нега бақирасан?

С у в п а р и с и. Туғмоқчиман! Ўн битта туғмоқчиман!

Д о ц е н т. Туғавер. Нима, мен тўсиб турибманми?

П и ф а г о р. Нега энди ўн битта?

С у в п а р и с и. Чунки уларнинг ярмини барибир ўлдирворасизлар! Уруш, қамоқ, авария, ичкилик!.. Фарзандларимсиз мен у ёққа етиб боролмайман...

Д о ц е н т. Қаёққа?

С у в п а р и с и. Билмайман! Тўнкалар...

П и ф а г о р. Ҳа-а... Ҳамма оиласи бўлишини, кўпроқ бола кўришни истайди. Туғиб, едириб-ичириб қулга айлантиришади. Қулдорлар!..

С у в п а р и с и. Бу ердан туёқларингни шикиллатмасаларинг бўлмайди, ҳар қуни комбинатдан қанақадир сариқ дори олиб келиб тўкишяпти. Қаранглар, ахлатхонада ҳатто қарғалар ҳам йўқ – доридан қочиб кетган. Аблахлар!.. Соғи йўқ, ҳаммаси аблах!.. *(Чиқиб кетади.)*

Д о ц е н т. Ҳалиги гапингга келсак, виждонинг олдида ўзингни

оқлаяпсан. Бўпти, кел, сен айтгандай яшаб кўрамиз. Бутун инсоният тарқалиб, алоҳида-алоҳида яшайди! Болаларимизни ҳали кўзи очилмаган мушукваччадай ўз холига ташлаймиз-у, ялло қилиб юраверамиз! Мен сени танимайман, сен – мени! Бўлмаса бир-биримизга қул бўлиб қоламиз! Ҳар ким фақат ўзи учун дон экади, ўзи учун кийим тикади! Унда сен билан мен нима киямиз-у, нима еймиз? А? Йўқ, биродар, бу гапларни дангасалигинг, лоқайдлигингни хаспўшлаш учун ўйлаб топгансан.

П и ф а г о р. Эҳтимол...

*Узун, қизил баллонни судраганича Айёр кириб келади.*

А й ё р. Мана... Ана шундай... Секин-секин... Бўлди...

П и ф а г о р. Каламушга ўхшаб кўринган нарсани уйга ташийверасанми?

А й ё р. Қара, шундай нарсани ахлатга ташлаворишибди-я, кўппаклар! (*Мурватини бурайди, вишиллаб газ чиқади.*) Тўла! Қурувчилар ташлаб кетган, онасини хурмат қилай!

Д о ц е н т. Нима қиласан энди буни?

А й ё р. Бир минг тўққиз юз фалон йилгача бутун мамлакатни газлаштирамиз! Ёки генерал хотинга обориб, бир челақ винога алмаштириб келамиз! (*Баллонни печка ёнига кўяди.*)

Д о ц е н т. Печканинг ичига кўймадинг-да!

А й ё р. Бу гапинг ҳам тўғри. (*Баллонни судраб, печкадан узокроққа кўяди.*) Шунақа гаплар, ўртоқ доцент.

Д о ц е н т. Менга гапиряпсанми?

А й ё р. Сенга, сенга.

Д о ц е н т. Нега “доцент” деяпсан?

А й ё р. Башаранг айтиб турибди.

Д о ц е н т. Башарам қанақа экан?

А й ё р. “Катталар”никига ўхшайди, онасини хурмат қилай! Шамолнинг увлашини қаранглар... Онам шунақа шамол куни менга иккиқат бўп қолганми-и, дейман-да. Шу, куз келди дегунча юрак-бағрим қон бўп кетади-ей! Шунақа сиқиламанки, шунақа сиқиламанки, “дод” деворгим келади, онасини хурмат қилай! Тўйиб-тўйиб йиғласанг... Доцент, хазина кидирмаймизми, а?

Д о ц е н т. Нима?

А й ё р. Хазина. Бу ердаям кимдир яшаган-ку: чолми, кампирми. Унақалар умрининг охирида топган-тутганини қаерга кўйишни билмайди – меросхўри йўқ. Кейин вақтинча уйнинг у ер-бу ерига бекитиб кўяди-да, ўзлари нариги дунёга жўнаворишади! Шу, юрагим сезиб турибди: бу уйда бир нима бор! (*Деворни тақиллатиб кўриб.*) Эҳ, топганимдами! Ҳаммаларингга мукофот берардим! Йилликми, кварталликми. Йўқ, олдин ўзимга битта шим олардим. Қаранглар, иштонсиз қопман. (*Туфлисига кўзи тушиб*) Ие, патинкаям кетибди-ю, онасиникига қараб! Демак, оёққаям бир нима керак. Қолганига маишат қиламиз! Коньяк, виски, ром... борматуха!..

П и ф а г о р. Паст кетдинг.

А й ё р. Ярашмайди-а? Бўпти. Доцентни Парижга жўнатамиз, француз коньягидан опкелади! Уша, онасини хурмат қилай, французларга тушунтир, ўзларинг бўқиб ичаверасизларми, дегин, бизда арокқа навбат қанақалигини биласизларми, шунинг учун Франция меҳнаткашлари бизга ёрдам кўлини чўзишлари керак, де! Сўзингнинг охирида “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз” деб кўшиб кўй – таъсирлироқ чиқади.

П и ф а г о р (*ўрнидан туриб*). Бўпти, мен кетдим...

А й ё р. Қаёққа?

П и ф а г о р. Парижга! Ахлатхонанинг нарёғида ташландиқ боғ бор, олма териб келаман. (*Чиқиб кетади.*)

А й ё р. Печкани бузсакмикан-а? Хазинани ҳеч кимнинг хаёлига кел-

майдиган жойга бекитишади-да, нима дединг? Йўқ, бу уйда кимдир яшаган бўлсин-у, ҳеч нима бекитмасин – бундай бўлиши мумкин эмас! Чордокни кўриш керак... *(Чиқиб кета бошлайди.)*

*Вита киради. Унинг хатти-ҳаракати, кийиниши, ҳатто қўлидаги соябони ҳам ўзига ниҳоятда ярашган.*

*(Ҳайратда.) Ё алҳазар!.. Бу фаришта қаёқдан пайдо бўп қолди?.. Сенга келган бўлса керак, Доцент. Фариштанинг ахлатхонада юрганини биринчи кўришим...*

*В и т а (Доцентга). Ҳали доцент ҳам бўп қолдингми?.. (Кутилмаганда шаллақлик қилиб бақира бошлайди, соябони билан Доцентнинг дуч келган жойига тушира кетади.) Ярамас!.. Латта!.. Кўрқок!..*

*Доцент жойидан қимирламас, фақат қўллари билан юзини тўсарди. Айёр чидолмай аёлга яқинлашади.*

*А й ё р (чироқни узатиб). Илтимос, мановини ушлаб туринг...*

*Вита ҳайрон бўлиб чироқни олади.*

Бу, хоним, сизга меҳнаткашлар ва касаба уюшмаси номидан!.. *(Қулочкашлаб аёлниг башарасига туширади.)* Кимга ақиллаяпсан, қанжик?! Хў, сенга ўхшаган урғочи мушукларни мен битта бармоғимда ўйнатаман, билдингми? Нега эшикни тақиллатмай кирдинг? Одоб деган нарса борми ўзи сенда?! Бу ердагиларни ким деб ўйлаяпсан?! Биз маданиятли, тарбия кўрган дайдилармиз, билдингми? Тақиллатиш йўқ, салом-алик йўқ! Э, онангни хурмат қилай!..

*В и т а (қўрқа-писа). Мараз экансиз!..*

*А й ё р. Овозингни ўчир, мочахар!.. (Доцентга, ишчанлик билан.) Доцент, буни Худонинг ўзи етказди. Берганнинг бетига қарама, дейишади. Ке, зўрлаймиз, ўзиям занглаб кетдик. Сенинг шахсингни ҳақорат қилгани учун оммавий зўрлаш уюштирамиз! (Илгма қаравотни тўзгилаб.) Мана, жой тайёр. Бўлсанг-чи, нега кўзингни пирпиратасан?*

*Д о ц е н т. Бу... менинг хотиним. Чиқиб тур...*

*А й ё р (ҳафсаласи пир бўлиб). Шунақа де... Чаток бўлди-ю... (Витага.) Бахтинг бор экан. Бошқанинг хотини бўлганинда борми! Чироқни бер-э!.. (Чиқиб кетади, лекин шу заҳотийёқ эшикда пайдо бўлиб, мушт ўқталади.)*

*В и т а (сумкасидан дастрўмол чиқариб). Ма, қонингни артиб ол...*

*Доцент рўмолчани олмайди, бурнини енги билан артиб қўя қолади.*

Хавотир оладиям деб ўйламайсан. Таниш-билиш борми, хушёрхона борми, касалхона борми, ҳаммаёққа кўнғироқ қилиб чиқдим.

*Д о ц е н т. Уликхонага хабар қилмабсан-да!*

*В и т а. Уликхонаям қолгани йўқ. Кунига икки марталаб телефон қилдим.*

*Д о ц е н т (бурнини ушлаб). Бурунни единг...*

*В и т а. Бу ерга қочиб келиб кимга, нимани исботламоқчисан? Нимани?*

*Д о ц е н т. Ҳеч кимга ҳеч нимани исбот қилмоқчи эмасман. Шу ер менга ёқади, маза қилиб яшайман.*

*В и т а. Ҳозир ҳамма жойда штат қискаряпти, бўшатишяпти. Нима, битта сен шунақа бўпсанми?*

*Д о ц е н т. Ҳа, битта мен шунақа бўлдим!*

*В и т а. Кеча сени Глеб сўради.*

*Д о ц е н т. Кетганимга шунча кун бўпти-ю, энди сўрадимми?*

В и т а. Нега “энди” бўларкан? Илгариям сўрарди...

Д о ц е н т. Нима деб сўради?

В и т а. Дадам қани, деди...

Д о ц е н т. Ёлғон. Глеб мени унақа демайди. “Анави қаёққа кетди” деб сўрайди. Мен унинг учун ота эмасман, “анави”ман! Тўғри, шундай ҳам бўлиши керак...

В и т а. Эй, худойим, кимга ўхшайсан-а?..

Д о ц е н т. Ҳозир ўзимга ўхшайман. Одамнинг ўзига ўзи ўхшаб яшаши қанчалик хузурбахш эканини билсанг эди! Ўзим ҳамма қатори оддийгина одамман-у, лекин бошқача бўлгим келиб қолди! Мана, оқибати: ҳаёт супринди мисол ахлатхонага ирғитиб ташлади!

В и т а. Кўйсанг-чи...

Д о ц е н т. Бувамни, отамни, онамни кул, малай руҳида тарбиялашди! Менгаям улардан малайлик мерос бўлиб қолган. Малай! Менинг қарғиш урган аждодим умрбод кимларгадир эгилиб, қўрқиб, титраб-қақшаб яшадди! Бувам аввалига оқлар осиб кетмасин деб кўрқди, кейин қизиллар отиб ташламасин деб кўрқди! Отам комсомол фаолларидан эди. Кулоқларнинг калта милтиғидан ажал кутди, кейин эртаю кеч НКВД ана олиб кетадимана олиб кетади, деб яшади. Мен урушдан кейин туғилганман. *(Алам билан қичқариб.)* Урушдан кейин туғилиш нималигини биласанми ўзинг?! Улар пешанасида шўри билан туғилади!.. Кўрқмай яшашнинг фақат битта йўли бор, деб ўйладим. Уям бўлса – мансаб, амал! Амал пиллапоясининг мумкин қадар тепароғига чикмоқчи бўлдим. Шунда бошқа кўрқоқлар устидан ҳукимни ўтказаман, деб ўйладим! Лекин, олмоқнинг бермоғи бор, ҳамма нарса учун ҳақини тўлашинг керак экан. Шон-шухрат учун талант билан, тўкин-сочин ҳаёт учун машаққатли меҳнат билан... тўлаш керак экан.

В и т а. Нима, сен меҳнат қилмадингми? Ҳақини тўламадингми?

Д о ц е н т. Тўладим! Лекин нима билан? Маалайлик билан!!! Хушомад билан!!! Бу замонда хушомад ҳам товар экан! *(Ўрнидан туриб.)* Менга бир қарагин! Қара, яхшилаб қара! Ахир менинг ҳамма жойим хушомад қилиб, тиржайиб турибди-ку! Юзим, кўлим, гавдам, бўйнимдаги бўйинбоғимгача ялтқланиб, илиқ-милиқ, ёпишқоқ, жирканч табассум билан тиржайиб турибди!!!

В и т а. Ўзингни бос, Лёньчик, бўлди, бўлди... Асабларинг чарчабди. Ҳечкиси йўқ, ўтиб кетади... Замон шунақа бўп кетди, Лёня... Майли, чидаймиз. Бу кунлар ҳам ўтар, дунё яна асл ҳолига қайтар... *(Асабий.)* Ҳечкиси йўқ... Бу қайта қуриш деган лаънати бир кун бўлмаса бир кун тугайди-ку! Ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади, Лёня...

Д о ц е н т. Кимнидир ғажиб, еб, ўрнига ҳеч нарса бермасдан яшадим! Бировларнинг ризқини ўғирлаб ризқ топдим, обрўсини ўғирлаб обрў топдим, умрини ўғирлаб умр кўрдим!.. Ана энди ҳар куни эрталаб тураман-у, қандай қилиб бир бурда нонимни ҳалоллаб есам, деб ўйлайман. Эшакдай ишлашга, эрталабдан кечгача итдай тилимни осилтириб зир югуришга розиман, фақат ноним ҳалол бўлсин!.. Ўзлимга, аслиятимга қайтмоқчиман, Вита...

В и т а. Майли, Лёник, майли, хоҳлаганингдай яша... Нима десанг – шу. Ўлиб кетмайдими ҳаммаси! Қисқартирса қисқартиришибди, нима бўпти шунга? Иш дегани топиладиган нарса, Лёня. Фақат ўзингни қўлга ол...

Д о ц е н т. Нима иш қиламан? Кўлимдан нима келади? Эгилиб-букилиш ва тиржайиш келади, холос! Раҳбарларнинг кўнглини олиш келади! Тарикча маъно бўлмасаям чиройли гапириш келади! Булар менинг қонқонимга сингиб кетган, Вита! Рост гапиришга танамдаги ҳар бир хужайра қаршилик кўрсатади! Газеталарни ўқисам юрагим ёрилиб ўлиб қолай дейман. Бунинг ҳаммаси ўтқинчи нарса, деб ўзимни овутаман, лекин бу ўтиб кетмайди! Биз ўтиб кетамиз, биз! *(Бироз сукутдан сўнг.)* Оз бўлса

ҳам бир тўда оломонга раҳбарлик қилдим. Алам қиладиган жойи шундаки, ўша оломондан ҳеч ким, бирон тирик жон мен қилган пасткашликни қилмайди! Ҳатто бўри ҳам хиёнат учун ўз жуфтани ғажиб ташлайди, мен шунга ҳам қодир эмасман – кўз юмиб кетавераман!

В и т а. У нима деганинг?

Д о ц е н т. Шунақа деганим! Неча марталигини билмайман-у, лекин бир мартасига ўзим гувоҳман... Тўғрими?

В и т а. Нима – тўғрими?

Д о ц е н т (*аламли жилмайиб*). Бўзчи билганини тўқийди-да: мен амалдорларга башарам билан қуламан, сен – тананг билан...

В и т а. Худо урсин агар, ҳеч нима бўлгани йўқ!

Д о ц е н т. Худо уришни билмайди-да, бўлмаса қанчадан-қанча одамнинг қовоғи кўкариб юрарди. Қизиқ, нега энди одамзод бошига кулфат тушгандагина худони эслаб қолади? Соғ-саломат, ўйнаб-қулиб юрганида эмас? Эсингдами, дала ҳовлида ўша хомсемиз оғзидан сўлаги оқиб сенга суйкалганида, негадир худони эсламадим. Сен ўзингни мажбурлаб, унга кўз сузганинда ҳам худо ёдимга келмади!..

В и т а (*ийгламсираб*). Бўлмаган гап!..

Д о ц е н т. Кейин у мени винога жўнатди... Мен индамай чопқиллаб чиқиб кетдим! Нега? Нима учун? Олдимизга битта суяк ташлаши учун. Текингина, мўмайгина – суяк! Бутун оилами билан ўша суякни миннатдор бўлиб кемириб, унинг олдида думимизни ликиллатиш учун! Мен аппаратга ишга ўтганимдан бери ўғирлик билан кун кўряпмиз, Вита! Топганим – ҳаром! Уғлимизниям ҳаром билан боқдик!.. Ушанда лаънати винони топдим. Келсам икковинг кўзиқорин қовураётган экансизлар. Кўйлагингнинг битта тугмаси узилиб тушибди...

В и т а. Ёлғон!..

Д о ц е н т. Глеб кўзларимга тикилганча эркакча овоз билан: “Қаерда юрибсиз?” деди. Унинг нигоҳига дош беролмай, бошини силамоқчи бўлдим. У бошини шунақанги кескин тортдики, умуртқалари қарсиллаб кетди. Биз бу ёқда вино ичиб, кўзиқорин еяпмиз, Глеб нарига хонада кўксини захга бериб, ўксиб-ўксиб йиғлаб ётибди... Энди билсам, у мени кўмиб бўлиб, қабрим тепасида йиғлаётган экан... Ушанда кўзларингга узок тикилдим, уларда машаққатли ва ифлос ишдан сўнгги хорғинлик бор эди...

В и т а. Бас қил!!! Узингнинг хотининг ҳақида шунақа дейишга уялмайсанми?!

Д о ц е н т. Йўқ, гап икковинг ўрталарингда бирон нима бўлган-бўлмаганида эмас, Вита. Гап шундаки, у кўкрагингга қўл чўзганида ҳеч қанақанги рашк, ғазаб хиссини туймадим! Қайтанга хурсанд бўлдим, тушуняпсанми, енгил тортдим! Бошлиқ мени ўзига яқин олиб сенсирашга ўтди. Бундан ҳам хурсанд бўлдим! Мен билан уриштириб вино ичяпти – ўзимда йўқ шодман! Ана шуни кечиролмайман...

В и т а. Бўлди, Лёнчик, бўлди... Истананг, дала ҳовлига чиқиб дамингни ол, а? Кейин бафуржа гаплашамиз, хўпми?

Д о ц е н т. Йўқ, томоша тамом, Вита... Агар шунчаки рашк қилиб ёки жаҳл устида уйдан чиқиб кетганимда бошқа гап эди. Одатимни биласан-ку, лов этиб ёнаман-у, дарров ўчаман. Бу ерга мени кимдир чақирди, Вита. Тушуняпсанми, чақирди... Шу ер ёқади, қулай, шинам... Асабим ҳам жойида, уйқум ҳам тинч... Тушундингми?

В и т а (*алам билан*). Тушундим! Омадинг чопиб турганда балодай юрувдинг! Узинг айтгандай, эгилиб-букилиб, тиржайиб, малай бўлиб! Керак бўлиб қолганда мениям бировларнинг тўшагига тўғриладинг, кимгадир югурдак бўлиб вино ташидинг, аллакимларга нутқ ёздинг! Сал омад кетувдики, бу кишимнинг виждонлари уйғониб қопти! Мана шу лаънати алғов-далғов, тўполонлар бўлмаганида илгари қандай яшаган бўлсанг, шундай яшайверардинг-ку!



Д о ц е н т. Яшайверардим.  
В и т а. Бўлмаса нега энди ўзингни бечора, жабрланган қилиб кўрсатяпсан?!

*Қўйчивон киради.*

Қ ў й ч и в о н. Яхшимисиз?

В и т а. Салом.

Қ ў й ч и в о н. Нега бақиряпсиз? (*Жавоб кутмай.*) Доцент, шишаларни топшириб, нон опкелдим. (*Нонни столга қўяди.*) Совуқ едим, бирпас исиниб олай... (*Печкага чиқади.*)

В и т а. Шунақа латталигингни илгаридан билардим. Дугоналарим севги-мухаббат деган нарсаларга тупуриб, бой-бадавлат, амали бор одамларга эрга тегиб олишди. Мен бўлсам сени танладим. Чунки севардим. Мужмал, латгачайнар бўлсанг ҳам севардим. Ҳечқиси йўқ, ўзим одам қилиб оламан, деб ўйладим. Кейин таниш-билишларни ишга солдим, елдим-югурдим, ишқилиб, сени ўшалар даражасига олиб чиқдим! Хўп, энди шунақа бўп қопти, нима бўпти? Мен нима қилай? Ўзимни осайми? Осолмайман – Глеб бор.

Д о ц е н т. Глеб бунақа отани бошига урадими? (*Изтиробли.*) Ахир мен уни туғилиши билан ёлғонга йўргакладим, ҳаромдан дастурхон ёздим! У шўрлик кўзини очиб мен яратган, пуф деса кулаб тушадиган омонат дунёни кўрди!.. Йўқ, яхшиси, мени тинч қўй. Агар қўлингдан келса, уни ўзинг тарбия қил...

В и т а. Яхши. Унда эртага милиция билан келаман.

Д о ц е н т. Жуда яхши. Мени жиннихонага обориб тикишади. Нима фарқи бор – жиннихонами, ахлатхонами! Тинч бўлса – бўлди. Лекин уйга қайтиш йўқ!..

В и т а. Паспортинг, бошқа хужжатлар қани? Уйни остин-устин қилиб тополмадим?

Д о ц е н т. Ахлатхонага ташлавордим. Бу ердалигимни қаердан билдинг?

В и т а. Шофёр кўшнимиз кўрибди. Комбинатнинг чиқиндиларини ташийди. Бу ерга қанақа дори сепишини биласанми? Қаерда яшаётганинга ақлинг етадими ўзи?!

Д о ц е н т. Етади!

Қ ў й ч и в о н. Бақирмасаларинг-чи, а!..

Д о ц е н т. Етади!!! Нима учун бу ерда яшаётганимни ҳам яхши биламан! Нима бўлишиниям билиб келганман! Энди жўна.

В и т а. Бўпти, шу ер сенга ёқибдими, бирга яшайверамаиз. Глебниям олиб келаман.

Д о ц е н т. Унда мен кетаман! Ҳар ким ўз кунини ўзи кўрадиган замонда яшаяпмиз, Вита! Омон бўл.

В и т а. Лёня!..

Д о ц е н т. Нарим тур! Кўргани кўзим йўқ сени! Агар яна бир марта шу ерда кўрсам, қўлимга тушган нарса билан бошингни ёриб, тўғри милицияга бораман!

Қ ў й ч и в о н. Қўйсанг-чи, Доцент, нима кераги бор!..

Д о ц е н т. Сен ҳозир эрингни эмас, унинг қолган-кутган қолдиғини кўриб турибсан! Шу яримта жонимниям тинч қўймайсанми?! Қора ерга кириб кетгунимча тепкилайверасанми?! (*Пальтосини олиб, югуриб чиқиб кетади.*)

*Вита ҳолсизгина курсига ўтиради. Тепасида сиртмоқ чайқалиб турибди.*

Қўйчивон. Қўйинг, йиғламанг...  
 Вит а. Йиғлаётганим йўқ.  
 Қўйчивон. Қўяверинг, қаёққаям борарди. Айланиб-айланиб қайтиб келади...

*Ниманидир аранг қўтариб олган Айёр киради.*

Айёр. Доцент!.. Мен нима дегандим? Топдим хазинани, онасини хурмат қилай!.. Ие, Доцент қани?  
 Вит а. Кетди...  
 Айёр. Қаёққа?  
 Вит а. Билмадим...  
 Айёр. Уч сўм бериб турмайсанми?

*Вита индамай пул чиқариб, столга қўяди.*

Прогрессив инсониятга шон-шарафлар! Ҳалиги одобсизлиги учун пролетариатнинг қуйи табақаси сиздан узр сўрайди. Ҳақиқий инсон экансан!  
 Вит а. Бу ерда телефоннинг нима кераги бор?  
 Айёр. Ҳар замонда уй билан гаплашиб тураман. Телефон килмоқчимисан? Марҳамат – дақиқасига қирқ тийин.

Вит а. Қаерга телефон қилардим...

Айёр. Истаган жойингга. Масалан, менинг онда-сонда президентлар билан валақлашадиган одатим бор. Баъзан, де, туриб-туриб жаҳлим чиқиб кетади. Президентга қараб бақириб бераман. Нима қиялпсизлар ўзи, дейман, сенларга шундай мамлакатнинг, қолаверса, бутун инсониятнинг тақдирини ишониб топшириб қўйишибди-ю, нима қилиб ўтирибсизлар ўзи, дейман! Йўқ, жим туриб эшитишади... Мени ўзингга жазман қилиб олмайсанми, а? Сокол-поколни тўғрилаб, кийимларимни алмаштириб, жорий таъмирдан чиқсам, гижинглаган тойдай бўп кетаман. А? Отинг нимаиди?

*Вита индамай, қўли билан ҳавода аллақандай ҳаракатлар қилади-да, чиқиб кетади.*

Қўйчивон. Чиройли экан...  
 Айёр. Чиройли-ю, кўкраги кичкина экан. Бери кел. Хазина топдим, сен гувоҳ бўласан.

*Қўйчивон печкадан тушади. Айёр қопга солинган қандайдир яшиқни оча бошлайди.*

Э, Худо! Агар ростдан ҳам бор бўлсанг шундай қилгинки, манавининг ичидан ё пул, ё олтин чиқсин!

Қўйчивон. Олтинни бошингга урасанми?

Айёр. Бу гапинг ҳам тўғри. Пул яхши-а?

Қўйчивон. Оча қолсанг-чи!

Айёр. Бунақа пайтда дуо ўқиш керак, аҳмоқ! (*Кўзини юмиб, тепага.*) Танграм, биздай ялангоёқ бандаларингдан марҳаматингни аяма. Ризқимизни бер, хоҳла пул қилиб бер, хоҳла олтин қилиб!.. (*Кўзини очиб, Қўйчивонга.*) Олтинларни раҳбарлар ўғирлаб бўлишгандир, а? (*Тепага.*) Майли, совет пулиям бўлаверади. Борлигингга шак келтирмаймиз, ўша пулдан битта каттакон шам олиб ёқамиз. Йўғон, ўн сўмлиги бор-ку, ўшандан. Эй, Худо, сендан бошқа ҳеч кимимиз йўқ, отамиз ҳам, онамиз ҳам ўзингсан. Райком ҳам, обком ҳам сенсан. Битта нафақачалик марҳамат қилсанг ҳам майли, бориға шукур қилиб ўрганганмиз. (*Қопни оча бошлайди.*) Эй, Худойим, қудратинг чексиз... Марҳаматингни дариғ тутма...

*Қондан ранги ўчиб кетган эски патефон чиқади.*

Қ ў й ч и в о н. Патефон-ку!..

А й ё р. Тфу, онангни хурмат қилай! *(Тепага қараб.)* Э, одам-подам эмас экансан! Мана сенга шам! Пул сўрасам, мусиқа бериб ўтирибди! *(Патефонни кўтариб, ерга урмоқчи бўлади.)*

Қ ў й ч и в о н. Хай-хай-хай, нима қиялсан?! Буюм-ку, ахир!.. Турса – мол, сотса – пул!

А й ё р *(ўйланиб, патефонни столга қўяди)*. Бу гапинг ҳам тўғри...

Қ ў й ч и в о н *(қопни кавлаштириб)*. Қара, пластинкалариям бор экан.

А й ё р *(патефонни тайёрлаб, пластинкани қўяди)*. Навбат рус халқ кўшиқларига... *(Пластинкадаги ёзувни ўқишга уриниб.)* Марш... узи... эн... уз... ас... Э, онангни хурмат қилай! *(Эълон қилиб.)* Қисқаси, рус халқ ашулаларидан – марш! *(Мусиқа янграйди. Қўлларини мусиқага монанд қимирлатади, гоҳида тўхтаб қулоқ солади, ҳаяжонланади, сўнг кўзига ёш олиб, бор овози билан қичқиради.)* Она-а Вата-а-ан! Она-а-а Ва-ата-ан!.. Она-а-а Ва-ата-а-ан!

*Эшикдан кимдир кириб, гугурт чақади.*

Қ ў й ч и в о н. Кимсиз?

О в о з. Одамман.

*Чироқ ўчади*

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

*Ўша кулба. Шамол ҳамон увиллайди. Столда керосин лампа ёниб турибди. Доцент гирт маст. Пифагор китоб ўқияпти, ўқтин-ўқтин йўталиб қўяди. Афғон диванда чўзилиб ётибди. Сув париси у ёқдан-бу ёққа асабий бориб келяпти: ё нимадандир қаттиқ жаҳли чиққан, ё маст. Янги персонаж – Мухбир ҳам шу ерда.*

С у в п а р и с и. Пифагор, нега у мени севмайди?

П и ф а г о р. Севиши керакмиди?

С у в п а р и с и. Керак эди! Мен севаман-ку, нега у яхши кўрмайди?

Д о ц е н т. Мен ойимни яхши кўрардим... Одамзод учун онадан бошқа муқаддас зот йўқ... Фақат она – тамом! Ҳамма онасини излайди... Лекин у йўқ... Ойимни кўмишаётганда зўрға етиб борганман... Тобутда оқ рўмолга ўралиб ётибди... Икки сават гул олиб борганман... Ўзиям гулмисан гул эди-да! Кейин... қўлларим билан юзимни бекитиб олиб, кўзимга тупук сурганман... Йиғлаётганга ўхшаш учун-да...

М у х б и р. Қанақа қилгансиз, кўрсатинг-чи?

Д о ц е н т *(кўрсатиб)*. Мана бундай...

С у в п а р и с и *(Мухбирга)*. Сени қаердадир кўргандайман...

М у х б и р. Кўпчилик шунақа дейди. Мен Гагаринга ўхшаб кетаман.

С у в п а р и с и *(Афғоннинг қаришисига бориб, ўтириб олади)*. Тен-таквой, мендақасини бошқа қаердан топасан? Дурустроқ қарагин, ёмон кизманми? Йиғлашни яхши кўраман... Ҳамма яхши одамлар йиғлашни хуш кўришади... Йиғлолмайдиганлар яхши одам бўлмайди... Агар ҳамма яхши одамлар бир жойга йиғилиб, ойда бир марта йиглаб туришса, дунё ҳозиргидан покроқ бўларди... Нега энди кулги куни бор-у, йиғи куни йўқ? Ҳамма бир вақтда, бараварига йиғлайдиган кун бўлиши керак...

Д о ц е н т *(кўзига яна тупук суриб)*. Тупук дарров қуриб қоларкан...

М у х б и р (*Пифагорга*). Қанақа китоб экан?  
 П и ф а г о р. Луғат. Айёр ахлатхонадан топиб келган экан.  
 С у в п а р и с и. Кўз ёши ҳақида нима дейилган экан ўша луғатингда?  
 П и ф а г о р (*қидириб топиб, ўқийди*). Хўш... “Кўз ёши – кўз коса-  
 сини ювиб турадиган ва қуриб қолишдан сақлайдиган рангсиз, шўртоб  
 сууюклик”.

С у в п а р и с и. Кўрдингми, “сақлайдиган”! Асрайди! Кўз ёшида гап  
 кўп... (*Афгонга, тўсатдан бақуриб.*) Нега индамайсан?!

Д о ц е н т. Соқов – шунинг учун индамайди.

С у в п а р и с и (*Доцентга*). Сен ўз онангни ўлдирган одамсан...

Д о ц е н т. Эсинг жойидами?

С у в п а р и с и. Ўлдиргансан!

Д о ц е н т. Кайфинг ошиб қопти.

С у в п а р и с и. Ўлдиргансан, дедимми, ўлдиргансан! Юрагини суғуриб  
 олиб, еб кўйгансан! Одамхўрсан!

Д о ц е н т (*кутилмаганда наст тушиб*). Бўпти, одамхўрман. Кўп  
 бакираверсанг, хозир сениям еб кўяман.

С у в п а р и с и (*бир оз жимликдан сўнг*). Э худо, қачон Янги йил  
 келаркан-а... Ҳозир сентябрь... Ҳамма байрамларнинг ичида Янги йил-  
 ни яхши кўраман... Арча... Барча хурсанд, бир-бирини табриклаган...  
 Ташқарида бўлса лайлакқор ёғяпти... (*Афгонга.*) Лайлакқор қанақа  
 ёғишини биласанми? Эркалани-иб ёғади!..

Д о ц е н т. Бир куни қайнонам, мучалим нима экан, деб қизиқиб қолди.  
 Ҳисоблаб кўрсам, илон чиқди. “Илон экансиз” дедим, ўз-ўзидан мандан  
 хафа бўп ўтирибди. Мен айтдим, хафа бўлманг, дедим, ёшсиз – илонсиз,  
 худо хоҳласа ўн йиллардан кейин аждар бўп кетасиз, десам мен билан  
 умуман гаплашмай кўйди. Шу инсофданми?... (*Сув парисига.*) Афродита,  
 кел, ичамиз.

С у в п а р и с и. Торт аравангни!

Д о ц е н т. Нега мунча заҳарсан-а? Сенга нима ёмонлик қилдим ўзи?

С у в п а р и с и. Ёмонликни бошқалар қилган, ўчини сендан олгим  
 келяпти, билдинг?

Д о ц е н т. Тўғри қиласан... Ўч ол...

М у х б и р (*Пифагорга*). Болаларинг борми?

П и ф а г о р. Бор...

М у х б и р. Наҳотки, улар нима бўлди, ҳоли нима кечяпти экан, деб  
 ўйламасанг? Балки отасиз қийналишаётгандир?

П и ф а г о р. Отаси билан яшаса баттар қийналишади. Бу қари кўппак  
 қачон ўлар экан, деб кутиб яшаш осонми... Ўликни кўмишаётганда сира  
 эътибор қилганмисан: одамлар тобутни кўтариб шошилишади. Тобутни  
 лапанглатиб ўзларидан-ўзлари чошиб кетишади. Гўрга кўйганидан ке-  
 йин белкуракларни талашиб-тортишиб, шоша-пиша тупроқ ташлашади.  
 Бўлмасам уларни ҳеч ким шошилтираётгани йўқ. Кўмиб бўлиб, энгил  
 тортишади. Бўлмасам-чи! Ахир битга одам қамайди, дунё кенгайиб қолди!

С у в п а р и с и (*Афгонга*). Бизниқига юр... Уйим узок эмас, шундоқ  
 айланма йўлнинг ёқасида. Сени гапга солмайман, ўзим ҳам индамай  
 ўтираман, хўпми? Карам шўрва қилиб бераман... Ойим доим карам шўрва  
 қиларди... Бир йўла уч кунга етадиган қилиб, кўп қиларди... Ўзи бизни  
 ташлаб қаёққадир кетиб қоларди... Гапирсанг-чи, эй, Худойим!..

Д о ц е н т. Мен бораман, Афродита. Майли, карам шўрвагаям розиман.

С у в п а р и с и. Учир!..

Д о ц е н т. Шошма, гапимни гапириб олай! Менам одам бўлиб, ичимда-  
 ги дардимни тўкиб сола оламанми-йўқми?! Одамлар шунчақиям гаплашиб  
 ўтиришади-ку! Масалан, ҳар ким ўзининг касалини гапиради. Шуям гап-  
 да, энгил тортади. Одам тафтини одам олади, Афродита!.. Бошқаларнинг  
 касали касалга ўхшайди. Меники-чи? Мен дабба бўлганман, айтишгаям

уялади киши... Одамлар кўричак бўлади, бод бўлади, қанд, сарик, саратон!  
Мен – дабба... *(Иигламсираб гингший-гингший ухлаб қолади.)*

П и ф а г о р. Айёр билан Кўйчивон қаёқда қолди-а? Вақтни кара...  
Афғон, печкага ўтин ташлаб кўй.

С у в п а р и с и *(Мухбирга)*. Сени қаерда кўрганимни эсладим. Сен Гагарингамас, итга ўхшайсан!

М а х б и р. Хўп, кейин-чи?

С у в п а р и с и. Мени “Берёзка” ресторанида илинтирганинг эсингдами? Ушанда кеч куз эди...

М у х б и р. “Берёзка”га умримда бормаганман.

С у в п а р и с и. Келиб “нархинг қанча” деб сўрадинг. “Ҳеч нима қилмаймиз, фақат гаплашиб ўтирамиз” деб, бир кечанинг нархини тўлади.

М у х б и р. Гиёҳвандмисан, нима бало?

С у в п а р и с и. Кейин мени сўроққа тутдинг: биринчи марта ким билан, қачон бўлганман, ўшанда ўзимни қандай ҳис қилганман! Эсингдами? Қаҳва олиб келдинг. Ўзингни бирам сипо тутасанки! Кийимларинг олифта, гапларинг мулойим! Одоб билан савол устига савол ёғдирасан! Саволларинг бир-биридан ифлос! Сен ўша окшом ўзимни эмас, яраланган, қони томиб турган юрагимни... зўрладинг! Ундан кўра ўзимни зўрлаганинг минг марта афзал эди!..

М у х б и р. Тинчлан, Лена...

С у в п а р и с и. Мен Лена эмасман! Исмиб бошқа!.. Э, Худо, ўшанда нега иккиландим? Бир сонияда ҳаммаси тугар эди-ку?!

М у х б и р. Нима қилмоқчи эдинг?

С у в п а р и с и. Столга энгашиб қаҳва дамлаётган эдинг. Пичокни олиб нақ бўйнингга санчгим келди... Ўзимни аранг тутиб қолдим...

М у х б и р. Шунисигаям раҳмат.

С у в п а р и с и. Нимага дуч келган жойга бурунларингни тикасанлар? А? Қаерда қон, ғам, кулфат бўлса ўша ерни титкилайсанлар! Нега? Одам қандай хохласа, шундай яшайди. Кўлидан келгунича, кучи еткунича, билдингми? Сенлар уни бир қолибга солмоқчи бўласанлар! Ўз ҳолига кўй, тинчгина яшасин, ахир!!! Аблахсанлар. Ушанда боламини олдириб ташлагандим. Ўзимнинг болагинамни!.. Ичаман – йиғлайман, ичаман – йиғлайман... Сен келиб, пул таклиф қилдинг. Сотиб олдинг... Ўша эллик сўмингни оқлаш учун тонг отгунча нималар деб алжирамадим, қандай ёлғонларни тахлаб ташламадим! Э, Шаҳризода бўп кет-э! Эрталаб хушмуомалалик билан кузатиб кўйдинг. Уйга кетяпман-у, ўзимга-ўзим сўз бердим: кейинги сафар оладиган пулимни оқлаб оламан, бунақа сафсата сотиб эмас, “ишлаб”, тер тўкиб, ҳалоллаб оламан, дедим! Мен фоҳиша эмас эдим, бахтсиз эдим, холос...

М у х б и р. Кечир...

С у в п а р и с и. Бунинг учун ҳали жавоб берасан...

М у х б и р. Қаерда?

С у в п а р и с и *(қўли билан тепага ишора қилиб)*. Ўша ерда...

М у х б и р *(Пифагорга)*. Чекишдан ол... *(Сигарет олиб.)* Бир оз очик ҳавода айланиб келай...

С у в п а р и с и. Қаёққа?

М у х б и р. Айтдим-ку – очик ҳавога...

С у в п а р и с и. Очик мазорга бўлса яхши бўларди! *(Телефонга.)* Алло, бу тахририятми? *(Кўзида ёш билан.)* Манави лайчаларингни йиғиштириб олинглар, шундай тоза дунёни булғаб юрибди... Ҳа, чақириб олинглар... Бунақаларни тез-тез чақириб турсаларинг, одамлар шунчалик бахтли яшайди...

М у х б и р. Кечир... *(Чиқиб кетади.)*

*Чиқаётиб бир қучоқ шох-шабба олиб келаётган Афғонга урилиб кетади.*

Д о ц е н т (*гўлдираб*). Худо дурустроқ касалниям раво кўрмади...  
Бергани – дабба...

С у в п а р и с и. Бориб ёт, одамхўр. (*Кўлтигидан олиб*.) Қани, юр...

Д о ц е н т. Ҳа-а, энди билдим...

С у в п а р и с и. Нимани?

Д о ц е н т. Бизнинг аёлларимизнинг нега оёғи калта-ю, Африка аёлларининг нега оёғи узунлигини...

С у в п а р и с и (*суяб олиб бора туриб*). Нимага экан?

Д о ц е н т. Бизнинг аёлларимиз мана шунақа... маст эрларини кўтаравериб-кўтаравериб, оёғи калта бўп қолган... Африка аёллари эса дарахтдаги бананга чўзилавериб-чўзилавериб, оёғи узун бўп кетган...

С у в п а р и с и. Шу мавзуда диссертация ёқлаб қўя қолсанг ҳам бўлар экан.

Д о ц е н т. Ёқлаймиз!.. Мавзуям тайёр: “Узун ва қисқа оёқларнинг социалистик жамиятдаги роли”!.. Яшасин совет оёқлари!..

С у в п а р и с и (*ётқизиб, устини ёпиб қўяди*). Ана, ётгин-у, ёқлайвер...

*Доцент шу заҳоти уйқуга кетади.*

Э, худо, шамолнинг увлашини қаранглар... Болалигингни эсласанг, доим куёш чарақлаб тургандай бўлади... Қишдаям, баҳордаям, куздаям... Энди-чи? Ҳаво булут – куёш кўринмайди, зах, ёмғир, лой, шамол... (*Эшик томон секин юра бошлайди*.)

А ф ғ о н. Кетма...

С у в п а р и с и (*ток ургандай сесканиб*). Нима?..

А ф ғ о н. Кетма...

С у в п а р и с и (*олдига келиб*). Яна бир марта айт...

А ф ғ о н. Кетма...

С у в п а р и с и (*унинг елкасига ҳолсизгина бош қўйиб*). Эй, Худойим... Овозинг лайлак қордай эркаланиб жаранглар экан...

А ф ғ о н. Нега ҳадеб келаверасан?

С у в п а р и с и. Севаман... Майли, маст деб ўйлайсанми, томи кетган дейсанми... Лекин, қандайдир бир бошқа замонда, бошқа оламда, зулмат ва туман қўйнида мен сени... тукқанман!.. Ҳеч туғила қолмайсан, де. Мени жудаям қийнавординг, хатто ўлиб қолишимга озгина қолди... Туғилишга туғилдинг-у, йиғламайсан!.. Кўзларингни катта-катта очиб, менга тикилиб турибсан!.. Орқангга ураман, силтайман – қани энди йиғласанг! Атроф – инсон қадами етмаган ўрмон... Туманлараро сув парилари сузиб юрибди... Улар қўлимдан олиб, булоқ бошига етаклади... Сени ҳали одамзод ҳам, хайвон ҳам лаб урмаган булоқ сувига ботириб олдим... Ана ундан кейингина чинқириб йиғлаб юбординг... Йиғингдан борлик ларзага келди! Кейин совукдан титраб-қакшаб, ғужанак бўлволиб қайноқ кўкракларимга интилдинг... Сенга кўкрак берар эканман, самодан аллақандай нур сен орқали вужудимга сингиб бораётганини ҳис қилдим... Нималигини билмадим-у, лекин ўша нур, ўша ёғду ҳамон кўксимда турибди...

*Афғон кутилмаганда безгак тутгандай қалтирай бошлайди, сўнг тиз чўкиб қизнинг тиззаларини қучоқлаганча баралла йиглаб юборади. Укириб-ўкириб йиғлайди.*

П и ф а г о р. Сув бер.

С у в п а р и с и (*бақириб*). Аралашма! (*Афғонга*.) Йиғла, жоним, йиғла. Худди ўшандагидай, муздай булоқ сувига ботириб олганимдагидай

чинқириб йиғла... Биз ўтиб кетамиз, болаларимиз-невараларимиз қариб-қартайганида йиғи куни келади... Аёлу эркак, каттаю кичик, ёшу қари йилда бир марта бўлсам кўзлари йиғидан қизариб юради! Одамлар кўз ёшларидан уялмайдиган бўлади! Учрашганда йиғлашади, хайрлашганда йиғлашади, севгидан, ёруғликдан, ўтмишдан, келажакдан йиғлашади... Шундай кун келади... *(Афғонни ёши боладай кучиб.)* Гапиргинг келса гапир, гапиргинг келмаса йиғла... Мен йиғи тилини яхши тушунаман...

**А ф ў н** *(йиғлаб)*. Ҳеч қачон ҳеч кимга бир оғиз ҳам гапирмайман, деб ўзимга ўзим сўз берганман... Қийнашсам, танамни бурда-бурда қилиб ташлашсам миқ этмайман!..

**С у в п а р и с и**. Вой, худойим, сочингинг оқи кўплигини! Илгари эътибор қилмаган эканман...

**А ф ў н**. Бу ҳаёт менга жонажон дўстимнинг қони эвазига, жони эвазига насиб этган... У кўрган азобларни ҳеч ким кўрмасин...

*Қиз йигитни бағрига маҳкам босганича узоқ-узоқларга тикилиб, оҳиста чайқалади.*

Бизни Жалолобод яқинида вертолётдан ташлашди... Улар биздан беш баробар кўп эди... Ёрдамга келаётган вертолёт тепада портлаб кетди, ракета билан уришди... Узоқ жанг қилдик... Кечга яқин фақат Колька икковимиз қолдик... Соппа-соғмиз, бирон жойимиз тирналгани йўқ. Ҳамма ўқимизни отиб бўлдик. Ўзимизникиниям, ҳалок бўлган дўстларимизникиниям! Шунда Колька охирги гранатани кўлимга тутқазиб, “иллагини торт” деди! Тортдим! Маҳкам сиқиб турибман! “Автоматимнинг овози ўчиши билан қўйворасан” деди! Кўпам вақт ўтмади, автомат “шиқ-шиқ” этди-ю, жимиб қолди. Тамом, деб ўйладим! Колька мени маҳкам кучоклаб, хирилдоқ овоз билан кулогимга “Алвидо, Витёк! Қўйвор!” деди!.. Мен... Кўлим қотиб қопти, кафтимни очолмайман!!!

**С у в п а р и с и**. Йиғла, Витёк, йиғла... Одам боласи фақат йиғидангина юпанч топади...

**А ф ў н**. Колька жазавага тушиб “Қўйвор деяпман, кўппак!” деб кичқирди!.. Кўлимни кўкрагимдан ажратмоқчи бўлиб мушти билан битта солди – қани очила қолса! Кўркқанимдан томири тортишиб қопти... Бизни осонгина қўлга олишди. Кўплашиб бармоқларимни битта-битта ёзишди, гранатани жарга улоқтиришди. Шунақа портладики! Ўзларича бир балолар деб маслаҳатлашишди-да, мени боғлашди. Нарирокқа обориб, бир харсангнинг соясига ётқизиб қўйишди. Кейин Колька билан шуғуллана бошлашди! Олдин битта-битта бармоқларини чопишди! Кейин кулоқларини кесишди! Кейин... пастини! Менга тегишмади – нимагадир уларга керак бўп қопман... Колька бақирмади, типирчиламади, хушиниям йўқотмади!.. Жуда чидамли бола эди... Кўп қийналди. У жони узилмай, қийнала-қийнала мени кутқариб қолди. Қўзғунлар Кольканинг ўлимини кутиб вақтдан ютқазиб қўйишди – осмонда бизнинг учта “вертушка” миз пайдо бўлди! Шунақа ўққа тутдики, шудгор қиворишди! Еру осмон битта бўп кетди, ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди – душман қаёқда, бизники қаёқда! Шундаям менга ҳеч бало қилмади, қўл-оёғим боғлиқ харсангнинг орқасида ётувдим...

**Д о ц е н т** *(бирдан уйғониб)*. Бошлиғимизнинг ўғли ёшлигида жуда шўх бўлган экан... Бирор ножўя иш қилиб қўйса, отаси Рублёвнинг бир суратининг олдига обориб, “Қара, аҳмоқ, гўзаллик инсонни одамий қилади”, деб тикка қилиб қўяр экан... Бола бечора ҳаёти давомида йигирма йилча тик туриб расм томоша қилгандир!.. Буям тарбия-да... Ўша бола катта бўлганидан кейин музейлардан расм ўғирлайдиган мутахассис бўлиб етишди...

**П и ф а г о р**. Ухла...

А ф о н. Кейин Колькани уйига обордим... Тўғрироғи, унинг қолган-кутганини... Онаси ёшгина экан. Қишлоқда муаллимлик қилар экан. Унинг йиғлаганини кўрсанг эди! Уғлигамас, менга қараб чинкириб йиғлайди! Тушуняпсанми, менга! Юпатай десам, тилим айланмайди!.. Афғонда кўлимнинг томири тортишиб қолган бўлса, бу ерда тилимнинг томири тортишиб қолди!.. Қаёқларгадир бош олиб кетгим келди, туяқушга ўхшаб бошимни кумга тиксам-у, ҳеч нимани кўрмасам!.. Ҳар куни бир хил туш кўраман: бармоқларим битта-битта очилиб, граната портлайди!.. Лекин портлаши Кольканинг онасининг овози бўлиб эшитилади! Бу портлашдан дунё остин-устин бўлиб кетади, осмон ёрилиб, юлдузлар кулаб тушади, шаҳарлар алангаланаяди, қон кўпириб қайнайди!..

С у в п а р и с и. У сени атай мен учун жўнатибди-да...

А ф о н. Ким?

С у в п а р и с и. Дўстинг Колька... (Бирдан.) Пифагор!

П и ф а г о р. Ҳа?

С у в п а р и с и. Никоҳ ўқиб қўй!.. (Сочини ёйиб, Афғоннинг қўлидан ушлаганича тиз чўқади.)

П и ф а г о р (стакан ичига шам ўрнатиб ёқади, қизга узатиб). Ма...

С у в п а р и с и (шамли стаканни кўксига босиб). Бир нима де...

П и ф а г о р. Гапнинг нима кераги бор, шундоқ ҳам тушунарли.

С у в п а р и с и. Унда ўзим гапираман. Ою юлдузлар, туман ва муздай булоқ суви, осмону куёш гувоҳлигида ўзимни сенга хотинликка бағишлайман. Айрилиқда ёнингда бўлиб, ёнимдалигингда сендан йироқроқ юришга, ҳеч қачон сукутингни бузмасликка қасамёд қиламан!..

П и ф а г о р. Омин... (Стаканни олиб.) Энди боринглар...

А ф о н (кетатуриб). Хайр, Пифагор, яхши-ёмон гап ўтган бўлса мендан хафа бўлма...

П и ф а г о р. Сен ҳам мени кечир, бўтам...

*Қиз билан йигит чиқиб кетишади. Пифагор узоқ вақт қимирламай ўтиради. Диванда ётган Доцент нимадир деб алаҳсирайди, тўлғанади.*

Доцент, Доцент!..

Д о ц е н т (бошини кўтариб). А?.. Нима?.. Ухладимми?.. Ойна қани?

П и ф а г о р. Қанақа ойна?

Д о ц е н т. Ойна-да... Ҳозир ойнага қараб соқол олятувдим-ку, ўша қани?

П и ф а г о р. Юрагинг ишдан чиққанга ўхшайди. (Ўзининг чап кўкрагини ушлаб.) Баъзан мен ҳам алағ-жалағ туш кўраман.

Д о ц е н т. Ҳа, ухлабман-да... Тушимда соқол олаётган эмишман. Ойнага қарасам, менга битта чўчка қараб турибди! Мен ойнага қарайман – чўчка менга қарайди! Тушуняпсанми? Бошимни мундоқ-мундоқ қилсам, чўчкаям мундоқ-мундоқ қилади!

П и ф а г о р. Тушга нималар кирмайди.

Д о ц е н т. “Кимсан?” десам, “сенман” дейди! “Унда мен кимман?” деб сўрадим. “Кўзинг кўрми, чўчкасан” дейди! Муштим билан икки кўзининг ўртасига шу-унақа туширдимки!.. (Зорланиб.) Негадир кўлим эмас, пешонам оғриди, Пифагор!..

*Шу пайт эшик шарақлаб очилиб, иккита чўнтак фонари ёнади. Ҳушёр, руҳи сўнган Айёр ва Қўйчивон, уларнинг кетидан Содиқ киришади.*

(Кўли билан фонарь ёругини тўсиб.) Кўзни қамаштирмасанг-чи! Бошқа қиладиган ишларинг йўқми?

Х у ш ё р (яқинлашиб). Менга айтяпсанми?

Д о ц е н т. Йўқ, Пушкинга!



*Хушёр у ўтирган курсини зарб билан тегиб юборади, Доцент ағдарилиб тушади.*

Х у ш ё р (*хотиржам*). Тур.

*Доцент итоаткорлик билан туради.*

Қўлингни бошингнинг орқасига қўй.

Д о ц е н т. Нима?

Х у ш ё р (*кўрсатиб*). Мана бунақа қил! Энди анави ерга бориб, деворга ўгирилиб тур. Тик этган овозинг чиқса, шик этиб жонинг чиқиб кетади, тушундингми?

*Доцент деворга ўгирилиб туради.*

Қ ў й ч и в о н. Ҳай, йигитлар, қўйинглар...

С о д и қ (*Қўйчивонга*). Секин, секин!

Х у ш ё р (*хонани айланиб*). Қара, Содик, пансионатнинг ўзи-ку! Ҳамма шароит бор. (*Кўзи патефонга тушиб*.) Ие, мусика эшитарканмиз-да! Ишлайдими? (*Бир оз кутиб*.) Ишлайдими, деяпман!

Қ ў й ч и в о н. Ишлайди, ишлайди...

Х у ш ё р. Қўй-чи.

Қ ў й ч и в о н. Ҳозир-да... (*Патефонни қўяди, қўшиқ янграйди*.)

Х у ш ё р (*Пифагорга*). Сен бу ерда нима қилиб юрибсан, бобой?

П и ф а г о р. Худо берган умримни яшаб юрибман-да, болам.

Х у ш ё р. Ўрнингдан тур, сенда гапим бор.

П и ф а г о р. Гаплашгим келмаси-чи?

С о д и қ. Сенга ўрнингдан тур, дейилди. Кулоқ борми?

Х у ш ё р. Қизишма, Содик. (*Юмишқлик билан*.) Бунақа қўполликнинг нима кераги бор, бобой? Сен билан икки оғиз хангомалашмоқчиман, холос. Биз яхши ният билан келсаг-у...

П и ф а г о р. Яхши ният билан келган одам аввал салом-алик қилади, хол-аҳвол сўрайди.

Х у ш ё р. Ие, салом бермадикми ҳали? Содик! Қачонгача сенга одоб ўргатаман, аҳмоқ! Шарманда қилдинг-ку одамни! Тур, чиқ! Бошқатдан салом бериб кир! Э, бетарбия!..

*Содик чиқиб, эшикнинг нарёгидан гурсиллатиб тақиллатади.*

(*Пифагорга*) Ҳа, таклиф қилмайсанми? Ҳў, кармисан, тақиллатяпти!

А й ё р. Кираверинг..

С о д и қ (*кириб*). Мумкинми? (*Бирпас кутиб*.) Мумкинмў-ў?

А й ё р. Мумкин, мумкин. Хуш келибсиз.

С о д и қ. Ассалому алайкум.

П и ф а г о р. Доцент, қўлингни тушир.

*Доцент иккиланиброқ қўлини туширади. Пафагордан бошқа ҳамма тик турибди.*

Х у ш ё р. Содик, саломингнинг мазаси йўқ-ку. Ё қўрққанидан тили айланмай қолдимикан?

П и ф а г о р. Нимангдан қўрқамиз? Ўғирликка келдиларингми? Унда қидираверинглар, бирор нима топсаларинг менгаям берарсизлар. Ё қоринларинг очми? Қўйчивон, печканинг устини қара, ярим буханка нон бўлиши керак.

Х у ш ё р. Бобой, бирпас ақилламай тур! (*Давом этиб*.) Она Ватан учун

хеч ким ортикча эмас! Шунинг учун ҳамма нормал ҳаётга қайтиши керак! Ким шу ерлик бўлса – ишга жойлашсин, бошқа ёқлардан келган бўлса – уй-уйига жўнасин. Бугун яхшиликча илтимос қиляпмиз. Эртага илтимос қилиб ўтирмаймиз – гап бошқача бўлади. Айтиб қўяй, биз кўпчиликмиз, бутун шаҳарни назоратимизга олганмиз.

Д о ц е н т. Кечирасиз, нима, биз сизларга ҳалақит беряпмизми?

Х у ш ё р (*баландпарвоз*). Сенлар мамлакат обрўсини тўкаётган унсур сифатида жамият учун зарарли ҳисобланасизлар!

П и ф а г о р. Ҳа-а, гап бу ёқда, дегин?.. (*Доцентга*.) Кўрдингми, мамлакат обрўсини тўкиб ётибсан! Бошқа дурустроқ иш қилсанг бўлмайдими?

С о д и к. Бургадай эзиб ташлайман ҳозир!..

Х у ш ё р. Содиқ!

П и ф а г о р. Сенга ўхшаган тартибпарастларнинг кўпини кўрганмиз. Ҳамма у ўйлаганидек фикрлаши керак, у хоҳлаганидай юриши керак, у истаганидек яшаши керак! Хотинниям у истаганидек туғдириш керак! Доцент, кўлингни кўрсат! (*Хушёрга*.) Кўрдингми? Бу зиёли одам, қора меҳнатдан чиқиб кетган. Лекин бир бурда нон учун кун бўйи вагондан кўмир туширди! Биз ҳақимизда нима биласан ўзи? Дайдилар, ишёқмаслар, дардисарлар – бўлди, бор билиминг шу! Буларнинг қалбида нималар кечаётганини биласанми?! Шундоқ ҳам бу ёруғ оламда илиниб турибди-ку булар! Узингни жамиятнинг санитарии фараз қилиб, тартиб ўрнатмоқчисан! Адолат учун адолат йўли билан курашиш керак, йигитча! Йўкса оқибати яхши бўлмайди. Бўғма илонни биласанми? Атрофидаги ҳамма нарсани еб бўлганидан кейин, ўзининг думини ҳам ютворар экан.

Х у ш ё р. Бўпти-бўпти, кўп вақиллама! Сендақа Афлотундан ўргилдим! Кимнинг ҳужжати бор? Ҳужжатларинг борми, деяпман!

А й ё р (*шоша-пиша гувоҳнома чиқариб*). Менда бор...

Х у ш ё р (*ўқиб*). “Меҳнат фахрийси” медалининг гувоҳномаси... Ёпирай, сен фахриймисан? Ие, бу аёл кишинг номига ёзилган-ку! Қаердан олдинг?

А й ё р. Шу ердан, ахлатхонадан...

Х у ш ё р. Нега кўтариб юрибсан?

А й ё р. Ташлаворишга кўз қиймади, чиройли экан...

Х у ш ё р (*Пифагорга*). Фамилиянг нима?

П и ф а г о р. Пифагор.

Х у ш ё р. Яхшиям Юлий Цезарь эмас экан! Қачон туғилгансан?

П и ф а г о р. Мен туғилганимда сен хали онангнинг қорнида тугул, отангнинг белидаям йўқ эдинг.

Х у ш ё р (*Пифагордан кўз узмай, Кўйчивонга*). Хў, бачча, бери кел! (*Кўйчивон келганидан кейин*.) Бугун фақат илтимос қиламиз, деб сўз берганмиз – уришга ҳаққимиз йўқ. Лекин оқсоқолларинг ўзини ёмон тутяпти. Шунинг учун жазолашга мажбурмиз. Тушундингми?

К ў й ч и в о н. Йўқ...

Х у ш ё р (*Пифагорнинг ёқасидан олиб*). Ўрнингдан тур! (*Кўйчивонга*.) Ур!

К ў й ч и в о н (*орқасига чекиниб*). Ни-ма?..

С о д и к (*унинг ёқасидан олиб*). Хў, бачча, айтган гапни қил-чи! Бўлмаса ҳозир бир пана жойга олиб бориб, туғилганингга пушаймон қиламан!

К ў й ч и в о н. Йигитлар, нима қиляпсизлар!.. Умримда бировни урган эмасман, фақат мени уришган!.. Чумолигаям озор бермаганман, Худо ҳаққи!..

Х у ш ё р (*бақариб*). Бўл!

*Кўйчивон унинг овозидан чўчиб тушиб, Пифагорга тарсаки туширади ва ўзи йиқилиб тушади.*

(*Айёрга.*) Энди сенинг навбатинг. Айёрмисан, тайёрмисан – нима эдинг?

А й ё р. Тайёрман. (*Пифагорга.*) Энди-и, хафа бўлмайсан, Пифагор, хали мени осганинг учун дурустроқ ҳисоб-китоб ҳам қилолмагандик. Ҳисобли дўст айрилмас-да, а? (*Ёлгондакамига уради.*)

Ҳ у ш ё р. Йўқ-йўқ-йўқ, бунақаси кетмайди! Жиддийроқ, жиддийроқ!

*Айёр иккиланади.*

П и ф а г о р (*Айёрга*). Фақат тишимга урма.

*Айёр уради.*

Ҳ у ш ё р (*Доцентга*). Энди сен.

Д о ц е н т (*Ҳушёрга диққат билан тикилади ва кутилмаганда қулочкашлаб унинг ўзини урмоқчи бўлади*). Мана сенга навбат...

*Лекин улгуролмайди – Содиқ ёввойи мушукдай бир сакраб, унинг қўлини қайириб олади ва диван томонга итқитиб юборади. Доцент оғриқдан инграганича диваннинг тагига кириб кетади.*

Ҳ у ш ё р. Энди танишиб олайлик. Биз безори ёки ўғрилар эмасмиз. Ҳалигидақа рокер-покер, металлест-петаллист ҳам эмасмиз. Бизнинг ташкилотимиз Совет ҳокимиятигаям, унинг жазо органларигаям бўйсунмайди. Қайта қуриш муносабати билан ҳукумат жиловни сал бўшатувди, ҳаммаёқни ишёқмас, дангасалар босиб кетди. Биз мамлакатни сенларга ўхшаган қаланғи-қасанғилардан тозалашда ҳукуматга ёрдам бермоқчимиз. Бригадчилар деб эшитганмисизлар?

П и ф а г о р. Эшитганмиз. Унақалар Италияда бўлади.

Ҳ у ш ё р. Ў-ў, савод зўр-ку! Урган, Содиқ, юрибсан-да сенам ахлат-хонама-ахлатхона. Челентано билан Чипполинонинг фарқига бормаёсан! (*Давом этиб.*) Сенларни ҳукумат барибир эпполмайди. Ушласаям “бир ой ичида ишга жойлашаман” деб тилхат берасанлар-у, кейин мамлакатнинг бошқа бурчагида тараллабедод қилиб юраверасанлар. Иш жойининг тайини йўқ, саёқ-дайдиларни мамлакат ва жамият учун ижтимоий фойдали фуқароларга айлантириш – бизнинг асосий вазифамиз!

П и ф а г о р. Бор-йўғи шуми?

С о д и қ (*Пифагорни кўрсатиб, Ҳушёрга*). Сўйсам, шу қанча гўшт қиларкан-а?

Ҳ у ш ё р. Йиғиштир! (*Ҳаммага.*) Демак, келишдик. Эртага бу ерда арвоҳларинг ҳам бўлмасин. Бизнинг мамлакатимизда тиланчи ва садақахўрлар бўлмаган, йўқ ва бундан кейин ҳам бўлмайди! Яхши ётиб туринглар.

*Ҳушёр ва Содиқ чиқиб кетишади. Сукут. Шамол.*

П и ф а г о р (*Қўйчивонга, меҳр билан*). Аҳмоқ экансан. Бир марта уриб қўйсанг ўлармидинг?

Қ ў й ч и в о н (*ийглаб*). Кечир мени, Пифагор!.. Ўлай агар кўрққанымдан урдим, ўзим ҳам билмай қолдим...

А й ё р. Қўйчивон икковимизни дўконнинг олдида ушлаб олишди. Шиша сотган пулимизниям олиб қўйишди, онасини хурмат қилай!..

Қ ў й ч и в о н (*ийглаганича, телефонга*). Алло, алло... Илтимос, бувимни улаб беринг... Алёшников қишлоғи... Ҳа, саккиз йил олдин ўлиб кетганлар... Буви! Мени эшитяпсизми, бувижон! Бу мен – Алёшаман!.. Сизни жудаям соғиндим, бувижон... Яқинда бораман... Бу дунё жудаям

қабих ва ифлос бўп кетди... Сизлар яшаган даврдагидай эмас... Энди сиздан бир қадам ҳам ажралмайман... Бирга яшаймиз, буви!..

*Чироқ ўчади*

## ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

*Ўша жой. Тун. Шамол. Орадан бир неча кун ўтган. Пифагор печка ёнида бетоб ётибди. Унинг ёнида Мухбир ўтирибди. Доцент ухлапти.*

П и ф а г о р (*огир*). Дунё қариди, Ер қариди... Инсоният болаликни ҳам кўрди – унда худолар одамлар билан ёнма-ён яшарди... Шиддатли, жўшқин ёшлик ҳам ўтди – унда одамзод руҳ билан эмас, тана билан озиқлана бошлади... Мана энди кексалик келди эшик қоқиб... Кексалик билан бирга турли касаллик, хорғинлик келди... Ажал эшик ортида турибди...

*Ташиқаридан машина овози эшитилади.*

М у х б и р. Яна дори олиб келишди.

П и ф а г о р (*қийналиб*). Сендан сал олдин акам келиб кетувди... Чиройли петлицали гимнастёрка кийиб олибди... Олдига чақиряпти...

М у х б и р (*унинг пешонасини ушлаб кўриб*). Иссифинг баланд-ку... Касалхонага олиб борайми? Қаерда бунақа шамоллай қолдинг?

П и ф а г о р. Шамоллаганим йўқ, анави дорининг иши бу...

М у х б и р. Қанақа дори?

П и ф а г о р. Ахлатга сепадиган... Ўттиз олтинчи йилда мени хизматга чақирди. Яхши мерган эдим – беш тийинлик тангани йигирма қадамдан беҳато урардим. Командиримиз комиссия-помиссия келиб қолса, мақтаниб мени кўрсатарди. Қўмондонлик соат совға қилган... Бир куни командиримиз мени чақирди: “Уртоқ Глебов, партия ва халқнинг муҳим топшириғини бажарасан”, деб қолди. Шундай деб менга ғалати тикилди, кўзлари намлангандай бўлди назаримда. Мен ҳеч нимага тушунмадим. Хуллас, эртаси куни мени махсус қисмга ўтказишди. Қандай отишимни текшириб кўришди. Яхши отдим, ҳамма ўк мўлжалга тегди. Қандайдир қоғозга қўл кўйдиришди. Кейин яна сўрашди: “Қизил аскар Глебов! Меҳнаткаш халқ иродасини бажаришга тайёрмисиз?” “Тайёрман! Керак бўлса жонимни ҳам аямайман!” дедим. “Совет халқи сизга жосуслар, фитначилар, инқилоб ва халқ душманлари устидан чиқарилган ҳукмни ижро этишни ишониб топширяпти!” деди... (*Анча вақт жим қолади.*) Ер остида узун, боши берк йўлак... Электр чироқлари хирагина ёритиб турибди... Мен девор орасидаги махсус жойда бекиниб тураман... Соқчилар муҳбусни олиб киришади-да, менинг рўпарамга келганда депсиниб, турган жойида юра бошлашади... Шунда мен чиқаман! Ўгирилиб қарашга улгурмайди! Биронтасиям қарагани йўқ!.. Зўр отардим!.. Мерган эдим!.. Яхши хизматларим эвазига яна битта соат билан мукофотлашди...

М у х б и р. Нечтасини... отгансиз?

П и ф а г о р. Ким санабди дейсан... Иш шунақанги кўп эдики, кеча билан кундузнинг фарқи бормай қолардим: иш, иш, иш! (*Алам билан.*) Меҳнаткаш халқнинг иродасини адо этардим!.. Бир гал – ҳеч эсимдан чиқмайди – биринчи май, байрам куни уйғотишди... Махбус йўлак бўйлаб оксоклана-оксоклана судралиб аранг келяпти... Соқчи жойида депсина бошлаши билан дарров чиқдим-у, наганни тўғриладим... Бунга қадар ҳеч қайси махбус қарамасди, буниси қаради!.. Умримда биринчи марта ўқим хато кетди – қулоғини салгина ялаб ўтди...

М у х б и р (*огир сукутдан сўнг*). Отангиз эканми?..

П и ф а г о р. Акам!.. Володька!.. (*Бирдан бақириб.*) Қулоғидан ўк

еганлар, стройся!!! Смирно! Равнение налево! (*Паст овозда.*) Бўлди, чарчадим. Ухлайман...

М у х б и р. Майли, ухланг... Мен малина териб келаман. Чой билан ичсангиз тузалиб кетасиз... (*Челак олиб, чиқиб кетади.*)

*Битта лайлакни белига қистириб олган Айёр кириб келади.*

А й ё р. Лайлак келди – ёз бўлди! Олқиндиларга салом! (*Пифагорга яқинлашиб.*) Ие, яқинлашиб қопсан-ку. Кўрқаяпсанми?

П и ф а г о р. Ҳа...

А й ё р. Нимасидан кўрқасан? Нима, у ёқда бу ердагидан ҳам даҳшат деб ўйлайсанми? Йўқ, бу ердагидан баттар бўлмаса керак. Яхшиям ўлим деган нарса бор, “шап” этади – олади-қўяди. Одамзод ҳечам ўлмаса, биласанми, нима бўлади? Э, онасини ҳурмат қилай, азобнинг ўзи-ку! Очарчилик, қимматчилик, уруш, инқилоблар, қамок, қувғин, СПИД, дарёлар қуриган, ер ишдан чиққан – сен бўлсанг яшайверасан, яшайверасан, яшайверасан! Онасини ҳурмат қилай, ўйласам ўзимам кўрқиб кетаман! (*Лайлакни кўрсатиб.*) Ахлатхонада юрсам, тепамда қанотини “шап-шап” қилди-ю, оёғимнинг тагига кулаб тушди. Қарасам, туппа-тузук лайлак! Учиб кетаётиб ўлиб қопти. Дорининг оқибати... Қиш келяпти, лайлак нима қиладди бу ерда? Ё ҳайвонот боғидан қочдимикан? (*Пифагорга.*) Майли, сен бемалол ўлавер, халақит бермайман. (*Лайлакни тепадаги сиртмоққа осиб қўяди. Чайқалиб турган лайлакка қараб.*) Аनावи куни, дейман, менам шунақа осили-иб турардим-да, а? (*Анча пайт лайлакка тикилиб туради. Кейин недир хаёлга бориб телефон гўшагини кўтаради.*) Алло, алло... Алло, Нью-Йорк? Нью-Йорк! Бирлашган Миллатлар Ташкилотими? Кечирасиз, ахлатхонадан безовта қиляпмиз! Илтимос, Бош секретарни улаб юборинг... Ассалому алайкум! Яхшимисиз? Раҳмат, раҳмат... Тупрокдан ташқарида, дегандай, юрибмиз... Масала жиддий. Шу, денг, бизнинг жонажон ахлатхонамизга қанақадир дори сепишяпти... Ҳа, касаллик тарқалмасин, деб-да... Бирон тирик жон йўқ, ҳаммаси қирилиб кетди... Э, уни айтасиз, ҳатто гўнқарғаям қолгани йўқ! Фақат биз қолдик... А? Яна бироз яшасак, девдик-да... Иложи йўқ?... (*Гўшакни қўйиб, Доцентга.*) Эшитдингми?

Д о ц е н т (*бепарво*). Эшитдим.

А й ё р. Бўлди, йиғиштиринглар ашқол-дашқолни! Кетамиз!

Д о ц е н т. Қаёққа?

А й ё р. Ватанимиз бепоён – иссиқ ўлкаларга-да! Билиб келдим: станцияда ўша ёқларга борадиган юк поезде турибди. “Так-тук, така-тук” қилиб, ухла-аб кетаверамиз. Янги жойлар, янги одамлар! Ҳавоси иссиқ, мева-чева деганинг тикилиб ётибди: қовун дейсанми, тарвуз дейсанми, анжир, ўрик, шафтоли! Одамлари жуда меҳмондўст – ким келсаям кучок очиб кутиб олаверади! Хуллас, жаннатнинг ўзгинаси! Бу ерда нима бор? Совук, зах, лой!... Кейин, анавилар энди барибир бизни тинч қўймайди. Уларни яхши биламан, мелисадан ҳам багтар! Мелиса-ку, ҳозир яхши бўп қолган, булар ёмон – жон жойингга уради. Кетдик, кетдик...

Д о ц е н т (*Пифагорни кўрсатиб*). Бу-чи?

А й ё р. Бу ўлади. Оббо, жа эзма экансан-да лекин! Ўлмаса, яшайди! Ўз холига қўйсанг-чи одамни, тинчгина ўлсин.

Д о ц е н т. Хайр, Пифагор... Ухлаяпти.

А й ё р. Бўл, бўл! (*Кета туриб, қайтади.*) Пифагор!.. Пифагор, бирон нима кўряпсанми? А? Ётиб бордингми ўзи? Нима кўряпсан, Пифагор?

П и ф а г о р (*аранг*). Йўлак...

А й ё р. Йўлакнинг охирида чирок борми? Ёруғлик борми? Йўлакнинг охирида нима бор, Пифагор?

П и ф а г о р. Қон...

А й ё р. Алахсираяпти... Ҳечқиси йўқ, борсанг ҳаммасини ўз кўзинг билан кўрасан. Улим – инсон учун нормал ҳолат. Тириклик – ҳаётнинг бузилган шакли... *(Чолнинг пешонасидан ўтиб кўяди.)* Ёнингдан менга ям жой олиб кўй. Ҳеч бўлмаса, у ёқда ахлатхонада яшамайлик... Омон бўл, Пифагор. Йўғ-э, жойинг жаннатда бўлсин, Пифагор!..

*Айёр билан Доцент чиқиб кетишади.*

П и ф а г о р *(зўрга ўрнидан туриб, тоза оқ кўйлак олиб кияди)*. Эҳ, Володька, Володька, нима қилиб кўйдим... Умрим бўйи сенинг олдингдаги қарзимни узаман деб яшадим... Барибир узолмадим, шекилли... Умр етмади...

С у в п а р и с и *(югуриб кириб)*. Қани у?

П и ф а г о р. Ким?

С у в п а р и с и. Витя!

П и ф а г о р. Қанақа Витя?

С у в п а р и с и. Афғонни айтяпман! Кечқурун “йигитларни соғиндим, бир кўриб келай” деб чиқиб кетувди. Кутдим, кутдим, ҳеч келавермади. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да, унга бир нима бўлса мен ўлиб қоламан!..

П и ф а г о р. Бу ерга келгани йўқ. Агар ухлаб ётганимда келган бўлмаса...

С у в п а р и с и. Эй, худойим, нега битта ўзини юбордим-а, нега?! Уни ёлғиз кўйвормаслигим керак эди! Ўзим аҳмоқман, аҳмо-оқ!..

*Ҳушёр билан Содиқ киради.*

Ҳ у ш ё р. Ким у – аҳмоқ?

С у в п а р и с и. Ишинг бўлмасин!

Ҳ у ш ё р. У-ў, тегманозик-ку! *(Пифагорга.)* Бошқалар қани?

П и ф а г о р. Кетишди... Бутунлай кетишди...

С о д и қ. Сен-чи? Нима, сенга алоҳида айтиш керакми?

П и ф а г о р. Мен ҳам кетаман... Ҳозир кетмоқчи бўлиб турувдим ўзи. *(Секин гўшакни олиб.)* Володька... Овозимдан танидингми, жигарим?... Ушанда, йўлакда овоз беролмадим... Ҳаққим йўқ эди... Қулоғинг тузалиб кетдими?... Оғридимми ўшанда?... Оҳ, оғритмай отишинг иложи бўлганда эди! Менам олдинга кетяпман, Володька... Бугун, ҳозир... Кўришгунча... *(Гўшакни кўяди, стаканга шам кўйиб ёқади. Шамол эшикни очиб юборади ва у қоронғиликка сингиб кетади.)*

*Ҳушёр билан Содиқ ҳайрон.*

С у в п а р и с и *(бирдан ўзига келиб)*. Нега қараб турибсизлар, ахир оёқ яланг чиқиб кетди-ку!

Ҳ у ш ё р. Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

С у в п а р и с и. Совуқда ўлиб қолади-ку, ҳайвонлар!

С о д и қ *(бостириб бориб)*. Ким ҳайвон? А?

С у в п а р и с и. Ҳайвондан ҳам баттар экансизлар!

*Қиз қочиб чиқиб кетмоқчи бўлади, Содиқ икки сакраб ушлаб олади ва ичкарига улоқтириб юборади.*

С о д и қ. Гапингни яна бир марта қайтар, СПИДнинг уяси, нима деддинг? Қани, бери кел-чи, бир гаплашиб олайлик. Бери кел!

С у в п а р и с и *(кўлга тушганини англаб)*. Йигитлар, кўйсаларинг-чи, нима кераги бор?... Бу ерга тасодифан келиб колдим, ўзим шаҳарда яшайман... Эрим бор, болаларим бор... Мен, мен қасалман!.. Нима қиласизлар, касал юктириб?... Илтимос... Бақираман!.. Ердам беринглар!!!

Х у ш ё р. Қаттиқроқ.  
 С у в п а р и с и. Ким бор, ёрдам беринглар!!!  
 Х у ш ё р. Содик, эшитмаяпсанми, ёрдам сўраяпти, ёрдам бервор.  
 С у в п а р и с и. Аблах! Ярамас! Ифлос! *(Телефонни олиб.)* Яқинлашма,  
 бошингни ёриб ташлайман! *(Ииглаб.)* Жон йигитлар, менга тегманглар,  
 хайрларингни берсин!.. Менга тегиб бўлмайди!.. Мумкин эмас, ахир!..  
 Нима десаларинг қиламан, фақат тегманглар!.. Ялинаман, тиз чўкаман...  
*(Холсиз.)* Ёрдам... Ёрдам беринглар...

*Кутилмаганда телефонни Содикнинг баширасига отади, лекин у илиб олади.*

С о д и қ. Бу ёкка кел.  
 С у в п а р и с и *(чорасиз)*. Йўқ... Йўқ... Эрим бор, деяпман-ку!..  
 Иккиқатман, яқинда туғаман!..

*Содик бир силтаб қизнинг кўйлагини йиртиб юборади.*

С у в п а р и с и *(жон ҳолатда телефонга ёпишади, гўшаққа)*. Эй,  
 Худо! Бор бўлсанг ўзинг ёрдам бер!..

Бир челак сув ва малина шохчаларини кўлтиқлаб Мухбир кириб келади.

М у х б и р. Нима бўляпти бу ерда?  
 Х у ш ё р. Катта холангнинг тўйи бўляпти.  
 М у х б и р. Мен жиддий сўраяпман.  
 Х у ш ё р. Кеча йигирма тўрт соат ичида бу ерда изларинг ҳам қолмасин,  
 деб огоҳлангирдикми? А? “Ҳа”ми, “йўқ”ми? *(Содикқа.)* Кулоксиз бола  
 экан. *(Мислсиз чаққонлик билан унинг қорнига туширади. Букчайиб*  
*қолган Мухбирнинг сочидан ушлаб, ўзига қаратади.)* Беш дақиқа муҳлат  
 бераман. Беш дақиқада югуриш бўйича жаҳон рекордини янгилашинг  
 керак. Қани, старт!

М у х б и р *(кутилмаганда эшикка қараб югуради ва гўё бир кўринмас*  
*деворга урилгандай, таққа тўхтаб қолади)*. Кетмайман.

Х у ш ё р *(яқинлашиб)*. Кетасан.

М у х б и р. Шошманглар, йигитлар, шошманглар...

Х у ш ё р. Эшитаман. Лекин оғзингдан чиққан хар бир гап учун жарима  
 тўлайсан. Биринчи гапни айтдинг... *(Қорнига туширади.)*

М у х б и р *(букчайиб)*. Мен дайди эмасман...

Х у ш ё р. Иккинчи гапни айтдинг... *(Уради.)*

М у х б и р. Мен “Байроқ” газетасининг мухбириман...

Х у ш ё р. Мен “Слободский” черковининг митрополитиман... *(Уради.)*

М у х б и р *(йиқилиб тушиб)*. Тўхтанглар ахир!.. Бу ерга таҳририятнинг  
 топшириғи билан келганман, хужжатимни кўрсатишим мумкин...

С о д и қ. Биламиз – “Меҳнат фахрийси”!

Х у ш ё р. Хўш, мухбир бўлсанг, нима ҳақида ёзмоқчисан?

М у х б и р. Ҳаммасини ёзаман...

Х у ш ё р. Ёзсанг хато қилмай ёз, хўпми?..

*Сўнги бор уради, Мухбир бурчакка учиб кетади, қайтиб ўрнидан турмайди.*

С у в п а р и с и *(юлқинганча Содикнинг кўлидан чиқиб, чинқириб*  
*Хушёрга ташланади)*. Ҳайвон! Фашист!!!

Х у ш ё р. Содик, манавини ол!

*Содик уларни ажратади, қиз типирчилаганча унинг юз-кўзига чанг солади.*

С о д и қ. Тинчлан, жоним, тинчлан... Юр, ўзим тинчитиб кўяман.  
С у в п а р и с и. Ит!.. Чўчка!.. Тирик эканман таслим бўлмайман,  
билдингми?! Фақат ўлигимга эгалик қиласан, мараз!!!  
С о д и қ. Ўлигинг ҳам бўлаверади, жоним!..

*Қиз унинг қўлини тишлаб олади.*

Уҳ!.. Ана энди кўрасан, ўша тишлаган тишларингни қоқиб олмасамми!..

*Улар олиша-олиша диван ортига йиқилиб тушадилар. Қизнинг чинқиргани эшитилади. Сукут.*

Х у ш ё р (*Мухбирнинг томирини ушлаб кўриб*). Тамом бўпти-ю... Содик, бўлди, йиғиштир! Тезроқ жуфтакни ростлаш керак! Уйни ёқворамиз.

*Оҳиста эшик очилиб, остонада Пифагорнинг шамли стаканини тутганича Афгон пайдо бўлади. Содик у ёқ-бу ёғини тузатиб, диван ортидан чиқади.*

Жин урсин!.. (*Бақариб.*) Нечтасанлар ўзи?!  
А ф ғ о н. Пифагор оламдан ўтди... Сап-сарик дорининг устида чўзилиб ётибди...

*Диван ортидан ранги-рўйи бир аҳволда қиз чиқади, гандираклаганича Афгоннинг олдига келади.*

С у в п а р и с и (*йигитнинг елкасига бош қўйиб*). Қаерларда юрибсан?.. Шунақаям бўладими одам... Ёлғиз юрма, Витёк, яна тилдан қолишинг мумкин... Сен тилдан қолсанг ким гапиради? Қушларми, майсаларми, Ерми ё осмон, ким?.. Олам – соқов, замон – гунг... Ким гапиради?..

А ф ғ о н (*пальтосини ечиб, қизнинг елкасига ташилайди*). Лена, сен боравер, мен етиб оламан...

С у в п а р и с и. Қўй, тегма уларга... Улар шундоқ ҳам ўлиб бўлган... Ўзи юрадиган, овқат еб, кийим киядиган мурдалар... Улардан бўлган болаям ўлик туғилади... (*Хиргойи қилиб чиқиб кетади.*) Жа-ло-ло-бод... Жа-ло-ло-бод...

А ф ғ о н. Сенларни қарғади...

Х у ш ё р. Шу холосми?

А ф ғ о н (*ўша оҳангда*). Сенларни қарғади...

Х у ш ё р. Менга қара, оғайни, шамингни столга қўй-да, оёғингни кўлингга олиб жононингнинг кетидан югур.

*Афгон жойидан қимирламайди.*

С о д и қ (*Афгоннинг сочидан тутиб*). Яна бир марта қайтарайликми?  
Х у ш ё р (*яқин келиб*). Қўйсанг-чи, яхши болага ўхшайди, ўзи тушуниб турибди. Тўғрими, йигитча? Мишиғингни артгин-да, бориб Содикнинг ишини қолган жойидан олавер.

А ф ғ о н (*қутургандай ўқириб*). А-а-а-а!!!

*Унинг кўз илгамас кескин ҳаракатидан Хушёр ва Содик икки томонга учиб кетади.*



С о д и қ (*сакраб туриб*). Ие, ҳали бақирешниям биламан, дегин?! Афғонистонда сенга ўхшаган бақироқларнинг кўпини кўрганмиз! Шунақа бақирешганки, ҳозиргача қулоғимдан кетмайди! Ҳаммасини кўрганман! Сенлар айш қилиб юрганларингда, мен у ёқда жон бериб-жон олганман!

*Ҳушёр турмоқчи бўлади.*

А ф ғ о н. Ёт!

*Ҳушёр ётади.*

(*Содиққа.*) Қаерда хизмат қилгансан?

С о д и қ (*қутуриб кетади*). Содиқ деган номни Афғонда орттирганман, билдингми?! Мамлакатни сен ифлослардан тозаламагунимча содиқ бўлиб қоламан! Содиқма-ан!.. (*Афғонга ташланади.*)

*Афғон унга чап бериб, қўлини қайириб олади.*

Ҳ у ш ё р. Қўй энди, оғайни, жа ўзингдан кетма... (*Турмоқчи бўлади.*)

А ф ғ о н. Қимирлама! (*Содиққа.*) У ёқда душман томонга нимада обориб ташлашади?

С о д и қ. Қўйвор, оғрияпти!.. Вертолётда!..

А ф ғ о н. Яхшилаб эсла!

С о д и қ (*оғриқдан юзи буришиб*). Синдирасан!.. Вертолётда, деяпман-ку!.. Бўлди қил!..

А ф ғ о н. У ёқда “вертолёт” дейилмайди, мараз, “вертушка” дейилади! (*Содиқни қўйиб юбориб, қўллари билан юзини бекитиб олади.*) Афғонга бормагансан!.. Бормагансан! (*Йиғлаб юборади.*) Коля! Булар сенинг қонга бўялган гимнастёркангни ўзларига бўйлаяпти!.. Нега буларни қон урмайди, нега?! Эй, осмон! Заминингга қара: имону виждоннинг уйига ўт кетяпти!!!

*Содиқ қўлини чўнтагига тикади.*

Столга қўй! Барибир ишлатолмайсан, қўлингни синдириб ташлайман. Қўй, деяпман!

*Содиқ пичоқни столга қўяди.*

Ҳ у ш ё р. Кел, оғайни, хотиржам гаплашиб олайлик...

А ф ғ о н. Гаплашамиз... Бугун Кольканинг хотира куни... (*Чилвир олиб Ҳушёрга атади.*) Ма, анавини курсига боғла.

Ҳ у ш ё р. Менга қара, яхшиликча йўл-йўлимизга кетайлик. Биз кўпчиликмиз. Кейин бирон жойда учрашиб қолсак яхши бўлмайди.

А ф ғ о н. Боғла!

Ҳ у ш ё р. Оғайни...

А ф ғ о н. Бўл!

*Афғон пичоқ атади ва у Ҳушёр нинг нақ оёғининг тагига санчилади. Ҳушёр шоша-пиша шеригини боғлашга киришади.*

(*Ҳушёрга.*) Деворга ўгирил.

Ҳ у ш ё р. Бекор қиялсан лекин...

А ф ғ о н (*Ҳушёрни боғлайди, чўнтагидан сигарет қутисини авайлаб-гина олади*). Бу Кольканинг қонига бўялган... (*Қутининг ичига қараб.*) Бештагина... Битгасини унинг қабрида чекканман... Қолганини шу ерда

чекамиз... (Газ баллонини яқинроққа судраб келади, жўмрагини бурайди, вишиллаб газ чиқа бошлайди.)

Х у ш ё р (ўтакаси ёрилиб). Нима қияпсан?! Эсинг жойидами?!

С о д и қ. Учир! Контузиямисан, нима бало?!

А ф ғ о н (Пифагор қолдириб кетган шамдан сигарет тутатиб чекади, биттасини Ҳушёрнинг, иккинчисини Содиқнинг лабига қистириб қўяди). Чекинглар – мозорбосди... Кўрқманглар, мен ҳам шу ерда бўламан. Колька ҳам шу ерда...

*Афгон гўё бир қўшиқ тинглаётгандай газнинг вишиллаган овозига чайқалиб, шошилмай чекиб ўтиради.*

С о д и қ (жазавага тушиб). Йўқ, йўқ, йўқ, истамайман!..

Х у ш ё р. Қўлни еч!.. Болам бор ахир!.. Талабаман, институтда сиртдан ўқийман!..

*Афгон парво қилмай чекаверади. Мухбир ўзига келиб, бир амаллаб ўтириб олади, афт-башараси қон, эмаклаб стол томонга кела бошлайди. У Афгоннинг ёнига келиб ўтиради. Афгон унга ҳам сигарет беради. Мухбир қийнала-қийнала чекади. Сув париси киради – қўлида шамли стакан...*

С у в п а р и с и. Шундай кун келади... Шундай кун келади... Шундай кун келади...

*Ҳар томондан Пифагор, Айёр, Қўйчивон, Доцент, Вита, Вася кириб келишади. Ҳаммасининг қўлида шамли стакан, кўзлари юмиқ. Улар гўё ниманидир қидираётгандай юмиқ кўзлари билан осмонга қарайдилар. Қачонлардир Қўйчивон тузатиб кетган кўҳна ва ташландиқ соатлардан қайси биридир ўн икки марта занг уради...*




Тамом

Рус тилидан  
Шароф БОШБЕКОВ  
таржим

**УСТОЗ**  
ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

*Jaʼhon*  
АДАБИЁТИ



**РАМЗ БОБОЖОН**  
**(1921-2008)**

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

91

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

## ТАБИАТДАЙ ГЎЗАЛ БИР ҲАЁТ

XX аср ўзбек адабиётида ибратли из қолдирган атоқли ижодкорларимизнинг аксарияти моҳир таржимон ҳам бўлишган. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Миркарим Осим, Мақсуд Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Усмон Носир ва бошқа адиблардан қолган адабий мерос сўзимизнинг далилидир. Уларнинг давомчиларидан Зулфия, Туроб Тўла, Шухрат, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Шукрулло, Рамз Бобожонлар ҳам дунё адабиётининг сара асарларини ўзбек китобхонига етказишда мислсиз хизмат қилдилар. “Мислсиз” дея таъкидлаганимизнинг сабаби, Шекспир, Шиллер, Пушкин, Лермонтов, Толстой каби жаҳон классикларининг ўзбекчага ўтирилган асарларида барча замонлар учун муҳим, сув билан ҳаводай зарур бўлган адолат, ҳақиқат, эзгулик, муҳаббат, садоқат, ёвузликка қарши исён ва курашчанлик туйғулари қайнаб туради, китобхон юрагига сингиб, уни маънавий етуклик сари етаклайди. Бу жараён тўхтамайди, асрлар оша янги-янги таржима асарлари билан бойиб, қувватланиб бораверади. Ижодкор ўтиб кетса-да, у яратган асарлар, таржималар ҳам нурланганича келгуси наслларнинг онгини ёритиб, уларга руҳ беради, халқи билан яшашда давом этади.

Биз бу ўринда адабиётимиз захматкашларидан бири, XX аср ўзбек шеърининг ва таржимачилигининг юксалишига ўз ҳиссасини қўшган ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон ва унинг айрим таржималари борасида фикр юритмоқчимиз.

Шоир, драматург ва моҳир таржимон Рамз Бобожон 1921 йили Тошкентда туғилган. Мактаб ва институтни битиргач, газетада, радиода муҳаррир вазифасида ишлаган, Бадий адабиёт нашриётида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, “Ватан” жамиятида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган. Ун беш ёшидан шеърлари билан матбуотда кўринган шоирнинг илк “Шеърлар” тўплами 1939 йилда босилган. Кейин унинг “Ҳаёда” (1940), “Олтин камалак” (1949), “Водий бўйлаб” (1949), “Танланган асарлар” (1958), “Севги сирлари” (1963), “Сенга севгим” (1969), “Биринчи парвоз” (1989), “Муҳаббатга таъзим” (1980), уч жилдли “Танланма” (1984) “Сенинг меҳринг” (1996) каби китоблари Тошкент нашриётларида чоп этилган.

1950-1990 йиллар орасида шоирнинг рус тилида ҳам ўнларча китоби, жумладан, “Сердце не спит никогда”, “Дважды живёт поэт”, “Солнце в зрачках”, “Да – я азиат”, “Тебе, любимая”, “Спасибо, родной”, “Лирика”, “Монолог”, икки жилдли танланган асарлари босилган, уни кенг шеърхонлар оммасига танитган. Русчадаги айрим шеърларига куй басталаниб, кўшиққа айланган.

Рамз Бобожон илк шеърини тўпламлари чиққан йиллардаёқ шеърини таржима билан шуғуллана бошлаган. Масалан, рус мумтоз шоири М. Лермонтовнинг 1941 йилда Тошкентда босилган икки жилдлигига унинг ҳам “Қора кўзлар”, “Оқшом” каби таржималари киритилган. Маълумки, таржимон муаллиф билан шеър санъати майдонида яккама-якка куч синашади. Сайфи Саройи айтганидек, “Жаҳон шоирлари, эй, гулшани боғ, Бири булбул эрур, бирисидир зоғ”. Булбулни булбул бўлиб таржима қилинсагина асар ўқилади. Бундан хабардор бўлган, йигирма ёшлардаги таржимон майдонда жаҳоншумул шоир қаршида турганини яхши ҳис этган. У Лермонтовнинг “Оқшом” шеърини тилимизга шундай ўтирган:

*Ложувард ер этагига нақ  
Чўкар экан қип-қизарган кун,  
Туман тушиб, қўланка шу чоқ  
Олисларни қопларкан бутун –  
Шунда, жимжит сураман хаёл,  
Мангу ҳаёт, севги ҳақиқинда.  
Кимдир менга сўзлар тагин-да:  
– Бўлмайсан ҳеч бахтли, баркамол!  
Ожиз кўнгил билан шу замон*

*Осмон сари ташлайман нигоҳ,  
У муъжиза яратмиш ногоҳ  
На сенга, на менга армуғон,  
На арзимас нодонга туҳфа,  
Ки сенинг бир боқилишиг бу дам  
Ортиқроқдир турфа ва турфа  
Кўп самовий инъомлардан ҳам!*

(Лермонтов М.Ю. Танланган асарлар. Шеърлар ва поэмалар. – Т., Узадабийнашр, 1941, 50-б.).

Бизнингча, шеър яхши ўғирилган, яъни сатрлардаги маъно ва мазмун ҳам, шаклдаги вазн, туроғу қофияланиш тартиби ҳам тўла сақланган. Қийёслаш учун шеърдан бир парча келтирамиз:

*Когда садится алый день,  
За синий край земли,  
Когда туман встает и тень  
Скрывает все вдали, –  
Тогда я мыслю в тишине  
Про вечность и любовь,  
И чей-то голос шепчет мне:  
– Не будешь счастлив вновь!..*

(Лермонтов М.Ю. Собрание сочинений в четырех томах. – М., 1983, стр.195).

Рамз Бобожон кейинчалик исёнкор рус шоирининг “Боярин Орша” достонини ҳам ўзига хос маҳорат билан таржима қилди, асар Лермонтовнинг 1964 йилда чиққан “Поэмалар” китобига киритилди. Китобга сўзбоши ёзган атоқли шоирамиз Зулфия бу асарга улғу адабиётшунос Виссарион Белинскийнинг юксак баҳо бериб, “унинг бутун оҳанги, қандайдир ғалати лаззатга тўла. Унинг маст килувчи даҳшатли кучидан кутулиш менга маҳол. Бундай шеърлар ҳар бир ўқиган кишини ҳар қандай шаробдан кўра кучлироқ маст қилади” деганини жуда ўринли таъкидлаган.

Рамз Бобожон “Тоға ва жиянлар”, “Лўлилар”, “Инсу жинс ёки тирик мурдалар”, “Юсуф ва Зулайхо” каби драмалар муаллифи бўлиши билан бирга, Генрик Ибсен, Сергей Михалков, Наби Ҳазрийларнинг қатор драмалари ўзбек томошабинига етказилишига хизмат қилган таржимондир. Айниқса, унинг рус шеърятидан А. Пушкин, М. Лермонтов, Н. Некрасов, А. Твардовский, Н.Тихонов, Н.Грибачов, қардош адабиётлардан Р.Ҳамзатов, Н.Ҳазрий каби ўз даврининг донгли шоирларини, уларнинг энг машҳур асарларини таржима қилгани ҳам диққатга сазовордир. Масалан, Пушкиннинг “Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал кўйдим ўзимга” (матн давомида шартли равишда “Ҳайкал” деб олинди), Некрасовнинг “Темир йўл” асарлари яратилгандан бери уларнинг нафақат муаллифлар ижодида, балки адабиёт тарихида ҳам муҳим ҳодиса сифатида талқин қилингани, замонлар оша мактаб дарсликларидан ўрин олиб келаётгани маълум. Бу ўринда ана шу икки асар ва таржимаси хусусида алоҳида тўхталмоқчимиз.

“Ҳайкал” шоир лирикасининг сўнгги даврига мансуб энг муҳим асардир. Муаллиф унда ўз умрининг, ижодининг сўнг палласидаги, чўққисидаги хасбиҳолини тасвирлаган. Бу асар унинг авлодларга, башариятга шоирона васиятидир. Тадқиқотчилар фикрича, унда шоир шахси, аждодлар хотираси ва мангулик, яъни адабиёт ва абадиёт мавзуси пушкинона ифодаланган.

1836 йил 21 августда битилган бу жаҳоншумул шеър муаллиф ўлганидан кейин, 1841 йилда В. Жуковский тайёрлаган шоирнинг “Танланган асарлар”ида босилган. Бу асарнинг ёзилишига антик даврнинг шавкатли шоири Гораций (мил.ав. 65-8 й.)нинг “Eхegi monumentum” одаси туртки берган. Русчада уни “Памятник нерукотворный”, “Похвала писцам” дея аташган. Рим шоирининг бу қасидасидан илҳомланган М. Ломоносов, Г. Державин, В. Капнист, А. Востоков, С. Тучков каби XVIII аср муаллифлари ҳам ҳайкал мавзусида ўз қасидаларини ёзишган. Аммо улардан фақат Пушкиннинг дохиёна қаламига мансуб “Ҳайкал”гина даврлар оша севиб ўқилмоқда, давронлар шамолида

йиқилмай, ҳамон замонларга, инсонларга хитоб этиб турибди. Ўзбек ўқувчиси ярим асрдан бери ўқиб келаётган бу асар Р. Бобожоннинг Пушкиндан таржима қилгани – йигирмадан ортиқ шеър орасида алоҳида ажралиб туради. Асл матндаги фалсафий мазмун, соддалик, самимийлик, равошлик ўзбекчада ҳам сақланган. Русчада вазн, тўртликларга кўра, 13 ва 8 бўғинли, ўзбекчада эса 14 ва 11 қилиб олинган. Таржима санъатида бу тажрибадан ўтган, ўзини оқлайдиган усул. Сатрлардаги кучли маънони ўз тилида тўла ва раво ифода-лаш учун таржимон баъзан вазни орттириши ижобий натижа беради. Аслият билан қиёслаб кўрилса, бу фикримизга балки қўшиларсиз:

*Кўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,  
Халқнинг келар йўлини ўт-ўланлар қилмас банд;  
У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга,  
Александр куббасидан ҳам баланд.*

Русчаси:

*Я памятник себе воздвиг нерукотворный,  
К нему не зарастёт народная тропа,  
Вознёсся выше он главою непокорной  
Александровского столпа.*

Бу сатрлар орасидаги маънолар, мажозлар борасида тадқиқотчилар турли фикрларни билдиришган. Масалан, “воздвиг”, “нерукотворный”, “вознёсся” сўзларини Исо алайҳиссаломнинг кўкка юксалиши билан боғлаб, шоир бу сатрларда ўзига шеърятни билан илохий бир обида яратганига ишора қилганини таъкидлашади. Ҳақиқий шоир ва пайғамбар тарозининг бир палласига қўйилиб, даҳолар шеърятни ва пайғамбарлар муъжизаси чоғиштирилмоқда. Буни оврупоча мушоҳада тарзи ўлароқ қабул қилиш мумкин, албатта. Тўртинчи сатрдаги Александр куббаси, маълумки, Петербургдаги подшоҳ саройи майдонида Александр I шарафига ўрнатилган обида. Айтишларича, бу сатрда дунёнинг саккиз муъжизасидан бири саналган Искандария маъғига ҳам ишора бор, абадиятга дахлдорлик таъкидланмоқда. Зотан, кейинги тўртликда ўлим ва ўлимсизлик, ўткинчи ва мангу ҳаёт тўғрисида фикр юритилмоқда:

*Йўқ, бутунлай ўлмайман – қалбим яшар лирамда,  
Тупроғим-ла чиримай яшайди у то абад,  
То бирон шоир-поир қолар экан оламда,  
Мени сира тарк этмайди шон-шуҳрат.*

Русчаси:

*Нет, весь я не умру – душа в заветной лире  
Мой прах переживёт и тленья убежит –  
И славен буду я, доколь в подлунном мире  
Жив будет хоть один пиит.*

Таржимоннинг маҳорати барча сатрларда, айниқса, “То бирон шоир-поир қолар экан оламда” каби мисраларда бўртиб турибди. Лири сўзини айримлар чолғу, соз, дея ўгиришади. Лирика сўзини рубобий шеър деб аташади. Аммо бу ўринда антик адабиёт билан боғлиқ айни сўзни таржимон “қалбим яшар лирамда” тарзида ўгираркан, ундаги антик дунё ва рус иждоқорига хос руҳни сақлаб қолган. Қуйидаги тўртликда эса шоирнинг Ватанга муҳаббати, унинг шуҳрати юрт билан бирга мангу яшаши тўғрисида сўз боради:

*Овозим-ла чулганар поёни йўқ улуг Рус,  
Ундаги эл-элатлар мени ёдлайди ҳар дам,  
Мағрур славян насли, бугунги авом тунгус,  
Фин халқию даишлар дўсти қалмоқ ҳам.*

Русчаси:

*Слух обо мне пройдёт по всей Руси великой,  
И назовёт меня всяк сущий в ней язык,  
И гордый внук славян, и финн, и ныне дикий  
Тунгус, и друг степей калмык.*

Асарнинг сўнг қисмида шоирнинг бош фикри – ёвузлик, зулм ҳукмрон бир замонда эркини, адолатни куйлагани, хор бўлган авомга ачинишга чақиргани ва бу билан халқнинг меҳрини қозонгани ифодаланган. Муаллиф бу билан шоирнинг тарихий “миссия”си ана шу фазилатларда эканига урғу берган:

*Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,  
Зотан, рубобим билан эзгу ҳислар тугдирдим,  
Шу ёвуз замонамда куйладим эркини мақтаб,  
Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.*

Русчаси:

*И долго буду тем любезен я народу,  
Что чувства добрые я лирой пробуждал,  
Что в мой жестокий век восславил я свободу,  
И милость к падшим призывал.*

Рамз Бобожоннинг ярим асрдирки суюб ўқиладиган таржималаридан яна бири халқпарвар рус шоири Н.Некрасовнинг машҳур “Темир йўл” асаридир. Утган асрнинг 40-50-йилларида ва ундан кейинроқ туғилганлар ҳам бу шеър билан мактабдаёқ танишган, севиб ёд олган.

Маълумки, шоир крепостной ҳуқуқи бекор қилинмаган, инсон ҳақлари топталган бир даврда яшади ва ижодкорлар ичида биринчилардан бўлиб ёвузликка қарши чиқди, рус халқининг, мужик-деҳқонларнинг аянчли тақдири ҳақида энг кўп куюниб ёзган ҳам удир. Афсуски, крепостной ҳуқуқи бекор қилингандан кейин ҳам оммага ҳақиқий эркинлик ва ҳақ-ҳуқуқ берилмади. “Русияда ким яхши яшайди” асари каби 1864 йилда битилган “Темир йўл” шеърининг мавзуси ҳам, бош лирик қаҳрамон ҳам мазлум халқдир. Бир ёндан қараганда, у – барча моддий неъматларни яратадиган, ҳурматга сазовор, улуғвор меҳнатқаш; иккинчи томондан боқилса, у – хор, увол, боши букик, сабрли кул. Шоир қулфёэлли оммининг ана шу сабрли сукунатида келажакдаги ўзгариш қалдирокларини, чакмоқларини туяди ва асарига ёрқин умидбахш оҳангларни олиб киради. Яъни, темир йўл қурилиши битади, уни кўрган бувалар ва набиралар ҳам ўтади, аммо истикболда табиатдай гўзал бир ҳаёт бор.

Бизнингча, шоирнинг бу каби шеърларининг бугунгача ўқиладигани, дунё тилларига таржима қилинадигани, ўрганилинадигани ва ибрат олинадиганининг сабаби ҳам унинг халқ тақдири билан боғланганидир.

Шеър юртнинг инсонга завқ-шавқ, сурур берувчи гўзал тасвири билан бошланади:

*Ажойиб куз келди! Шифобахи, тоза,  
Хориган танларга бағишлар дармон.  
Ҳали дарё музлаб қотмаган роса,  
Турар эриётган оппоқ қандсимон.*

Русчаси:

*Славная осень! Здоровый, ядреный  
Воздух усталые силы бодрит.  
Лед неокрепший на речке студеной  
Словно как тающий сахар лежит.*

Асарнинг биринчи қисмида кенг ва бой, кўркам ўлка ёрқин рангларда тасвирланаркан, кейинги бўлимларда шундайин гўзалликка терсу хилоф бўлган адолатсиз, зулму зулмат муҳити, халқнинг оғир турмуши некрасовча жасорат ва санъат билан очиб берилади. Шунинг учун бу шеърни халқ ҳақидаги дoston ҳам дейишади. Таржимада ана шу юртсеварлик, халқпарварлик руҳи содда ва самимий ифодасини топган.

Бизнингча, бундай машҳур шеърлар ва таржималарнинг умри боқийдир.

Тоҳир ҚАҲҲОР

**РАМЗ БОБОЖОН**  
**ТАРЖИМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР**

*НИКОЛАЙ НЕКРАСОВ*

*Рус шоири*  
*(1821-1878)*

**ТЕМИР ЙЎЛ**

I

*Ажойиб куз келди. Шифобахи, тоза*  
*Ҳориган танларга бағишлар дармон.*  
*Ҳали дарё музлаб, қотмаган роса,*  
*Турар эриётган оппоқ қандсимон.*

*Ўрмон тевараги гўё нар тўшак,*  
*Ухламоқ мумкиндир эркин, бемалол.*  
*Ҳали япроқлардан ранг кўчмагандек,*  
*Гиламдай тўшалмиш сарғиш ва зилол.*

*Ажойиб куз келди! Тунлари аёз,*  
*Кундуз эса сокин, тиниқки бирам.*  
*Табиат нақадар осойишта, соз,*  
*Ҳаттоки тўнғаклар, ботқоқликлар ҳам –*

*Бари ой нурида кўринар гўзал,*  
*Ҳамма ердан қондош Русни кўраман.*  
*Чўян изларда тез учганим маҳал,*  
*Фикрга гарқ бўлиб, хпаёл сураман!*

II

*Эҳ, меҳрибон падар зафлат кўйнида*  
*Ақлли ваняни сақлайсан нечун?*  
*Рухсат беринг менга ойнанинг нурида,*  
*Унга ҳақиқатни кўрсатай бутун.*

*Эҳ, Ваня! Бу меҳнат бўлди кўп оғир,*  
*Бир киши кўлидан келмас ҳеч қачон!*  
*Дунёда бир шоҳ бор – у бешарватдир,*  
*Очлик дееб аталур, жуда беомон!*

*Денгизда кемалар, қуруқда кўшин*  
*Унинг ихтиёри билан юради.*  
*Элни корхонага ҳайдайди ҳар кун,*  
*Омоч тепасида ўзи туради.*

*Тошйўнар ва косиб унинг кўлида..*  
*Ўша халойиқни қувди бу томон.*  
*Кўплар шу даҳшатли кураш йўлида,*  
*Ўз меҳнат роҳатин кўрмай берди жсон.*

*Ўқ каби тўғри йўл – йўқдир поёни,*  
*Симёгоч кўприклар, кўтарма тепа.*  
*Рус суяқларидан ҳар икки ёни...*  
*Ваня биласанми, нақадар кўп-а?*



Қулоқ сол, эшитилар даҳшатли хитоб,  
 Оёқлар дупурлар, гижирлар тишлар...  
 Музлаган ойнада соя беҳисоб...  
 Нима гап? Мурдалар тўдаси улар.

Баъзан темир йўлни айланар кезиб,  
 Баъзан чопишади ёнма-ён, йироқ...  
 Қулоқ сол қўшиққа: “Ойдинда насиб –  
 Бўлмиш ўзимизнинг меҳнатни кўрмоқ!”

Доимо қад букиб кечирдик умр  
 Куннинг қизигида, совуқда ночор.  
 Очликка сўз бермай, яшадик чуқур –  
 Ертўлада ивиб, совуқ еб, бемор.

Ўнбошилар бизни талади бари,  
 Топтади бошлиқлар, эзди муҳтожлик...  
 Меҳнат болалари, тангри қуллари,  
 Ҳамма-ҳаммасига кўндик, чидадик.

Дўстлар! Самарамиз сизгадир раво,  
 Биз ерда чириймиз, тақдиримиз шу...  
 Биз бечораларни эслармисиз, ё –  
 Эсдан чиқардингиз кўндан ва мангу?”

Уларнинг қўшиғи ёввойи, кўрқма,  
 Улар Волхов то Волгага қадар,  
 Окадан, шу улуг давлатнинг ҳамма –  
 Бурчидан йиғилган мужик биродар!

Яширма юзингни, ҳайиқсанг уят,  
 Сен кичик эмассан!.. Сочи кўнғир тус,  
 Кўрдингми қаршингда тутиб турар қад,  
 Безгак енгган нотоб, новча белорус:

Лаблари қонсиздир, юзида қайғу,  
 Озиб-тўзиб кетган, қўллари яра,  
 Тиззадан сув кечиб, умр кўрган у,  
 Оёқлари шишган, сочи тасқара.

Кўкси ичга ботган, кун оша баттар,  
 Умрлар алами унга бўлган жсо.  
 Диққат билан, Ваня, ташилагин назар,  
 Бир бурда нон учун қанчалар жафо!

Ҳали букри қаддир ростлаганча йўқ,  
 Ҳамон сукут сақлаб тургани-турган.  
 Беихтиёр зангли белини тақ-туқ  
 Музлаган тупроққа ургани-урган.

Меҳнатни севмаклик-бу яхиш одат,  
 Биз ҳам қабул қилсак бўлмасди ёмон.  
 Халқ бошлаган ишга тила саодат,  
 Мужикни ҳурмат қил, сийла ҳар қачон.

Севикли юрт учун қўрқмагил асло...  
 Рус халқи чидади ҳаммасига ҳам.  
 Темир йўл қуриши-чун чекди не жафо,  
 Тақдирда бориға чидайди бардам.

Барига чидайди – ўз кўкси билан  
 Ўзига йўл очар кенг, ёруғ, кўркам,  
 Эсиз, ўтди умр, бу гўзал замон  
 Яшаи насиб бўлмас иккимизга ҳам.

### III

Ҳуштак чуриллади, шу лаҳза бирдан,  
 Уликлар бўлишиди кўзлардан зойиб.  
 Ваня деди шунда, ухлаб тураркан,  
 “Дада, бир туш кўрдим, жуда ажойиб,

Беш минг мужик, Руснинг уруғ-аймоғи,  
 Турли табақалар бўлмиш намоён.  
 Бизнинг темир йўлни қурувчилар шу!..”  
 Деб айтди. Генерал ташлади хандон.

– Яқинда Ватикан деворига ман-  
 Бордим, Колизейда<sup>1</sup> кездим икки кун.  
 Венада турарди бузрук Стефан<sup>2</sup>,  
 Наҳот халқ яратган буларни бугун?

Кечиринг, қўлингиз шунча дагалки,  
 Ғайритабийдир мулоҳазангиз.  
 Ёки, сиз Апаллон Бельведерский<sup>3</sup>  
 Сопол тувакданҳам харобми дейсиз?

Бу сизнинг халқингиз – ажиб санъатни,  
 Ойнабанд ҳаммомни талаган уриб!  
 “Ваня учун айтдим бу ҳикоятни,  
 Сизгамас...” Аммо дер генерал туриб:

– Сизнинг славянлар, англо-сакс, гарман,  
 Бузиига чечандир, бошқани билмас.  
 Пайтидир Ванюша, ишни бошла сан,  
 Улар ваҳиийлардир! Доим маст-аласт...

Қайғу ва ўлимни томоша қилмоқ,  
 Бола юрагини эзади ҳайҳот,  
 Кошки, кўрсатсангиз гўдакка шу чоқ,  
 Ёрқин тарафин ҳам!..

### IV

Кўрсатаман шод.  
 Азизим, қулоқ сол: у машъум айём  
 Утиб кетди – немис ётқизмоқда из.  
 Мурдалар кўмилди, хулласи калом,  
 Хасталар ертўла ичида тигиз.

<sup>1</sup> Ватикан ва Колизей – Рим архитектурасининг ёдгорликлари.

<sup>2</sup> Венадаги бузрук Стефан ибодатхонаси.

<sup>3</sup> Ватикандаги Аполлон ҳайкали.

Маҳкамада бўлса, ишчилар тўп-тўп...  
 Бўшамай қолди-ку бош қашишидан қўл.  
 Пудратчи тутмоқда ўз ҳиссасин кўп,  
 Ҳордиқ кунларига чиқармиш бир пул.

Ўнбоши ҳаммасин дафтарга тиркар,  
 Ҳаммомга бордим, ётдим бемор.  
 “Балки бу ердан ҳам бир нима чиқар,  
 Мана чиқиб қолди...” лекин у бекор.

Мовут чакмон кийган – тургани савлат,  
 Йўгон ва зудайган, мисдек ранг-рўйи...  
 Пудратчи боради йўлда бетоқат,  
 Ўз ишин кўргани, бу унинг тўйи.

Халойиқ йўл берар унга таъзимкор,  
 Терларин артади бой ўша палла.  
 Атрофга кўз ташлар яна бир қатор,  
 Дейди: “Баракалла, ҳа, баракалла.

Уйга қайтиш қутлуғ! Тангри бўлсин ёр,  
 (Қалтоқларни олинг мен гапирган он!)  
 Бир хум тўла шароб сиз учун тайёр.  
 Суришиб кетармиз, бу эса, эҳсон”.

Кимдир “ура” дея бақирди ногоҳ,  
 Унга бошқалар ҳам қўшилди дарров.  
 Ўнбошилар куйлаб, ташласанг нигоҳ,  
 Хумни думалатар, кўринмас ялқов.

От бошин тортиб халқ кўратди “ура”,  
 Ҳайқириқ янгради бойга шу маҳал.  
 Тасвир этиш учун қувноқ манзара  
 Қийин бўлар экан, ростми, генерал?

**НАБИ ҲАЗРИЙ**

Озарбойжон шоири  
 (1924-2007)

### КУЗ

Ҳазин куй таралар боғу роглардан,  
 Ёдимга яқину йироқлар тушар.  
 Гўёки япроқлар ўнгу сўллардан  
 Қаноти қайрилган қуш каби учар.

Элларга жар солар куз фаслин саси,  
 Сөгиниш – уйғонган тилаклардадир.  
 Меҳрибон баҳорнинг илиқ нафаси  
 Ҳамон юракларда, юраклардадир...

Боғларда мавжланиб оққан ўйноқ сув,  
 Оппоқ булутлардан тиниқ ранг олмиш.  
 Олис уфқларда янграган туйғу,  
 Сөгинчли қалбларга лахча чўғ солмиш.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Сўлу ўнг титрайди кўзим ўнгида,  
 Ер қалбин сезгандай бўлади кўнгил.  
 Дейман кафтим узра япроқ кўнгандан.  
 Табиат елкамга ташиламоқда қўл.

Тонг нури тўлғонар уфқ бағрида,  
 Далалар саргайиб оғир тин олар.  
 Сўлиш бор не учун гуллар тарҳида...  
 Қайда nasib этгай энди висоллар.

Хой булут, қирларга ошиқмагил, кел,  
 Шундай ҳам шарқираб оқаёттир Қур.  
 Ошиқма даралар бағрига шўх ел,  
 Унда сукут сақлар чинор бир умр.

Боқ, маним қалбимда не тилагим бор:  
 Адирлар бағрига чиқа олсайдим.  
 Эй қадди букик тол, титраган чинор,  
 Сизга ҳамдарад, сирдош бўлиб қолсайдим.

Кўксига сизмайди дала нафаси,  
 Тоғ-тоғ пахта унинг муддаосидир...  
 Қатордан айрилган турнанинг саси –  
 Баҳор соғинчидир, акс-садосидир.

Қалбим қанотланиб учмоқ истайди,  
 Менга бағрин очмиш боғу бўстонлар.  
 Гулу япроқларни қучмоқ истайди,  
 Баҳор адосиман, азиз инсонлар!

## РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

Доғистон шоири  
 (1923-2003)

### ДЎСТЛАРНИ САҚЛАНГ

Дўстлик нима, душманлик нима,  
 Қадрайман, шак келтирма ҳеч.  
 Эўстга бўлган газаб ва гина  
 Айтилади эртами ё кеч.

Кексалик-ку тақдирда аён,  
 Эй халойиқ, кун ўтган сайин –  
 Дўстдан ажраш нечоғлик осон,  
 Дўстни топиш шунчалар қийин.

Мен аввали қилмай эътибор,  
 Ҳар нарсага бўлиб жиг-бийрон,  
 Талай дўстдан ажрадим бекор,  
 Ташлаб кетди талай дўст-ёрон!

Дўстинг бевақт дилингни сиёҳ  
 Қилган бўлса – қилгандир балки,  
 Шунинг ўзи етарли гуноҳ,  
 Борми юзга солишининг боки...

Вафодор от оёғини майиб  
 Қилгаг бўлса йиқилиб ногоҳ,  
 Бошиқасини минма кеккайиб,  
 Отда эмас, дўнганда гуноҳ.

Энди сизга чанқоқман, чанқоқ,  
 Бир вақт мени севган дўстларим,  
 Гуноҳингиз кечганман мутлоқ,  
 Сиз ҳам кечингкамун кўстларим...

Эй халойиқ, Сизга илтимос,  
 Худо ҳаққи, бўлинг меҳрибон.  
 Дўстлар ўзи унча қўп эмас,  
 Ардоқлангу сақланг ҳар қачон!



Шаран УСНАТДИНОВ

## ШОИРНИНГ ЁШЛИГИ

Ҳужжатли роман<sup>1</sup>

11

– Опа, муаллим олдимиздаги бозор куни Чимбойга бориб, расмга тушиб кел деди, пул борми? – сўради ўқишдан келган Ибройим ечинаётиб.  
– Расмни нима қилар экан?  
– Билмайман, керак деди-ку.  
– Мактабнинг даҳлизига ёмон бола шу деб қистириб қўймоқчидир-да.  
– Мен ёмон эмасман-ов, опа, – деди Ибройим йиғлагудек бўлиб.  
– Биладан, жоним болам, сендан умидим кўп. Сен ҳам ёмон бўлаверсанг, унда мени жин уриб кетади-ку.

Ибройим индамай қолди. Онасининг ярасини янгилаб қўйгандай сезди ўзини. Онаси бир ҳафтадан буён Маден билан очилиб гаплашмайди. “Маден оғам чаток топаверади, – ўйлади Ибройим, – бироқ у жўнли<sup>2</sup> чаток, ҳеч кимга ўзидан-ўзи бориб тегавермайди, кимлардир унинг жаҳлини чиқаради, жинини келтиради-да, бу бўлса ноҳақ айбланган боланинг ёнини оламан, химоя қиламан деб, муштлашувга киришиб кетади. Адолатсизликни кўрса, тинч туролмайди, ҳозир адолат ўрнатаман деб ўйлайди-да, қўлига туфлаб етиб боради. Қўй десам ҳам, барибир сенинг айтганинг билан ҳамма одил ё тартибли бўлиб қолмайди, десам ҳам тингламайди. “Мен мактанчоқларнинг бурнини ерга ишқаб қўйиш, ноҳақлар ҳақини олиб бериш учун чиққанман”, деб, енг туриб, тўполоннинг ўртасига кириб боради. Бу ёқда опамнинг қанчалар қийналиб юриши билан иши йўқ”.

– Бозор кунгача олдимизда ҳали икки кун бор, – деди Хонбиби элти.  
– Пахта отизнинг четлари сувчигинга беланиб турибди. Шундан йигирма боғ ўринлар, тўрт боғини уйдаги молларга ташлаб, қолган боғини Чимбойга эшакда элтиб сотинглар, суратинггаям, балиқ ковордоққаям, сўрадиган конфетинггаям етади. Қатикнинг пули еб-ичишимиздан ортма-япти, ундан сенга беролмайман.

– Опа, қўлингнинг ярасига отқулоқ юлиб опкелайми? – деди Ибройим озгина бўлса-да онасининг кўнглини олиш учун.

– Ўзим ҳам айтайин деб ўтирган эдим, опкелақол. Ёшроқларидан юл, ўсиб кетганларининг япроғи ўртасида чўгланиб турганларидан сайлаб ол.

Сентябрнинг охирларига бориб кунлар бирданига совиб кетди. Қораўнинг ўчоғига ўт ёқиб, остига тезак, устига тўмор қалаб қўйишади. Ухлашга ётгунларича ғижлаган кўз<sup>3</sup> бўлиб, устини оппоқ кул босади. Баъзан ярим тунда қибла-кунботардан кучли довул туриб, қораўнинг илиғлик турган эрганаги икки томонга айрилиб, очилиб қолади...

Бир куни ухлайдиган маҳалда чийёшиқ туширилмай қолган экан, довул ўчоқдаги кўзни кўтариб кетиб, қаттиқ уйқуда ётганларнинг устига сочиб юборибди. Яхшиям, Маден ўша пайтда тутуннинг хидидан

<sup>1</sup> Журнал варианты.Охири. Боши ўтган сонда.

<sup>2</sup> Жўнли – рисоладагидай, қоидага мос келувчи.

<sup>3</sup> Кўз – оловнинг ўртаси.

уйғониб кетибди. Қараса, уй ичи тутунга тўлиб, ҳаммаёқ олабурқон<sup>1</sup> булут қоплагандай бўлиб кетган экан. Дарҳол онаси билан укасини кичкириб уйғотибди-да, ўзи ковоқда, кўзаларда турган сувларни атрофга, тўшақларга сепа бошлабди. Ёна бошлаганларини ташқарига судраб олиб чиқибди. Ибройим-ку уйқули-уйғоқ, ҳеч нарсани билмай ташқарига чиққан, аммо онаизорнинг димоғига тутун тўлиб, анчагина захарланиб қолган экан, сиртга чиқиши билан хушдан кетиб йиқилибди. Ибройим ковокни кўтариб ариқдаги сувга югурибди. Бунақа пайтда кўни-кўшнини ёрдамга чақириш кераклиги ҳеч кимнинг ёдига келмай, болалар оловни ўзлари ўчира бошлайди. Бунақа олатасир воқеалар ичида юравериб, кўзи пишиб кетган Маден куйган-ёнган кўрпа борми, тўшақ борми – барини бирпасда ташқарига чиқариб-итқитиб ташлайди. Хонбиби элти бир пайт хушига келиб қараса, болалар ўзлари ўт билан курашиб, ёнаётган-куяётган нарсаларни ташқарига ташиб юрган экан, дарров эсини йиғиб олиб, у ҳам қолган-қутган оловни тепкилаб, сув сепиб ўчиришга киришади. Шундай қилиб юрганда, онаизорнинг кўйлаги-чопонининг чап енгига ўт илашганини Маден кўриб қолибди-да, ҳой-хуйлаб онасининг енгини елкасидан юлиб ерга улоқтиради. Шу орада онаизорнинг чап билаги куйган экан, болаларимга ҳеч нарса бўлмасин деб, жон ҳовучлаб юрган она шуни сезмабди-да. Ўзи, Хонбиби элтининг феъли маълум, “оғзинг қонга тўла бўлса-да, душманнинг ёнида тупурма” дегандай, бу воқеани ҳеч кимга билдирмасдан, ўзи билганича-эшитганича куйган билагини даволашга киришади. Ибройимнинг “отқулоқ териб келайми?” дегани шу воқеаларнинг акс садоси эди...

Ибройим билан бирга бирор ишни бажариш Маден учун азоб-уқубат. Укасининг шалвираб юришини ёқтирмайди. Ўзидай, ерга урса, осмонга сапчиб турмайди-да. Ўт ўриб ўтирса, ҳой демагунингча ўтираверади бир жойда. Қисимлаб олган ўтини ўриб бўлганидан кейин ҳам ишни давом эттиравермасдан, чиройли қилиб ётқизиб қўядими-ей, ётган ўтларни қайта бошдан қўлига олиб, бунақасига қийшайтириб қўядими-ей. Енидан калтакесакми ё капалакми ўтиб қолса, берди Худо, соатлаб изидан тикилиб ўтиради. “Ҳой, анграявермай, ишингни тезлатсанг-чи!” деб бақирсанггина ерга эгилади. Айниқса, ингичка куйруғини гоҳ юқориға, гоҳ пастга пиллилатиб турадиган кузнинг сариқ чумчуғи кўринса – шу Ибройимнинг жони-дили, учиб кетиб қолмасин деб, соатлаб нафас олмай, қилт этмасдан кузатиб ўтиради. Маден баъзан унга:

– Олдиндаги сувчигин-ку, ахир, нега ғарс-ғурс ўриб ташламайсан? – деб бақирса, Ибройим пинагини ҳам бузмай, олдидаги ўтларга термилиб:

– Сувчигин бўлса ҳам жони бор-ку буларнинг, наҳотки уволини ўйламасанг, – дейди. Йигитнинг “бор, ановинга жунингни ҳурпайтириб кел” деса, учиб ўрнидан турадиган иниси бўлса, ортида суянч бўладиган отаси бўлса – бунга нима етсин?

Уша куни Ибройимга “саккиз боғ ўрмагунингча отиздан чиқмайсан, қолганини ўзим ўраман”, деган Маден намозшомгача укасини отиздан чиқармади.

Оға-ини бу йигитларни энди росмана йигит деса ҳам бўларди. Ибройим оғасидан уч-тўрт ёш кичик бўлгани билан бўйи Мадендан қолишмайди. Шундай қилиб, икки йигит аравага ўрганган кўк эшакка бир кўза қатик билан ўн олти боғ сувчигинни юклаб, саҳарлаб Чимбой йўлига чиқдилар. Чимбойнинг бозори Худонинг назари тушган жой, унга қуруқ кесак кўтариб кирсанг ҳам бирпасда ўтади-кетади. Топа олсанг, қурқилтой<sup>2</sup>нинг уясини обориб кўр – қўлдан-қўлга тегмай кетади.

Маден келтирган нарсаларини дарров пуллаб бўлди-да, укасини эргаштириб суратхонани излаб кетди. Эски шапканинг ичида сочлари ёпишиб қолган экан, оғаси икки кафтига навбатма-навбат туфлаб, ука-

<sup>1</sup> Олабурқон – тўз-тўз, тўс-тўполон.

<sup>2</sup> Қурқилтой – қуш номи.

сининг сочини текислади. “Кўзларингни юмма, менга қараб бақрайиб ўтир!” деб ўргатиб, шу бақирини билан суратга туширтди.

Суратчи унга:

– Узинг тушмайсанми? – деган эди,

– Мени мелиса қидириб юрибди, суратга тушишим мумкин эмас, – деди кўмпанглаб<sup>1</sup>, катталардай ишончли тусда.

Суратчи ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, Маденнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига ўтиб, қараб қолаверди.

Сиртга чиққанларидан кейин Маден Ибройимни “қоронғи кўча”га бошлаб келди. Бу кўча Наримон деб ҳам аталади. Кўчанинг икки бўйи борган-кетган дўконлар, уйлар. Қайси бири уй, қайси бири дўкон эканини ҳам билиб бўлмайди. Кўчанинг уст томони узун-узун чий билан ёпилган. Бир арава юрса, иккинчиси тўхтаб, кутиб туради экан! Халқ тинимсиз оқиб келаверади, келаверади. Нима тилагинг бўлса, топилади. Сотувчиларининг кўпи қорақалпоқларга ўхшамайди, ўзаро бошқа тилда чуғурлашади. Савдолашган пайтдагина эплаб-эплаб қорақалпоқча гапирди. Маден шу ерда дарров ўзи тенги болаларни топиб олди. Ибройимни кўча бошига ўтирғизиб:

– Ма, мановиларни еб ўтир, чанқасанг хув анови ердан сув ичасан, – деди-ю, ўзи зим-ғойиб бўлди. “Қаёққа кетсанг, тўғри шу кўчани топиб кел, мен сени излаб юрмайин!” деди кетаётиб. Ибройимнинг “хўп бўлади” дейишини кутмади ҳам.

У йилларда турли овуллардан келган йигитлар бозор савдосини битириб, керак нарсасини олиб бўлгач, одатга кўра балиқ ковурадиган ошхона томонга ўтар, қоврилган балиққа бир тўйиб олиб, сўнг шаҳар четроғидаги дала жойга чиқиб муштлашар экан. Узи муштлашмаганда ҳам, шу ерга келиб, бўлаётган тўс-тўполонни томоша қилиб, сўнг тарқашади. Чимбойдаги энг зўр томоша шу майдонда бўлиб ўтарди. Ибройимнинг чамалашича, Маден ҳам шу томонга кетган бўлса керак. Аввалги бир келганида Маден Ибройимни ҳам ўша томонга – итларни уриштирадиган майдонга олиб борган эди. Ибройим бир-бирини талаётган итларни мажбуран томоша қилиб турди. Бир пайт итлар бир-бирини тишлаб, оғзи қаришиб қолди. Бу ҳолда ажрашиб кетолмаётган итлар нукул зорланиб ақиллар, атрофдаги одамлар эса қўлларига илинган нарсаларни уларга қарата отарди. Ниҳоят итларнинг эгалари уларни бир амаллаб ўлдим-озор билан ажратиб олганларида, Маден укасига қараса, Ибройимнинг кўзлари ёшга тўлган эди. Шу-шу, Маден Чимбойга укаси билан келганида Ибройимни “қоронғи кўча” бошига қўйиб кетадиган бўлган.

Бугун ҳам Ибройим кўча бошида оғасини кутиб-кутиб ўтириб, ухлаб қолди. Чорвоқдан эшакни миниб келган Маден уни туртиб уйғотди.

– Буни қаранглар-а, ҳалиям бошингдаги шапканг эскириб, ёғи чиқиб кетган экан, йўқса, кимнинг ўмариб кетганини билмай ўтиравераркансан, – деди-да, укасини орқасига мингаштириб, йўлга тушди. Йўлда ҳам у укасининг аҳволини масхара қилиб, кулиб келди. Бир маҳал тирсаги билан Ибройимнинг биқинига бир туртиб:

– Ухлаб қолма, ҳей! Йўлнинг икки томонига қараб, таниб қол. Кейинги йили Киров мактабининг бешинчи синфига мана шу йўлдан ўзинг катнайсан, – деди.

– Сен-чи, сен бошқа йўлдан юрасанми?

– Мен кейинги йил ўқимайман.

– Қолхозда ишламоқчимисан?

– Йўқ, армияга кетаман.

– Ёшинг етмайди-ку, қандай қилиб кетасан?

– Менинг ёшим нечадалигини ким билиб ўтирибди? Военком ишон-маса, мени ўн саккизга чиққанлар билан кураштириб кўр, дейман. Ка-

<sup>1</sup> Кўмпангламоқ – олифталанмоқ, мақтанмоқ.

мида ярмини йиқиб ташлашимга ишонаман. Эй, ука, бу ёғини ҳам ўйлаб кўйибман...

“Бу армияга кетиб қолишдан ҳам кўркмайди-я”. Шуларни ўйлаб Ибройимнинг юраги шув этиб кетди.

## 12

Тўртинчи синф ўқувчилари биринчи соатдан сўнг танаффусга чиқишди. Азалдан шошилавермайдиган Ибройим ўтирган жойида, мутолаасини давом эттираётган эди, бирдан Нуратдин эшиқдан бош сукди-да: “Ибройим, тез чик, сенинг сурагингни илиб кўйишибди!” деб бакирди. Ибройим дахлизга чикса, ҳамма уймалашиб турибди. Деворий газета илинган экан, бир томонида Ибройимнинг сурати, тагида “Баҳор” деган шеъри. Бировлар унинг бошидан қоқиб, бировлар елкасига уриб қувонишяпти. “Узинг ёздингми?” деб ҳам кўйишади. Ибройимнинг четга чиқиб кетгиси келади, бироқ жўралари Рўзимбой, Қобил, Нуратдинлар “вой бало-ей” деб навбатма-навбат юқилашади. Бир амаллаб уларнинг қўлидан қутулиб, ташқарига чиқиб кетди. Ташқарида ҳам ҳамма ўқувчилар унга қайрилиб қараётгандай, қочадиган ер қолмаган, айниқса, қизлар бирини-бири туртиб, Ибройимни кўрсатаётгандай. Қўнғироқ чалинди-ю, жониворлар уясига киргандай, мактаб атрофи жимжит бўлиб қолди. Ибройим айб иш қилиб кўйган боладай шилт этган товуш чикармай синфга кирди.

– Қани, болалар, бир қарсак чалиб кўяйлик, билсангиз, бу – бутун синфимиз учун катта ютуқ! Ҳали ҳеч бир синфда деворий газетада сурати чиққан ўқувчи йўқ!..

Муаллимнинг сўзи тугар-тугамас ўқувчилар қарсак чалиб юборишди. У ўтиришни ҳам, ўтирмасликни ҳам билмай, алвираганидан ўзиям чапакка кўшилди. Буни ўқувчилар дув кулиб юборган пайти сезиб қолди. Шип-шип терлади.

Манов ўтирган қора кўзлар учун дунёда тенгсиз биттагина одам бор, бу одамнинг билмайдигани йўқ, кўрмайдигани йўқ. “Муаллим дегани шундай бўлади, бундай билгич, топағон, меҳрибон одам бўлмайди” деб ишонган кўзларнинг ҳаммаси ҳозир гоҳ муаллимга, гоҳ Ибройимга қаратилган. Болаларнинг фикрича, буюк олийжаноблик фақат муаллимдагина бор, шунинг учун ҳам Худо уни муаллим қилиб яратган. Бундай одам билан битта хонада нафас олиб турганинг қанчалар яхши! У сени ўқитади, бор билимни миянгга жойлайди, яхши ўқисанг – қувонади, сал билмай қолсанг – қайғуради, миннатдорлигингни шеърда ифодаласанг, худди ўзи шеър ёзгандай, сени кўкларга кўтаргиси келади. Қандай яхши! Ҳозир шу лаҳзаларда Ибройимдан, пок табассумли Тўлаган муаллимдан, синфдаги болалардан бахтли одам дунёда йўқ эди!

Ҳовлисидаги уч туп октол олисданоқ сеҳрли тебраниб турувчи манов кичкина уйга қадам босганидан буён, жез қўнғироқнинг жаранги тонгги уйқуни қочириб қаттиқ жаранлагандан буён, алифбе китобининг ҳар бир саҳифасидан муаллим айтган сўзлар қулоққа, миянгга, қалбингга кўчиб кирганидан буён, “т” деганда тойлар чопқиллаб, “ғ” деганда ғозлар учиб, олтин балиқлар тилга кириб, барча жонли жониворларга тил битиб гаплаша бошлаган кундан буён – китоб деб номланмиш мўъжизавий қудрат билан ошно тутинган кунингдан бошлаб сени бу сеҳрли оламга олиб кирган ўқитувчидан миннатдор бўлмаган кунинг бўлганми ҳеч?!

Ўтган ҳафта “Ўқиш китоби”дан шоир Дали Назбергановнинг “Етимлар” шеърини ёдлаш топширилган эди. Тўлаган муаллим бу шоирни танир экан. Шоирнинг қийинчилик билан ўтган болалик даври ҳақида



гапириб берди; ўтган замонлардаги оғир турмуш, очлик, бойларнинг ёвузликлари, “Етимлар” шеърида ўз ифодасини топган ўша ситамли кунларнинг таърифи болаларга қаттиқ таъсир қилди. Бир уйда беш нафар болакай етим қолади. Уларнинг ичида энг каттаси Эрناзар ўн уч ёшда, у укаларига нон топиб беролмайди. Ҳамма очликдан касал бўлиб, ётиб қолади. Энг кичкинтой Холмурод очликка чидаёлмай ўлади. Катталари уни эски-туски латта-путтага ўраб ерлайдилар. Бурунгиларнинг шундай оғир ҳаётини айтиб бераётиб Тўлаган муаллимнинг ҳам кўзлари ёшдан ғилтиллаб қолди. Синфда йиғламаган бола қолмади.

Кейинги дарсда бошқа бир ёзувчининг асарини таҳлил қилиб бераётган муаллим Ибройимнинг ҳаёли бошқа ёқларда учиб юргангани – у нималардир ёзиб ўтирганини пайқаб қолди. Гапириб туриб шу томонга қараб юра бошлаган эди, Ибройим типирчилаб, ёзиб ўтирган қоғозини бекитишга шошилди, аммо улгурмади. Тўлаган муаллим унинг қўлидаги қоғозни олиб, столга қўйди-да, дарсни давом эттираверди. Эртаси куни синфга кирган муаллим Ибройимнинг тепасига келиб, гапни нимадан бошлашини билмай тургандай қараб қолди.

– Сен бозор куни Чимбойга бориб суратга тушиб кел! – дегани ўшанда эди.

Ибройим шеър ёзибди! Унинг ўқувчиси “Баҳор” деган шеър ёзибди! Тўлаган муаллим Ибройим ёзган тўрт банд шеърни тўрт ўқувчига бериб, ёдлаб келишни топширди.

Синфда бўйи муаллим билан тенглашиб қолган, ёши ҳаммадан катта Ортиқ деган бола бор эди. Шу бола:

- Шеърни ўзи ёзганмикан? – деб сўраб қолди.
- Унинг бундан бошқа ҳам ёзган шеърлари бор, – деди Нуратдин.
- У қизларга атаб ҳам шеър ёзган!

Қобилнинг бу сўзига ҳамма кулиб юборди. Қизлар пичирлашиб, бош эгиб қолдилар.

– Э, ёши катта болаларнинг ўзлари келиб, яхши кўрган қизларига атаб шеър ёздиришади! – деди Нурим жўрасини Ҳимоя қилган бўлиб. У “Маденга” деб айтиб юбормоқчи эди-ю, бироқ кўрқди – мактабга тинчгина бориб-келиб юрганга не етсин...

Деворий газетада шеъри чиққан Ибройимни кучоқлаб олган Хонбиби шу куни узок йиғлаб ўтирди. Аввалига нималарнидир шивирлаб йиғлади, сўнг губирланиб<sup>1</sup> йиғлади, бора-бора товуши кўтарилиб, йўқлов айтиб йиғлади. Айтганда ҳам қироатга солиб, қиссахон<sup>2</sup>ларга ўхшатиб айтди.

Мактабда эса:

*Кўк<sup>3</sup> қувалар эчки, сигир, қўзи, улоқ,  
Қўшиқ айттар чўпон товуши қулдираб,  
Тўқай ув-шув, қўлда қий-чув, гувда-гув,  
Сен баҳорнинг созларига сол қулоқ.  
Кел, баҳорим, соғинчли меҳмоним,  
Гулга тўлдир Кегейлининг бўйларин.  
Овулимнинг қизларидай шивирлаб  
Отизларга оқсин ширин сувларинг, –*

деган шеърини сатрлар оғиздан-оғизга ўтиб, ҳаммага ёд бўлиб кетди...

Бу ерлардаги овуллар ўттизинчи йилларда колхозлашиб, кейинчалик “Бешинчи овул”га айлангунга қадар бир неча диний уламоларнинг уй-

<sup>1</sup> Губирланиб – ўзи билан ўзи гаплашиб.

<sup>2</sup> Қиссахон – хонадонларда, катта йиғинларда шеърларни созсиз хиргойи қилиб, ўқиб берадиган киши.

<sup>3</sup> Кўк – ўт, майса-гиёҳ.

мачитлари мавжуд эди. Янги ҳукуматнинг ўқишлари бошланиб, улар овулларга ҳам кириб кела бошлаганида, мачитларнинг бари ёпилди. Баъзилари ғалла ва пахта омборхоналарига, каттароқлари эса колхознинг трактор, хўкиз, от каби уловлар сақланадиган жойга айлантирилди. Шулар ичида Курбонниёз эшоннинг мачити бошланғич мактабга айлантирилган эди. Ибройим биринчи синфга қатнай бошлаганда мактаб кўзни тортгудай аҳволда эмасди. Дастлаб Тўлаган муаллим, кейинчалик унинг ёнига Султон Қутимов деган муаллим қўшилди. Ҳар йили ёзда ичи-сирти қайта-қайта оқланавергандан кейин мактаб узокдан оқариб кўринадиган бўлди. Атрофида ўқувчилар бадантарбия дарслари билан шуғулланадиган майдончалар пайдо бўлди. Сиртдан келганга, бегоналарга “мана, бизнинг мактаб!” деб кўрсатгудай аҳволга келди.

Биринчи ва учинчи синфларни қўшиб ўқитадиган Султон муаллим мактаб қоровули билан гаплашиб турган эди, болаларнинг “Маден келди! Маден келди!” деб югуришиб бораётганини кўриб: “Бу атрофда Маден исмли полвон ё атоқли созанда йўқ эди-ку, шунда бу қайси Маден бўлди?” деб, болалар югуришган томонга қаради. Шу орада йигит бўлиб, бўйи тикланиб қолган йигитчанинг ўзи:

– Ассалому алайкум, Султон оға, – деб келиб кўришди. Унинг ёнида мактабни уч йил бурун битириб қетган “Қорақўлли анналар” овулидан Қорлибой Бойназаров, шу атрофдаги Уринбой Тўраев, Бектурсун деган йигитлар ҳам бор. Ҳаммаларининг бўйи чўзилиб, қараса қарагулик йигитлар бўлиб қолибди. Султон муаллим улар билан кўришар экан, “Нега болалар Маденнинг олдига югуришиб чиқди?” деган саволга жавоб излади, тополмади.

– Маден, Чимбойдаги мактабга бормай юрганга ўхшайсизлар-ов, Тўлаганга райондан хат келди, – деди Султон муаллим.

Маден “сен тушунтир” дегандай, Қарлибойга қаради. Орқада турган Қарлибой Султон муаллимга икки қадам яқинлашди.

– Мактабнинг чатоқ жойи – овқати яхши эмас экан. Бунинг устига, шаҳарнинг болалари туни билан мактаб атрофида изғиб, пойлаб юради, овулдан борганларга кун бермайди. Шундан сўнг бешинчи синфнинг ярмидан кетиб қолдик. Утган йили педтехникумга борган эдик, тўлиб қолди, деб қабул қилишмади. Сўнг тўртовимиз ҳам янги очилган медрабфакка<sup>1</sup> кирдик, ҳозир шу ерда ўқияпмиз. Битириб чиқсак, шифохоналарда ишлар эканмиз.

– Тўлаган оға йўқми? – деди Маден.

– Тўлаган бояги хат бўйича сизларни излаб шаҳарга кетди.

– Ҳалак бўлиб юрмасин деб, ўзларимиз келиб эдик, – деди Тўлибой. “Маден келди!” деб югуришган болаларнинг қувончини Султон муаллим энди тушунгандай бўлди. “Овулдан шаҳарга ўт-хашак, сут-қатик сотиш учун борган болаларни Маден ҳимоя қилиб, омон-эсон қайтариб юборар экан”, деган гапларни эшитиб юрарди. Шу ростга ўхшайди, ҳозир Маден бу болалар учун атоқли ботирга айланиб қолган, шекилли.

Тўлаган шу куни булар билан кўришолмади. Агар учратса, қаттиқ койиб-уришмоқчи эди. “Шу бир синф мактабимизни гапга кўйди. Шаҳардаги мактаб директори ҳам: “Бешинчи овулдаги мактабдан келганларнинг саводи паст, ўқишни ўзлаштиролмади кетиб қолди”, деб район таълим бўлимига хат берибди. Булар менинг юзимни ерга қаратди. Катта бир йиғилишда райкомнинг котиби мени турғазиб кўйиб, охира азобини берди. “Уша болаларни ўқитасан ёки уларни ўз кўлинг билан қайта опкелиб менга кўрсатасан”, деб айтди. Энди, болаларнинг Султонга айтган гапларига қараганда, ўша мактабнинг ётоқхонасида тартиб паст экан, “кўрқоқ аввал мушт кўтарар”, дегандай, ўзларининг айбини яшириш учун шунақа гапларни топиб юрган экан-да Киров мактабининг директори. “Энди эртага медрабфаккаям бориб кўраман”, деган фикрга келди Тўлаган муаллим.

<sup>1</sup> Медрабфак – ишчи-ёшларнинг тиббий факультети.

Тўлаган – ўз мактабининг шаънига бунақа гап келтирадиган воқеаларга ҳеч чидаб юрадиган муаллим эмас. “Ўзи югурик қуён, таёқ еганидан кейин учиб кетди”, деганларидай, аввалдан ҳам мактабнинг обрўси учун тиниб-тинчимайдиган одам энди биратўла кечалари ҳам ухламай, мактабида таълим-тарбия ишларини ўйлаб-режалаштириб чиқадиган бўлди. “Бу йилги тўртинчи синфдагиларни машшота<sup>1</sup> нинг сандиқчасидай безаб, чиройли қилиб, тўлиғича аъло баҳолар билан бешинчи синфга ўтказаман!” деб ўзига-ўзи ваъда берди.

“Болалардан ўзим имтиҳон оламан, қани, бирортаси иккини иккига кўпайтирганда неча бўлишини билмай қолсин-чи, нима бўларкан ўшанда!” – деб дағдаға қилибди райком котиби. Ўқитувчи одамга бу қандай азоб! Айниқса, менинг мактабимни битириб чиққанлар учун бу – чидаб бўлмас тухмат-ку! Кўпайтириш дегандай, мактабимда арифметикани паст ўқийдиганлар йўқ эмас, бор. Болаларнинг кўпчилиги адабиёт билан тарихга кўпроқ қизиқиб қолишган. Ибройим шеър ёза бошлагандан сўнг шундай бўлди. У ўзининг шеър ёзишини яшириб юрган экан. Мен ҳам бунинг устига, “қани, шеър ёзиш бўйича мусобақа ўтказамиз, ёзганларимизни келаси ҳафта муҳокама қиламиз, энг яхшилари Ибройим билан танлаб олиб, деворий газетада эълон қиламиз” деб юборибман. Ўқувчилар деворий газетанинг навбатдаги сонини кутиб юрадиган, “газета қачон чиқади?” – деб сўрайдиган бўлиб қолишди. Ибройимнинг сурат чизишга ҳам қобилияти бор экан. Унинг ёнига ўқувчимиз Қидирбой Пирленов ҳам кўшилди. У газетанинг теварагини безайди, ялқов ўқувчиларни танқид қилиб, ҳажвий суратлар чизади...”

Тўлаган шундай хаёллардан кейин янада ғайрат билан ишлаш учун куч топди, илҳомланди. Шу йил мактабни битирганларни ёзги таътилда ҳам тинч қўймади. Сентябргача билганларини унутиб юбормасин деб, ўқувчиларни кечки салқинда тўплаб, ўтилган дарсларни такрорлатар эди.

Маденнинг гуруҳи медрабфакнинг биринчи босқичини битириб чиққунча, таълим соҳасидаги талаблар ўзгариб кетди. Энди Чимбойда фақат қизлар қолиб, ўғил болалар иккинчи босқични Тўртқўлда давом эттирадиган бўлди. Улар эса “Тўртқўлда бир йил ўқийдиган бўлсақ, кейинги йили армияга кетиб қоламиз-ку, ундан кўра овулда юриб қўлайлик”, дейишиб, ўқишга бормади! Дарҳақиқат, бу пайтга келиб, Уринбой, Қорлибойлар армия ёшига етиб қолган эди. Ол, Маден эса шунча шошилгани билан армияга кетолмади. У ёши ер юзида иккинчи жаҳон уруши бошланадиган йилдагина армияга илинишини билмади, олдинда уни қирғин-тўполон, одам қони дарё бўлиб оқадиган аёвсиз саваш кутиб турганини хаёлига ҳам келтиролмас эди...

## 14

Кузнинг сўнгги кунлари бирдан қишга айланиб кетди. Кун бўйи изғирин шамол эсиб турди-ю, кечга бориб осмонни олабурқон булут босиб, бирдан қоронғи тушди. Осмонни тош-тунак<sup>2</sup> зулмат қоплади. Сочилиб кетган овул қоронғиликка сингиб, ҳеч нарса кўринмай қолди. Бундай кунларда ҳамма уй-уйига кўмилиб, ёрма-ёвғонини еб-ичиб, ухлаб қолади.

Бу йилги кандирдан чиқарилган тўрт қоп қобиқ пахсадаги қозикқа илиниб турган эди. Маден шуларни ўчоқ бошига олиб келиб, ип қилиб эшмоқчи бўлди. Булардан ип эшишинг учун бир учини оёғининг тагига босиб ўтиришинг керак. Нариди биров ушлаб ўтирса-ку, ишинг дарров унади. Чирокни ўчоқнинг бурчагига қўйиб олган Ибройим китоб ўқиб ўтирган эди.

<sup>1</sup> Машшота – пардоз-андозчи. Унинг сандиқчаси, одатда, чиройли безатилган, мушк-анбарга беланган бўлади

<sup>2</sup> Тош-тунак – қоп-қоронғи, зулмат.

– Эй, китобингни қўй, мановини ушла! – деди Маден.

Ибройим китобдан бошини кўтариб, эшилган ипнинг бир учини оёғининг бош бармоғига ўраб боғлади-да, ўқишда давом этди. Маден унинг бу ҳаракатини ёқтирмаган бўлса-да, индамади. Бироздан кейин:

– Кўлингга олиб, тортиб ушлаб ўтир! – деди.

Ибройим оёғининг бармоқларини қаттиқ қисиб, бағрига торган бўлди.

Хонбиби элти икки боласини кузатиб, ичидан кулиб ўтирган эди. У қирмизи шоли аралашиб кетган ярим қоп гуручни бирма-бир терар, манов бўйлари чўзилиб қолган ўғилларига қараб ширин орзулар қилар эди. Ташқарида отнинг пишқиргани, аста кишнагани эшитилди. Ҳамманинг кулоғи динг бўлди. Бунақа пайтда одамнинг оғзига биринчи бўлиб “омонлик бўлсин-да”, деган сўз келади. Шундай чангиб ётган тош-тунақда, бемазгил<sup>1</sup> ким ҳам келиши мумкин? Ким бўлса-да, оти боқимда турган биров, аравага қўшилган эмас, минишда юрган отлар уйга келганда, тўхтаган жойида кишнавермайди.

Хонбиби элти негадир Мадендан гумонланди.

– Сен яширин, уйда йўқсан, сиртга ўзим чиқаман, – деди-да ўрнидан кўзгалди. Маден қобиқларни йиғиштирди-да, “яширинадиган нима иш қилибман, нега бекинишим керак” деб хайрон бўлиб серрайиб туриб қолди, сўнг ҳар эҳтимолга қарши тўрдаги қоронғи хужрага кириб турди.

Онаизорнинг боши устида чакмоқ ўйнади. “Кўрқокни кўп қувсанг, боғтир бўлиб кетади”, деганларидай, йил-йилдан аҳвол қийинлашиб, элдаги кўрқинчли вазият тугаш ўрнига, қайтанга кам-камдан қуюқлашиб бораёттир. Одамлар ҳам тўсатдан бўладиган хилма-хил кулфатларга кўникишиб кетган. “Бунақа вақтда ким ҳам келиши мумкин? Хабарчи эмасмикан? Маденнинг устидан гап-сўз эшитмаган эдим-ку. Худойи кўноқ дегани ҳам уй сайлаб келади. Вовуллаган семиз ити бор, кўраси молга тўла, жамғариб қўйган ўтли-чўпли уйни танлаб тушади. Ё қоронғида адашиб қолган йўлчимикан? Нима бўлса-да, омонлик бўлсин-да”.

Сиртдан: “Янга, Маден?” деган овоз эшитилди. Элтининг юраги ўрнига тушай деди. Эшик очилиб, келган одам ичкарига кирди.

– Ҳов, эшон қайним, янгангни излаб келадиган вақтингни биласан-ов.

Элти, бир томондан ҳазиллашиб, бир томондан, болаларим ҳовликмасин дегандай, товушини кўтариб гапирди.

– Омон-эсон ўтирибсизларми, янга?

– Қуллуқ, қуллуқ, келинг, тўрга ўтинг.

Бизнинг халқда эр киши ёши кичик бўлса-да, янгаларига “ассалому алайкум” демасдан, мана шунақасига саломлашади. Аёл киши ҳам сийрак ҳолларда, ўринли вазият бўлмаса, “ассалому алайкум” деявермайди, қўлини кўкрагига қўйиб таъзим этади, кўришиш керак бўлса, қўйлагининг икки енгини тушириб, билаклари, қўлларини яшириб, қўш қўллаб кўришади.

Хонбиби элти ҳазили озгина бўлса-да, астарли эди. Қорақалпоқларда оға ўлиб, изида аёли ёш болалари билан қолса, фарзандлари етим ўсмасин, онаси бошқа бировларга бошини қўшса, ўгайсинмасин деб, марҳумнинг йилидан кейин тул қолган аёлни туғишган ёки яқин уруғдош қайнилариининг бирига аташтириб<sup>2</sup> қўйишади. Овулдаги маъракаларнинг бирида “Хонбиби элти юраверадими, анналардан биттасига бошини чатиб қўяйлик” деган ҳазил гаплар кўтарилган, шунда мана шу Қурбонниёз эшонга бошини боғлайлик, деган гаплар ҳам айтилган. Элти, қайнисининг юз-кўзидан бу келишининг маънисини омонликка йўйиб, айтаётган ҳазили эди.

Меҳмон жойлашиб бўлиб, қўл ёйиб омин қилди. Болаларнинг ҳам юзига қон югурди.

<sup>1</sup> Бемазгил – бемаҳал.

<sup>2</sup> Аташтироқ – бошини қўшмоқ, боғламоқ.

– Отимнинг чилвирини эшик олдидаги теракка омонат илдирдим, ит-пит хуркитиб, бўшалиб кетмасин.

– Ҳозир кўрага боғлаб келаман, – деди-да, Маден сиртга йўналди.

Қурбонниёз эшон Юсуф охундан тўрт-беш ёш кичиклиги бор. Отаси Раҳмонкул ўрта ҳол деҳқон бўлса-да, харажатидан қочмай, боласини Қорақум эшон мадрасасида ўқитди. Овулга келганидан кейин саводи бўйича кам-кам бир тиш юксалиб, Бухорода қозикалон бўлиб келган Юсуф охуннинг қаторига кўтарилди. Бола ўқитишда, билганларини бошқаларнинг қулоғига қуйишда, ёзувда ҳам Қурбонниёз бошқаларга караганда илғор чиқди.

Шўролар ҳукуматигача Чимбой бўлиси ва унинг атрофида ўнлаб мачит, икки мадраса мавжуд эди. Уларнинг энг каттаси бўлган Қорақум эшон мадрасасида йилига 600 га яқин бола ўқиган. Айимбет эшон мадрасасида ҳам, шаҳардаги Хонмачитда ҳам яхши билим берилган. Мана шу Тоқёп анналарининг овулидан бошлаб, Манжилугача ўн тўртта мачит бор эди. Бу овулни Чимбойнинг қайси элати билан солиштирганда ҳам уламолари кўп бўлган. Халқда: “Олдиндан анна чиқса, эшагини етаклайвер, охун бўлиб чиқади” деган гаплар, ёки бўлмаса: “Абди охун, Пана охун, Абди охундан зиёд қай охун?” – деган нақл-мақоллар, улар ҳақида ривоятлар тарқалган. Алалхусус, аннанинг туб бобоси “олтмиш китоб ёзган Абди охун” дейилади. Унинг икки ўғли Ўтабой қози билан Пана охун, шулардан тарқалган Яхё охун ўттизинчи йилларда Шўролардан қочиб Суриянинг бош шаҳри Дамашқдан паноҳ топган бўлса, Бекбўсин охун Яманда яшаб қолган экан. Бу – энди уламолар тарихининг қисқа бир бўлаги.

Маден битириб чиққан, ол Ибройим ҳозир ўқиётган бошланғич мактаб – мана шу Қурбонниёз эшоннинг мачити эди. Бошқа мачитлар омборхонага, молхонага айлантирилганда, буники мактаб бўлиб қолганига, ўзи ҳам, мана, уйдан кириб-чиқиб омон юрганга Ярагандан минг маротаба миннатдор. Узиям жуда қайишқоқ, уддабурон ва абжир одам. Нуримбат эшон Окқум қабристонига шайхлик қилгани учун, Тўрамурод охун яширин бола ўқитгани учун, Абди эшон колхоз ишларида қатнашмагани учун айбланиб, Сибир қилинганда, бу киши аллақачон колхозга аъзо бўлиб кириб, пахта ишларига аралашиб кетган эди.

Қурбонниёз эшон омонлик-эсонлик сўрашиб бўлиб, ортиқ-камни айтишиб бироз ўтирди. Уйнинг ичига кўзи ўрганди. Уй эгалари ҳам анчагина ховурдан тушди-ю, аммо юракларида ҳалиям гудиги<sup>1</sup> бор эди. Довулли кунда, ёғинли кунда кечаси кириб келган меҳмон кимни бўлса-да ўйлантиради. Буни эшоннинг ўзи ҳам сезиб ўтирибди, лекин мақсадга бирданига ўтиш ҳам шошқинлик бўларди.

– Эпти, биздан йўл бўлсин сўранг энди, – деди эшон қўлидаги чойдан бир хўплаб.

– Йўл бўлсин сўраганимиз бўлсин, – деди Хонбиби. – Яширадиган жойи йўқ, боядан бери ақлим ҳайрон, эшоннинг эшигимиздан ҳатламаганига кўп замонлар бўлиб эди. Бул сафари ҳукуматнинг силтови билан келдим, ё ўз ўрни биланми? Ҳукумат силтаганида кундуз куни келди-ку, ўзи келган бўлса, қўрқмадимикан деб ўйлаб ўтирибман.

Эшоннинг юзига қон тепди, ўзи сарикдан келган одам, қизил юзлига айлангани пилта чироқ ёғдусида ҳам сезилди.

– Упкангиз тўғри, – деди у ер чўқилаган одам каби пастга қараб ўтираркан. – Айтганингиздай, жуда юраксиз бўлиб қолдик. Қўшни овулдаги икки охун билан эшон оғани олиб кетганидан кейин-ку отиз ишларидан бир кун қолишга ҳам қўрқамиз. Батрақлардан чиққан амалдорларнинг кўзига балодай кўриниб қолганмиз. Қуртдай баҳона топса, аяб ўтирмайди. Ўзингиз биласиз, янга, овулда уламолардан битта ўзим қолганман. Яқинда “Қамишли ҳазрат”даги Айимбет эшоннинг маърака-

<sup>1</sup> Гудик – гумон, ташвиш.

сига бориб келиш учун ўрнимга одам қўйиб кетдим. Пахта суғораман, теримда арава ҳайдайман. Саводинг бор, овулга почтачилик қил дейишган эди, кўзга тушиб қолишдан қўрқиб, бормадим. Шу юришимда ҳам отлик кўриниб қолса, то ўтиб кетгунча бутанинг тагига ўтиб ўтираман. Ит ҳурса ҳам, қуш учса ҳам қўрқаман. Овулдаги кичкина амалдорлар ҳам кутуриб кетишди. Битгаси Бозоқ мулланинг қизини хотин устига сўратибди. Бермайман деган экан, қаматиб юбораман, бунга сабаб етарли деган экан, бечора икки кўзидан қон оқизиб, қизини бериб қутулди...

Хонбибининг гапида озгина гина-қудурат бор эди, бу гапларни эшитгандан кейин ёқасини ушлаб тавба қилди.

– Кўнглингизга олманг, эшон бола, тушунмайдиган одам эмасман-ку. Қозон қўшиб ўтирган қўшни, яқин оғайни бўлгач, менинг таъмам ҳам ўринсиз эмасдир. Майли, ўтган ишга саловот, энди йўл бўлсинга айланиб келайлик.

– Оғамнинг жойи жаннатда бўлсин, Юсуф охунни икки марта тушимда кўрдим...

Боядан бери мудраб ўтирган Ибройим сергак тортиб, қўноқнинг сўзига кулок қўйди. Маден чўкка тушиб, оғасига чой қуйиб бериб ўтирарди.

– Биринчи кўрганимда саломлашмадик ҳам, кўришмадик ҳам, охун оғам ановундай ердан менга бир қараб: “Токёпнинг сувини тугатиб қўйманглар”, деди. Қолган гапларига тушунмадим, кўздан ғойиб бўлди. Иккинчи кўрганимда, мен қўш ҳайдаётган эканман, хўкизнинг ёнига келиб, “болаларга ҳам ўргат” деди. Шундан кейин уйғониб, тонг отгунча ухлаёлмадим. Тушларимни ўзимча йўриб, сабабини топдим.

Эшон икки болагаям навбатма-навбат қараб чиқди. Ибройимнинг бошини силади. Нимтабассум қилиб ўтирди-да:

– Ибройимжон, буларнинг бари сен учун экан, – деди. – Охун оғам Лорга сургун қилингандан кейин, янга, ўзинг биласан, бўлмас ишларнинг бўлиб қолишидан хавотирланиб, ҳаммасини бўйнига олиб юрди-ку. Мачити ёпилганда ҳам, икковимиз кўп ўйлашиб, бир қанча китобларини кўмиб ташладик. Бирозини пахса орасига қўйиб, суваб ташладик. Уларни алоҳида бир гаплашиб оламиз ҳали. Бўйнимда оғамнинг китоб деган омонати ҳам бор. Бирок асосий омонат бошқа. Охун оғам қамалишидан олдинроқ мени чақириб олиб: “Қурбонниёзжон, бизнинг Маденнинг суяги қотиброқ қолди, у энди насибасини ҳукуматнинг ўқишидан, хизматидан тўплар. Ибройимжонни икки ёзудан ҳам хабардор қил. Шўронинг мактабида сира-да ўқиса керак. Ол, шу боламни қалай бўлса-да, мусулмончиликка ўзинг ўқит. Арабча ўқиб-ёзадиган, шариатдан хабардор мусулмон бўлсин”, – деган эди.

Шуларни айтиб, эшон анча вақтгача унсиз ўйланиб ўтирди. Менинг сўзларимга Ибройим қалай қарар экан, деб эмас, манавиндай замонда бу хил ўқишни қалай келиштирар эканмиз, дегандай ўйланиб ўтирди.

– Оғамнинг бу омонатини омонат жоним омон бўлса, бажаришим керак. Хабаринг бор, менинг боламнинг отиям Ибройим, у ҳозир етти ёшга чиқди. Икковини бирга ўқитарман, деган ниятда кутиб юрган эдим. Оллоҳ таоло шу кунларга етказди, шекилли. Бу иш жуда хуфия бўлиши кераклигини ҳаммамиз ҳам биламиз. Буни Маден ҳам яхши тушунади. Ўқишдан, китобдан сўз очмаслигимиз керак. Болаларни хуфия ўқитаётган уламолар бор. Шуларнинг ҳаммаси ҳам фақат киш кунлари, тунда ўқитади. Ёзда кўриниб қолади экан. Энди мана шунинг вақтини, шарт-шароитини келишиб олишимиз керак.

Хонбиби ҳам манов гапларни эшитиб, туш кўриб уйғонгандай бўлди. Бир хўрсиниб олди-да:

– Оллоҳ ёрлақасин, эшон бола, ниятингга ет. Оғамнинг руҳи олдидаги қарздорликдан қўрқаман. Иншооллоҳ, ҳақ ниятлар бажо бўлсин, – деб қўйди.

Элти аввало Ибройимга, кейин Маденга “сен нима дейсан” дегандай қараб қўйди. Маден ҳам укасига кулимсираб қўйди:

– Бунга иш қилма десанг, ўқиш ўқи десанг бўлди, нон емасликка ҳам рози.

Маден ҳақ гапни айтган эди. Шу билан бирга, унинг гап оҳангида “сен ҳам ўқийсан” демаганларидан мамнунлик бор эди.

Хонбиби элти кулимчирой<sup>1</sup> билан гап бошлади:

– Укитаман, худо хоҳласа, ўз қўлингдан мулла қилиб чиқарасан. Эртанги кунни ота йўлини тутмас-у, бироқ Оллоҳнинг қули, Мухаммаднинг уммати эканини англагудай мусулмон бўлсин. Омон бўлсам, ҳар бир ҳарф, ҳар бир сурани ўргатганингда, “қулия” да куймоғингни, “Ижоза” да улоғингни, жума кунларингда жумалик нонингни етказиб тураман.

– Вой-бўй, янгам-ов, мен келишиб оламиз, деганда Ибройимжоннинг бизникида қўниб қолишини, ўқишга қатнашини назарда тутган эдим, – кулди Қурбонниёз эшон. – Биладиган одамнинг садағаси кетайин, оладиган жойида олиб, ўзинг билан бирга бўлишимиз ҳам...

Кулишиб қўйдилар. Маден тушуниб ўтирибди. Ибройим жим эди. Бошламай турибоқ қўшимча ўқишнинг лаззатини ўзича хаёл қилиб ўтирибдими, ким билсин.

Меҳмон Хонбибига қозон кўтартирмади. “Насиб қилса, бемалол келиб бир ўтирармиз”, деди-да, ўрнидан турди. Туннинг қоронғилиги шунчалик, отининг рангини ҳам ажратиб бўлмасди. Нақ мана шундай хуфия ишларни битирадиган кеча бўлибди ўзиям, биров бировни кўрса танимайдиган...

## 15

– Ана, болаларим, отангиз сўзи ерда қолмайдиган шундай одам эди. Унинг қилган яхшиликлари ҳали олдимиздан кўп чиқади.

Элти шундай деди-ю, чирокни ўчириб, тўшагига кирди. Қоронғида томнинг патигига<sup>2</sup> қараб ётди. Уйқуси келмади. Ҳукумат одамлари келиб, уйни конфиска<sup>3</sup>лаганларида бўлган воқеани эслади. Охуннинг мачитига одамлар эгилиб, қовушларини ечиб киришар, аёллар кириб бораётиб ҳам, чиқиб келаётиб ҳам иккала кафтини паҳсага, эшикларга теккизар, сўнг юзига суртиб тавоф қилишар эди. Мановиларнинг кириб келиши бошқача бўлган, булар худди молқўрага киргандай, ҳамма нарсани тепиб-сочиб, тинтиб, бировлари губур-губур, шовқин-сурон билан кириб келган эдилар. “Китобларинг қани? Анов нарса қаерда? Манов нарса қаерда?” деб дўқ қилиб, тепсиниб турган эдилар. Садағанг кетайин Охун эса мачит олдидаги узунасига ётган оғочнинг устида ўтираверди. “Нима қилаяпсанлар?” деб қайрилиб ҳам қарамади. Шундай бўлишини олдиндан билиб, китоблари ва қоғозларини хуфия жойларга тиқиб ташлаган экан-ку. Ўшанда, китоб саҳифалайдиган ускуна ҳеч кимнинг ёдига ҳам кириб чиқмаган, сандиқнинг ичида ётаверган экан. Бунинг нима эканига дастлаб тинтувчилар тушунмади, ақли етмади. Охундан сўрашди. У киши шунда “бу бир касбга оид қурол-ку” деб тушунтирганидан кейин, улар қўрқиб кетишди, қайтадан тинтувни кучайтиришди. Элда аввалда-сўнгда бундай воқеа бўлиб кўрмаган эди, шунинг учун ҳам одамнинг ёдида бари унутилмас бўлиб қолаверар экан, элти барини аниқ хотирлаб ётди.

Ё пирим-ай... одамлар нега биздан серпилиб қочадиган бўлиб қолишди? Халқ ҳам, элдаги иззат-ҳурмат ҳам нега бунчалар тез ўзгариб кетди? Имон, инсоф, меҳр, шафоат қани?

Элти Ибройимнинг иккинчи синфдалигида, қорли бўронда бўлиб ўтган яна бир воқеани эслади. Бўрон кунчиқишдан ёпирилиб, уриб турибди,

<sup>1</sup> Кулимчирой – юзига табассум билан ранг бериш, жилмайиш.

<sup>2</sup> Патик – 1) уйнинг юқори қисми; 2) уйнинг юқори қисмида тутун чиқиши учун қўйилган дарчага ўхшаш тешик.

<sup>3</sup> Конфиска – мусодара қилиш, тинтув, хатлаш.

бош кўтариб қараб бўлмайдди. Бор топганини боласининг бошига ўраб, бир қиринлаб, гоҳ у қоптоли, гоҳ бу қоптоли билан йўлни тусмоллаб юриб келаёттир. Узи қорга кўмилиб қолса ҳам, тиззалаб, боласини ушлаб қолишга улгурар, унинг иккала кўлини қўйнига тикиб, яна одимлайди. Овул ҳали узокда, қоронғи тушиб бораёттир. Бола бечора ҳолсираб қолган, йиқиладиган бўлиб турибди. Опичлаб олай деса, ўзининг тиззасида мадор йўк, қўша йиқилишдан кўрқади.

Тўрт томон қор, йўлни ҳам, овулни ҳам тахминлаб юриб келаяптилар. Хув анови ерда келидай бир нарса кўрингандай бўлади, кўриб олай десанг, бўрон кўзингни очтирмайдди, кўзингга, юзингга ёпишиб, чақиб-юлиб олади. Анов ердаги нарса то олдингга ўзи келмагунча нима эканини билмайсан.

Шу пайт қаёқдандир улкан ит пайдо бўлди. Шунга қараганда қорайиб турган нарса кўра бўлса керак. Ит ҳам судраниб-сирғаниб буларга яқинлашиб келди. Итга “кет!” дейдиган одам йўк. Хонбиби боласини итдан пана қиламан дегунча, Ибройим бирдан қорга чўмиб кетди. Капалаги учи кетган онаизор боласини тортиб олай деб интилган эди, ўзи ҳам қалин қор билан тўлган чуқанокка тушиб кетди. Кимдир сабзи кўмиш учун қазган ўра экан, шекилли, она-бола қор ичида кўмилиб, бир-бири билан ўра ичида топишиб, ташқарига чиқиб олишнинг ҳаракатида кўл-оёқларини керак, аммо кенг ўранинг бирон-бир четини топиб олиб, ушлаш амри маҳол эди. Буларнинг ўрага қулаб тушганини кўрган ит ҳам тепаларига келиб, бир-икки марта хуриб кўйдиди-да, нари кетди. Уст-боши қор билан бурканган боласини бир амаллаб сиртга чиқарди. Энди болани кўрқитмасдан, ўзининг кўрққанини-ҳовлиққанини билдирмасдан чиқиб олса, яхши бўларди. Шу орада уларнинг тепасида аравасига ўтин, шох-шабба ортган бир киши пайдо бўлди. У қуён терисидан тикилган тумоғининг қулоқчинини тушириб, кўзигача бостириб олган эди. Яхшиям у буларни таниди, “хов, элти чеча, сизларми кўмилиб ётган?” деб, аравасини тўхтатиб, элтини ўрадан тортиб чиқарди. Ибройимни эшакнинг устига ўтирғизиб, “ўзинг аравани ихлаб юравер” деб, бу ердан кўзгалдилар.

“Утган ойдаги бўронли совуқда, қалъага қатнаб ишлайдиган Олимбой деган йигитнинг уйига исиниб олиш учун қирган эдик, кампири бизга балога қарагандай ёмон кўриб қаради, – деб ўйлади Хонбиби. – Нотаниш одамлар бўлганимизда раҳми келиб, бир пиёла чойга таклиф қилган бўларди. Биз ноганиш одамчалик ҳам бўлмай қолдикми? Халқнинг феъли нега шунчалар ўзгариб кетди? Нега бунақа бўлди? Йўк, ҳаммаям шунақа эмас. Ўзлари ёки болалари ҳукумат ишида ишлайдиган одамларгина шундай. Улар “халқ душмани”нинг бола-чақасига яқинлашсак, албатта, бирон-бир зиёни тегади, куяси юқади, деб ўйлайдилар, еб ўтирган нонимиздан айрилиб қоламиз, деб кўрқадилар. Бояги эшон боланинг гапида шу ҳадик бор, кўнгли тузук, бироқ ичида замондан кўрқинч бор. Шундай дейин десам, кунини зўрға кўриб ўтирганларнинг ҳам орасида шундайлари бор. Улар ҳам эшитган гапига эргашиб кетаверадиган анқовлар. Ким нима деса, нимани тарғиб қилса – шуники тўғри экан деб, чопиб чиқаверадилар. Шунинг учун ҳам аввалги овулига борса, Лорободга қайтгунча ошиқади. Лорободагиларнинг бари ўзимиз қатори, ҳуқуқсизланиб, камситилиб, сургун қилинганлар. Улар – шу кунларига ҳам шукур қилиб, ҳар тонгга етиб олганига қувониб юрадиганлар. Одам ўзинг қаториларнинг ёнидагина эркин юра оласан. Охун бечора ҳуқуқсиз қилиб қамаганларига орланарди, шу туриши билан кетди, жойи жаннатда бўлгур шоввозим...”

Ибройим мачитдаги “ҳижжалаб ўқиш” деб аталадиган дарсларга қатнай бошлади. Кундузи шўролар мактабида ўқиб келади-да, чала-чулпа



овқатланиб, Қурбонниёз эшоннинг уйига кетади. Йўлда одам кўринса, ўтиб кетгунича жингилнинг ортига яшириниб туради. Эшоннинг уйига келгандан кейин ҳам олди-ортига қараб, яқин-атрофда одам йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кейин ичкарига қиради. Топшириқ шундай.

– Болам, келдингми?

Жамила элти Ибройимни кўрмаганига анча вақт бўлган бўлса-да, бугун қисқа саломлашиб:

– Оёқ кийимингни ҳар келганда энди манов жойга қўй, – деб такрорлади-да, ён томондаги кичкина хужрага кирипти. Хужрада пилта чироқ ҳар доимгидай ёқилган, тўрда икки буқланиб ташланган кўрпача, ёстиқ турибди. Олдида уламолар китоб кўядиган лавҳ бор.

Ибройимнинг изидан иккинчи Ибройим – эшоннинг ўғли ҳам кириб келди. Элти икковини ҳам чўккалатиб ўтирғизди.

– Ҳозир муллангиз қиради, икковинг ҳам учиб ўрнингиздан туриб, эгилиб салом беринг. Ўтиринглар деб айтганидан кейин, яна худди мана шундай қилиб чўк тушиб, тиззалаб ўтирасизлар.

Катта Ибройим “маъкул” дегандай бош силкиди. Кичкина Ибройим онасига қараб кулимсираган эди, онаси унга ковоқ уюб қараб қўйди. Элти чиқиб кетганидан кейин ҳам булар бир-бирларига қарашиб, чурқ этмай ўтиравердилар. Мулла ҳадеганда келавермади.

– Нечага чиқдинг? – деди Ибройим ёнидаги болага.

– Бултур тишим тушган эди, ўрнига янгиси чиқиб келаяпти. Энди саккизга қараб кетдинг, деди опам. Сен кап-каттасан-ку, шундаям ўқийверасанми?

– Ўқийсан, деди эшон оғам, унга менинг отам айтиб кетибди.

Эшик очилиб Қурбонниёз эшон кириб келди. Болалар ўринларидан сакраб туриб, эгилдилар.

– Ассалому алайкум! – деди Ибройим, кичкина эса ўзининг уйи бўлгани учунми, индамади.

– Сиз салом бермайсизми? – деди эшон ўғлига қараб.

“Сиз” деган сўзни биринчи марта эшитиши бўлса керак, болакай бирагўла қисиниб, қимтиниб “Ассалому алайкум” деб бошини эгиб, пастга қаради. Сўнг болалар чўк тушиб ўтирдилар.

– Бугундан бошлаб, сизлар ўқувчи, мен сизларнинг домуллангизман. Бу ер – мусулмонча таълим оладиган мачитимизнинг дарсхонаси. Бизнинг мактабимизда “сиз” деб сўзлашамиз. Берухсат сўзламайсизлар. Бошқа мактаблардаги муллалар каби қизил хивчин келтириб қўймаймиз. “Таёқ айикни ҳам номозга ўргатади” дейдилар. Лекин биз шошилмасдан, аста-асталик билан, сўз қайтармасдан, шовқинсиз илм ўрганамиз.

Ибройим, эшон оғам бу сўзларни мен учун эслатаяпти, деб ўйлади, ёнидаги ҳали мактабга ҳам бормаган гўдак бу сўзларнинг биттасигаям тушунаётгани йўқ. “Диний мактабларда бола ўқитадиганларга мулла дейишарди, бу киши ўзини домумла деб атади. Тўғри-да, уларнинг мулла эканлиги рост, оғам эса эшон-ку...” Эшон уларнинг қўлига тахта тутқазди. Ушлайдиган тутқичи бор, юзига ҳарф битилган экан, хижжалаб ўқишга шундай қилиб киришди! Дастлабки кунларда кичкина Ибройим нима айтилса, нима ёзиб кўрсатилса, шуларга қизиқиб қарар, қулоғини тикиб ўтирарди. Бора-бора хижжалаб ўқиш пайтида кўзи буриладиган, қалқиб кетадиган бўлди. Эшон асосан катта Ибройим учун дарс ўтаётгандай кўринса-да, у ўғлининг ҳам оладиган билимини ҳозир олиб қолиши учун ҳаракат қилаётганлиги сезилади.

Бир куни кичкина Ибройим “шамоллаб келаман, хожатхонага бораман” деб қолди. Эшон унга қараб:

– Ибройимжон, бунақа нарсани “домумла, одоб” деб, қўлингизни кўтариб, ундан кейин айтинг, – деди худди катта ёшли кишилар билан гаплашгандай. – Ундан кейин рухсат берилса, чиқасиз.

Болакай қайтадан “домулла, одоб...” деб қўлини кўтарди. Эшон унга рухсат берди. Бола шошилганча чиқиб бораётганда домулла уни яна тўхтатди.

– Ибройимжон, домулланинг, уламоларнинг, ёши катталарнинг хузуридан эшикка қараб кетганда, орқа ўтирмай, эгилиб чиқиб кетишингиз керак.

Бола қайтадан ўрнига ўтириб, домуллага қараб таъзим қилиб эгилдида, тисарилиб чиқиб кетди.

– Сиз ҳам чиқиб келақолинг, бир пиёла чой ичгудай вақт танаффус қиламиз.

Ибройим шу дарсларга бағишлаб бир дафтар билан қора қалам олган, домулласи нимани ўргатса, ёзиб ўтирарди. Эшон унинг дафтарини қўлга олди. Очиб варақлаган эди, дафтарнинг ҳар бир саҳифасининг теварак-хошияси нақшлар, гуллар билан чиройли безалганини кўрди. Бу безаклар жуда чиройли, нақ Қуръони Карим сураларининг безакларига ўхшаб кетарди. Ҳарфлари ҳам бир текисда, жуда кўркем. Қай бир куни дафтарига ёзиб ўтириб, нималарни безатаётганига кўзи тушган эди, бироқ ҳеч нарса демаган эди. Бу гал эса кўрганларини аниқлаб олгиси келди.

– Ибройимжон, манави дафтарни ким безади?

– Ўзим, арабча китобга қараб чиздим.

– У одам суратини ҳам худди ўзидай чизади, – деди кичкина Ибройим дарсхонада эканлигини ҳам унутиб.

Эшон мийиғида кулиб қўйди.

– Ибройимжон, ёзувни қайси қўлингиз билан ёзасиз?

– Чап қўлим билан. Суратни ҳам чап қўлда чизаман.

– Мактабда қайси қўлда ёзасиз?

– Мактабда ҳам чапакай ёзиб бошлаганман.

– Муаллимларингиз ўнг қўл билан ёзишни ўргатмадимми?

– Кичкина пайтимдан Маден оғамнинг китобларига қараб сурат чизиб, ҳарфларни ҳам шу қўлда ёзиб ўрганиб кетганман, – деди Ибройим айбдор одамдай қизариб.

– Ислому дини ҳамма нарсани ўнг қўл, ўнг тарафдан бошлашни тақозо қилади, ўғлим. Кийим кийганда энг аввал ўнг қўлни енгга тикасиз, оёқ кийим кийганда ҳам, юрмоқчи бўлиб қадам ташлаётганда ҳам ўнг оёқдан бошлайсиз. Дастурхондан “бисмиллоҳ” деб нон олганда ҳам ўнг қўл билан синдириш керак. Энди нима қиламиз, қайтадан ўнг билан ёзиб ўрганамизми?

Ибройим индамай қолди. Бу гапни унга биринчи синфдалигида Тўлаган муаллим ҳам айтган эди. Ўнг қўлда ёзишни ҳеч эшлаёлмаган. Ўнг қўл билан сурат чизиш нари турсин, ҳарфларни ҳам келиштириб ёза олмайди.

– Манави безакларни ҳам ўнг қўлда чиза олмайсизми?

– Тўлаган муаллим билан чиқарадиган деворий газетани ҳам чап қўлда безатаман...

“Худо хоҳласа, бу йил бошланғич синфни тамомлайди, – ўйлади эшон. – Боланинг суяги қотиб кетган. Отаси Юсуф охун марҳум хуснихат соҳибларидан эди. Ҳарфларни тошбосмадан чиқаргандай чиройли ёзарди, раҳматли. Китоб хошияларини, муқовасини безаганда қўлдан чизди деганларига ҳеч ким ишонмасди. Боласигаям ўтибди-да... Энди чапакайлигини нима қиламиз?”

Шу ўйланиб ўтиришида ҳазрати Қорақум эшонимиз билан боғлиқ бир хангома – бир муридининг саволию унга ҳазратимизнинг жавоби ёдига тушди.

– Ҳазратим, – дебди мурид махсум, – мени бир сўфи уйига ифторликка таклиф қилди. Сал эртароқ бориб қолибманми, қарасам, кўйни ўзи сўйиб, теридан чиқараяпти. Пичоқ чап қўлида экан. “Эй, мусулмон, нега ўнг

қўлда сўймайсан?” десам, “Оллоҳ таоло мени азалдан чапақай қилиб яратган, тақсир”, деди! Нимаям дердим, чап қўл билан сўйилган қўйни еб тарқалдик. Энди бунинг изи қандай бўлар экан? – дебди. Шунда ҳазрат:

– Махсум, бизга ҳали сиз чап қўл билан сўйиб ҳам бир қўй едирмадингиз-ку, – деган экан ҳазил-чини аралаш.

Эшон ушбу ҳангомани эслаб кулиб қўйди, олдида ўтирган ўқувчисига ихлоси ортди.

## 17

Ибройим амакиларидан, Сатулла дойсидан диний мактабдаги тартиб-интизом ҳақида кўп эшитган эди. Сатулла дойсининг отаси Хўжаниёз сўфи ҳам илмли одам бўлган, болаларини мулла қўлида ўқитган.

– Сенинг манови ўқишинг шоҳона ўқиш-ку, – деди Сатулла Ибройим-га, – биз саводи сал бундайроқ бўлган Тажим муллага тўрт йил қатнаган эдик. Кейинроқ Дониёр охун оғамиз ўқитиб, сал одам бўлдик. Мулланинг талаби – бирпас чўп-шоҳ ўтин тердириш. Ҳар жумада “жумалик нон” опкелишинг керак, ҳар ҳарфни ўқиб чиққанингда билсанг-билмасанг “қулия” деган солиғи бор, “қулия” да – қуймоқ”, дейди-да тураверади. Ўқишга кирганингда, ўртасида, битириб чиқишингда фалон тийиндан деб танга тўплайди. Танганг бўлмаса, дон берасан, донинг бўлмаса, улоқ дегандай, хуллас, оладиган қаъдаси<sup>1</sup> кўп. Ўзи лойдан уйилган тепачада ўтиради. Қапталида бир боғ қизил жинғилдан сўлқиллаган чивиғи бўларди. Қилт этиб товуш чиқарсанг, ётқизиб қўйиб, елканг аралаш орқангга солади. Орамизда дарсни қанчалик ўргатма барибир билмайдиган болалар бор эди. Улар ота-онасидан кўрққанидангина дарсга қатнарди. Муллага барибир, унга боланинг кўп бўлгани яхши, ундирадиган солиғи баракали бўлади-да. Ана шу болалар доимо чивик ейверганидан, устидаги чакманининг астарига тери тиктириб олар эдилар. Мулла ҳар гал чивик билан савалаганда худди пўстакдан чиққандай “тақ-тақ” этган овоз чиқар эди. У болаларнинг оти ҳозир эсимдаям йўқ, ҳаммамиз уларни “пўстак” деб чақирар эдик...

Ростдан ҳам, бу ёғидан олиб қараганда Ибройимнинг ўқиши шоҳона ўқиш – подшочилик эди. Курбонниёз эшон жуда билимли, илғор фикрли инсон эди. Болаларга тили тушунарли, ўзиям болаларни яхши тушунади. Ўқитишда, диний таълимда жуда талабчан, деб номи чиққан эди. Манов – менинг болам, манов – иним деб қарамасди. Тирноғи ўсган, сочи қулоғига тушиб турган болани тергаб, тушунтириб, талаб қилиб, эслатиб, огоҳлантириб туришни ҳеч қанда қилмасди. Маъракада қандай ўтириб-туриш, қаерда бир тиззалаб, қаерда икки тиззалаб ўтириш, ёши улуғлар билан қандай саломлашиш, катталар сўрашиб бўлгунча қўл қовуштириб туриш, уйга кирганда-чиққанда, қаторда ўтирганда ёшга, мавқега қараш, ҳамиша ўзининг ўрнининг билиш, хурматга муносиб бўлиш ва бошқа шу каби одоб-икром тартибларини қатъий ўргатарди. Дастлаб ўқишни ҳижжалаб ўқитиб, дарсларни ҳам манов замоннинг ўзгаришига мослаб, кейинчалик эса одамларнинг кўзига кўринавермасин учун киш пайтларидагина ўқитишни йўлга қўйди. Болаларнинг ихлоси яхши эди. Энг муҳими, ўқиш ва ёзишни тезлатилган усулда олиб борарди. Келаси йилда савод очишга мўлжалланган Сўфи Оллоёр, Фузулий, Ҳофиз, Бедил ғазаллари, “Юсуф-Аҳмад”, “Бобо Равшан” қиссаларини кўмиб қўйган еридан қазиб олиб, аввал ўзи ўқиб, сўнг буларга ўқитиб бошлади.

Ибройим икки мактабнинг эмас, икки дунёнинг ўртасида юргандай эди. Ёш ўспирин бола бир мактабда йўқ билимларни иккинчисидаги билимлар билан тўлдириб, илмли инсон бўлишнинг асл мақсади – чин инсон бўлиш эканлигига билиб-билмай кўникиб бораверди.

<sup>1</sup> Қаъда – урф-одат, қонун-қоида.

Бу йилги баҳор эрта келди. Қишнинг қаҳри қайта бошлаган кунларданок дехқонлар катта анҳорларни, овуллар орасидаги ариқларни қазиш, тозалаш ишларига киришиб кетдилар. Кун шу тариха қиздираверса, экин экиб олишга кечикиб қолиш ҳеч гап эмас. Қазув ишлари бултургидан кеч эмас-у, аммо об-ҳавонинг эрта қизий бошлагани дехқонларни шошилтириб қўйди. “Энди йигит бўлгандан сақла” деганларидай, ёш дехқонлар ҳам куннинг эрта исиб кетганидан фойдаланиб, экин-тикин ишларига тезлик билан киришиб кетишни мўлжаллаётган эдилар. Сочлари оқара бошлаганлар эса, “Савр – барибир қиш, жавзо ярми қиш, саратон, сендан ҳам қўрқаман” деган гапларни эслаб, эҳтиёт бўлиб турардилар. Ер ҳали тобга келмаган эди. Ташлаган тухуминг бўртмаса, чириб кетса, нима қиласан? Лекин буларнинг бари фақат хаёл, қанча шошилмагин, ариқ-анҳорларнинг қазувини битирмасдан туриб, экин бошлашга колхоз рухсат бермайди.

– Хулкар юлдуз қачон кўринди? – дейди қазувчилар бир-бирига.

– Хулкар кунда кўринади, унинг нимасини сўрайсан?

– Хулкар уйнинг патигидан кўринса, уч ойдан сўнг ёз бўлар, деган гап бор эмасми, шунга сўраяпман-да.

– Ундай бўлса бошқа гап, – дейди ёши каттароқ қазувчи. – Ол, бола, сен сўраган Хулкар бу йил эртароқ кўринди. Баҳорнинг келиши ўз вақтида, чаманда. Энди совуқ бўлмаса керак.

Қазувда ҳар уйдан бир белдор (белкуракли одам) чиқади. Эркаги йўқ уйлардан хотинлар, ёш болалар пай (улуш) олиб, қазувга тушади. Катта, теран ариқларнинг қазувида улар ултон (лой хандак)дан туриб лой отишга ярамаганликлари туфайли, тепароқда туриб, ултондагилар отган лойни тутиб, чиқариб ташлайдилар. Шунгаям кучлари етмаса, шох-шабба, тезак териб, қазувчиларга чой қайнатиб ташийди, овқат пиширади. Қазувдан колсанг, катта дов-жанжал кўтарилади.

Хонбиби элти ҳар йили қазув пайтида овулнинг подачисини ижарага ёллар эди. Одамлар қишда молларини ўз оёғи билан ўтлашга бўш юборади. Баҳорги экин-тикин бошлангунча подачига иш йўқ. Бу йил подачи йигит армияга кетиб қолиб, Худо унияма кўп кўрди. Қазувчилар орасида “Маден нега қазувга чикмайди, у кимдан ортиқ?!” деган дов кўтарилган.

– Бу гапни топиб юрган ким экан? – деди Хонбиби.

– Ким бўларди, Олланиёзбойнинг жияни Давлатёр-да.

– “Душманинг битта бўлса ҳам кўп” деганлари шу экан-да, болам. Сенда ҳалиям бояғи ўчи бор, – деди Хонбиби Маденга. – Бу йил қазувга чикқанинда бўлар эди.

Маден деган болага (бола эмас, йигит) тушуниш қийин. Қайдан чикқан бунинг қилиқлари, қизик, ўзича кўкрагини кериб юради. Амал учун туғилгандайми ёки бекликка ўхшашми – шундай атвори борлиги сезилиб туради. Катторидан бошини бир қарич баланд кўтариб юради. Ўзи каби болаларгина эмас, қизлар ҳам орқалаб ўтин ташиганида, бу ўчоққа оёғини ёкса ёқадики, ўтин ташишга чикмасди. Борганда ҳам ўтинга эшакли кетади, ёнига Ибройимни ҳам эргаштиради. Овулга кириб келишдан олдин ўтин ортилган эшакни Ибройимга ҳайдатиб, ўзи тўрт-беш қадам орқада, худди кулни олдига солиб келаётган одамдай талтанглаб келади.

Баҳорги қазувга ўзи каби болалар аллақачоноқ чиқиб юрибди. Алмурод калтақўнжнинг боласи қишда Бешёп қазувида қўниб юриб қатнашди. Бу эса қазув, ер текислаш каби ишларни ўзига тенг кўрмайди, отарава ҳайда деса, азонда колхозчилар ишлайдиган отизларнинг четига қизил байроқ қадаб, нариги кўламдаги аёл-қизларни шу ерга ҳайдаб кел деса, шундай ишларга чопиб кетади. Унинг бунақа сарбастлигини билмайдиган-тушунмайдиган одамлар: “Катта оғаси Қаллибек – колхознинг бошлиғи, кичкина оғаси Обил – бухгалтер бўлса, бунга ким сўз айта олади”, деб тўнғиллашади.

<sup>1</sup> Патик – уйнинг шифтга яқин баланд жойидаги махсус тешик.

Кунда қазув бошида шу гап бўлавергандан кейин Турсунмурод бригадир бир гап ўйлаб топди.

– Ол энди, бир-икки кун чиданглар, Юсуф охуннинг боласидан пойимизни оламиз. Жармишённинг айланмасига яқинладик. Худди мана шу ерга борганимизда кичкина ўгли Ибройимни чақириб, этагига лой солиб юборамиз. Элти янга тушунадиган аёл, эртаси куни ҳаммамиз шу уйга бориб тушлик қиламиз.

– Баримиз борсак, уйга сиғамизми?

– Сиғамиз, сиғамиз, – деди бригадир, – уйнинг ташқариси кенг-ку, қошиқ-товоғи етмаса, ўзимиз олиб борамиз.

– Уй-бўй, Турсунмурод иним, у оила – эл ичидаги кўнгли ярим одамлар тунаб, ўзларига мадад оладиган хосиятли уй бўлса, бизнинг ҳаммамиз буйтиб бостириб боришимиз қалай бўлади?

– Нар иборса, зиёратга келдик, дермиз.

– Барибир, олдинроқ бир хабарини бериб қўйсак, яхши бўларди.

Турсунмурод бу томонларини ҳам ўйлаштириб, ишни пишириб қўйибди... Сўйиш учун кичкина бир улоқни ғамлаштирди, Хонбиби элтига олдиндан хабар юбортирди. Элти Қирқбой овулига бориб, қазувчиларнинг олдида қўядиган у-бу нарсани топиб келтириб қўйди. “Элнинг оғзин ёпишга эллик қарич бўз керак”, элдан чиқиб кетиб бўлмади, ҳамма қилиб юрган ишни эл иши деб қилиш керак – бу аввало шу элнинг оғизбирчилигини сақлаш учун қилинади. Шу билан элнинг аҳиллиги сақланади, бирлиги мустаҳкамланади.

## 19

Баҳор мавсуми ҳам, баҳорги ишлар ҳам оёқлаб қолди. “Жавзода – жовдай (ёвдай) экиш” деган кунлар бор, ер тобдан чиқиб кетмаслиги учун ер хайдовчилар от қўшиб, хўкиз қўшиб ер хайдайдилар, хайдагандаям кечаю кундуз, навбатма-навбат ер сурадилар. Колхознинг трактори биттагина, у ҳам хали бу томонларга келгани йўқ. Бу тракторни қандай одамлар хайдайди, уни қайси овулга олиб келишади – бу томони кўрмаганлар учун армон, эшитганлар учун афсона. Ҳали овулга трактор келмай туриб, у ҳақдаги даҳшатли гаплар етиб келди: олдида чиқсанг, босиб кетади эмиш, ғилдираги одамни чайнаб ташлайди эмиш...

Мактабдаги ўқишларнинг ҳам занжир-мурватини бураб қўядиган вақт яқинлашди. Тўлаган муаллим яна бола тўплаб, алифбенинг “а” ҳарфидан бошлаб янги ўқишга тайёрланади. Битирувчиларнинг ичидаги улғайиб қолганлари уйланишга тайёргарлик кўра бошлайди. Кейинги йил армияга кетадиганлари ҳам бор. Ибройимга ўхшаб ўқишга саккиз ёшида келганлар энди Чимбойдаги етти йиллик мактабга қатнайди. Тўрт йил ўқиб, йигит бўлиб қолганларининг биров-икковини сайлаб-тайёрлаб, қўшни овулларда очилган мактабларга ўқитувчи қилиб юборишади.

Негадир Тўлаган муаллим бу йил битирганларни ўзидан нарига юбормоқчи эмасдай. Нураддин ва Қобилга ўхшаш болалар жуда оташин, нима десанг, шуни бажаришга тайёр туришади. Бектурсин, Умарлар меҳнаткаш, Рўзимбой – жуда устаси фаранг, ҳамма ишнинг урдасидан чиқадиган бола. Ибройимнинг қизиқмайдиган соҳаси йўқ, китобга, мутолаага ўта хумор, тушунчаси кенг. Оз сўзлаб, гапга қулоқ осмай ўтиргандай кўринади-ю, лекин дарсда нима мавзу ўтилаётганидан ҳаммиша хабардор. Ундан ўрнат олиб, кўпчилик синфдошлари яхши ўқийдиган, ўзлари шеър ёзадиган бўлишди, қўшиқ айтишади. Иккита бола ҳатто овул тўйларида беточар<sup>1</sup>да ҳам иштирок қилар экан. Шу пайтгача ўқитганларимнинг ичида шулар – энг яхшилар деб, Тўлаган муаллим хурсанд эди.

Ўтган ҳафта табиатни ўрганамиз деб, тўртинчи синфни Бешёп ариғи

<sup>1</sup> Беточар – келинсаломга ўхшаш тўй маросимларидан бири.

бўйига олиб чиқди. Йўл бўйида нима кўринса – кушми, ўсимликми, ҳаммасини ёзиб боришни топширди. Энг қизиғи мана бу топширик бўлди: “Қуркултой деган қушни ким кўрди? Унинг кўриниши қанақа? Нега халқда “қуркултой чеварми, худо чеварми?” деган гап юради? Кўрганларингизни тасвирлаб ёзиб келинг”.

Болаларнинг ичида уйи Бешёпга энг яқини Нуратдин эди. Йўл шу ердан тушди, ота-онаси ҳам хабар топиб, тайёрланиб ўтирган экан, шекилли, ичига сиқмон<sup>1</sup> сиқилган жўхори ёрма пишириб қўйишган экан, ҳаммалари шундан бир пиёладан ичиб олишди. У пайтлар Бешёп жуда теран, оқими ҳам кучли аңхор эди, оёғи Қуралпа<sup>2</sup>гача оқиб борар, ичида қайик, кемалар юрарди. Уша йиллари колхозчиларга меҳнат ҳақи деб бериладиган бугдой, кийим-кечакларни шу сув йўли орқали кемаларда ташилар эди. Халқ ичида шу йиллари тарқаб кетган бир гап ҳам бўлган экан: таяви<sup>3</sup> бўйламай, нариги қирғоққа қайикли зўрға етиб борган бир одам ҳайрон қолиб, сўраган экан:

– Ё, пирим-ай, буни нима билан қазди экан?

Шунда сўзга чевар бир оқсоқол дебди:

– Қамчи билан.

– Қамчиси қанчалик кучли бўлган билан манов оқиб ётган сув жуда ҳайбатли-ку, қалай чидаган экан қазувчилар?

– Вой, иним-ай, бу бош нималарга чидамайди дейсан, сенинг тўғрингда айтади, менинг тўғримда айтади. Шундай қилиб қазаверади-да...

Кегейли аңхорининг оёғи Чимбой шахридан чиқаверишдан беш тармоққа бўлиниб кетган бўлса, ўша пайтлардан бери Бешёп ёқаловлари қалин элга ризқ-насиба таратиб келади. Тўлаган Тўрамуродов сингари фидойи муаллимлар табиат дарсларида мана шундай халқ қаҳрамонликларининг намуналари ҳақида ўқувчиларга гапириб бериб, ёш қалбларда ватанпарварлик, фидойилик, мардоналик, шукроналик туйғуларини уйғотганлар, шундай туйғуларнинг барқ уриб гуллашига, мустаҳкамланишига ҳисса қўшганлар. Улар ёш авлодни руҳлантира олганликлари, тарихга, ота-боболарнинг машаққатли ҳаётига ҳурмат ва қизиқиш уйғота олганликлари учун ҳам таҳсинга лойиқдирлар. Фақат мана шу ҳурмат-эҳтиромларни, таҳсинларни ўлчай оладиган мезонни, ўлчам тошни биз, бугунги замондошлар тушуниб-англаб ета олсак экан! Магар бу мезону ўлчам тошларнинг қиймати элда етишиб чиқаётган ҳақиқий ватанпарвар азаматларнинг сони билан ўлчанса, ажаб эмас.

Овулда мол боқиш навбатининг бошланганига ҳам анча бўлди. Баҳорда ер суриш-ҳайдаш ишлари бошланиши билан молларни ўз бошига бўш қўйвориш ҳам тўхтайди. Подачиси йўқ эл молларини навбат билан ўзлари боқади. Ибройимнинг навбати ўқув тугаган кунларга тўғри келди.

Подачиликнинг энг қийини – эрталаб овулдан чиқиш билан кечкурун молларни уй-уйига тарқатиш. Йўлда бораётиб ё келаётиб мол экинга уриб кетса – бунда кўрадиган азобинг бошқача бўлади. Овул одамлари бўғини қотмаган ёш болаларни пода навбатига қўшмайдилар. Маден қайқи<sup>4</sup> эса бундай юмушлардан ор қилади, шунинг учун Хонбиби элти подага Ибройимни юборишга мажбур. Унинг ёшидаги болалар-ку бундай юмушдан кўрқади. Яйлов ҳам овулдан анча олисда. Йўл бўйидаги қалин тўқайларни, кирган одам чиқолмай қоладиган чакалакзор-буқларни айтмайсизми?! Яна, буларнинг устига илондан тортиб, қашқиру чиябўригача изғиб юради. Шунинг учун ҳам Ибройимнинг ёшидаги болаларнинг тўртов-бешови ҳар бирининг навбатида биргаллашиб боқадилар. Бу йилги баҳордан ўтиб, улар ҳам бўйлари зўррайиб ўсган

<sup>1</sup> Сиқмон – ҳамир, пишган овқат ичига қўлда бармоқлар орасидан сиқиб солинади.

<sup>2</sup> Қуралпа – манзил номи.

<sup>3</sup> Таяв – сувда ерга таяниб, кемани юриштиш учун ишлатиладиган таёқ.

<sup>4</sup> Қайқи – олифта, сатанг, унча-мунча ишга бўйни ёр беравермайдиган йигит маъносида.

ўспиринларга айланиб, уй юмушлари уларнинг бўйнига мина бошлади. Энди уларнинг кенг-мўл болалик даврони тугаб, йигитлик айёмига тайёрлик кўрмоқда эдилар.

Ибройим уруғдош Тўлибой оғасининг ўғли Лепесбойга, эртага Узоқ, Имоматдин, Алмурод тўртовингиз менга мол боқишасизлар, деб топширди. Улар қувона-қувона эртаси куни моллар тўпланадиган жойга келишди. Бировининг қўлида балиқ тутадиган чўлпи, бировида кичкина ов тўри, бошқасида чуллик, таёқ, қочармон<sup>1</sup> тўп... Болалар поданинг икки томонини бўлишиб олиб, овулнинг молларини ҳайдаб кетдилар.

## 20

Моллар олдинги ҳафта мобайнида Тоқёп билан Жармишёп оралиғида боқилган экан. Буларга Жармишдан бери – ёп орқасидаги яйловда боқиш топширилди. Болаларга жуда ўнг тушди – ҳам овул кўришиб туради, ҳам ўзлари чўмилиб, балиқ овлаб ўрганишган сув ёқаси! Қолаверса, Жармишёпнинг бўйида, хув ана, улкан шохи ёнга қараб ўсган кекса оқтол бор, иссиқ куйдираман деган вақтда югуриб бориб, шу толга чиқиб олиб, устингдаги куртачангни<sup>2</sup> ёйиб юбориб ётсанг – оҳ-оҳ-оҳ, мазза қилиб салкинлаб ухлаш мумкин.

Моллар яйловга, сув бўйига етиб келгандан кейин, то қайтадиган пайт бўлгунча жонинг қийналмайди. Бу гал ҳам болалар яйловга етиб келган захоти “дунки таёқ” ўйинига киришиб кетдилар. Бу ўйин жуда қизиқ. Рақиб томон билан навбатма-навбат туриб, қўлингдаги таёқ ёрдамида нариги томоннинг таёғини доирадан уриб чиқариб юборишинг керак. Шовқин-сурон, тортишувлар, жанжал кизиб кетади. Ютқазганлар ўйинни бузиб, чуллик ўйнаймиз деб чиқади. Бу ўйиннинг бозорини ҳам роса кизитишади, бир пайт қоринлари очиб, овқат ёдларига тушади-да, чўлписи билан овларини олиб, ёпга келишади. Иккови тўрни кериб турганда, яна иккови хув наридан сувни шалолатиб, балиқларни кўрқитиб, тўр томонга қувиб келишади. “Чўртан илинмагай, чўртан илинмагай!” деб, тилак тилаб туришади. Катта чўртанлар болаларнинг оёғини тишлар эмиш. Ота-оналари айтган гапларга қараганда, чўртаннинг гўшти мазали эмас. Ростдан ҳам одамлар орасида ана шундай фикр бор. Айтгандай, балиқлар ҳақида гап кетганда, манов бир ривоят ҳам халқ орасида тилга олинади:

Хива хони замонида овул оқсоқолининг уйига кутилмаганда бир амалдор келиб қолади. Уй эгаси хизматкорларга дарҳол қўй сўйдириб, гўшт пишгунча “Майёп”дан тезлик билан балиқ тутиб, қовуриб келтиришни буюради. Хизматкорлар ёпга ов солишса, иккита чўртан балиқ илинибди. Тезлик билан балиқни қовуртириб, меҳмоннинг олдига қўяётиб, оқсоқол: “Яхшироқ балиқ ҳам топилмади-ёв”, деган қисинишма билан:

– Бу чўртан деган балиқ. Турли оғрикка ем, шўрвасини ичсанг, тумовни дарҳол олади, – деб мақтабди. Келган қўноқ ҳам кўпни кўрган, шум одам экан.

– Ай, билмадим-ов, чўртанинг яхши бўлганда, шу пайтгача Хивага бир борган бўларди, – деган экан.

Дарҳақиқат, элда энг асл, ноёб нарсалар хонликка олиб борилади, пойтахтдагилар балиқ авлодидан зоғорабалиқ билан суванни<sup>3</sup> билади, чўртанинг бу ҳисобда йўқ.

Болалар ҳам балиқ тутиш билан андармон бўлиб кетган вақтда Ибройим оқ толнинг соясига чўпонлар ёйиб қўйган сомоннинг устида ётиб китоб ўқиётган эди. Кўнгли сал алағда бўлиб, асосий иш ёдига тушган вақтда Жармишёп томонга қулоғини қўйиб: “Келмаяпти-ку, – деб хаёлга

<sup>1</sup> Чуллик, қочармон – болалар ўйинларининг номлари.

<sup>2</sup> Курта, куртача – болаларнинг иссиқ кийими.

<sup>3</sup> Суван – балиқнинг бир тури.

толади, – ё ҳали эртароқмикан? Аввалги сафар бунчалик куттирмаган эди-я! Ўзи шу нарса қаёқдан пайдо бўлади? Уяси ўрпонлик ерда бўлади, дейишарди-я, Лор томонлардамикан?”

Жармишённинг нариги томони отиз-отиз қилиб экилган йўнғичқазор. Эрта баҳордан кўкиш бўлиб уна бошлайди. Колхознинг йўнғичка етиштириш бўйича плани бор. Қиши билан уни моллардан кўриқлайдилар. Одамлар челақ кўтариб, қатор юриб молнинг неча йиллик қийларини тўкиб чиқадилар. Ана ўша йўнғичқазор устида, тушга яқин, кун қизий бошлаган маҳалда Ибройим учун энг қизиқ, илоҳий бир дамлар бошланади: бир пошшатўрғай<sup>1</sup> ҳавога кўтарилиб, муаллақ турган ҳолда, пирпираб узок сайрайди.

Тўлаган муаллим айтиб берган эди:

– Пошшатўрғай деган қушни биласизлар, чумчуқдан сал каттароқ, тўмпоккина, тепасида чўччайган тожи бор. Тож подшоларда бўлади, шунинг учун ҳам бу қушнинг номини подшотўрғай деб қўйган, кейинчалик пошшатўрғай бўлиб кетган. Ўзи кўпинча йўнғичқазорларда, от боғловли ерларда, чошгоҳ маҳали тик ҳавога кўтарилиб, бир жойда пирпираб туриб, бир соатча тинмасдан сайрайди. Тинглаб кўрсанг, худди битта сўзни такрорлаб айтаётгандай туюлади. Аслида, у нағмасини қўшиқ қилиб айтаётган бўлади. Қўшиғида у ўзи туғилиб ўсган макони, шу тупроқни, халқнинг бахтини куйлайди. Жуда кароматли, авлиё қуш. Унга зиён-заҳмат етказиш бўлмайди. Биз ҳам, болалар, шу қушга ўхшаб элимизни, туғилган ватанимизни чин юракдан тинмай куйлашимиз керак. Биз ҳам худди шу қуш каби ўз еримизга, тупроғимизга, тўқай, қўл, шарқираган сувларимизга ошиқ бўлиб яшашимиз керак, севиб яшашимиз керак...

Муаллим шу сўзларни айтаётиб, ўзи ҳам берилиб, тўлиб-тошиб кетди, кўзларида ялтираб ёш кўринди. Ибройим ўшанда муаллимнинг сўзларини бутун вужуди қулоққа айланиб, жон-тани ила берилиб тинглар экан, ҳозир шу лаҳзадаёқ уни ушлаб олгудай бўлиб, тепасидаги тожини силаб-сийпаб, қўлидан дон чўқитиб, яна осмонга парвоз этиши учун қўйиб юборгиси келиб кетган эди. Ибройим ўйларди: “Тўлаган муаллимнинг уйида бир жуфт пошшатўрғайи бўлса керакки, муаллим бу қушларни уйида сақлаб, кунда ем-сувини бериб, чошгоҳ маҳали уларни учуриб юбориб, ўзи эса уйининг олдида чалқанча ётиб олиб, қушларнинг нағмасини эшитиб ётса керак. Ушанда Тўлаган муаллимнинг сўзлари унга шунчалар таъсир қилган эдики, муаллимнинг изидан пойлаб бориб, қуш нағмасини бирга эшитгиси келган, қушнинг чулдир-чулдир гапларига қулоқ солгиси келган, бор вужуди, юраги шу иштиёқ билан тўлиб-тошиб, жунбушга кирган эди”.

Китобни ушлаб ўтиргани бўлмаса, ҳозир у шу лаҳзаларда хаёлга берилиб кетган эди. Болалар ҳам балиқ ушлашга қизиқиб, анча узокка кетиб қолишган, лекин овозлари келиб турибди. Ибройим уларнинг ҳам шу ердалигини унутиб, хаёллари Тўлаган муаллимнинг овулига оғиб кетибди. Боядан бери тўрғайнинг сайраган овозини эшитишни кутиб ўтиргани ҳам эсдан чиқибди. Пақирбой оғасининг бояги жулдир чопонидай оқ булутлар осмонда кўчиб бораёттир. Мана шу окчил булутларнинг қўланкаси тушиб турган ерларда шаббе<sup>2</sup> ошиқдайгина бўлиб пошшатўрғай кўринса эди... Шу пайт ёпнинг нариги томонида отнинг кишнагани эшитилди. Ибройим чўчиб кетди, ҳозиргина ўзи соясида тинч ўтирган оқтол шохларини кўздан кечирди, сўнг йўнғичқазор томонга қаради. Шу орада пошшатўрғайнинг узлуксиз, бир узун тор каби туташ сайраётган овози эшитилди.

Муаллими айтгандай, бутун вужуди билан берилиб тинглади. Пошшатўрғай ҳалиям нафас олмасдан, овозини узмасдан, занжирдай туташ, хамиша барқарор бир оҳангда сайраб турарди. Бу узлуксиз куйни, оҳангни қуш қайлардан олади экан? Бундай қудратли, сеҳрловчи,

<sup>1</sup> Пошшатўрғай – тўрғайқушнинг бир тури.

<sup>2</sup> Шаббе ошиқ – кемтик, кичкина ошиқ.



мўъжизакор куйни одамлар яна қаердан ҳам эшитиши мумкин? Ибройим ўйланди, ўйланди, ўй-хаёлларининг ҳеч охирига етолмади. “Мендаям баъзан мана шундай ажабтовур воқеалар бўлиб туради”, ўйлади у. Бир ҳодиса юз бераётган лаҳзаларда, худди шу воқеа унинг хаётида аввал ҳам рўй бергандай, яна бошқатдан такрорланаётгандай, ёки шу воқеанинг бўлиб ўтишини аввалдан билиб юргандай, ўзи ҳам ҳайрон бўлади. Отаси Юсуф охуннинг вафоти ҳақидаги хабар келгани, эртаси куни уй атрофида кўп одамларнинг йиғилгани, Маден оғасининг кўрага суяниб ўкириб йиғлаб ўтиргани, мана шу воқеаларни у аввал ҳам кўргандай туюлгани, булар энди қайта такрорланаётгандай бўлаётганини эслади...

Тўрғай ҳамон изини узмай сайраётир. Ҳамон у бир оҳангда, бир зарб билан, бир хил маъно англатувчи сўзларни тўхтовсиз такрорлаётгандай. Бу куш ўзининг тилида нималарни айтаяпти экан? Агар муаллим менга “пошшатўрғай сайраётган куйга мос келувчи сўзларни топиб шеър ёз қани?!” деса, нима қилардим? Ёза олмайман, дейманми? Ёзасан, деб туриб олса-чи?

Бола куш сайроғига яна кулоқ солди. “Ёзаман, ёзаман, ёза оламан, – деди ўзига-ўзи, – лекин қани ўша сўзлар?” Бола ўзи билмаган ҳолда, беихтиёр сўз излаётган эди. “Куш нималар деяпти? Қушга одамлар гапирадиган тил битганида у нималарни айтиши мумкин? Масалан, мен ўзим қуш бўлиб қолганимда, нималарни айтиб-қуйлаган бўлардим?” Бола кўзини юмиб яна хаёлга толди, хаёлида пошшатўрғай шу сўзларни айтаётгандай туюлди:

*Сен – менинг тупроғим, мен – сенинг япроғинг,  
Сен – менинг маконим, сен – менинг талқоним.  
Мен сенда туғилдим, Тақёнда ювиндим,  
Шодлик сабаб бўлиб осмонга отилдим.  
Пир-пирлаб тураман, соз-суҳбат қураман,  
Мен сени қуйлайман, мақтовдан тинмайман.*

У – пошшатўрғай айтаётган сўзларни хаёлида ана шундай тасаввур қилди. Тўлаган муаллим, бу дунёдаги энг билимдон, энг ақлли одам, унга: “Юриб бораётган пайтингда ҳам ёзаётган шеърингнинг сўзларини, қофияларини ўйлаб, ўзингча такрорлаб, хиргойи қилиб юравер, шунда шеъринг хотирангга ўрнашиб қолади, пишади”, деб ўргатган эди. Ибройим яна тўрғай куйига кулоқ солди. Ие, бу куш энди куйининг оҳангини ўзгартириб юборибди-ку, ҳозирги оҳанг аввалгисидан калтароқ, тезроқ, илдамроқ туюлди. Шунда куш энди нималар деяётган экан? Ибройим яна сўз излай бошлади, эндиги сўзлар калта бўғинли, чалт<sup>1</sup> ва қисқа оҳанглардан иборат бўлиши керак. Энди тўрғай бундай деяётгандай туюлди:

*Қўшиғим узун, бир ипга тизинг,  
Пилдирак этинг, осмонга етинг,  
Мен ушлаб кўрайин, қайтариб берайин,  
Қўёшга қаранглар, нағмаларим таранглар,  
Бошқасин айтаман, уямга қайтаман.*

Бола хаёлида янграган бу сўзлардан илжайиб қўйди.

“Бу сўзлар оғзимда қайдан пайдо бўлди ўзи? Булар – тўрғайнинг сайрашидан кейин туғилган сўзларми? Буларни шеър деб айтса, бўлармикан? Муаллимга айтиб берсам, кулмайдими? Ие, буларни бошқа бировга қандай қилиб айтиб бераман, булар ахир ҳали менинг хаёлимдаги, ичимдаги сўзлар-ку. Ҳозир бир қаторини эсласам, иккинчи қатори ёдимдан кўтарилиб кетаяпти...”

Бу орада пошшатўрғайнинг овози ҳам эшитилмай қолди. “Эҳ, – деди

<sup>1</sup> Чалт – тез, илдам, чаққон.

Ўзига-ўзи бола, – кушнинг нималар деб тугатганини, қандай тугатганини эшитолмай қолдим-ку. Чўзиб-чўзи-и-иб, астагина-а тугатдимикан?” Худди шу лаҳзаларда хаёлида бир фикр ярқ этиб, порлаб кетгандай бўлди: бу товушни, бу куйни, бу оҳангни у авваллари ҳам эшитган эди! “Топдим, топдим!” – деб, сал бўлмаса бақириб юбораёзди бола. Боягида, отаси Юсуф охун Чимбойнинг қамокхонасида ётганида, қишда булар кекса бир машиначининг уйида яшаган эдилар! Ўшанда, Кегейли анхорининг бўйида, шаҳар оқсоқолининг уйи олдидаги майдонда катта тўй бўлиб ўтган, артистлар кўшиқ айтиб, шоирлар шеър ўқиган эдилар. Тўй бошланиши олдидан бошига қора қураш<sup>1</sup> кийган бир киши том бошига чиқиб, сурнай чертган эди (бировлар уни “боломончи” дейишди). Ана шу сурнайми, боломонми – шу чолғунинг овози худди тўрғайнинг сайроғига ўхшаб кетарди. Сурнайчи ўшанда нафасини сира узмасдан, узундан-узоқ шунақаям нағма қилганки, чалишни нақ пошшатўрғайдан ўрганганми дейсиз...

## 21

– Ибройим! Ўт ёқдик, балиқ пиширамыз! – деган ғала-ғовур, қий-чув эшитилди. Қараса, кун тиккага келиб қолибди. Моллар ҳам тўйган, шекилли, уч-тўрттадан тўпланиб, бошларини бир-бирига қаратиб, бирининг қўланкасига бири паналаниб, устларига қўнган чивин-чиркайлارни куйруғи, қулоқлари билан елпиб турган экан. Имоматдин катта пичоқ билан балиқни тозалашга киришибди. У – Чимбойдаги НКВДнинг бошлиғи Кароматдин Изекеевнинг ўғли, Ибройимдан уч ёш кичик. Қариндошлиғи бор. Улар ўзига тўқ, яхши яшайдиган оиладан. Шу бола Ибройимнинг ёнидан кетгиси келмайди. Болаларга қўшилиб келаверади. Болалар билан ҳам жуда аҳил. Уйдан нон, талқон, қовунқоқи олиб чиқади.

– Ибройим, балиқнинг ўтини олиб бер, – деди Имоматдин.

– Қандай балиқ?

– Тобонбалиқ-ку бари. Бир сазан ҳам ушлаган эдик, қўлимиздан чиқиб кочди.

Ибройим толдан пастга тушди. Энди балиқ пишгунча буларга китоб ўқиб бериши керак. Ора-орада ёдлаган шеърларни ифодали ўқиш бўйича мусобақалашадилар. Кимнинг қандай кўшиқ билиши, қанча билиши ҳаммага маълум. Шеър ёдлаш – ҳамма учун бир кунлик талаб. Қоринлари очкаб қолганлари зоғорадан ўзларининг улушини олиб, сувга солиб ёб олади. Бир тўйиб олганларидан кейин баъзиларни уйку босиб, ухлаб қолади. Дастлабки келган кунларда илондан қўрқиб ҳеч ким кўз юммас эди. “Мол боқилган ерда илон турмайди”, деган гапни эшитиб, улар ҳозир бемалол ухлайдиган бўлишди.

Уша кунги пода боқиш жуда қизик бўлди. Тобонбалиқ ўзи бошдан-охир қилтаноқ бўлади. Болалар балиқни бир амаллаб, ёб олиб, кун оққанда ошиқ ўйнашга киришдилар. Қўрғошин соққали ошиқлар билан “олти товон”, “дўрдиён” каби ўйинларни ўйнаш жуда қизик. Яна, ошиқ ташлаб ўйналганда олчи, тайис, шик, ўмба туриш каби туришлари бор. Одамларда бўлгани каби, ошиқларга ҳам болалар лақаб қўйиб олганлар. Уларнинг “қақир тош”, “шаббе”, “жаманке” деган отлари бор. Бир чети мужилган ошиқни “жаманка” ёвни қайтарар деб, катта таъма-умидлар билан отадилар.

Халқда “ошиқ ўйнаган озар, тўп ўйнаган тўзар, баридан ҳам қўй боқиб, куйрук мой ошаган ўзар” деган сўз бор. Бу гаплар замонлар қайроғида қайралган, тажрибадан ўтган гаплар. Қадимда ошиқ ўйнашни ўзига касб этиб олиб, кимор қилиб ўйнаб, пул тикиб, гоҳ ютиб, гоҳ ютқазиб, хўжалигига қарамай юрган одамларни назарда тутиб айтилган.

<sup>1</sup> Қураш – қўй терисидан тикилган, чўғирмага ўхшаш бош кийими.

Кечга яқин болалар хуштак чалиб, бақиршиб, подани ҳайдаб овулга қайтишди. Кун бўйи ўт-майсага тўйган сигирларнинг сутга тўлган елинлари икки қоптолга тенгсалиб<sup>1</sup>, юришлари қийинлашади. Яқинда тукқан моллар овулга қараб тез-тез юради. Эгалари олдига чиқиб, ўзлари ҳайдаб кетади.

Ҳамма тарқаб, Ибройим уйга кирганда ташқаридан шовқин эшитилди.

– Ибройим! Сиртга чиқ!

Бу Алмуроднинг отаси Эшбойнинг овози эди. Ибройимдан ҳам олдин Хонбиби элти, унинг изидан Маден ташқарига чиқди.

– Бизнинг тана қаерда?

– Алмурод ҳайдаб бормадами?

– Мен молимни Алмуродга эмас, Ибройимга топширдим-ку.

– Қайним, бунчалик ховликаверма, буюрган мол бўлса топилиб қолар.

– Бу нима деганингиз, топилмаса, “буюрмаган экан” деб, қутулиб қолмоқчимисиз?

Эшбойнинг товуши кам-камдан кўтарила бошлади. Бу мачит-қавм<sup>2</sup>нинг “Анна овули” бўлгач, одамлари ҳам бир-бирлари билан уруғдош, оғайни, қариндош ҳисобланади. Бироқ мана шундай вақтларда кўзингга йўқолган молингдан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолади. Эшбойнинг баланд-баланд чиқаётган овозидан “охун бўлсанг ўзингга, қариндош-оғайни бўлсанг ўзингга” деган иддаони англаш қийин эмас эди. Яхшиям, бундай гапларга чидамайдиган қайсар Маденга худойи таоло бу сафар инсоф берди. Вазиятни тўғри пайқаб етди-да, кўрадан эшагини олиб чиқди ва “юр, излаб кўрамиз, Эшбой оға” деб йўлга чиқди.

Тунда тўқай кўркинчли эди. Булар йўл бўйи яна икки одам олиб, яйловга қараб кетдилар. Қоронғи тушгач, тўқай оралаш тугул, сўқмоқда юриш ҳам қийинлашди. Зулмат босган тўқайда мол излаш – игна қидиргандай гап.

Маден уйга қайтиб келганда зим-зимистон бўлиб қолган эди. Йўл бўйи Эшбойнинг оғзи тинмади. Мол бокқанлар орасида ўғли Алмуроднинг борлигини ҳам ҳисобга олмас, “у қуртдайгина бола-ку, ундан нимасини сўрайман” деб, турли шубҳа-гумонга берилиб, яна оғир гапларни айта бошларди. Ҳалиям танаси топилса яхши, бўлмаса бу одам бу воқеани ўғрилиқ деб, бошқа деб, хун талаб этишдан ҳам тоймайди-ёв...

## 22

Маден тун ярмидан ошганда қайтиб келди, танадан дарак йўқ эди.

– Сен ўзи поданинг бошидамидинг? – сўради у укасидан.

– Ҳаммамиз ўша ерда эдик. Ажралиб қолган-кетган мол бўлмади.

– Шунда қаёққа кетди экан?

Ибройим ҳам боядан бери шу саволга жавоб излайди. Ботиб қолгудай ботқоқ йўқ. Агар қашқир келса эди, моллар пишқириб қочган бўлар эди.

– Ўша тана... балки бораётган пайтда йўқ бўлгандир?

Ибройимдан бу гапни эшитган Маден дарров унинг тепасига келди.

– Бу нима деганинг?

– Ўзи бир урниққур<sup>3</sup> мол эди, нуқул бошқа сигирларни сузиб, қувиб, ўтлатмай юрарди, кундуз ҳеч кўзга тушмади.

Шундай тахминлар билан тонг отди. Маден билан Ибройим азонда моллар тўпланадиган жойга келдилар. Эшбой булардан ҳам эрта келиб, ҳар томонга аланглаб турган экан. Эндиги гумони – “Урдаги овул” да экан. Ўшаларнинг молларига эргашиб кетган бўлса керак, ҳозир келиб қолар. Пода тўлиқ жамланиб, навбатчи чўпон подани яйловга ҳайдай бошлади. Сўнгги умиди ҳам пучга чиққан Эшбой билан Маден аллақачон

<sup>1</sup> Тенгсалмоқ – чайқалмоқ.

<sup>2</sup> Мачит-қавм – маҳаллага ўхшаш маъмурий-худудий бирлик.

<sup>3</sup> Урниққур – тартибсиз, гапга кирмайдиган, чатоқ чиқарувчи.

яйлов томонга қараб кетган эдилар. Булар молларнинг кечаги сурдов<sup>1</sup>ини бўлишиб, оралаб юрдилар. Хеч нарса кўринмади. Улар тушгача мол изладилар. Бормаган жойлари, бош суқмаган тешик қолмади. Овул атрофида тўқайларнинг кўплиги мана шундай пайтда билинар экан. Тўранғил билан жинғил хеч гап эмас, энг қийини чакалак-чотликнинг орасида юриш. Чангал билан жигилдик<sup>2</sup>нинг орасидан одамнинг ўтиши у ёқда турсин, ўсаётган жинғил ҳам зўраки-зўррайиб, қисилганидан зўрға ўсаркан. Қирғовул сўқмоқдан юрмасанг, чакалакзорнинг ичига киришнинг хеч иложи йўқ. Элдан ажралиб чиқиб ёлғиз уй бўлиб ўтирган Жайғалий чўпон бир йиллари чакалакзорда кўзилаган қўйини излаб юриб, тўнғизга дуч келиб қолганлигини одамлар айтишади. Ушанда тўнғиз ташланганда, чўпон бир амаллаб гавдасини олиб қолибди. Шунгача ҳам тўнғиз озик тиши билан одамнинг чап ёнбошини қоқ ёриб ўтган экан. Тўнғиз ўзи олдидан чиққан нарсани ёриб ўтиб, ортига айланмайдиган махлуқ, агар ўшанда ортига бурилиб, чўпоннинг устига қайтадан етиб келганидами, шу жойнинг ўзида нимта-нимта қилиб ташларди. Кунни бор экан-да бечора чўпоннинг, яраси битиб кетибди-ю, шундан кейин овулига қайтиб келиб, одамларга араллашиб яшай бошлаган экан.

Уша кунни ҳам танани кечгача изладилар, дараги чиқмади. Эртасига Маден яна эшагини миниб йўлга чиқди. Овул четига Эшбойни кутиб турди, Эшбой кўринмади. “Уят ўлимдан кучли” деганларидай, Маден бир ўзи кетаверди. Яқин атрофда мол ботиб ўлгудай ботқоқ ё суволма<sup>3</sup> йўқ. Жармишёпга тушиб кетиб ўлган деса, шу пайтгача қалқиб чиқадиган вақти бўлди, биров бўлмаса-бирова кўрар эди. Маден ўй-хаёли йўқолган молда бўлиб, қўшни қирқ<sup>4</sup>ларнинг, ундан нари қанжигали, қипчоқларнинг овуллари гача бориб келди. Олдидан чиққан йўловчи, отизда ишлаётганлардан сўради, овулларни оралаб кўрди, кўрдим-билдим деган одам бўлмади. Ҳориб-чарчаб, говгумда<sup>5</sup> уйга кириб келди, бу ёқда ҳам тим-тирслик.

Ишнинг каттаси эртаси эрталаб бошланди. Кечаги кун Маден билан бирга мол излашга чиқмаган Эшбой, катта хужумга куч тўплаган, шекилли, пода яйловга жўнаб кетай деб турган пайтда уйдан олиб чиққан ипини Хонбиби элтининг ёлғиз соғин сигирининг шохига илдирди-да, ўзининг уйига қараб етаклаб кетаверди. Бу хабар шу заҳотиёқ овулга тарқалиб, Юсуф охуннинг уйига ҳам етиб келди.

– Қизишма, болам, қизишма, яна бироз ўй югуртириб кўрайлик.

Хонбиби элти Маденнинг қўлидан ушлаб ўтирғизди. Маден хабар етиб келган заҳоти қўйлагини қўлга олиб отланган эди.

– Уйига олиб борган заҳоти сўйиб ташламас ахир. Сабр қил, болам, эл билан ўйлашайлик.

Мана шундай паллаларда “оғзида устараси бор, сўзи дуоли инсон” деб, ҳамма Жақсим мулланинг олдида чопар эди, у ҳам охун оғасининг изи билан қамалиб кетганига анча бўлган. Эндиги қолиб тургани Элмурод мулла билан Қурбонниёз эшон, элти шу икковини чақириб келишга Ибройимни жўнатди.

## 23

– Элмурод оға, Эшбойни бу ерга ҳам чақирмайлик, уйига ҳам бормайлик... – деди Қурбонниёз эшон.

– Ҳов, бола, бизни сийлаб келмайдими ахир?

– У сен билан мени тинглаб, худодан имон тилайин, деб юрган одам эмас. – деди эшон.

– Ёпирым-ай, мен билмас эканман-да. Унда нима қиламиз?

<sup>1</sup> Сурдов – кўп юрилавериб, молнинг изи қолган йўл ёки сўқмоқ.

<sup>2</sup> Жигилдик – ёввойи жийда.

<sup>3</sup> Суволма – сув тўлиб қолган чуқурлик.

<sup>4</sup> Қирқ, қанжигали, қипчоқ – қорақалпоқ уруғлари.

<sup>5</sup> Говгум – қош қорайган пайт.

– Уни Обилга айтиб, колхознинг идорасига чақиртириш керак.  
 – Ие, унинг обрўйини кўтариб юборган бўлмаймизми?  
 – Билганимдан кейин шундай деяпман-да, Элмурод оға. Унинг болдизи Обилнинг қўлида ҳисобчилик қилади. Узи яхши гапга кўнмаса, хотинини ишга солиб, товлатамиз<sup>1</sup>. Узига солсанг, унга мусулмончилик ҳам керак эмас, оғайни-қариндош ҳам керак эмас, барини битта танага сотиб юборади.

– Идорага мен ҳам борайин, – деди Маден ялингансимон.  
 – Борасан, – деди эшон сал ҳаяллаб, кейин яна давом этди, – борасан, лекин биздан берухсат гапирмайсан...

Эшбой “хондан хабарсиз”, бош ҳисобчи Обилнинг хонасига тушга яқин ҳаллослаб етиб келди. Нима учун чақирилганини гап ораси англаб етганидан кейин Обилга қараб:

– Мен меҳнат кунимга бирор ботмон буғдойга қоғоз ёзиб бермоқчими деб югуриб келсам... сен ҳам оғайинчилигингга тортиб чақирган экансан-ку, – деди.

– Сен, нима, оғайни эмасмисан?  
 – Оғайниман, оғайни бўлганда ҳам қандай оғайниман?! Бироқ менинг бошимга шундай кун тушиб турганда, нега менга жонларинг ачимайди?

Обил қўлидаги қаламни столга уриб, ўрнидан туриб кетди.  
 – Нега жонимиз ачимас экан? Сени нимадан қисиб қўйган эканмиз?! Манов болдизинг менга бирини айтса, бирини айтмай, меҳнат кунингга дон десанг дон, ёғ десанг ёғ, кийим-кечак десанг, ҳаммасини бераяпти-ку! Болаларингнинг усти-бошига қарайсанми ўзи? Ё бизни ҳеч нарса билмайди деб, ўйлайсанми?!

Сўзга Элмурод мулла аралашди:

– Яхши, бўлган ишни худодан кўрмас экансан, ҳали молинг йўқолганига аниқ уч кун бўлмади, умидингни узмай сабр қилсанг, ҳеч бўлмаса элтининг олдидан бир ўтсанг бўлмасмиди? Сен сигирни тўппа-тўғри подадан қайтариб олиб кетибсан!

– Инсоф, имон деган нарсалар бор, Эшбой, – деди Курбонниёз эшон. Эшбой худди шунинг гапиришини кутиб тургандай, бирдан портлади:

– Биринг охун, биринг эшон, биринг мулласан, кечаги кунгача фуқаронинг қонини сўриб, берганига қаноат қилмай, бермагандан тортиб олиб келдинглар, сизларнинг давронингиз энди аллақачон тарқаб кетди, тақсирларим! Ё ҳукуматнинг гапи сизларга таъсир қилмайдими?

Буни эшитган Элмурод мулла пичирлаб, нималарнидир ичида ўқиди-да, икки кафти билан юзини силади. Ёқасини ушлаб, тавба қилди, бошини чайқаб, назарини пастга олди ва:

– Бундай дема, Эшбой иним, эшон инимизнинг зехнига тегакўрма, булар холи одамлар эмас<sup>2</sup>, Худони унутма, – деди умидвор оҳангда.

– Жуда нари борса, қарғайди мени, қарғишдан кетарман-да.  
 – Ундай дема, иним, Яратганга шак келтирма. Элнинг бирлигини бўлма. Биз ҳали йўқолган молингнинг ўрнини коплаёлмаймиз, деган гапни айтмадик-ку.

– Қаердан олиб копламоқчи экан? Бир қизнинг қалин молига ярайдиган тананинг ўрнига эшагини бермоқчимми?!

Элмурод мулла ғирра тикланиб, гавдасини тиклаб ўтирди. Эшонга “Барака топинг, сиз сўзламанг, тақсир, бундан яхшилик кутиб бўлмас экан”, дегандай ишора қилди. Сўнг Маденга “сен ҳам гап қўшма” дегандай қараб қўйди.

– Эшбой, элтининг манглайига тутиб ўтирган ёлғиз сигирини қайтариб бер, иншооллох, тананг топилиб қолар, топилмаган тақдирда, мен ўлганимда, ош-ободимга<sup>3</sup> Эшбой битта тана берган деб ёздирарман, чироғим.

<sup>1</sup> Товлатмоқ – инсофга киритамиз, мажбур қиламиз демоқчи.

<sup>2</sup> “Булар холи одамлар эмас” – “Бу одамлар худонинг марҳаматидан, мўъжизасидан баҳраманд” маъносига.

<sup>3</sup> Ош-обод – жаноза.

Бу сўздан кейин Эшбой бира-тўла тутаб кетди.

– Сенинг жанозангга мен тана олиб боришим керак эканми? Мен-а? Оға, мен тана олиб борсам, уни қайтара олгудай эпли боланг борми?

Шу ерга келганда Маден чидаёлмай, ўтирган ўрнидан учиб турди. Боядан бери хона ичида нари-бери кезиб юрган Обил бирдан тўхтади-да, Маденнинг елкасидан босиб ўтирғизди. У боядан бери айтилаётган гапларни тинглаб, аллақачон бир ечимга келиб бўлган эди.

– Эшон оға, – деди у Курбонниёзга қараб, – манови одам, нариги отадан бошлаб санаганда, менга сизлардан кўра яқин. Шунинг учун бунинг отидан ҳам, ўзимнинг отимдан ҳам кечирим сўрайман. Манови қариндошимнинг кўнглига келса ҳам, айтигин, у уйнинг аёли Уринбика янга, менинг ўйлашимча, шу аёл элти опамнинг сугирини соғиб ичмайди. Ҳали кўрарсиз, у диёнатли аёл, Эшбойга ҳам ақл беради ҳали. Сизлар ҳалак бўлманглар, ўзим бориб гаплашаман ҳозир, – деди-да, қоғозларини йиғиштира бошлади.

– Обилжон, кўлингни фотиҳага оч, – деди эшон. – Эшбой, “Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?” деган гап бор, сен ҳам кўлингни кўтар! Илоё, омин, Оллоҳ таоло ҳаммамизга инсоф, сабр-тоқат, қаноат берсин. Обилжон, хизматларингдан бахт-саодатга, мартабага эришавергайсан. Оллоҳ ақбар!

Қатикдай уюб ўтирган бир овулнинг оксоқоли, ёшуллилари билан кирмасоқол инилари ўзаро келишолмай, колхознинг дим ҳаволи идорасида елпинишиб ўтирганларида уларнинг пуштикамарларидан бўлган фарзандлари жамлашиб, яна пода изидан кетган эдилар. Эшбойнинг боласи Алмурод Лепесбой билан Имоматдинни эргаштириб Ибройимнинг уйига келди. Тана йўқолган куни ҳам улар ҳаммалари бирга эди! Ибройимнинг қисинишмасига шерик бўлиб, улар кундаги ўйин-завқдан айрилдилар. Улар аллапайтда яйловга етиб келдилар. Шу маҳал кунчиқар томонда тананинг ўкраб йиғлаган одамнинг овозига ўхшаш маърагани эшитилди. Тўртови ҳам овоз келган томонга югурдилар. Қорауйлардай бўлиб уйилиб турган хас-хашакли ермани жинғилнинг ораларидан энди ўтганларида бир тана билан қочар<sup>1</sup>ни ҳайдаб келаётган қария кўринди. Тана Эшбойнинг моли эди.

Суриштиришса, кўшни овулларнинг нариги четдаги уйдаги қочар тинчини тополмай, уюр излаб чиққан, узокдан исини олган тана унга эргашиб кетган экан. Ҳеч ким кўрмаган. Қария азонда туриб, танани ҳайдаса, у қочарни айланиб қочиб, икки кунгача кетмабди. Охири икки кундан сўнг қария, бир мусулмон молини тополмай зоригирён бўлиб юргандир-ов, деб икки молни кўшиб олиб келаётган экан.

Ҳеч кимни айблаб бўлмайдиган мана шундай воқеалар юз берганида онасининг ўзини сокин тутишига, ҳовликмас феъл-атворига Маден хайрон қоларди. Ҳар қандай шароитда Хонбиби элти сабр-тоқат билан ишнинг охирини кутади, етти ўлчаб, бир кесади, шошилмасди. Фарзандлари туфайли гап эшитганда ҳам ёки тухмат, аччиқ-тизик бўлганда ҳам, у болаларига ола қараган эмас. Узини тутишларини кўрсанг, шикоят қилиб келганларга айтган гапларини эшитсанг, икки болани боқиш учун одамларнинг эшигига бориб, кунлик хизматини қилиб берадиган аёл шу эканлигига ишонмайсан. Билган одамгина, бу аёл сиртига эски-туски кийгани билан зартангадай ялтираб туришини, покизалигини, улуғ бир тарбия кўрганлигини сезиб турарди. Билмаган одам ҳам бу оддийгина кўринган қорақалпоқ аёлининг сабру қаноатига, аёллигига, инсонийлигига тан бериб, сепмоқчи бўлган заҳарини ўзи билан олиб кетишга мажбур бўларди.

Хонбиби элти Эшбойнинг танаси топилган куни кечки овқат маҳали болаларига сабр-қаноат, ростгўйлик, мағрурлик, шукроналик ҳақида гоҳ рамзий маънода, гоҳ тўғри маънода, мисоллар билан гап уқтирар экан,

<sup>1</sup> Қочар – қочадиган, ургочи мол.

онаси тилга олган куйидаги сатрлар айниқса Ибройимнинг ёдида ҳеч унутилмас бўлиб сақланиб қолди:

*Кемачи хон бўлди, биз навкар бўлдик,  
Тақдир шундай экан, сув тўкар бўлдик.*

Ибройим кейинчалик бу нақлни кўп эшитди, мағзини чакмагунча кўймади. Мана шу нақл уни шукроналикка, сабр-тоқатга етаклаётгандай эди...

## УЧИНЧИ ҚИСМ ЧИМБОЙ – ШОИРЛИК МАКТАБИ

*Билим излаб мен шаҳарга сафар чекканда,  
Оқ йўл тилаб онам билан узатдинг сен-да.  
Эй, сирдош тол, сўзларингни ёдимга олай,  
“Шоир бўл!” деб шивирлаган эдинг сен талай.*

*Ибройим Юсунов “Қоратол” шеърідан*

### 1

– Ибройим! Ибро-йи-им! Ташқарига чиқ!

Кўк эшакка мингашган икки болакай кетма-кет чақириб турибди.

– Ҳов, болаларим, омонликми? Яқинроқ келинглар.

– Салом бердик, элти чеча.

Икковининг овози кўшилиб чиқди.

– Кўп яшанглар, катта йигит бўлинглар.

– Омин, чеча. Ибройим уйдаими?

– Ҳой, сен ўзимизнинг Лепесмисан?

– Ҳовва, чеча, манови Узоқ-ку, Генже опанинг боласи.

– Ҳой, Лепесбой, ёши катталар билан эшакдан тушиб гаплашиш керак, болам. Келиб, менинг қўлимни олмайсанми? Нега шунча йўлдан туриб бақирасан?

Болалар иккови ҳам эшакдан сакраб тушиб, саломлашдилар.

– Ҳа, баракалла, ана энди дуруст бўлди.

Болалар қисинишиб-қимтинишиб, бошларини сийпашиб туришди.

– Лепес болам, Узоқни кимнинг ўғли дединг?

– Генже хотиннинг, а-ай, Генже опанинг.

Лепес баттар қизариб кетди. Сабаби, овулда ҳамма “Генже хотин” деб айтади. Тўй бўладими, лозим<sup>1</sup> бўладими – “Генже хотиннинг уйига” деб айтилади. Эрининг номи айтилмайди. Узоқнинг қулоғи ҳам шунга ўрганишиб қолгани учун, эътибор қилмай тураверди.

– Отасининг отини билмайсанми?

– Биладан, Исмоил оға-ку.

– Ана, болам, “кимнинг боласисан?” ёки “бу кимнинг боласи?” деб сўраганда, отанинг номини айтиш керак. Ҳаммамиз ҳам энг аввал от-амизнинг боласимиз.

Болалар ерга қараб қолишди. Элти давом этди:

– Келинглар, манови ерда ўтиринг! Ҳозир бир тарнак<sup>2</sup> бераман, шуни еб олинглар. Ибройим ажағаси билан ўтинга кетган эди.

– Бизларни Тўлаган муаллим юборди, – деди боядан бери миқ этмай турган Узоқ, – эртага чошқада мактабга келсин, деди. Тўртинчи синфни

<sup>1</sup> Лозим – жаноза, фотиҳа ва шу каби борилиши шарт бўлган маросимлар.

<sup>2</sup> Тарнак – эртапишар полиз экини, хомак, сабча, қовуннинг бир тури.

битирувчиларни опкетиб, шаҳардаги мактаб билан таништириб келармиш.  
– Сизлар муаллимга бориб айтинглар, – деди элти, – Ибройим мактабга етиб боргунча, бу ёқдан тўғрилаб чиқса, Чимбойга бориб қолади. Айла-ниш қилиб юргунча, Жармишённинг “Урсийул” даги кўпригида сизларни кутиб туради.

Тарнакни еб олган болалар “бўлади, чеча, бўлади” деб ўринларидан туришди.

– Лепес, элти чечам “кимнинг боласисан?” деб сўраганларга аввало “отангизнинг отини айтинглар” деб тайинлаб қўйди, денглар ота-онангизга!..

– Бўлади, чеча, бўлади...

Болалар бошқа уйларга хабар қилиш учун кетдилар.

Хонбиби элти шу куни кун бўйи катта қора қозоннинг остига ўзи ўт ёқиб, ёғоч қолоқ<sup>1</sup> билан тарик қовурди. Маден эрталаб туриши билан ярим ботмонча тарикни қозон тўла сувга қўйиб, отлантириб<sup>2</sup> юборган эди. Ибройимни уйғотиб, чой ичган бўлдилар-да, қозонни қайнатиш учун ўт ёқдилар.

– Утинларни ҳам майдаладик, опа, тарикни қовуришга етиб-ортади. Биз кетдик.

Болалар уйдан тизилишиб чиқиб, эшакка мингашдилар. Ибройим орқада ўтирса ҳам, сўбирайиб<sup>3</sup>, ияги Маденнинг тепасига тегиб турибди. Улар ҳар сафар уйдан биргалашиб чиққан пайтларида Хонбиби уларнинг изини атанақлаб<sup>4</sup> кесиб, ўчоққа туз ташлайди. Утган йили ўроқ кунлари доийсининг овулига бориб, ишлаган Маден қўл ҳақиға бир серка етақлаб келганида, Хонбиби элти мўйноқлилардан кўрган иримини қилган эди – мўйноқликлар (денгиз бўйидаги қорақалпоқлар) мана шундай воқеаларда, кўз тегмасин учун чўғ устига балиқнинг қирчиғини<sup>5</sup> ташлар экан.

– Уйингдан икки боланг кириб-чиқиб юрса, шуниям кўролмайдиганлар бор. Минг қатла шукур, Оллоҳжоним! Куч-қувватим бор экан, шулар қаторга киргунча ўзгаларнинг ишларини бажариб юришга ор қилмасман! Етказганинга шукур, Маденжоним қўлга илиниб қолди. Ешини озгина яшириб, келин тушириб юборсам ҳам бўлади...

У шивирлаб, худди кимгадир айтиб бераётгандай гапираётганини сезиб, теварағига қаради. Ҳеч ким йўқ эди, яна давом этди:

– Сўзингни ўлчаб, отган одимингни сиртингдан синаб турадиган замонга рўпара келиб қолдик. Бурунлари ўғил бола ўн иккида, қиз бола тўққиз ёшда балоғатга етади, дейиларди. Ҳозир ўн саккизга тўлмаса, айбдор қиладиган бўлибди... Худога шукур, ҳали келинга қараб қолган жойим йўқ, болам ҳалиям бўйини ёзиб юринкирасин.

У чийдак<sup>6</sup>ни ёйиб юбориб, қозонда қайнаб турган тарикни шунинг устига тўқа бошлади. Суви дарров сўрилиб, чийнинг устида тарикнинг ўзи қолади. Энди қозонни қуритиб олиб, тарикни қовуришга тайёрлайди. Ғиж-ғиж чўғланиб турган туморлар устига ялпилдоқ шох-шабба ташлаб, зумда қовуриб олади. Ундан кейин келида туйиб олиш учун ёрдамга Са-тулланнинг қизини чақиради. Карима тирик юрганда-ку, ҳеч кимнинг кераги ҳам бўлмасди. Онаси Бибиҳожар дунёдан ўтганда касалланган қиз узок вақт оғриди, шунча даволатганлари билан тузалиб кетмади. Табибларнинг айтишича, бу “ингичка”<sup>7</sup> деган касаллик экан. Чимбойга олиб бориб, рус докторларга ҳам кўрсатишди, улар ҳам сил дейишди. Бу касаллик билан оғриган одам кундан-кунга озиб, ингичкалашиб бораверади экан. Ота-боболаримиз “хутда ют” дейишади-ку, қишки озиклар тугаб, баҳорги кўкка етолмай, хутга келганда, йўғон ингичкалашиб, ингичка узиладиган пайт бўлар

<sup>1</sup> Қолоқ – ёғоч қуракча, қошиқ.

<sup>2</sup> Отлантирмоқ – ўчоқ-қозонни ўт ёқишга тайёрлаш.

<sup>3</sup> Сўбираймоқ – баланд кўринмоқ.

<sup>4</sup> Атанақламоқ – катак қилиб ер чизиш – иримнинг бир тури.

<sup>5</sup> Қирчиқ – балиқнинг сиртки тангалари.

<sup>6</sup> Чийдак – кичкина бўйра, бўйрача.

<sup>7</sup> Ингичка – сил касаллигининг халқдаги бир номи.



экан-да. Отасининг йили ўтгандан кейин, ўн гулидан бир гули очилмаган ёш қиз қирчинидан қийилди-кетди. Вой ёруғлигим, бўйини ёзиб йигит-яланг билан бир гаплашмасдан, ҳаётда бўйини бир кўтариб чиқмасдан армонли кетдинг-ов. Тукқан онанг “сен менинг қизимни асраёлмадинг-ку” деб гина тақмасин-да. Бир одам касални қандай қаратса, шундай қаратдим, қандай парваришласа, мен ҳам шундай парваришладим. Мендан рози бўлинглар, кадрдонларим. Қанийди, шу вақтда ёнимга кириб, қаватимда юраверганида, оқ юзиб, оқ тараб узатган бўлардим. Сен ҳам Азимага ўхшаб, болаларингни етаклаб келиб турганингда кўплик қилармиди?!

Хонбиби тарикни қовуриб, бўйранинг устига тўшалган шолчага ёя бошлади. Тандир ўчоқдаги ўт бирдан ловуллаб кетиб, юзни чирпиб оламан дейди. Қалин сочлар орасидан юмалаган тер кўзига, юзига қуйилади, бошидаги биртортим рўмол билан супуришдан қўли бўшамайди. Ҳалиям, шукур, унга қараб турган одам йўқ. Тожибой баққолнинг аёли бунинг элтилигига, диёнатлигига, анов-мановни гапиравермаслигига ишонган, шекилли, тарикни уйда қовуришга руҳсат берди. Баъзилар бўлади, тариғини қовуриб турсанг, ўғирлаб қўямасин дейдими, олдинга чиқиб, сени кузатиб ўтиради. Қовуриб бўлиб, қайтадиган пайтингда чўнтақларингни қараб-текшириб чиқарадиганлари ҳам бор, бунга нима дейсан! Бир сафар Убби шумнинг уйига бориб, тариғини қайнатиб берди. Кампири тимирскиланиб келиб, тиши йўқ қизил ияк оғзига бир отим носвойча тарикни отиб юборди-да, “чалахом бўлибди-ку” деди кўнгли тўлмаганиданми, ё манманлигиданми. Бу гап элтига ботиб кетди ўшанда. Энди қайтиб киши эшигига иш сўраб бормасман, деб онт ичди. Шундай деб, дарди-дунёси қоронғи бўлиб ўтирганда, баққолнинг аёли худди кампир билан ўчакишгандай, бу ҳам тарик қайнатишни илтимос қилди, ҳам тариғини уйга бериб юборибди. Элти ноилож юкни олиб қолган эди. Мана, қовуриб ҳам бўлди.

Кели-келисопни опкелиб, сингисини ёрдамга чакириб, сўк эзилмаслиги учун келининг тубига тақия ташлаб, қовурилган тарикни туя бошлашган эди, боя болаларнинг изидан эргашиб кетган оқ кучук тилини салангла-тиб эшик олдида пайдо бўлди. Шу орада эшакка ўтинни бостириб ортган болалар ҳам кириб келишди.

– Опа, тарик қовуришга ўтиннинг етдими? – деди Ибройим.

– Омон келдингми, чироғим? Ўтин етди, етмаган ерига кўранинг бошидаги бўяндан<sup>1</sup> бир-икки боғ қўшдим. Ўтинни тушириб келинглар, кумон пақирлаб қайнаб турибди, чой ичиб олинглар...

Болам-болаларим деб юрак-бағри узилиб юрган, куни бўйи бир тиниб ўтирмаган оназор дастлабки туйилган тарикнинг қобикларини тоғора билан шопириб, энди оқлаб туйишга киришди. Эси-дарди манглай тери билан оладиган қўлҳақи ҳисобидан бир пиёла сўкни чарчаб келган болаларига едириш...

Ибройим чошгоҳда йўлга чиқди. Лор бўйлаб келаяпти. Лор деймиз-ов, бу овул аллақачон-оқ Лоробод бўлиб кетган, тўлишган. Шу ердан Чимбойнинг ўзига олиб чиқадиغان қатта арава йўли бор. Бироқ бу йўлдан юриш қийин. Арава излари қазғаноқларига тупроқ мойи тўлиб туради. Эшакли ва пиёда йўловчилар Жармишён бўйидаги сўқмоққа тушиб, тўғрилаб кетадилар.

Кун ҳали қизиганича йўқ. Сўқмоқнинг икки бўйидаги янтоқлар ҳам ўсиб, одамнинг белидан уриб турибди. Қоқ тушда, мис қайнайдиган иссиқда калтақесаклар, ингичка илонлар янтоқнинг бошига чиқиб туради. Яқинлашганингда ўзини ерга ташлаб, зим-ғойиб бўлади. Маден, туш вақтида, иссиқ пайти ёп бўйидаги сўқмоқдан юрганингда қўлингга жинғилнинг узун, сўлқиллаган чивигини олиб ол, деб ўргатиб қўйибди. Янтоқ бошида илон кўрсанг, қўлингдаги чивик билан олдиндаги чўп-

<sup>1</sup> Бўян – ўсимлик номи.

<sup>2</sup> Қазғаноқ – ўйдим-чуқур жой.

чолонни ёки тупрокни бир-икки марта уриб юборсанг, илон хуркади экан. Сўқмоқнинг ўрпонг тупроқли юзасидан кесиб ўтган илонларнинг, бошқа жониворларнинг изи кўринади, изларнинг катта-кичиклигига, йўғонингичкалигига қараб қанақа жонзот эканлигини чамаласа бўлади.

Ибройим Жармишённинг ёқасига кўтарилганда бир эшакли унинг изидан етди. Бу кўшни овулдаги Алимбой тўнгмўйин деган киши эди. Шаҳарга қатнаб ишлайди. Иши – одамлардан пул йиғнашми, хайтовур, уйма-уй кезиб, қўраларни текшириб юради. “Сендан бурунчилар отда юришарди, сен эшак миниб, манов лавозимнинг обрўсини тўқдинг-ку, – деб ҳазиллашган экан Усен панқилдоқ, – ёки сенинг амалнинг уларникидан кичкинами?” – деб кулса, Алимбой унга шундай дағдага қилибди дейишди: “Сен шошмай тур ҳали, амалнинг кичкина бўлишини биринчи бўлиб сенга кўрсатаман!”

Ибройим сўқмоқнинг четига чиқиб, Алимбой оға билан саломлашди. Уни анча баджаҳл одам бўлса керак деб ўйларди, ундай эмасга ўхшайди, Ибройим билан очилиб сўрашди.

– Шаҳарга кетаяпсанми?

– Ҳовва, муаллим бизни шаҳарга олиб бориб, ўқийдиган мактабимизни кўрсатиб келмоқчи экан.

– Ҳов, сен энди тўртинчини битирдингми? Бўлади, бўлади, ўқишинг яхши бўлсин. Маденга ўхшаб тўхтаб қолма.

Ажағасининг исмини айтганда бир турли бўлиб кетди. “Булар барини билиб юрар экан-да”.

– Маден нима қилапти ҳозир?

– Отқўнак бўлиб, фургон арава ҳайдамоқчи.

“Болалик уйда ўғрилиқ ётмас”, деганлари шу-да. Маден бу ниятини ҳали Ибройимдан бошқа ҳеч кимга айтмаган эди. Ҳукумат ишламайдиганларни “ётибичар, ҳаромтомоқ” деб сургун қилапти, деган гаплар бор. Бирор гап тегиб юрмасин деб, Ибройим оғасининг ниятини эълон қилиб юборди.

– Тўртқўлга, тракторчиликнинг ўқишига кетмадимми?

– Буниям билар экан-ку”, деб Ибройимнинг ҳадиги ортди.

– Тракторчиликка олмабди, бормайдиган бўлди.

Аслида Маденнинг ўзи “овулдан чиқиб кетсам бўлди, Тўртқўлга, ундан юқорига бориб бўлсаям ўқийман” деб айтиб қўйган экан. Шунда колхоз бошлиғи Қаллибек оғаси: “Бу касб сенга тўғри келмайди, – деб маслаҳат берибди. – Уни битирган одам тракторга биратўла уйланиб олади, куну тун ёнидан бир одим нари кетолмайсан. Овулма-овул, керак бўлганда эса кўшни колхозларда ҳам юриб ер сурасан. Трактор дегани бир замон тўхтаб турмаслиги керак. То тўзиб ишдан чиққунича бўйнингда бўлади. Сен эса бундай ишга чидамайсан”.

– Оғанга айт, бефойда юрмасин. Онанга ёрдамлашсин. Сен эса ўқишингдан қолма, – деди-да, Алимбой эшагини хих-хихлаб, юриб кетди. Орқада қолиб кетган Ибройим хайрон бўлди. Ёмон одам деб юрган одамнинг сен билан апоқ-чапоқ бўлиб гаплашса, ол оғайнимиз, қариндошлигимиз бор деб юрганлар баъзида шундай охираг азобини берар эканки, хайрон қолмасликнинг иложи йўқ. У тунов кунни Эшбой оғасидан эшитганлари билан манов бир бегона одамнинг гапларини солиштириб кўрди. “Одамнинг сиртидан тўн бичманглар” деган Тўлаган муаллимнинг гапи рост экан-да.

У Жармишённинг кўпригига келиб, “ўрисйўл”дан мактаб томонга қаради, хув узокда тўпорлашиб<sup>1</sup> келаётган синфдошларини кўрди.

## 2

Чимбойдаги Киров номидаги мактаб катта оқ бинода жойлашган экан. Кегейли анҳорининг пояпули<sup>2</sup>дан ўтсанг, шундоққина кўриниб туради.

<sup>1</sup> Тўпорлашмоқ – тўда-тўда, гуруҳ-гуруҳ.

<sup>2</sup> Пояпул – оёқкўприк, кичкина кўприк.

Олдиди турсанг, кўндалангига узун қилиб қурилган, ўртадаги эшикнинг икки томони кетган-борган деразалар. Болалар оғзини очиб анча вақтгача қараб туришди. Уларни сиртда қолдириб муаллимнинг ўзи ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай бир йигит чиқиб буларни ҳам ичкарига таклиф қилди. Мактабнинг даҳлизи ҳам уп-узун экан.

Болалар таклиф қилинган хонада икки-уч одам ўтирибди. Булар салом беришиб, узун-калта бўлишиб, ғоз қатор туришди. Уртада ўтирган киши уларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Болалар ялангоёқ эканликларидан уялишди, шекилли, бир оёғини иккинчи оёғи билан яширгандай бўлардилар. Хаммасидан кўра бўйчанроқ кўриндимми, катталар биринчи бўлиб Нуратдинни саволга тутишди.

– Уқишдан қолмай қатнайсанми?

– Қатнайман.

– Ётиб ўқийсанми ё қатнабми?

Нуратдин нима дейишни билмай қолди.

– Ота-онаси билан ўйлашиб кўрамиз, – деди Тўлаган муаллим.

– Улғайганимда ким бўлмоқчисан?

– Муаллим бўламан.

Шу тахлит ҳамма боладан бир четдан сўраб чиқдилар. Болалар бундай савол-жавобга тайёр эмасдилар. Улар ҳам Нуратдинга ўхшаб шоша-пиша жавоб бера бошладилар. “Пақирбой оғадай батрачком бўламан, десамми-кан? – ўйлади Ибройим. – Ундан кўра колхоз бошлиғи бўламан, деганим яхши эмасми? Устимдан қулишмасмикан, ишқилиб...” Унинг эси-дарди аслида шоир бўлиш эди. Бироқ шоирликнинг ўқиши қаерда, бу ўқиш нима деб айтилади – бу ёғи Ибройимга қоронғи эди, шундай бўлгач, қандай қилиб “шоир бўламан”, дейди? Шундай ўйларга ғарқ бўлиб турганда, унга ҳам навбат етган кўринади.

– Уғлим, сенинг исминг нима? – деган саволдан хаяжон босди.

– Юсупов Ибройим.

– Ёшинг нечада?

– Билмайман, отам мени “барс” йилида туғилгансан, деб айтиб кетган.

Савол берган киши “барс, барс” деб ичида санай бошлаган эди, Тўлаган муаллимнинг ўзи жавоб берақолди:

– 1926 йилда туғилган бўлади. Мактабга саккиз ёшида келган эди, ҳозир ўн учга қараб кетди.

– Қани, сен нима қиласан, ётоқхонада ётиб ўқийсанми ё қатнайсанми? Катта бўлганимда ким бўлмоқчисан? Бир чеккадан айтавер, ўғлим.

Ибройим ҳадеганда гапиравермади. Унинг ўрнига яна муаллим жавоб берди:

– Менинг бу ўқувчим улғайганида шоир бўлмоқчи, – Тўлаган муаллим ишонч билан гапириб, тўрдаги кишига қараб турди. – Деворий газетамизнинг муҳаррири, суратни ҳам яхши чизади. Манов жўралари бунинг ёзган шеърларини ёдлаб ҳам юришади.

– Уқиши қалай?

– Яхши ўқийди. Мактабдаги, менинг уйимдаги бир қатор китобларни ўқиб тугатди. Ҳозир бу ердан чиққач, шаҳардаги кутубхонага олиб бораман.

– Бўлади, ўғлим. Бешинчи синфга келган кунингдан бошлаб бу ерда ҳам деворий газетанинг муҳаррири бўласан.

Ибройим кизариб пастга қаради. Хаёл уни яна узокларга бошлаб кетди. “Танимаган ерда қандай қилиб газета чиқараман? Ёнимга Рўзим билан Қобилни ҳам кўшиб беришса, бошқа гап. Ҳа, “Газетага нега мени ёмонлаб чиқардинг?” дейдиганлар бўлса, уларни Нуратдин билан Умарга рўбарў қиламан”. У хаёлан аллақачон ўқишни бошлаб юборган, газета чиқариб, деворга осиб қўйган пайтларига бориб келди... Буларнинг синфидан саккиз ўқувчи Чимбойдаги мактабга келиб ўқийдиган бўлди. Олти бола ўзининг овулидан, яна “Ўрдаги овул”дан ҳам икки қиз бор. Овулдаги

мактабга Қурбонниёз эшоннинг Бозоргул деган қизи муаллима бўлиб келган эди, иккита қизни шу орқали олдирадиган бўлишди.

Тўлаган муаллим буларни эргаштириб ташқарига чиқди-да, куёшга қаради – ҳали тушлик пайти бўлмаган эди. Болалар билан Кегейли анҳорига қараб тез-тез юриб кетди. Бояги пояпулдан ўтишди. Бир бино олдида тўхтадилар. Бино олдидаги тахтага ёзиб қўйилган “Крупская номидаги туман кутубхонаси” деган ёзувни барчалари шивирлашиб ўқидилар. Бинонинг ичи кенг хоналардан иборат экан. Ҳамма томонда тоқча, жавонлар, уларда китоб туради экан. Муаллим таниш татар аёл билан саломлашиб, сўрашишди.

– Кутубхона деганимиз шу. Танзила опангиз сизларнинг исм-фамилияларингни ёзиб қўяди. Келиб, китоб олиб кетасизлар. Уқиб бўлиб, тоза тутиб, укаларингизга йирттирмай олиб келиб топширасизлар.

Болалар “топширасиз” деганга хайрон қолишди. Улар китобни бира-тўла олиб кетамизми деб ўйлаган эдилар. Муаллим уларни китоб тоқчалари олди-дан айлантириб чиқди. Китобларни ҳар бирини ушлаб, номини ўқиб, яна жойига қўйиб қўйди, тагин бошқасини олди. Болалар унинг ҳаракатларини кузатиб туриб, китоб танлаш қанақа бўлишини билиб-тушуниб олдилар. Танзила опанинг айтишича, китоблар унча кўп эмас экан, арабча ёзилган китоблар ёкиб юборилган, лотин алифбосидаги қорақалпоқча китоблар энди-энди чиқа бошлаётган пайт экан. Бу ерда русча, татарча, ўзбекча, қозоқча китоблар бор экан. Ибройим қорақалпоқ тилидаги китоблардан уч-тўрттасини танлаб олиб, Танзила опанинг ёнига келган эди, кичик ёшдаги болаларга иккитадан ортиқ китоб берилмас экан. Тўлаган муаллим унинг олган китобларининг ёнига “Дехқон ёшлар мактаблари учун” деб номланган ўқув китобини ҳам кўшиб қўйди. Буни кўриб турган муаллим китобларни болаларнинг номига бўлиб ёзиб, яна Ибройимнинг қўлига тутқазиб қўйди. Китоблар ичида халқ оғзаки ижоди намуналари – дostonлар, эртақлар, кўшиқлар, шеърлар, мақоллар бор экан. Болалар бунча кўп китобни биринчи кўришлари эди. Улар кутубхоначи опа билан хайрлашар эканлар, кузда мактабга келганимизда албатта бу ерга ҳам келамиз, деб ваъда бердилар. Ибройим эса кўлидаги тўртта китобни тез ўқиб бўлиб, топшириб кетиши шарт экан. Ибройим, ҳар келганида тўртта китобдан ўқиб турса, қолган китобларни ўқиш учун неча марта келиши кераклигини ҳисобламоқда эди.

Муаллим буларни бозор жойга яқин бўлган эшакчорвоққа эргаштириб келди. Шу ерда чойхона бор экан. Супага чиқиб, жойлашиб ўтирдилар. Чойхоначи уларнинг олдида уч чўрак нон, одам бошига бир кесмадан балиқ, икки чойнак чой олиб келди.

– Чойни ўтда қайнаб турган кумғондан дамламади-ку, – деди Рўзимбой.

– Кумғонда қайнаб тургани қиммат, – деди Тўлаган муаллим. – Ҳозир унинг эгалари келади. Чойни шу ерга келиб ичадиган нашавандлар бор. Бизлар ялангоёқ юрганимиздан сўнг, шунга пуллари етсаям бўлар, деб бераётир, – деб болаларнинг оёқларига қаради. Болалар бу гапга ишонишди-ю, бироқ куларини ҳам, кулмасликни ҳам билмай қолдилар.

– Муаллим, ялангоёқ биз-ку, – деди Ибройим, – сиз учун қайтадан чой дамлагайлик. – Унинг сўзини Нураддин тўғри тушуниб, турмоқчи эди, муаллим “қўй, керакмас” деган ишора билан тўхтатди.

Чойхонадан чиқиб бораётиб ичган-еганлари учун муаллим тийин-тангасини тўлаб кетди. Бунга ўқувчилар ўйланиб-кисиниб ҳам турмадилар, ўзи шундоқ бўлиши керак дегандай, қулиб-ўйнаб йўлга чиқдилар. Энди манов қайнаб турган иссиқда бир соатча йўл юришлари керак. Болалар-ку жазирама иссиқда юравериб, ўрганиб қолганлар, муаллим нима қилар экан? Болаларнинг ўзларини юбориб, ўзи шаҳарда куёш қайтгунича қолмоқчими? Қолмайди. У боя район таълим бўлимига ҳам кириб чиқди. Қўлтигида бир уюм газетаси бор, мактабга тегишли бўлса керак, бари

йиғилиб қолган газеталар. Орасида “Меҳнат адабиёти” деган журнал ҳам бор экан. Ибройим бу журнални муаллимнинг қўлида аввал ҳам кўрган эди. Буниси янги сони бўлса керак. “Меҳнаткаш қорақалпоқ” деган газетани олдин ҳам муаллимдан сўраб олиб ўқиган эди. “Мановиларни ҳам сўраб олиб ўқийман”, – деб қўйди ичида.

## 3

Шаҳардан чиқиб бўлганларидан кейин Тўлаган муаллим узоқ гурунғ бошлади. Болалар ўзаро кулишганларини, шивир-шивирни қўйиб унга яқинлаб юра бошладилар.

– Манов катта гузар йўл. Шимол тарафга қараб кетилса, Тахтақўпирга чиқади, нарёғи Қизил Урда. Қунботарга қараб юрсанг Орол денгизи, ундан нариги томон – Урисият. Қиблага қараб юрсанг – Хива, Тошкент, Марв, Эрон. Бу ердан дунёнинг тўрт томонига ҳам йўл бор. Ҳозир бу йўллар анчагина тинчланиб, йўл юриш бемалоллашди. Менинг биринчи муаллимим бундан ўн йиллар бурун шу ердан бизнинг овулга етаман дегунча шу йўлда боши устидан талай марта ажал ойболтаси ўйнаб, зўрға етиб борган экан. “Янги куч” овулидаги мактабга борганида, янги ҳаётга қарши бўлган одамлар ўзларининг ёмон ниятларини амалга оширмакчи бўладилар...

У бошидаги шапкасини қўлига олди, манглай терини сидириб, чап қўлтиғидаги газеталарни ўнг қўлтиғига олмоқчи бўлди. Ибройим газеталарни ўзининг китобларига қўшиб кўтармоқчи эди, Нуратдин ундан олдин газеталарга ёпишди. Муаллим энди қўллари юкдан озод бўлиб, бемоллол, эркин юрмоқда эди. “Урис йўл”нинг ўнг томонига ўтиб, Жармишёп кўпригига етиб келдилар.

– Мен ҳозир кўприк тагида соялаб бирпас ўтираман, сизлар чўмилиб олинглар. Гурунғни кейин давом эттираман.

Болалар қувониб кетди. Овоқ ерда, овулдан четда чўмилганларида, мол боқиш навбатида ҳеч қанақа тиззакийим – трусисизок чўмилиб юрган болалар ҳозир бир-бирларига қарашиб, бироз қимтинишиб туришди-ю, сўнғ изма-из, аста-секинлик билан ечина бошладилар. Қарашса, бугун ҳаммалари тиззакийим (баъзан “пионериштон” деб ҳам аташади) кийиб келган эканлар, ҳаммалари кий-чувлашиб, кулишиб сувга ўзларини ота бошладилар.

Айтгандай, эл ичида, овулда ўша калта иштон ҳақида бир хангома ҳам тарқалиб кетган эди. Ўша йилларда овулга райондан келган вакил, овул шўроси (кенгаши)нинг оқсоқоли Болтаниёз деган киши билан экинларни кўриб бўлиб, анҳор бўйига келиб қолибдилар.

– Қани, оқсоқол, сувга бир шўнғиб олмаймизми?

– Маъкул, иним, маъкул, – дебди Болтаниёз оқсоқол.

Вакил ечинибди-да, сувга калла ташлабди. Қараса, овул кенгашининг раиси қирғоқда зинграйиб турган эмиш.

– Хув, оқсоқол, ваъдалар қани, калла ташламайсизми сувга?

– Иним, мен тушмаёқ қўяйин.

– Тушинг-э, оқсоқол, вакилнинг битта ўзини чўмилтириб қўйиб, қизикқа қараб тураверасизми?

– Йўғ-э, иним, кампир курғур, азонда пионериштонимни олиб қўйган эканми, киймасдан келаверган эканман.

Хуллас, ўша йилларда ҳозир биз “труси” деб атайдиган калта иштоннинг оти бироз вақт халқ орасида “пионериштон” бўлиб ҳам юрган экан. Бу воқеа тилдан-тилга, элдан-элга ўтиб тарқалиб кетган. Катта одамлар бир-бирига ҳазиллашиб, “пионериштонингни бериб тур, чўмилиб келай”, деб кулишган экан.

Кўприкнинг тагидаги оқим кучли эди. Ибройим болаларнинг сувга калла ташлашини кузатиб турди. Булар чўмилиб олсин, кейин тушаман деб

ўйлади. Хув бир йили Рўзимбой Нуратдинни таништираётди: “Бешёпнинг энг чуқур жойигача сузиб бора олади”, деган эди. Шулар эсига тушди. Нуратдинни кузатиб ўтирди. Ростдан ҳам Нуратдин сувга биринчи бўлиб сакраб, энг теран жойларига ҳам бориб-келиб юрибди. Сал ўтмай ҳамма бола ўрдаклардай шўнғиб, сузиб кетдилар.

Тўлаган Тўрамуродов ўша даврнинг энг фидойи муаллимларидан бири эди. “Билмайдиган нарсаси йўқ, – деб ўйларди у хақида Ибройим. – Шу одамдай бўлиш учун қайси ўқишни битириш керак? Тинимсиз ўқийди, чарчамайди, айтганини айтган вақтда бажаради, икки такрорламайди. Мана ҳозир ҳам бекор ўтирмасдан газета-журналларни ўқияпти. Бунақа одам бошқа йўқ бўлса керак. Кўп ўқийверсам, мен ҳам шундай билимдон бўлиб чиқармиканман?”

Шу куни болаларнинг ҳаммаси мактаб томонга ўтиб кетишди. Ибройим ҳам Лорободга бурилмай, болаларга эргашди.

– Бояги гурунгни давом эттирай, – деди Тўлаган муаллим, болалар чўмилиб, кийиниб олгач. – Устозимнинг оти Ўроз эди, ўзи Назархон томондан, дарёбўйдан. Тўрткўлда бир йиллик махсус курсларни битиргандан кейин, уни Чимбойга ишга юборишибди. 1925 йилнинг декабрь ойи экан. Кун булутли, ургун<sup>1</sup>ли қор уриб турар, туп деган тупугинг ерга тушмайдиган даражада совуқ экан. Партиянинг қаттиқ топшириғи бўйича Чимбой шахрига бориб, январь ойидан янгича ўқишни ташкил қилиш, ўқишни бошлаш вазифаси устознинг зиммасига тушган экан. Ўша йилларда Тошкент шахрида араб алифбосида, қорақалпоқ тилида биринчи мартаба “Қатталар саводхонлиги” (“Егедлар оқиё китаби”), “Алифбе”, “Ўқиш китоби” нашрдан чиққан, шуларнинг Чимбойга тегишлиларини ҳам бир қопга солиб кўтариб олган экан устоз. Тўрткўлдан Нукусгача икки от кўшилган аравага миниб келибди. Нукус кўрғонининг ҳарбий бўлимига партия номидан ёзилган хатни берибди. Хатда “Ушбу ходимни ва унинг ёнидаги китобларини Нукусдан Чимбойга омон-эсон етказиш, бунинг учун Чимбойдан кўлик чақиртириш керак” деб ёзилган экан. Муаллимни олиб қайтадиган аравани юбориш – “Янги куч” ихтисослашган артелининг аъзоси Аметбойга топширилади. У – ҳукуматга, янги ҳаётга қарши бой-казолардан бўлиб, ўзиям мазкур артелга яширин кириб олган экан. Аметбой овулдаги полвон йигит Қурбон қассобга шундай дейди: “Қофир муаллим келса, ҳаммамизни хатлайди, қизларимизни йўлдан уради, хотинларимизни бизга қарши қилиб қўяди. Ма, сенга пўлат ханжар. Йўлда келаётди, муаллимни ўлдирасан. Қилган хизматингга иккита сигир, бир ғўнан оласан. Биз уни сувга кетиб ўлдига чиқарамиз. Сени эса омон саклаб қоламиз”, деб ўргатади. Оққўнгил Қурбон шу ишни бажаришга ваъда бериб, қўл олишади.

Муаллим бу воқеаларнинг барини жуда аниқ, ўқувчиларга тушунарли қилиб, керакли ерларда таъсирчан ҳаракатлар билан айтиб берди. Болалар куннинг иссиғида, йўлда эканликларини ҳам, атрофда қолиб кетаётган нарсаларни ҳам пайқамай берилиб тингладилар.

...Йўлда эски чалдеворнинг панасида ўтириб Ўроз муаллим ва Қурбон қассоб исиниб олмоқчи, гулхан ёқмоқчи бўлишади. Шу ерда Қурбон муаллимни пичоқлаб ўлдирмоқчи эди. Гулханда исиниб ўтириб, Ўроз Қурбонга янгича ҳаёт бошланаётгани, камбағал-йўқсилларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, тенглик замони, озод турмуш хақида гапириб, эндиги замон ўқиган ёшларники бўлишини, Қурбонга ўхшаган пок-ҳалол, ғайратли йигитлар савод очиб, халққа бошчилик қилиши, элни бошқариши кераклиги, ўзи ҳам мана шу йўлда қийинчиликларга чидаб, шунга рози бўлиб бораётганлиги хақида айтиб беради. Буларни тинглаб ўтириб, Қурбон Ўрознинг Аметбой айтганидай ёмон одам эмаслигини, элу юртни мана шундай янги тушунчалик одамлар тараққий топдира олишини тушуниб етади ва қабих

<sup>1</sup> Ургун – бўрон, довул.

ниятидан қайтади. Овулга қайтганидан сўнг Аметбойнинг қабих режасини халққа айтиб бериб, уни фош қилади. Бундан кўрққан бой бир тунда элдан қочиб яширинади, аввалдан товоқдош бўлиб юрган Қалим пучук, Давмуродбой, Есет курра, Қален махсумлар билан тил бириктириб, омборхоҳани ёқиб юборади, ғалла ва мол ўғирлаш билан шуғулланади, энг охири Уроз муаллимнинг севган қизи Гулжонни ўғирлаб кетадилар. Шунда Курбон полвон бошчилигида беш йигит отларга миниб, душманларни излаб топади, кўпгина қийинчиликлар эвазига қизни кутқариб олиб келишади.

Тўлаган муаллим устози Уроз ҳақида кела-келгунча гапириб келди: Уроз ўша йилларда ҳам болаларни ўқитган, ҳам “Янги куч” артели бошлиғи билан биргаликда йиғилишлар ўтказиб, партия ташкилоти ишини олиб борган, яслилар ташкил қилган, клуб ишларига раҳбарлик қилган, хаваскорларнинг драмтўгаракларини ташкил этган, уларнинг репертуари учун кичик пьесалар ёзган, кечки курслар ташкил қилиб, катталарни ўқитган, отиз бошида ишчи-деҳқонларга газеталар ўқиб берган, янги замон талаблари бўйича ваъзлар ўқиган, ўшанда овул қизлари унга ошиқ бўлиб, “Муаллим бола” деган қўшиқ ҳам чиқарган, унга Абдували гармончи куй басталаган, бу қўшиқ турли йиғин ва маросимларда куйланган экан. Буларни эшитган болалар “Хов, бизнинг муаллим ҳам шундай ишларни бажариб юрибди-ку” деб, уларнинг ғайратлари, қилаётган ишлари ўхшашлигидан ҳайрон қолдилар. Ҳозир ҳам колхоз раҳбарлари муаллимсиз йиғилиш ўтказолмайди. Қачон кўрсанг, мажлисни қайси кунга, қайси соатга белгилаймиз, деб муаллимдан сўраб юради. Рост-да, деб ўйлади Ибройим, йиғилиш ўтказгандан нима фойда, агар йиғилиш ўтаётганини биров ёзиб ўтирмаса? Бизнинг муаллим ҳам ёзиб ўтиради, ҳам бошқаларни тартибга чақириб ваъз ўқийди, колхоз ишларида ҳам аралашиб юради. Колхоз бошлиғи у билан маслаҳат қилмай районга биттаям қоғоз юборолмайди. Батрачком ҳам, райондан келган вакил ҳам доимо мактабда муаллим билан маслаҳат қилиб ўтиради. Демак, Тўлаган муаллим буларнинг барини устози Уроздан ўрганган экан-да. Демак, унинг “Муаллим – устозим” деган машҳур бўлиб кетган шеъри Урозга бағишланган! Шунда, нега Тўлаган муаллим шеърда устозининг номини кўрсатмаган? Агар мен ҳам устозлар ҳақида шеър ёзсам, уларнинг номини кўрсатмаслигим керакми? Йўқ, мен устозимнинг номини айтиб-кўрсатиб шеър ёзаман! Менинг ундан бошқа устозим йўқлигини ҳамма билади. Устозимга ҳали кўп қўшиқлар бағишлайман. Ҳамма ёдлаб олиб, “Муаллим бола” қўшиғи каби, тўйларда айтиб юрадигандай қилиб ёзаман!

## 4

Шаҳар деганинг қизиғидан кўра кўрқинчи кўпроқ издиҳом экан. Ошиқмай ораласанг, кўрадиган нарсаси кўп. Уйин-завқ деганинг бари шу ерда: артист дейсанми, Хивадан келган дорвозлар, шеърни хиргойи қилиб ўқийдиган шоирлар, қиссахонлар, кўғирчоқбозлар дейсанми – ҳаммаси шу ерда. Айлансанг, кўрмаганингни кўраверасан. Бозор кунлари араваларнинг ғилдираклари бир-бирига тегиб ўтолмай қолади. Одам деганинг – оқиб турган сувдай. Овқатнинг ҳамма тури пишиб турибди. Ҳар бозор – ўз олдига алоҳида томоша. Керагингни излаб, биридан чиқиб бирига борасан. Ёмони – бу ерда оч-афтода бўлиб юрган, қанғима<sup>1</sup> бола кўп экан. Улар тўп-тўп бўлиб югуришиб юради. “Шаҳарнинг боласи”, “ёбоннинг боласи” бўлиб бўлинишади. Битта ўзинг юрсанг, “кел, ошиқ ўйнайлик, танганг борми?” деб, изингдан қолмайди. Балиқ қовурдоқ ейишга борсанг, бет-оғзи куя-куя бўлиб юрган, ўт ёқиб, балиқ тозалаётган болалар ишнинг орасида вақт топиб, сен билан уришгиси келади, сени масҳара қилади, камситади, сўкади, уришқоқ хўроздай қизариб-бўртиб устингга келади. Қозон атрофида ай-

<sup>1</sup> Қанғима – саёқ, безори.

ланишиб юрадиган кўчанинг буралқи<sup>1</sup> итлари ҳам бор, саёқлар шуларни ишга солиб сени кўрkitмоқчи, тишлатмоқчи бўлади. Шаҳарнинг атоқли кисавурлари ҳам бор экан, улар яхши кийиниб юради, кўпчилик одамлар танийди, танимайдиганлар уларнинг отини билади, хуллас шундай экан. Милициялар ҳам уларни билар экан-у, бироқ билмагандай бўлиб юради. Кисавурларнинг кичкиналари ҳам бор. Уларнинг баъзиларини шаҳарга сут, қатик сотишга келганларида Маден Ибройимга кўрсатган эди. Бир гал кўчанинг муюлишида тўпланиб, ундан-бундан сўзлашиб турган болалар боларга ҳам илакишиб, гап отган эдилар. Шунда Маден:

– Мен Маратнинг жўрасиман, танийсанми? – деган эди, тўпланишган болалар:

– Бўлди, бўлди, энди танийдиган бўламиз, – деб нари кетишди. Кейин Ибройим оғасидан:

– Марат деганинг ким? – деб сўради.

– Нима ишинг бор, омон колдингми, бўлди. Ўқишга келганигда сени ушлаб олсалар, “Мен Маратнинг жўраси Маденнинг укасиман”, де, – деб ўргатган эди.

Шу сафари Маден бориб “коронги кўча”нинг ўртароғидаги бир уйнинг деразасидан тикилди. Айланиб бориб эшигини очди. Ичкарида етти-саккиз одам бор экан, ораларида Ибройим билан тенгдош болалар ҳам кўринади. Хона ичи ола-бурқон тутун, улар терлаб-пишиб, бир нимани “хўр-хўр” тортиб ўтиришарди. Маден уларга қарата қўлини кўтарди, бош силкиб саломлашган бўлди-да, эшикни ёпди. “Мен бўлмасам, кирмоқчи эди, шекилли. Марат деганлари шуларнинг ичидамикан? Оғамнинг бунақа юришини опам эшитса, йиғлайди-ку”. Сўрагиси келди-ю, барибир тўғри жавоб айтмаслигини билиб индамади.

Уйдан чиққанидан буён хаёли шу ўйлар билан банд. Анов кунги китобларни топшириб, янгиларини олиб келаётир. Эргашиб чиққан Лепесбой билан Узоқлар қўлларида хивичлари билан йўл бўйи қиличлашиб, ўзларини ўзлари ўйнатиб юрибди. Йўлга чиққанидан буён кутубхоначи опанинг исми эсига тушмай келаётганди, шаҳарга келган ерда лоп этиб, “Танзила” деганини билмай қолди. Қувониб кетди. Энди унутмаслик учун қайта-қайта такрорлаб келди.

– Ҳаммасини қолдирмай ўкидингми?

– Шеър китобдан бирозини ёдладим ҳам.

– Молодец, яхши бола экансан. Мановиларни сен эргаштириб келдингми?

– Икковиям тўртинчи синфни битирди. Уларнинг номигаям китоб олсам бўладими?

– Майли, сен учун бераман.

Болалар китоб танлашга киришиб кетдилар. Ёнидаги болалар китоб отларини зўрға ўқийди. Бу ерлар Қозоғистонга қўшилган йиллари кўпгина қозоқ тилидаги китоблар келиб қолган экан. Лепес билан Узоққа барибир эди, қайси тилда эканини унча ажратавермайди. Ибройим кўпроқ дoston ва шеърый китобларни излади.

– Ма, мановиларни ҳам бир кўр-чи, – деб Танзила опа бир-иккита китобни ушлатди. “Қиз Жибек”, “Қобланди”, “Жаскелен” деган қозоқча китоблар экан.

– Биз бошланғич мактабни Чимбойга қатнаб, қозоқ тилида ўқидик, – деган эди Тўлаган муаллим. – У пайтларда “Алифбе”, “Ўқиш китоби” йўқ эди. Дастлабки муаллимларимиз ҳам қозоқлар бўлган, учинчи синфда татар киши устоз бўлди, у киши рус тилидан ҳам дарс берарди.

Ибройим Танзила опа узатган китобларни бирма-бир очиб, ҳар ер-ҳар еридан ўқиб кўрди, ўқиса тушуниб кетишига кўзи етди. Дostonларни ҳар йили қишда келадиغان жировлардан узук-юлуқ тинглаб юрибди. “Қиз Жи-

<sup>1</sup> Буралқи – дайди, эгасиз.



бек” деган дoston бошдан-оёқ шеърый йўлда ёзилган экан, ол, манави бир китоб комсомол-ёшлар ҳақида экан. “Бешинчи синфга борганларингдан кейин ҳаммангиз комсомолга ўтасизлар, шунинг учун комсомол ҳақидаги шеърларни ёдлаб, фаол бўлиб юринглар, синфда энг илғорлардан бўлиб юринглар”, деб топширган эди Тўлаган муаллим. Буниям ўқиб кўрайин деб, кўлидагиларга кўшиб кўйди.

Ўша куни ёнидаги икки болани “оғзи борга олдирмай, қаноти борга қоқтирмай” омон-эсон овулга олиб қайтди. Узокнинг онаси Генже хотин боласига оз-моз пул бериб юборган экан, кутубхонадан чиқиб, мойли патир олиб едилар. Чарчаб, кўзлари юмилиб келаётган болаларга Ибройим ўқиган китобларидан эртак, ёдлаган шеърларини айтиб, кела-келгунча уйқуларини қочириб келди.

Уйда Маден унинг йўлига қараб ўтирган экан.

– Ишга бормадингми?

– Бордим, – деди Маден. – Сенинг учун жавоб олиб қайтдим.

– Нимага келдинг, тинчликми?

– Қурбонниёз эшонда ўқиган пайтдаги дафтарларинг қани? Излаб топмадим-ку.

– Уларни яшириб қўйганман, – деди-да Ибройим бўғчасининг четидан кўлини тикиб дафтарларини олаверди.

– Шундай ергаям яширадим одам! Тинтув бошланса, энг аввало сандикни, бўғчаларни қарайди-ку. Шулар бўлганими?

– Эшон отам манави “хафтияк”<sup>1</sup>ни ҳам берган эди.

Маден йиғилиб-тахланиб турган кўрпа-тўшакларни ағдариб юборди, сандикнинг устига миниб, қорауйнинг узиги<sup>2</sup> бир-бирига қаватланиб ёпилган жойга кўлини тирсаккача тикиб, дафтар-китобларни тикиб ташлади-да, сўнг яна кўрпа-тўшакларни аввалгидай қилиб, чиройли тахлаб қўйди.

– Қурбонниёз оғамни милиция Чимбойга олиб кетишибди, – деди Маден. – Неғалигини ҳеч ким билмайди. Агар сени диний йўл билан ўқитганини билишса, қамалиб кетиши мумкин. Шунинг учун сени чақириб сўрашса, ўқиганим йўқ, арабча бир ҳарф ҳам билмайман деб кўркмасдан айтишинг керак, билдингми?

Милиция дегандан Ибройимнинг оёқ-кўли қалтираб қолди. Хув қайси бир йили Чимбойдаги ичи қоронги, кўланса хид анкиб турган қамокхонага боргани кўз олдига келди. Қурбонниёз эшонни ўша ерга тикиб қўйганлари, унинг олдига боласи Ибройим бориб турганлари кўз олдига кўрингандай бўлиб, хаёли турли томонга тарқалиб кетди.

Отасиз ўсганлар, уй-рўзғор ишларига жуда ёшлиқдан аралашиб катта бўлган болалар ўзларининг тенгдошларига қараганда эртарок эр етадилар. Маден деган ажағаси уни эркалатиб қўярмиди, қулоғидан бир тортиб, эсини киритади-қўяди. Ўзи камгап бола, манов хабардан кейин биратўла тилдан қолди. Кечгача анов ерга бориб ўтирди, манов ерга келиб оёғини чўзиб кўрди. Уйқуси қочиб, бетоқат бўлаверди. Овулда эшонлар тугул, муллалар ҳам ҳар ёққа қочиб, Қурбонниёз эшоннинг бир ўзи қолган эди. Куни-туни юмуш билан банд бўлиб юрса ҳам, эшон бўлса қамайверар экан-да. Босиқ-вазмин, яхши одам-ку. Отизда ҳам ишлаб юриб, ҳеч ким билан гаплашмас экан, одамлар ундан тортиниб, ёнида сўқинмас эканлар, ёмон гаплардан тийилар эканлар. Аёллар ҳам “эшон қайноға бор экан-ку” деб, дарҳол ўзларини ажратиб олар экан.

Колхознинг почтачиси бўлганига энди уч ойнинг юзи бўлган эди.

– Оғзи боғланган хўқиздай эркин гапиролмай, бўғилиб юрган эдик, эшон оғанинг почтачи бўлиб кетгани яхши бўлди, – дебди Усен пангқилдоқ.

– Ҳовва, худо берди энди сенларга, юришингиз энди мана, оғзингдан оқ ит кириб, қора ит чиқиб, – дебди шунда Турдигул янга.

<sup>1</sup> Хафтияк – диний дарслик-китоб, Қуръони Каримнинг еттидан бири китоб қилиб саҳифаланган парчаси.

<sup>2</sup> Узик – қорауйнинг кигиз жабдуғи.

Эшон оғани қамашса, шунда бизни ҳам тергайдими? Ростини айтмаганларни уради, дейишади, унда нима қиламан? Отам ётган уйга мениям тикишадими? Хув боягида, Маденнинг олдига келган кимдир биров, ёмон гаплардан тийилар эканлар. Аёллар ҳам “эшон қайноға бор экан-ку” деб, дарҳол ўзларини ажратиб олар экан.

Колхознинг почтачиси бўлганига энди уч ойнинг юзи бўлган эди.

– Оғзи боғланган хўкиздай эркин гапиролмай, бўғилиб юрган эдик, эшон оғанинг почтачи бўлиб кетгани яхши бўлди, – дебди Усен пангқилдоқ.

– Ҳовва, худо берди энди сенларга, юришингиз энди мана, оғзингдан оқ ит кириб, қора ит чиқиб, – дебди шунда Турдигул янга.

Эшон оғани қамашса, шунда бизни ҳам тергайдими? Ростини айтмаганларни уради, дейишади, унда нима қиламан? Отам ётган уйга мениям тикишадими? Хув боягида, Маденнинг олдига келган кимдир биров, қамокхонада болаларни тикиб қўядиган хона ҳам бор, деган эди. Шунда, мени ҳам олиб кетармикан?

Ибройимнинг юраги шувиллаб кетди. Бу ҳукумат одамни аямайдими? Унда, Тўлаган муаллимнинг “энг одил, энг ғамхўр, энг эркин жамият кураимиз, дунё бизга ҳавас қилади”, деган гаплари қайда қолади? Охун, эшонларнинг болалари бу ҳукуматга ёкмайдими? Бизнинг нима гуноҳимиз бор ўзи? Ота-боболаримизни диндор қилган биз эмас-ку ахир. Ўзларимиз, мана, янги мактабга қатнашпимиз. Ҳали ҳамма қатори савод чиқариб, катта ишларда ишлаймиз. Шуларни айтсам, ишонмасиканлар? Мен ёлғон гапирмайман-ку ахир, ҳеч кимни алдамайман, янги ҳукуматни яхши кўраман. Уни мактаб шеърлар ёзаман, десам, шундаям қамайверадиими?..

Дунёда ёш одамнинг ўзи билмайдиган, ўйлаб тубига етолмайдиган кўрқинчли воқеаларни сезиб туришидан ёмон нарса йўқ экан. Худди тубсиз ўпқонга шўнғиб, чўкиб кетаётгандай ҳис қиларкансан ўзингни. Шусиз ҳам майишиб қолган руҳинг синиб кетиши, бир умрга майиб бўлиб қолишинг, келажакка бўлган ишончинг сўниб битиши ҳеч гап эмас экан. Айниқса, шоир табиатли одамларнинг кўнгли нозик, туйғуларнинг ровиш-раъйига тез берилувчан бўлади. Бундай пайтларда одамни теран тушунадиган, кайфиятингни англаб, сени эҳтиётлаб, руҳий куч бера оладиган ягона инсон – бу онанг экан. Халқ ҳам “онали етим – зўр етим” деб бекор айтмас экан, бу кенгфёъл, тўзимли инсон сени ҳеч қачон ёлғиз қолдирмай, юрагидан ўт узиб бериб, сени иситишини билиб шундай дейишар экан.

Хонбиби элти барча майда-чуйда ташвишларни нари отиб, пойлагани – шу боласи бўлди. Она-бола ҳеч билмагандай ёки бир-бирларига билдиргиси келмагандай ички хавотирларини бир-бирларидан яширгани билан, уларнинг руҳиятидаги туйғулари, жони орасидаги сезгилар бирлашиб-чатишиб кетган экан, юракларининг зарблари биргалиқда дурсуллаб турар экан.

Тонг отганидан бери она-бола иккови оғизларига бир тишлам нон солиб, бир хўплам сув ичганлари йўқ. Маден ишга кетганидан сўнг, Ибройимнинг кўзи юмилмади. Онаси уни гапга солиб кўрмоқчи бўлди, боланинг чехраси очилмади. Тушга яқин, Қурбонниёз эшон қайтиб келибди, деган гап тарқалди. Хонбиби элти чала-чулпа кийиниб йўлга тушди...

Қурбонниёз эшон кўп зўрликларга учраб, охир-сўнги овулда почтачи бўлиб ишлашга рози бўлган эди. Маданиятли, ўқимишли одам учун оми одамлар орасида юриш, уларнинг ўнгли-чапли сўзларига қулоқ осиб, ҳалол-ҳаром аралаш еб-ичишларига кўз ташлайвериш, покликка даъват қилганинда сўзинг беҳуда кетишига чидаб, шунга кўникиш – осон иш эмас. Шунинг учун ҳам эшон отиздаги ишлардан қўли совиди, “нима бўлганда ҳам ўзим билан ўзим бўламан-ку” деган ниятда у почтачи бўлиб ишлашга розилик берган эди. Район билан колхознинг орасида юрар, почта келадиган кунлар белгили, қачон келиши маълум, район марказига бориш, хат опкелиш керак бўлиб қолса, вақт-бевақт йўлга чиқиб кетаверарди. Дастлабки кунларда эшакда қатнаб юрди, ўзидай почтачи бўлиб ишлайдиганлар отда

юрган экан, бу ҳам аста-секинлик билан от мина бошлади.

Кеча ҳам шаҳарга эрта бориб келди. Уйига келиб энди чойга ўтирган пайти, изидан милиция келди. Тезлик билан Чимбойдаги ички ишлар бўлимига бориши керак экан. Жони товонига тушиб кетгандай бўлди. “Кўзга тушишдан кўркиб юрган эдим, шу ишга ўтмаслигим керак эди”, деб ўкинди. Уйдагиларнинг жони-имони қолмай, ҳаммалари қайғуга тушиб қолди.

– Қийим-пийим ҳам олиб кетайми? – деб сўради у милициядан.

– “Ёмонликни олдинга ол, яхшилик қайда боради?” деган гапни эшитганмисиз? – деди милиция ходими.

Бу гапни эшитгандан кейин эшоннинг бира-тўла тинкаси куриб битди. У уйига кириб чиқмоқчи бўлган эди, тартиб-интизом ходими яна гап қўшди:

– Менинг қўлимга чақирув қоғози ёки бошқа бирон нарса тутқазишмади.

Қурол-яроғим ҳам йўқ, кишан ҳам. Шунга қараганда жудаям кўркинчли гап бўлмаса керак. Юринг, шундай кетаверайлик.

Нима бўлганда-да, Чимбойга етиб боргунларича эшоннинг хаёлига нималар келиб-нималар кетмади, дейсиз, бу ёғини бир худонинг ўзи билади. Шаҳарга унинг соясигина етиб борди, холос.

Ички ишлар бўлимига келишди. Маълум бўлишича, район алоқа бўлими бошлиғи юқоридан келган бир хатдан шубҳаланиб, уни ички ишлар бўлимига етказибди. Хат сиртида арабча ёзилган ҳарфларни кўрган ходим: “Бу хат Туркиядан келибди, биладиган одамга ўқитиш керак”, деган. Эшоннинг чақирилиш сабаби шу экан. Қурбонниёз эшон хатнинг жилдини ўқиб кўриб, “бу Туркия деган ёзув эмас, Туркистон деб ёзилган, хат эгаси икки ўринда нуқталарни тўғри қўёлмаган” деса, қайтанга энди булар эшондан шубҳаланибдилар. Шундай қилиб, хатнинг сиртидаги ёзувни ўқитиш учун Чимбой ичидаги арабча ҳарфларни биладиган кишиларни тўплаганлар. Ана энди, уларнинг уйларидаги кўркув-вахимани кўринг. Алқисса, тўпланганлар ичида Боймағамбет мулла дегани саводи ўткир экан, у Қурбонниёз эшоннинг айтганлари тўғри, деб чиққан. Сўнг хат эгаларини аниқлашибди: қарасалар, Туркия деб ўйлаганлари ҳақиқатан ҳам Туркистон деган ёзув экан. Маълум бўлишича, Тоқёпнинг бўйида яшайдиган “Қирқлар” овулида Тажим деган кишининг элга қайтиб келиб, аралаша бошлаганига 10 йил бўлган. Унинг аёли Туркистон шаҳрига яқин Иқон деган овулдан, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасига яқин ердан экан. Ёш вақтида отаси билан пул ишлашга кетган Тажим, шу ёқларда уйланиб, бола-чақали бўлиб, отаси ўлгандан кейин элга қайта ўралган<sup>1</sup>. Хат шу Тажимнинг хотинига ёзилган экан. Шу нарсалар аниқланаман дегунча, Қурбонниёз эшон бир тун милицияда навбатчининг хонасида ўтириб чиққан. Масала аниқланиб, ҳаммаси жой-жойига тушгач, буларга кетишга рухсат берилган. Эшон уйига етиб келган-у, азбаройи воқеаларнинг хаяжони босиб, бўсагадан ҳатлаган заҳоти ерга ағдарилиб тушган.

Эшон шу гапларни Хонбиби янгасига дами қисиб-қисиб, зўрға-зўрға хикоя қилиб берди.

*Қорақалтоқ тилидан  
Музаффар АҲМАД таржимаси*



<sup>1</sup> Ўралган – қайта айланиб келган.



# ГЛОБУС ОКЕАНИЯ

**Мустақиллик санаси:**  
*1945 йил 17 август*  
**Пойтахти:** *Жакарта*  
**Майдони:** *1 919 440 км<sup>2</sup>*  
**Аҳолиси:** *253 609 643 киши*  
**Расмий тили:** *индонез тили*

**Мустақиллик санаси:**  
*1957 йил 31 август*  
**Пойтахти:** *Куала-Лумпур*  
**Майдони:** *329 758 км<sup>2</sup>*  
**Аҳолиси:** *30 073 353 киши*  
**Расмий тили:** *малай тили*

**Мустақиллик санаси:**  
*1965 йил 9 август*  
**Пойтахти:** *Сингапур*  
**Майдони:** *715,8 км<sup>2</sup>*  
**Аҳолиси:** *5 312 400 киши*  
**Расмий тили:** *инглиз, хитой,  
малай, тамил тиллари*

## МИНГОРОЛ МАМЛАКАТЛАРИ

### Адабиёт

Ер юзининг умумий жуғрофий ном билан Океания деб аталган қисми алоҳида қизиқиш уйғотади. Бир қарашда катта-ю кичик минглаб ороллардан ташкил топган бу бепоён архипелаг ташқи томондан ҳам, ички томондан ҳам тарқокликка маҳкумдай туюлади. Дарҳақиқат, тропик ва субтропик иқлим зоналарида жойлашган бу ороллар ҳеч эпақага келмайди, уларни бирлаштириб, ҳеч бўлмаганда, бир нечта мустақил давлат ё мамлакатга айлантириб бўлмайди, кўринади. Аслида-чи? Бу ерда номлари жаҳон аҳлининг тилидан тушмайди, аҳолисининг нуфуси ўнлаб ва юз миллионлабни ташкил этган, замонавий тараққиёт йўлидан тинимсиз илгарилаб бораётган бир нечта мустақил давлат жаҳон маданиятига ҳам, иқтисодиётига ҳам, сиёсатига ҳам муттасил ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Албатта, аввало, бу мамлакатларнинг жаҳон савдо йўллари устида жойлашгани, чор-атрофдан очик денгиз билан қуршалгани сиёсий жиҳатдан катта имтиёздир. Юқорида қайд этилганидек, гарчи ўқтин-ўқтин ўзига яраша табиий офатлар – вулкон отилиши, цунами, ўрмон ёнғинлари, денгиз ҳалокатларини айтмаса, ҳар томонлама ривожланиш учун бу ерда деярли барча шароитлар мавжуд деса бўлади. Ҳар қандай мамлакат тараққиётида ички ва ташқи омилларнинг сабаби ва таъсирисиз ўзгариш бўлмайди. Океания мамлакатларининг ҳеч бўлмаганда ўтган асрда бошдан кечирган воқеа-ҳодисалари ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи галда 1965 йилда Индонезияда содир бўлган даҳшатли хунрезлик кўз ўнгимизга келади. Доктор Сукарно бошчилигидаги индонез миллати икки кеча-кундузнинг ўзида 600 минг (!)дан ортиқ аҳолидан маҳрум бўлган эди. 1947 йили Ҳиндистон мустақилликка эришиш арафасида мамлакат мусулмонлар ва ҳиндулар

кисмига ажралишда содир этилган 3 миллионлик қурбонликдан сўнг бу иккинчи ўринда туради, десак хато бўлмас. Катта хунрезликлар замирида асосан бир сабаб – миллий мустақиллик учун кураш ётади. Аммо бу хунрезликлар ўз даври ва замонасига яраша тарзда – инсоннинг инсон томонидан хўрланишида ўз ифодасини топар эди. Дарвоқе, бу қадар катта кўламли қирғинбаротлар Ер қуррасининг айнан мана шу нуқталарида содир этилгани эътиборни тортади (мисол учун ривоятларда ёзилишича энг қадим замонлардаги Ҳиндистоннинг Курукшетр жанг майдонида 650 000 000 нафар (!) инсоннинг ёстиғи қуриган экан). 1945 йилдаги иккита атом бомбаси портлатилиши оқибатида иккита япон шаҳри – Хиросима ва Нагасаки деярли аҳолисиз қолганди. Булар инсоннинг ўз кўли билан амалга оширилган қатли омлар бўлиб, қиёматгача ҳам эсдан чиқмаса, не ажаб? Ҳамма томони сув билан ўралган Мингорол мамлакатларининг олис ва яқин тарихлари бундан асло мустасно эмас. Худога шукурки, немис фашистлари содир этган 1941-45 йиллардаги қатли ордан кейин жаҳон миқёсидаги халқаро аҳвол бирмунча мўътадиллашгандек. Худди шу “мўътадиллашув” Мингорол мамлакатларининг ҳар жиҳатдан оёққа туриб олишларида муҳим ижобий шароитлар вужудга келтирди. Бу, биринчи галда, Мингорол мамлакатларининг жаҳоннинг бошқа ривожланаётган ва мутараққий давлатлари билан сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқалар ўрнатишида беҳад катта аҳамият касб этмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, муайян маданият ёки адабиёт тараққиётида тарихий шарт-шароитлар ва воқеа-ҳодисалар айрича роль ўйнайди. Мингорол мамлакатлари қуруқлик жиҳатидан кўпроқ Хитой ва Ҳиндистонга боғлиқ. Шунинг учун бу мамлакатлар адабиётида шу икки буюк мамлакатнинг тарихий тараққиёт изларини бемалол кузатишимиз мумкин. Ҳиндистонда ҳам, Хитойда ҳам асосан буддавийлик дини ҳукмронлик қилади. Ҳар иккала буюк давлатда ислом дини иккинчи ўринда туради. Бинобарин, шу динларда яратилган адабий ва маданий асарлар бевосита Мингорол мамлакатларига таъсир кўрсатганининг гувоҳи бўламиз.

Халқ оғзаки ижоди **Малайзия**да жуда қадим замонлардан буён, бу ерга ёзув кириб келгунга қадар кучли ривожланган эди. Илк оғзаки ижод хинд достонлари таъсири остида бўлган эди. XV – XVI асрларда Малайзия, умуман, Мингорол мамлакатларига ислом динининг кириб келиши билан араб ёзувидаги жави алифбоси жорий этилди. Тахт тепасига келган ҳар бир султон бу ерда ислом билан баравар пайдо бўлган оғзаки ижодга асосланган ўз адабий анъанасини яратган. Китоб босиш расм бўлгандан кейин дастлабки энг машҳур асарлардан бири – “Султонлар сулоласи” (“Сулалатус салатин”) XV асрда ёзилган деб баҳоланади. Шу асрда яратилган иккинчи асар “Ражит Пасай тарихи” (“Ҳикая Ражит Пасай”) ҳисобланади. “Ҳанг Туах тарихи” (“Ҳикая Ҳанг Туах”) ҳам ўша даврдаги энг таникли асарлардан бири. Унда ўз султониغا содиқ жангчи ва қаҳрамон Ҳанг Туах ҳаёти ва жасоратлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бугунги кунда ҳам Ҳанг Туах исмини замонавий ёзувчилар ўз асарларида тез-тез қўллаб турадилар. Қатор қиссалар ва “Абдуллоҳ қиссаси” асарини (1849) ёзган Мунший Абдуллоҳ (1796-1854) малай адабиётининг отаси саналади. Анъанавий тарзда бу ерда турли шакл олган шеърият ҳар доим яхши ривожланган. XX асрда рўй берган ижтимоий ўзгаришлар ҳам адабиётда янги шакллар пайдо бўлишига олиб келди. Турли жанрларда (шеърият, наср, драма, эссе) тер тўккан Усмон Аванг замонавий адабиёт асосчиси деб эътироф этилади. Ҳозирги вақтда малай адабиётида Абдуссамад Саид сезиларли ўрин эгаллайди. Унинг сафдошлари Камол, Боҳо Зайн, Анвар Ридван, Муҳаммад Ҳожи Солих, Раҳимиддин Зоҳирӣ, Сри Диах ва бошқалар баракали ижод қилмоқдалар. 1971 йилда мамлакат ҳукумати турли тиллардаги адабиёт учун аниқликлар киритди, шу тариқа малай тилидаги адабиёт “Малай-

зия миллий адабиёти”, мамлакатдаги бошқа тиллардагиси “минтақавий адабиёт”, ёт тиллардагиси эса “ясама адабиёт” деб аталадиган бўлди.

Мамлакатнинг бошқа этник гуруҳлари тилидаги адабиёт XIX асрдан бошлаб, айниқса, хитой ва ҳиндий тили эгаларининг кўплаб кўчиб келиши билан яхши ривожланди. Бироқ хитой адабиёти XX аср ўрталарига келиб муҳим ўрин тутган бўлса, ҳиндий тиллардаги адабиёт таназзулга юз тутиб бораверди. Инглиз тили умумий адабий тил бўлиб қолди.

**Индонезия адабиёти** – индонез халқи адабиёти бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошида вужудга келган. Бу ҳам бошқа Мингорол мамлакатлари каби халқ оғзаки ижодининг вориси ҳисобланади. Индонез адабиёти тараққиёт маркази Жакарта, ундан сўнг Сумаатрадаги Медан шаҳарлари бўлган. 1945 йилда мамлакат мустақилликка эришгандан кейин адабий марказлар кўплаб шаҳарларда юзага келди. Бу ерда индонез тилидан ташқари хитой, голланд тилларида ҳам асарлар яратилди ва улар индонез адабиётининг жаҳонга юз тутишида, индонез халқини эса жаҳон адабиёти билан таништиришда катта роль ўйнади. 30-йилларда Индонезиянинг энг яхши шоирларидан бири Амир Ҳамзах эди. 1945 йил август инқилоби индонез адабиётида катта бурилиш ясади – бу давр адабий оқими “45-йил авлоди” деган ном билан тарихда қолди. Бу оқим тепасида шоир ва таржимон Ҳайрил Анвар турар эди. У ўз шеърларида неологизмлар, жаргон ва лаҳжа лексикасидан унумли фойдаланиб, она тилининг кадрини баланд кўтарди. 1950 йилда ижодкор вафот этгандан кейин “45-йил авлоди” шоирларининг у туپлаган баёз – “Қисматга қарши учовлон” чоп этилди. Индонезиянинг энг йирик шоирларидан бири Ситор Ситуморанга бўлиб, шеър техникасига катта эътибор беради ва ўз ижодида малай халқ шеърляти шакли – пантундан унумли фойдаланади.

Индонезия ёзувчиси Марах Руслининг (1889-1968) тарихий “Ситти Нурбая” романи (1922) “Жаҳон адабиёти” журналыда Абдулҳамид Пардаев таржимасида ўзбек журналхонларига тақдим этилган (2000 йилларда).

**Сингапур** – ўзбек халқи учун яхши таниш мамлакат бўлиб, у билан маданий, сиёсий ва, албатта, адабий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Айниқса, пойтахтимизда Тошкент Сингапур менежментни ривожлантириш университетининг фаолият кўрсатиши иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада ривожланиши ва мустақамланишига айрича ҳисса бўлиб қўшилишига шубҳа йўқ.

Сингапур адабиёти дунёдаги энг ёш адабиётлардан бири. Ҳозирги замон Сингапур шеърлятида баракали ижод қилаётган шоирлардан Сирил Вонг ва ундан сал кексароғи Энг И-Шен ҳисобланади. Афсуски, Сингапур адабиётини мамлакатнинг миллий адабиёти деб аташга ҳали эрта, шекилли. Чунки тилга олганимиз шоир Сирил Вонгнинг инсоний ахлоқ таназзули борасидаги эътироф сўзлари шундай хулоса чиқаришимизга асос бўлади. Ҳозирда Фарбада ўлат каби тарқалиб бораётган табиий инсоний муносабатларнинг акси ифодаланган асари учун унга давлат мукофоти берилишининг ўзиёқ бу адабиётнинг тараққиёт йўли ҳали олдиндалигини кўрсатиб турибди. Шундай бўлса-да, Элвин Панг тай-ёрлаган ва нашрдан чиқарган замонавий Сингапур адабиётининг бир нечта антологияси эътиборга молик. Шулардан бири “Тимасик” китоб ярмаркаларида анчагина харидоргирдир. Панг – фақат адабиёт ҳисобига кун кечираётган Сингапур шоирларидан биридир.

*Амир ФАЙЗУЛЛА  
тайёрлади*

## Муסיқа ва тасвирий санъат

Океания – Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари муסיқаси ҳинд-ява ва Индонезияда яшаган бошқа халқлар маданияти уйғунлигида вужудга келган. Милоднинг биринчи мингйиллиги охирида Ява оролида ривожланган муסיқа маданияти Жанубий Суматра, Бали, Мадур ва бошқа ороллардаги халқлар муסיқаси тараққиётига ҳам таъсир қилган. Қадим замонлардан муסיқа қишлоқ аҳолиси турмушига сингиб кетган, айниқса, ҳосил йиғиш, дон янчиш жараёнида миллий кўшиқлар янграб турган. Жануби-шарқий Осиёдаги бошқа муסיкий маданиятлардан фарқли ўларок индонезияликларнинг хор кўшиқчилиги анъаналари сақланиб қолган. Ривожланган геторофония ва кўп овозлилик Индонезия муסיқасига хос хусусият ҳисобланади. Халқ чолғу асбоблари оркестри гамелен – Индонезия мумтоз муסיқа санъатининг чўққиси ҳисобланади. Шунингдек, зарбли муסיқа асбобларидан ксилофон, гамбанг каби созлар ҳам Малайзия ва Индонезия ороллари аҳолиси орасида кенг тарқалган.

Ўрта асрларда Малайзияда хитой муסיқаси таъсирида “йўлбарс рақси” ва “аждар рақси”га монанд муסיқа кенг тарқалган. Ҳинд муסיқаси ҳисобланган бхаратанатъям ва бхангра усуллари ҳам шу даврда кенг омма томонидан ижро этилган.

XVI асрда Нидерландия мустамлакачилиги даврида Индонезия, Малайзия ва Сингапур худудига Европа муסיқаси кириб келди. Ушбу муסיқа таъсирида Индонезияда крончонг муסיқаси, Малайзияда эса голланд рақслари ҳисобланган фарапейра ва браньо рақслари тарқалди. Шу билан бирга, бу даврда дангдута муסיкий жанри вужудга келиб, унда малай, араб, ҳинд муסיқаси элементларининг таъсири сезилади.

XX асрнинг 40-50-йиллари Индонезия, Малайзия ва Сингапур давлат мустақиллигига эришгач, ўзларининг умуммиллий муסיқа маданияти ривожини учун қулай имкониятлар туғилди. Ташкил қилинган профессионал ва ҳаваскор жамоалар, камер оркестрлари маҳаллий халқ муסיкий анъаналарини давом эттирди. 1952 йили Жакартада миллий муסיқа мактаби, 1960 йили Суракартада консерватория ва миллий мумтоз муסיқа мактаби очилди. 1968 йилда Жакартада симфоник оркестр иш бошлади. Бу даврда Индонезияда Сужасмин, Аҳмад Пасарибу, Сусбини ва бошқа таниқли композиторлар, Малайзияда П.Рамли, Фарида Мерикан, Жо Ҳашам каби профессионал муסיқа намояндалари ижод қилди.

Жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг муסיқаси билан бирга, тасвирий санъати ҳам ривож топган. Малайзиянинг тасвирий санъатида тушь (хитой рассомлиги анъаналарида), акверель ва пастель (ҳинд рассомлиги анъаналарида), шунингдек, Европа таъсирида мойбўёқ рассомлиги вужудга келган.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Индонезия тасвирий санъатида ҳам янги ижодий изланишлар сезилди. Бу даврда кўпроқ ватанпарварлик руҳидаги реалистик рангтасвир пайдо бўлди. Шундай мавзуда Раден Салех (1807 – 1880) самарали ижод қилди. XIX аср охири – XX аср бошларида Индонезияда романтик манзара жанри ривожланди. Абдуллох Сурьёсуброто шу санъатда кенг жамоатчиликка танилди. Индонезия тасвирий санъати ривожидан 1937 – 1938 йилларда рассомлар, жумладан, Абдуллох Сурьёсубротонинг ўғли Басуки Абдуллох, Синдусударсоно Сужоёно, А. Жава, К. Афанди ва бошқалар ташкил қилган Рассомлар уюшмаси муҳим ўрин тутди.

XX асрнинг 50-йилларида Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида тасвирий санъатнинг реалистик йўналиши авангард билан рақобатда ривожланди. 1950 йилнинг биринчи ярми – 1960 йилларда ижтимоий ҳаётни акс эттирган санъат асарлари юзага келди. Айниқса, рассомлардан Рустамажи, Сумитро, Саёно, Саптоноларнинг асарларида бунини яққол

кўриш мумкин. Шунингдек, миллий мафкура асосида Аҳмад Садали, Бут Мохтар, Попо Искандар ва Срихади Сударсонолар ҳам ўз асарларини яратган. Уларнинг асарлари реалистик санъат йўналишида бўлиб, бироз романтик кайфиятда, миллий ватанпарварлик руҳида ишланди. Афанди, Сурома каби рассомлар шу даврда реалистик графика санъатида ижод қилди. Индонезия санъатининг ўзига хос сифатлари А.Г. Собрат, И.Б. Маде ижодида кўзга ташланади. Уларнинг ёрқин рангдаги кувнок, нақшсифат композициялари оптимистик руҳга бой. Индонезиянинг XX аср 60-йиллардан кейинги тасвирий санъатида авангард йўналиш фаоллашади ва бугунги кунгача етакчи ўринни эгаллаб келади.

Сухарто даврида Индонезияда маданий ҳаёт тараққий қилди. Айниқса, маҳаллий рассомлар, ҳайкалтарошларнинг “Янги санъат” ҳаракати бунга мисол бўла олади. Ушбу ҳаракат йўлбошчиларидан Жим Супангкат ва Харсонони мисол ўрнида келтириш мумкин.

2000 йиллар Индонезия тасвирий санъатида асосан икки йўналишдаги рассомлар ижод қилган. Булар – реализм анъаналарига содиқ қолган ижодкорлар ва сюрреализм йўналишидаги рассомлар. Биринчи йўналишга Иван Сулистьё, Ланни Андриани, Идран Юсуп, Сукриял Садинлар киради. Иккинчи йўналиш вакиллари эса Хери Доно, Даданг Христианто, Тисна Санжая, Марида Насутион, Агус Суваге ва бошқалар.

Рассом Харди 1971 – 1974 йилларда Жакартадаги тасвирий санъат академиясида ўқиган. 1975 – 1977 йилларда эса Нидерландияда малакасини оширган. Унинг биринчи кўргазмаси 1976 йили ўтказилган. У кўпроқ манзара жанрида ижод қилади. Харди асарлари Жакарта ва Багидаги музейларда сақланмоқда. Унинг “Бали раққосаси”, “Президент Сухарто 2000 йилда”, “Дехқон оиласи” каби асарлари дунёга машхур бўлиб, 2002 йили Индонезия ҳукуматининг “Пермата” мукофоти билан тақдирланган.

## Театр ва кино

Жануби-шарқий Осиё, яъни Океания мамлакатлари (Индонезия, Малайзия, Сингапур) томоша санъати тарихи қадимий миллий байрамлар ва диний маросимларига бориб тақалади. Жумладан, ваянг клитик (каттиқ ёғочли кўғирчоқ театри), ваянг голек (занжирли ёғочдан ясалган кўғирчоқ театри), ваянг пурво (чармли кўғирчоқ театри), ваянг кулит (сояли театр), ваянг бебер (матодаги тасвирлар орқали кўрсатиладиган театр), ваянг вонг ёки ваянг оранг (актёрлар театри), ваянг топенг (никоб орқали ўйналадиган театр) каби анъанавий театр шакллари узоқ тарихга эга. Бу томоша турларининг дастлабки учтаси оғзаки бўлса, қолганларида хореография ва пантомимо муҳим ўрин тутади. Ушбу томошаларда асосан миллий эртақ қаҳрамонлари образлари яратилган. Ҳиндистон билан ўзаро савдо ва маданий алоқалар туфайли қадимги ҳинд эпослари — “Рамаёна”, “Махобхорат” дostonлари асосида сахнавий парчалар яратиш кенг тарқалган.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларига келиб бу ҳудудда замонавий театрлар ташкил топди. Дастлаб уларнинг кўпчилигида Европа театри анъаналарига эргашиб жараёнлари кузатилади. 50–60-йилларда эса “Мархаен”, “Трискоконтен” каби миллий театр труппалари ташкил топади. Уларда Индонезия драматурглари — Утуй Татанг Сонгани, Абу Хапифах, Али Муҳаммад, Сануси Панае, жаҳон драматургиясидан Г. Ибсен, А. П. Чехов, Н.В. Гогол асарлари сахналаштирилади.

Индонезияда биринчи овозсиз фильм 1926 йилда голландиялик режиссёр Л. Хейведорпом томонидан суратга олинган бўлиб, у индонез халқининг “Охириги лутунг” номли эртаги асосида ишланган. Фильмда индонезиялик актёрлардан ҳам фойдаланилган. 1930 йилда Анжар Асма-



ра ва бошқа индонезиялик режиссёрлар хитойлик кинематографлар билан ҳамкорликда индонез тилида овозли фильмлар яратади. Дехқонлар ҳаётини акс эттирувчи “Парех” (1935 й.; режиссёр М. Франкен), “Ёркин ой” (1937 й.; режиссёр А. Балинк) фильмлари шулар жумласидан. Японлар оккупацияси даврига келиб Индонезия кинематографияси япон ҳукуматининг мафқурасига хизмат қилган бўлса-да, “Ёмғир” (режиссёр И. Пербатасари), “Орзуларим” (режиссёр С. Палинди) каби фильмларда маҳаллий халқнинг миллий хусусиятларини ифодалашга интилишлар бор эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу халқ вакиллари орасидан миллий кино усталари етишиб чиқа бошлади. Индонезия пойтахти Жакартада биринчи давлат кинофирмаси “ПФН”, хусусий кинофирма “Перфини” ташкил қилиниши бадиий фильм ишлаб чиқариш ривожига катта таъсир кўрсатди. Шу даврда яратилган “Мажруҳ”, “Ватанга қайтиш”, “Мактаб девори орқасида”, “Тиллақўнғиз”, “Шафқатсиз гуноҳ” ва бошқа фильмларда умуминсоний ғоялар тарғиб этилди. 60-йиллар охиридан Индонезияда кино саноати янада ривож топди. Режиссёрлардан В. Умбохнинг “Митти юлдузлар”, “Онажон”, “Шахс”, “Бокира келин”, “Тўй”, “Новча ўйнаш”, Т. Жунандининг “Онагинам”, “Пуч орзу”, С. Жайнинг “Ҳарир бинафшаранг туман”, С. Суварди Хассаннинг “Бахтсиз ўғай қиз”, “Умидсизлик кўз ёшлари” каби картиналари машҳур бўлди. Мамлакатда 1977 йилда Кино академияси ташкил этилади. 80-йилларга келиб турли жанрларда кўплаб фильмлар экран юзини кўрди. Жумладан, режиссёр Аризалининг комедия жанридаги кинофильмлари муваффақият қозонди. Бу даврда актёрлардан Дедди Мизвар, Ева Арназ, Лидия Кенду, Онки Александр, Мериам Беллина, Рано Карно, Парамита Русадилар ижоди камолотга етди. 1988 йилда миллий кинофильмлар учун Citra Awards номли мукофот жорий қилинди. Индонезия фильмлари халқаро кинофестивал – Канн фестивалига ҳам кўйилди.

XX асрнинг 90-йилларида хорижий, жумладан, АҚШ ва Гонконг фильмларининг кириб келиши миллий кино саноатига ўз таъсирини кўрсатди. Хориж киностудияларининг Индонезияда фильм олишга қизиқишлари ортиб борди. 1996 йилда миллий киностудиялар йилига 33 фильм ишлаган бўлса, 1999 йилга келиб атига етти фильм суратга олинди. Ҳозирда Индонезияда 2 500 дан ортиқ кинотеатр ишлаб турибди. Ҳар йили 70 га яқин бадиий фильм суратга олинади.

Малайзияда биринчи кино “Лайли ва Мажнун” деб номланиб, 1933 йилда режиссёр Б.С. Раджаханс томонидан яратилган.

1937 йилдан Сингапурдаги “Ампас Роуд” студиясида миллий кинофильмлар суратга олина бошлаган. Бу студия 1941 йилда япон кўшинлари Малайзияга бостириб киргунга қадар фақат бешта фильм тақдим эта олган. 1941-1945 йиллари Малайзия ва унинг таркибидаги Сингапурда (Сингапурни японлар Шонан деб номлашган) “Ака-ука шоу” япон киностудияси иш бошлаган. Уларда асосан “Малай йўлбарси”, “Тунги Сингапур” каби япон мафқурасига мос фильмлар суратга олинган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Малайзияда кино ва театр актёри П. Рамли режиссёрлик фаолиятини бошлайди. У биринчи фильми “Семпака”да Суматра оролида яшовчи қизларнинг ҳаётини акс эттиради. “Севги” (1948), “Ким айбдор?” (1953), “Менинг ўғлим Шадзали” (1956), “Ханг Туах” (1956), “Севги келганда” (1957) каби фильмларида халқ кўшиқларидан кенг фойдаланади. Режиссёр Хо Ах Локе 1952 йилда Сингапурда “Тампинес Роуд” студиясини очади. Бу режиссёр Сингапур театрларида намоиш этиладиган спектаклларнинг кино талқинини яратиш билан шуғулланади. 1961 йилда Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда “Мердак” киностудияси ўз фаолиятини бошлайди. У ерда Сингапурдан келган Л. Кришнан, П. Рамли, С. Ғани, Ж. Сулонг, У. Рожик, С. Кадарисман, М. Амин каби режиссёрлар ижод

қилади. 1965 йилда Сингапур мустақил давлат сифатида Малайзия таркибидан чиқиб кетади. 70-йилларга келиб Америка киноси Сингапур киносига ўз таъсирини кўрсатади ва маҳаллий фильмлар билан рақобатлаша бошлайди. 1990 йилда эса Гонконг киноси кириб келди. Бироқ Сингапур кинорежиссёрлари ўзини намоён этишда давом этади. 1997 йилда “12 қават” номли фильм халқаро Канн кинофестивалида катнашди, 1998 йилда “Пул қопламайди” фильми энг кассабоп кино сифатида эътироф этилди.

Малайзияда 1981 йилда давлат томонидан миллий кинони ривожлантириш ташкилоти тузилади. “Ханг Туан” (реж. Ф. Межундар), “Семерах Ради” (реж. Р.Ремли), “Йиғлама” (реж. Р. Тимоер), “Муҳаббат ва қўшиқ” (реж. Д. Сулонг), “Эртанги кун умидида” (реж. Д. Шамсиддин), “Она, онажон” (реж. А. Маҳмуд) сингари бадиий юксак фильмлар шу йилларда дунёга келади. Ҳозирда Малайзияда ҳар йили 20 га яқин бадиий фильм, 300 дан ортиқ телесериаллар суратга олинади. Мамлакатда 250 дан ортиқ кинотеатрлар ишлаб турибди. Ҳар йили миллий ва хорижий фильмлар кўриги – Малайзия миллий кинофестивали ўтказиб келинади.

1980 йилда актриса Фарида Мериқан “Ками” (“Биз”) театр труппасини тузади. Унда Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясини малай тилида сахналаштиради. Театр режиссёри ва актёр Жо Хашам ва рафиқаси Фарида Мериқан 1985 йилда биринчи профессионал театр “Экторс Студио” (актёрлар студияси) театрини ташкил этади. Малайзия биринчи болалар театрини Ладин Нуави очишга муваффақ бўлади. Холид Солих монодрама жанрида улкан муваффақиятларга эришади. 1970 йилда Кришена Жита ва Динсман театрларида актёр бўлиб меҳнат қилади. Унинг “Бу ўзини ўзи ўлдириш эмас”, “Дори сотувчи” номли моноспектакллари 1989 йилда Тайван, 1991 йили Япония, 1994 йилда Калькутта, 1995 йили Деҳлида ўтказилган фестивалларида муваффақият қозонади. Бугунги кун Океания мамлакатлари сахна санъатида Сингапурдаги “Экспланада”, “Виктория”, Малайзияда ҳамда Индонезияда Куала-Лампур Миллий театри, Ваянг соя ва қўғирчоқ театрларининг фаолияти ўзига хос ўрин туттади.

*Шерали ҚўЛДОШЕВ  
тайёрлади*



## ИНДОНЕЗИЯ ШЕЪРИЯТИ

### Пантунлар ҳақида

Пантун, бу – индонез халқлари (индонезлар, малайлар, явалар, сунданлар, тагаллар, малагасийлар) шеъриятидаги энг кичик жанр, қофияланган тўрт сатрли шеър. Бу жиҳатдан индонез пантунлари туркий халқлар оғзаки ижодидоги ўланлар, баётилар, термалар, лалелар, славян халқларидаги частушкалар, скандинав халқларидаги квизурларга жуда ўхшаши. Илгари индонез қишлоқларининг барчасида балеилар (қишлоқ оқсоқоли ёки рожасининг уйи) бўлган, уларда қариялар, эркаклар тез-тез йиғилишиб, деҳқончилик ва сув муаммоларини муҳокама қилишган. Қизлар гуруч оқлаб-тозалашган. Йўловчилар учун ҳам балеи беминнат жой бўлган. Шу ернинг ўзида турли маросимлар, байрамлар ўтказилган, йиғитлар ва қизлар тараф-тараф бўлиб пантун айтишган.

Пантунлар орасида ёшларга панд-насиҳат руҳидаги насиҳат-пантунлар, тиббиётга оид паванг-пантунлар, баҳари-пантунлар (қайғуни аритувчи пантун), болалар пантунлари, ҳуқуқий мавзудаги пантунлар фарқланади. Бу тур шеърларнинг баъзилари халқ орасида шу қадар оммалашганки, натижада мақол, матал, ҳикмат, қанотли иборага айланиб, элдан-элга, тилдан-тилга ўтиб, кўчиб юрган.

Яна бир қизиқарли хусусият – мусулмон олами халқларининг ўхшаши маиший, ижтимоий, диний тасавурларини уларнинг менталитетида, тафаккур оқидами, бадиият оламида, тушунчаларида кузатиши мумкин бўлганидек, пантунларда ҳам индонез ҳамда ўзбек халқларига оид бадиият ёшилларини, ўхшаши услубларни ва фикрларни учратиши мумкин. Қисқаси, пантунларни мутолаа қилиб, географик жиҳатдан бири иккинчисидан анчагина узоқда жойлашган халқларнинг бир-бирига яқин жиҳатларини каишф этиши ўзингизга ҳавола, азиз журналхон. Эътиборингизга индонез ёшлари орасида машҳур бўлган севги, шиқ-муҳаббат ҳақидаги пантунлар ҳавола этилаётир.

### ПАНТУНЛАР

Халқ оғзаки ижодидан

*Маржон майсазорга тушса – қидиринг,  
Барибир топмайсиз, йўқолади у.  
Муҳаббат – майсада порлаган шудринг,  
Кўздан зойиб ҳолда яшар бу туйғу.*

\*\*\*

*Қалдироқ титратса осмонни чунон,  
Одамлар панага гуррос қочади.  
Бошланар бўлса гар заминда бўрон,  
Унда гуллар қандоқ гунча очади?*

\*\*\*

*Муар<sup>1</sup>га муардан ямоқ солгин, бас,  
Бошқа бир матодан ямоқ солмагин.  
Бизнинг ўйин – бизнинг сирдир муқаддас,  
Мени кулиб туриб қариши олмагин.*

\*\*\*

*Ювинаман десанг, ювин, жонгинам,  
Иккимизга бир челак сув кетади.  
Чўкмоқ истайсанми – чўкаман мен ҳам,  
Иккаламизга битта мозор етади.*

<sup>1</sup> Муар – нафис ипак мато.

\*\*\*

*Бугун ямс<sup>1</sup> донасин қовуриб ермиз,  
Эртага ризқ бўлар балки бугдой нон.  
Бугун бу қишлоқни биз ватан дермиз,  
Эртага хайрлашиб йиғлармиз чунон.*

\*\*\*

*Ёмғир, барг шивири тинди. Атроф жим.  
Барибир томчилаб турибди осмон.  
Бир пайт севгилимдан айрилган эдим,  
Унинг соғинчида қуяман ҳамон.*

\*\*\*

*Агар мендан олдин кетар бўлсанг сен,  
Розмарин<sup>2</sup> гулидан гулдаста этгин.  
Агар мендан олдин ўлар бўлсанг сен,  
Осмон дарвозаси олдида кутгин.*

\*\*\*

*Қайдан пайдо бўлар экан зулуклар? –  
Илаштириб олар далада оёқ<sup>3</sup>.  
Муҳаббат қай тахлит намоён бўлар?  
Кўздан кириб, қалбни эгаллаган чоғ!*

\*\*\*

*Қирғовул қайларни тутади ватан?  
Шаршара, тоғ-тошни – баланд, пурвиқор.  
Биласанми қайда уйгонсам дейман,  
Сенинг ёнгинангда, огушингда, ёр!*

\*\*\*

*Бир, икки, уч... олти – тўғри бўлди зап,  
Яна битта – етти! Ростладик қасддан.  
Мен ширин анорлар эккандим, ажаб,  
Қайдан ўсиб чиқди ёввойи каштан?!*

\*\*\*

*Шам билан ўйнашиб бормиди бало,  
Топсанг фатила<sup>4</sup>га сен ҳам ип ула.  
Рост бўлсин кўзингда қилганинг имо,  
Сўнгра ўйинингни бошла баралла.*

\*\*\*

*Севгилим, сен агар тоғларга борсанг,  
Менга зўр камбожи<sup>5</sup> гулларидан тер.  
Дунёни сен эрта тарк этар бўлсанг,  
Осмон эшигида мени кутавер.*

\*\*\*

*Игнанг синса – игнадонда сақлама ҳеч ҳам,  
Чиқариб от, синган игна кимга ҳам керак?  
Одамзодни бахтсизликка элтар қайғу-ғам,  
Юрагингда асрамагин қайғуни гарддак.*

<sup>1</sup> Ямс – бугдойсимон бошоқли ўсимлик.

<sup>2</sup> Розмарин – хушбўй олма нави.

<sup>3</sup> Шолиполяр яхши ўссин учун ёз бўйи босиб суғорилади. Шунда шолиторда яшовчилар ботқоққа айланган далада юравериб, зулукка таланадилар. Бу сатрда муҳаббат синовлари бежиз-бесабаб эмаслигига ишора қилинаётир.

<sup>4</sup> Фатила – арабча сўз, шам ичидаги ип, пилта.

<sup>5</sup> Камбожи – мотам маросими гуллари.

\*\*\*

Бамбук буйлаб изгир қизил чумоли,  
Ширин сувга тўйди ифорли майса.  
Вужудим иллатдан бўлмайди холи,  
Узинг келиб уни даволамасанг.

\*\*\*

Қизлар – давраларнинг маликалари,  
Гиламда ўтириб тош отиб ўйнар.  
Қўшиқ куйламоққа моҳирдир бари,  
Ҳаммаси жсам бўлиб пантум куйлашар.

\*\*\*

Гуруч чўқилашга учди қарғалар,  
Ой чиқиб, ялтирар ялмоғиз ботқоқ.  
Эркалашларимга ишонмасанг гар,  
Кўксим ёр-у менинг юрагимга боқ!

\*\*\*

Қош қорайиб қолди. Қайдан билдинг денг –  
Уяга қайтмоқда чумчуқлар, қушлар.  
Мен севган қиз келди! Қайдан билдинг денг –  
Юрагим гурсиллаб, кўксимни муштлар.

\*\*\*

Дарё, водий узра ой чиқди тўлин,  
Тўмсоҳлар тош қотган ёғочга ўхшаб.  
Йигитлар мақтанса – ҳеч ишонмагин,  
Улар мақтаниши вақтинчалик гап.

\*\*\*

Осмонни тўлдириб турган тўлин ой  
Нур сочмас дейсанми юлдузлар учун?  
Мен ҳар кун шу ерга келиб кетаман  
Гўзал қиз, ойдай юз, шўх кўзлар учун.

\*\*\*

Ўрмонда мен сувсиз, овқатсиз, зўрга  
Етти кунлаб ўлмай яшашим мумкин.  
Сени бир кун кўрмай қолсам-чи, зўрга  
Ўзимни юзтубан ташлашим мумкин.

\*\*\*

Болари учди-кетди, қайтиб келмас у асло,  
Учиб бораётганда илди чумчуқ муттаҳам.  
Замин билан осмонлар тўқнашса ҳам, мутлақо  
Энди сенинг ёнингдан кетмасман мен бир қадам.

\*\*\*

(Кўшипантун)

– Капалак ботқоқзор устида учар,  
Қанотчалар сарфлаб бўлди-я кучин.  
Сен ҳам узоқ йўлга чиқар бўлсанг гар,  
Дастрўмолинг қолдир эсдалик учун.

– Соҳилни тарк этиб, денгизда сувсам,  
Кўз илғайди Гўпанактоғ томонни.  
Рўмол эмиш, рўмол не бўпти, эркам,  
Сендан аямасман ҳаттоки жсонни!

\*\*\*

Қовоқ ҳам, қовун ҳам шириндир, роҳат,  
Узсам ширин ҳатто анор пўстлогги.  
Паишахона тутиб ётмоқ – фароғат,  
Аммо энг ширини – ёрнинг қучоғи!

\*\*\*

Турна буланг дарахтига ўтирди қўниб,  
Йўл олдидан сал-пал нафас ростламоқ учун.  
Мен ҳам ойдаи юзларингдан олсам бир ўпиб,  
Очқамасдан юрар эдим кейин уззукун.

\*\*\*

Узоқ-узоқларда кўринар тоғлар,  
Тоғ узра ҳилтираб турар байроқлар.  
Мен юракка “Жим!” деб имо қилган чоғ,  
У оғрий бошлайди яна кучлироқ.

\*\*\*

Шакарқамиш пояларини  
Чўқиб кетди бир тўда каптар.  
Кўзимда ёш, уч кундир сени  
Кута-кута бўлдим дарбадар.

\*\*\*

Уй олдида, бўсағада, боқ,  
Гулли рўмол ёйиб қўйдим мен.  
Қўлни яра қилувди пичоқ,  
Юракни-чи, яра қилдинг сен.

\*\*\*

Икки қўлда бешдан бармоқларим бор,  
Улар аҳил бўлса – кўрмасман хўрлик.  
Боққа ўтқазгандим етти туп анор,  
Бодринглар ўсибди ёввойи, пўрриқ<sup>1</sup>.

\*\*\*

Тоғлар тепасида ўйнаб, биланглаб,  
Илонлар тошида ҳам қолдиради из.  
Ип узилса – ипни бўлади улаб,  
Қалб тори узилса – ўлим, шубҳасиз.

\*\*\*

Сариқ қаламтирнинг пояси текис,  
Афсус, бизнинг боғда у ўсмас зинҳор.  
Сариқ гўзал қизнинг қўллари нафис,  
Афсус, қучоғида бошиқа биров бор!

\*\*\*

Деҳли<sup>2</sup> йўлини агар билганимда чин,  
Аче<sup>3</sup> томонларга мен келармидим?  
Билганимда ишининг бундоқ бўлишин,  
Севиклим, сен билан севишармидим?

<sup>1</sup> Пўрриқ – бузилган, ўсиб кетган, истеъмолга яроқсиз.

<sup>2,3</sup> Деҳли, Аче – бир-бирига қарама-қарши томондаги манзил номлари.

\*\*\*

Тезапен<sup>1</sup> сувида бўлмас чўмилиб,  
Унда зулук чақиб озор беради.  
У ернинг қизларин олманг тўй қилиб,  
Улар доим қовоқ уюб юради.

\*\*\*

Қандга учиб келар чивин аслида,  
Суюк кўрса, ит ҳам тинчин билмайди.  
Етиб йиғла деразаси остида –  
Бойлар камбагалга парво қилмайди.

\*\*\*

Кўйлак тикай десам – игнам йўқ, ҳай-ҳай,  
Рўмол тўқимоққа қолмабди ип ҳам.  
Юрак дардли бўлгач – қандоқ овунай,  
Уйнаб-кулай десам – кайфиятим кам.

\*\*\*

Мени қучмоқ бўлган мунгли онамнинг  
Булутли кун каби намдир кўзлари.  
Чалкашиб кетди-ку, юрагим менинг,  
Қачон бахтдан порлар онам юзлари?

\*\*\*

Ява<sup>2</sup>да шиланган атир-упа сандиқ,  
Бир ёнгоқ ва икки зулф ётар анда.  
Икки бош қўшилган бир дона ёстиқ  
Тушимга киради ҳар ухлаганда.

Рус тилидан  
Назокат ЖУМАНАЗАРОВА  
таржималари

## Товфиқ ИСМОИЛ

(1935 йил туғилган)

Товфиқ Исмоил (Taufiq Ismail) – индонезиялик шоир, публицист. Букиттинге шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. Индонезия университетининг ветеринария факультетини тамомлаган. “Уқубат” (1966), “Суқунат” (1970), “Жўхоризор шеърлари” (1973), “Мени Индонезияга қайтаринг” (1976), “1998 йил майида туғилган бола” (1998) тўпламлари муаллифи.

## РАҲМАТ, КАТТАКОН РАҲМАТ!

“Катта раҳмат, жудаям катта,  
Каттакон  
Раҳмат,  
Жаноб бупати<sup>3</sup>,  
Қишлоқларга берган  
Сахий ёрдамнингиз учун”.

Шундай мажлис бўлаётган  
Клуб деразаси тагидан ўтаётиб,  
Олтинчи синф ўқувчиси  
Айтди:  
“Бупатига берган Аллоҳга  
Айтадиган раҳматларинг қолдимми...”

<sup>1</sup> Тезапен – дарё ва манзил номи.

<sup>2</sup> Ява – манзил номи. Бу ернинг усталари дурадгорликдаги маҳорати билан шуҳрат қозонган.

<sup>3</sup> Бупати – қишлоқ маъмурияти бошлиғи.

## МУНОЖОТ

Раббим,  
 Бу бизнинг гуноҳимиз, айбдормиз,  
 Йиллар мобайнида  
 Сенгамас, ердаги сорбонларимизга  
 сизиндик,

Раббим,  
 Йиллар бўйи  
 Сенинг исмингни  
 Шунчаки  
 Тилга олдик, холос.

Иккиюзламачилик қилдик,  
 Қалбимизни чуқурга яширдик,  
 Кўмдик.

Яна биз уйингга қайтяпмиз,  
 Бизни қабул айла,  
 Бағрингга ол.

Бизни кечир,  
 Кечир.  
 Омин.

Бизни кечир,  
 Кечир.  
 Омин.

## СУМБА

1970 йил Ўзбекистонда бўлганимда, Маликчўлда бепоён кум саҳросини кўриб, юртим  
 Индонезиядаги Сумба оропини эсладим.

Сумбани соғиндим - чўллар хадсиз, бепоён,  
 Кўёш тинмай олов пурқар, ўқлар отадир.  
 Сумбани соғиндим – кезар ғамзада чўпон  
 Кезади саҳрода эзгин, шонсиз, беқадр.

Майсазор ўтловлар, тулпор, сомон қалпоқлар,  
 Чўпоннинг сўкиши, хивич, хас-хашак, пода...  
 Қирғоққа кел, уфқда денгиз – офтоб чарақлар,  
 У ёқдан эсади тинмай иссиқ шаббода.

Сигир, буқаларнинг тунги ноласин тинглай,  
 Гитарамни бер, бергин менга отлар чопган ер.  
 Минг йиллаб қуриган саҳро ҳавосини ҳам,  
 Сумба деб аталган макон, майдонимни бер.

Сумбани соғиндим – жуда қадим тоғлардан  
 Воҳага тушаётган тулпор – моҳтобимни ҳам,  
 Соғиндим жигарранг, куйиб кетган самодан  
 Олов пурқаб уфққа ботган офтобимни ҳам.

Сумбани соғиндим, мени тушунинг, ахир,  
 Чексиз далаларни, офтоб отагини ҳам.  
 Сумбани соғиндим – қадим тоғлардан эниб,  
 Чўққилар тагида отлар ётишини ҳам...

Соғиндим.

1970



## ТАРИГАНУ

(1938 йил туғилган)

Таригану (Tariganu) – индонезиялик шоир, рассом, мусиқачи. Ўтган асарнинг мураккаб 60-йилларида ёш шоирнинг зулм ва истибдодга қарши янграган ижоди кўпнинг назарига тушади. “Қуёшга пешвоз чиқиб” (1982) тўпламида “Сен келдинг”, “Бўса” каби меҳр-муҳаббат қуйланган шеърлари баробарида “Муллалар”, “Муҳождлар” сингари сиёсий мазмундаги асарлари ҳам ўрин олган.

### МУҲАББАТ МЎЪЖИЗАСИ

Айвонингга, ана, ёнбошлади ой.  
Сен ҳам ойсан.  
Табассуминг телба қилди, севгим.  
Қалайсан?

Кафтимни куйдирар қайноқ кафтларинг.  
Бўзимга тиқилди бор ҳаяжоним.  
Ичимда бир йўлбарс ўқирди бирдан:  
Бормисан, жоним?!  
Тилим ишқ шаробин тотарди тинмай,  
Тортинмай...

Кетяпман. Қузатиб келдинг эшикка.  
Кафтларинг чизиғи – хатнинг сатридай,  
Бармоқлар оралаб келар нафасинг,  
Лабингнинг ифори жаннат атридай.

Сўзлайсан, абадий покдир исматим.  
Ҳаёт – сокин сувда нилуфар гулмас.  
Яхшилик, ёмонлик уйқаш қисматим,  
Ахир, жангсиз асло галаба бўлмас.

Ё сен қалбим туққан йўлбарс қурбони,  
Ё ишқнинг макридан чиқади жоним...

Мен келдим!!!

### ЧАНГАЛЗОР ЖИНИ

Гоҳида келади чангалзор жини,  
Гап бошлар оҳиста,  
Аврар ёсуман.  
Чорлар мени секин чангалзор томон.

Чирилдоқ ташлайман унинг олдига,  
Бургутга қурбонлик бергандай товон.  
Жин секин чекина, кечар ўчидан.  
Йўқолиб боради туман ичида...

Аслиятдан  
Карим БАҲРИЕВ  
таржималари

## Хайрил АНВАР

(1922–1949)

Хайрил Анвар (Chairil Anwar) – индонезиялик шоир, таржимон, “45-йиллар авлоди” ҳаракатининг етакчиси. Шимолий Сумарадаги Медан шаҳрида туғилган. Э. Хемингуэй, А. Жид каби адибларнинг асарларини она тилига ўзгирган. “Қабр тоши”, “Мен” сингари асарлари машҳур. Аксарият тўпламлари япон оккупацияси даврида эълон қилинмай, шоир вафотидан сўнг чоп этилган. Хайрил Анварнинг адабиёт соҳасидаги хизматлари ва хотираси учун шоир вафот этган сана – 28 апрель Индонезияда “Адабиёт куни” сифатида нишонлади.

### МЕНИНГ ДЎСТИМ ВА МЕН

Ёлғизоёқ йўлда изимиз қолган,  
Тун. Туман сийпалаб ўтар дудоқни.  
Ёмгирдан шалаббо қаддимиз ҳамон  
Қунишиб, мунгайиб кезар сўқмоқни.

Бандаргоҳда музлар кемалар.

Қоним ивимоқда. Тош қотган идрок.

Ким садо берди, ким берди сўроқ?  
Менинг дўстим?! Ё балки мадори  
кулфатдан қуриган вужуд?

Вақтни сўроқлади У!

Вақт.

Энди жуда кеч.  
Моҳият йўқолган, чўккан, бўлган гарқ.  
Мақсадин тополмай гимирлайди бахт.

### ЙЎҚ, АЁЛ!

Йўқ, аёл! Сенинг ҳароратинг,  
қора огушинг  
Ҳануз яшар менда, мен билан,  
Ҳануз қочар мендан нарига.  
Ҳа, яна топмоқ истайман. Сени.  
Бошқа манзил, бошқа денгизда  
Бироқ ўзгармасин аввалги висол –  
Гир ўрасин бизни ҳув шамол,  
Нигоҳлар кўкка қадалсин,  
Юлдузлар-ла бўйлашсин хаёл.

Недир қоқар қанотларини,  
Ва яна элтади Тай Поуга сари  
Амбон денгизининг буюк асрорин  
Кўмиб борар дилга ўшал  
Дунё дилбари...  
Яралгандир шундайин аёл!  
Тутқич бермас хаёллари-да.  
Қалам ила қилурман парвоз  
Дилбаримнинг сирли кулгиларига.

### ХАБАР

Амр этолмам, амр этмакка ҳаққим йўқдир,  
Ёлғизлик-ла йўғрилган, бас, тақдири азал.  
Сени ором, фароғатдан юлиб олдим-у,  
Яна бизни маҳкум этди жудолик ўшал.

Қани энди кўрсайдим бир, сабрим етмас,  
Музаффар зулматнинг сарҳадлари йўқ.  
Дилда ёдинг, кўзда зулфинг, бир зум кетмас,  
Чақалоқдай эркалатиб, ўтишлар йўқ.

*Журъат қурғур тўхтатмоққа беради панд,  
Узгалар-ла бу дунёда турмоқ маҳол.  
Юрак қурғур сени дейди, сени фақат,  
Номсиз денгиз, ёлғиз кема сузар алҳол.*

### ОРАЛИҚДАГИ ҚАРАҒАЙ

*Оралиқда сўлиб битди қарагайлар, Мен ўшаман. Эски хотира,  
Муқаррар туннинг хабари мисол. Олис болалиқдан омон қолган зот.  
Новдалари майин чайқалар, Ўша чоғ нелар бўлганди, қара,  
Деразамни чертади шамол. Энди ҳисобини қилолмам, ҳайҳот.*

*Ҳаёт – ортда қолган мағлубиятми,  
Ва ё ёшлиқдаги шиқдан айрилмоқ?!  
Айтилмаган сўзлар кўп экан асли,  
Англадик енгилиши олдидан озроқ.*

*Инглиз тилидан  
Севара АЛИЖОНОВА  
таржималари*

### МАЛАЙЗИЯ ШЕЪРИЯТИ

*ДИНУСМОН (Шамсиддин Усмон)*

*(1949 йил туғилган)*

*Динусмон (Dinsman) – малайзиялик шоир, театр арбоби. Асл исми Че Шамсиддин Усмон. 1974-1979 йилларда Тил ва адабиёт кенгашида ишлаган. “Хослар театри” гуруҳига асос солган. Абсурд йўналишида “Жебат”, “Протест”, “Бу ўз жонига қасд қилиш эмас” каби пьесаларни ёзган.*

### БИЗНИНГ БЕНДАХАРА АҚЛИДАН ОЗДИ

*Ривоятим айтай – тингланг, эй, аҳли замон.  
Битта бендахара – ҳиндмас, мусулмон,  
Ҳукмдор бўлди бир зўр мамлакатда.  
Аввал адолатли эди у чунон.*

*Миллатнинг шавкати ва камолоти Унинг ҳар каломини – эл учун қонун.  
Унинг учун эди баридан устун. Нени амр айласа – вожибдир шу чоқ.  
Уни севар эди одамлар, эллар, Фақат бойлар бойиб борарди бадтар,  
Мақтов айтардилар унга шу учун. Қайшиоқлар янаям афтода, қайшиоқ.*

*Авжига чиқарди мақтов, хушомад, Бендахара, бироқ, қилмади парво.  
Унга садоқатдан эл ичди қасам. У эмас, азобда қолган оломон.  
Бендахара жуда севинди – роҳат, Ишонар, каломини – эл учун қонун.  
Шўҳрати тарқалди хорижларга ҳам. Нимани истаса, муҳайё шу он.*

*Ҳашамдор саройлар қуринг мен учун,  
Менга керак, – дерди, – энг чўнг самолет.  
Пароходлар, заводлар – оилам учун,  
Нефт ва газ фойдаси – менга даромад.*

Халқ пулин совурар ўзиникидай,  
Халқи унинг учун – қулдир, халқ эмас.  
Халқнинг қули унга етолмас, узоқ.  
Бу ҳукмдор билан халқи балқимас.

Норизо бўлсангиз, қамаб, отади.  
Ким қариши гапирса, душман саналар.  
Ҳеч кимни аямас, содиқ вазир ҳам,  
Урилди, топталди, ёнди қанчалар.

Халқнинг нолишига қулоқлари кар.  
Уламо аҳлини хушламас, шайтон.  
Одамлик, шафоат ҳиссин унутган.  
Шафқатсиз ҳукмдор, бир гайриинсон.

Бир овоза чиқди юртнинг аҳлидан:  
Бендахара – иўрлик, озмиш ақлидан.

Хонанда Сити ни солмоқда ишга,  
Катта стадионга элни тўлғазган.  
Аммо халқ шивирлар ўша бир гапни:  
“Бендахарамиз, иўрлик, ақлидан озган...”

У кўрдик, ишлар чатоқдан-чатоқ.  
Одамлар миш-миши оғирдир, ҳайҳот.  
Аммо яна элни алдамоқчи у,  
Телба эмаслигин қилмоқчи исбот.

Ақлидан мосуво бўлган экан, рост,  
Ишларимиз шундоқ, қулинг ўргулсин.

## Раҳмиддин ЗОҲИРИЙ

(1968 йил туғилган)

Раҳмиддин Зоҳирӣй (Rahimidin Zahari) – малайзиялик шоир. 2003 йили Малайзия фанлар университетини тамомлаган, ушбу даргоҳнинг адабий ижод дастурида иштирок этган. Шеърлардан ташқари пьеса ва новеллалар ҳам ёзади. “Рубоб шивири” пьесаси Куала-Лумпурдаги “Маданият саройи”да сахналаштирилган. Ҳозирда “Саҳна” театр журнали муҳаррири.

## ҚАБРИСТОНДА

Сукунат.  
Фақатгина шамол  
Ёвиангулларни  
Шилдиратади,  
Гоҳида самбиттол барги  
Шитирлаб қулайди заминга.

Тез-тез келиб тургин: мен  
Музлаган ерни истаётган  
Қадамларингни сезаман,  
Тиловат қилаётган оятларинг  
Овозини эшитишини иштаймман.

Ҳали қачондир сен ҳам бу жойга келасан,  
Учрашамиз,  
Кейин ажралмаймиз абадий.

## ТУПРОҚ МАЙСАСИ

Мен атиргул гунчаси эмасман,  
бош кўтараётган илон ҳам эмасман,  
Мен – тупроқда ўсаётган майсаман,  
атиргуллар ҳиди  
ва илонлар вишиллаши аро ўсаётган бир кўкат.  
Атиргул ҳиди  
илон вишиллашини босиб кетаётирми  
ёки илон вишиллаши  
боғдаги атиргул ҳидини босмоқда,  
бу муҳим эмас.

Мен фақат шуни биламан,  
 Заминдаги майсаман мен.  
 Менга томган шабнам томчисида  
 нурлар жилваланмоқда.  
 Юқорида – само.  
 Пастда – музлаган,  
 Қурт-қумурсқалар ковлаб зовлаган тупроқ.  
 Мен ўсаётирман  
 саксовул соясида,  
 ҳозирча...

### “ЭПИГОН” ТУРКУМИДАН

Мен шоир эмас, ўғриман.  
 Шеърий сатрларни ниқоб қилиб, панасига беркинаман,  
 эскирган қочиримлар ва қийшайган ҳарфлар  
 ортига яширинаман.

Мен шоир эмасман, бир кўрқоқман,  
 фикрлар тумани босган шубҳаларга тўламан...

Ниҳоят, йиртаман бугун шу ўғирланган ниқобни.

### Аҳмад Камол АБДУЛЛОҲ

(1941 йил туғилган)

Аҳмад Камол Абдуллоҳ (Ahmad Kamal Abdullah) – малайзиялик шоир, новелланавис, драматург, адабий танқидчи. Камол тахаллуси билан танилган. 2000 йилдан Малайзия миллий университети фалсафа фанлари доктори. Фалсафий, лирик шеърлари машҳур. “Тасфаккур” (1972), “Медитация” (1972), “Давр” (1975), “Кактуслар” (1976), “Соат кафғири” (1983), “Оқ бандаргоҳ” (1989) тўпламлари муаллифи.

### МАРЖОН

Мен маржонни биламан –  
 Денгизда поёнсиз шодага тизилган маржон.  
 Биламан мен маржонни –  
 Жилваланган тичоқдай  
 Кескир, беомон,  
 Денгиз маликасин нозик сийнасига қадалган  
 Қилич тизги каби қиррадор,  
 Сув парисин юрагин ёрган  
 Бўрон монанд  
 Кучли, шиддаткор.  
 Ажсал каби ёприлса қуюн,  
 У денгизчининг оғир уйқусини  
 Олов ранглари ила асрайди.  
 У марварид изловчининг гурурини парчалар.  
 Уни қирғоққа тортадилар,  
 Қайтишини истамайди у.  
 На изи бор,  
 На чандиги бор қонсиз муҳаббат ярасининг -  
 Фақат кўзлар ва сийналар,  
 Фақат лаблар ва забон.  
 Маржонга бўроннинг қичқириги,

Урҳоси ётирилмоқда.  
 Гуё симфония  
 Осмон назмига ошуфта  
 Кекса мусиқачининг юзини изламоқда.  
 Заминнинг шивирлашини  
 ҳеч кимса англай олмайди.  
 Бу тўлқинлар йиғиси,  
 Бўроннинг ичкин увиллашидир.

Мен маржонни биламан –  
 Ичимда яширин маржонни.  
 Мен маржонни биламан –  
 шеърнинг сатрларига беркинган Маржон.  
 Ичимда яшаётган,  
 Ярасидан тоза қон сизиб чиқаётган  
 Оқ чағалайга ҳеч кимнинг ичи ачимас...

\*\*\*

Раббим, Сендан миннатдорман,  
 Одамларнинг овози – шоири бўлмоқ учун  
 Сен мени танладинг.  
 Шоирлар сувларнинг тилини билар,  
 Қуёшнинг, осмоннинг, ойнинг,  
 Тоғларнинг, қорларнинг, тўлқинларнинг  
 Тилини билар шоирлар...  
 Миннатдорман Узингдан, менга мададкорсан  
 Бу сўз уммонида сузишда, тушида кезишда,  
 Ажиб муҳаббатингнинг  
 Ойдин кийимини кийиб юришда.  
 Мададкорсан йиғлашимда, азобларимда,  
 Таққиланган мевани тотиб ёнишимда.  
 Томоғимда яра – қон оқади, сизади.  
 Оғригим қичқирар ва илтижо қилар,  
 Санчилган тиканнинг тиғи – оташ ўқ.  
 Ғамлар титратадир, ишқ илоҳийдир,  
 Шеърят – сукутда, қозозда сўз йўқ.

Раббим, Сендан миннатдорман,  
 Мени танладинг,  
 Ҳидоят айладинг, эрк бердинг менга,  
 Тўхтаб қолмасликка,  
 Тўшкун бўлмасликка куч бердинг,  
 Кўҳна тилсимларнинг зорини очдинг.  
 Мана, менинг занжирлардан қутулган ўзлим  
 Асрларнинг тажрибасини эгалламоқда.  
 Узингга шукур, мен  
 Азалий кучни сезаман,  
 Тўлқинларнинг дилтортар нозланишларини илғайман,  
 Эртақ тўқиётган чорлоқларнинг овозини эшитаман  
 Ва акс эттира оламан.

Раббим, мени танлаганинг учун миннатдорман.

## Азиз ДОРОМОН

(1948 йил туғилган)

Азиз Доромон (Aziz Deraman) – замонавий Малайзия шеърлятининг ёрқин вакилларида бири. Пасир-Гутих (Келантан штати)да туғилган. Кўп йиллар мобайнида Тил ва адабиёт кенгаши руҳбари сифатида фаолият юритган. “Сен ва мен” (1994), “Ҳаёт куввати” (2001) сингари тўпламлари нашр этилган.

### СЕНИНГ ЧЕХРАНГ

Оқшом тушар. Тушимда – пари,  
Нотаниши ва лекин гўзалдир.  
Уфқнинг алвон шафаги ичра  
Мен билан сўзлашмоқ истайдир.

Мен чўкарман унинг кўзида,  
Ҳазинамни этарман тортиқ.  
Унинг нозиклигин этиб ҳис,  
Ҳаяжондан туярман оғриқ.

Шафақ куйлар қўшиқларини  
Бу дунёнинг бор лисонида.  
Кўрдим, оқиб борарди сароб  
Турфа ранг уфқнинг шомиди.

У яна ҳам бўлди мубтало.  
Умид чертар кўнгиш торимни.  
Куйларди у, биларди гўё  
Менинг дарду армонларимни.

Уфқ бадтар алвон, қаршимда  
Қизарарди бадтар ул жонон.  
Куйларди у ичкин, баралла  
Илк муҳаббат ҳақида нолон.

Умидларин куйлар эди у,  
Ёндирарди руҳ, жонларимни.  
Гўё билар менинг гамиму  
Юракдаги армонларимни.

Тонг... Кетади уфққа ботиб.

Мен эса ҳали кўп эслаб юрарман,  
Унинг чеҳрасини,  
Нолаларини.

### ХОТИННИНГ МИНҒИРЛАШИ

“Ақлдан оздингизми?” – деган жумла  
Бехос тилларидан учди севимли хотинимнинг.  
Бу икки сўз учди иттифоқо,  
Ҳазиллашиб айтилди,  
Аммо юрагимга тушди оғриниб.  
Ҳа, ҳокимият ақлдан оздирганлар бор,  
Бойлик ақлдан оздирганлар ҳам кўп,  
Аёллардан ақлин йўқотганлар бор,  
Кийим, ҳашам ақлин олиб қўйганлар ҳам кўп.  
Бу дунёда ақлни оладиган нарсалар бисёр,  
Гарчанд бу одамларни “телба” демаслар.  
Бу сўзларни турлича тушуниши мумкин.  
Мен ҳам маълум маънода озганман ақлдан.  
Юрагимни ҳаприқтирган ишқдан ақлимни йўқотганман.  
Ҳижрон, айрилиқ онларида ақлдан озаёзгандим.  
Кўпинча ишдан ҳам шошади ақлим.  
Болаларимни ва набираларимни телбадай қучарман.  
Аммо, хотин,  
Сендан ўзгасига қарайдиган даражада ақлдан озмадим.

## ЎҒЛИМ

<i>Ўғлим</i>	<i>Истайман,</i>
<i>Санашни ўрганди:</i>	<i>Маъносини</i>
<i>Бир,</i>	<i>Саноқда,</i>
<i>Икки,</i>	<i>Ҳатто жуда улкан</i>
<i>Уч,</i>	<i>Сонларда ифодалаб бўлмас</i>
<i>Тўрт,</i>	<i>Сўзларни:</i>
<i>Беш...</i>	<i>Йймон,</i>
<i>Мен кейин унинг</i>	<i>Ватан, Миллат,</i>
<i>Сўзларни ўрганишини</i>	<i>Шавкат, Номус ва Қадр.</i>

## Боҳоруддин ЗАЙНАЛ

(1939 йил туғилган)

Боҳоруддин Зайнал (Baharuddin Zainal) – малайзиялик шоир, адабиётшунос, Малайзия миллий шоири (2013). Тахаллуси – Боҳо Зайн. Хутан-Мелинтанг (Перак штати)да туғилган. “Деван Састра”, “Деван Будая”, “Деван Бахаса” журналларида бош муҳаррир бўлиб ишлаган. Бир неча муддат Тил ва адабиёт, Малайзия таржимонлар миллий институти кенгаши аъзолигига сайланган. “Гонг ороли” (1967), “Оила овози” (1969), “Аёллар ва соялар” (1974) шеърӣ тўпламлари, эссе ва ҳикоялари эълон қилинган. Шеърлари инглиз, испан, хитой, рус, корейс тилларига ўгирилган.

## ОТАЖОНИМ

*Отамга*  
*Шон-шухрат ва ҳокимият керакмасди,*  
*У ҳеч кимга хушомад қилмасди, мақтамас эди.*  
*Титивангса тоғига ўхшарди,*  
*Тоғ отадай қаршимда турибди.*  
*Ҳеч нарсани тушунтирмайди,*  
*Ҳеч кимдан узр сўрамайди,*  
*Салобатли,*  
*Жим.*

## ҲАР БИР ЁШНИНГ ФАЗИЛАТИ БОР

<i>Ўн саккиз ёшимда</i>	<i>Ўттиз ёшга кирганимда,</i>
<i>Дунёнинг барча неъматлари ичидан</i>	<i>Революцияни истадим,</i>
<i>Муҳаббатни яхши кўрдим.</i>	<i>Эволюцияни эмас.</i>
<i>Йигирма ёшимда,</i>	<i>Қирқ ёшга кирган пайтим</i>
<i>Гулханни ўчирадиган шамолни эмас,</i>	<i>Ҳаловатсиз ҳаётдан чарчадим,</i>
<i>Оловни севдим.</i>	<i>Сукунатни севиб қолдим.</i>

*Энди эса борича яшамоқчиман,*  
*Хомхаёлларни ҳайдайман,*  
*Ваҳимали орзулардан кечганман.*



## Зарина ҲАСАН

(1949 йил туғилган)

Зарина Ҳасан (Zurinah Hassan) – малайзиялик шоира. Малайзия фанлар университетини тамомлаган. 2008 йил докторлик диссертациясини химоя қилган. Бешта шеърий тўплами нашрдан чиққан (биринчиси – “Сокин кўча”, 1974). Бундан ташқари, қисқа ҳикоялардан иборат “Давомли йўл” (1998) тўплами ҳам эълон қилинган.

### ҲУРМАТ ИЛА ЭРИМГА БАҒИШЛАЙМАН

#### I

Ташаккур сенга, ёр,  
Сен мени умр йўлдоши этиб танладинг.  
Танловинг, бу – улкан жасорат.  
Жасорат мудом ҳам келтирмаган бахт.

#### II

Мен сени учратганда,  
Сен покиза бир булоқ эдинг,  
Мен бу чашимнинг бокиралигидан уялардим –  
Бу покиза ойнада менинг камчиликларим кўринарди.  
Сени учратганимдан бахтиёрман.  
Мени кечир, гоҳида  
Олис найдан таралаётган шеърий нолалар  
Мени сенинг бағрингдан юлиб  
Илҳом оғушига отади...

### ЛАБДАН УЧГАН ҲАР БИР СЎЗ – ГУНОҲ

Бу тунни шеърда муҳрламоқчи бўлдим –  
Сенинг оғушингда сармастлигимни,  
Сен кўз ёшларимни қуритмоққа уринганингни...  
Мен бирор сўз бита олмадим,  
Чунки бунда сўзлар гуноҳ бўларди.

Сен муҳаббатимни сўрасанг,  
Яхшиси, ийманиб “билмайман” демоқ шарт.  
Зеро, ростини айтиш –  
Гуноҳкор эканингни тан олишидир.

Лабларимни тишлаб туришдан  
Бошқа илож йўқ,  
Зеро, овоз ҳам – душман,  
Сўзлар – гуноҳкорлар,  
Айбсиз айбдорлар.

Инглиз тилидан  
Карим БАҲРИЕВ  
таржималари

## Малачи Эдвин ВЕТАМАНИ

(1955 йил туғилган)

Малачи Эдвин Ветамани (Malachi Edwin Vethamani) – Тайлор университети профессори, Ноттингҳам университети файласуфи. Замонавий малай адабиётининг йирик намояндаси, шоир, публицист, ҳикоянавис. Бир қатор халқаро мукофотлар совриндори.

### ЁШЛИҚДАГИ ТУЙҒУЛАР

Ёшлиқ туйғулари шафақ рангида –  
Куюк, ошкора  
Сўнмоқда қувват  
Бемажоллик таъқиб қилмоқда  
Бесамарлик ундар руҳият сари  
Ақлсизлик ақлни қилар калака.

Мудҳиш ҳақиқатлар сўник орзуларнинг  
Урнин эгаллар –  
Буткул тугатар.  
Тўзғиб юрар истаклар  
Таъсириин ўтказар инқироз  
Тўхтовсиз ихтилоф чарчатган уни  
Ақл, йўқолган қувватга тўкади кўз ёш.

### НОТАНИШ ЙЎЛ

Манзил олис, масофа олис,  
Аён этмоғимнинг ўзи ноён.  
Рўпарамда туради тилсим  
Рўпарамда адоғсиз макон.

Секинладим, секин тобора  
Сенга тикдим икки кўзимни.  
“Чекинарми бу жонли девор?”  
Деган хаёл чуллаган кўйи.

Не махлуқот, не синоат у,  
Зулмат ичра тўқнашган девор.  
Оёғини судраган базўр  
Она маймун гамбода, ночор.

Йўқ, сен-да менга тикилдинг узоқ,  
Сўнг қичқира кетдинг дафъатан.  
Кўзларингда акс этар сўроқ,  
Кўзларингни қайғу қоплаган.

Машинанинг галат товуши  
Тўхтатдимни сени йўлингдан?  
Оёғингда турибсан титраб,  
Ҳадикдасан мендан... ўлимдан...

Ўтдим-кетдим сенинг ёнингдан,  
Ортга қайрилмоққа бетламас юрак.  
Ич-этимни тирнар қайғу ҳам уят,  
Лек Ҳаёт дегани баридан юксак!

### ҚАСАМ

Ҳозир ҳаяжон-ла жаранглари илк Сўз,  
Истаклар, орзулар бирлашган нуқта.  
Илк сўз. Сўнгсўз.

Ҳузур-ҳаловатнинг ўйи шундадир,  
Асир истакларнинг кўз ёши шунда.  
Хира соя бир зум тарк этмас.

Узун кечаларда тасалли, таскин,  
Туйғулар озодлик истайди бунда.  
Ҳамкорлик ўлимга қадар. Тугамас.

Парвозлар тўғнагич измида,  
Эслатар болалик ўйинларини.  
Ўлим томон элтар Озодлик.

Тугаб битар муаттар ифор,  
Қўли билан имлайди Улим.  
Сен айтасан такрор ва такрор:  
“Бажараман! Шу сўнги сўзим!”

## Муҳаммад Ҳожи СОЛИҲ

(1942 йил туғилган)

Муҳаммад Ҳожи Солиҳ (Muhammad Haji Salleh) – малай адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири, ёзувчи, эссеавис, таржимон. Малайзия халқ ёзувчиси. 1978 йилдан буён Малайзия Миллий университети профессори. Малай интеллектуал шеърлятининг асосчиларидан бири. “Мусофир шеърлари” (1973), “Бу ҳам менинг оламим” (1977), “Улғайиш алифбоси” (1998), “Сибуйя қорлари” (2004), “Си Тенггангнинг қайтиши” (2010) каби тўпламлари нашрдан чиққан. Шунингдек, “Малай адабиёти поэтикаси” (2005), “Ижодий изланишлар” (2005) сингари китоблар муаллифи. У эссеавис, адабий танқидчи, таржимон ҳамда “Тенгара” газетаси ва “Жануби-шарқий Осиё адабиёти” журнали бош муҳаррири.

### УЙГА ҚАЙТИШ

1

Сайр қилдим кўнглим билан мен  
Ота юртдан олислаб тамом.  
Ўша гавжум, ўша умидбахш  
Ақл ва тасаввур ўлкаси томон.

Билим, ҳаракатни ўргатди шаҳар,  
Англашни, ўйлашни ўргандим ундан.  
Иссиқ тупроғинга қайтгунга қадар  
Қондим унинг ёниқ тафаккуридан.

2

Онам ва бувимни ранжитганим чин,  
Ўзимнинг бемаъни таъвишларим-ла.  
Ногоҳлар мўлтилар, садо йўқ лом-мим,  
Ё жаҳл, ё алам сезилмас сира.  
Мен ўша суймаган аёл – рафиқам,  
Ҳаёлда билганим оми, саводсиз.  
Ёлғизликда қадринг ўтди чунонам,  
Қутишларда умри ўтмоқда беиз.  
Мен ҳали қайтмадим, қайтмадим тамом,  
Биламан, биламан, бари ўзгарар,  
Вақт ва макон ўзгартирар барини.  
Ҳануз муаммо дағал,  
Йўқлик бегона ҳали.

3

Бироқ қара. Яхшилаб боққин.  
Ўзимни қайтардим эсонажон уйга,  
Ишонч бўйи анқийди яна.  
Тил ва ер чегара тортиб турибди,  
Масофа, уммонлар кўрқитмайдди лек,  
Тафовут чўчитмас мени,  
Бу ерда тузоқ йўқ  
Ва ҳатто хаёл.  
Саёҳат – муаллими тарих  
маданиятлари тафовутларни

изоҳлашга ҳеч кечикмаган.  
Қара. Мен сенга ўхшайман.  
Ҳамон малай одамиман мен,  
Яхшиликни ҳис қилган малай.  
Огаларимдан кўпроқ ва ҳатто  
Тушуншига турибману шай.  
Қайиқлар шодлиги сеники, қишлоқ.  
Мен қайтдим.  
Муқаррар эди-да қайтмоқ.

Инглиз тилидан  
Севара АЛИЖОНОВА  
таржималари



## Крис МАС

(1923 йил туғилган)

*Крис Мас (Këris Mas) тахаллуси, асл исми Камолитдин ибн Муҳаммад) – малайзиялик адиб ва жамоат арбоби. Паханг султонлигида туғилган. Индонезияда ўқиган. 1956 йилдан “Деван Бхаси” журнали бош муҳаррири. Биринчи романи – “Малайя ўрмони қахрамонлари” (1947). “Муқаддас қурбонлик” (1948) каби романлари эълон қилинган. Кўплаб ҳикоялар, “Ҳаёт тантанаси” антологияси (1962), қатор қисса, адабий ва танқидий мақолалар, “30 йил адабиётда” (1979) номли хотиралар китоби бор. “50-йиллар авлоди” адабий гуруҳи асосчиларидан бири.*

### УЛАР ТУШУНИШМАЙДИ

Душанба кунлари вазир ишга барвақт келарди. Буни вазирликдаги бош котибдан тортиб, энг кичик муншийгача яхши билади. Шу боисдан ҳафтанинг бошида ҳамма хизматчилар ишда вақтли ҳозир бўлишарди. Бироқ бу сафар Билл шошилмади. У узоқ ювинди, кейин бемалол нонушта қилди. Бугунги душанба одатдагидан бошқача эди. Билл уйдан соат саккиз яримдагина чиқди. Унинг “Метрополитен” русумли мўъжазгина машинаси шаҳарнинг марказий кўчаси бўйлаб секин юриб борарди. Билл машина янгилиги туфайли эмас, балки шошилмаганидан секин ҳайдарди.

Ортдан келаётган машиналар “тезроқ юр” дегандай сигнал чалди. Билл йўлни бўшатди. Машиналар ўтиб кетди. Майли, ўтаверишсин. Икки ой бурун унинг ҳам катта машинаси бор эди. Ушанда Билл машинанинг орқа ўриндиғида ўтирарди. Машинани эса Аамат ҳайдарди. У Биллга қарийб йигирма йил ҳайдовчилик қилди, жуда диққатли ва эҳтиёткор эди. Аамат энди вазирни олиб юрибди. Билл ўз машинасини сотиб юборди.

Билл машинасини сотгач, вазирдан Ааматни ишга олишни илтимос қилганида вазир нақадар миннатдор бўлганини эслади. Буни хотирига келтиргач, Билл яна майда хизматлар бошлиқларга жуда яхши таъсир қилишини ҳам хаёлидан ўтказди.

Албатта, Билл буни олдин яхшилаб ўйлаб қўйганди. Вазирнинг бундан хабари йўқлиги аниқ. Ўзининг катта машинасини сотиб, мўъжазгина “Метрополитен” олди. Буни фақат ҳар хил миш-миш ва уйдирмаларга чап бериш учунгина қилди. Билл бундан кейин керак бўлган тақдирда мана шундай арзимас кўринувчи ишлар билан вазирнинг ҳурматини қозонишга қарор қилди. Чунки вазир учун тажрибали шахсий ҳайдовчи сув билан ҳаводай зарур эди: айнан ҳозир унда ҳайдовчилик ўрни бўш турди. Кейинги икки йил ичида бирорта ҳайдовчи тўрт ойдан зиёд ишламаганди.

Билл мийиғида кулиб қўйди.

Мўъжазгина “Метрополитен” кўчалар бўйлаб имиллабгина вазирликка қараб эмас, аэропорт томонга ўрмаларди.

Вақт ҳали эрта, вазир учиб келадиган самолёт тўққиздан ўн беш дақиқа ўтганда қўниши керак эди. Яна йигирма дақиқа бор. Биллнинг ташвишланидиган жойи йўқ: вазир унинг пиджак киймасдан, қўйлақда бўйинбоғ тақиб юрганига эътироз билдирмасди. Умуман, у хизматчиларнинг кийимига эътибор берадиган одамлар тоифасидан эмасди. Бошқа раҳбарлар ҳам бунга эътибор беришмас, чунки вазир хориж сафаридан эмас, Пинанг оролидан қайтиб келаяпти. У одатда шанба ва якшанбани ўша ерда ўтказарди.

Бир неча ёш малайялик – “Малайен айруэй” ва “ВОАК” авиакомпаниялари хизматчилари аэропорт эшиги олдида ўтиришарди. Улардан ҳеч бири Биллга қайрилиб ҳам қарамади. Газета дўкончаси ёнида турган божхона амалдори эса кибр билан унга бошдан-оёқ қараб чиқди. Билл ёқимсиз совуқликни сезиб, пешонасини тириштирди. Кўпчилик малайяликлар европаликларни ёқтирмасди. Билл божхона амалдорининг таҳқирли нигоҳини гўё сезмагандай текис кафел тўшалган залдан дадил қадамлар ташлаб борарди. Икки-учта хитойлик оила ресторандаги столлар теварагида ўтирарди. Афтидан, улар ҳам Пинанг оролидан келадиган қариндошларини кутишяпти. Сингапурдан учиб келган самолётнинг кўнганига анча бўлган, шу боис аэровокзал биносига одам кам, зал жимжит эди. Билл бир бордоқ пиво буюрди. Майли, ҳали кун эрта бўлса ҳам, майли, юзи қизарса ҳам, шу суюқлик билан вужудига илиқлик югуради ва вазир билан учрашганда пайдо бўладиган тортинчоклик йўқолади. Бугун жуда масъулиятли кун. Агар вазир яхши кайфиятда бўлса, Билл унга кўпдан буён ўйлаб юрган режасини баён қилади. Ҳозир у нима хохлаётганини, айниқса, Боб билан бўлган кечаги суҳбатидан кейин мутлако аниқ тасаввур қиларди.

У бордоқни яримлатгач, хожатхонага ўтишга қарор қилди. Ичкари кириб эшикни ёпди-да, кўзгу олдида тўхтаб, юзига разм солди. Юзи чўзилган, иягига қараб ингичкалашиб боргандай кўринди. Кўзлари, кичкинагина оғзи хўмрайиб турарди. Билл кенг пешонасига, яхшилаб силликланган кокилига тикилди. Агар унинг малла сочи шунча калта олдирилмаганида боши ингичка ва узун юзига нисбатан жуда катта кўринган бўларди. Чуқур жойлашган мовий кўзлари ва ўткир нигоҳи асл инглиз эканини фош этарди. Лекин бурни калтароқ бўлиши мумкин эди: у жуда узун ва ингичка, бунинг устига, худди тўтиқушнинг тумшугига ўхшаб қайрилганди. Тўғри, калин мўйлови бу камчиликни бироз яшириб туради. Тўсатдан Билл божхона амалдори ўзига қандай қараганини эслади. Малайяликлар, одатда, “бурни қийшиқ одамнинг қалби ҳам қийшиқ” деган ақидага кўр-кўрона ишонади.

Билл хожатхонадан тезда қайтиб чиқди ва чала қолган пивосини ичмоқчи бўлди, лекин шу пайт самолёт Пинангдан учиб келгани эълон қилинди. Билл шошилиб ҳали тугамаган пивонинг ҳақини тўлади-да, ресторандан чиқди. Сўнг кора кўзойнагини тақиб, осмонни кузата бошлади. Самолёт қўна бошлаганда божхона эшигига қараб юрди. У анча бўшаб қолган залда гурсиллатиб қадам ташлар, букчайган гавдаси одим отишига мос тарзда лапанглаб борарди. Билл юқори мартабали шахсларга мўлжалланган бинога киришга рухсат сўради. Унга ижозат беришди, чунки аэровокзал хизматчиларига шу самолётда вазир учиб келаётгани маълум эди. Улар бу оқ танли жаноб вазирликда ишлаётганини ҳам билишарди.

Вазирни ушбу хонанинг айвонида Билл бир неча бор кутиб олганди. Бу ерда бир тўда одам – муҳожирлар хизмати ходимлари, амалдорлар тўпланишганди. Қизиқ, битта ҳам журналист кўринмасди. Одатда, бундай ҳолларда улар ўралашиб юрарди. Билл амалдорларни бирма-бир кўздан кечирди. Ҳеч ким унга эътибор бермади. Шу пайт вазир ичкарига кирди. Унинг қўлида ҳеч нарса йўқ эди. Билл ҳатто бироз шошиб қолди: ёрдамлашадиган нарсаси бўлмагач, нима ҳам қиларди.

– Ҳуш кўрдик, сэр!– деди Билл қаддини тик тутиб шиша эшик томон бир неча қадам ташларкан.

Вазир бинога кираркан, “рахмат” дегандай бошини лиқиллатди. Билл шу заҳоти бир қадам ортга чекинди ва қаддини ростлади. У ингичка ва узун бўйнини чўзиб, бошини сал эгди-да, вазирнинг бир неча қисқа калимасини тинглади. Кўпчилик анчадан бери Биллнинг бошини бироз эгиб, бўйи ўзидан паст бўлган вазирнинг гапини тинглашига кўникканди. Бу-

нинг устига, вазирнинг четга қараб гапирадиган ва тушуниб бўлмайдиган сўзларини илғаб олиш учун Биллнинг бутун вужуди қулоққа айланарди.

Вазир жим қолди ва Билл тошбақа бошини косаси ичига яширган мисол бўйинини тортиб, яна қаддини ростлади.

Аэропорт хизматчилари ва муҳожирлик хизмати амалдорлари вазирни кутлашди. У табрикловчиларга жилмайиб, боши билан имо қилиб, жавоб қайтарди. Аэровокзал ишчилари эҳтиром билан унга йўл бўшатдилар. Божхона ходимлари юкларни кўздан кечириб, “ҳаммаси жойида”, дегач, лабларини кимирлатиб табриклагандай бўлдилар. Вазир хонадан жилмайганча чиқди. Ҳалиги божхоначи юктарозиси ёнида турарди, Билл елкаси оша унинг ўзини яна бошдан-оёғигача кўздан кечираётганини хис этди. Кўнгли тагин беҳузур бўлди. Худди эгнига ит теккан мусулмондай хис этди ўзини.

– Яхшилаб текширинглар, токи, ҳаммаси кенгашга тайёр бўлсин.

– Хўп бўлади, сэр.

Билл қадамини тезлатди, тўхтади, энгашди, товонларини жуфтлади, тиззаларини тўғрилади, белини энгаштириб кўлини чўзди, машина эшигини очди. Машинага ўтираркан вазир:

– Мен соат ўн бирда бўламан, – деди.

– Яхши, сэр.

Билл нигоҳи билан кузатиб қолган машина аэропортдан чиқиб кетди. Унинг олд қопқоғи устида Малайзия Федерациясининг байроғи ҳилпираб борарди. Билл олдинги пайтларни яхши эслайди, ўшанда бошлиғининг машинаси қопқоғида бошқа туғ – Буюк Британия байроғи турарди.

\* \* \*

– Тўғри уйга ҳайда, Амаг!

– Эшитаман, туан.

– Уйда нима янгилик?

– Ҳаммаси жойида, туан.

– Сенга неча бор айтдим, Амаг, мени туан дема!

– Хўп бўлади, жаноб.

– Кимдир келдими?

– Ҳа.

То шаҳарга етгунча вазир бошқа ҳеч нарса сўрамади. Амаг йўлдан кўз узмай, машинани диққат билан ҳайдаб борарди. У вазир ҳақида ўйларди. Нега уни туан деб бўлмайди! Унда вазирга нима деб мурожаат қилиши керак? Оддийгина қилиб “инче”<sup>1</sup> десинми? У икки ойдан бери вазирни олиб юрибди. Шу вақт ичида неча бор туан деб айтган бўлса, ҳар сафар эътироз билдирди. Ахир, газетада ҳам баъзан шунақа ёзишади-ку. Хизматчилар ва бошлиқлар ҳам шундай деб мурожаат қилишади. Унинг хотинини қандай аташ керак? “Инче” дебми? Қизик. Мана, икки ойдирки, Амаг вазирнинг рафикасини нима деб чақиришни билмайди. Умуман, хулоса аниқ: агар эри туан дейишни хоҳламаса, демак, хотинини ҳам...

– Бу машинани жойига қўй. Хизматга мени кичкина машинада олиб юрасан.

– Хўп бўлади.

Вазир зинапоядан иккинчи қаватга югуриб чиқди. Уйда жимжитлик ҳукмрон эди. Беш дақиқадан сўнг зинапоядан яна кадам товушлари эшитилди. Вазир катта портфель билан пастга тушди. Меҳмонхонага кирдию севимли оромкурсисига ўтирди. Унинг ёнидаги пасткам столчада бордоқда сут турарди. У сутни бир кўтаришда сипқорди. Уша заҳоти тўла юзли оксоч пайдо бўлди ва унинг кўлидан бўшаган бордоқни олди.

– Бордию бир воқеа юз бериб, мен вазир бўлмай қолсам, сиз нима қилардингиз, онахон Ях?

<sup>1</sup> Инче – малайяликлар орасида кенг тарқалган эҳтиромли мурожаат, тақсир маъносида.

– Балки ҳозир қилган ишимни такрорлардим, – ўйламай-нетмай жавоб кайтарди оқсоч, бордоқни олиб кетаркан.

Вазир портфелни очиб, ундан қоғоз олди. Ақлли аёл. У, албатта, кетмайди. Оқсоч бўлиб хизмат қилаверади. Эҳтимол, шу уйда яшаб қолар. Вазирлар келадилар ва кетадилар, оқсоч эса хизматкор бўлиб қолаверади. Ва аввалгидай катта уйда яшайверади.

Унинг ўйлари оқсочдан хотинига кўчди, кейин Ааматга, сўнгра кундалик ишларга ўтди. Қўлидаги жилдда материаллар етишмайди. Биллнинг лаганбардорликка суяги йўқ, лекин ишни билмайди. Бугун йиғилиш бор, қўлида эса керакли ҳужжатларнинг ярми ҳам йўқ. Билл, албатта, шанба куни ҳужжатларни портфелга солиб қўйишга улгурмаган. Нимани ўйлаяпти ўзи? Бугун бу ерга нима учун келди? Ахир кимдир келди-ку? Албатта, бу ўша. Аамат айтди-ку...

Телефон жириглади. Вазир бир зумга ҳужжатлардан бош кўтариб гўшакка нимадир деди ва яна қоғозларга шўнғиди. Афтидан, юзида нозилик ифодаси бор эди.

Уша европалик қанақадир ёқимсиз, заҳарли. Нигоҳи ҳам ўткир, умуман, юз-кўзи, бурнидан заҳар томиб тургандай. Ҳатто тили ҳам аччиқ. У бошқалар ҳамма нарсани мендан ўрганиши керак, деб ўйлайди. Бу ерда аҳвол аввалгидай эмаслигини унутиб қўйганга ўхшайди. Ҳа, бу Билл деганлари олмосдай ўткир. Балки бизни ўзининг нақадар хавфли одам эканини сезмайди деб ўйлаётгандир. Бизни тентак деб билади, шекилли. У ҳалиям бир вақтлар бу ерга мустамаккачи маъмурият хизматчиси сифатида келганини ҳеч ким унутмаган деб ўйлаётганга ўхшайди.

Вазир қоғозларга шошиб кўз югуртириб чиқди, лекин унинг хаёли қоғозларни тайёрлаган ўша европалик Билл билан банд эди.

Соат ўн ярим.

Вазир қоғозларни портфелга солди, шошилиб эшикка қараб юрди. Ташқарида байроқли машина кутиб турарди.

“Ахир, кичкина машинада кел, деб айтгандим-ку! Э, ҳа!” – у бирдан хотинини эслади. Кичкина машинани хотини олиб кетган бўлса керак. Жуда жасур бўлиб қолди, ўзи машина ҳайдаяпти. Қизиқ, ким билан кетган экан? Эҳтимол, бирор вазирнинг ёки бошлиқнинг рафиқасини ҳамроҳликка олгандир.

У машинага ўтирди, Аамат жинкўчалар бўйлаб шаҳарга ҳайдаб кетди. Ҳайдовчи кичкина машина хусусида ўзини қийнаб ўтирмади: афтидан, жаноб вазир тушунганга ўхшайди.

\* \* \*

Биллнинг хонасига янги-янги ҳужжатлар олиб кела бошлашди. Улардан бирида, оч настарин рангли қоғозга босилган ҳужжатда “шошилишч” белгиси бор эди. Лекин Биллнинг хаёли бошқа нарса билан банд эди: бир соатдан сўнгра жуда муҳим мажлис. Қосимни вазирликка тортиш керак, акс ҳолда унинг бой тажрибасидан фойдаланиб бўлмайди. Боб ҳам деярли кўнди, лекин лойиҳа ишлаб чиқиш билан боғлиқ лавозимга тайинланиш шарти билан. Агар Боб шу лойиҳа билан шуғулланса, барча ишлар тезда яқунланарди, давлат маблағи ҳам тежаб қолинарди. Фақат европалик эмигрантларгина бундай ишларга қодир. Малайяликлар оми одамлар, уларни тезроқ бирор лавозимни эгаллаш қайғуси ўйлантиради. Улар энди бемалол мустақил ишлай оламиз, деб ўйлашади. Йўқ, йўқ, ҳали эрта. Бу мамлакатда мустақиллик эълон қилинганидан сўнгра биз ҳақимизда, устозлари ва ҳомийлари тўғрисида унутмасинлар. Улар бизнинг ёрдимимизга ҳали узок вақт муҳтож бўлаверсин. Ахир, бу фақат бизгагина эмас, уларнинг ўзларига ҳам фойдали-ку! Аммо маҳаллий аҳоли бунини тушунмаяпти. Ўзларига ҳаддан ташқари ишонияпти...

Тўғри, шуни тан олиш керакки, бошлиқ аҳмоқ одам эмас. Агар у малайяликлар лойиҳада иштирок этишларини талаб қилса, қўмитанинг бошқа аъзолари ҳам унга эргашади. Ҳеч бўлмаса, Линь билан Рамасами эътироз билдирар... Чунки хитойлар ва ҳиндлар малайяликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишади, бу эса европаликларга қўл келади...

Билл телефон гўшагини кўтарди:

– Ёрдамчини уланг.

Мияси жўшқин ишларди, фикру зикри бошлиқ билан банд эди.

– Алло, ёрдамчининг хонасими? Текшириб кўйинг мажлислар залини, тахтми?

– Ҳозир бўлади.

– Яхши.

Кўзи яна жилдга тушди: “шошилич” белгили оч настарин рангли хужжат. Уни қўли билан силаб қўйди.

– Ҳа, ҳа, ҳаммаси жойида бўлади, – деган овоз эшитилди телефон гўшагидан.

У гўшакни қўйиб, хужжат билан танишмоққа тутинди. Жилдни очди. Биринчи сатрни ўқиди, кейин иккинчисини. Сўнг ёпти. “Кейин кўраман, кечкурун”.

Девор ортида ёзув машинкаси чиқилларди, лекин унинг “чиқ-чиқ”и қабулхонага кираётган кишиларнинг оёқ товушларини босиб кетолмасди. Тўсатдан шовқин тинди, кейин табриклар эшитилди: “Хайрли тонг, туан!”, “Хайрли кун, туан!”, “Goodmorning, Sir!” – вазир келди. Билл кўйлаги, бўйинбоғини тузатди, камарини тўғрилади. Барча хужжатларни тайёрладими, йўқми, қайта текшириб чиқди. Сўнг ўтирди, турди ва яна оромкурсига чўқди. Фикрларини жамлаши керак. Беш дақиқадан сўнг у хонасидан чиқди ва мажлислар залига йўл олди.

Бу ерда ҳамма нарса тайёр эди. Билл зални айланиб чиқди. Тўпланганларни диққат билан кўздан кечирди. Шу маҳал эшикдан жаноб Дато<sup>2</sup> Хамид кирди. Уни Азмад, Линь, Қодир, Рамасами, Тан, Муту ва Шариф кузатиб келишди. Билл ҳайъат аъзоларига бир неча жумла сўз айтиб залдан чиқди-да, вазир томон йўналди. Бироқ хона олдида уни вазирнинг шахсий котиби тўхтатди:

– Бошлиқ “Ҳузуримга ҳеч кимни киритманг”, – деб тайинлаган.

Кутилмаган бу гапдан Билл довдираб қолди. Аммо ташвиш довдирашдан устун чиқди. Бунақаси ҳеч бўлмаганди. Вазир мажлис ҳақида биларди. Бошланишига атиги беш дақиқа қолди. Одатда, бу пайтда вазир уни чақириб, баъзи масалаларни аниқлаштириб оларди. Ҳозир эса уни қабул қилишни ҳам хоҳламаяпти.

– Вазир бандми?

– Ҳа.

– Олдида ким бор?

– Қонунчилик кенгаши депутаты, жаноби олийлари.

Биллнинг афти буришди. Кенг пешонаси тиришди, кўзлари ичига чўқди, бурни янада хунук тус олди.

– Жаноби олийлари вазир билан учрашув тўғрисида қачон келишиб олди?

– Бугун эрталаб телефон орқали.

– Вазир билан ўзи гаплашдимми?

– Йўқ, унинг илтимоси билан мен вазирнинг уйига кўнғироқ қилдим.

Чунки жаноби олийлари бугун кундузи кетиши керак. Вазир уни қабул қилишга рози бўлди ва учрашувни соат ўну қирқ бешга белгилади. Чунки соат ўн бирда мажлис бор эди.

<sup>1</sup> “Good morning, Sir!” – “Хайрли кун, жаноб!” (инглиз.)

<sup>2</sup> Дато – Малайзияда олий амалдорлик унвони, шу унвон берилганда исмининг бир қисми бўлиб қолади. Унвондорнинг рафиқасига Датин деб мурожаат этилади.



– Ҳа, чиндан ҳам соат ўн бирга мажлис белгиланган. Ҳайъат аъзолари кутиб ўтиришибди.

Билл бу гапларни ўз-ўзига айтгандай гапирди. Котиб унга жавоб бермай кўя қолди.

Билл чиқиб кетмоқчи бўлди, лекин остонадан ҳатлаши билан яна ортига қайтди ва котиб ёнида тўхтади. Унинг кўриниши ташвишли эди. Афтидан, кутилмаган нимадир юз беришидан хавфсирарди.

Ниҳоят эшик очилгач, у енгил тортди. Жаноби олийларининг вазир билан суҳбати тугаганди. Билл жаноби олийларига таъзим қилди, у бошини сал эгиб жавоб қайтарди. Кўли билан эшик дастасини тутган жаноби олийлари Биллга ўгирилди. Билл унинг ўзини аэропортдаги ҳалиги амалдор нигоҳи билан кузатаётганини ҳис этди. Жаноби олийлари жилмайди ва чиқиб кетди. Билл бўлса ҳали ҳам ўзини ноқулай ҳис этаётганди.

Вазир қабулхонага чиқди, Билл дарҳол қаддини ростлаб, енгилгина таъзим бажо келтириб:

– Хайрли кун, сэр! – деди.

Ўзи билмасдан негадир у “хайрли кун”ни малайя тилида, “сэр”ни эса инглизча айтди. Вазир жилмайди. Бу билан у нима демокчи бўлганини айтиш қийин, аммо айбдорга тақдир кулиб боқадиганга ўхшайди. Чаккон ҳаракат билан вазир Биллнинг кўлидан ҳужжатлар солинган жилдни юлиб олди.

Шу аснода Билл ўзини кераги бўлмай қолган ва ўз жанобининг портфелини кўтариб юришгагина ярайдиган хизматкордай ҳис қилди.

У вазирни мажлислар залигача кузатди ва эшикни очиш учун олдинга шошилди, лекин эшикгутқичига вазирнинг ўзи қўл чўзди. Ҳайъат аъзолари ўринларидан туришди ва вазир улар билан илиқ саломлашди. Билл индамайгина эшикни ёпиб қўйди...

\* \* \*

Клубда одатдагидек одам гавжум. Улар ёш хизматчилар, савдогарлар, аксарияти европаликлар эди. Баъзан клубда юксак мартабали малайялик амалдорларни ва хорижий дипломатларни ҳам учратиш мумкин эди. Бу ерда ғарб оқсуяклари клуби муҳити ҳукм сурарди. Яқиндагина ўқишни битирган малайялик ёш хизматчиларнинг айтишига қараганда, бу чинакам мустамлака клуби бўлиб, унда ёш европаликлар ва бадавлат малайялик амалдорлар, клубнинг доимий мижозлари ўзларини мустамлака анъаналарининг ворислари деб ҳисоблашарди. Фақат бу ердагина эмас, гольф майдонларида, кекса европалик амалдорлар уйларида ҳам шундай кайфият ҳукмрон эди. Аммо ёш европаликлар гольфга унча қизиқишмас, кекса хизматчилар оиласида ҳам камдан-кам бўлишарди. Ёшларнинг аксарияти ҳали оила қурмаган, бордию кимдир уйланган бўлса, хотинини бу ерга олиб келмаган.

Билл Бобни излаб топди. У бир бурчакдаги столда тамадди қилиб ўтирарди.

– Ҳаммаси расво бўлди!.. – деди у.

– Биламан, – жавоб берди Боб. – Кеча бу ерга давлат котиби қонунчилик кенгаши депутати билан келди.

– Бугун эрталаб депутат вазир билан гаплашди, – деди Билл.

Боб мундштуги кулини пошнасига уриб қокди.

– Қосим ўзининг давлат лойиҳаси билан барбод бўлади. Улар ҳали бизни излаб қолишади... – умид билан кўшиб қўйди Билл.

– Бу одамлар тушунишмаяпти, ҳали кўп нарсани биздан ўрганишлари керак. Мустақилликка эришишганмиш, буни қаранг-а!

Биллнинг лаблари янада осилиб кетди. Клуб хизматчиси бўшаган бордоқларни олиб кетиб, шўрва келтирди. Билл билан Боб қошиқларни қўлга олишди.

– Бу сафар омад мендан юз ўгирди, – деди Билл. – Улар ҳаммасини менга тўнкашди. Балки депутат кечанинг ўзидаёқ ҳар бири билан алоҳида-алоҳида гаплашиб олгандир.

– Яна нима дейишди?

– Аввалига вазир, афтидан, атайлаб менга ишлар қандай ахволдалигини изоҳлашни, кейин ўз нуқтаи назаримни билдиришни сўради. Мен гапни бу лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар анча муҳим ва мураккаб эканидан-бошладим, сўнг раҳбарлик лавозимига сенинг номзодингни таклиф қилдим.

У жим қолди ва қошиқни шўрвали ликопчага қўйди.

– Кейин-чи?

– Улар унчалик ҳам овоза қилиб ўтиришмади. Дато Ҳамид очикчасига бу ишни Қосимга топширса, яхши бўлишини айтди. Вазир бўлса, Қосимнинг малайялик эканини, малайя халқининг манфаатлари унга яқинлигини кўшиб қўйди. “Бунинг устига, Қосим тажрибали ходим, олий маълумотли” эмиш, – Боб кулди.

– “Малайя халқининг манфаати унга яқин” эмиш, – тақрорлади Билл нафрат билан. – Нимага кулаяпсан?

Боб саволга савол билан жавоб берди:

– Ва ҳамма рози бўлдими?

– Дарҳол.

Шўрвани жимгина ичишарди. Официант иккинчи емакни тортиш учун уларни кутиб турарди. Малайялик ёш йигит уларга яқин столда ўтирар, унинг ёнида ёш хоним – баланд бўйли келишган оқ юзли аёл ҳам бор эди.

Боб билан Билл иккинчи емакка тутинишди. Қўшни столдаги хоним ора-сира ҳавонинг иссиқлигидан нолирди.

Билл секингина:

– Хоним бу мамлакатда европаликлар учун нақадар иссиқлигини яхши билмайди, – деб қўйди.

– Лекин у ишламайди-ку, – жавоб берди Боб.

Иккаласи ҳам тиржайиб қўйишди. Биллнинг лаблари янада юпқалашди. Унинг ўткир нигоҳи ва қирғийбурни ғалати кўриниб кетди.

– Менимча, биз малайяликлар ҳис-гуйғуси ва кайфиятига кўпроқ эътибор беришимиз керак эди. Балки улар ҳам худди биз сингари ўз халқи ва Ватанини севадилар, – деди кутилмаганда Боб.

Бу сўзлар Биллни лол қолдирди. Бир вақтлар руслар биринчи сунъий Ер йўлдошини учирганларида шундай ҳайратланган эди. Унинг чуқур ботган катта-катта кўзлари косасидан чикиб кетай деди.

– Сенга нима бўлди?! Худди столни ютиб юборадигандай бўлиб турибсан, – ҳайрон қолди Боб.

– Ҳа, столнинг нима, мен ҳозир бу мамлакатни ҳам, ғояларингга кўшиб сени ҳам ютиб юборишга тайёрман. Нималар деяпсан ўзи?

– Нима бало, сен Ҳиндистон ва Сувайш канали ҳақида унутдингми? Гана ва бошқалар эсингдан чиқдими? Анави қизга бир қара. У баъзи нарсаларни биздан яхшироқ тушунади.

– Мен унутганим йўқ, барини яхши тушунаман. Лекин, ахир, бу ёш давлатни биз оёққа қўйишимиз керак эмасми? Бизнинг ниятимиз эзгу-ку, малайяликлар бунга тушунишни истамаяпти, холос.

– Мен лойиҳага малайялик раҳбарлик қилишида ҳеч қандай ёмонлик кўрмайман, – деди Боб.

– Мен ҳам қарши эмасман, – жавоб берди Билл, терлаган пешонасини арта туриб.

У шу тобда ўзини саҳрода ёлғиз қолган йўловчидек ҳис этди. Клубдан букчайиб чиқди. Унга клуб ёнидаги машиналар ҳайдовчилари худди аэропортдаги боқхоначидек қараётгандек туюлди. Билл кўча бўйлаб Ҳукумат уйига қараб юриб кетди. Унинг қиёфаси шу дамда эгри таёқни эслатарди.

Сайрибоғ ёнидаги чорраҳада уни ёш бир малайялик ортда қолдириб,

ўтиб кетди. Бошини ҳам қилиб кетаётган Билл йигитга кўз қирини ташлади. Афтини буриштирди. “Қизиқ, бу малайяликлар нимага асосланиб, қайси анъаналарга таяниб, ўз мустақилликларини тиклайди? Уларнинг Ханг Туах<sup>1</sup>дан бўлак нимаси бор?..”

– Салом, туан! – таниш овоз эшитилди.

У ўғирилди ва Аманни таниб бошини кўтариб тўхтади.

– Сен бу ерда нима қиляпсан?

– Утирибман, туан. Вазирни кутаяпман.

– Вазир шу ердами?

– Ҳа, туан.

Вазир иш бошланишидан ўн дақиқа олдин вазирликка етиб келгани Биллга жуда ғалати туюлди, одатда, бунақа вақтли келмасди.

– Ишлар қалай, Аман?

– Ҳаммаси яхши, туан.

– Ишинг ёқаяптими? Хурсандмисан?

– Ёққанда қандоқ, туан. Бошлиқ шундай яхшики, бундан яхшиси бўлмайди. Узини оддийгина қилиб “инче” деб аташимни тайинладилар.

– Бўлиши мумкин эмас! Сен уни туан деб чақиришинг керак. Ахир, унинг мартабаси меникидан ҳам юқори эканини биласан-ку!

– Ҳа, албатта.

– Қулоқ сол, сен уни “туан” деб аташинг керак. Тушундингми?

– Ахир, ўзи йўқ деса, мен нима қилай? У малайялик. У олдинги ҳайдовчиларини европаликлардай мурожаат қилгани учун ишдан ҳайдаганди-ку. Менга жуда қийин, туан. Мен оқ танли одамлар билан ишлашга кўникканман. Оқ танлиларни эса “туан” деб чақириш шарт.

– Унда билганингни қил! – Билл шундай деб лифт сари юрди.

Лифт одам билан тўла эди. Лифтда хушрўй қизчалар, бир неча хизматчилар ҳам бор эди. У лифтдагиларга баланддан назар солди. Билл бу ерда ҳаммадан бўйчан эди. Авваллари ўзини ҳамиша баланд ҳис этарди, лекин ҳозир негадир бундай туйғуни ҳис қилмади. Юраги унга “Балки Боб ҳақдир, – деб шивирлагандай бўлди. – Эҳтимол, Аман ва ҳалиги малайяликнинг шериги ҳам ҳақдир...”

У лифтда турган зигматчиларга назар солди, лифт бошқарувчига қаради. Йўқ, ҳеч ким унга бугун эрталаб аэровокзалда божхона амалдори нигоҳ ташлагандай қарамасди.

## Синнатамби РАЖАРАТНАМ

(1915–2006)

*Синнатамби Ражаратнам (Sinnathamby Rajaratnam) – сингапурлик ёзувчи, сиёсий арбоб. Сингапур ташқи ишлар вазирини (1980–85). Ҳикоялари чет элда, турли тилларда эълон қилинган.*

## ЙЎЛБАРС

Салкин сарғиш лойқа дарёга шўнғиган Фотимага сувнинг кенг олтин тасмалари ботаётган куёшнинг нурлари остида шишиб, баданига охишта ўралиб олаётгандай туюлди. У соҳилга қайтиб чиқаётган, сув белига етганда тўхтади. Бўлиқ жигарранг баданига ёпишган хўл кўйлаги остида тўла кўкраги ва ҳомиладор аёлда бўладиган думалок қорни бўртиб турарди. Малайя аёлларига хос бўлган тунд япалоқ юзи ифодасини йўқотган, ғам босган қора кўзлар Фотиманинг янги ҳаёт типирчилаётган вужудига қараётгандек эди.

<sup>1</sup> Ханг Туах – малайя халқ эпоси қаҳрамони.

Фотима бошини силкитди, тим қора ялтироқ сочларини ёйиб шивирлаётган шамолга тутди. У турган жойдан буталар ва баланд дарахтлар кўринмасди. У томондан ҳеч қандай овоз эшитилмасди. Фотиманинг олдида зич ва баланд ўт-ўлан гиламдай тўшалганди.

Сокин оқшом чўкаётганди. Ҳаво қотиб қолгандай эди. Фақат аҳён-аҳёнда ёлғиз сув қушининг кичкириғи, уйқудан уйғонаётган бойқушнинг қанот қоқиши эшитиларди. Гоҳо қаламуш энгил шапиллатиб сувга шўнғир, майда жониворлар баланд ўт ва буталарни шитирлатарди. Яйлов гуллари ва ботқоқ ҳиди анқирди. Фотима бирдан ўзини жуда ёлғиз ва қаровсиздай ҳис этди, гўё ибтидоий бўшлиққа тушиб қолган ер юзи ботқоқлик ва жирканч жондорлар бижғиб ётган макондан иборат...

Туйқусдан эшитилган йўлбарснинг паст товушда ириллаши Фотиманинг хаёлларини пардай тўзғитиб юборди. Йўлбарс ўқиргач, бу хаёл эмас, ҳақиқатлигини тушунди. Йўлбарснинг ерга қапишган, ярми ўтлар орасидан чиқиб турган гавдаси аёлдан бор-йўғи йигирма қадамча нарида эди. Қуёш нурида жувонга тикилган сарик кўзлар ёвуз ялтирар, қулоқлар диккайиб турарди. Йўлбарс бошини ўгириб ўқирди, қизил тили ва сарик сўйлоқ тишлари кўринди.

Фотима кўрқувдан қарахт бўлиб қолди. У ўрnidан қимирлашга ҳам, ўзига тикилиб турган ҳайвон нигоҳидан кўзини олиб қочишга ҳам ботина олмасди. Ўз навбатида, йўлбарс ҳам ўзидан қочмаётган одамни кўриб хайратда эди.

Фотима йўлбарсга кўрқув билан, йўлбарс Фотимага шубҳа билан қарарди. Унинг ўқириги борган сари пасаярди. Сал ўтиб йўлбарс Фотимага буткул қизиқмай қўйди. Унинг олдинга чўзилган улкан панжалари ҳўл ўтлоққа тирноқларини санчиб турарди. Афтидан, йўлбарснинг эътибори ўзга нарса билан банд эди. Фақат Фотима жойидан қимирлаганда йўлбарс сергак тортарди. Унинг кўзлари энди чакнамасди, нигоҳида тундлик, аниқроғи, зеркиш ифодаси пайдо бўлганди. Йўлбарснинг кайфиятидаги бу ўзгаришни Фотима сезмай қолди.

Тепаликлар оша ғира-шира қоронғилик босиб келарди. Теварак зулматга чўка бошлади. Дарё узра кўтарилган энгил туман ерга ёпирилди. Чирилдоқнинг тинмай кичкириши ва бойқушнинг хунук сайроғи кеч кирганидан дарак берарди.

Сал ўзига келган Фотима тинкаси қуриганини сезди. У совуқдан титрар, ҳафсаласи пир бўлганди – йўлбарс кетишни ўйламасди. Аёл қўлини қорнига қўйди, бағрида типирчилаган митти вужуд Фотимани кутулишга ундади. У жонивордан кўз узмасди. Қоронғида йиртқич зўрға кўзга ташланар, шунга қарамай аёл йўлбарс қачон кўз узишини пойларди.

Фотиманинг бутун борлиғи қувватга тўлди. У ўрnidан илкис турдида, дарёга шўнғиб, сув остида суза кетди. Фотима қарши соҳилга қараб интиларди. Қишлоқ ўша томонда эди. У ҳар замонда, ўпкаси ҳавосиз ёрилиб кетай дегандагина бошини сувдан чиқариб нафас олар, кейин яна сув остига кирарди. Дарёнинг ўртасига борганда у мўлжални адаштириб қўйди ва йўлбарснинг ўқиригини эшитиб, йиртқич худди ёнида тургандек кўрқиб кетди. Чарчоқдан толаётган оёқ-қўлини чакқон ишлатиб, соҳилга қараб интилди. Бошини сувдан кўтарганда, қишлоқ мойчироқларининг ёруғи кўринди.

\* \* \*

Фотиманинг онаси қизидан эшитганларига ўзидан ҳам қўшиб гапиргач, қишлоқни ваҳима босди. Курк товуқлар қалхатни кўрганда жўжаларини қандай бағрига олса, аёллар ҳам болаларини ҳеч қаёққа чиқаришмас, эшикларни тамбалаб ўтиришарди. Улар эркаклар нима қилиб бўлса-да, қотил йўлбарсни йўқотишлари керак, деб чувиллашарди. Эркаклар сиғиру

эчкиларни қўраларга қамашар, чоллар бетел<sup>1</sup>ларини чайнаб, шовқин-сурон сабабини фаҳмлашга уринишарди.

Жони ҳалқумига келган Фотима камишдан тўқилган бўйра устида ётарди.

Бир пайт Фотимани сўраб кишлоқ оқсоқоли бошлиқ бир тўда одам кириб келди. Улар жувондан йўлбарсни қаерда кўрганини сўрашди. Гапга аралашган онаси Фотиманинг ўша “йўл-йўл” махлуқ билан учрашувини янада бўрттириб тасвирлашга тушди. Оқсоқол унга “бас қилинг” дегандай ишора қилди. Кейин ўзи Фотимага савол бера бошлади. Жувон эса истамайгина жавоб қайтарди. У негадир йўлбарсни излаб топиб, ўлдиришларини хоҳламасди. Буни сезган оқсоқол хўмрайди.

– Ё Оллоҳ! – хитоб қилди кампир диққатни ўзига жалб қилиш учун. – Худонинг ўзи раҳм қилиб, кизимни ўша “йўл-йўл”нинг чангалидан қутқариб қолди! – кампир ажин қоплаган жигарранг қўлларини осмонга чўзди.

Оқсоқол елка қисди.

– Худди шундай бўлган деб ҳисоблайлик, – деди у, – лекин келаси сафар Оллоҳ бунчалик раҳмдил бўлмай қолса-чи? Кишлоқ атрофида инсон гўштини татиб кўрган йўлбарс айланиб юрганини билишнинг ўзи қанчалик ваҳимали. Аёллар, болаларни хатарда қолдирмаслик учун уни излаб топиб, отиб ўлдириш керак. Махлуқ қанча тез ўлдирилса, шунча яхши.

У ташвишманд қиёфада жим турган эркакларга синчков назар ташлади. Ҳамқишлоқлари йўлбарсни қоронғи кечада, айниқса, тўқайзордан излаб топиш қанчалик хавфли эканлигини яхши билишарди.

– Хўш? – деди оқсоқол.

Эркаклар кўзларини ерга қадашди. Оқсоқолнинг ранги гезариб кетди. У эндигина эркакларни кўрқоклиги учун койимокчи эди, шу пайт уйга елкасига милтиқ илган Мамуд кириб келди. Унинг ғайрат ёғилиб турган чехраси ҳаяжондан қизариб кетганди.

– Мен Фотимага йўлбарс хужум қилибди деб эшитдим, – деди у. – Шу ростми?

Оқсоқол гап нимадалигини тушунтиргунча Мамуд янги қўш тиғли милтигини бир неча бор силаб кўйди. У ов қилишни жуда яхши кўрарди. Айниқса, йўлбарс ови учун хозироқ йўлга чиқишга тайёр эди.

– Оқсоқол тўғри айтаяпти, – деди Мамуд. – Аёллар ва болалар ҳақида ўйлашимиз керак. Йўлбарс тирик экан, бу шўрликлар уйдан бир қадам ҳам ташқарига чиқолмайди. Эркакнинг бурчи уларни ҳимоя қилиш. Ким боради мен билан? Эрталабгача йўлбарс бошини судраб келмасам, онаминг ўғли эмасман, лекин менга ёрдамчи керак.

Мамудга иккилана-иккилана ўнтача эркак кўшилди. Аввалига хавфсираб турган бўлишса-да, Мамуднинг мерганлик бобидаги шуҳрати уларга куч бағишлаганди.

– Жуда соз! – хитоб қилди Мамуд. – Мени уялтирмасликларингни билардим.

Эркаклар кетишди.

– Ишон, кизим, – деди Фоиманинг онаси эшикка зулфин солиб. – Бу йигит, мана шу Мамуд ўзи ёввойи йўлбарсга ўхшайди.

Фотима бўйрадан турди ва дарчадан ойга қаради. Гўё кумуш бўлақларга бўлинган ёмбилар пальма шохлари узра енгил зиё таратарди. Эркаклар бир-бирини чорлаб, хабарлашиб овга тайёрланишарди. Фотима уларнинг ордидан маъюс қараб қолди. Ниҳоят улар кўздан ғойиб бўлди. Атрофга жимлик чўқди. “Ҳозир йўлбарс қаерда экан? – ўйлади Фотима. – Анча узоққа кетиб қолган бўлса керак. Овчилар етиб боргунча кўздан йўқолса, яхши бўларди...”

– Ё Оллоҳ, – йиғлаб саннай бошлади онаси, – бу тун – ҳалокат тун.

<sup>1</sup> Бетел – бетел қалампери, пальма ёнғоғи ва оҳақ аралашмасидан тайёрланадиган сақич. Асаб тизимини фаоллаштириш хусусиятига эга.

Шундай қоронғи кечада йўлбарсни излаётган одамларни ўйласанг-чи. У ахир юзта тулкидан ҳам аййёрроқ, зулматда худди кундузгидай кўради. Мени айтди дерсан, ҳали тонг отмасдан қишлоқда аза бошланади.

– Йўлбарсга тегмаслик керак, – деди Фотима дарчадан узоклашмай.

– Нима деб валдираяпсан, ўзи? – жаҳли чикди кампирнинг. – У бизларни бўғизламасдан бурун уни ўлдириш лозим. Бошқа чораси йўқ.

– Балки ўзи кетиб қолар?

– Йўлбарс қишлоққа келган экан, у кетмайди. Кимнидир қон қақшатмасдан бу ердан кетмайди, – тўнғиллади кампир. – Ҳамма яхши билади, фақат одамхўр йўлбарсгина қишлоқ атрофида дайдиб юради.

– Лекин бу йўлбарс одамхўрга ўхшамайди, – эътироз билдирди Фотима.

Кампир ҳеч нарса демади, лекин жаҳли чикқани кўриниб турарди.

– Йўлбарс мендан ўн беш қадамча нарида эди, бир сакраб мени тилка-пора қилиб ташлаши мумкин эди, – деди Фотима. – Аммо у менга тегмади. Нимага? Тўғри, у мендан кўз узмади, лекин мен ҳам унга қараб турдим. Кейин тинчланди, менга ёмон ниятда қарагани йўқ...

– Мана, сен менга аҳмоқона гапларни гапиряпсан. Баъзан отанг ҳам шундай қиларди. – Онаси жаҳл билан ёнғоқ мағзини янча бошлади. – Отанг, шамол менга қўшиқ айтади, деб мени ишонтиришга уринарди. Майли, ўлган отанг ҳақида шундай гапираётганим учун мени худонинг ўзи кечирсин. Лекин вақти-вақти билан унинг мияси мана шунақа айниб қоларди.

Фотима дарчадан ғамгин қараб, сукунатни тинглай бошлади. Қишлоққа кабристон жимлиги чўккан, уйлар гўё кафан билан ўралгандай эди. Фотима уюшган кўлини қисганича бутун вужуди қулоққа айланиб, зулматга тикилди. Бирдан баданида қаттиқ санчик туриб, у қорнини чангаллаб қолди.

– Сенга нима бўлди, Фотима? – сўради онаси ташвишланиб.

– Ҳеч нарса, – Фотима тишлари орасидан шивирлади.

– Қоч елвизакдан, бориб жойингга ёт!

Фотима оғриқ бир кучайиб, бир пасайганини сезди. У кўзини юмган эди, рўпарасида йўлбарс кўрингандай бўлди. У қуюқ ўт орасида яшириниб ётарди. Ана қонга тўлган кўзлари билан қараб турибди, кейин тинчланди, кўзини олиб қочди – четга қаради.

Бирдан олисда ўқ овози эшитилди. Яна ўқ узилди. Фотима сесканиб тушди: ўқ унга узилгандай эди. Кейин йўлбарснинг қаттиқ ўкиргани эшитилди. Бу оғриқ ва ғазаб ўкириги эди. Жониворнинг ўлим олдидан чўзиб, узок ўкириши бир неча сонияда Фотиманинг бутун вужудини қамраб олди. Унинг бу ўкирикка жавоб бергиси келди. Фотиманинг юзи оғриқдан зўриқиб кетди, баданини тер босди. Кўксидан ингроқ отилиб чикди.

– Ё худо! Ё худо! – шошиб қолди кампир. – Сенга нима бўлди? Мазанг қочдими? Бориб ётгин... ё бошландими?

– Мени тўлғоқ, тўлғоқ тутди, ойижон, – зўрға нафас олиб, ингради Фотима.

Онаси уни бўйра устига ётқизди.

– Туғишням жуда яхши пайтини топдинг-а, – йиғлаб юборди қўрқиб кетган кампир. – Сен ётиб тур, мен ҳозир ичишингга иссиқ нарса тайёрлайман. Эркаклар қайтиб келмагунча, дояни чақирришга ҳам боролмайман. Мен шўрлик кампирга кўп оғир кеча бўлди-да.

Фотима бўйра устида ётар, кўзларини қаттиқ юмиб олганди, онаси сув иситар, ўзича бир нималар деб мингирларди.

– Менга қара, — деди онаси бирдан, — менимча, эркаклар қайтиб келишяпти.

Қишлоқ бирданига шовқинга тўлди.

Кампир эшикни очиб, кимнидир чақирди.

– Мамуд азамат экан, хола, – деди уйга отилиб кирган ўсмир. – Йўлбарсни ўлдирди. Уни буёққа судраб келишди! Каттакон! Роса

қаршилиқ кўрсатди! Иккита ўқ тегсаям тирик эди. Найзалар билан ўлдиришди. Биласизми, нима экан?

Фотима диққат билан болага каради. Кампир сабрсизлик билан унинг оғзига тикилди.

– Нима?

– Йўлбарсни ўлдиришлари билан унинг ёнида нимадир чийилладими ё миёвладими-ей. Чироқ билан ёритиб кўришди – у ерда учта йўлбарсча бор экан, кичкина-кичкина! Кўзчалари очилмаган денг! Мамуднинг айтишича, туғилганига атиги бир неча соат бўлган экан. Она йўлбарс ўшаларни ҳимоя қилган экан! Мамуд айтди, йўлбарсчаларга яхшигина ҳақ тўлашаркан.

Фотима оғриқдан инграб юборди. Пешонасини тер босди.

– Ойижон!!! – бақирди у.

Кампир болани эшикка қараб итариб юборди.

– Чоп, дояни айтиб кел! Тезроқ чақир!

Бола кўзларини чақчайтирди, ҳайратдан оғзи очилиб қолди, сўнг ўзига келди-да, тапир-тупир қилганича кўчага отилди.

*Рус тилидан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржималари*

## *Анвар РИДВАН*

(1949 йил туғилган)

*Анвар Ридван (Anwar Ridhwan) – ёзувчи, олим. Малайзиянинг Сабак-Бернама шаҳрида (Селангор штати) туғилган. 1973 йил Малайя университетини тамомлаган. Кейинчалик магистрлик, докторлик даражасини олган. 1986 йил Айова (АҚШ) университетиде ёзувчиларни тайёрловчи халқаро дастур асосида ўқиган. “Мусаввирнинг сўнги кунлари” (1979), “Оқим” (1985), “Охирги саёҳат” (1971), “Киевдан Москва томон” (1992) каби қиссалари, кўплаб ҳикоялари чоп этилган. 2009 йил “Малайзия халқ ёзувчиси” унвонини олган.*

## **ЯХШИ НИЯТ**

Масита қудуқ ёнидаги ариқда юз-кўлини ювиб олди. Арқонда илиниб турган сочикни олиб, баданини арта бошлади. Қишлоқ сув қуйгандек жим-жит. Барча ширин уйқуда. Қудуқ ёнига экилган дарахтларнинг барглари тонги шабадада липиллаб ўйнади. Хўрозларнинг қичқирғи ва кушларнинг сайраши тобора авжга чиққан. Масита нангка ва саво дарахтлари орасидан олисларга боқди – осмон қизара бошлаган эди. Уйи томон йўл олди. Бир нечта қадам босиб, таққа тўхтади. Қудуқ томон келаётган эркак кишига кўзи тушди. Қудуқдан уйигача юз метрча масофа бор. Бу беҳосият ер йигирма йилдан бери, худди нимадир содир бўладигандек, доим Маситанинг қалбига ғулғула солиб келади.

Аёлнинг юраги тез-тез уриб, яқинлашиб келаётган эркакни кутди. Агар манави эркак ўзига ташланиб қолгудай бўлса, Масита қичқириб ёрдам сўрайди! Бир қичқирса, тамом– бутун қишлоқ чошиб келади!

– Ойи, ишингизни тугатдингизми? – деган ўғлининг овози эшитилди. Масита энди енгил нафас ола бошлади. Овоз аниқ эшитилди. Бу Жали эди. Унинг ёлғиз ўғли.

– Ҳа, – жавоб берди у.

Жали ҳам чўмилишга келаётган экан. Масита аста-секинлик билан уйи томон одимлай бошлади.

<sup>1</sup> Малайзияда ўсадиган дарахт номи.

– Эй, Худо, кишлоғимизни ўз паноҳингда асра, – дея илтижо қилди у. Жануб томон учиб кетаётган самолётлар гулдурашини эшитди. Юқорига қараб, уларни гўё учиб ўтаётган турналарга ўхшатди. Қушлари Сингапур томон учаётганди.

– Уруш ҳали-бери тугамаса, эримни ўзинг паноҳингда асра! – дея Масита дуосини давом эттирди. – Эримга муносиб хотин бўлишимни, уруш қийинчиликларини бирга енгиб ўтиб, ҳар доим мустаҳкам ва бахтли оила бўлиб қолишимизни ўзингдан сўрайман.

Самолётлар узоклашиб, осмондаги шовқин пасая бошлади. Уйига кетаётган Масита тўсатдан яна нотаниш кимсага дуч келди. У қичқирмоқчи бўлди, бироқ ҳалиги эркак унинг оғзини кафти билан маҳкам ёпди. Бу – урушдан қайтган эри Будин эди.

Уйга етиб келган Масита кўзадаги сув билан оёқларини яхшилаб ювди. Кўзани ерга қўйиб, қуёш чиқаётган томонга тикилди. Қуёш аста-секин чарақлаб, кунни ёрита бошлади. Масита зинадан чиқиб, ётоқхонага йўл олди.

– Қудуқ ёнида ким бор? – сўради эри.

– Жали.

Будин жимгина хотинига тикилди. У деразани очиб юборган эди, қуёш нури зулматни ҳайдаб, хонани ёритиб юборди.

Масита ошхонада Суми ва Салмининг нонушта тайёрлаётганини кўрди. Улар шундай тез гаплашардиларки, Масита уларнинг нима ҳақда гаплашаётганини тушунмади. “Қизнинг бўйи етиб қолди, – ўйлади Масита. Яқинда совчи кела бошлайди, сўнг турмушга чиқишади. Эрлари номаълум ёқларга олиб кетишади. Ота-оналари билан тез-тез кўриша олишадими? Узокда бўлганларида касал бўлиб қолсак, нима бўлади? Ким бизга ғамхўрлик қилиб, холимиздан хабар олади?” – ўйлади Масита.

Масита уст-бошини алмаштирди, сўнг ойна олдига ўтириб, сочларини тарай бошлади.

– Масита, ўғиллик бўлишни хоҳлайман, – гап бошлади Будин.

– Ўғил? Нега энди киз эмас? – деди эрига Масита.

– Ҳозир уруш пайти. Уруш қачон тугаши номаълум. Худо сақласин агар бизга бирон гап бўлса, ўғил бола қизга қараганда оилани яхшироқ бошқаради. У ватанини, ҳеч бўлмаганда кишлоғимизни ҳимоя қилади.

Будин хотинига нега бунчалик кўп гапирганини ўзи ҳам тушунмади. Чунки у хотинидан ҳеч нарса яширмай, дилидаги бор гапни очиқ-ойдин айтмоқда эди.

– Уруш ҳақида бошқа гапирманг. Кўрқиб кетаяпман, – деди Масита. Будиннинг оғушига кириб, кўркувини яширишга уринди. Эрининг қўйнида у ўзини бутунлай хотиржам ва урушдан ҳимоялангандек ҳис этди.

\* \* \*

– Мен фарзанд кутяпман, азизим.

– Нима? – Будин чўчиб тушди. Елкасидан сочиқни олиб, ойна ёнида ўтирган хотинига яқинлашди. – Шундай ҳазил қилмасам, турмас эдингиз.

– Яна фарзанд кутяпсанми, Масита?

– Йўғ-э. Ҳазиллашдим, сизни уйғотиш жуда қийин. Қудуқ ёнига боринг. Кеч бўлиб қолди. Жали чўмилиб бўлди, чамамда.

– Ҳазилингни яхши кўраман-да, Масита. Сен билан бирга бўлсам, сира зерикмайман, – деди Будин. У эгилиб хотинини ўпди-да, хонадан чиқиб кетди.

Масита ўрнидан туриб, каровот устига ёпинчиқни ёпди. Учта ёстикни олиб, дераза раҳига қўйди.

Суми билан Салми ошхонада куймаланишарди. Масита Сумининг



бодринг тўғраётиб, Салмига “чой қайнаб кетди!” деб бақирганини эшитди. Улар бирдан жим бўлиб қолишди, Жали келган, деб ўйлади она. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, уларнинг суҳбати яна жонланиб кетди, ора-чора Жалининг ҳам овози эшитилиб турарди. “Опа-сингиллар акаси билан нақадар ахил”, ўйлади Масита. – Ораларидаги меҳр туйғуси янада ошсин-да.

– Дадажон, ўғлингизни биздан кўра кўпроқ яхши кўрасиз, – дея ўпканди Суми.

– У биздан оқ бўлгани учунми? – дея Салми ҳам гапга суқилди.

– Эҳ, яна шу гапми! – Будин қизларини койий бошлади. – Нега энди Жалига яхши, сизларга эса ёмон муносабатда бўлишим керак? Жали ҳам, сизлар ҳам суюкли фарзандларимизсиз, онангиз билан сизларни бирдек яхши кўрамыз. Эшитяпсизми? Бирдек! Қандай қилиб сизларни бир-бирингиздан ажратиш мумкин?

Масита ҳам эрининг гапини маъқуллаб калласини лиқиллатиб қўйди. Суми ҳам, Салми ҳам отасининг гапига жилмайдилар. Суми бу мавзуда кўп гап очарди, Масита эса бундан хафа бўларди.

– Дада, кечиринг. Ростдан ҳам Жали терисининг ранги бизникидан бошқачароқ-да.

– Етар! Бас! – Будин қизларни уришди. – Суми, сен, албатта баҳсда енгиб чиқишим шарт деб ўйлайсан, шундайми? – Ахир у ўғил болаку, терисининг ранги сизларникидан фарқ қилиши мумкин эмасми? Кўряпсанми, бунинг ажабланидиган жойи йўқ...

\* \* \*

Уйда жимлик ҳукмрон эди. Масита ошхонада бошқа товуш эшитмади. Ҳойнахой, улар бирон-бир жумбоқ устида бош қотираётгандирлар.

Будин чўмилиб уйга қайтиб келганида:

– Чўмилиб келдингизми? – сўради хотини.

– Ҳа.

Масита ўрнидан туриб, жавон эшигини очди, у ердан Будиннинг майкаси, оқ кўйлаги ва қора шимини олиб, қаравот устига қўйди.

– Кийимларингизни қаравот устига қўйдим, кийиниб чиқинг, сизни дастурхон атрофида кутяпмиз.

Будин маъқул дегандай калласини қимрлатиб қўйди. Масита эшикни қия ёпиб, хонадан чиқиб кетди. Таомнинг ёқимли хиди димоғни қитикларди.

Масита ошхона томон юрди. Унинг қулоғига фарзандларининг овози эшитилиб турарди. Жалининг овози ҳаммадан баланд чиқмоқда. Унинг жарангдор овози бир воқеани эслатиб юборди. Ушанда Жали ялинганнамо гапирганиди: – “Ойи, мени кечиринг, сизга ҳақиқатни айтишим керак...”

Маситанинг ҳаёлига нелар келмагани ўшанда.

– “Гапир, болам нега қалтираяпсан? Оналар фарзандларига ёмонликни раво кўрмайди. Дардингга ҳар доим қулоқ тутганман, тўғрими?”

– Нима дейишни билмаяпман. Менга ёрдам бера оласизми?

– Нима бўлди ўзи? Кеч бўлмасдан барини сўзла, ўғлим.

– Ойи, мен... Хатижани...

– Ахир, қандай қилиб?!.. – эси оғаёзди Маситанинг. Кўзларига ёш олиб, нима дейишни билмай ўғлига қараб қолди. Ҳамма гапни эшитди. Кўз ёшларини артиб, Хатижанинг онасини ахтариб кетди. Ёнига бориб, воқеани очиқ-ойдин сўзлаб берди, кечирим сўраб, ялиниб-ёлворди. Фақат шу иш қўлидан келарди, холос.

Бахтига Хатижанинг онаси тўпалон кўтармади. Ўзини босди, чунки бу хабар ёйилса, оила шаънига ўчмас доғ тушди, деяверинг. У Парвардигорга илтижо қила бошлади.

Бу машъум воқеадан сўнг бир неча ой ўтди. Жали сири очилмаганлигига хурсанд эди. Масита Хатижага нисбатан ўғлининг кўнглида нима борлигини суриштира бошлади. Агар у қизни хўрлаган бўлса, бунинг учун жавоб бериши шарт. Қизлар ҳар доим ўз номусини покиза сақлаши лозим. Тегиниб кўйган йигит энди қизни хурмат қилиши, унинг орномусини асраши керак. Масита ҳар гал бу ҳақда оғиз очганида, Жали ўзини олиб қочар ёки гапни бошқа мавзуга буришга ҳаракат қиларди.

– “Нима ҳақда гапиряпсан?” – сўради Масита ундан бир куни.

– Романдаги воқеаларни айтяпман, ойи. Айтинг-чи, нима учун менга фақат севги ҳақидаги романлар ёқади?

– Шундай дегин.

Бу – денгизчи ҳақида, тўғрироғи, денгизчи бўлишни ёшлигидан орзу қилган ва фақат денгиз ҳақида ўйлайдиган бир бола ҳақидаги роман. У яшайдиган бандаргоҳ гуллаб-яшнаб, кун сайин кенгайиб борарди. Бандаргоҳга кўплаб кемалар қатнайди. Бир куни: “Нега мен бу ерда ўтирибман? Денгизнинг у ёғида нималар бор экан?” – деб ўйлаб қолади. Кейин денгизчи бўлиб, дунёни кезишга тушади. У борган ҳар бандаргоҳда жуда кўп чиройли қизларни учратади. Портлардаги юзлаб қизлар... Топиб кўринг-чи, қайси бирини танлаган экан?

– Балки у бирорта чет эллик қизга уйлангандир? – Масита тахмин қилиб сўради.

– Йўқ, тополмадингиз!

– Майли. Ўзинг айта қол.

– Ўзи яшайдиган кичик бандаргоҳда бир қизни учратиб қолади. Қиз ёш, қувнок, кўзлари эса жуда чиройли. У қизни чин дилдан севиб қолади. Кейин яхшилаб ўйлаб кўриб, саёҳат қилишдан воз кечиб, уйига қайтиб келади. Қиз ҳам унга кўнгли кўйган эди.

– Ким?

– Албатта, ҳалиги қиз-да. Йигит кетиб қолганидан сўнг, қиз уни соғина бошлайди. Портга келиб қолмасмикин, деб қиз тез-тез у ерга бориб турарди. Ниҳоят, қиз орзиқиб кутган кун етиб келади. Йигит қиз билан учрашиш учун уйига қайтади. Қиз йигитни портда кўриб қолади. Улар бир-бирига тикилиб, ён-атрофдаги одамларга ҳам эътибор бермай, йиғлаб юборишади. Ниҳоят, улар узок соғинчдан сўнг турмуш қуришади.

\* \* \*

– Ойи, нонушта тайёр бўлди, – ошхонадан онасини чақирди Суми. Шунда Масита ўзига келди. Бир неча дақиқадан сўнг эри Маситага қараб:

– Масита, нонушта тайёр бўлибди, – деди.

– Сиз бораверинг, – деди Масита эрига. – Қудуқ олдида бир нарса эсимдан чиқиб қолибди.

Она қудуқ томон кетаётиб, Сумининг Жали устидан кулаётгани ва Жалининг ўз ишлари билан мақтанаётганини эшитди. Жали эса “ҳаммаларинг мен билан фахрланишларинг керак” – деб уқтирарди.

Масита ва Будин ўғлининг иқтидорли эканлигини яхши билишарди. Ўқитувчиларининг унга бўлган эътибори, мақтови, чет элга ўқишга юборишлари кераклиги ҳақидаги тавсиялари, албатта, ота-онани севинтиради-да. Жали Суми ва Салмига умуман ўхшамайди, деб кўйишарди улар.

Ота Жалини чет элга юборишга астойдил ҳаракат қилди. Аммо пул тўлаш муаммосини ечишнинг иложини тополмади. Масита бу ишлар эрини ҳам, ўғлини ҳам хафа қилганини яхши биларди. Отаси ўғлини овутишга ҳаракат қилиб: Худо хоҳласа, бир кун келиб орзуларимиз албатта рўёбга чиқади, – деб далда берарди.

Қудуқ ёнидаги дарахт япроғи узилиб сувга тушди. Масита юқорига

каради – сувга тушган нангка дарахтининг барги экан. Наҳотки бу Жали туғилганидан сўнг экилган ўша дарахт бўлса? Суми туғилганидан сўнг эккан саво дарахти-чи? Ҳозир у ҳам баланд бўлиб кетган. Салмига ҳомиладор бўлиб юрган кезлари, унинг хом меваларини еганлари эсида. “Менга унинг аччиқроқ таъми ёқади. Пишган вақтида улар қушларга ем бўлади”, дерди Масита Будинга.

Масита туш кўрибди... уларнинг қулоғига самолётларнинг гумбурлаши эшитилармиш. Юқорига қараганида, осмон узра жануб томон учиб ўтаётган юзлаб самолётларга кўзи тушди. Самолётлар қумушранг-оқ турналарга ўхшаб учарди. Қаттиқ товушдан қулоғини беркитиб олди, бир маҳал ортидан бир эркак келиб, кучоқлаб олди. Масита шу ҳолатда қанча турганини билмайди...

– Қўйиб юборинг мени, – қичқирармиш Масита тушида.

– Сенга нима бўлди, Масита? – хотинини туртди эри.

Масита Будинга ёпишиб олди. Суми ва Салми уларни кузатиб турганини кўриб эридан ўзини олиб қочди, чуқур нафас олди-да, самолётлар учадиган томонга қаради. У ерда учишга шайланаётган самолётга кўзи тушди.

– Ойи, хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади, – Салми уни юпатишга тушди. Жали учувчи бўлиш учун ўқишга кирмоқчи. Албатта учувчи бўлади. Ахир Токио биздан унчалик узоқ эмас-ку.

Масита кўз ёшларини артиб:

– Ҳа, Жали Токиода беш йил ўқиши керак, бу айна ҳақиқат, энди бунга кўникишим лозим, – деди ўйланиб.

Суми онасининг қўлини ушлаб олган, Салми эса унинг сочини силарди. Будиннинг чап қўли хотинининг белида эди. Ҳавога кўтарилган самолётдан ҳеч ким кўз узмасди. Самолёт шимол томонга учиб, тобора узоқлашиб борарди. Охир-оқибат бутунлай кўздан ғойиб бўлди.

Масита кафтини очаркан, пичирлаб дуо ўқий бошлади:

“Худойим, ўғлим олис юртга кетди, Марҳаматинг билан бахтли оила яратдим. Ҳадемай беш йил ўтиб, ўғлим қайтиб келади. Уша пайтларга етгунча менга куч-қувват ато эт. Омин”.

*Рус тилидан  
Аброр УМАРОВ  
таржимаси*

## *Аҳдиат КАРТА МИҲАРЖА*

(1911 йил туғилган)

*Аҳдиат Карта Миҳаржа (Achdiat Karta Mihardja) – кўзга кўринган индонез адабиётшуноси ва ёзувчиси. Мамлакатнинг турли сиёсий, ижтимоий-адабий журналлари ва нашриётларида фаолият кўрсатган. “Атеист”, “Ётоқхонадаги үсөн” романлари, “Зиддиятлар ва зўриқиш”, “Ойдинда” ҳикоялар тўпламлари муаллифи. Ўзбек тилида ижодкорнинг фаолиятдан илк намуна эълон қилинаётир.*

## **АҲЛОҚ ПОСБОНИ**

Новелла

Шундай дамларда Ҳамид хотинини жуда қўмсаб қоларди. Аслида, гап унинг хотинида ҳам эмасди. Кечқурун ишдан қайтиб келиб, ишхонадаги хангомаларни завқ билан гапириб берганда, ким бўлса ҳам қулоқ соладиган

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

одам бўлса, бас, Ҳамидга бошқа нарсанинг кераги йўк.

Хотини Мими мерос билан боғлиқ бир иш туфайли Бандунгга кетган. Уч ҳафтадирки, хизматкори Салим унинг ягона овунчоғи. Аммо Салим – бир оддий хизматкор, уй-рўзғор, тирикчиликдан бошқа гаплар унинг миясига сиғмайди. Ҳамид – катта бўлмаса ҳам кичикроқ давлат хизматчиси, зиммасида ўзига яраша масъулияти, жавобгарлиги бор. Салим минг қизиқ гаплар айтмасин, бу тезда Ҳамиднинг жонига зиғир ёғдай урар эди. Гоҳо азбаройи энсаси қотганидан Салимга бақириб берарди:

– Ҳой, жағинг ўчадими, йўкми ўзи? Шунақаям эзма бўладими одам? – Бўлмаса-ку, улфатчиликка, суҳбатдошликка Ҳамиддан яхши одам йўк, даврани нақ қизитиб юборади, гапларини тинглаган сайин тинглагинг келаверади. Фақат хотини Мими кетганига сал одамови бўлиб, ёлғизликка тоби йўклиги сезилиб қолди, Мимини эслайвериб, юрагига қил сиғмаётганди.

Тўсатдан Ҳамид ўтирган жойидан сапчиб турди. Йўк, ортиқ чидолмайди. У шошиб ётоқ бўлмага кирди, пижамасини ечиб, ўзини каравотга ташлади, кийим илгичдан кўйлагини юлқиб олди ва кийина бошлади. Сўнг шоша-пиша пайпоқ, шим ва туфлисини кийди. Кийиниб бўлгач, кичқирди:

– Салим, ҳой Салим! Эшикни ёпиб ол! Мен кетяпман... Тагин чиқиб кетма, эшитдингми? Мен кетишим билан сен ҳам жуфтакни ростлайдиган ёмон одатинг бор. Уқдингми?

Шундай дея Ҳамид кўчага отилди. Рикша чақириб, ўзини ўриндикка ташлади.

– Қаёққа, жаноб? – сўради рикшачи.

– Қаёққа бўлса, ўша ёққа!..

Рикшачи елка учуриб кўйди.

– Танаҳ Абангга!

– Яхши жаноб. – Рикшачи педални куч билан босиб, аравасини елдириб кетди. – Кайф-сафо қилганими?

– Ҳа, бир кабоб егим келди. Ўша ернинг кабоби зўр бўлади-да.

Рикшачи (унинг исми Абат эди) ўнқир-чўнқир жойларда ҳам тезликни пасайтирмасди. Ҳамид уни ора-сира огоҳлантирар эди:

– Кўзингга қара, тагин бир фалокат рўй бермасин.

– Э, кўяверинг, жаноб. Янгимасман, ўн йилдан кўп бўлди рикша ҳайдаганимга. Ҳали бирон марта ҳалокатга учрамаганман. Ановиларга ўхшаб, довдир эмасман, – мақтана кетди Абат.

– Кўй, кўрганмиз сендақа чакқонларни. Катта гапирма.

– Оллоҳ ўзи мадақор бўлсин, жаноб!..

Шу пайт рикша қаттиқ силкиниб кетди, Ҳамиднинг шляпаси учиб, ўриндикка тушди.

– Айтмаганмидим сенга эҳтиёт бўл деб, галварс. Менда қасдинг борми?

– Бевовта бўлманг, жаноб! Ҳеч нима бўлгани йўк. Шундан сўнг анчагача жим кетишди. Бир вақт Абат яна сўз қотди:

– Биттаси бор, жаноб! Сукабумидан яқинда келган. Кўриб, оғзингизнинг суви келади. Ёшгина, дўндикча.

Бу гапни эшитиб, Ҳамиднинг чапараста жаҳли чиқди:

– Мени ким деб ўйлаяпсан, падар лаънати?! Менинг кимлигимни биласанми ўзи? Тоza хулқ-атвор ҳақида маърузалар ўқийман, одамларни ахлоқли, аёлларни шарм-хаёли бўлишга чорлайман, мен – давлат одамиман билсанг!

Керакли жойга етиб келган рикша бир четга чиқиб тўхтади. Ҳамид рикшадан тушди-да, Абатга йўл ҳақини узатди.

– Атиги икки ярим рупиями? Эй Оллоҳ, одамларда инсоф қолмабди. Шунча йўлдан олиб келиб қўйсам-да, бор-йўғи ...

Аммо Ҳамид бунга парво қилмай, ўзини оломон ичига урди.

– Пулинг бўлмаса рикшага чиқиб нима қилардинг? Уятсиз, аблаҳ! Туф, сендай одамга...

Танаҳ Абангда танга ташласанг ерга тушмайди. Ҳаммаёқни чумолидай одам босган. Шовқин-сурон авжида. Қаҳвахона ва ресторанлар ичидан радио кулоқни қоматга келтириб янграйди. Бир репродуктордан машҳур хонанда ижросидаги оғизга тушган бир ахлоқ таназзули ҳақидаги кўшиқ садоси тараларди. Бироқ оломон оқимига дош беролмай Ҳамид олға қараб кетди. Ниҳоят, бир амаллаб кабобхонага етиб келди-да, маза қилиб кабоб тановул қилди. Овқатланиб бўлгач, Ҳамид яна одамлар оқими ичида олға юриб кетди. У ўзини дарё олиб кетаётган чўпдай ҳис қиларди.

Бир жойда эркагу аёллар жуфт-жуфт бўлиб рақс тушар эди. Ҳамид оломонни ёриб, рақс майдонига яқинроқ борди. Оёқ учида кўтарилиб, майдончада ҳаммаси бўлиб саккиз нафар раққоса борлигини кўрди. Шулардан бештаси чарх уриб рақс тушар, учтаси жуфт кутиб турарди.

Раққоса қизлар барчаси ёш бўлиб, галма-галдан кўшиқ куйлар эдилар. Эғнидаги кийимлари камалакнинг етти рангида товланарди. Жуфтлар топилиб қолгач, учала раққоса ҳам олдингиларга кўшилиб, эшила кетдилар. Бирдан раққослардан бири шерик қизининг юзидан ўпиб олди. “Оббо сурбет-ей!” ўйлади Ҳамид ва ўзини орқага олди. Аммо юраги типирчилаб кетди. У тупугини ютди. Шу топ кимдир орқасидан қисилиб келаётгандек туюлди. Ҳамид ёнида оғзи ангишвонадек, қоп-қора кўзлари чақнаган чиройликкина аёлни кўрди. Унинг қараганини кўриб, аёл жилмайди.

Ҳамиднинг юраги баттар дук-дук ура бошлади. Аёл унга маҳкамроқ ёпишди. Ҳамид уятдан юзи чўғдай ёниб, беихтиёр қўли аёлнинг қўли билан тўқнашди. Бамисоли ток урган каби Ҳамиднинг аъзойи бадани ширин жимирлаб кетди. Ҳамид аёлнинг қўлини маҳкамроқ сиқди. Ортидан аёлнинг сеҳрловчи майин овози кулоғига чалинди:

– Кетдик, жаноб... – Аёл унинг ерга тушиб кетган шляпасини олиб, аста бошига кийдириб қўйди.

– Дилхушлик қилаяпсизми, жаноб? – сал нарига боргач, Ҳамиднинг кулоғига таниш овоз келиб урилди. У қўлини шартта аёлнинг билагидан олди. Бу ундан бир ҳафтача бурун мамлакатда ахлоқ бузилиб бораётгани хусусида интервью олган журналист Санусий эди. Ҳамид ер ёрилмади, ерга кириб кетмади. Агар аёл унинг қўлидан ушлаб тормаганда, ким билсин, Ҳамид қачонгача серрайиб тураверган бўларди.

– Нима бўлди сизга, жаноб?

Ҳамид лаблари пирпираганча, тили калимага келмай, қўлини аёлнинг қўлидан бўшатди. Сўнг чўнтагидан кармонини олиб, битта ўнталикни суғурди-да, аёлга тутқазди. Бунни кўриб, аёл киноя билан деди:

– Чойчақами? Ана сахийлигу! Йўлқирага чақангиз қолдими, ишқилиб? Нега жаҳл қиласиз, жаноб?

Ҳамид аёлга эътибор бермай, Санусийнинг ортидан югурди.

– Ҳой, тўхта, Санусий! – узоқдан овоз берди у. Санусий тўхтаб, ортига бурилиб қаради.

– Менга қаранг... – харсиллаб етиб келган Ҳамид унга ялина бошлади.

– Бунни айтиб юрманг... э-э, ёзиб юрманг яна рўзномага...

Санусий гап нимадалигини англаб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Мен ҳеч бир унақа... – тутилиб деди Ҳамид.

Санусий баттар қаҳ-қаҳ урди.

– Хотирингиз жам бўлсин бу ёғидан, – деди у кулгисини босолмай. – Ҳаммаси жойида бўлади, ҳа!

– Раҳмат, раҳмат... – Ҳамид қайта-қайта таъзим қилди. – Менга қаранг... шошмай турунг... Туя кўрдингми – йўқ, ўзингиз тушунасиз-ку... – у шоша-пиша чўнтагидан битта элликтиликни суғуриб, Санусийнинг шими чўнтагига суқди.

– Эллик рупиями? – ҳиринглади Санусий.

“Оббо хумпар-ей! – кўнглидан ўтказди Ҳамид. – Рози бўлмади-я!” У яна битта элликталикнинг баҳридан ўтди. Бунга жавобан яна ҳиринглаш эшитилди. Ҳамид бунга чидаёлмади. Эски рақибининг ҳиринглашига эътибор бермади, азбаройи номус ва ғазабдан Санусийга еб қўйгудек қараб қўйди-да, шартта бурилиб, у ердан узоклашди. Санусий иккита эллик рупияликни бир-бирига уриб, тиржайди:

– Юз рупия – чакки эмас, Худо бераман деса, томни тешиб ташлайди, деганлари шу бўлса керак!

Иўл бўйи Ҳамид минг хил хаёлларга борди, бир кўрқди, бир хотиржам бўлди, бир Санусийдан қаттиқ ғазабланди. Кичик бўлса ҳам амалдорлик ёмон бўлар экан-да, ҳамма билганини қилиб юрибди – йўкотадиган нар-саси йўқ. Бу-чи, ҳар қадамни ўйлаб босмаса бўлмайди, акс ҳолда ахлоки бузукқа чиқиб...

Соат тунги ўн бирга занг урди. Ҳамид рикшадан тушиб хайрон бўлди: дахлиз чироғи ёниқ эди.

– Салим! – қичқирди у эшикни тепиб. Эшик тезгина очилди ва...

– И-е, сенмисан Мими? Қачон келдинг?

Ҳамид талмовсирагандай остонада бир зум туриб қолди, зарурат бўлмаса ҳам туфлисини ердаги бўйрага қайта-қайта ишқалади.

– Яқинда келдим, азизим, соат саккизда, – жавоб берди хотини. – Пун-чақда автобус бузилиб қолди. Сиз қаерда эдингиз?

Бу саволни кутмаганидан Ҳамид довдираб қолди. Сир бой бермаслик учун бурнини узун-узун тортиб қўйди.

– Йиғилишда эдим, Мими, – деди охири баҳона топиб.

Мими жилмайди-да, унинг қўлидан ушлаб, уйга олиб кирди. Ётар чоғда Мими эрининг Санусийга берган интервьюсидан суюнганини айтиб қолди.

– Ойимга интервьюнгизни рўзномадан сўзма-сўз ўкиб бердим, – деди у.

Ҳамид жилмайди-да, хотинини эркалаб қўйди. Тун бўйи Мими Ҳамиднинг оғушида осуда ухлади. Унинг лабларида бахтиёр дамларда-гидек енгил, ширин табассум ўйнарди.



*Рус тилидан  
Дилдора РЎЗИМАҲАМАДОВА  
таржимаси*

## “ТАРИХИ РАШИДИЙ” ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Туркистонлик муаррихлар битган расмий тарих асарлари, солномалар юз йиллардирки, ғарб олим ва тадқиқотчилари эътиборини ўзига жалб этиб келади. Бу қизиқишни оламга донғи кетган боболаримиз: Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб асарларнинг бир неча жаҳон, хусусан, Европа тилларига қилинган таржималарида кўришимиз мумкин. Чунончи, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” инглиз тилига Майор Деви тарафидан таржима қилиниб, 1783 йили Оксфордда, 1785 йили Калькуттада; Л. Лангле томонидан француз тилига таржимаси эса 1787 йили Парижда китоб ҳолида босилиб чиққан.

Алишер Навоий асарлари ҳам кўп тилларга таржима қилинган. “Сабъаи сайёр” дostonидан олинган бир парчани ҳикоя тарзида 1557 йилдаёқ Христофор Арминий томонидан итальян тилига ўгирилиб, ўзининг “Сарандиб шоҳи уч ўғлонининг зиёрати” асарига киритган ва бу кейинчалик Европа тилларида ҳам эълон қилинган.

“Бобурнома” инглиз тилига турли вақтларда уч марта: Уильям Эрскин ва Жон Лейден (1826), Анета Бевериж (1922) ва Уилльер Такстон (1996) томонидан таржима қилиниб, Англия ва АҚШда қайта-қайта чоп этилган.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар қаламига мансуб “Тарихи Рашидий” асари ҳам ғарб олимлари диққат назарига тушган нодир асарлар сирасига киради.

“Тарихи Рашидий”ни инглиз тилига илк марта британиялик шарқшунос олим Эдуард Денисон Росс (1871-1940) таржима қилган эди.

Британия “Қироллик география жамияти”нинг олтин медали соҳиби, Британия кироличасининг ХуРоссон ва Сейистонга тайинлаган консул-генерали, географ, сайёҳ олим Ней Элиас (1844-1897) эса таржимани таҳрир қилиб, изоҳлар ва харита билан бойитиб, Лондонда 1895 йили “Sampson Lou, Martson and Company, Ltd.”да босиб чиқарган.

Ней Элиас “Тарихи Рашидий”нинг таржимасига ёзган сўзбошисида бу нашр асарнинг инглиз тилига биринчи расмий таржимаси бўлса-да, форсий ва туркий тилларни билувчи шарқшунос У. Эрскин, Ҳ. Ҳоворт, сержант-генерал В. Ҳ. Белью, Элиот, Р. Б.Чо каби ғарб олимлари мазкур асар билан аллақачон танишиб, ўз тадқиқотларида фойдаланиб улгуришган эди, деб хабар қилади. Ҳатто олим Р. Б. Чо асарнинг фақат географияга оид қисмларини ажратиб олиб, таржима қилган ва 1876 йили “Geographical Society’s Journal” (Буюк Британияда тахминан 1831 йилдан чиқа бошлаган) журналида нашр этган. Шунингдек, шарқшунос олим У.Эрскин ҳам асарнинг айрим бобларини инглиз тилига ўгирган, аммо бу таржима ҳеч қаерда чоп этилмаган. Н. Элиаснинг тахминига кўра, биз ҳам шу фикрга қўшилаемиз, умуман, Эрскин “Тарихи Рашидий”ни нашр этиш учун таржима қилмаган, балки ўша пайтда ёзаётган китоби “Темур хонадонидан чиққан илк икки шаҳзода Бобур ва Хумоюн кўли остидаги Ҳиндистон тарихи” (“A History of India under the Two First Sovereigns of the House of Taimur: Baber and Humayun”, Лондон, 1854) китобида фойдаланиш учунгина бунга қўл урган.

“Тарихи Рашидий”ни инглизчага таржима қилиш нияти Ней Элиасда биринчи бор 1877 йилда дўсти Р.Б.Чо туфайли пайдо бўлганди. Элиас-

нинг тахминича, Чо ўзи тайёрлаётган туркийча луғатни тамомлагандан кейин, "Тарихи Рашидий" таржимасига киришмоқчи бўлган. Аммо у олим 1879 йили тўсатдан вафот этади ва таржима амалга ошмай қолади. Шундан кейин, Элиас асарнинг асл нусхасини топишга киришади, лекин бу саъй-ҳаракатлар, уринишлар бекор кетади.

Ней Элиаснинг "Ғарбий Мўғулистонга саёҳат" ("A Journey through Western Mongolia" // "R.G.S.", 1873, xliii 108-бет), "Хуроссондаги апокрифик матн" ("An Apocryphal Inscription in Khorassan" // "R.A.S.", 1896, 767-бет), "Турбат-и-жомдаги матн борасида кузатишлар" ("Notice of an Inscription at Turbat-i-Jam" // "R.A.S.", 1897, 47-бет) сингари мақолалар ёзганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

1893 йили Англияга қайтган Н. Элиас У.Эрскиннинг қисман қилган таржимаси билан танишиб қолади. Унда дастлаб таржимани тўлдириб, Эрскиннинг номи билан нашр этиш фикри туғилади, бироқ инглизча матн билан яқиндан танишиш жараёнида у ердаги баъзи ўринлар аслида таржима эмас, балки изоҳсифат хулоса (summary)лардангина иборат эканига амин бўлади.

Британия музейидаги шарқ матнлари каталогини тузган ва "Тарихи Рашидий"ни синчиклаб ўрганиб чиққан олим Чарльз Ръё Ней Элиасга бошқача маслаҳат беради. У форс тилини чуқур билувчи, тилшунос, узок шарқ тиллари бўйича мутахассис шогирди Эдуард Денисон Россия асарнинг янги таржимасида ҳамкорликка жалб этишни тавсия этади.

Эдуард Денисон Росс ҳақида икки оғиз сўз. У шарқшунос, тилшунос, Узок Шарқ тиллари мутахассиси. Қирқ тўққиз тилда ўқий олган, ўттизтасида бемалол гаплашган. Яқин Шарқ Британия информатика бюросининг директори бўлиб ишлаган. Эйлин Повер билан биргаликда "Катта йўл сайёҳлари" ("The Broadway Travellers")нинг 26 бобини таҳрир қилишган. XIV асрдан XIX асргача яшаб ўтган сайёҳларнинг турли тилларда ёзилган сафар таассуротлари жамланган бу мажмуа 1926-1936 йиллар оралиғида Лондонда нашр этилган.

Юқорида зикр қилинганидай, 1894 йили "Тарихи Рашидий"нинг инглиз тилига биринчи расмий таржимасига киришилади ва бу жараён етти ой давом этади. Э.Д.Росс таржимага Британия музейи каталогига Add. 24. 090 рақами остида сақланаётган форсча матн билан профессор Кауел бисотида бўлган Og. 157 рақамли матнни асос қилиб олади. Асарнинг иккинчи қисми таржимасида эса "Британия ва хорижий Инжил жамияти" ("British and Foreign Bible Society")га тегишли бўлган иккита туркийча нусхадан бирини танлайди. Н. Элиаснинг гувоҳлик беришича, таржима жараёнида Эрскиннинг изоҳлари Россияга анча қўл келган.

Н. Элиас, айтиб ўтганимиздек, "Тарихи Рашидий" таржимасини таҳрир қилган. Олим олти бобдан иборат, яъни асар муаллифи, ўша даврга оид бўлган тарихий, этник, этнографик, географик ва ҳоказо маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмини ҳам таржимага қўшган. Бой маълумотга эга бўлган бу боблар мана бундай номланади: "Муаллиф ва унинг асари", "Чигатой сулоласи", "Мўғуллар диёри", "Халқ – мўғул, турк ва уйғурлар", "Шарқ хоқонлиги ёхуд Уйғуристон", "Тарихи Рашидий" ва ундан кейинги давр".

Олим биринчи бобда асарнинг муҳим аҳамиятига тўхталиб, унинг Марказий Осиёнинг кам ёритилган тарихини ўз ичига олганига, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётига оид маълумотларга бойлиги ва буни маҳаллий тарихчи битганига алоҳида урғу беради.

"Муаллиф ва унинг асари" бобида ҳаммани қизиқтириб келадиган мавзу, яъни Хайдар Мирзо ва Бобур Мирзо ҳақида шундай дейилган: "Бобур, Амир Темур (ёки Тамберлайн)нинг авлоди бўлган ва шу сабабдан у мўғул бўлишдан ҳам кўра кўпроқ турк (туркий – Д.А.) бўлган, чунки Темур барлос деган зоти баланд турк қабиласидан эди... Мирзо



Хайдар ҳақиқий Чигатоӣ мўғулларининг бир бўлаги бўлган дуғлат қабиласидан чиққан ва бу қабилла барлос қабиласи каби обрўли бўлган..."

"Халқ – мўғул, турк ва уйғурлар" бобида жаҳон тарихшунослигида кўп учрайдиган хато яъни бобурийлар сулоласи, умуман, Марказий Осиё туркий халқларининг "мўғуллар" деб нотўғри аталиши ҳақида сўз юритилиши диққатга сазовордир. Жумладан, олим шундай ёзади: "...Нафақат Бобурнинг ўзи, балки унинг ота-боболари ҳам ҳар жиҳатдан турк бўлган, инчунин, бу жиҳатлар нафақат уларнинг тили ва урф-одатларида, балки бошқа миллат билан қанчалик даражада аралашганликларида ҳам кўринган эди. Ваҳоланки, ҳозирда топиллиши мумкин бўлган унинг (Бобурнинг – Д.А.) авлодларига оид Ҳиндистонда чизилган портретларда ҳақиқий мўғул миллатининг ҳеч қандай ирсий белгилари кўринмайди".

Ўз фикрини давом этдираркан, Н. Элиас, аввало, мўғул ирсининг белгилари "ўчиб кетиши" учун кўплаб асрлар керак бўлишини таъкидлайди. Олим бу мулоҳазалардан кейин шундай хулосага келади: 1) мусулмон тарихчиларининг асарларини ўқиётганда (бу таъкид ғарб олимларига қаратилган – Д.А.), улар қўллаган қабилла номлари доимо этник маънода қабул қилинавермаслиги лозим, бошқача қилиб айтганда, муаллиф "турк" ёки "татар" (ёки "таргар" – Д.А.) сўзини умумийлаштириб айтмоқдами ёки маълум бир гуруҳ одамларини бошқалардан ажратиш учун миллатига урғу бераётирми, шунга эътибор қилиниши керак; 2) асарларда "мўғул" сўзи кимнингдир миллатини кўрсатиш учун келтирилган ерларда, кўп ҳолларда хато ишлатилган ва шу йўсинда кенг қўлланилиб кетган. Асосан, асл турклар, умуман мўғул бўлмаган қабилалар шу ном билан атаб юборилган; 3) "турк", "татар" ва "мўғул" номларининг қўлланилиши ва аҳамияти турли даврларда турлича бўлган.

Олим бу фикрлар "мўғул" атамасининг илмий муомалада ишлатилишидаги чалкашликлар олдини олишга ёрдам беради, деб умид қилган. Афсуски, синчков олим Н.Элиаснинг билдирган жиддий мулоҳазаларига қарамай, ўшанга ҳам 116 йил (!) ўтибди, жаҳон тарихшунослигида бобурийлар сулоласи ҳалигача "мўғуллар династияси", соҳибқирон Амир Темур эса ғарб энциклопедия ва илмий китобларида "татар", "таргар", "монгол", "мўғул" деб аталмоқда.

Таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али "Амир Темур чамани" эссесида долзарб саволни ўртага ташлайди: "Нима учун Цезар, Искандар, Чингизхон ёки бошқалар ҳақида жаҳонда ҳамма энциклопедияларда бир хил маълумот берилиб, номлари ҳурмат билан бир хил ёзилади-ю Амир Темур ҳақида, худди Клавихо айтгандай, камситмоқчи бўлгандай хилма-хил номлар, таърифлар келтирилади?.. Эҳтимол, бу атай ўқувчини чалғитиш учун қилинар?.. Бундай муносабатга ортиқ йўл қўйиб бўлмаслигини англаб етишимиз керак". АҚШ профессори У.Такстон ҳам "Бобурнома"ни таржима қилар экан, кириш сўзида айнан мана шу мавзуга тўхталган ва Бобур "мўғул" деб аталиб, те мурийдек шарафли нисбасидан бебаҳра қилинганини куйиниб ёзганди. Дарҳақиқат, бундай чалкашликларга чек қўйиш вақти аллақачон етди. Айниқса, "Буюк мўғуллар империяси"ми, "Бобурийлар империяси" деб аталиши керакми қабилда илмий доираларда баҳс бораётган бир пайтда, бу масалага Америка олимларининг қарашлари жуда муҳимлигини таъкидлаш лозим.

Таржимага қайтсак. Юқорида айтиб ўтилган боблар 128 саҳифани ташкил этади. Н.Элиас, таржиманинг бу нашрида Ҳ.Чарбау томонидан чизилган Марказий Осиёнинг ўрта асрлар харитаси ҳам берилган, деб хабар қилади. Аммо, бизга номаълум сабабларга кўра, бу харита асарнинг қўлимиздаги, Вашингтон университети Сюэло кутубхонасида сақланаётган нусхасида йўқ. Таржимада илова, кўрсаткичлар, жой,

киши номлари, хронологиялар мавжуд. Бундан ташқари, китобга учта шажара ҳам киритилган: 1) олим Х. Ховорт томонидан тайёрланган С.Лейн Пулнинг “Муҳаммад сулолалари” (“Muhammadan Dynasties”) китобида босилиб чиққан “Чиғатойлар хонадони” шажараси; 2) профессор Блокманнинг “Ain-i Akbar” китобидан олиниб, қисқартирилган ҳолда берилган “Темурийлар хонадони” шажараси; 3) Элиаснинг ўзи тайёрлаган “Дуғлат амирлари” шажараси.

Кўлимиздаги бу нашр таржима, изоҳу иловаларни ўз ичига олган ҳолда 535 саҳифадан иборат. Китобнинг титул varaғида “Тарихи Рашидий” номи остига изоҳ сифатида “Марказий Осиё мўғуллари тарихи” (“History of Moghuls of Central Asia”) деб кўшимча қилинган.

Муҳаррир таржима жараёнини энгиллаштириш мақсадида исм ва жой номларини мутахассис У. Жоунснинг содда, яъни талаффузи аслиятга иложи борица яқин олинган методига кўра, Ҳиндистон давлати расмий ҳужжатларида бу номлар қандай ёзилган бўлса, шундайлигича олганини сўзбошида таъкидлаб ўтади.

Таржимада учрайдиган ингичка ярим ойсимон қавслар Муҳаммад Ҳайдарга тегишли. Қалин ва бурчакли қавслар, Н.Элиаснинг айтишича, номаълум туркийзабон таржимон томонидан қўйилган. Ингичка бурчакли қавсларни эса муҳаррир билан таржимон ўқувчига матннинг тушунилиши энгил, ўқилиши равон бўлиши ва асар руҳини сақлаш мақсадида берилган сўзлар учун қўллашган. Улар нафақат инглизча сўзларни, балки форс ёки туркийча матнда қўлланилган сўзларни ҳам баъзан қавс ичида бериб кетишган. Масалан, 296-саҳифада ўқиймиз: “The valley of the Shahnaz lies in the western range, and the [high] road from Kashghar to Badakhshan runs through this valley. On the road from Kara Chanak to Kilpin Rabat, is a resting place [manzil] for those coming and going [on the road]. . .” Таржимаси: “Шахноз водийси ғарбий томонда жойлашган бўлиб, Қашғардан Бадахшонга олиб борадиган катта [high] йўл мана шу водийни кесиб ўтади. Қора Чанокдан Киплин Работга кетишда [ўша катта йўлда] келиб-кетиб турганлар учун дам олиш ери [манзил] мавжуд...” Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Н.Элиас изоҳларида ўқувчининг асарни яхшироқ англаши учун ўша давр тарихий контекстини, мантиқан боғлиқ бўлган фактлар билан янада бойитган. Баъзан биттагина изоҳ бир ярим ёки ундан ҳам кўпроқ саҳифани эгаллаганини кўриш мумкин. Масалан, 278-бетда “кўрагон” (муҳаррир инглизчада “kurkan” деб беради) сўзини инглиз ўқувчисига муфассал тушунтириб бериш учун деярли икки саҳифада изоҳлаган. Изоҳларни ёзишда олимлар Ховорт ва Вадел ҳам ўз ҳиссасини кўшганини эслаб ўтиш жоиз.

Н.Элиаснинг хабар қилишича, таржимон Э.Д.Росс бир гапда такрорланган сўзларни таржимада тушириб қолдирган. Бобнинг бошида ёки сўнгида келган олгита юлдузча аслиятда берилган ғазаллар таржима қилинмасдан қолдирилганини аңлатади. Баъзи ўринларда ўгирилмаган ғазалларни ўқувчига билдириш учун ингичка бурчакли қавслар ичида “verses” – “ғазаллар”, “verse” – “ғазал” ёки “two couplets” – “икки байт” ва ҳ.к. деб берилади. Бироқ ғазаллар ҳамма ерда ҳам қолдириб кетилмаган.

Қисқа вақт, яъни етти ой давомида 535 саҳифали таржимани изоҳлар билан тайёрлаш (бу яна 128 бетли кириш қисмидан ташқари) қанчалик изланиш ва меҳнат талаб қилганини тасаввур этиш қийин эмас. Бу борада Ней Элиаснинг ғайрат-шижоати, албатта, таҳсинга лойиқдир.

“Тарихи Рашидий”га бўлган қизиқиш тобора ортиб борганини Росс таржимаси иккинчи марта 1898 йили Лондондаги “Curzon” нашриётида ҳеч қандай ўзгаришларсиз босилиб чиққанидан ҳам кўриш мумкин. 1973 йили эса Патнадаги “Academica Asiatica” нашриётида учинчи нашр

амалга оширилди (Иккинчи ва учинчи нашрлар ҳам ҳар бири 535 бетдан иборат). Иккисида ҳам харита берилган. Хаританинг машҳур Буюк Британия жуғрофий журналида ҳам алоҳида босилиб чиқиши нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.




1970 йили 1898 йилги нашр, бу сафар харитасиз, Нью-Йоркдаги “Prager” нашриётида босиб чиқарилади.

“Тарихи Рашидий”нинг 696 саҳифадан иборат нусхаси 2008 йили бешинчи марта, Нью-Йоркдаги “Cosimo Inc.” босмаҳонасида чоп этилди. Бу нашр “A History of Moghuls of Central Asia: The Tarikh-i” деб номланган.

1996 йили профессор У.Такстон “Тарихи Рашидий”ни инглизчага тўлиқ ўгиради, кириш сўзи ёзиб, изоҳлар, кўрсаткичлар, харита илова қилади ва Харвард университетигаги Яқин Шарқ тиллари ва маданияти факультетида нашр этади. Таржимон асардаги шеърӣй парчаларни ҳам инглизчага ағдариб, курсивда бергани эътиборга молик. Нашр “Mirza Haydar Dughlat’s Tarikh-i-Rashidi: A History of the Khans of Moghulistan” деб номланган.

“Тарихи Рашидий”нинг инглизчага таржималари ва қайта нашрлари – ғарб олимларининг Туркистон-Турон замини тарихига бўлган қатта қизиқишини кўрсатади. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу қизиқиш ўз вақтида сиёсий мақсадлардан холи бўлмаган, албатта. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, “Тарихи Рашидий” билан танишиб чиққанларнинг кўпчилиги Ҳиндистон, умуман, Шарққа маълум бир мақсадда юборилган ҳарбий шарқшунослар бўлганини эсда тутишимиз лозим. Бугун эса “Тарихи Рашидий”нинг хориж олимлари учун аҳамиятли экани сабаби унда Марказий Осиёнинг кам кўрсатилган даври ёритилгани, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётга, тарих, география, этнография ва ҳоказоларга оид маълумотлар кўплиги, энг муҳими, асар ёритилган даврни ўз кўзи билан кўрган шу замин фарзанди томонидан ёзилганидир. Бинобарин, ҳали бу нодир асарнинг инглиз тилига янги таржималари, унинг тарихий аҳамиятига бағишланган тадқиқотлар пайдо бўлишига шубҳа йўқ.

Дилбархон АҲМЕДОВА,  
тадқиқотчи (АҚШ)



## МЕТАФОРА – ПОЭТИК ТАФАККУР АСОСИ

Юнон мутафаккири Арасту ўзининг “Поэтика” асарида шоирга тавсиялар бераркан, метафора қўллашда ижодий моҳорат кераклигини алоҳида уқтиради ва таъкидлайдики: “... фақат шунигина ўзгалардан ўзлаштириб бўлмайди, бу қобилият (яъни метафора яратиш – О.К.) истъёдорнинг белгиси бўлиб хизмат қилади. Ахир, яхши метафоралар яратиш – ўхшашликни кўра олиш демакдир”<sup>1</sup>. Англашиладики, Арасту метафора яратиш қобилиятини туғма истъёдор билан боғлиқ тушунади, шунинг учун ҳам буни бошқалардан ўзлаштириб бўлмайди дейди. Албатта, файласуфнинг “ўхшашликни кўра олиш”га урғу бериши ҳам бежиз эмас. Сабаби бунинг учун санъаткорона нигоҳ керак, ўхшашликни кўра олиш образли тафаккур этишнинг энг муҳим шартидир. Яъни, гарчи Арасту таъкидлаб айтмаган бўлса ҳам, бу ерда поэзияга хос образли тафаккур назарда тутилаётганини билиш мумкин. Метафора шеъриятда образли тафаккур натижаси бўлиб яралади.

Метафора тил ҳодисаси бўлса ҳам, ўзининг бу хусусиятини поэтик нутқдагина тўла намоён этади. Бошқача айтсак, метафора поэтик нутқдагина бадиият ҳодисаси, яъни бадиий образ сифатида қабул қилинади. Зеро, метафора нарса-ҳодисани шунчаки атабгина қўймайди, балки уни бошқа нарса-ҳодисага қиёсан тавсифлайди, онгимизда аталаётган нарса ҳақида жонли тасаввур – образ яратади. Таъкидлаш керакки, бу образ поэтик нутқдагина асл ҳолича, яъни образ сифатида қабул қилинади, нутқнинг бошқа кўринишлари доирасида эса унинг пировард мақсади номинация бўлиб қолаверади ва тушунча сифатида қабул қилинади.

Мазкур қиёсдан метафоранинг поэзиядаги ўрни ва аҳамияти нечоғли катта эканлигини билиб олиш мумкин. Зеро, яхши маълумки, санъат, хусусан, поэзия образли тафаккур қилиш ва образли ифодадир.

Метафорани тафаккур жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб кучайди. Немис файласуфи Э.Кассирер миф, тил ва санъатнинг генезисини битта ибтидога – рухга боғлайди, улар азалда бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ва шу сабаб уларнинг генезисини бир бутунликда ўрганиш лозим деб уқтиради. Кейин эса, инсонда абстракт (мавҳум) тафаккур қилиш имконининг ортиши баробарида, уларнинг орасидаги боғлиқлик сусайиб борган. Натижада, сўз ўзининг образли табиатини йўқотиб, нарса-ҳодисанинг абстракт номига айланган. Бирок, олимнинг фикрича, рухнинг бир соҳаси борки, унда сўзнинг образлилиги (тасвирийлиги) сақланадигина эмас, балки муттасил янгиланиб туради ва бу соҳа поэзиядир. Сабаби поэзия қадим илдизи – миф билан алоқани узмаган, аксинча, унинг энг сара намуналари миф билан мудом алоқада, унда оламга мифологик назар ташлаш қайта туғилади. Фақат энди поэзияда яшовчи рух сўз ва мифологик образни бошқаради, энди улар илоҳлар ё иблисларнинг мифологик оламини ҳам, абстракт тушунча ё муносабатларнинг мантикий ҳақиқатини ҳам ифодаламайди. Аксинча, поэзия улардан фориг бўлиб, тахайюл оламига айланади, бу оламда эса рух эркин парвоз қилади ва шунинг учун ҳам конкретлашган соф ҳислар ўз ифодасини топади. Зеро, бадиий ифода учун қўлланувчи сўз поэзияда ўзининг янги, эстетик ҳаётини бошлайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Аристотель. Риторика. Поэтика. – М.: Лабиринт, 2000. – С. 173.

<sup>2</sup> Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – С. 41-42.

Кўряпмизки, Э.Кассирер поэзияни руҳ билан боғларкан, унда сўзнинг образли табиати ва оламга мифологик назар қайта туғилишини, шулар туфайли сўзнинг эстетик ҳаёти бошланишини таъкидламоқда.

Аслида, Э.Кассирернинг поэзияда оламга метафорик назар қайта туғилади дейишида ҳам асос бор, чунки бу ўринда мифологик тафаккур ўрнини эгаллаган поэтик тафаккур назарда тугилади. Э.Кассирернинг фикрларини бошқа олимлар фикри билан чоғиштирадиган бўлсак, рус олими А.Потебня метафориклик – “тилнинг доимий хусусияти” деганида ҳар қандай сўзни образ деб тушунишни таклиф қилади. Шу билан бирга, олим образ ва у ифодалаётган маъно бошқа-бошқа нарсалар эканлигининг идрок этилиши билан юзага келувчи метафорани ҳам фарқлайди ҳамда бунинг натижасида мифологик тафаккур йўқола бошлаганини таъкидлайди<sup>1</sup>. Мифологик тафаккурнинг йўқола бориши билан метафоранинг пайдо бўлиши орасида алоқадорлик мавжудлигига О.Фрейденберг ҳам эътибор қаратади. Фақат олима буни мифга ишонч-этикоднинг йўқолишига эмас, балки образли тафаккурдаги структур ўзгаришга боғлаб тушунтиради: образ аниқ ўхшатиб бериш (мимесис)дан ўқувчи диққат марказига талқин қилинаётган маънони қўйиш йўналишида ривожланди, натижада метафора юзага келди<sup>2</sup>. Хуллас, мифологик тафаккур ўрнини метафорик тафаккур эгаллаши инсон онгининг ўсиши билан боғлиқ ҳодисага айланиб борди. Поэзиянинг метафорага мойиллиги эса унда объектив олам – реал воқелик билан субъектив олам – инсон шахсининг тўқнаш келиши туфайли бўлиб, уларни орадаги ўхшашлик орқали англашга интилиш метафорани тақозо этади. Шунинг учун ҳам метафоранинг кенг тарқалган асосий кўринишлари жонлантириш ёки предметлаштириш асосида амалга ошади. Хусусан, жонлантириш асосидаги метафоранинг қадимийроқ экани унинг илдизлари мифологик тафаккурдан сув ичишидан далолат беради. Бу эса метафора мифологик тафаккур ўрнини эгаллади дегани бўлиб, поэзияда оламга мифологик назар қайта туғилади деган фикрни шу маънода тушуниш керак.

Юқоридагилардан поэзияда сўзнинг эстетик ҳаётини таъминлаётган асосий омил метафориклик экани маълум бўлади. Шунинг учун ҳам поэзияда метафоранинг ўрни ҳақида жуда кўп фикр билдирилган. Жумладан, структурализмнинг таниқли намояндаларидан бири Р.Якобсон фикрига кўра, “поэзия асосида ўхшашлик принципи ётади” ва шу жиҳати билан у “алоқадорлик”ка асосланувчи наср билан қарама-қаршилиқ ҳосил қилади<sup>3</sup>. Академик В.М.Жирмунский эса бутун бошли адабий йўналиш – романтизмнинг асосий хусусиятини метафорикликда кўради, чунки романтизм учун “метафора воқеликни романтик қайта яратиш усулидир”<sup>4</sup>. Шунингдек, кўп ҳолларда метафора, метафориклик алоҳида шоир услубининг асосий белгиси сифатида ҳам кўрсатилади. Масалан, В.М.Жирмунский А.Блокни, Р.Якобсон эса В.Маяковскийни “метафора шоири” деб атайдилар<sup>5</sup>. Бу эса метафоранинг услуб белгилувчи хусусияти ҳақида гапиришга асос беради. Шунинг учун ҳам В.М.Жирмунский метафорага ҳар доим бажараётган функцияси нуктаи назаридан қараш керак, чунки метафоранинг қандай ишлатилаётгани шоир услуби ва дунёқарашининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ деб ёзади<sup>6</sup>.

Х.Ортега-и-Гассет метафоранинг фан ва поэзиядаги ўрни ҳақида тўхталиб, метафора илмда ёрдамчи мақомида бўлса, поэзияда моҳиятни ташкил қилишини айтади. Бирок, унинг ёзишича, эстетика метафорада фақат “тўзалликнинг жозиб жилвасинигина кўради”, шу сабабли унга

<sup>1</sup> Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М., 1976. – С. 341.

<sup>2</sup> Поэтика: Труды русских и советских поэтических школ. – Будапешт, 1982. – С. 64-66.

<sup>3</sup> Якобсон Р. Два аспекта языка и два типа афатических нарушений // Теория метафоры. – С. 130.

<sup>4</sup> Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. Курс лекций. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С. 335.

<sup>5</sup> Қаранг: Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. – С.426-432; Якобсон Р. Работы по поэтике. – М., 1987. – С. 326

<sup>6</sup> Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. – М., 2004. – С. 441.

ҳақиқат категориясини татбиқ этмай, билиш қуроли деб ҳисобламай келинади. Бу эса поэзияга тадқиқотчилик мақсадлари ёт эмаслигини, унинг ҳам фан каби позитив фактларни очиб беришга қодирлигини сезишга ҳалақит беради. Ҳолбуки, поэзиянинг оламини билишда ўрни жуда катта, бироқ унинг бу борадаги аҳамиятини жуда кам одам тасаввур қила олади<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, аввалига поэзияга хос ҳодиса, шунда ҳам нутқ безаги сифатида тушунилган метафора эндиликда фикрий фаолиятнинг барча кўринишларига ҳам бирдек хос эканлиги эътироф этилиши аён бўлиб бормоқда. Гассетнинг фикридан шундай хулоса келиб чиқадики, метафорани поэзияда ҳам фақат нутқ безаги эмас, балки бадиий тафаккур асоси сифатида тушунилса, тўғри бўлади. Чунки метафора шоирга ўзининг ички оламини (ташки оламга қиёсан) ва ўздан ташқаридаги оламини (ички оламга қиёсан) англашга ёрдам берувчи тенги йўқ воситадир.

Яхши маълумки, ҳозирги вақтда метафора атамаси нафақат нутқ воситасида амалга ошувчи бадиий коммуникацияга, балки бадиий информация етказишнинг бошқа турлари (масалан, рақс, кино, рассомлик) га нисбатан ҳам қўлланади. Шунинг учун ҳам Ортега-и-Гассет юқорида тилга олинган мақоласида агар масалага чуқурроқ ёндашилса, эҳтимол, “метафора” атамасидан воз кечишимизга тўғри келган бўлур эди, чунки у бизни чалғитиб кўйиши мумкин, деган фикрни билдиради<sup>2</sup>. Албатта, файласуфнинг бу фикрида жон бор. Биринчидан, юнонча “метафора” сўзининг луғавий маъноси “кўчириш” бўлиб, у дастлаб умуман кўчма маъноли сўз (троп) сифатида ишлатилган. Ҳозирда бу термин билан фақат ўхшашлик асосидаги кўчим юритилиши маъно торайиши натижасидир. Иккинчи томондан эса, ушбу атаманинг қўлланилиш доираси, маъно кўлами ҳозирда жуда кенг: метафора маънони билвосита ва образли ифодалашнинг ҳар қандай кўринишини англатмоқда (масалан, рассомлик санъатидаги тасвирий образ ҳам, агар кўчма маънони бўлса, метафора деб юритилаверади). Бундан ташқари, метафора маъно кўламини бадиий адабиётда ҳам бениҳоя кенгайтирган. Натижада ҳозир биз ўхшашликка асосланиб кўчма маънода қўлланган биргина сўзни ҳам, матннинг бир бўлаги (мисра, банд; жумла, абзац;) да ифодаланувчи образни ҳам, баъзан эса бутун бошли асарни тўлалигича ҳам метафора деб атайверамиз. Тўғри, кейинги икки ҳолни баъзан “ёйиқ метафора” ёки “метафорик образ” деб аниқлаштириб ҳам атаймиз, лекин қисқа қилиб “метафора” дейиш кўпроқ учрайди. Демак, поэзияда метафора терминининг қўлланилиш доираси кенгайди, бу эса унинг маъно доираси ҳам кенгайганини билдиради. Яъни, агар аввалига метафора терминида маъно торайиши (умуман кўчма маънодаги сўз – ўхшашлик асосидаги кўчма маъноли сўз) юз берган бўлса, янги даврдан бошлаб унда маъно кенгайиши жараёни кузатилади. Натижада энди метафорани жуда кенг, яъни поэзияда (умуман санъатда)ги бир нарса-ходиса моҳиятини иккинчи бир нарса-ходиса орқали очиш деб тушунила бошланди.

Юқорида метафорани моҳиятан санъатнинг кичик модели дейиш мумкинлигини айтдик. Метафора бадиий тафаккурнинг асосий механизми эканлиги, бадиий тафаккур метафорик шаклда кечиши шундай дейишга асосдир. Буни қандай тушуниш керак? Аввало, санъатдаги, жумладан, поэзиядаги образ конкрет ҳис этилади, демак, у нарсанинг аксигина эмас, балки унинг ўзи бошқа нарсадир. Образ ўзи акс эттираётган нарсани англаш воситаси эканлигини эсга олсак, унинг ўзи табиатан метафорик эканлиги кўринади. Худди шундай ёндашув бутун бадиий асарга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин, зеро, эстетика ва адабиётшуносликда бадиий асарнинг ўзи бутун ҳолича битта образга тенг деган қараш мавжуд<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Х.Ортега-и-Гассет. Две великие метафоры. //Теория метафоры. – М., 1990. – С. 72.

<sup>2</sup> Х.Ортега-и-Гассет. Две великие метафоры. //Теория метафоры. – М., 1990. – С. 70.

<sup>3</sup> Қаранг: Боров Ю. Эстетика. – М., 1987. – С. 148-154.

Демак, поэзияда метафоранинг ўрнига жуда катта аҳамият берилиши, унинг асосида ўхшашлик принципи ётади дейилишига етарли асос бор. Сабаби метафора принципи поэтик асарнинг барча сатҳларида, тилидан бошлаб композицион қурилишигача амал қилади. Фақат муайян асарда бу тамойил сатҳларнинг ҳаммасида ҳам доминант хусусият сифатида яққол кўзга ташланмаслиги мумкин. Масалан, В.М.Жирмунский “метафора шоири” деб атаган А.Блок шеърларидаги метафориклик шеърнинг барча сатҳларида бирдек намоён бўлади. Худди шу олим Пушкин услубига метафориклик у қадар хос эмас деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Бирок, гарчи метафора Пушкин шеърларининг тилида ёки композицион жиҳатдан уюштирилишида А.Блок шеърларидаги каби ҳал қилувчи аҳамият касб этмаса-да, барибир, поэтик образлари ёки шеърларининг ҳар бири кенг маънодаги метафориклик принципи доирасидадир. В.М.Жирмунский кўпдан дарслик ва қўлланмаларда эслатилувчи мазкур фикрига далил қилиб Пушкиннинг машҳур “Я вас любил” (“Мен сизни севардим”) шеърини келтиради. Дарҳақиқат, саккиз мисрали бу шеърда “севги сўнмаган” (“Любовь ещё быть может, В душе моей угасла не совсем”) тарзидаги биргина метафора ишлатилган. Лекин, табиийки, гап сонда эмас, шу биргина метафоранинг ўзи шеър мазмунининг асосини ташкил қилади. Чунки ўша “сўнмаган севги”, бир томондан, лирик қаҳрамоннинг шеърда мурожаат қилинаётган аёлга муносабатини белгилайди, иккинчи томондан, лирик қаҳрамон ички оламини очиб беради. Яъни шеър мазмуни, руҳи, ҳиссиётга бойлиги “сўнмаган севги” туфайли англашилади. Демак, бунда метафоранинг аҳамияти жуда катта, анъаналарга содик Пушкин тилга кўп эътибор беришига қарамай, у қўллаган биргина метафора ҳам функционал жиҳатдан ўта фаол, шеърда мазмуний ва ҳиссий жиҳатдан уюштирувчилик вазифасини бажаради.

Пушкин шеърларидаги биргина метафоранинг аҳамияти ҳақида айтилган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳақиқатан ҳам, метафорага ҳар доим функционал жиҳатдан қараш керак. Фақат бу ўринда юқорида келтирилган В.М.Жирмунский фикрини бироз тўлдиришга тўғри келади. Яъни метафорага функционал жиҳатдан қараш фақат шоирнинг услуби ёки дунёқарашини англаш учунгина зарур бўлмай, метафоранинг табиати билан боғлиқ юзага келувчи заруратдир. Шу заруратдан келиб чиқиб, бизнингча, метафорага функционал жиҳатдан қараганда, бир томондан, унинг шоирга дилидагини ифодалаш, иккинчи томондан, шеърхонга уларни ҳис қилишга қанчалик ёрдам бераётганини диққат марказига қўйиш муҳим. Зеро, метафора ижодий фаолият маҳсули экан, худди баддий асар ёки образ каби иккала томонни, ижодкор ва ўқувчини бирдек назарда тутишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам метафорани “тилнинг туши” деб атаган америкалик файласуф Д.Дэвидсон бу тушнинг таъбири туш эгаси билан таъбирчи ҳамкорлигида амалга ошишини уқтиради.

*Обиджон КАРИМОВ,  
филология фанлари номзоди*

<sup>1</sup> Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. – М.: 2004. – С. 341.

## ЎЗБЕК КИНЕМАТОГРАФИЯСИНИНГ АСОСЧИСИ



Ўзбекистон кинематографияси ўзининг бир асрлик тараққиёт босқичини бошдан кечирди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, дастлабки фототасвир 1908 йилда Худойберган Девонов томонидан суратга олинган. Шу боис, таваллудига 135 йил тўлган бу ижодкор Туркистоннинг биринчи кинооператори деб эътироф этилади.

У 1879 йил 3 августда Хивада, Хўжайлининг мулк нозири ва бошқарувчиси Нурмуҳаммад Девонов хонадонида дунёга келган. Яхши таълим олган Худойберган турк, форс, араб ва рус тилларида сўзлаша оларди. Қизиқишлари доираси шу даражада кенг – санъатнинг деярли барча турларидан хабардор эди. Шеърятга қизиқар, ўзи ҳам шеър ва ғазаллар ёзиб турарди. Деярли барча миллий мусиқа асбобларини маҳорат билан чала оларди. У омилкор боғбон ҳам бўлиб, ўз боғида агиргулнинг қирқдан ортиқ навини ўстирган. Аслида, Худойберган Девоновнинг ютуғи ҳам мана шунда – айнан укувли эканида эди. У қайси соҳага қизиқмасин, албатта янгиликка интиларди.

Худойберган Девонов тақдир тақозоси билан Хива яқинидаги Оқмачит шаҳарчасида яшовчи

немис меннонитларидан бўлган Вильгельм Пеннер билан танишиб қолади. Фотография билан шуғулланган Пеннер хоразмлик йигитчага тасвирга олиш сирларини ўргатади. Шундай қилиб, Худойберган Девонов фотография ва кинематография соҳасига кириб келади ва бутун умр шу фаолият билан шуғулланади. Ўша давр ақидаларига кўра, жонли мавжудотни тасвирлаш тақиқланганига қарамай, у ўзбеклардан чиққан биринчи фотограф ҳамда кинематограф бўлди. Отаси ҳам ўғли танлаган соҳа қанчалик хатарли эканини билса-да, уни аҳдидан қайтариш бефойда эканини яхши англади.

Ҳомийлик борасида унга Хива хонлиги вазири Ислом Хўжа яқиндан ёрдам беради. Бу маърифатпарвар инсон даврида хонликда Европа типигаги шифохона, биринчи пахта тозалаш заводи, почта, телеграф ва замонавий дорихоналар ишга туширилади. Ислом Хўжанинг шахсий маблағи асосида хонликдаги дастлабки дунёвий билимлар, хусусан, математика, физика, кимё ва бошқа ижтимоий фанлар ўқитиладиган замонавий мактаб қурилади. У ўзининг иш юритувчиси ва мирзаси Худойберган Девоновнинг фотография соҳасидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Хива хонининг 1908 йили Санкт-Петербургга жўнатилган Ислом Хўжа бошчилигидаги делегацияси таркибида Худойберган Девоновнинг ҳам борлиги тасодиф эмас эди.

Худойберган Девонов Россия пойтахтида фотография ишлари қандай ташкил этилгани билан яқиндан танишиш ҳамда сеvimли ишининг нозик томонларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида икки ойдан ошироқ вақт сафарда



бўлади. У ерда кино олиш, намоиш қилиш бўйича таҳсил олиб, фото ва кино материаллар тўплайди, кинокамера сотиб олади... Ватанга қайтиши билан тасвирга олиш ишларини бошлаб юборади. Одамлар гавжум жойларда хориждан олиб келган кинотасвирларни намоиш



маҳбус сифатида Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги лагерга жўнатилади. Кексайганида хорлик кўрган Х. Девонов панжара ортида 1940 йили ҳаётдан кўз юмади. Шу тахлит Ўзбекистонда фото ва кинога асос солган ижодкор ҳаёти фожиали якун топади. 1958 йилда



этиб, ватандошларимизда бу янги санъат турига қизиқиш уйғотади.

Бир сўз билан айтганда, 1908 йил ўзбек киноси туғилишида муҳим давр бўлди. Худойберган Девонов мустақил тарзда 1910 йили Хива хони Асфандиёрхоннинг фойтунда келишини, тарихий обидалар, миноралар, масжид ва бошқа меъморий дурдоналарни кинотасмаларга муҳрлайди. Унинг дастлабки ишларидан “Ўлкамиз меъморий ёдгорликлари” (1913 й., 114 метрли кинотасма), “Туркистон манзаралари” (1916 й., 100 метрли кинотасма) кабилар ҳам ўша давр руҳини акс эттирувчи ноёб ёдгорликлардан саналади. Маҳоратли фотографнинг ижодий ишлари туфайли бошқа халқлар вакиллари ҳам тарихи бой Хоразм ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлади.

1920 йили Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил топгач, Худойберган Девонов молия вазирини этиб тайинланади. Хизмат вазифаси тақозосига кўра, кўп бора Москвада бўлади ва янги-янги фильмлар олиб келади. “Совкино” акционерлик жамиятининг киномуҳбири сифатида фаолият кўрсатади. У суратга олган кўплаб киносюжетлар “Союзкиножурнал” намоишларидан ўрин олади.

1937 йили кўпгина зиёлилар сафида Худойберган Девонов ҳам қатағонга учрайди ва сиёсий

қатағон қилинган бошқа юртдошларимиз қаторида Худойберган Девонов номи ҳам оқланади.

Афсуски, Худойберган Девонов ижодий меросининг кўп қисми у ҳибсга олинганидан сўнг йўқотиб юборилган. Бизгача унинг айрим ишлари сақланиб қолган, холос. Меросининг бир қисми Красногорскдаги Давлат марказий архивида сақланса, қолган, қаттагина қисми Урганчдаги Девоновлар хонадонига тегишли архивдан жой олган. Бу архив – аср бошидаги воқеалар тасвирланган фотосуратлар, негативларнинг шиша пластинкалари, кинотасмалар, фотоальбомлар, ёзишмалар ва энг ажойиби, мўъжиза туфайли сақланиб қолган бебаҳо ёдгорлик – Худойберган Девоновнинг ўзи ишлатган “Патэ фререз” кинокамерасидан иборат.

Кўплаб киношунослар, хусусан, Ханжара Абулқосимова, Жўра Тешабоев, Нигора Каримова, Хамидулла Акбаров кабиларнинг фикрига қараганда, Худойберган Девонов нафақат Ўзбекистонда, балки, бутун Марказий Осиёда фото ва кино тасвирга олишда етакчи ҳисобланади.

2013 йили Хиванинг Ичан-Қалъа қисми тўлиқ таъмирдан чиқарилгач, Худойберган Девонов номидаги эски кинотеатр яна фаолият бошлади. Ушбу киномажмуанинг тантанали очилиш маросимида миллий кинематографиямиз-

нинг дурдоналаридан саналган фильмлар намойиш этилди. Ушбу намойишнинг асосий қисмини Худойберган Девонов суратга олган қисқа метражли ва хужжатли фильмлар ҳамда тасвирга олиш жараёни Ичан-Қалъада кечган бошқа турли жанрдаги фильмлар ташкил этди.

2006-2007 йилларда Москва, Женева шаҳарларида бўлиб ўтган кўргазмаларда Худойберган Девонов суратга олган ишлар ҳам намойиш этилиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. 2007 йилда Франция ва Бельгия сенатида “Ўзбек фотографияси антологияси” кўргазмаси ташкил этилиб, ундан Худойберган Девонов ишлари ҳам ўрин олди. Унинг ижод намуналари, ҳаётига оид қизиқарли тафсилотлар кўргазмага ташриф буюрган

мухлисларни бефарқ қолдирмади. 2009 йилда Тошкент шаҳрида “Ўзбек фотосаҳъати асосчиси ва биринчи кинооператори Худойберган Девонов таваллудининг 130 йиллиги” муносабати билан алоҳида фотокўргазма ташкил этилди. Кўргазмада атоқли саҳъат намояндасининг бутун ҳаётига оид материаллар мухлислар эътиборига ҳавола қилинди. Айтиш жоизки, Худойберган Девонов фаолиятига бағишлаб кўплаб мақолалар, китоблар ёзилган, қатор хужжатли фильм суратга олинган. Унинг номи ҳақли равишда ўзбек фото ва кинематографияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Зотан, Худойберган Девонов ижодисиз нафақат Хоразм мадаҳияти солномалари, айна чоғда Ўзбекистон саҳъати тарихи тўлиқ бўлмайди.

*Элдор ЙЎЛДОШЕВ,  
ЎЗДСМИ тадқиқотчиси*





*Миллий театр санъатимиз ўзининг қадим анъанавий шаклидан замонавий профессионал театр шаклига ўтганига бу йил роппароса бир аср бўлди. 1914 йилда маърифатпарвар боболаримиз Бехбудий, Авлонийлар Самарқанд ва Тошкентда театр труппалари ташкил этган эдилар. Хусусан, Тошкентда Бехбудий асари, Авлоний раҳбарлиги ва режиссёрлигида “Турон” ҳаваскорлик театри иш бошлаган, шунинг билан ўзбек саҳна санъати ўзининг профессионал йўлига чиқиб олган эди. Аини шу “Турон”нинг “вориси” Ўзбек Миллий академик драма театри ташкил топганига расман 100 йил тўлди. Бу муддат ичида Миллий театримиз саҳнасида ижод қилиб, унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшган қанча-қанча улуг санъаткорлар яшаб ўтди, яна қанча-қанчаси ижод қилиб келмоқда. “Жаҳон маданияти ва санъати” бўлимимизда август ойида тузилган ва шу театр саҳнасида камол топиб, халқ меҳрини қозонган атоқли санъаткорлар ҳақида эссе-мақолалар тақдим этмоқдамиз.*

## МИЛЛИЙ ТЕАТРИМИЗ ОНАХОНИ



тарихи зарварақларидан муносиб ўрин олган қатор спектакллар, забардаст режиссёр ва актёрлар кўз олдимизга келади.

Шундай ижодкорлардан бири Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева устозлардан таълим олган ва бугунги кунда ўзи ҳам мураббий даражасига етиб, кейинги авлод актёрларига намуна бўлиб келаётган санъаткорлардан биридир.

У 1930 йил 14 августда Тошкент шаҳрида туғилган. Актриса ҳаёти давомида юздан ортиқ турли-туман роль ижро этиб, ўз устида тинмай ишлаган забардаст актриса сифатида халқ меҳрига сазовор бўлди. Миллий драматургиямиз етук на-

Ўзбек Миллий академик драма театрининг бир асрлик ижодий йўлига назар ташланса, нафақат театр, балки миллий маданиятимиз



муналаридан Абдулла Қаҳхорнинг “Шоҳи сўзана”сида Ҳафиза, “Оғрик тишлар”да Хумораҳон, Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи”сида Гулбаҳор, Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” спектаклида Гавҳаршодбегим, Иззат Султоннинг “Номаълум киши”сида Турғуной, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”ида Гулнор каби ранг-баранг образлар актриса маҳоратидан далолатдир.

Яйра Абдуллаева А.Гинзбург ва О.Хўжаевлар томонидан саҳналаштирилган “Номаълум киши” спектаклида Турғуной ва ўғил бола либосида Кичкинтой номи билан одамлардан яширин равишда кўзи ожиз Нурбобо бахшини етаклаб юрвчи набира ролини ижро этган. У асар бош қаҳрамони Ниёзнинг жасоратини эшитиб, уни ғойибона севиб қолади. Ниёз у билан Турғуной сифатида бир неча бор учрашган бўлса-да, аммо “Кичкинтой” Турғуной эканлигини билмаган. Спектакль охирида Ниёзга отилган ўққа кўксини қалқон қилган Кичкинтой йиқилганда бош кийими тушиб кетиб, Турғуной эканлиги билинганча, Ниёз (О.Хўжаев) лол

бўлиб қолади... Актриса бу образда, гоҳ “ўғил бола”, гоҳида қалбида муҳаббат уйғонган киз тимсолида гавдаланиб, ўз маҳоратини намоён этади.

Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Шариф Қаюмов, Баҳодир Йўлдошев каби етук режиссёрлар билан ишлашга мушарраф бўлганлиги актрисанинг бахти дейиш мумкин. Чунки бу режиссёрлар саҳналаштирган бадий юксак спектаклларда образ устида ишлаш, қаҳрамонининг ички дунёсига кириб бориш, инсоннинг нозик туйғуларини тараннум этиш, образ ҳаёти билан яшаш каби хислатларни чуқур ўрганади.

Яйра Абдуллаеванинг мураккаб характерларни жонлантира олиш қобилиятини сезган

режиссёрлар унга йирик образларни ишониб топшира бошлайди. У хорижий драматургия намуналарида ҳам тўлақонли характерлар яратиб, режиссёрлар ишончини қозонади. “Юлий Цезар”да Перция, “Антигона”да Антигона, “Ғариблар”да Анита, “Хар тўқисда бир айб”да Мамаева, “Жонимни ол, жонгинам”да Сийенхоним, “Ўғирланган умр”да Кей каби образлари шулар жумласидандир.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида таниқли режиссёр Тошхўжа Хўжаев томонидан япон драматурги Моримото Каорунинг “Ўғирланган умр” (А.Абдуллаев таржимаси, рассом – Г.Визель) асари асосида саҳналаштирилган спектакль бадий-ғоявий теранлиги билан театр тарихида улкан воқеа сифатида эътироф этилди.

Спектаклда бош қаҳрамон – Кей образини яратишга Яйра Абдуллаева бутун қалб кўрини бағишлади. Бу образ нафақат актриса таржимаи ҳолида, балки театр тарихидаги ёрқин образлардан бири сифатида солнома-ларга киради.

Ўн олти ёшли маъсума кизча киёфасидаги актриса ёш кизалокка хос гап-сўзлар, хатти-ҳаракат, самимийлик, ўзига хосликни усталик билан топадики, томошабин уни ўттиз беш-қирқ ёшлардаги аёл ўйнаганини сезмайди.

Спектакль давомида ёш ва гўзал Кейнинг қийинчиликда ўтган болалиги, бадавлат Цуцуми хонадонига жойлашиб олгач, ғайрат ва тadbиркорлик билан меҳнат қилиб, хонадон соҳиблари ишончини қозониши, айна чоғда қалбида бойликка интилишнинг кучайиб бориши ва пировардида маънавий олами тобора кемтиклашиб, таназулга юз тутиши ғоят ишонарли талқин этилади. Актриса шахсий ҳаёти бесаранжом, ҳатто бойлик илинжида севган йигитидан воз кечиб, бадавлат одамга турмушга чиққан, алалоқибат ёлғизлик фожиасига учраган аёл образини бениҳоя маҳорат билан талқин қилади.

Ўша давр матбуотида Яйра Абдуллаева ижодига баҳо берилиб, "... актриса Кей образи мисолида бутун умри давомида барча ёшга мансуб тимсолларни қандай талқин қилишни орзу қилган бўлса, ҳаммасига бирдан эришди", деб эътироф этилади.

Режиссёр Тошхўжа Хўжаев С.Азимовнинг "Аср драмаси" (Рассом – Г.Брим) пьесасини публицистик жанрда саҳналаштирган бўлиб, унда Шарқ мамлакатларининг бирида юзага келган ўткир муаммолар ифодаланган. Спектаклдаги муваффақиятли образлардан бири – Ойишани Яйра Абдуллаева ижро этган. Пьесадаги бу образ етакчи бўлмаса-да, режиссёр талқини ва актриса ижроси орқали мазкур роль образ даражасига кўтарилди. Актриса ижтимоий ва шахсий зиддиятлар гирдобида қолган, севги ва бурч ўртасида ўртанаётган инсон руҳиятининг эврилишларини нозик ифодалашга эришади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида, тарихий мавзудаги қатор муваффақиятли спектакллар саҳна

юзини кўради. Таникли шоир ва драматург Туроб Тўланинг "Нодирабегим" ("Қуввай қаҳқаҳа") пьесаси Баҳодир Йўлдошев (рассом – Г.Брим) томонидан саҳналаштирилади. Спектаклда ҳассос шоира, давлат арбоби, Қўқон адабий муҳитининг етук вакили Нодирабегим ҳаётининг сўнгги дамлари тасвирланган. Бу образни яратишда Яйра Абдуллаева Нодирабегимнинг шоиралигидан кўра ҳукмдорлик хислатига кўпроқ урғу беради. У Амир Насрулло ва унинг гунашталари билан бўлган тўқнашувларда адолат ва маърифат ҳомийси, қатъиятли аёл сиймосида намоён бўлади.

Яйра Абдуллаева Мустақиллик йилларида ҳам самарали ижод қилиб, саҳна ва фильмларда роллар ижро этиб келмоқда. Кейинги йилларда яратилган роллари орасида испан драматурги Алехандро Кассонанинг "Дарахтлар тик туриб жон беради" пьесаси асосида режиссёр Валижон Умаров томонидан саҳналаштирилган спектаклдаги Буви образини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Актриса талқинидаги Буви ўзининг ўй-хаёллари билан яшаётган бўлса-да, лекин ундаги ички тетиклик, кибор кўриниш, юриштиришида бир олам маъно акс этади. Тақдирнинг кутилмаган зарбаси туфайли ўғлидан жудо бўлган бахтсиз онанинг шафқатсиз синовларга бўйин эгмай, қаддини дарахтдай тик тутиб яшаши, сўнгги умиди бўлган набираси ташлаб кетиб, барча умидлари пучга чиққан бўлса-да, мустаҳкам иродаси, пок виждони билан мардонавор жон таслим қилиши Я. Абдуллаева ижросида мукамал ифода топди.

Актриса саҳнадаги фаолияти билан бир қаторда кино, телевидение ва радиода ҳам бетакрор роллар ижро этди. Жумладан, "Бой ила хизматчи"да Гулбаҳор, "Стадионда учрашамиз"да Раъно, "Опа-сингил Раҳмоновалар"да Дилдор, "Ҳамза"да

Саодат ҳамда биринчи ўзбек телефильми “Азизахон”да Азизахон, “Зайнаб ва Омон”да Зайнаб, “Еттинчи ўқ”да Хоним каби роллари кино санъатимиз ютуқларидан бўлди.

Республика радиосидаги “Театр микрофон олдида”, “Бир актёр театри” каби эшиттиришларда фаол қатнашган актриса қатор радиоспектаклларда ҳам роллар ижро этган. Хусусан, “Медея”, “Кашмир қўшиғи”, “Дубровский” каби классик асарлар асосида тайёрланган радиопостановкалар ижрочиси, шунингдек, норвег драматурги Г.Ибсеннинг “Нора”

радиоспектаклининг режиссёри ва бош роль ижрочиси ҳамдир.

Яйра Абдуллаеванинг сермазмун ва самарали ижодий фаолияти давлатимиз томонидан “Ўзбекистон халқ артисти” (1964) унвони, Давлат мукофоти, “Дўстлик”, “Эл-юрт хурмати” орденлари билан муносиб тақдирланган.

Бугунги кунда Яйра Абдуллаева табаррук ёшда қадрдон театр жамоаси орасида неча-неча ёш ижодкорларга устозлик қилиб, том маънода театрнинг Онахони бўлиб келмоқда.

*Эсонбой ЎРИНОВ,  
театршунос*

## РИММА АҲМЕДОВА



**Р**имма Аҳмедованинг номи ҳозирги ўрта ёш ва ундан каттароқ санъат муҳибларига яхши таниш. Агар ўзбек актёрлик санъатида Римма Аҳмедованинг фақат у билангина барҳаёт ўз ўрни бор эди десам, ҳақиқатга бир оз яқинлашган бўламан. Билмадим, ҳарқалай, менга ўтган ва ўтмаган актрисаларимиз ичида Римма Аҳмедова деган ходиса энг маҳобатлиси бўлиб туюлади. Чунки у ҳеч қачон томошабин ортидан юрмади, эргашмади, балки аксинча, ҳамиша эргаштирди, ундан баландроқ юрди. Биз одатда актёрликни ишонтириш санъати деймиз, сахнадаги хатти-ҳаракати, қилиқлари ва гапига томошабинни

ишонтира олган актёрни ҳақиқий санъаткор деймиз. Бу қанчалар тўғри, билмадим, ахир кўзбойлоғич ёки лўттибоз ҳам кишиларни ишонтирибгина мақсадига эришади. Актёр, назаримда, албатта ҳиссиёт дунёси билан бирга тафаккурга ҳам мойил, фикрга, мушоҳадага ундовчи фикрли ва фаҳмли шахс бўлмоғи лозим. Бунга яна қалбидан сизиб чиқадиган дард ҳам қўшилса, актёр ишининг ҳалол ижроси шу. Бу ўйлар менинг кўз ўнгимда Римма Аҳмедова санъати намоён бўлаётгани учун ҳаёлимга келяпти.

1942 йилнинг 4 август куни суронли уруш палласида таваллуд топган актрисанинг ижод йўли Тошхўжа Хўжаев ва Александр Гинзбург каби атоқли режиссёрларнинг театрдаги сўнгги йиллари ва ёш режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг янги иш бошлаган даврига тўғри келди. Ундаги изтиробнинг қудратини ҳис қилган режиссёрлар актрисани гоҳи меҳр учун азобга дучор этилган Корделия (“Қирол Лир”) ёки аламқаш Тиэ (“Ўғирланган умр”) ва ёки жафоқаш Таннозхон (“Тарих тилга кирди”) ёки яна дардли нидосига бирон кимса қулоқ

тутмаётган бечора Шаркия (“Кўк эшик ортидаги аёл”) ёхуд яқин кишиси бахти учун ўзини бахтсизликка дучор этган Хонзодабегим (“Юлдузли тунлар”) қиёфасига киритдилар. Актрисанинг ўзи бир вақтлар “Парвоз” спектаклидаги Санам образини қандай тасаввур этиб, қандай талқин қилганини эслаб, матбуотда эълон этилган бир суҳбагида қуйидаги фикрни баён этган эди: “Санамнинг бирор кимсага ёрилиб, юрагини ўртаган ададсиз дардларини тўкиб солишга орияти йўл қўймайди. ...Шу боис у узоқ фурсат ўзини-ўзи ёзғириб, таҳқирлаб, ўзи билан ўзи курашиб яшайди. Бу образни мен ана шундай ҳис этдим ва шу аснода талқин қилдим”. Дарҳақиқат, ўзининг ҳам дардларини тўкиб солишга актрисанинг орияти йўл қўймасди...



У бу образларда очилди, сочилди, аммо баҳор бўлиб эмас... чунки у баҳорий ёшида хазон ҳидини уфурарди. Унинг кулгисиди, шодон қийқириқларида маъюслик бор эди. Тақдир унинг овозигагина эмас, ижодий қисматиға ҳам маҳзунлик битган экан...

Ўтган аср 80-йиллари иккинчи ярмида санъатга ношудларча раҳбарлик қилиш оқибатида 25 киши Ҳамза номидаги Академик театрдан “Ёш гвардия” ёшлар театрига (ҳозирги Ўзбек Давлат драма театри) ўтди. Отахон театрнинг етмиш йиллик пасту баланд тарихида бир ҳалқа узилди. Иккига бўлиниб, икки театр бўлиб яшай бошлади. Римма Аҳмедова ҳам бошқа театрга ўтиб янгитдан иш бошлади. Бири-биридан турфа, бири-бирига зид образларда жонланди. Бироқ шунда ҳам ўз моҳиятидан, табиат унга бахшида этган мунис, ўйчан, ҳамиша истиғфорга мойил ўзлигидан айрилиб кетолмади. Кетолмасди ҳам. Зеро, унинг ҳаётдаги ҳам, санъатдаги ҳам бонлиғи шу...

Мастура сатанг Ҳамза драма-

тургиясидаги барча аёллар ичида мураккаброғи. Уни бир оғиз сўз билан характерлаш мушкул. Мастура Ҳамза “аёллари”нинг энг зиддиятлиси, энг жафокаши, хўрланган ва ҳақоратланганидир. Бу аёл дунёга келибдики, эзилганнинг топталганини кўради. Инчунин, паранжи ортидаги аёлнинг дунё-дунё армонлари, ўтли “оҳ”ларини эшитади. Ҳамдард бўлиб, оғриқларига даво тополмагач, уйин-кулги, вақти хуш-

лик, илтифотли ҳамхоналик билан уларга малҳам бермоқчи бўлади. Шу билан ўзи ҳам тирикчилик қилади. Аёлнинг кўнгилхушлик қилишида ҳақсизликка қарши ожизаларнинг туғенини, хуфия исёнини кўради: “Биз бу кўчаларда кўнгил гадоси бўлиб юрибмиз... Менинг қўлимдан беш юзга етиб хуфияси, сатанги, акабаччалари чиқди. Йигирмага етиб ҳар юртдан қиз қочирдим. Ҳаммаси зўрлик билан эрга тегиб, кўнгилсиз бўлганлар... Ҳозирда юртимизнинг ярмидан кўпи акабаччалик бўлса, қолгани ўйнашлик. Нима қилсин, яхши кўрганига тегмаганидан кейин ноилож хилват топиб ўйнайди ёки сатанглик, акабаччалик билан ўзини юпатади... Қундуздек йигитларни чимматнинг орқасидаги кўз кўрмайдими? Шундай бўлгандан кейин хотин-қизда ҳеч гуноҳ йўқ. Хўп қилади, ажаб қилади”.

Гарчи шу ишонч билан Мастура ўзини юпатса-да, кўнглининг бир четида хавотири бор: жамият ҳар қанча бузғун-бузук бўлмасин, бироқ ахир Худо бор. Оллоҳнинг

каломи эса, гуноҳкорлар ичра гуноҳкор бўлмоқни эмас, балки муслим бокира бўлмоқни тақозо этади. Мастуранинг кўнглидаги хавотир шундан. Шу боис, кўшмачиликдан келаётган даромадни кўйиб, дўппи тикади, шундан пул тўплаб, бир куни, албатта ҳаж сафарига боришни, "...килмишлари учун қора бўлган юзларини Байтуллоҳга суришни" орзу қилади. Шулардан кейин ҳам Мастурани оддийгина



аёл деб бўладими?

Римма Аҳмедованинг Баҳодир Йўлдошев ишлаётган театрга ўтиб, ўйнаган энг залворли роли ана шу Мастура сатанг бўлди ва образнинг айни ўша ечимида яллачи аёл қиёфасига кирди. У ўзигача аввал турли атоқли актрисалар томонидан талқин этилганидек кўзлари дунёга, одамларга қаҳрли, совуққон боқувчи, дийдаси қотган аёл бўлиб эмас, балки ҳар бир сўзи ортида оғриғи бор, қилаётган ишидан иккиланиб, ички изтиробларда ўртанаётган дардманд ҳамшира бўлиб гавдаланади. Уни сахнада кўриб қоралай олмайсан киши. Аксинча, ҳаёт бу қадар шифқатсиз бўлмаса, дея ҳамнишинлик туясан.

Зотан, бу ҳолатни, чорасизликни ўз бошидан бирон кун бўлса-да, ўткармаган кимса, шундай талқин ва ижрога эришмоғи мумкин эмас...

Римма опа Мастурадан кейин ўтган йиллар ичида яна битта роль ўйнади. Оврупо драматургиясидан олинган "Оилавий можаро" (ўзбекча таржимада "Алдагани хотин яхши") пьесасида Римма Аҳмедовага давру даврони ўтган

фоҳиша аёл роли тегди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, энди актриса Мастура ялланинг анчагина бепарда ва суюқоёқ овруполик эгачисини ўйнамоғи керак эди. Уйнади ҳам. Уйнагандаям, бутун томошахонадагиларни ўзига маҳлиё қилиб, кулдириб, кўздан ёш чиқарлик даражада кулдириб ўйнади. Саҳна ҳаракати, саҳнадошлар билан муносабатга киришуви — бари катта усталарга хос. Ҳа, у катта уста бўла олди. Гарчи вақтидан анча кейин унинг маҳорати, хизматларини расман тан олиб, унвон берилган бўлса-да, Римма Аҳмедова ўзбек, балки жаҳон театр санъатининг ўзига хос намояндаларидан бўлиб мухлислар хотирасига кирди.

Театрдан ташқари Римма Аҳмедова ўттиз йилдан ортик давр мобайнида дубляжга борди, радио, телевидениеда жиддий ишлар қилди. Кинофильмларда ҳам суратга тушди. Айниқса, ўтган асрнинг 80-90-йиллари телевидениеда намоёиш этиладиган бирор ўзбек тилидаги фильм йўқ эдики, унинг овозини эшитмасангиз. Эшитганингиз сари қулоққа хуш ёқадиган, жарангдор, хушоҳанг, соҳир овоз. Янаям аниқроғи, дардчил хушоҳанг овоз. Дардчил жарангдор. Ҳа, ҳа, дардчил жарангдор. Шундай овоз бўлади. Бу фақат унда бор эди. "Уруш ва тинчлик" фильмидаги жажжи Наташа Ростованинг бал узра югуриб, отасининг сакраб ўйнашига барчанинг диққатини жалб этиб, шодон қичқиришларида дардчил жаранг бор. Бу ҳаётнинг катта талотўплари, мураккабликлари олдида ҳадемай довираб қоладиган покиза қизчанинг овозидаги ҳадикли жаранг эди.

Уни эшитишдан биз ҳаммиша ёқимли ҳислар туямиз. У Римма Аҳмедова эканини ҳаммиша унутамиз. Бу ҳаммиша унинг маҳоратига, овоз жозибасига бизнинг ўзига хос ташаккуримиз бўлади. Бунини санъаткорнинг дубляж санъатига фидойилиги, ўз устида доимо ишлаши дея баландпарвоз бўёқларга берилишнинг ҳожати йўқ. Агар шу пайтгача шундай ёзиб келган



бўлсак, бу бизнинг жиндек эрка-лигимиз, жиндек хушомадимиз, жиндек муҳаббат ва жиндек сод-далигимиз (шайтонликдан ўзинг асра!) эди, чамаси. Дубляж Римма опа учун хунар эди. Ахир 1000 дан ортиқ санок хунарманднинг ҳисоби эмасми?! У шунча фильмда овоз берганди. Кичик оиласининг катта ташвишларига эп бўлгувчи ризк бир чети шундан эди. У биз-ни овоз жозибаси билан ҳайратга солган экан, бунинг замирида асли азбаройи ризкини ҳалоллаб топиш учун бўлган саъй-ҳаракати ҳам бор эди. Унга, унинг овозига берил-ган баҳолар ва ҳамиша дубляжга таклиф қилиниши эса меҳнат-

машаққатига яраша ҳалоли эди. Балки ана шу ҳалоллик унинг фал-сафаси ҳам бўлгандир. Демакки, Оналик фалсафаси тақозоси билан ҳам буй кўрсатган катта санъати...

У ҳамиша оғир, вазмин, кам-тарин, камгап эди. Худди ҳамиша файласуф бўлгандай. Назаримда, у умрининг сўнги даврларида кўп нарсага файласуф нигоҳи билан қарарди. Дунё ишларини файла-суфона мушоҳада этарди. Римма Аҳмедова ҳаётининг охири кун-ларигача шундай яшади. Бу ёруғ оламдан ҳам олтмиш тўрт ёшида – 2006 йилнинг 13 ноябрида худди ўшандай сассиз, унсиз, жимгина кўз юмди.

*Шухрат РИЗАЕВ*

## СУКУНАТНИ ИЗЛАГАН ОВОЗ



**Х**аётнинг сермавж тўлқинлари Ҳаро ўзанини излаб кезаёт-ган кўнгил ҳамиша саволларга, қийноқларга дуч келиб, топилган жавоблардан тиниклашиб бора-веради. Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов тийнатида ҳам таржима қилинмаган қалб садоси – ички монологига эга бўлган актёр яширинлигини сезиш мумкин.

### Ўзни англамоқ мақсуди

Кўпинча бирор киши ҳақида сўз юритсак, гапни унинг қаерда ва қачон туғилганидан бошлаймиз. Анъаналарга содиқ қолиб сўз бош-ласак, қахрамонимизнинг ҳам 1948 йил 21 августда Тошкент шаҳрида наслу насабли оилада таваллуд топгани, Тошкент театр ва рассом-

лик санъати институтини тугатиб, 1973–1987 йилларда Ҳамза но-мидаги Академик театр (ҳозирги Миллий театр)да, 1987 йилдан ҳозирга қадар Ўзбек давлат драма театрида ишлаб келаётганини қайд этмоқ лозим, албатта. Аслида эса бундай битикларда қахрамоннинг умр мазмунини, ўзлигини англаши муҳим. Афзал Рафиқов ҳам босиб ўтган йўлига назар ташлаганда бах-тиёр болалик, ёшлик хотиралари эмас, ички ғалаёнлару тизгинсиз туғёнлари қалбини орзиқтиради.

Ўтган асрда юзаси тиник кўринган, аммо чок-чокидан сўкилаётган ягона мафкура ҳукм су-раётган бир даврда ёш Афзалнинг та-факкурида недир ўзгаришлар сезила бошлайди. Ҳам инсон, ҳам актёр си-фатида дунёқарашида карама-қарши саволлар пайдо бўлади. “Нимадир ўзгариши керак...” деган ўй бот-бот ҳаёлида айланади. Бахтга қарши, сахнада яратган ролларида буни акс эттириб бўлмасди. Қиёфаси мил-лий қахрамон образини яратишга унчалик тўғри келмаслигидан, ўша давр мафкурасига мос қахрамонлар ролларини (Стариков – “Уйланиш”, Плужников – “Рўйхатларда йўк”, Александров – “Тирик мурда”, Вол-

ков – “Афгон репортажи”) ўйнаган кезлари миллий қахрамонни яратиш орзуси ичига тошдек чўкиб борарди. Алалоқибат ўзи севган, таскин излаган сахнани, театрни тарк этишни тўғри йўл, деган ахдга келади. Аммо атрофидагиларга, ҳамкасбларига, дўстларига бу тутумнинг сабабини изоҳлай олмай қийналади. Устози Баҳодир Йўлдошев ёнига кириб театрдан кетишини айтганида, кўпни кўрган режиссёр актёрдаги ички ғалаённи сезиб, бир оз шошмай туришга ундайди. Орадан икки ҳафта ўтиб, театр янги мавсумни бошлаши арафасида ушбу масала яна жамоа муҳокамасига ташланади. Зайнаб Садриева, Пўлат Саидқосимов, Тўйчи Орипов, Обид Юнусов, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев каби устозлари, дўстларининг ахдидан қайтаришига жавобан рози бўлгандек кўринса-да, ич-ичидан кетиш тараддудини кўра бошлайди.

1989 йил охирида актёрнинг онаси 63 ёшида вафот этади. Бу жудоликдан янада оғир аҳволга тушган актёр учун малҳам топилмайди. Гўёки, тақдирнинг мураккаб ролини ўйнаш чекига тушган эди. Энг яқин суянчи тарк этган, яна бир ҳамдами бўлган театрдан ҳам ҳаловат тополмаётган бир пайтда ўзини қайта идрок этиш зарурати туғилади. Бунинг бирдан-бир йўлини ўзбек томошабини қалбига кириш, аниқроғи, миллий қахрамон тимсолини яратишда, деб билади. Қаерда бўлмасин – кинодами, телевидениедами – ортидан эргашиб юрган муаммо – оврупоча қиёфаси иккинчи даражали қахрамонлар ролларигагина (адабиётда ҳам, санъатда ҳам миллий қахрамон ёнида албатта рус миллатига мансуб дўсти бўлиши талаб этиларди) тўғри келишидан қийналарди. Театрдан кетишга чоғланган актёрни эса фақат бир роль қайтариб қолади. Бу драматург Шухрат Ризаевнинг “Искандар” пьесаси асосида Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган спектаклдаги Навоий роли эди.

Ҳазрат Навоий образини яратиш жуда мушкул вазифа бўлиб кўринса-

да, рус маданияти, рус тилини пухта эгаллаган, ҳатто русча тафаккур билан яшаётган инсон учун ўзига яқину лекин бегонадай туюлган она тилидаги сеҳрли оҳангни ҳис этиш ўзлигига қайтишнинг ягона имкони бўлиб кўринади. “Искандар” пьесасида улуғ шоирнинг “Ихтилофим боиси улки, ўзни англамоқ мақсудима етишмадим, бильякс ўзгани билмоқ тараддудини қиламенми?!” деган изтиробиди актёрнинг ҳам ҳаётгий мақсади мужассам эди. У ўзни англамоқни Навоийдан излайди. Гарчи уни ҳеч ким Навоий тимсолида кўрмаса ҳам, уни талқин этишига шубҳа билан қарасалар ҳам, ўз йўлида давом этади ва у зотнинг маънавий кўмагига таянади. Аруз қонуниятларини ўрганишга, ғазалларни тушунишга жазм қилади. “Хамса” достонини мутолаа қилиб, ундаги маънолар маҳзанини кашф этади. Пушкин, Лермонтов ижодига таҳсин ўқиб юрган актёр дунёқарашида туб бурилиш рўй бериб, қалбини ўртаётган азобларга малҳам топилгандек бўлади.

1991 йил 21 март куни премьераси бўлиб ўтган спектаклни томошабин олқиш билан қарши олади. Бу ҳам актёр, ҳам инсон сифатида ўзини намоён этиш учун бир имтиҳон эди. Ана шу синовдан ўтсагина ижодий парвоздан умид қилса бўларди. У бу вазифанинг уддасидан чиқади.

## Эътироф

Бирин-кетин ўзи орзу қилгандек роллар берилди бошлаган, яна сахна дарди билан яшаётган актёр яратган қахрамонлари орқали қайтадан томошабин кўзгусига ўзини тутди. “Келинлар кўзғолони”, “Фармон-биби аразлади” спектаклларида Ҳаким, “Фаридун”да Фаридун, “Аршин мол олон”да Султонбек, “Тоға ва жиянлар”да Фозил ота, “Қирол Лир”да Лир, “Ассалому алайкум, қизлар”да Аслзода, “Ёзилмаган мактуб”да Полковник, “Чингизхоннинг оқ булут”да Чингизхон каби роллари билан эл назарига тушади.

Театр 1989 йили “Шарқ алло-малари” спектакли билан Овру-

по сафарига, 1993 йили француз адабаси Фотима Галер қаламига мансуб “Малика” пьесаси асосида сахналаштирилган спектакль билан Францияга – Авиньон фестивалига меҳмонга йўл олади. Бу намоишлар Афзал Рафиқов учун ҳам ўзини кашф этиш имкони бўлди. 1996 йилда актёр ЮНЕСКО томонидан Парижда ўтказилган “Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги”га бағишланган тадбирда катнашиб, машҳур “Одеон” театри сахнасида Атоий ролини ижро этади ва томошабинлар олқишига сазовор бўлади.

### Мезон

Афзал Рафиқовнинг актёрлик маҳорати қирраларини яққол акс эттирган яна бир ролни алоҳида таъкидлаш керак. Бу – Шекспирнинг “Отелло” трагедиясидаги Яго образи. Актёр таъбири билан айтганда, мазкур мумтоз асар актёр учун юксак мезон вазифасини ўтайди. Зеро, ушбу мураккаб образни очиш учун улкан истеъдод талаб этилади. Актёр талқинидаги Яго оддий инсон, содиқ дўст, тадбиркор саркарда сифатида намоён бўлади. Дездемонага ошиқ бўлиб бутун борлиқни, ҳатто содиқ дўстини ҳам унутиб қўйган Отелло аслида Ягога хиёнат қилганлиги – лейтенант унвонига ҳам раво кўрмагани дўстининг қалбига оғриқ солади. Шунинг баробарида Яго ҳам Дездемонага бефарқ эмасдек. Яго ўзининг ҳийлалари билан дўстликка хиёнат қилган кимсага сабоқ бериб қўймоқчи бўлади. Актёр ижросида қахрамон шу қадар нозик талқин этилади. Натижада Ягога кишининг раҳми келади. Томошабин уни тушунади, хайрихоҳлик туяди. Унинг асар сўнигида чекадиган фигонидан кўзига ёш олади. Актёр таъбири билан айтганда, “Саҳъатнинг шираси ана шунда эди”.

### Қалб овози

Инсон қалбига йўл сўз орқали топилади. Айниқса, ҳар бир каломда маъно акс этса. Афзал Рафиқов ҳам истеъдодли актёр, айни чоғда



бугунги ўзбек дубляжининг етакчи вакиллари билан бирдир. Актёрнинг ўзи ҳам ўзбек дубляжи мактаби, унинг сабоқларини олганини ифтихор билан таъкидлайди. Бугун бу мезонлар ўзгариб, сийқалашаётганидан афсус чекади. Унинг наздида, экрандаги актёр кечинмаларига, унинг дардига овоз берувчининг қалби қўшилмаса, улар орасида уйғунлик сезилмаса, томошабиннинг қалб торларини чертиш амримаҳол.

Театр саҳъати фидойиларидан бири К.С.Станиславский умри шомида шоғирдларига саҳъатга ҳаётнинг икир-чикирларидан холи бўлиб киришиш лозимлигини уқтиргани тарихий манбаларда муҳрланган. Мазкур фикрга Афзал Рафиқовнинг “Қанийди, борлиқда сени ҳеч ким кўрмаса, одамларни кузатсанг, ҳаёт мазмунини ўтқинчи суҳбатлардан эмас, қалбингдан изласанг”, деган сўзлари ҳам ҳамоҳанг. Зотан, актёр ҳамон ҳаёт мазмунини камолот сари интилишда деб билади.

*Дилшод ШУКУРОВ*



**КАТРИН  
ВЕЛЬЦ  
ШТАЙН**

Замонавий Малайзия тасвирий санъатининг таниқли вакили, рассом-дизайнер Катрин Вельц Штайн “Нилуфар гули”, “Саёҳат”, “Тўзал табиат”, “Олам”, “Ой билан сайр” каби ажойиб суратлари билан рангтасвир мухлисларига яхши таниш.

Рассом Германияда туғилган. Болалигидан расм чизишга жуда қизикқан. Катрин фотоаппаратда суратга олишнинг ҳам ишқибози эди. Мумтоз ва замонавий мусаввирлар асарларини мунтазам томоша қиладиган Катрин улғайгани сари тафаккури тиниклашиб, рассом-дизайнер бўлишни дилига тугди. Шу ниятда Дармштадт университети (Германия) рассомлик ва дизайн факультетига ўқишга кирди. График дизайнер мутахассислиги бўйича бакалавр дипломини олгач, қизғин фаолият бошлади. Ишлари ҳам юртдош, ҳам хорижий мутахассисларга манзур бўлгач, хорижий реклама агентликларидан таклиф тушади. Шу тариқа Катрин Швейцария, АҚШ мамлакатларида ижод қилиб, ўзининг янги ижодий қирраларини намоён этди.

Катрин суратлар билан ишлашни хуш кўрарди, шунинг учун у суратларга ижодий ёндашиб, бутунлай янги суратлар яратиш ғоясини илгари суради. Суратлар ва иллюстрацияларни тўплаб, коллаж усули билан бир нечта суратлар яратади, ҳамда уларни интернетдаги ижтимоий тармоқларда намойиш этади. Расмлари мухлислар томонидан ижобий баҳоланади. Шундан сўнг Катрин эски сурат ва иллюстрацияларни йиғиб, рақамли коллаж усули билан суратларни яратишга киришади. Унинг янги ва бетакрор картиналари мухлисларга манзур бўлиб, ихлосмандлари кун сайин ортиб боради. Вақт ўтиб, унинг ўзига хос услуги шаклланади. Катрин суратларида тасвирланган эртақларнинг мўъжизакор, сеҳрли олами, хаёлот манзаралари табиат тасвирлари билан уйғунлашиб кетади. Унинг ижодида инсон образи асосий ўринни эгаллаб, гўзал табиат манзаралари билан уйғунликда ниҳоятда жозибали гавдаланади. Журналимизнинг бу галги сониде такдим этилаётган “Тўлин ой” картинаси ҳам Катриннинг мухлислар эътирофига сазовор бўлган асарларидан биридир.

Ҳозирги кунда Катрин Вельц Штайн Малайзияда истиқомат қилади. Ҳар йили бўлиб ўтадиган турли кўргазмаларда намойиш этиладиган суратлари санъатшунослар томонидан ижобий баҳоланади.

*А. УМАРОВ  
тайёрлади*



## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

### 4 АВГУСТ

**1859-1952 йиллар. Кнут Ҳамсун**, норвегиялик ёзувчи. Нобель мукофоти лауреати (1920). “Мистерия”, “Пан”, “Замин шарбатлари”, “Тугаётган умр”, “Кудук олдидаги аёллар”, “Сўнгги боб”, “Дайдилар”, “Очлик”, “Август”, “Ҳаёт давом этади” романлари, “Подшоҳ дарвозаси олдида”, “Ҳаёт драмаси”, “Кечки шафак” пьесалари муаллифи.

### 7 АВГУСТ

**1947 йил. София Ротару**, украиналик эстрада хонандаси. “Мен сенинг севгилинг”, “Осмон бу – мен”, “Мени сев”, “Ишқ туни”, “Севги карвони”, “Романтика”, “Муҳаббат, қайдасан?”, “Фақат сен”, “Олтин юрак”, “София Ротару куйлайди”, “Мен уни севар эдим”, “Туман”, “Лаванда”, “Ишқ хақида монолог” каби кўплаб мусиқий альбомлари машхур.

### 10 АВГУСТ

**1912-2001 йиллар. Жоржи Амаду**, бразилиялик ёзувчи. “Бепоен замин”, “Габриэла, чиннигул ва долчин”, “Дона Флор ва унинг икки жазмани”, “Тереза Батист”, “Пистирма”, “Ўтлик денгиз”, “Какао”, “Жубибаба” каби романлар муаллифи.

**1910-1978 йиллар. Амин Турдиев**, Ўзбекистон халқ артисти, актёр. Миллий театрда турли

## ТАҚВИМ

йилларда сахналаштирилган спектакллар: “Бахтсиз куёв”даги Куёв (А.Қодирий), “Ҳалима”даги Ҳаммо (Ғ.Зафарий), “Арслон”даги Дехқон (А.Фитрат), “Алишер Навоий” драмасидаги Хусайн Бойқаро (И.Султон, Уйғун), “Оғрик тишлар”даги Заргаров (А.Қаххор), “Жалолиддин”даги Чингизхон (М.Шайхзода) каби кўплаб роллари билан шуҳрат қозонган.

### 13 АВГУСТ

**1899-1980 йиллар. Альфред Хичкок**, америкалик кинорежиссёр, ўткир сюжетли фильмлар устаси. “Ҳар доим хотинингга айт”, “Оромгоҳ – 1926 йил”, “Жудаям кўп нарсани биладиган одам”, “Сирли агент”, “39-кадам”, “Кўпоровчилик”, “Еш ва бегуноҳ”, “Телба” каби фильмлари дунёга машхур.

### 14 АВГУСТ

**1860-1946 йиллар. Эрнест Сетон Томпсон**, машхур инглиз ёзувчиси. “Ов остидаги ҳаёт”, “Ёввойи ҳайвонлар, сизни қанчалар биламан” ва “Ёввойи ҳайвонлар ҳаёти” номли саккиз жилдли асари шуҳрат келтирган.

**1921-1997 йиллар. Жоржо Стреллер**, италиялик театр режиссёри. “Сичуанлик меҳрибон”, “Фауст”, “Чайка”, “Олчазор”, “Икки бойга бир малай”, “Макбет”, “Ричард III”, “Қирол Лир”, “Кариолан”, “Юлий Цезар”, “Галилей ҳаёти”, “Ревизор” спектакллари, “Дон Жуан”, “Жанна Д’Арк оловда”, “Фигаронинг уйланиши”, “Макбет”, “Жангчи тарихи” каби кўплаб опералар сахналаштирган.

### 15 АВГУСТ

**1771-1832 йиллар. Вальтер Скотт**, британиялик ёзувчи, шоир. “Айвенго”, “Монастир”, “Денгиз қароқчиси”, “Тумор”, “Икки подачи”, “Никоҳ”, “Аббат”, “Реб Рой” каби насрий асарлар, “Кўл кизи”, “Мармион”, “Ороллар ҳукмдори” шеърий китоблари муаллифи.

**1884-1919 йиллар. Аваз Ўтар**, ўзбек маърифатпарвар шоири. “Саодат ул-иқбол”, “Девони Аваз” номли девонлари, “Фалоний” тахаллуси билан ҳажвий шеърлар туркуми бор. “Миллат”, “Хуррият”, “Тил”, “Топар, эркан қачон”, “Халқ”, “Замон” каби шеърлари машхур.

### 17 АВГУСТ

**1942-2008 йиллар. Муслим Магомаев**, озарбойжон опера хонандаси. “Фигаронинг уйланиши”, “Севилия сартароши”, “Дон Жуан”, “Отелло”, “Ригалетто”, “Кармен”, “Евгений Онегин” операларида етакчи партиялар, “Олис-олис”, “Мен билан бўл”, “Дунёдаги энг гўзал шаҳар”, “Қиролича”, “Қор ёғади”, “Чексиз осмон” сингари юзлаб кўшиқлар ижро қилди.

**1953 йил. Херта Мюллер**, немис ёзувчиси, шоира. Нобель мукофоти лауреати (2009). “Нафас ол, нафас чиқар”, “Ёвузлик”, “Сени бугун учратмасам бўларкан” романлари, “Ува”, “Ғамгин танго” ҳикоя тўпламлари муаллифи.

### 21 АВГУСТ

**1871-1919 йиллар. Леонид Андреев**, рус ёзувчиси. “Инсон ҳаёти”, “Анфиса”, “Ҳаётимиз кунлари”, “Анатэма”, “Мулоҳаза”, “Екатерина Ивановна” пьесалари, “Василий Фивейсков ҳаёти”, “Битикларим”, “Губернатор”, “Уруш асорати”, “Шайтонлар кундалиги” каби романлар муаллифи.

### 24 АВГУСТ

**1899-1986 йиллар. Хорхе Луис Борхес**, аргентиналик ёзувчи. “Ой остида”, “Аргенталиклар тили”, “Темир танга”, “Олтин йўлбарслар”, “Етти кеча”, “Муҳокама”, “Уйдирма”, “Кўнгилдаги атиргул”, “Сирли ҳаёт” ва бошқа китоблари билан машхур.

**1947 йил. Пауло Коэльо**, бразилиялик ёзувчи. “Алкимёгар”, “Ўн бир минут”, “Мактуб”, “Оталар, ўғиллар ва боболар”, “Иблис ва Примхоним”, “Брида”, “Пайғамбарнинг ишқий мак-

туби”, “Афсунгар кундалиги” сингари асарлари шуҳрат келтирган.

### 26 АВГУСТ

**1914-1984 йиллар. Хулио Кортасар**, таниқли аргентиналик ёзувчи. “Имтиҳон”, “Ютуқлар” романлари, “Ўзга осмон”, “Кичик жаннат”, “Таъқиб этувчи”, “Мен жиддий ўйнайман...”, “Ўйиннинг бошланиши”, “Биз Глиндани шундай сева миз” ва бошқа кўплаб ҳикоялар тўпламлари муаллифи.

### 28 АВГУСТ

**1931-2004 йиллар. Рўзи Чориев**, Ўзбекистон халқ рассоми, академик. “Фарғона водийсида куз”, “Тошкент. Баҳор”, “Автопортрет”, “Кўкнори”, “Зикир Муҳаммаджонов портрети”, “Сайроблик қария портрети”, “Имон бобо портрети”, “Ботир Зокиров”, “Келин” каби асарлари машхур.

### 30 АВГУСТ


**1860-1900 йиллар. Исаак Левитан**, рус мусаввири. “Куз кунни”, “Волга окшоми”, “Ёмғирдан сўнг. Дарё ўзани”, “Тунги жаранг”, “Майин шамол. Волга”, “Қуёшнинг сўнгги нурлари”, “Тонг. Ғарам”, “Тонг”, “Ёмғирдан кейин окшом”, “Сукунат”, “Март” каби асарлар ижод қилди.


### 31 АВГУСТ


**1908-1981 йиллар. Уильям Сароян**, америкалик ёзувчи. “Ҳаётингизнинг энг гўзал йиллари”, “Пинг-понг ўйинчилари”, “Юрагим тоғларида”, “Ҳой, ким бор?”, “Фор одамлари” пьесалари, “Инсон комедияси”, “Весли Жексон саргузаштлари”, “Онажон, мен сизни яхши кўраман”, “Болалар ва қизлар” ва бошқа романлар муаллифи.


*Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади*

## RESUME

 This issue of the magazine is devoted to the countries of Oceania. In this regard some stories of Malaysian, Indonesian and Singaporean writers as Chris Mas, Sinnatambi Razharatnam and Anwar Ridvan are published. Including, some famous poets of Oceania, such as Tawfeeq Ismail, Aziz Deraman, Tarigana and others' poems are provided to readers. In the heading "Globe" is offered an interesting article about the countries of Oceania, about their literature, culture and art.


 In the column "Prose" is printed the magazine version of the novel "Perfumer" by German writer Patrick Suskind, besides readers are able to read the interesting story "Firuza" of the famous Ukrainian writer Iván Franco with translation by Uzbek skillful translator Chulpan, the end of the novel "Youth of the Poet" by Karakalpak's writer Sh. Usnatdinov is offered.


 The drama of Byelorussian writer, playwright Alexey Dudarev "Dump" is published in the heading "Dramatic art".


 This year, celebrated 100 years of Uzbek National academic drama theatre. Due to this event some short essays are given in the magazine, which are born in august, creativity of national persons of theatre and cinema, such as Yayra Abdullaeva, Rimma Akhmedova and Afzal Rafikov. In the heading "Unforgettable Persons" is paid attention to founder of Uzbek cinematography, cameraman Hудайберган Devanov by whom 135 years since birth are executed.

## РЕЗЮМЕ

 Данный выпуск журнала посвящается странам Океании. В связи с этим публикуются рассказы писателей Малайзии, Индонезии и Сингапура, таких как Крис Мас, Синнатамби Ражаратнам, Ахдиат Картамихаржа и Анвар Ридван. Вместе с тем, читателям предоставляется образцы стихов известных поэтов Океании, такие как Таригану, Тауфик Исмаил, Азиз Дераман и другие. В рубрике «Глобус» предлагается занимательная статья о странах Океании, об их литературе, искусстве и культуре.

 В рубрике «Проза» предлагается журнальный вариант романа немецкого писателя Патрика Зюскинда «Парфюмер». Помимо этого читатели могут ознакомиться ранним переводом великого узбекского поэта, переводчика Чулпана, который перевёл рассказ известного украинского писателя Ивана Франко «Фируза» и завершением романа «Юность поэта» каракалпакского писателя Ш. Уснатдинова.

 В рубрике «Драматургия» публикуется драма известного белорусского драматурга Алексея Дударева «Свалка».

 В этом году отмечается 100 летний юбилей Национального академического драматического театра Узбекистана. В связи с этим публикуется короткие очерки – творческие портреты выдающийся деятелей Национального театра таких как Яйра Абдуллаева, Римма Ахмедова и Афзал Рафиков, которые родились в августе месяца. А также в августе этого года исполняется 135 лет основоположнику узбекской кинематографии, кинооператору Худайбергану Деванову, о ком рассказывается в рубрике «Незабываемые личности».

---

# Жаҳон АДАБИЁТИ

2014 йил август сони

Навбатчи муҳаррирлар: О. САФАРОВ,  
М. МУҲАММАДАМИНОВА  
Техник муҳаррир: М. АЛИЕВА  
Мусахҳих: Д. АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: А. УМАРОВ  
Дизайнер: Д. ҲАМИДОВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинмиши шарт.

**Таҳририят манзили:**

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 03.09.2014 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 2500 нусха. 3596 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, “SHARQ” НМАКда чоп этилди.  
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2014 й.